



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2014



«ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ»

НОДАР ДУМБАДЗЕ

Абадият қонуни

Ҳикоя, қисса ва романлар



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2014

821.353.1-3-

Грузин
адабиёти

УЎК: 821.512.133-3
КБК.84.(5Гр.)
Д-87

Русчадан
Низом КОМИЛ
таржимаси

Рассом Михаил Самойлов

	Alisher Navoiy
2016/1102	nomidagi
4665	O'zbekiston MK

Д-87 **Думбадзе Нодар.**

Абадият қонуни: Хикоя, қисса ва романлар/Русчадан Н.Комилов тарж.—Т.: «Sharq», 2014—464 б.

Нодар Думбадзе (1928—1984) грузин халқининг ардоқли ва суюкли адибларидан эди. Унинг «Куёшни кўряпман», «Мен, бувим, Илко ва Илларион», «Оқ байроқлар», «Абадият қонуни», «Кукарача» каби роман ва қиссалари, дилни ларзага солувчи қатор хикояларини ўзбек китобхонлари ўз пайтида қўлдан қўймай мурола қилганлар.

Ушбу китобга истеъодли ёзувчининг бир туркум сара асарлари жамланиб, эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ISBN 978-9943-00-935-6

УЎК: 821.512.133-3
КБК.84.(5Гр.)

ISBN 978-9943-00-935-6



- Жамол — скрипка!
- Янгули — мишиқи!
- Жамол — чўчқа!
- Янгули — ипириски грек!
- Жамол — сассиқтака!
- Чивинботир!
- Эшшак!
- Чувринди!
- Безори!
- Тбилисилик ландовур!
- Шени деда ватире, Янгули!
- Имана су ине простикаси инека, Жамол!

Янгули — сухумилик грек Христа Александридининг ўгли. Чўпдай озгин, елкалари туртиб чикқан, киррабурун, кўзлари чаросдек коп-кора, қўллари узунлигидан тиззасига тушиб турадиган ўн тўрт ёшли бу бола ён-атрофдаги тенгқурлари учун нақд асроилнинг ўзи эди. Муштлашишда ҳеч ким унга бас келолмасди. Ана-мана дегунча бирваракайига икки-уч болани ерга чалпак қилиб қўяверарди. Мушукдай чакқон, қайишдай чайир бола эди. Қишин-ёзин олди очик қора сатин кўйлак кийиб юрарди.

Янгули отаси билан Венециан кўчасида, Чалбаш дарёсининг бўйида яшарди. Онасини эслолмайди — чақалоклигидаёқ етим қолган. Ота-боланинг бор-йўқ давлати бир парча томорқа, биттагина сигир ва эшакдан иборат. Ошқўк, сут-қатиқ сотиб кун кўришади.

Янгули ҳеч қаерда ўқимасди. Отасининг юмушларига қарашар, ахён-ахён эшакда қўшниларга сут-қатиқ тарқатар эди. Ўзига ўзи инъом этган бор вақтини у кўчада ўтказарди. Темирйўл кесиб ўтиладиган жойда мактабдан қайтадиган болаларни пойлаб турар, биттама-битта уларнинг чўнтақларини тимирскилаб, тамакими, сариқ чақами, соат занжирими ёхуд рангли қаламми — нимаики бўлса, барини шипшийдон қилиб олиб қўяр эди. Эртасига эса ўша нарсаларни яна ўша болаларнинг ўзига

арзонроққа пуллар, сўнг тушган акчага улар билан кимор ўйнаб, ношуд шерикларининг бор-будини обдон шиларди-да, чўнтакларини қаппайтириб уйига қайтарди.

Худонинг берган куни аҳвол шу эди...

Ўн тўрт ёшли бу золим Венециан кўчасида истиқомат қилувчи барча устидан, жумладан, холаваччам Кока устидан ҳам танҳо ҳукмронлик қиларди.

Хулласи калом, Янгули даҳанинг тан олинган сардори эди.

Бизнинг танишувимиз ўттиз саккизинчи йилнинг кузларида бошланган. Нина холам мени Тбилисидан олиб келган куннинг эртасигаёқ бутун Сухумига номи кетган мусиқа муаллими Елена Михайловна Навродскаянинг уйига бошлаб бориб, ўзини таппа унинг оёқлари остига ташлади:

— Етимчага раҳмингиз келсин! Онаси скрипкага олиб борарди... Оллонинг иродаси экан, бир кунда онасидан ҳам ажралди, скрипкасидан ҳам жудо бўлди... Шу болани тарбиянгизга олинг... Қанча сўрасангиз ҳам майли...

Навродская эшитиш қобилиятимни текширди, ҳар турли ноталарни ўқитиб кўрди, бармоқларимни кўздан кечирди, иягим остидаги қадокни сийпалади. Сўнг бироз иккиланиб турди-да, нариги хонадан скрипка кўтариб чиқиб, уни созлашни буюрди. Холам типирчилаб қолди, аммо топшириқни туппа-тузук уддалаганимни кўриб сал хотиржам бўлди.

— Энди Бетховеннинг «Сурка»сини чал! — Елена Михайловна шундай дедию креслога ястанганча чалишимни кута бошлади.

Бетховеннинг номини эшитиб, холамнинг авзойи бузилди.

— Муҳтарам Елена Михайловна, балки бошқа, мундоғроқ композиторни танлаган маъқулмикин? — деди у рўмолчаси билан пешонасидаги терни артиб.

— Ие, «Сурка»ни чалолмайдими ҳали? — дея ҳайратдан Навродскаянинг қошлари чимирилди.

Ҳаётимдаги орзиқиб кутилган дақиқалар етиб келди. Олти ёшимдан буён мени эзиб-янчиб келаётган шафқатсиз мусиқа жабр-зулмидан биратўла ва бир умрга ҳалос бўлиш имконияти туғилган эди. Шу тобда биргина «Йўқ!» деган афсунгар сўз оғзимдан чиқса, бутун азобларим барҳам топган бўларди. Аммо... холамнинг ёлворгандай мўлтираб қараб туришими, Навродскаянинг таажжубланганими ёхуд ўн уч яшар боланинг ғурурим — билма-

дим, ишқилиб, аллақандай сеҳрли куч мени камончани қўлга олишга мажбур қилдию... хона ичи «Сурка»нинг содда ва бемисл оҳангларига тўлиб кетди...

Ниҳоят, куйни чалиб бўлдим. Холамнинг кўзларида лик-лик ёш, Навродскаянинг чехраси эса ял-ял ёнарди.

Елена Михайловна рози бўлди...

Уйга қайтатуриб, темирйўл кесиб ўтиладиган жойда, кўприк устида ўтирган болага кўзимиз тушди. У бир парча гишт билан зўр бериб ёнғоқ пўстини ишқаларди.

— Салом, Нина Ивановна! — деди у.

— Салом! — деди холам қуруққина қилиб.

— Кока қаерда?

— Мактабда-да, қаерда бўларди? Ҳамма сенга ўхшаган бекорчимми?

— Ким бу бола?

— Ишинг бўлмасин! — деб жавоб берди холам елкамга ниқтаб.

Янгули чўзиб хуштак чалиб қўйди. Биз йўлга равона бўлдик.

— Ҳе-ей, скрипка!

Мен ўгирилиб қардим.

Янгули тилини чиқазганча бир кўзини қисиб, худди скрипка чалаётгандай, ўнг қўлини чап билагига ишқади. Жон-поним чиқиб кетди.

— Маймун! — деб кичқирдим узокдан мушт ўқталиб.

— Эртага бизникига кир, мушт ўқталишни ўргатиб қўяман! — деди у хахолаб.

— Қачон безорилигинг қолади, а? — Холам куйиниб бошини сарак-сарак қилди.

— Ким бу?

— Грек бола, Янгули. Отаси уйимизга сут опкеб туради... Унга яқинлаша кўрма! Безори у... Куну тун кўчага танда қўйган.

Мен яна бир бор ўгирилиб қардим. Янгули ёнғоқ ишқалаганча масхараомуз тиржайиб турарди.

Холам мени жойлаштирган ўн учинчи мактаб темирйўл кўтармасининг нариги томонида бўлганидан деярли ҳар кунни Янгулига дуч келишим муқаррар эди.

Қарийб бир ойгача у менга мутлақо эътибор бермади. Ўзининг одатий машғулоти — атрофига ўртоқларини йиғволиб, ошиқ ташлаш ёки қимор ўйнаш билан андармон бўлиб юраверди. Аммо ҳар гал мен яқинлашганимда Янгули болалардан бирортасига ташланиб қолар —

гоҳ телпагини кўзига бостириб қўйса, гоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, юмшоқ жойига тепар эди. Шунда негадир нигоҳини мен томондан узмасди.

Айни пайтда, мен ҳам ўзимни на Янгули, на унинг ўртоқлари зигирча ҳам қизиқтирмайдигандай тутардим. Аслида эса ҳозирок болаларга қўшилиб кетгим келиб турар — уларга ўзимнинг нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйишни истардим. Бироқ маҳаллада янги одам эдим, ён атрофимда Кокадан бўлак ёр-дўстим йўқ эди, бинобарин, Янгулининг каллакесарларига яқинлашишга юрагим дов бермасди. Аммо ўртағимиздаги бетараф майдон тобора қисқараётганини, вишиллаб ёнаётган пилик пистонга яқинлашиб қолганини, бир кунмас-бир кун портлаш юз беришини кўнглим сезиб турарди.

Орадан ропна-роса бир ой ўтгач, ана шу кун келди...

Елена Михайловна ичкарида бошқа бир шогирди билан машғулот ўтказар, мен дахлизда навбат кутардим.

Доира стол устида аквариум турар, унинг ичида сув ўтлари, бири биридин чиройли чиғанок ва тошлар оралаб тилла балиқчалар сузиб юрар эди. Балиқлар оғзини кап-кап очиб, пуфакчалар чиқараверганидан негадир уларнинг қорни оч, деган хулосага келдим. Дарров чўнтагимдан қоғозга ўроғлиқ бир бўлак қора нон билан пишлоқни чиқардим-да, апил-тапил ушоқлаб, аквариумга сендим. Балиқчалар аввалига ҳуркиб кетиб, тошлар ортига беркинишди, кейин, гўё ниятим ёмонмаслигини сезгандай, бирин-кетин пана жойларидан чиқиб, емишга ташланишди.

Мен сув ичида кўтарилган олтин қуюнни завқ билан томоша қила бошладим. Аквариум бамисоли жажжи океандек жўш уриб, бурқирарди. Аста-секин тўлқин босилди. Нафси ором олган балиқчалар сув ичида яна у ёқдан-бу ёққа хотиржам суза бошлашди. Айримлари аквариумнинг шиша деворига яқин келишарди-да, худди менга миннатдорлик билдиргандай, думларини хиёл қимирлатиб, жилпанглаб қўйишарди. Тўсатдан балиқчалардан бири — энг каттаси — тўнкарилиб қолди. Кейин яна биттаси шундай бўлди. Ҳаял ўтмай аквариумдаги жамики балиқчалар қорнини осмонга қилиб, орқаси билан суза бошлади. Қўлимни сувга тикиб, жониворларни ўнглаб қўйишга ҳарчанд уринмайин, улар яна лип этиб тўнкарилиб қолишарди. Шундагина ножўя иш қилиб қўйганимни англаб етдим. Ҳаш-паш дегунча аквариум ичидаги ҳаёт сўнди. Заҳарланган балиқчалар сув юзасига қалқиб чиқди... Даҳшатдан юрагим орқага тортиб кет-

ди. Скрипка солинган ғилофимни кўтариб секин жуфтакни ростламоқчи бўлиб турувдим — э, вох! — ичкаридан шогирдини кузатиб Елена Михайловна чиқиб келди.

— Кир! — деб мурожаат қилди у менга. Қоққан қозикдек туравердим.

— Кирақол! — деди у яна елкамдан эшик томон сал ниқтаб. Турган жойимдан жилмадим.

— Нима бало, дарсингни қилмадингми? — Елена Михайловнанинг овози ўзгарди. Миқ этмадим. У менга таажжубланиб қаради, сўнг нигоҳи нигоҳимга эргашиб, аквариум томон оғдию... фақат балиқшуносларгина тасаввур қила оладиган ҳодиса юз берди. Елена Михайловнанинг тиззалари қалтирай бошлади, бир зумда лаблари кўкариб кетди, аранг бориб креслога ўтирдию титроқ овоз билан менга сўз қотди:

— Сен... нима қилиб қўйдинг, ярама!

— Билмабман, Елена Михайловна... Қора нон билан пишлоқ сепдим, холос...

— Захарлабсан! — деди у инграб. Кейин, худди биров арзанда боласини бўғизлаб қўйгандай, иккала кафтини юзига босиб хўнграб юборди.

Бир нималар деб ғудранганим, ўзимни оқлаганим, аламзада аёлни юпатишга уринганим эсимда. Қани энди нафи тегса. Аёл ўрнидан туриб, аквариум ёнига борди. Сувдан жонсиз баликчаларни биттама-битта олиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўпиб, яна аквариумга ташларкан, йиғи аралаш нукул:

— Азизларим, олтинларим, нуридийдаларим... Сизларни захарладилар, ўлдирдилар! — дея саннард.

Кейин у менга юзланди. Кути ўчган, ияги титрар, кўзларидан дув-дув ёш қуйилар эди. Кўққисдан Елена Михайловна юзимга тарсаки тортиб юборган эди, ағдарилиб тушишимга сал қолди.

— Жўна бу ердан, ваҳший! Иккинчи қадамингни босма!.. Йўқол!

Шапалоқ оғриғини ҳам, бўғзимга қадалиб турган алам ёшларини ҳам базўр ичимга ютиб, хонадан чиқдим.

Эсанкираган, шармандаю шармисор, чала ўлик бир аҳволда уйга қараб жўнадим. Темирийўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгулининг тўдаси уймаланарди. Беихтиёр бошим ўша томонга оғди — ҳозир уйга боришдан нима фойда! Болаларга яқин қолганда қадамимни секинлатдим-да, атайин энгашиб, ботинкамнинг ипларини титкилай бошладим.



— Хе-ей, скрипка!

Янгулининг овозини дарров танидим.

— Нима дейсан?

— Бу ёққа кел!

— Ишинг бўлса — ўзинг кел!

Янгули ўзидан ҳам баттар таажжубланган ўртоқларига бир қараб қўйди-да, аста мен томонга юра бошлади.

— Кимлигимни билмайсанми ҳали? — деб сўради у кишининг вашига тегадиган бир оҳангда.

— Биламан, — дедим кўзларига тик қараб.

— Бўлмаса, нега чақирганда келмайсан?

— Ким бўлсан мени чақирадиган? — дедим яна беписандлик билан, аммо, ҳар эҳтимолга қарши, скрипка солинган филофни ерга қўйдим.

Янгули ўйинни ҳам унутиб, бизни қуршаб олган болаларга яна бир-бир қараб чиқди.

— Янгули, кимлигингни бир кўрсатиб қўй! — деди болалардан бири.

— Сол Янгули! — дея қўшимча қилди иккинчиси.

— Бир шапалоққина! — деб маслаҳат берди учинчи бола.

— Олдин зўрлигини бир кўрайлик-чи! — Янгули шундай деб, юзимни бир сийпалаб қўйди.

— Қўлингни торт! — деб бақирдим унга.

— Ол-ла! — дея хайрон бўлди Янгули.

— Уни қаранглар-а!

— Папиросни чиқаз! — деди Янгули бирдан қўлини чўзиб.

— Чекмайман!

— Пулни ол!

— Пулим йўқ.

— Чўнтақларингни ағдар!

— Ўзинг ағдар!

Болалар пичирлаша бошлашди. Янгули довдираб қолди, аммо дарров ўзини босиб, скрипкага қўл чўзди.

— Торт паншахангни! — деб бақирдим скрипка устига энгашиб. Лекин Янгули ўзғирлик қилди — филофни очиб, асбобни менга узатди.

— Қани, бирорта куй чалиб болаларни хурсанд қилгин-чи!

— Чалмайман!

— Нега бўлмаса бу даҳмазани кўтариб юрибсан? Эси йўқ эшакмисан?

— Бер скрипкани!

Янгули асбобни орқасига яшириб, бир қадам тисарилди.

— Петя, Фема, Курлик, Панчо, Тена! Умрларингизда скрипка овозини эшитганмисизлар? — деди у бола-ларга мурожаат қилиб. Улар бараварига чулдирашди.

— Радиодан эшитганман! — деди Петя.

— Бўлақол, Янгули, бир кўрсатиб қўй!

Скрипканинг овозини ҳаммадан олдин ўзим эшитдим: Янгули қулочкашлаб туриб скрипка билан бошимга туширди.

«Зи-и-нг... қарс» этган товушдан сўнг асбоб иккига бўлинди. Унинг қорни, худди шартта чопиб ташланган қўлдай, нозик симларга осилганча лапанглаб турарди.

Болалар хахолаб, ерга думалашди.

Юрагим гўё тўхтаб қолгандай бўлди, миямга қон урилди, қулоқларим битиб қолди. Мен ҳеч нарсани эшитмас, сезмас эдим, фақат қорнини чангаллаб кулаётган болаларни, пачоқ бўлган скрипкани ва Янгулининг туртиб чиққан озғин иягини илғардим, холос. Бирдан бор кучим билан ана шу ияк остига мушт солдим.

Эс-ҳушимни йиғиб олганимда Янгули кўприк устида ўтирар, менга ҳайратомуз тикилганча ўнг қўли билан иягини ишқалар эди. Болалар чурқ этишмасди.

Шартта бурилиб, уйга жўнадим.

Ўша куни кечкуруноқ қўшнимиз ва Янгулининг ўнг қўли ҳисобланмиш Петя мажақланган скрипка билан гилофни уйимизга олиб келиб, остонага ташлади-да, қуёни сурворди.

Фигони фалакка чиққан холам аввал Петяни, сўнг Янгули Александридини, охирида ўзимни бисотида бор ёмон сўзлар билан қарғашга тушди:

— Ҳа-а, ер ютсин сени, Петя касофат!.. Илойим, буйгинанг гўрда чирисин!... Сен ҳам бир, кўкатфуруш отанг ҳам бир! Сенлар скрипкани қадрига етасанларми? Паганиними, Страдиварими, арракашми — сенларга бари бир!.. Энг аввал сенинг гўштингни қиймалаш керак эди. Янгули Александриди! Ҳайф сенга мусиқа! Эшакнинг ханграшини эшитиб катта бўлган бола мусиқани тушунармиди! Ҳаммасига уйимдаги янги безори айбдор! Мана шуни оёғидан осиш керак! О, опажоним Анико! Ўзимнинг ташвишим етмаётувмидики, яна манови ғурбатни бошимга бало қилиб ташлаб кетдинг-а! Нима гуноҳ қилдим, эй парвардигор!..

Ўша куни мусиқа оламидаги саргузаштларимга нуқта қўйилди. Ҳаётимда янги давр — яшаш учун кураш даври бошланди...

Эртаси куни Янгули билан Петя бизни мактаб дарвозаси олдида қарши олишди. Юрагим шув этди, аммо, гўё кеча ҳеч нарсоа бўлмагандай, ёнидан бепарво ўтиб кетдим.

— Скрипка! — Петянинг овози эди бу.

Тўхтадим.

— Гаплашволишимиз керак! — деди Янгули ёнимга келиб.

— Нимани гаплашамиз?

— Бу ер ноқулай, — дея у мактабдан чиқиб келаётган ўқувчи ва муаллимларга ишора қилди.

— Қаерда бўлмаса? — деб сўрадим.

— Темирийўлнинг нарёғида, кўприк остида.

— Ихтиёринг.

Янгули йўл бошлади, Кока иккаламиз унга эргашдик. Петя эса орқада келарди. («Қочиб кетмаслигимиз учун», деган ўй кечди кўнглимдан).

— Тамом бўлдик! — деди саросимага тушган Кока. У мендан икки ёш кичик, бунинг устига, Янгулининг тарсакилари ёдидан кўтарилмаган эди.

— Кўркма! — дедим унга тасалли бериб, лекин ичимдан ўтганини ўзим билиб турардим. Темирийўл кўтармасидан пастга тушаётганимизда Кока қочиб кетмоқчи бўлди, базўр билагидан ушлаб қолдим:

— Қаёққа? Шарманда бўлгинг келяптими?

— Сен уни билмайсан! Иккаламизниям дабдала қилди! — деди Кока ялинчоқ овозда.

— Қилса қилар! Ўлдирмайди-ку ҳарқалай!

Кока худди қурбонликка аталган бузоқдай чор-ночор яна менга эргашди.

Янгули темирийўл кўприги остида тўхтаб, атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ эди.

— Мана, келдик. Ҳўш, нима демоқчисан? — дедим.

Янгули бир оз индамай турди, кейин аста сўз бошлади:

— Кеча мени болаларнинг олдида шарманда қилдинг... Қаттиқ урдинг, қўққисдан... Ўрнимдан туrolмадим, шунинг учун ҳам сен насибангни олмадинг... Турмоқчи бўлдим-у, туrolмадим...

Янгулининг бундай очик, самимий гапиришидан анграйиб қолдим.

— Мен — раҳбарман, маҳалланинг хўжайиниман, шундай бўлиб қоламан... — дея давом этди у.

— Бўлсанг бўлавер, лекин мени тинч қўй, — дедим мен ҳам ушундай самимийлик билан.

— Мендан катта бўлганигда — майли эди! Лекин мендан ёшсан, шунга қарамай, қўл кўтардинг... Бунақаси кетмайди. Подада серка битта бўлиши керак — ё сен, ё мен!

— Айтдим-ку, менга ҳеч нарса керак эмас! — деб такрорладим мен.

— Йўқ, урочи гап бу... Муштлашамиз!

— Майли, — дедим рози бўлиб.

— Фақат ҳалол муштлашамиз!

— Ҳалол деганинг нимаси?

— Петя билан Кока аралшмайди! Сўкишиш йўқ! Тош билан уриш йўқ! Йиқилганга тегилмайди!

— Бўпти!

— Агар бугун сени енгсам, эртага кечаги болаларнинг олдида яна бир марта ураман. Шу билан тамом.

— Кўрамиз ҳали ким кимни енгади...

Янгули қора сатин кўйлагини ечди. Кенг, таранг кўкрагини кўриб, сесканиб кетдим. Бу ҳам майли, чап тушининг устига кўкиш рангда нақшланган лотин ҳарфларидаги ёзув мени негадир буткул довдиратиб қўйди: «Hellados».¹

Янгули Петяга грекчалаб бир нималар деди. Петя миқ этмади.

Янгули яна такрорлади. Петя истамайгина иккала чўнтагидан иккита каттакон тошни чиқариб, бир четга улоқтирди. Янгули Кокага қаради. Кока шоша-пиша қоқ-қуруқ чўнтақларини ағдариб кўрсатди.

— Бошладик! — деди Янгули.

— Бошладик! — дедим мен ҳам.

Олишув икки-уч минутгина давом этди.

Мен муштларимни тугиб, Янгули эса беш панжаси билан урарди. Мен урганда овоз чиқмас, аммо Янгули ҳар туширганда атрофдан қарсиллаган акс садо келарди. Петя Янгулига грекчалаб далда берар, Кока эса менга грузинчалаб бидирлар эди:

— Калла қил, Жамол, калла қил!

Муштлашганда калла қилиш нималигини ўзим ҳам биламан, бироқ Янгулига яқинлашиб бўлмаётган эди:

¹ Hellados — Эллада (грек).

унинг чайир, терлаган гавдаси ҳар гал сирғалиб қўлимдан чиқиб кетаверарди.

Яна бир қарсиллаган товуш эшитилдию бурнимдан тизиллаб қон отилди. Қонни артгунимча Янгули тагин бир марта туширди; натижаси шу бўлдики, кеча худди Янгули ағдарилгандай гуп этиб ерга қуладим, фақат битта фарқи бор: ҳозир мен турадиган ҳолдаман, аммо Янгули кеча ўрнидан туролмаган эди.

Нима бўлганда ҳам бугунги олишувнинг якуни маълум: мен ютқаздим. Янгули бир оз кутиб турди, муштлашишни давом эттириш ниятим йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шошмасдан қўйлагини кия бошлади. Нигоҳим яна кўксидаги ғалати сўзга тушди: «Hellados».

— Эртагача! — деди Янгули. Устки лаби шишиб кетганини, чап қоши ёрилганини шундагина пайқадим.

Янгули билан Петя тепага кўтарилиб, темирийўл ёқалаб кетишди. Кока иккаламиз пастда қолдик.

— Ҳечқиси йўқ, у ҳам оладиганини олди! — дея Кока менга тасалли берган бўлди.

— Эртага барибир уни енгаман! — дедим.

— Олдин бир ойнага қараволсанг бўларди! — деди хўрсиниб Кока.

— Юзим ёмон шишибдими?

— Кўпчиган хамирнинг ўзгинаси! — деди Кока четга қараб.

— Ў-ў, ярамас!

Бу гал холам индамади. Юзимга авайлаб ҳўл латта босди. Эртасига эрталаб худди ўшандай хотиржамлик билан қатик тўла хурмачани Христо Александридининг бошига уриб синдирди, баайни Янгули скрипкани менинг бошимга уриб синдиргандай. Кейин, совет пионери ваҳшийларча калтаклагани учун безори ўғлингни қамокда чиритаман, дея унга обдон пўписа қилди.

Эртасига мактабга бормадим — юзимдаги шиш ва мўматалокларни даволадим. Учинчи куни темирийўл кесиб ўтиладиган жойда Янгулидан бошқа деярли бутун маҳалланинг болалари тўпланиб турганини кўрдик. Улар бизни хуштак ва таҳқирлар билан кутиб олишди.

— Қалай, Скрипка, тавбангга таяндингми?

— Энди уни тинч қўярсан? Ё ўлгинг келяптими?

— Бу ер сенга Тбилиси эмас!

Бутун тўда ўтган кунги мағлубиятимни эшитиб бўлган эди.

Уларнинг гап-сўзларига эътибор бермай сумкамни аста ерга қўйдим, ўзим ҳам ўтириб, Янгулини кута бошладим.

— Келяпти! — деб кичкирди кимдир бирдан.
— Ҳозир кўрамиз томошани! — деди яна биров.
— Салом! — Янгули ҳамма билан сўрашди, кейин менга кўзи тушиб бақа бўлиб қолди.

— Мана, Янгули, лаҳм гўшт ўз оёғи билан келди. Тезроқ еяқол! — деди Петя уни гижгижлаб.

— Шундоқ еяверасанми, икра ё сарёғ биланми?

Янгули амирона ишора билан хамманинг овозини ўчирди, сўнг бамисоли қабила оқсоқолидай ўз қавмига юзланиб, тарихий нутқ ирод этди:

— Болалар! Мен, Янгули Александриди, сизлар сайлаган сардор, сизларга, Венециан кўчасининг хур фарзандларига мурожаат қиламан! Рўпарангизда тбилислик рангпар лаҳма билан унинг жияни — ватан ва қабила хоини, мишиқи Кока турибди. Мана бу рангпар келгинди бизнинг меҳмондўстлигимиз ва мурувватимиздан бахраманд бўлиш ўрнига — худо сийлаган еримизни, денгизимизни, жамики дарёларимиз, олтин ва кумушларимиз, ўтлоқларимизни ўзиники қилиб олмоқчи...

— Бас қил майнавозчиликни! — дедим унинг гапини бўлиб. — Муштлашамиз!

Янгули менга тикилиб турди-да, сўзида давом этди:

— Ҳозир сизларга рангпар гўштдан қандай қилиб қовурдоқ тайёрлашни кўрсатиб қўяман.

— Олифтагарчилик қилма! Бошлаймиз!

— Ҳўй мишиқи! — Янгули Кокага мурожаат қилди. — Югур, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қил, беш минутдан кейин келиб холаваччангни олиб кетсин. Унгача беҳуш бўлади.

Болалар ҳузур қилиб қулишди.

— «Тез ёрдам» бугун сени олиб кетади! — шундай деб, ўрнимдан турдим.


Томошабинлар давра олишди.

Янгули Петяга икки офизгина пичирлади. У камарни еча бошлади. «Наҳотки, камар билан урса?» деган ўй ўтди кўнглимдан.

Петя камарни Янгулига узатиб, даврага қайтди. Янгули тўпланганларга виқор билан бир назар ташлаб чикқач, деди:

— Мен бу рангпар билан икки қўллаб муштлашмайман. Бунга битта қўл ҳам кифоя. Петя, чик бу ёкка, қўлимни боғла!

Атрофдан «Қойи-ил» деган хитоблар эшитилди, менинг эса юрагим орқага тортиб кетди. Бу қанақа пайранг!



Петя ўртага чиқиб, Янгулининг чап қўлини гавдасига қўшиб боғлаб қўйди.

— Масхаравозликни бас қил! Чиқаз қўлингни! — дедим мен.

— Йўқ, сен билан икки қўллаб муштлашиш менга уят!

Болалар тагин завқланиб кулишди.

— Э-э, унақада муштлашмайман! — Мен сумкага энгашдим.

— Қўрқяпсанми? — деб сўради янгули.

— Йўқ, қўрқаяётганим йўқ, хоҳламайман. Чиқаз қўлингни! Барибир бугун калтак ейсан!

— Бошла, кейин афсусланасан! — Янгулининг жаҳли чиқа бошлади.

— Солсанг-чи, нимани кутяпсан! — деб шивирлади менга Кока.

Бош чайқаб туравердим. Ахийри бўлмагач, Янгули яқин келиб, тарсаки тортиб юборди. Юзимдан олов чиқиб кетди, лекин қўлимни кимирлатмадим. Янгули яна урди, кейин яна. Сезиб турибманки, бор кучи билан урмаяпти. Унинг тарсакилари рақибига зарба беришдан кўра ўйинқароқ болага пўписа қилишга ўхшарди. Жавоб қайтармаётганимни кўриб Янгули қўлини туширди. Мен шартта бурилиб, бир оғиз ҳам гапирмай, жанг майдони-ни тарк этдим. Болалар индамай йўл бўшатишди.

— Хў Скрипка! — Бу Петянинг овози эди, шу заҳотиёқ чарсиллаган товуш ҳам эшитилди. Янгули Петянинг юзига тарсаки тортган эди.

Оркамга қарамадим — мен йиғлардим, болалар кўзёшларимни кўришларини истамасдим.

Йиғлардим-у, лекин бугунги олишувда ғолиб чиққанимни ич-ичимдан ҳис этардим.

Тонготар, ҳали ғира-шира пайтда мен Александридилар дарвозаси олдида турардим. Христо эшакка тўқим урар, Янгули эса унга ёрдамлашар эди. Мени кўриб ёнимга келди.

— Ҳа, арз қилгани келдингми? — деди у отаси томон бош ирғаб. Христо орқа ўгириб турганидан мени кўрмасди.

— Ким кепти? — деб бақирди у ишидан кўз узмай.

— Ўртоғим.

— Янгулининг вақти йўқ, бозорга боради! — Христо ўгирилиб мени кўрдию ҳайрон бўлди: — Ие, ярашдингларми?

— Ярашдик! — деб жавоб қилдим мен.

— Ҳа, мана бу бошқа гап! Икковинг ҳам зўр йигитсан-ку! — Христо суюниб кетди. — Кир бу ёкка!

— Раҳмат, шошиб турибман... Қачон қайтасан?

— Кечки пайт, — деб жавоб берди Янгули.

— Кўприк тагида кутаман!

Шундай дедиму изимга қайтдим.

У келди, индамай эшагини бир четга боғлади-да, кўйлагини ечиб тўқим устига ташлади, шунда яна кўксидаги афсунгар сўзга кўзим тушди: «Hellados».

Бугунги олишувимизга фақат эшак шохид бўлди. Муштлашиш узоқ давом этди. Ҳар қанча уринмайин, Янгули ўзғирлик қилди — биринчи зарбани у берди. Мен йиқилмадим, фақат чайқалдим, холос. Иккинчи марта ҳамла қилганида чаққонлик билан гавдамни орқага ташладим, қўли бурним ёнидан шувиллаб ўтиб кетди. Аммо у шу қадар шиддат билан қулоч отган эдики, мувозанатини йўқотиб, мункайганча бир қадам олдинга ташлади. Шунда... Ҳў ўша биринчи бор муштлашганимизда бўлганидай, озгин ияги ўнгимга келиб қолди. Мен ҳам ўша ияк остига қаттиқ мушт солдим. Янгули йиқилди, бир муддат кимир этмади. Энди ўрнидан туролмайди, деб ўйлаган эдим. Аммо у бирдан сапчиб турдю, яна менга ташланди. Унинг очиқ панжаси билан менинг муштим нишонга бир вақтда тегди. Кўзим тиниб, чўккалаб қолдим, беихтиёр кафтларимни юзимга босган эдим, бурнимдан тизиллаб қон оқаётганини сездим. Сал ўзимга келиб қарасам, Янгули ҳам чўккалаганча ёрилиб кетган лабларидаги қонни артяпти. Бир амаллаб қаддимни ростладим. Янгули ҳам ўрнидан турди.

Биз бир-биримизга узоқ тикилиб қолдик. Пишиллаб нафас олаётганимизни ҳар иккаламиз ҳам эшитиб турардик. Мен Янгулининг яна ҳамла қилишини кутардим, аммо, таажжубки, муштлашишга менда на хоҳиш, на кайфият қолган эди. Бироқ энди ҳеч қачон Янгули менга зўравонлик қилолмаслигини ҳам билиб турардим.

— Бас! — деди Янгули қутилмаганда.

— Бўпти! — Мен ҳам рози бўлдим. — Лекин эртага болаларнинг олдида муштлашамиз! — дея қўшиб қўйдим ҳар эҳтимолга қарши.

— Кераги йўқ. Зўр бола эканингни болаларга ўзим айтаман. Лекин билиб қўй, биринчиликни сенга бермайман!

— Кераги ҳам йўқ!

— Хохласанг, иккинчи бўлақол.

— Менга ҳеч нарса керак эмас! Сенинг йўлинг бошқа, менинг йўлим бошқа! — Мен кетишга чоғландим.

— Тўхта! Бунақаси кетмайди. Ҳар куни муштлаша-
вермаймиз-ку, ахир. Ке, келишволайлик: эртадан бош-
лаб фақат сўкишамиз. Ким қойиллатса — ўша голиб!

— Майли, розиман.

Мана, яна болалар қуршовидамиз. Бу гал ўртамизда
даханаки жанг авжга чиққан.

— Жамол — эшакмия!

— Янгули — кўкатфуруш грек!

— Тбилисилик мишиқи!

— Эшакбоқар!

— Тўнғиз!

— Чириган бодринг!

— Тошбақа!

— Итбалик!

— Медуза!

— Овсар!

— Паганини!

Бисотимдаги ҳақоратбоп сўзлар тугади. Янгули ку-
тиб турарди — навбат меники эди.

— Бўлақол, ютқазасан! — деб турткилади Кока.

— Менда бошқа йўқ!

— Онасига ўт!

— Йўқ, онани аралаштириб бўлмайди!

— Шени деда ватире, дегин! Уят жойи йўқ буни!

— Ўрисчасига нима дегани?

— Сен грузинчасига айтавер! У барибир тушунмай-
ди! — Кока ҳол-жонимга қўймасди.

— Янгули, шени деда ватире! — грузинчалаб шундай
дедиму жавобини жон ҳовучлаб кутиб турдим.

— Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Сездимки, Янгули ҳам онамга тил теккизди, аммо бу
сўзлар шу қадар хушоҳанг, шу қадар ёқимли эшитил-
дики, гуё у гўзал бир қўшиқни бошлагандай бўлди наза-
римда. Мен яна такрорладим.

— Шени деда ватире, Янгули!

— Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Бу ҳол ярим йилча давом этди. Сўнг эхтиросларимиз
аста-секин сўнди. Иккаламизнинг ҳам ҳақорат репертуа-
римизда биттаю битта жумла қолди, ҳар учрашганимиз-
да мен: «Шени деда ватире, Янгули!» дердим, у бўлса:
«Имана су ине простикаса инека, Жамол!» дерди.

Офтоб чарақлаб турарди. Кока иккаламиз мактабдан
кайтардик. Темирйўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдаги-
дек, Янгули ўртоқлари билан ивирсиб ўтирарди. Мени

кўрдию шартта ўрнидан туриб, истиқболимга юра бошлади.

— Янгули, шени деда ватире! — дея ўзғирлик қилдим мен.

У тўхтаб, маъюс нигоҳ билан узоқ тикилиб турди.

— Шени деда ватире, Янгули! — деб такрорладим яна.

Янгули бошини эгди, кейин бурилиб, аста... уйи томон кета бошлади. Мен донг қотиб қолдим.

— Кўрдингми куён бўлганини?! Энди хўжайинлик қилолмайди! — дедим Кокага.

— Йўқ, энди бошланди! — Кока мийғида кулиб қўйди.

— Қанақасига?

— Шунақасига-да. У сени енгди, Жамол!

— Нега сўкинмади бўлмаса!

— Кеча ойингни суриштирган эди: ким, қаерда... Мен нима дейин... Шунақа, шунақа... ҳалиги... Йўқ... ўлган, дедим. Шунинг учун ҳам сўкмади-да сени...

Ғалати бўлиб кетдим.

— Аҳмоқ, овсар! Нега кеча шуни менга айтмадинг?

— Қайдам...

— Янгули! — деб кичқирдим орқасидан. Аммо у анча узоқлашиб кетган, овозимни эшитмасди. Ё эшитса ҳам, эшитмаганга олдим...

Шу ондан бошлаб Янгули ўн баравар улрайгандай бўлди менинг назаримда. Орамизда ғанимлик бўлмаганидек, яқин дўст ҳам бўлолмадик у билан. Учрашиб қолганимизда бир-биримизга жилмайиб, қўл силкиб қўярдик, холос. Аҳён-аҳён, отасининг ўрнига уйимизга сут ёки қатиқ олиб келганида уч-тўрт оғиз гаплашардик. Шунда ҳам суҳбатимиз сут-қатикнинг баҳосию эшакдан нарига ўтмасди.

Ўша куни Янгули сут опкелди. Ховлида унга кўзим тушдию... таниёлмай қолдим. Башараси мўматалоқ бўлиб кетган эди.

— Нима бўлди? — деб сўрадим ажабланиб.

Ақл бовар қилмасди — бу атрофда Янгулига ким қўл кўтариши мумкин?! Ёки бирорта каттароқ ёшдаги одамнинг ишимикан бу?

— Ҳеч нарса! — деди у четга қараб.

— Афтингга бир қарагин...

— Ҳечкиси йўқ! — дея жилмайди у.

— Янгули, ким урди? Агар кучинг етмаган бўлса, бирига борамиз!

Янгули бош чайқади.

— Эшагингни боғла, хозирок борамиз! — деб сут солинган хурмачани зинага қўйдим.

— Кераги йўқ, унга барибир кучимиз етмайди! — деди Янгули синиқ кулимсираб.

— Нега етмас экан?! Иккаламизниям-а?

— Иккаламизниям, бутун Венециан кўчасиниям...

— Ким экан у муштумзур?

— Отам!

— Отанг?

— Отам.

— Нима гуноҳ қилувдинг? — дея унинг шишиб кетган чаккасига авайлаб қўлимни текказдим.

— Сабаби бор-да...

— Нима иш қилиб қўйдинг?

— Уч кундан кейин Сухумига Грециядан пароход келади. Бу ерлик греклар Элладага қайтишяпти. Отам ҳам...

— Хўш, нима қипти?

— Кетмоқчи эмасман... Отамнинг гапига қараганда, бизнинг ватанимиз, она тупроғимиз ўша ерда... бизни аждодлар руҳи чақираётганмиш, бу нидога қулоқ солиш шарт эмиш...

— Нега бирга кетмоқчимассан? — деб сўрадим астойдил таажжубланиб.

Янгулидан анча вақтгача садо чиқмади. Нукул эшагининг қулоғини силарди. Силаб турганида қулоқ кафтига ётар, аммо қўйиб юборди дегунча, худди суҳбатимизни эшитолмай қолишдан қўрққандай, дарров яна диккайиб олар эди.

— Қандоқ тушунтирсамикин... — деб гап бошлади у ниҳоят. — Онам йўқ, ҳатто эслолмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тирикчилик ташвишида... Мен кўчада, Венециан кўчасида катта бўлдим... Менинг ватаним, менинг Элладам бу — Сухуми, кўча, Чалбаш; бу — Кока, Петя, Курлика, Фема, Қора денгиз, кўприк... — У бир ютиниб олиб, давом этди: — Бу — Мида... қолаверса, сен...

Миданинг исмини менинг олдимда Янгули биринчи марта тилга олаётган эди. Аммо мен Мида — бир абхаз кишига турмушга чиққан грек аёлининг қизи эканини, Сухумида ундан гўзал қиз йўқлигини, Янгули уни яхши кўришини билардим.

— Тушундингми энди?

Аъзойи баданим жимирлашиб кетди. Бунақа сўзларни умримда биринчи марта эшитаётган эдим.

— Бу нима бўлмаса? — Мен Янгулининг кўкрагини очиб, баланд овозда ўқидим: — Hellados.

— Бу — нақш, Жамол. Ватан — ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида! — Янгули қўлини кўксига қўйди.

Ўпкам тўлиб, томоғимга аччиқ бир нарса қадалди, унга яна бир нималар демокчи эдим-у, аммо Янгули эшагини нўхтасидан етаклаб, ховлидан чиқиб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, эрта тонгда ховлимизга эшагини етаклаб Янгули яна кириб келди.

— Отам ҳамма нарсани сотди: сигирниям, уйниям, бошқа лаш-лушларниям. Эшакни ҳеч ким олмаяпти. Биламан, сизлар уйда эшак сақламайсизлар, урф-одатингларга тўғри келмайди. Лекин чакки қиласизлар. Бундан беозор жонивор йўқ дунёда — меҳнаткаш, беминнат дастёр... Нима қиламан буни энди? Греklarнинг ҳаммаси кетяпти... Кўчага ҳайдаворолмайман-ку... Қўрқма, бунга парваришнинг кераги йўқ. Бир тутам хашак бўлса кифоя... — Янгули тутилиб-тутилиб гапирар, тўхтовсиз эшакнинг бўйинини силар эди.

— Сен-чи? Сен ҳам кетяпсанми?

— Кетяпман... Эшакни опқоласанми?

— Бўпти!

— Лекин ҳайдаворма!

— Йўқ, йўқ!

— Нина Ивановнага ҳам айтиб қўй, ҳайдамасин!

— Албатта айтаман.

— Кока ёрдамлашади... Эшакка кўп нарса керак эмас.

Бир тутам хашак...

— Ташвишланма, Янгули.

— Исми Аполлон.

— Биламан.

— Авайлайсанми?

— Хотиржам бўл.

— Майли, мен кетдим... Пароход кечкурун жўнайди...

— Борақол...

— Хайр, Жамол!

— Кечкурун портга чиқаман, Янгули!

Биз кучоклашдик. Янгули анча вақтгача мени бағридан бўшатмади. Кейин шартта бурилиб, гўё аллақандай мудҳиш ва ёвуз нарсдан қочгандай, чопиб чиқиб кетди...

Кечкурун портга бутун Сухуми кўчиб чиқди.

Ҳаммаёк гулга кўмилган, оркестр жаранглар, одамлар кўшиқ айтиб, рақсга тушишар эди. Вағир-вуғур орасидан «рахмат», «хайр», «омон бўлинглар» деган сўзлар қулоққа чалинар, аммо кўз ёшлари ундан ҳам бисёр эди.

Сухумиликлар ўзлари билан эт-тирноқ бўлиб кетган кадронлари — греклар билан хайрлашишарди. Греклар аллақачон нуқрадай оппоқ «Пойсейдон» кемасига чиқиб олишган, ўша ердан туриб қўл силкишар, грекча, русча, грузинча, арманча лафзда бир нималар деб қичкиришар эди.

Мен болаларга қўшилиб, соҳилдаги панжара деворга қапишганча, нигоҳим билан Янгулини излай бошладим. Ва уни топдим. Эғнида ўша ўзи ёқтирадиган олди очик қора сатин кўйлак.

— Янгули, Янгули! — дея қичкиришга тушдим қўл силкитиб. Янгули кузатувчиларга узоқ, жуда узоқ разм солди ва бирдан мени кўриб қолди. Иккала қўлини банд кўтариб, нидо берди:

— Жамол, эго агапо имана су!

— Жамол, ойингни яхши кўраман!

У грекча нимадир деб бақирди-ю, аммо менга кўшиқ айтгандай туюлди. Тагин шу нарсани сездимки, назаримда, кемадан қочиб кетмасин дебми, отаси уни билагидан маҳкам ушлаб турарди. Яна унинг кўшиғини эшитишга, яна унга мўлтираб туришга бардошим етмади. Кемага терс ўтирилдим-да, йиғлаганча уйга жўнадим.

Орадан бир кун ўтиб, Келасури дарёсининг қуйилиш жойида денгиз тўлқинлари бир боланинг жасадини соҳилга чиқариб ташлабди. Тўғрироғи, уни кекса балиқчилар сувдан тортиб олиб, кумга ётқизишибди. Сўнг мурданинг кимлигини аниқлаш учун шу атрофда ўйнаб юрган болаларни чақиршибди.

Марҳумнинг башараси шу қадар дабдала бўлиб кетган эканки, уни ҳеч ким танимабди.

Уни мен танидим. Чап тўшининг устидаги «Hellados» деган сеҳрли ёзувни кўргандан кейин танидим.

Нафасимни ичимга ютганча соҳилдан, сўнг темирйўл бўйлаб, кейин Венециан кўчасидан тўхтовсиз югуриб, телбаларча уйга отилиб кирдим.

— Ҳа, нима бўлди?! — Холамнинг капалаги учиб кетди.

— Нина хола... Янгули қайтиб келди...

Сўнг холамнинг олдида чўккалаб, оёқларини кучоқлаганча хўнграб йиғлаб юбордим...

КУКАРАЧА



Марта холанниг атрофи тут, шафтоли, олча дарахт-лари билан қуршалган болохонали уйи Варазисхеви кўчасининг этагига жойлашган.

Ёз бошланиши билан кварталимизда яшайдиган болалар ана шу дарахтларга мўрмалахдай ёпирилишар, шунда ҳовли Марта холанинг адоксиз қарғишларию дўк-пўписаларига кўмилиб кетарди:

— Туш деяпман сенга, ҳой тирранча!

— Еганинг еган, шохини синдирганинг нимаси?!

— Ҳўй, кўр бўгур! Олчага ҳали ранг киргани йўк-ку!

— Жора, милтиққа туз сопке!

— Уйинг куйгур ўғрилар, дарбадарлар, муттахамлар!

— Тушинглар ҳозир, бўлмаса Кукарачани чақираман!

— Ота-оналарингни кўзига куйдирги чикқанми?! Ёки етимчамисанлар, а?! Э-э, парвардигор, бу қароқчиларнинг бир додини бер! Ичбуруф бўлиб думалаб қолишмаса гўримда тикка тураман!

Марта хола хипчин кўтарганча у дарахтдан-бу дарахтга югурар, кейин буткул ҳолдан тойиб, ҳовлининг ўртасига ўтириб оларди-да, панд-насихат қилишга ўтарди:

— Натела, қизалоғим, муаллиманинг қизисан-а?! Бу қанақаси: ойинг бутун Вакега¹ имлони ўргатади, «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»дан сабоқ беради, аммо якка-ёлғиз қизига ўзиники билан бировникини фарқ қилишни ўргатолмапти-да?!

— Бай-бай-бай-бай! Дуду, каллавой-ей! Отанг, кимсан — инженер! Шаҳарнинг ярмини қурган, сени эса бировларнинг уйини хонавайрон қиладиган бола қилиб ўстириштипти-да, а?!

— Ҳой, думбул Гуриели, намунча кишнамасанг! Сен райком секретарининг эмас, қассобнинг ўғли бўлиб туғилишинг керак эди, Вэреда² ичак-чавоқ ювсанг қандок

¹ В а к е — Тбилисидаги районнинг номи.

² В э р е — Тбилисидаги дарёнинг номи.

ярашарди! Бу ёққа туш, ярамас, қатик қуйиб бераман! Туш, деяпман дарахтдан, ишёқмас, худо кўрсатмасин, йиқилиб тушсанг, товонингга қоламан-а!

— Э-э-э, сен ҳам шу ердამисан, Бродзели? Дарвоке, сендай каллакесар, товламачи шу ерда бўлмай қаерда ҳам бўларди!.. Бугун олча ўғирлайсан, эртага бировнинг уйини тунайсан, индинга поездни қакшатасан, у ёғига қарабсанки, денгизда сузиб юрган кемани кўнглинг тусаб қолади...

— Ие, ўзингмисан, Кучико?! Сени нима жин урди?! Хе, башаранг курсин, хумкалла!

— Ҳа-а-а, Костя-грек! Сиз нега қадам ранжида қилдингиз, мени қон қакшатиш учундир-да, а?! Нима бало, Грецияда олча билан тутнинг уруғига ўт тушганмиди, а?

— Сени кўзинг қаёқда, Кукарача?! Оғизда ботирсан! Ундоқ қилодурман, бундоқ қилодурман! Участка инспекториман! Ўғри ва товламачилар учун азроилман! Ёшларнинг мураббийсиман! Латгачайнарсан, билдингми! Мураббий эмиш-а! Ўзинг ҳам етимхонада ўсган бўлсанг кераг-ов! Хе, ўргилдим сендақа ботирдан!

Районимиз милициясининг участка инспектори Кукарача ҳақгўй, ҳаммага ғамхўр ва меҳрибон киши, шунинг учун ҳам катгаю кичик уни бошига кўтаради. Бировни чивин чақса ҳам дарров Кукарачанинг олдига югуради. Муҳимроқ ишлар-ку кўпдан буён Кукарачанинг аралашувисиз битганмас.

Фин урушидан кўксига Қизил Байроқ орденини тақиб қайтган Кукарача ўша куниёқ район партия комитетига кириб иш сўраган дейишади. «Қўлингдан нима иш келади?» — деб сўрапти райком секретари. «Отиш ва душманларимизни ер тишлатишни дўндираман», — деб жавоб берипти Кукарача. Секретарь мийиғида кулибди-ю, уни район милиция бўлимига жўнатипти. Инспекторимизнинг биз билган бор-йўқ таржимаи ҳоли мана шу. Фронлда мардона жанг қилган, деган гап-сўзлар ҳам юради. Бунинг устига, Қизил Байроқ орденини шахсан Ворошиловнинг ўзи кўкрагидан ечиб, ўз қўли билан Кукарачанинг гимнастёркасига қадаб қўйганмиш. Тағин елкасига қоқиб:

— Баракалла, Кукарача, дзалиан карги бичи хар!¹ — деганмиш.

¹ Зўр йигит экансиз (груз.).

— Грузинчани қаёқдан биласиз, ўртоқ Климент Ефремович? — деб сўраганмиш Кукарача таажжубланиб.

Ворошилов Кукарачанинг соддалигидан бир кулиб кўйганмишу сўнг:

— Иосиф Виссарионович ўргатган-да, — деб жавоб берганмиш.

Кукарачадан, шу гаплар ростми, деб сўрашса, аниқ жавоб бермайди, «ха»ям демайди, «йўқ» ҳам демайди.

— Қаёқда... Аммо-лекин орденни нима учун олганимни гапириб беришим мумкин... — шундай деб, у бир ҳикоясини юзинчи марта ҳам такрорлайверади.

...Шундоқ бўладики, Кукарача ўз танки билан танка қарши қазилган ҳандаққа тушиб кетади. Минг уринмасин, ўрадан чиқолмайди, ўзимизникиларга ҳам хабар қилолмайди. Тинкаси қуриган Кукарача уйқуга кетади. Бир маҳал танк атрофидан ғала-ғовур эшитилади. Туркишдан қараса — ана холос! Финлар иккита энгил танк билан Кукарачанинг танкини шатакка олиб, тортиб ётишипти! Кукарача миқ этмай ўтираверади. Ниҳоят финлар танкни ҳандақдан чиқазиб, ўзлари эгаллаб турган жойга олиб келишади. «Э, йўқ, — дейди Кукарача ўзига-ўзи, — бунақаси кетмайди!.. Сенларга асир тушиб бўпман!..» У шундай дейди-ю, танкни ўт олдиради, шартта орақага буриб, газни охиригача босади... Финлар эсхушларини йиғиб олгунларича, уларнинг иккита энгил танкини судраб жўнаб қолади... Шу алпозда ўзимизникилар турган маррага етиб келади. Тўғри, финлар танкларидан сакраб тушиб, қочиб қолишади, ҳа майли, садкай сар! Шундай қилиб, душманнинг бус-бутун иккита танки Кукарачага ўлжага қолади.

Шу ерга келганда Кукарача ҳикоясини тўхтатади. Климент Ворошилов билан бўлган суҳбатнинг мазмуни ҳар гал сирлигича қолаверади.

Каллаи саҳарлаб Цхнетида¹ Тбилисига тушган қатикфурушлар эшакларини Марта холанинг ҳовлисида қолдириб, ўзлари сут-қатик солинган банкаларга тўла хуржунларини елкаларига ташлашарди-да, «қатик сота-ман, кимга сут кера-ак!» — дея бақирганча шаҳар кўчаларига тарқалиб кетишарди.

Тушдан кейин, сут-қатикларини сотиб бўлишгач, улар яна ҳовлига тўпланишар, узун тахта стол атрофига ўтир-

¹ Ц х н е т и — Тбилиси яқинидаги кишлоқнинг номи.

волишиб, Кахетия виносини эрмак қилишар, қадах сўзлари орасида кун бўйи кўчада эшитган янгиликлари ва ҳар турли олди-қочдилардан бир-бирларига сўзлаб беришарди.

Биз Марта холанинг ҳовлисини «карвонсарой» дердик.

Баъзан цхнетилик қатикфурушлар эшак пойга ташкил қилишарди. Старт жойи — ҳовли дарвозаси, марра — ҳовлининг этак девори, оралиқ — 25—30 метр. Чавандозликка бизни, болаларни ёллашарди. Ютган бир банка қатик оларди, ютқазган эса ўлгудай масхара бўлар ва гарданига бир мушт ҳам ерди.

Табиийки, ҳар бир эшакнинг ўз номи бор эди, лекин биз уларни эгаларининг исми билан атардик.

...Ўша куни ширакайф қатикфурушлар ҳам пойгада қатнашмоқчи бўлишди. Беш сўм ганақ тикилди.

Мен Китесга, Натела — Аршакка, Дуду — Шакрога, Ирача — Имедога, Костя-грек — Халватга минволдик. Бошқа эшаклар ҳам бор эди, лекин улар биринчи турда қатнашмаётганди — пойга йўлининг эни шунини тақозо қиларди. Марта хола билан мусобақада қатнашмаётган эшакларнинг эгалари ҳакамлик қиладиган бўлишди.

Марта хола учгача санади, пойга бошланди. Бир гала эшак кулоқларини чимирганча тапира-тупур қилиб маррага интилди. Қизишиб кетган қатикфурушлар ҳай-ҳайлаб бизга ҳам, эшакларга ҳам далда беришарди:

— Ххи, ҳаром ўлгур, еган арпангни оқла!

— Ҳой бола, сағринига ўтир, тезроқ чопади!

— Эшак эшаклигини қиларкан-да! Нуқул орқага тисарилади-я! Биқинига теп, биқинига!

— Э, қойил! Зўр қиз экан! Боплаяпти! Баракалла!

— Хе, лапашанглар! Қиз болачалик бўлолмадинглар-а!

Нателага бир банка қатик тегди, Аршак беш сўмлик бўлди, мен гарданимга бир мушт едим.. Энди иккинчи турни бошламоқчи бўлиб турувдик, ҳовлига ранги докадек оқариб кетган Зевара чопиб кирди-ю, хўнграб йиғлаб юборди:

— Кукарачани ўлдиришипти!

Ҳамма турган жойида қотиб қолди. Фавқулудда бу сукунатдан ҳатто дарахт шохларида чирқиллаётган чумчуқларнинг ҳам уни ўчди.

Зевара сал ўзини босиб олгач, яна ўша гапини такрорлади:

— Кукарачани ўлдиришипти, хой одамлар! — деди у ва курукшаб кетган лабларини тили билан бир намлаб олди.

— Ким? — деб сўради узок сукунатдан сўнг Марта хола.

— Билмайман, — дея елкасини қисди Зевара.

— Қаерда? — деб сўради яна Марта хола.

— Кабулети тепалигида, — деди Зевара қўли билан ўша томонга ишора қилиб.

— Инганинг уйидами?

Зевара бош ирғади. Марта хола бошидаги рўмолини сидириб олиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Орадан ўн минут ўтар-ўтмас кварталимизнинг жамики аҳолиси Инганинг уйи ёнига тўпланди.

Санатиарлар билан иккита милиционер замбилда Кукарачани олиб чиқишди. У беҳуш эди. Кўкрагининг ўк тешган икки жойидан ҳануз қон силкиб турарди. Замбил билан ёнма-ён ранг-рўйи бир аҳволда Инга келарди. У ҳадеб замбилга энгашир, даҳшатдан бақрайган кўзларини қонга бўккан докадан узмай, пичирларди:

— Ўлма, Кукарача, мени ҳам адо қилма... Онамнинг руҳини ўртага солиб илтижо қиламан, Кукарача, ўлма... Мени айбим йўқлигига ким ишонади... Кукарача, кадрдоним, ўлма, ўтинаман...

Замбилни тез ёрдам машинаси ёнига олиб келган пайтларида Кукарача кўзларини очди.

— Кукарача, азизим, ўлма... — Шундай деб, Инга замбил ёнига тиз чўкди.

Кукарача тепасида энгашиб турган одамларга маъюс кўз югуртириб чикди.

— Ўлма, Кукарача, ўлма, ёлвораман... — деб такрорлади яна Инга. — Хароб бўламан, гапимга ишонишмайди...

— Бас қил... — дея шивирлади Кукарача, — кет бу ердан... Сен бу ерда йўқ эдинг... Эшитяпсанми? Кет...

— Кукарача! — Инга Кукарачаннинг қўлига лабларини босди. — Азизим...

Кукарача энди унинг гапларини эшитмас, нигоҳи билан кимнидир изларди. Ниҳоят уни топгач:

— Давид! — деди.

Оломон орасидан район милиция бўлимининг бошлиғи сирғалиб чикди.

— Давид, ўзинг биласан, бу жувон — менинг хотиним. У юзидаги кўз ёшларидай мусаффао аёл... Биласан-ку, ахир...

Давид бош силкиди. Кукарачанинг куруқшаган лаб-ларига ним табассум югурди.

— Инга, — деди у, — кўз олдимни туман қоплаяпти... пуштиранг туман... Сени кўролмаяман... Эҳ, Муртало, номардлик қилдинг-а, ярамас... — Кукарача афсус билан бош чайқади, кейин кўзларини Ингага қадаб, қўлини унинг юзи томон узатди. Қўл ҳавода бир лаҳзагина муаллақ турди-ю, сўнг гўё биров зарб билан кесиб ташлагандай «тўп» этиб замбилга тушди.

Кукарача — милиция лейтенанти Георгий Тушурашвили, ана шундоқ — заррача ҳам инграмасдан, бир оғиз ҳам гапирмай, кулимсираб жон берди...

Янги уйимизга келган биринчи меҳмон (биз Анастасьев кўчасидан академик Марр номидаги кўчага жойлашган бинога кўчиб ўтган эдик) баланд бўйли, бугдойранг, хушсурат милиция лейтенанти бўлди. Ойим эшикни очиши билан у таклифни ҳам кутиб ўтирмасдан ичкарига кирди, тўппа-тўғри ошхонага бориб, табуреткага ўтирволди.

— Кимсиз, нима керак сизга? — деб сўради нотаниш кишининг сурбетлигидан довдираб қолган ойим.

— Мен мухтарама... — лейтенант дудукланиб қолди.

— Анико! — деди ойим.

— Мен, ҳурматли Анико, Грузия Ички ишлар Халқ Комиссарлиги Тбилиси шаҳар Оржоникидзе район милиция бўлимининг участкаси инспектори Георгий Тушурашвили бўламан, лақабим Кукарача! — деб жавоб берди у бидирлаб.

— Лақабингиз узукка кўз қўйгандай, — деди ойим хахолаб.

— Ҳа... Табиат қора рангни мендан аямаган.

— Тўппа-тўғри...

— Мени Кукарача деяверишингиз мумкин.

— Шу гапни айтгани келувдингизми?

— Йўқ, албатта. Районимизда яшайдиган ўспиринларни рўйхатга олиб юрибман. Менга уларнинг мактаб ва оиладан ташқаридаги ҳаётига кўз-қулоқ бўлиб туриш топширилган.

Шундай деб, Кукарача чарм сумкачасидан қалин дафтар билан қалам олди.

— Ҳурматли... э-э-э... Кукарача, мабодо бошқа жойга келиб қолмадингизми? — деб сўради ойим.

— Йўқ, нега энди! Марр кўчаси, 2-уй, биринчи йўлак, тўртинчи қават, 8-квартира. Владимир Иванович Гуриели. Тўғрими?

— Худди ўзи! Лекин эрим райкомнинг биринчи секретари. Оиламизнинг милицияга бирон бир боғлиқ жойи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Токи мен тирик эканман, ўғлимнинг тарбиясига бировнинг аралашшига ҳам зарурат йўқ! — оймнинг юзини қизил доғ қоплади. — Сизга маслаҳатим шуки, бамаъни оилаларнинг эшигини тақиллатиб юргунча, безори ва ўғриларга кўз-қулоқ бўлинг. Ҳа!

— Унақа деманг, хурматли Анико! — хотиржам жавоб берди Кукарача ва дафтарни ёпди.

— Нима деяётганимни ўзим яхши биламан! Ўғлим хали ўн иккига ҳам тўлгани йўқ. Рўйхатга олишингиз нимаси?

— Унақа деманг, хурматли Анико! — такрорлади лейтенант.

— «Унақа деманг», «унақа деманг»! Илтимос, бунақа ишлар билан иккинчи бошимни қотирманг! — ойм ўрнидан турди. Лейтенант ҳам кўзғалди.

— Илойим, менга ишингиз тушмасин... Аммо-лекин, очигини айтишим керак, ўғлингиз тенги пайтимда яширикча папирос чекканман, кварталимиздаги болалар билан қарта ўйнаганман, ҳатто билагимга нина билан гул ҳам солиб ташлашган! Мана! — Кукарача енгини шимариб кўрсатди.

— Безовта бўлманг! Ўз-ўзидан кўриниб турипти! — ойм уни яна калака қилди.

— Нима ҳожати бор, хурматли Анико! Сиз билан уришгани келганим йўқ уйингизга...

— Ҳа, яхши, яхши. Омон бўлинг! — деди ойм паст тушмай.

— Хайр! — Кукарача эшикка қараб юрди. Мен йўлакда ҳамма гапни эшитиб турган эдим. Оймнинг бунақа дағаллик қилганини ҳеч қачон кўрмагандим. Ёнимдан ўтаётиб Кукарача тўхтади, юзимни силаб:

— Исминг нима? — деб сўради.

— Тамаз! — дедим мен кўрслик билан ва ўзимни орқага ташладим.

— Раҳмат, қўлимни тишлавомадинг! — деб жилмайдди Кукарача ва эшикни аста ёпиб чиқиб кетди.

— Сурбет! — деб қичқирди ойм унинг орқасидан.

Кукарача уйимизга келиб кетганидан кейин орадан бир ойча вақт ўтгач, бошқа бир воқеа юз берди.

Биз Варазисхеви кўчасидан Вэри соҳилига тушдик, хайвонот боғининг деворидан ошиб ўтиб, каттакон ёнғоқ дарахтининг ёнига келиб қолдик.

— Бўла қолинглар! — деб пичирлади Кучико елкасини тутиб. — Бир қўйин-бир қўйиндан ёнғоқ оламиз.

Мен унинг елкасига чикиб, эгилиб турган бир шохга осилдим-да, ундан дарахт тепасига ўрмаладим. Кетимдан Дуду, Костя-грек, Ирача ва ниҳоят, Кучиконинг ўзи ҳам ёнғоққа чирмашди.

Овоз чиқазмай, тез ишга киришиб кетдик. Ўн беш минутда қўйинларимиз ёнғоққа тўлди.

— Бўлди! Тушдик! — деб буюрди Кучико.

Апил-тапил пастга тушиб, девордан аранг ошиб ўтдик ва соҳил ёқалаб олдинма-кетин юқорига қараб йўрғаладик.

— Тўхтанглар! Келдик! — деб буйруқ берди яна Кучико.

Биз чоғроққина бир дамба олдида тўхтадик.

— Тўкинглар!

Ҳаммамиз қўйнимизни бўшатдик. Ўмарган ёнғоғимиз бир уюм бўлди.

— Бошладик!

Ҳар биттамыз иккитадан силлиқ тошни ушлаб олиб, жон-жаҳдимиз билан ёнғоқ чақишга тушдик. Ҳар урганнимизда пўстлогидан сув сачрайвериб, ҳаш-паш дегунча юз-қўлларимиз қоп-қорайиб кетди.

— Бўлди! Ташладик! — деди Кучико.

Бўтқа бўлиб кетган ёнғоқни йиғиштириб олиб, сувга ташладик-да, нафасимизни ичимизга ютиб кута бошладик.

Бир минут ўтди, икки минут ўтди... Беш минут ўтди... Ва ниҳоят, сув сатҳида заҳарланиб тўнкарилиб қолган битта балиқнинг оппоқ қорни кўринди. Сал ўтмай яна икки-учтаси пайдо бўлди. Орадан бир неча минут ўтгач, балиқ деганингиз бодроқ бўлиб кетди. Натижа кутганимиздан ҳам зиёда эди. Эҳтиёткорликни ҳам унутиб, бараварига ўзимизни сувга отдик ва қий-чувлашиб чала-жон балиқлари тера бошладик.

— Ушла, ушла!

— Бу меники!

— Қорнидан ушла!

— Қойил, Кучико!

- Ким ўргатди сенга!
- Ўзим ўйлаб топдим!
- Оббо сен-эй!

Шодон қийқириқларимиз ярим соатча давом этди. Ниҳоят ҳамма балиқларни териб бўлгач, обдан тинкамиз куриб, шалаббо аҳволда қирғоққа чикдигу таппа-таппа чўзилиб қолдик. Кейин Кучико балиқларни ҳаммамизга барабар тақсимлади, кетидан: мабодо биров балиқни қаердан олдинг, деб сўраса, қармоқ билан тутдим, дейсанлар, деб огоҳлантириб ҳам қўйди.

Ҳаммамиз мағрур ва мамнун бир кайфиятда уй-уйимизга тарқалдик.

Ойим мени юз-кўлларим қоп-қора, уст-бошим жикка хўл, қўйним тўла балиқ, исқирт бир аҳволда кўриб, кўрқиб кетди.

— Нима бало қилдинг?! Афғ-башарангни қара! Балиқни қаёқдан олдинг?..

— Дарёдан тутдик... Ҳаммасини ўзим қармоқ билан тутдим!

Ойим балиқларни ташлаб юбормоқчи ҳам бўлди, лекин мен роса ялиниб-ёлвордим. Шундан сўнг ойим уларни тозалаб, унга беллади-да, кунгабоқар мойига жазилла-тиб қовурди. Пишган балиқдан ўзи ҳам татиб кўрди-ю: «Ие, ширин-ку!» — дея ликопчани олдимга суриб қўйди.

— Ол!

Сўнгги балиқни еб турганимда бирдан кўнғироқ жиринглаб қолди. Ойим эшикни очди. Қўлида ғаров қармоқ, жилмайганча Кукарача кириб келди.

— Салом, ҳурматли Анико! Мумкинми? — деди у тавозе билан.

— Кираверинг! — ойим бу гал анча юмшоқ муомала қилди, кейин думалоқ стол ёнига бориб ўтирди.

Кукарача қармоқни деворга суяб қўйди-да, чарм сумкачасидан қизил муқовали китобча олиб, ойимнинг рўпарасига ўтирди.

— Хўш, эшитаман, ҳурматли Кукарача? Анови ғаровингиз нимаси? — деб сўради ойим.

— Ҳозир тушунтираман... Ғаров — оддий қармоқ, манави китобча — Жиноят кодекси.

— Шунақа денг... Лекин бу нарсаларни менинг уйимга нима дахли бор?

— Қармоқ билан, маълумингизким, балиқ тутилади, Жиноят кодекси билан эса — одам овланади...

— Менга қаранг, лейтенант, илтимос, топишмоқла-

гул, битта ҳам оқи йўқ, — деди Муртало ва бир кўтаришда қадаҳини бўшатди.

— Мен сендан гул сўраган эмасман... Гулларинг куриб бўлган. Пулинг эса — ана, турипти. Ўн икки минг. Бир тийинига ҳам текканим йўқ. Ол, ана.

— Пул — жонсиз қоғоз... Гулларим тирик эди...

— Нимага шаъма қилаётганингни тушунмаяпман. Пулингни ол-у, туёгингни шикиллат.

— Мени соғлигим учун ичсанг, майли, кетаман.

— Сени бирт ўғри, қотил, кўкнори, умуман, ярамас одам, дейишади.

— Ҳа, шунақа дейишади.

— Кимсан ўзи?

— Озод одамман, нимани хоҳласам, қачон хоҳласам — шуни қиламан.

— Ёшинг неччида?

— Ўтгизда.

— Нима учун ҳамма сендан кўрқади?

— Чунки мен ҳеч кимдан кўркмайман.

— Ўшанда... дорихонада «йўқ» деганимда нима қилардинг? — деб сўради Инга.

— Ўлдирардим! — деди Муртало бошини кўтармай,

— Энди-чи?

— Агар уйингдан ҳайдасанг, ўзимни ўлдираман!

— Мени-чи?

— Сени ўлдирмайман.

— Ёлғон!

Муртало чўнтагидан тўппонча чиқариб столга қўйди. Инганинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Кўрkitмоқчимисан?

— Йўқ, ўлай агар!

— Ёлғон! — деди яна Инга ва Мурталого яқинлашди.

— Хоҳласанг — сен мени ўлдир!

— Мен бундай қилолмаслигимни яхши биласан, шунинг учун ҳам ботирлик қиляпсан.

— Отавер! Мени ўлдирганинг учун сени жазолашмайди. Қайтага мукофот беришлари мумкин!

— Ўзингга ортиқча баҳо беряпсан.

— Аксинча.

— Бўпти! Энди кет! Майнавозчилик қилма!

— Кетгандан кўра ўлганим яхши!

Муртало яна қадаҳини тўлдирди.

— Ҳозир бақираман! — деди Инга, лекин бундай

Муртало бош ирғади. Кейин чакқон ҳаракат билан, пақиллатмасдан шиша оғзини очди, қадахларга шампан тўлдириб, кўпиги тинишини кутиб турди, ниҳоят, қадахни қўлига олиб, Ингага юзланди:

— Янги йил билан, Грузия қироличаси. Сени авлиё Биби Марямнинг ўзи асрасин.

— Менга қара, кулфлоглик хонага қандай қилиб кирдинг?

Муртало иккинчи қадахни ҳам қўлига олди-да, столни айланиб ўтиб, Ингага узатди. Қиз кимириб этмади — қўли титраётганини Муртало кўришини хоҳламади. Йигит қадахни унинг олдига қўйиб, яна стол ёнига қайтди.

— Бу ерга қандай қилиб кирдинг? — қайта сўради Инга.

— Эшикни кулфламаган экансан, — деб кулимсиради Муртало.

— Бекорларни айтибсан! Эшик кулфлоглик эди! Хозир ўзим очиб кирдим!

— Қайдам... Келдиму: «Сим-сим, оч эшигингни», — дедим. Эшик очилди. Ўлай агар. — Муртало шу қадар самимий гапирдики, ростдан ҳам шундай бўлган деб ўйлаш мумкин эди.

— Яна ўша сўзларни такрорлаб, чиқиб кет.

Муртало индамади.

— Мендан нима истайсан? — деб сўради Инга.

— Ҳеч нарса! — хотиржам жавоб берди Муртало.

— Ҳеч нарса эмиш. Гапингни қара-ю. Мен ҳатто исмини ҳам, фамилиясини ҳам билмайдиган, ҳар куни бир сават атиргул, ҳар ойда минг сўмдан пул юбориб турадиган, бутун жазманларимни мендан юз ўгиртириб, шаънимга доғ туширган одамга ҳеч нарса керак эмас эмиш... Гапир, кимсан, муддаонг нима?

— Сендан ҳеч нарса сўраётганим йўқ-ку, — деди Муртало мулоийм оҳангда.

— Мен сўраяпманми бўлмаса?

Инга шартта ўрнидан турди-да, шкаф ёнига борди, ундан бир талай пулни олиб, Мурталонинг олдига ташлади. Йигит пулга киё ҳам боқмади.

— Агар қўлингдан келса, менга гулларимни қайтар, — деди у узоқ сукутдан кейин.

— Нима?!

— Гулларимни қайтариб бер.

— Эсинг жойидами?

— Уч юз олтмиш беш сават. Ҳаммаси қизил атир-

— Агар... мабодо... уни камоққа олишса-чи? — деб сўради қўрқа-писа Инга.

— Нимага асосланиб? У сенга бирор ёмонлик қилди-ми?

— Йй-ў-ўқ.

— Нимага камоққа олишади бўлмаса? Севгани учун-ми? Агар ошиқларни қамайверишса, инсониятнинг ярми ҳозир турмада ётган бўларди...

- Бўлмаса, у билан учраштириб қўйинг.

— Ўзи олдингга келади.

— Ортиқ кутолмайман.

— Унда Нахаловкага бориб, Колани топ. — Анжелика «гап тамом» дегандай ўрнидан турди.

... Кола билан суҳбат жуда қисқа бўлди.

— Мурталоми? Нималар деяпсиз, калбатона, Муртало жуда мард, олижаноб йигит.

— Гапимни тушунмадингиз. Қаердан топсам бўлади уни?

— Бунисини билолмадим... — деди Кола қўлларини икки томонга ёзиб. — Унинг адреси — бутун Совет Иттифоқи!

— Хайр! — Инга ўрнидан турди.

— Омон бўлинг!

Янги йилни Инга ҳамкасблари билан бирга кутиб олди. Анча-мунча шампан ичди, роса қўшиқ айтди, рақсга тушди, хуллас, очилиб-сочилиб ўтирди. Тунги соат учларда шод-хуррам уйига қайтди, зиналардан сакраб-сакраб тепага кўтарилди-да, хонасининг эшигини очди, пальтосини ечиб, чирокни ёқди-ю... донг қотиб қолди. Турли-туман неъматлар ва шампан шишалари қўйилган стол ёнида Муртало ўтирарди. У Инга кирганда ҳам ўрнидан турмади, сўрашмади ҳам — тамаки тутатганча жилмайиб қараб тураверди.

Инга аста-секин ўзини ўнглаб олди. Дастлабки қўрқув ўрнини таскинми, шодликми — шунга ўхшаш бир ҳис эгаллади. Бир йилдан буён қидириб юрган одами ҳозир рўпарасида ўтирар ва унга маъюс тикиларди.

— Кепсан-да ахири? — деди Инга ва суянчиғи йўқ диван четига омонатгина ўтирди, қўлларининг титроғини яшириш учун ёстикни олиб, тиззасига қўйди.

Муртало миқ этмасди.

— Кепсан-да? — деб такрор сўради Инга. Энди овозида ҳадик ёки гижиниш эмас, фақат синчковлик оҳанги бор эди.

кундан-кунга кучайиб борарди. Қалб азобларидан қутулиш, дардчил ҳиссиётларга барҳам бериш мақсадида Инганинг ўзи Мурталони қидириб топишга жазм қилди.

У бутун кварталга отнинг қашқаси бўлиб қолган олиб-сотар Анжеликаникига йўл олди. Бориб, бўлган воқеани унга ипидан-игнасигача гапириб берди.

Бўйин ва юзларини эрта ажин босиб, аъзойи бадани шалвираб қолган эллик ёшлардаги бу аёл Инга дардини айтиб бўлгунча аллақанча папиросни чекиб ташлади, ахий-ра қаттиқ йўтал тутиб, анчагача босилмади, базўр нафасини ростлаб олгандан кейингина:

— Пулларни нима қилдинг? — деб сўради кўзида жиққа ёш билан.

— Турипти. Бир тийинига ҳам текканим йўқ.

— Ўн икки минг — ҳазилакам пул эмас...

— Нима қилишим керак энди?

— Сарфлаш керак.

— Мен буни айтаётганим йўқ.

— Нима демоқчисан бўлмаса?

— Ўзим нима қилсамикин? Шунга бошим қотиб қолди...

— Ҳа-а-а... Очигини айтсам, ҳунук ишга аралашиб қопсан...

— Маслаҳат беринг — нима қилай?

— Мен қаёқдан биламан? Кўхлик қизсан, дуркунгинасан... У сени хазон қилади.. То тирик экан, бировниям яқин йўлаттирмайди.

— Нега энди? Дунёда қонун, милиция, жамоатчилик деган гаплар бор... Турма деган нарса бор қолаверса.

— Турма эмиш-а... Турма унинг учун қадрдон уйдайд бўп қолган... Бошқаларини тан олмайди унақалар.

— Шуми менга айтадиган гапингиз?

— Ҳа.

— Бундан чиқди, ундан қутулоломас эканман-да?

— Ўзи юз ўгирмагунча қутулолмайсан.

— Қачон юз ўгиради?

— Менга ўхшаб тасқара бўлиб қолганингда.

— Наҳотки бошқа чораси бўлмаса?

— Бор.

— Қанақа?

— Ўлим.

— Ким ўлиши керак?

— Икковларингдан битталаринг. Энг яхши чораси шу.



— Сиз буни нималигини билмайсиз, тасаввур ҳам килолмайсиз... Гумилевдан бирор нарса ўқиб берайми? Ёки Есениндан? Балки Галактион маъқулдир? Қўрқиб кетдингиз-а... Арзимаган нарсага диққат бўлишнинг нима кераги бор?...

Йигит аста ўрнидан турди, ички чўнтагидан бир даста ўттиз сўмлик чиқазди-да, Инганнинг олдига қўйиб, эшикка қараб юрди.

— «Морфий» операцияси тугади. Хотиржам ухлай-веришингиз мумкин. Мени кўкнори ёки банги деб ўйламанг. Рост, бир маҳаллар шунақа эдим. Кейин йиғиштирганман. Лекин ҳар замонда тортиб қолади... Ўрганган кўнгил-да... Дарвоқе, мен сизни танийман. Исмингиз Инга, Кабулети тепалигида, 137-уйда яшайсиз... Гап бундок, Инга: шу бугундан бошлаб ким сизга душман бўлса, менга ҳам душман бўлади, менинг душманларим... Уларнинг ҳаммаси нариги дунёга равона бўлган... — йигит орқасига қайрилиб, Ингага тикилиб қаради. — Қимирламанг. Қўлингизга чақалоқ тутқазиб қўйилса, нақ Биби Марямнинг ўзи бўларкансиз... — У шундай деди-ю, дорихонадан чиқиб кетди.

Муртало Ингага севги изҳор қилмади. Бир йил давомида — қишин-ёзин — ҳар куни эрталаб Маратик исмли курд боласи Ингага Муртало номидан бир сават янги узилган, қил-кизил атиргул келтириб турди. Ҳар ойнинг охирида эса соқол-мўйловсиз номаълум бир кимса унга минг сўм ташлаб кетарди.

— Калбатано¹, Муртало қарзини берворди, вақтида қайтармагани учун узр сўради.

Махфий элчи шундай дерди-ю, Инга эс-хушини йиғиб ололмасидан ғойиб бўларди.

Бора-бора ўша кварталда истиқомат қилувчи йигитлар — Инганинг доимий жазманлари — уни кўрганда маъноли жилмаядиган, қизга илгаригидан ҳам ортиқроқ эхтиром кўрсатадиган бўлиб қолишди.

Инга кварталнинг дахлсиз қироличасига айланиб қолди. Муртало эса қорасини кўрсатмасди.

Вақт ўтган сайин Инганинг вужудини аллақандай мубҳам бир кўркув, айни пайтда ғайришуурий қудрат, чексиз гурур ва интизорлик туйғуси чулғай бошлади. Бу туйғу

¹ К а л б а т а н о — хоним, аёлларга нисбатан ҳурмат маъносидан ишлатилади.

— Морфий! — деди чўрт кесиб йигит.

— Нималар деяпсиз? Менда морфий нима қилади? Пўлат сандикда у... Мудир билади... Эртага келинг... — Инганинг тили базўр айланарди.

— Морфий «эрта»ни билмайди! Ё ҳозирок топиб берасан, ёки...

Инга йигитнинг қон тўлган кўзларига қаради-ю, рўпарасида қотил турганига ишонч ҳосил қилди.

— Ҳозир қўнғирок қилиб... сўраб кўраман... — у титроқ қўл билан трубкани кўтарди.

Нотаниш йигит бир қадам олдинга ташлаб чўнтагидан пичоқ чиқарди. Бир нарса «ширқ» этди-ю, пичоқ сопидан бамисоли илондай ханжар отилиб чикди. Ўтакаси ёрилган Инга бақирмоқчи эди, аммо миқ этолмади — йигит кафти билан унинг оғзини тўсди.

— Жим! Лекин кўркма! — шундай деб у бир зарб билан телефон симини узиб ташлади. — Хўш, қаерда морфий? Бўла қол, қизалок!

Инга худди уйқусираётган одамдай, ҳушсиз бир аҳволда кабинет тўрида турган стол ёнига борди-да, ғаладондан икки ампула морфий олиб йигитга узатди. Нотаниш йигит креслога ўтирди-ю, шоша-пиша чўнтагидан икки грамли шприц солинган қутичани чиқарди, чаптастик билан ампулалар оғзини синдириб, шприцни морфийга тўлдирди, сўнг чап енгини шимарди-да, шприц нинасини билагининг йўғон томирига сукди... Муроди ҳосил бўлгач, шприцни эҳтиётлик билан қутичага жойлаб, чўнтагига солди, кейин бошини орқага ташлаганча сукутга кетди...

Бу даҳшатли манзарани қиз юрак ҳовучлаб кузатиб турди. Хонага бир неча дақиқа жимлик чўқди. Йигит қимир этмасди. Ниҳоят у ўтирган жойида бир тўлғанди, кўзларини очиб:

— Хайрият... — деб шивирлади.

Инга беихтиёр эшик томонга қаради, аммо ҳеч ким кўринмади.

— Хайрият... Ўтиб кетди... — деб такрорлади йигит, шундагина Инга унинг кўзларидаги паришонлик ва мамнуният ифодасини пайқади.

— Бир синаб кўрмайсизми? — деб сўради йигит Ингадан.

Қиз жавоб бермади. У юз берган воқеадан тамом ҳанг-манг бўлиб қолган, йигитнинг кескин ўзгариб кетган башарасидан кўз узолмасди. Вужуди таскин топган йигит эса сўзида давом этди:

тўнғиллаб кўйди Сабашвили ва яна қоғозларини титкилашга тушди.

Инга навбатчилик қиларди. Тунги соат ўн иккиларга яқин дорихонага ўрта бўйли, юзи заҳил ва совуқ, олифта бир йигит кириб келди.

Инга бир қарашдаёқ уни ёқтирмади, аммо сир бой бермай, дори солинган қутиларни тахлайверди.

— Салом, яхши қиз! — деди нотаниш йигит ва келиб, тайёр дорилар бериладиган туйнукча олдидаги пештахтага тирсагини тиради.

— Салом! — деди Инга бошини кўтармай.

— Бир минутга мумкинми? — дея жилмайди йигит.

— Хўш, хизмат? — Инга туйнукча ёнига келди.

— Бир ўзингмисан?

— Йўқ. Мудир шу ерда. Бош провизор ҳам, — деди Инга жўрттага.

— Чақир икковини ҳам! — деб буюрди нотаниш йигит.

— Тайёр дори керак бўлса, ўзим беравераман, агар рецептингиз бўлса — қолдириб кетинг.

— Нима дедим сенга!

Инганинг юраги орқасига тортиб кетди. «Қаёқдан пайдо бўлди бу турки совуқ! — дея кўнглидан ўтказди у. — Шу тобда бирорта одам кириб қолсайди! Акс-да! Бир қарасанг — харидорларнинг кети узилмайди, бир қарасанг — зор йўқ».

Қиз эшик томонга қаради. Нотаниш йигит буни пайкаб, эшик олдига борди-да, туткичда осилиб турган оқ тахтачани айлантириб кўйди.

— Ана, бўлди, «Дорихона ёпик!» Иш тугади! Энди бориб мудиринг билан провизорингни чақириб чик!

Инга кабинет томонга қараб юра бошлади. Нотаниш йигит унга эргашди.

— Сиз қаёққа кетяпсиз?

— Сенга ҳамроҳ бўламан.

Улар кабинетга киришди. Хонада ҳеч ким йўқ эди.

— Ие, қани улар? — деб сўради йигит кўзларини қисиб.

— Кетиб қолишипти... Кўрмай қобман... — деди овози титраб Инга ва ўзини креслога ташлади.

— Жуда соз! Энди ўзинг хўжайинсан.

— Сизга нима керак ўзи? Айта қолсангиз-чи! — Инганинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Айтишга осон, — деди Сабашвили қўл силтаб. — Сен ҳали билмайсан унақаларни... Ма, ўқи... Коллектив ариза... Текшир... Қизни чақиртир.. Яхшилаб гаплаш...

Кукарача аризани олди.

«Тбилиси шаҳар Оржоникидзе район милициясининг бошлиғи ўрт. Д. Сабашвилига.

Кобулети тепалигидаги 137-уйда яшовчилардан.

Коллектив ариза.

Сизга шуни маълум қиламизки, қўшнимиз Инга Ла-лиашвили ахлоқсиз ҳаёт кечиради. Чекади. Кечаси соат икки-уч-тўртларда ҳам уйидан стаканларнинг жаранги, уят сўзлар ва беҳаё қўшиқлар эшитилиб туради. У ил-гари бир неча марта судланган Муртало деган кимса билан (ҳақиқий исм-фамилияси бизга номаълум) дон оли-шиб юради. Нокулай бўлса ҳам, халқ манфаатини ўйлаб, ана шу қабоҳат уясидан қулоғимизга тўхтовсиз чалиниб турадиган беҳаё сўз ва қўшиқларни такрорлашга маж-бурмиз.

Сўзлар: фоҳиша, палид, пистон, олабўжи, тинтув, саркит, ўйинчоқ (қурол маъносида) ва ҳоказо.

Қўшиқлар:

Тўхта, жонгинам Зоя...

Фирибгарсан, ҳой судья,

Уйинг куйсин, илойим!

Нега тиқдинг турмага,

Нима мени гуноҳим!

ва ҳоказо.

Илтимо, бизга раҳмингиз келмаса ҳам, келажаги-мизга (болалар маъносида) раҳм қилинг, фахш ва разо-латдан қутқаринг».

Аризага саккиз киши қўл қўйган — битта имзо қизил қаламда қўйилган. «Шу одам ёзган» деган ўй ўтди Кука-рачанинг кўнглидан ва беихтиёр жилмайиб қўйди.

— Нега илжайяпсан?

— Шундоқ, ўзим...

— Куладиган жойи йўқ буни! Ингани яхши таний-ман. Бир ярамас билан айланишиб юрипти. Биласан уни — Муртало¹. Жиноят устида қўлга туширолма-ямиз-да, ўлгудай айёр, пихини ёрган...

— Кетишга рухсат этинг, ўртоқ майор! — Кукарача ўрнидан турди.

— Рухсат... Ўзинг ҳам тоза хира бўпсан-да... — деб

¹ Муртало — ўғриларнинг лақаби. Маъноси: палид, ифлос одам.

— Уни қара-я, сендан атиги саккиз ёш катта эканман холос, тентаквой! — шундай деб, у эрта оқариб кетган сочларини силаб қўйди.

— Мени кечиринг... — Кукарача энгашиб оймнинг қўлини ўпди. Ойим хўрсинди, синиқ бир жилмайди-да, хонадан чиқиб кетди.

Кукарача бир оз каловланиб турди, сўнг шартта бурилиб, жўнаб қолди.

Кукарачани милиция бўлимининг бошлиғи чақиртирди. Орадан беш минут ўтгач, лейтенант Давид Сабашвили кабинетига ўтирарди.

— Мана, келдим. Нима гап?

— Менга қара, қачон тартибга ўрганасан, а? «Мана, келдим», эмиш! Бошлиққа қандай рапорт бериш керак? «Ўртоқ майор! Лейтенант Тушурашвили буйруғингизга биноан келди!» Уқдингми? — деди Давид зарда билан ва қўлидаги папкани стол четига ташлади.

Кукарача ирғиб ўрнидан турди, қадини роз қилиб, честь берди:

— Ўртоқ майор...

— Ҳа, майли, қўя қол!

Лейтинент стол ёнига ўтирди.

— Ғалати одамсан, — деди Кукарача хафа бўлиб, — бегоналарнинг олдида-ку худди генералдай бошимга кўтараман... Лоақал ёлғиз қолганимизда мундоқ одамга ўхшаб, дўстона гаплашсак бир нима бўладими?

— Дўстлик ўз йўлига... Уйда, кўчада, ресторанда... Марҳамат... Бу ер ишхона, оғайни!.. Шундоқ ҳам ҳар куни наркоматга устимдан думалоқ хат тушади — Сабашвили атрофига ошна-оғайниларини тўплаган, деган мазмунда...

Давид папирос тутатиб, Кукарачага ҳам узатди.

— Чекмайман!

— Қачондан бери?

— Кечадан бери...

— Соғ ўлмоқчиман дегин? — деди қулиб Давид ва эндигина ёндирган папиросини қулдонга босиб ўчирди.

— Ким шикоят қияпти?

— Э-э, ким эринмаса, кимни саводи бўлса — ҳаммаси ёзпти!

— Айтмайсанми ўшаларга: «Хў, ноинсофлар, нота-ниш, бегона одамларни милицияга опкелиб, тагин қўлларига қурол ҳам бериб қўями?!» — демайсанми?!

Мен бош ирғадим. Ойим қулоғимдан ушлаб шундок бурадики, чинқириб юборишимга сал қолди. Кукарачадан уялганимдан тишимни тишимга босдим.

— Албатта рост! — деди Кукарача. — Ўз кўзим билан кўрдим!

— Кўйинг-ээ! — ойим хафа бўлди. — Кўриб, индамай туравердингизми? Энди келиб насихат қилганингиз нимаси?

— Ўлай агар, Анна Ивановна, бунақа нарсани, яъни хом ёнғоқ билан балиқ тутишни биринчи кўришим эди! Махлиё бўлиб қолибман! Кейин вақт ўтган эди... Энг ёмони — дарёнинг этак томонида жуда кўп майда балиқлар нобуд бўлган! Бу машмашада ўғлингиз билан баб-баравар гуноҳқорман. Мени ҳам қулоғимдан чўзинг! — шундай деб, у ойимга қулоғини тутди.

— Тентаквой! — деди ойим жилмайиб ва ошхонага чиқиб кетди.

— Хўш, тушундингми энди? — дея мурожаат қилди менга Кукарача. — Сенга қармоқ олиб келдим. Бундан кейин, балиқ овига борганларингда мени ҳам олиб кетинглар. Агар хоҳласанг, иккаламиз борамиз. Чувалчангни ўша ердан топамиз, хайвонот боғида тиқилиб ётипти. Аслида бу балиқ пашшага кўпроқ илинади. Шунақа! — у ўрнидан турди, китобчасини сумкага солиб, ойимни чақирди:

— Анна Ивановна, қолган балиқни мусодара қилишга арзимайди, яхшиси, еб кўя қоламан! Бир стакан вино ҳам берсангиз зўр бўларди! Нимага деганда, бу жиноятга шерик сифатида ўзим жавоб беришимга тўғри келади!

Ойим шу заҳоти бир шиша вино билан стакан опчиқиб, Кукарачани столга таклиф этди. Ўзи ҳам иягини иккала кафтига тираганча унниг рўпарасига ўтириб олди.

— Нон-чи?

— Раҳмат, кераги йўқ... — Кукарача балиқни думидан ушлаб, бутунича оғзига солди. — Оҳ-оҳ! Ажойиб балиқ! — сўнг стаканга вино қуйиб, ўрнидан турди ва хотирамга бир умр михланиб қолган ушбу қадах сўзларини айтди:

— Қадрли Анна Ивановна! Қулимсираб вино кўтариб чиққанингизда онамга шунақаям ўхшаб кетдингизки... Онажонимни эслатганингиз учун сизга мингдан-миг раҳмат!

— Неччига кирдинг, Кукарача? — деб сўради ойим.

— Йигирма иккига.

рингизни қўйинг!.. Очигини айтаверинг — сизга нима керак ўзи? — деди ойим энсаси қотиб. Аммо Кукарача индамай китобчани варақлайверди. Ниҳоят, керакли жойини топиб, ойимга қаради:

— Ижозатингиз билан манави муқаддас китобда нима деб ёзилганини бир эшитиб кўрайлик... Ўтиринг, йигитча! — бирдан у менга мурожаат қилиб қолди. Кўнглим нохуш бир нарсани сезди-ю, аммо сир бой бермай, секингина стол ёнига ўтирдим. Кукарача давом этди:

— Давлат мулки қасддан нес-нобуд қилингани, яъни хом ёнғоқлар ваҳшийларча талон-тарож этилгани ҳақида ҳозирча индамайман. Нисбатан энгилроқ жиноятлардан бошлаймиз... Хўш... 175-модда... «Балиқ ва бошқа жониволарни ғайриқонуний йўл билан овлаш». Хўш... Хўш... Мана! «Портловчи ёки заҳарли моддалар ёрдамида ов қилган шахслар тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилинади...»

Кукарача китобчани ёпиб, менга қаради.

Шундагина ҳаммасига тушундим. Аъзойи баданимни совуқ тер босди. Кучико, тилингларни тийинглар, деб бекорга огоҳлантирмаган экан-да. Мен тентак балиқдан кўриб ётибман! Ер ютсин шу балиқниям! Ҳамма гап уни қандай тутишда экан! «Заҳарли модда...»

Мен ойимга қарадим. У ранги қув ўчганча ўтирар, нигоҳини мендан узмасди. Чидаёлмай, бошимни эгдим.

— Хўш, нима қилишим керак энди? — деди Кукарача. — Балиқларни мусодара қилишнинг иложи йўқ. Жиноятчи оғзини артиб бўпти...

Ойим шартта ўрндан турди-да, биттагина балиқ қолган ликопчани Кукарачанинг олдига келтириб қўйди.

— Мана, марҳамат! Мебеллар билан пианинони мусодара қилмасиз ҳарҳолда. Ёнғоқ масаласига келсак, арчилган ёнғоқ билан тўлайман... Совет Иттифоқида балиқ овлаган одам жазога тортилишини билмас эканман!

— Унақа эмас, ҳурматли Анико! Портловчи ёки заҳарли моддалар ёрдамида балиқ овлаганлар жазоланади! Қармоқ билан бўлса — марҳамат, хоҳлаганингизча тутаверинг!

— Сизлар нима билан тутгандинглар? — деб сўраб қолди ойим мендан. Миқ этмадим.

— Улар сувга янчилган хом ёнғоқ ташлаб, анчамунча балиқни қириб ташлашган.

Ойим ёнимга келиб, иягимдан ушлади.

— Ростми шу гап?

килолмаслигини ўзи яхши биларди. — Овозимни эшитиб, қўшнилари чопиб чиқишади.

— Нечта қўшнинг бор?

— Йигирмата! — деди қиз ёлғондан.

— Демак, бу ердан йигирмата жасадни олиб чиқишадими, — Муртало шампан хўплади.

— Қанча одамни ўлдиргансан? — деди Инга овози титраб.

— Санамаганман. Кимки шунга муносиб бўлса, ҳаммасини ўлдирганман...

— Мен бунақа ваҳшиёна фалсафани ҳазм қилолмайман. Тезроқ чиқиб кет!

— Бўғилма, Инга... Ахир сени қартада ютиб олганим йўқ-ку... Мен учун сен оллонинг марҳаматисан.

— Эртагаёқ милицияга хабар қиламан.

— Жа-а қўрқитвординг-ку! — Муртало кулиб юборди.

— Наҳотки ҳеч нарсадан қўрқмасанг?

— Шу пайтгача фақат бир нарсадан: севги нималигини билмай дунёдан ўтиб кетишдан қўрқардим... Энди эса қўрқмайман... ҳозир мендан бахтиёр одам-йўқ... Шунинг учун бугун ўламанми, эртага ўламанми — менга бари бир...

Муртало гапини тугатишга улгурмасдан Инга кулочкашлаб унинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Сурбет экансан! Аблах экансан! Ҳозироқ жўнаб қол! Шарманда қилма мени! Одамлар нима дейди?!

Муртало жойидан жилмади, аммо ранги докадек оқариб кетган эди.

— Одамлар? Ким ўзи улар? Улар — оломон. Эртага оёғингга йиқилиб, этагингни ўпишади, сени фаришта деб эълон қилишади...

Ҳазаби жунбушга келган Инга яна Мурталонинг юзига мушт туширди. Бу гал жуда қаттиқ урди. Мурталонинг бурнидан тизиллаб отилган қон бирпасда дастурхонни бўяб ташлади. Қиз қонни қўриб, капалаги учиб кетди. Қандай қилиб ошхонага кирганини ҳам, қай ал-позда сочиқ хўллаб чиққанини ҳам билмай қолди. Муртало ҳамон ўша жойда ўтирар, бурнидан дастурхонга ҳамон қон томарди. Инга унинг юзига сочиқни босди, Мурталонинг лаблари қизнинг билагига ёпишди, тааж-жубки, қиз ҳам қўлини тортмади.

Инганинг хонасида тонггача чироқ ўчмади. Эрталаб, суянчиқсиз диванда гўжанак бўлиб ётган Инга қўзлари-

ни очганида хонада ўзидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Дастурхондаги қон доғигина тунда ташриф буюрган ғалати ва кўрқинчли меҳмонни эслатиб турарди...

Марта хола истиқомат қиладиган уй ертўласининг иккита хонасини Моисий Шаптошвили эгаллаганди. Хотини Ревекка билан ўн тўрт ёшли ўрли — малларанг, сепкилдор Исҳоқ ҳам у билан бирга туришарди. Бу ерда бўёқчилик устахонаси ҳам бор эди.

Буюртмачилар билан ҳисоб-китобни Моисейнинг ўзи олиб борар, устахонадаги асосий ишни эса Ревекка билан Исҳоқ бажаришарди.

Устахона фаолияти кундан-кунга кучайиб борарди. Ҳамма хурсанд эди. Ҳар куни эрталаб Ревекка тунги маҳсулотни ҳовлига олиб чиқиб, дорга ёйганида рангоранг кўйлақлар, рўмоллар, қийиқчалар, пешкашлар, пайпоқлар, сочиқлар ва бошқа рўзғор буюмлари шамолда чунонам ҳилпирар, шунда Марта холанинг ҳовлиси денгиз сатҳида сузиб бораётган елканли кемага ўхшаб кетарди. Кеманинг хўжайини, капитани ва дарғаси Моисей Шаптошвили эди. Кемада матрослар ҳам бор эди. Капитан уларга иш ҳақи сифатида... конфетлар улашарди. Азбаройи чиройли елканларга ҳар турли суратлар чизиб, бўлмағур сўзларни ёзиб ташламасликлари учун шундай қиларди. Сезган бўлсангиз керак: ана шу матрослар биз — квартал болалари эдик.

Ҳа, Моисей Шаптошвилининг ҳаёти осойишта кечар, устахонаси ҳам соат янглиғ бир маромда ишлаб турарди. Аммо ўша йили ёзда, яъни Исҳоқ тўртинчи синфда сурункасига уч йил қолиб кетиб, ниҳоят бешинчи синфга ўтган пайтида «соат»га кўз тегди, унинг мусикий садосига ваҳимали оҳанглар аралаша бошлади.

Қандайдир нобакор Ревекканинг қулоғига, эринг кўпдан буён Сванети кварталлида яшовчи Ангелина деган аёл билан дон олишиб юради, деб шивирлабди. Гуё Моисей даромаднинг ярмини унга элтиб берармиш, Ревекка ағдарма драп пальтода юрса, Ангелина ҳаммага қорақўл пўстинини кўз-кўз қилармиш.

Ревекка дардини ичига ютди. Аммо бир куни эрталаб уйқудан турган квартал аҳли ҳангу манг бўлиб қолди: Марта холанинг ҳовлисига осилган кўйлақлар, рўмоллар, қийиқчалар, пешкашлар, пайпоқлар ва бошқа рўзғор буюмларининг ҳаммаси қора рангга бўялган эди. Моисей Шаптошвилининг кемасида қора елканлар ҳилпираб турарди.

Шахардан қайтган Моисей даставвал кўзларига ишонмади. У бу галати манзарага бир муддат гарангсиб қараб турди-ю, сўнг матолардан бирини ушлаб кўрди, кафти қоп-қорайиб кетгач, имлаб бизни ўз ёнига чақирди.

— Тамаз, азизим, манови кўйлакнинг ранги қанақа?
— Қора, Моисей амаки.
— Гизик, морожний ейсанми? Ростини айт: қанақа ранги?

— Қора-да. Кўрмаяпсизми?
— Дуду, булар мени лақиллатишяпти, а? — деди Моисей ундан мадад сўрагандай.

— Кайфингиз йўқми ишқилиб, Моисей амаки?
— Бродзели, лоақал сен тўғрисини айт: бу лаш-лушлар қанақа ранга бўялган?
— Кўздан қолганмисиз дейман, Моисей амаки?
— Ревекка-а-а! — деб чинқириб юборди бирдан Моисей бошига муштлаб. — Газанда!

Ертўладан садо чиқмади.

Моисий зинапоядан пастга отилиб тушди-ю, ичкаридан беркитиб олинган эшикни жазава билан тақиллата бошлади:

— Очинглар, ярамаслар! Чикинглар бу ёққа, қонхўрлар! Устинглардан керосин қуйиб, ўт кўяман! Ёндираман!

Охири бўлмагач, Моисей оёқларини ишга солди, бир амаллаб эшикни синдириб ичкарига кирди, ана шундан сўнг ертўлада ҳақиқий қиёмат-қойим бошланди — фарёдлар, чинқирқлар, қарғишу сўқинишлар ҳаммаёқни тугитиб кетди... Ҳовлига одам тўпланди, аммо ҳеч ким бу нопок ишга аралашишни истамади.

— Кукарачани чақирдиш керак, — деб қолди биров.

Орадан беш минутлар ўтгач, лейтанант етиб келди, келибоқ ўзини ертўлага урди. Хаял ўтмай пастдан Моисейнинг чийиллаган овози эшитилди:

— Войдод! Бўлди, бўлди!

Бирдан ҳаммаёққа сукунат чўкди.

Сўнг Кукарача ертўладан Моисейни қўлтиқлаб чиқди. Кема капитанининг ўнг чангалида Исҳоқнинг қизғиш сочидан бир тутам, сўл чангалида эса Ревекканинг тимқора сават сочидан қарийб ярмиси бор эди.

Кукарача Моисейни қўлтиқлаганча милиция бўлимига қараб кетди. Салдан кейин ҳовлига капитаннинг обдан дўппосланган оила аъзолари эмаклаб чиқишди. Улар чурқ этмай қора елканларни йиғиштириб олишди-ю, худ-

ди шундоқ шарпасиз, ойм супургидай бўлиб ертўлага тушиб кетишди.

Кечкурун Кукарача кузатувида мулла минган эшакдай сўлжайиб Моисей қайтиб келди. Улар тўппа-тўғри ертўлага тушиб кетишди. У ерда нима гап бўлганини ёлғиз оллонинг ўзи билади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай пастдан тўрт кишининг жўр бўлиб қўшиқ айтаётгани эшитилди. Қўшиқ эрталабгача тинмади. Кахетиянинг «Мравалжамиер»и Тбилисининг «бояти»сига, мингрелларнинг «Арира»си гурияликларнинг «криманчули»сига уланиб кетди...

— Мехригиёси борми дейман-да, шу Кукарачани? Ақл бовар қилмайди-я! — деди ойм таажжубланиб ва балкон деразасини ёпди.

Эвоҳ, кора елканлар машмашаси шу билан тугамади. Ўша унутилмас окшомдан сўнг Моисий Марта холанинг ховлисини томошахонага айлантириб, деярли ҳар куни нағма кўрсатадиган бўлиб қолди.

У фирт маст ҳолда уйига қайтар, оёғини базўр судраб ертўласига тушиб кетарди-да, ҳаял ўтмай жанжални бошларди:

— Ангелинани сочидан ушлаб судрадим, дегин?... Қоракўл пўстинига кислота қуйдингми, а?..

Ёки бўлмаса:

— Демак, сенингча, Ангелина фельдшер эмас, бузук хотин экан-да, а?... Беморларнинг қўйнига кириб ётади-ми?... Хўш, ўзинг кимсан? А? Гапир, ярамас!..

Ревекка эса тиз чўкиб, ялиниб-ёлворарди:

— Қўй энди, бўлди, Мосежон. Ундан кўра манови пичокни олиб сўйиб қўя қол. Ўлганим яхши бу кунимдан!

— Дада, оймга тегманг, жон дада! Тегманг, деяпман, йўқса! — деб чирилларди Исҳоқ онасининг панасига яшириниб.

Кейин Кукарача пайдо бўларди-ю, шу заҳоти Моисей қўйдаи ювош тортиб қоларди.

Бир гал, якшанба куни, Моисей хаддан ташқари кутуриб кетди. Ревеккани ховли ўртасига судраб чикди-да, эғнидан қўйлагини сидириб ташлаб, қайиш билан савалай бошлади.

— Кофтасини йиртиб ташладим, дегин?... Эркакларни кўзини ўйнатиб, сийнабандини юлиб олдингми, а? Мана сенга! Мена сенга!

Исхоқ қўлига битта тошни олволиб, отасининг атрофида гир айланар ва нукул:

— Дадажон, бас қилинг, урманг оймни, бўлмаса ҳозир... Бас қилинг, деяпман, бўлмаса... — деб чийилларди.

Моисей шартта орқасига ўгирилди-ю, ўглининг кети-га шунақанги тепдики, бола икки метрча нарига учиб бориб, боши билан ерга тушди.

— Ҳой яхшилар, тошбағирлар, қанақасизлар ўзи, инсофинглар борми?! Ёрдам беринглар! Чақиринглар Кукарачани! — дея бақира бошлади Ревекка. Худди унинг ноласини эшитгандай, қўққисдан ҳовлига Кукарача кириб келди.

Аммо шунда мўъжиза юз берди: Моисей лейтенантга бўйсунмади.

— Яқинлашма! Ўлдираман! — деб қичқирди у темир тўқали қайишини силкитиб.

— Ташла қайишни! — деб буюрди Кукарача.

— Яқинлашма, деяпман! — такрорлади яна Моисей ўдағайлаб ва лейтенантнинг бошига қайиш билан солмоқчи бўлди. Темир тўқа Кукарачанинг кулоғи ёнидан шувиллаб ўтиб кетди.

Кукарача орқага тисарилди.

— Жонингдан умидинг бўлса, яқинлашма! Яқинлашдинг — ўлдираман! — деди Моисей ҳамон қайиш ўқталганча.

Кукарача аста олдинга бир қадам ташлади, аммо бу гал қайишга чап беролмади. Тўқа зарбидан чап ёноғи тарс ёрилиб, тирқираб қон отилди. Аёллар додлаб юборишди. Кукарача тишини тишига босди. Лейтенантнинг юзидаги қонни кўрган Моисей баттар қутуриб кетди. У яна қайиш билан солди, тўқа тагин Кукарачанинг башарасига тегди. Шундан кейин нима бўлганини таърифлаш қийин. Ҳаммаси бир лаҳзада юз берди. Лейтенант Моисейни ёқасидан чангаллаб оёғини ердан узди-да, иягининг остига қаттиқ мушт туширди. Моисей Ревекканинг ёнига гурсиллаб йиқилди-ю, ҳушидан кетди.

Кукарача унинг ёнига тиз чўкиб, жағини ушлаб кўрди, кўкрагига кулоғини босди, кейин ёқасини ечиб, сув сўради. Шунда Ревекка оёғининг остида ётган қалин бир тахтани олди-да, бор кучи билан лейтенантнинг бошига солди. Кукарача чайқалиб кетди.

— Ўлдириб қўйдинг-ку! Пушти паноҳимиздан жудо қилдинг-ку! Сен боқасанми энди етимчани?! Бўйгинанг

гўрда чиригур, котил! — шундай деб, Ревекка тахтани яна кўтарди. Аммо Кукарача бу гал тахтани тортиб олиб, ховли этагига улоқтирди.

— Қилмиш-қидирмиш! — деди у рўмолчаси билан юзидаги қонни артиб.

— Моисейимни ўлдирдингми, а! Валинеъматимдан айирадиган сенми хали?! — Ревекка тош кўтариб яна Кукарачага ташланди.

— Тинчлантурсанглар-чи буни! — деб қичқирди Кукарача Ревекканинг қўлидаги тошни тортиб олиб.

Кейин кимдир келтирган бир челақ сувни Моисейнинг устига сепди. У бир ингради, сал ўтмай қовоқлари пирпиради, ниҳоят, кўзларини очиб, бошини хиёл кўтарди.

— Ана, ол валинеъматингни, қўшмозор бўлинглар! — деди Кукарача Ревеккага ва бўш челақни бир четга улоқтириб, ховлидан чиқиб кетди.

Ревекка билан Исҳоқ бараварига Моисейнинг устига ташланиб, обидийда қила бошлашди:

— Кўзини очди! Суянган тоғимиз, кўкарган боғимиз кўзларини очди!.. Илойим сени урганни қўллари акашак бўлсин!.. Сени сўкканни тили танглайига ёпишсин илойим!.. Майли, мингта ўйнаш тутгин, фақат тирик юрсанг бўлди бахтимизга!.. Қани, бир нарса де, офтобимиз, бир оғизгина гапир!.. Овозингни эшитсак бас!...

Оила аъзоларининг илтижоларига Моисей жон деб жавоб қайтарган бўларди-ю, аммо бунинг уддасидан чиқаёлмаётганди. Сабаби, лейтенант ҳазилакам урмаганди...

Башараси дабдала бўлган Кукарача Сабашвилининг кабинетида ўтирар ва дам-бадам ҳўлланган рўмолчасини ярасига босарди.

— Менга қара, Тушурашвили, бунақа даканг хўрозликни йиғиштир, деб неча марта айтганман сенга, — деди милиция бошлиғи ўпқаланиб.

— Нега даканг хўрозлик бўларкан? — Кукарача афтини буриштирди. — Ўзлари ёрдамга чақиришди-ку. Анови тўнка Моисей уларни дўппослаб ётган экан.

— Билмадим, ким-кимни дўппослаган... — деб жилмайди Сабашвили лейтенентнинг шишиб кетган юзига тикилиб.

— Ўзим жабрланувчига айланиб қолишимни туш кўрибманми? — Кукарача ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо бели зирқираб, қимирламай қўя қолди.

Сабашвили кўнғироқ тугмачасини босди. Кабинетга секретарь киз кирди.

— Эштаман.

— Илтимос, манови йигитчага кўзгунгни бериб тур. Ўзини бир кўриб қўйсин!

Киз пиқ этиб кулиб юборди, кейин дарров кафти билан оғзини беркитиб, хонадан чиқиб кетди.

— Масхара қияпсанми? — деди Кукарача энсаси қотиб.

— Йўқ. Бир масалани сен билан келишиб олмоқчиман. Сенинг розилигинг керак.

Сабашвили бир нималарни ёза бошлади.

Секретарь киз кўзгу кўтариб кирди. Кукарача кўзгунни олиб, афтига бир қаради-ю, уни апил-тапил бошлиқнинг столига қўйди.

— Хўш, қалай? — деди Сабашвили.

— Чаккimas. Лекин унинг ахволи меникидан ҳам баттар, — деб қўйди Кукарача.

— Қачон тузаларкин мўлжалингда?

Кукарача елкасин қисди.

— Тахминан?

— Икки хафтада битиб кетар... Темир тўқа-да ҳар холда...

— Ўн кун етмасмикин? — қайта сўради Сабашвили.

— Йўқ. Камида — ўн беш кун, — деб жавоб берди Кукарача.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, — деди Сабашвили ёзишда давом этаркан.

— Намунча? Ўзим биламан-ку! — Кукарачанинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ҳа, майли, ўн беш кун бўлса — ўн беш кун-да. Сазанг ўлмасин. Хулласи калом, ана шу ўн беш кунни гауптвахтада ўтказасан!

— Ие, нега энди? — Кукарача белидаги оғриқни ҳам унутиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ўн куни — башаранг тузалиши учун, беш куни — безорилик қилганинг учун.

— Демак, дунёда ҳақиқат йўқ экан-да?!

— Аксинча, ҳақиқат борлиги учун ҳам ўн беш кун ётасан, Ма, ушла! — Сабашвили лейтенантга бир варақ қорозни узатди. — Секретарга ўзинг бер, дарров кўчирсин, сени қамокқа олиш ҳақидаги буйрук.

Кукарача эшикка қараб юрди.

— Тўхта Куролни ташлаб кет. Темир шкафимда тура турсин.

— Ў-ў Моисей! Ихтиёр ўзимда бўлгандами! — Кукарача ички чўнтагидан тўппончасини олиб, Сабашвилининг олдига қўйди.

— Кўрслик қилма! Ўн беш кун кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади... Дори-дармон, озик-овқатингдан ўзим хабар олиб тураман, — деди Давид Кукарачанинг кўнглини кўтариб.

Лейтенант чиқиб кетди. Бутун квартал ўн беш кун инспекторсиз қолди...

Моисей-чи? Иягига темир тахтакач қўйилган Моисей бир ой Михайловск касалхонасида ётди, шу вақт мобайнида хотини кунига уч маҳал кумуш қошиқда оғзига сутхўрда қуйиб турди.

Касалхонадан чиққач, Моисей эски бошпанасига қайтмади. Бўёқхона ҳам, Моисий ва унинг оила аъзолари иштирокида ўтадиган томошалар ҳам барҳам топди. Овунчоғимиз яна эшак пойга бўлиб қолди...

Биз Челюскинчилар кўпригининг ўнг тиргаги ёнидаги сўқмоқдан пастга қараб чошиб кетдик, орадан беш минутлар ўтгач, Матквари¹ соҳилига етиб келдик.

Тбилисида жазирама авжига чиққан эди. Соҳилдан иссиқ ховур кўтариларди.

Апил-тапил ечиниб, ўзимизни сувга отдик. Ичимизда энг каттаси Кучико эди, у яхши сузарди. Мен, Дуду ва Ирача ҳам у билан изма-из борардик. Яқиндагина сузишни ўрганган Костя-грек эса нукул типирчилар, шалоплатиб, ҳаммаёққа сув сачратиб қулоч отарди.

— Қалай, сузишга уста бўпкетибманми? — деб мурожаат қилди у менга.

— Эрталаб ювинаётганингда қутқариш чамбарагини кийиб ол, бўлмаса чўкиб кетасан! — деб маслаҳат берди унга Дуду.

— Қани, кетдик, нариги қирғоққа! Хоҳлаганлар — мени орқамдан! — Кучико шундай деб қичқирди-ю, дадил сузиб кетди.

Ёнгарчилик кам бўлгани учун Мткварининг суви одатдагидан анча пасайиб қолган эди, шунинг учун биз ҳам кўркмасдан Кучикога эргашдик. Дарёнинг ўртасига борганда орқамга қарадимۇ бакириб юбордим: кетимдан

¹ М а т к в а р и — Кура дарёси.

Костя-грек сузиб келаетган эди. У бошини сувга тикқанча, бир жойда туриб хадеб қўлларини шалоплатарди. Шу тобда унга дакки бериш бeфойдалигини тушуниб:

— Бўш келма, Костя! Мен шу ердман! — деб кичкирдим.

Костя бошини бир қўтарди-ю, яна ғойиб бўлди.

Мен унинг илинж тўла нигоҳини, қўркувдан оқариб кетган башарасини кўришга базўр улгуриб колдим. У чўкаётган эди.

— Хе-е-й, болалар, ёрдам беринглар-ар! — дея кичкира бошладим. — Костя чўкяпте-е-е!

— Қани-и-и?! — деди биринчи бўлиб Кучико ва дархол орқасига қайтди, аммо Костянинг қораси энди бутунлай кўринмасди.

— Шўнғинглар! — деб буйруқ берди Кучико ва шу захоти ўзи сув остига шўнғиди.

Костя ғойиб бўлган эди. Биз оқим билан пастга қараб кетдик ва дарённиг саёз, тик турса бўладиган еригача сузиб бордик. Бирдан ўн кадамча нарида оқиб кетаётган Костяни кўриб колдик. У бошини сувдан бир чиқазди-ю, жон ҳолатда оғзини очиб, ютоқиб бир нафас олди-да, сўнг яна сув остига кириб кетди.

— Ана у! Ёрдам беринглар-а-р! — деб кичкириб юбордик ҳаммамиз бараварига.

— Бўшашманглар! — деган йўғон овоз эшитилди шу пайт. Аланглаб қараб, томоғигача сувга ботиб оқиб бораётган бир одамни кўрдик. У Костяга етиб олди, уни ёқасидан тортиб кўкрагига босди-ю, лекин ўзини ўнглаёлмай йиқилди, икковлари ҳам бир муддат сув остида кўринмай кетишди, сўнг халиги одам ўрнидан туриб, яна Костяга ёпишди, шошмасдан, битта-битта босиб соҳил томонга қараб юра бошлади.

— Кукарача! — деб кичкириб юбордик ҳаммамиз. — Ёрдам беринг, Кукарача!

— Ўзинглар менга ёрдам беринглар, дайдилар! Сузишни билмайман-ку!

Аммо у энди хавфдан қутулган эди. Бир неча минутдан кейин ҳаммамиз эсон-омон соҳилга чиқиб олдик. Кукарача нафасини ҳам ростламай, Костянинг оёқларидан ушлаб юқорига қўтарди, унинг оғзидан бир челақча сув тушди. Кейин ношуд сузувчини шағал устига ётқизиб, ўзи ҳам ёнига ўтирди. Биз уларнинг атрофига чўнкайдик.

Бир минут ўтди, икки минут ўтди, уч минут ўтди...

Нихоят, Костя ингроқ аралаш бир тўлғанди-ю кўзларини очди.

— Ҳа-а, уйғондингми, полвон? Қалайсан энди? — деб сўради Кукарача.

Костя лейтенантни таниб, дарров яна кўзларини юмиб олди, бу ҳам етмагандай, баттар инграшга тушди.

— Менман. Яна бир қарагин! — шундай деб, Кукарача бош бармоғи билан Костянинг қовоғини кўтарди. — Танияпсанми?

Костя миқ этмади. Кукарача ўрнидан туриб, қайишини ечди, ёқасини бўшатди. Биз шоша-пиша кийина бошладик.

— Тўхтанглар! — деб буюрди Кукарача. Буйрукни сўзсиз бажардик. У кийимларимизни бир жойга тўплади. — Қани, бўйларингга қараб сафга туринглар-чи.

— Лоақал трусиларимизни беринг, — деди Кучико.

— Кимга гапиряпман!

Биз қўлларимизни олдимизга қовуштириб, сафга тизилдик, — Кучико, кейин Ирача билан Дуду, энг охирида эса — мен. Костя-грек ҳамон ерда чўзилиб ётарди. Офтоб урмасин деб, Кукарача кимнингдир қўйлагини олиб, унинг бошига ташлаб қўйди. Кейин каттакон бир харсангтош устига ўтирди-да, ҳаммамизга синовчан назар ташлаб чиқди.

— Ораларингда энг обрўли эшак ким бўлса — олдинга чиқсин! — деб буюрди у.

Бу мақтов кимга тегишли эканини ҳар биримиз тушуниб турардик, табиийки, ҳаммамиздан кўра ҳам Кучиконнинг ўзи буни тез пайқаганди. Шунга карамай у, биринчилиқни хоҳловчилар чиқиб қолармикин, деган умидда бизга кўз қирини ташлади, аммо бундайлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, аста Кукарачанинг олдига борди.

— Қўлингни тушир.

Кучико бир қизарди, бир оқарди, лекин қайсарлик қилишга журъат этолмади. Кукарача кулимсираб, худди пашшани ҳайдагандай, лабининг бир четини учириб қўйди. Сўнг ўнг оёғини Кучикога узатди.

— Қани, этикни тортвор-чи!

Нима қиларкин деб юрагини ҳовучлаб турган Кучикога бирдан жон кирди, шаппа этикка ёпишиб, шунақанги иштиёқ билан торта бошладики, қўққисдан этик оёқдан чиқиб кетиб, Кучико ўмбалоқ ошиб тушди. Яна дарров ўрнидан туриб, иккинчи пой этикка ёпишди.

— Секинроқ, айиқполвон, оёқни узволасан! — деди кулиб Кукарача.

Елкамиздан тоғ ағдарилгандай бўлди, «хайрият, жаҳлдан тушибди».

Кукарача гимнастёркасини ечиб, чўнтагидан бир-бирига ёпишиб қолган учта уч сўмликни чиқазди, уларни битта-биттадан ерга ёйди-да, ҳар бирининг устига тош бостириб қўйди. Кейин иккинчи чўнтагидан жикка ҳўл гувоҳномасини олиб, очиб кўрди, афсусланиб бош чайқади-ю, уни ҳам пулларнинг ёнига қўйди.

— Тушурашвилимиман, Чибурданидземиман — ажратиб бўлмайти-я! — деди у тўнғиллаб, сўнг бизга қараб ўшқирди: — Нега оғзингларни очиб турибсизлар? Гимнастёркани сиқинглар! Мана буниям! — шундай деб, шимини бизга улоқтирди, ўзи эса майкасини сиқа бошлади.

Шу тобда биз азбаройи лейтенантнинг кўнглини овлаш учун Тбилисидаги бутун аҳолининг кийимини сиқишга ҳам тайёр эдик.

— Секинроқ! Йиртасизлар! Ёки менга янги форма беришади, деб ўйлаяпсизларми?

Кейин Кукарача тўппончасини филофидан олиб, ўқларини чиқазди-да, тошга қатор қилиб териб қўйди. Ҳаммамизнинг нафасимиз ичимизга тушиб кетди. Ўқлар. Ҳақиқий ўқлар. Умрбод ёдимда қолган — еттита ўқ эди — учи қорамтир, чўзинчоқроқ, ҳар биридан ажал мўралаб тургандай эди назаримда.

Кукарача тўппонча оғзига пуфлади, сўнг уни ўқларнинг ёнига қўйиб, Костяга ўтирилди:

— Хўш, қалайсан? Ўзингга кепқолдингми?

— Анча яхши, — деди Костя ва ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Ётагур ҳозирча! Сизлар эса, — Кукарача бизга юзланди, — сафга туринглар.

Ёмони ортда қолди деб ўйлаб, бажонидил сафга тизилдик.

Кукарача чордана қуриб ўтирволди, иккала кафтини тиззаларига тираб, кўзларини қисганча бизга тикилди.

— Хўш, азаматлар, Мткварида чўмилишни биринчи бўлиб ким таклиф қилди?

Табийки, ҳеч қайсимиз хоинлик қилишни истамасдик, лекин ҳаммамиз беихтиёр Кучикога бир қараб қўйдик.

— Демак, сен.

Сири фош бўлган Кучико бошини эгди.

— Хўш... Демак, Вэре сизларга торлик қилиб қолди? Бугун кўнглингиз Мткварини тусаган, эртага Қора денгиз тушингизга киради, индинга — Дарданелл, кейин Босфор, ундан сўнг Ўрта денгиз, у ёғига... нима эди бўғознинг номи?

— Гибралтар, — дея гулдрандим мен.

— Гибралтар, баракалла. Кейин эса — Атлантика океани. Шундайми?

— Ҳинд океанига ҳам ўтса бўлади, Сувайш канали орқали, — деб қолди Ирача.

— Ўчир, зехни паст, каллаварам! — Кукарача уни жеркиб берди. — Ҳе, сендақа Магелландан ўргилдим!.. Якинроқ кел! — деб букюрди у Кучикога ва ўрнидан турди.

Кучико лейтенантнинг олдига келди. Бу ёғи шу қадар тез ва нохосдан бўлдики, Кучико эс-хушини йиғиштиришга ҳам улгуролмади: Кукарача унинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Нега урасиз? Нима, сиз мени отаммисиз? — деди жириллаб Кучико.

— Ўчир овозингни!

— Рост-да, чўмилиш ҳам мумкин эмасми? Вэре ҳам дарё бўптими? Тиззаларим шилиниб кетди саёзлигидан.

Кукарача унинг бу эътирозига парво қилмади.

— Навбат сеники!

Юз берган воқеадан сабоқ олган Ирача Кукарачага яқинлашди-ю, кафти билан чап юзини тўсди. Шу заҳоти лейтенант чап кўли билан тарсаки солди. Ирача икки марта ўмбалок ошиб тушди, хайрият, гап қайтариш бекфойдалигига ақли етди. Индамай жойига келиб турди.

— Ҳаммамизни урасизми? — деб сўради Дуду кўркаписа.

— Албатта-да. Адолатли бўлишим керак-қу, ахир.

Дуду буйруқни ҳам кутиб ўтирмай, ўртага чикди.

Анча интизомли, маъқул бола экансан, шунинг учун сени енгилроқ жазолайман. — Кукарача шундай деди-ю, итоатгўй жиноятчининг қулоғидан ушлаб, чунонам бурадики, шахсан мен бундан кўра икки шапалокни афзал кўрган бўлардим.

Навбат менга етганда Кукарачанинг ўзи олдимга келди.

— Ойинг биладими қаердалигингни?

— Йўқ.

— Мана бўлмаса.

Бир чайқалдим-у, лекин йиқилмадим.

— Оғридимми? — деб сўради Кукарача.

— Оғриди, — дедим мен, — яна бир уринг, фақат ойимга айтмасангиз бўлди...

Кукарача менга қараб «ххе» деб қўйди. Кейин Костя томонга қараб юрди. У кўзларини юмганча шапалок тушишини кутиб турарди.

— Сузишни билмас экансан, нима қилардинг буларга эргашиб, тентак? Мен чўкиб кетганимда нима бўларди... сени дастингдан? Мен-ку майли. Ўзинг чўкиб кетганинда-чи? Шу ҳақда ўйлаб кўрдингми? Ота-онангга нима деб жавоб берардик? Қандоқ юпатардик уларни, а? — Кукарачанинг овози титраб, ранги оқариб кетди. Кейин ўтириб олиб, кийимларимизни улоқтирди. Биз чала-чулпа кийиниб, жуфтакни ростламоқчи бўлдик.

— Бу-чи? Бу сувости сузувчисини кимга ташлаб кетяписизлар? — Кукарача Костяни биқинига туртиб кўрсатди. — Олиб бориб ота-онасига топширинглар. Бўлмаса, хозир ўзим чўқтирвораман!

Костя ҳаммамиздан олдин кийиниб олди.

— Сиз кетмайсизми? — деб сўради Кучико Кукарачадан мулојимлик билан.

У ҳўл кийимларига маъноли қараб қўйди, Кучико аҳмоқона савол берганини пайқади-ю, шартта бурилиб жўнаб қолди. Биз, она товукқа эргашган жўжалардай, унинг кетидан йўлга тушдик.

Бирдан орқадан Кукарачанинг овози эшитилди:

— Болалар, мендан хафа бўлманглар... Хизматчилик-да... Кейин, бир илтимос... Ўтиниб сўрайман... — Биз хайрон бўлиб бир-биримизга қарадик, — илтимос? Кукарача биздан илтимос қияптими? У сўзида давом этди: — Ҳеч кимга... сузишни билмаслигимни айтманглар... Хўпми?

Биз кўприкнинг ўнг тиргаги ёнидаги қияликдан тирмашиб чиқиб, Варазисхеви довони томон бурилдик.

Қамчисидан қон томадиган онанинг ўғли бўла туриб, тамаки чекишимнинг ажабланарли ери йўқ. Чунки кварталимизда яшайдиган мен тенги болаларнинг қарийб ҳаммаси ота-онасидан яшириқча чекарди. Таажжубланидиган жойи шундаки, чекишни бизга қўшнимиз, кишлоқдан келиб, қариндошларникида яшаётган, ёши мен билан баравар қиз бола — Цаца Барамия ўргатганди. Бу

«Ғоят ғойдали машғулот»га, ўз навбатида, уни Носирида¹ турадиган бобоси Иван Пирцхалава жалб этган экан. Ёнғоқ тагида, туси ўчган намат устида ўтирган Иваннинг трубкаси ўчиб қолаганида, у ҳар гал суюкли набирасини чакираркан:

— Цаца, хой Цаца!

— Патени!

— Кумомиги, дэгаби, дахчири!²

Цаца чўғ келтираркан. Трубка яна ўчаркан. Шунда бобоси трубкани набирасига тутқазаркан-да, бориб ўзинг тутатиб кел, деб тайинларкан. Қизча буйрукни бажараркан. Шундай қилиб десангиз, шўрлик Цаца чекишга ўрганиб қолипти. Бун қарангки, биздай айёр, муттаҳам шумтака болаларда тамакига ҳавас уйғотган одам — ана шу ниҳоятда беғубор ва оққўнгил қиз Цаца Барамия бўлди.

Ўша пайтларда кашанда болаларга, ҳозир худди кўкнориларга қарагандай қарашарди. Бинобарин, мен, Дуду, Ирача, Костя-грек ва Кучико Марта холянинг девори панасида ким ўзарга папирос буркситиб турганимиз устига қўққисдан Кукарача келиб қолиб, қай аҳволга тушганимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Бошқаларни билмадим-у, лекин менинг кўзимга дунё қоронғи кўриниб кетди. Папиросни мижиқлаб, муштимни шартта тупроққа тикдим, тутунини эса сўлагимга қўшиб ютиб юбордим, шу алпозда ҳангу манг бўлиб қолган лейтенантга тикилиб туравердим. Менга сўнгсиздай туюлган бу ҳолат бир минутча давом этди. Ниҳоят Кукарача тилга кирди:

— Нима қияпсизлар ўзи?... Жунвонмарг бўлмоқчимисизлар? Ўпқангиз чириб, миянғизни ишдан чиқишини истаяпсизми? Ўзингизга қабр қазияпсизми? Ўлмоқчимисизлар? Мана! — у тўппончасини чиқазди. — Чўзиб нима қиласизлар? Пақ-пақ, тамом!.. Хўш, нима қилайин энди? Ҳаммангизни битта-биттадан отиб ташлайинми ёки ўзимни ўлдирайинми?

Биз яшин урган одамдай бакрайиб қолгандик, кимирлашга, ҳатто бир овиз сўз айтишга юрагимиз дов бермасди. Яна шовқин-сурон дўқ-пўписа, олатасир бўлишини кутгандик. Лекин бундай бўлмади. Кукарача тўппончасини филофига солиб, индамай жўнаб қолди...

¹ Н о с и р и — Фарбий Грузияда, Мегрелияда жойлашган кишлоқнинг номи.

² — Лаббай.

— Чўғ опке, қизалоғим (м е г р л).

Ўша куни кечкурун эшигимиз кўнғироғи ўн мартача жиринглади. Ҳар гал юрагим кинидан чиқиб кетаёзгандай бўларди. Ниҳоят, бугун энди тинч ухлайдиган бўлдим, деб турганимда, ўн биринчи кўнғироқ эшитилди, шунда Кукарача келганини кўнглим сезди.

Ўрнимдан туролмадим. Эшикни ойим очди.

— Салом, Анна Ивановна!

— Э-э, Кукарача! Марҳамат, марҳамат! Қани, ичкарига кир!

Вулкон ҳаракатга келганини тушундим, токи кетмакет портлашлар бошланмасидан олдинроқ хонадан, уйдан, шаҳардан ва умуман бу дунёдан бош олиб чиқиб кетиш ниятида аста ўрнимдан кўзгалдим.

— Ўтир! — деди ойим. — Иш билан келгандирсан, албатта? — деб мурожаат қилди сўнг қалин китоб кўтариб олган Кукарачага.

Лейтенант менга кўз қирини ташлади.

— Нима бало, яна дарёни заҳарлапими? — деб сўради ойим.

Кукарача ерга қаради.

— Ёки банкни ўмарипими?

Кукарача яна индамади.

— Балки одам ўлдиргандир? — деди ойим зардаси қайнаб.

Ойимнинг асабийлаша бошлаганини сезган Кукарача китобни столга қўйди.

— Нима бу?

— Катта Совет Энциклопедияси бу, Анна Ивановна. Ижозатингиз билан, шу китобдан битта мақолани сизга ўқиб берсам.

— Зилдай қилиб кўтариб юрганингни қара-я? Энциклопедия тиқилиб ётипти-ку бизда! — ойим китобга лик тўла шкафга ишора қилди.

— Эҳа... Эсимга келмапти, — деди кулиб Кукарача.

— Мақола менга алоқадорми, ё иккаламизгаямми?

— Кўпроқ бунга, лекин сиз ҳам эшитиб қўйсангиз чакки бўлмасди.

Ойим ўтириб, эшитишга чоғланди. Кукарача муштига йўталиб қўйди.

— Қани, муштоқмиз! — деди ойим унга далда берган бўлиб.

— Никотин! — деб бошлади Кукарача ва негадир тўхтаб қолди. Ойимга секин ўғри қараш қилдим, назаримда, кўзларимдан учкун сачраб, сирим очилиб қолаёт-

гандай туюлди. Дарров бошимни ҳам қилиб, четга қарадим. Худди тушдагидай, Кукарачанинг овози элас-элас эшитила бошлади:

— Никотин... Французча Nicotint деган сўз бўлиб, 1560 йилда Европага биринчи марта тамаки олиб келган француз дипломати Ж. Нико номи билан боғлиқ. Тамаки чекилганда никотин тутун орқали нафас йўлларига ўтади ва у ерда организмга сўрилиб, нерв системасига муайян таъсир кўрсатади... Никотиннинг таъсири икки босқичлидир: оз миқдордагиси — кўзгатувчи, кўп миқдордагиси эса — заҳарловчи. Иккинчи ҳолда нерв системаси ишдан чиқади, нафас олиш оғирлашиб, юрак фаолияти бузилади. Никотин энг заҳарли алкалоидлардан биридир: унинг бир неча томчиси отни нобуд қилиши мумкин...

Кукарача китобни ёпди.

— Хўш, кейин-чи? — деб сўради ойим узоқ сукутдан кейин.

— Яна нима керак? Дафнга кетадиган харажатлар ҳақида бу ерда ҳеч нарса дейилмаган.

— Буни сўраётганим йўқ. Чекаётганини кўриб, сен нима қилдинг?

— Менми?.. Мен нима ҳам қила олардим? — довдираб қолди Кукарача. — Мана, олдингизга келдим...

— Бир ўзимиди?

— Бошқаларникига кириб чиқдим. Ҳатто тилхат ҳам олдим.

— Қанақа тилхат?

— Мана, марҳамат...

Кукарача чўнтагидан тўрт букловлиқ оддий дафтар варақларини чиқазиб, улардан бирини ўқиб берди:

«Мен, Дуду Доборжгинидзе, чин пионерлик сўзини бериб айтаманки, бундан буён чекиш у ёқда турсин, ҳатто папиросга қайрилиб ҳам қарамайман. Ойим, отам ва бошқаларни ўртага қўйиб онт ичаман».

Кукарача қоғозни буклаб, яна чўнтагига солиб қўйди.

— Энди биздан тилхат оласану шу билан никотинга қарши кураш тугайди-да, а? Шундайми? — деди ойим кесатиб. Кейин ўрнидан туриб, менинг олдимга келди. Мен қимир этмадим, чунки бўлар иш бўлган эди. Ойим юзимга тарсаки тортиб юборди. Кукарачанинг Мтқвари соҳилида тушган тарсакиси бунинг олдида силаб қўйишдай гап эди.

— Нима қияпсиз! — деди Кукарача ойимнинг қўлидан ушлаб.

— Нар и тур! Нима қилаётганимни ўзим биламан! — ойим уни итариб ташлади.

— Қўйинг, Анна Ивановна, кераги йўқ! Агар шапалоқ ёрдам берганида, ўзим...

— Ким?... Ким мени хароб қилди? — деди ойим бўғилиб.

Мен-ку нима деб жавоб беришни билардим-а, лекин бир оғиз гапирсам баттар пўстагим қоқилишидан кўрқиб, индамадим.

— Ким дейсизми? Ўзингиз, Анна Ивановна! — деди Кукарача босиқлик билан.

— Нима?!

— Аксарият, кашанда ота-оналарнинг фарзандлари чекишга мойил бўлиши аллақачон исботланган, — деди яна Кукарача пинагини бузмай.

— Демак, мени қайта тарбиялаш керак экан-да? Шундайми? Балки тилхат ёзиб берарман. — Мен, Анна Ивановна Бахтадзе, чин пионерлик сўзини бериб айтаманки...»

— Нега унақа дейсиз, Анна Ивановна? — дея ойимнинг гапини бўлди Кукарача хафа бўлиб. — Энциклопедияни мен тузган эмасман, тамакини ҳам Грузияга мен келтирмаганман... Нима кераги бор...

Ойим хижолатдан кип-қизариб, шартта бурилди-ю, хонадан чиқиб кетди. Жаҳли чиқдими, уялдими — билолмадим. Менимча, уялди шекилли-ёв. Кукарача ҳам энди кетиш кераклигини тушунди. Энциклопедияни қўлтиғига қистириб, эшикка қараб юрди. Бирдан тўхтаб, афсуслангандай менга бир қараб қўйди. Аммо оғиз очтирмадим:

— Шпионсан, Кукарача, шпион! Исковуч! Кўргани кўзим йўқ сени!

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди, негаки шу тобда у ҳақда кўнглимдан кечганларини тамомила тўкиб солган эдим.

Кукарачанинг буғдойранг юзи докадек оқариб кетди...

Варазисхеви кўчасининг этагида, уйимиз яқинида Борчалодаги Махарадзе номли колхознинг сабзавот дўкони бор эди. Дўконда атиги икки киши — Али ва Иброҳим деган озарбайжон йигитлари ишларди. Ҳар гал биз, болалар, пештахтадаги писта ёки олхўриқоқини чангаллаб қочмоқчи бўлганимизда, улар:

— Ҳой, тирранча, калтак егинг кепқолдими, а? — дея йўлига пўписа қилиб қўйишарди.

Дўконда колхозда ётиштирилган ҳамма нарса — узумдан тортиб қовунгача, баъзан ҳатто гўшт ҳам сотиларди, шунинг учун ойим ҳадеб бозорга югуравермасди.

Али дегани тахминан отам тенги, Иброҳим эса ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги йигит бўлиб, кўзи сал филайроқ эди, шунданми, Алининг авзойи бузилди дегунча уни «якка дурбин» деб чакирарди.

Ўша пайтдаги нарх-наво ҳақида ҳозир бир нарса дейишим қийин, лекин шуниси ёдимда қолганки, бир сўмга Али бир сават кўкат берар, яна бунинг устига:

— Ҳой бола, ойингга айтиб қўй, Алининг майдаси йўқ экан, қайтимини кейинги гал бераркан дегин, — дея писанда ҳам қилиб қўярди.

Ойим Али билан Иброҳимни юлғич деб атар, аммо улар билан муносабатини асло бузмасди. Биз, болаларга эса иккаласи ҳам қаттиқ гапирмас, қайтага пистами, туршакми, олхўрими, ишқилиб, дўконда бор нарса билан ҳаммамизни сийлаб туришарди.

Июлнинг ўрталарида Али билан Иброҳим бир арава қовун-тарвуз келтириб, дўконнинг олдига уйиб қўйишди. Ўша куни шомгача Иброҳимнинг жағи тинмади:

— Кеп қолинг Борчалонинг қовуни билан тарвузига! Тилими тилни ёради! Вах-вах-вах, еганлар дармонда, емаганлар армонда!

Кун бўйи харидорларнинг кети узилмади. Аммо мени қовун-тарвузлар қизиқтирмасди. Айни пайтда дўкондан нари кетолмасдим — иккала кўзим Иброҳимнинг белида осилиб турган қора сопли пичоқда эди. У шу пичоқ билан татиб кўриш учун харидорларга ё қовун, ё тарвуздан бир тишламдан кесиб бераётганди. Дунёда мен учун гўё шу пичоқдан бўлак азиз ва ноёб нарса йўқдай эди, ўнгимда ҳам, тушимда ҳам шу пичоқни орзу қилардим.

13 июль, душанба — кўп бехосият кун бўлди. Ойим мени кўкат опкелишга юборди. Дўконга яқинлашганимда мени маҳлиё қилган пичоққа яна кўкзим тушди-ю, юрагим шиг этиб кетди. Иброҳим билан Али дўкон ичида уймаланишар, ташқарида бирон зоғ кўринмасди, тарвуз уюмининг қоқ тепасида эса каттакон бир тарвузга санчиб қўйилган қора сопли ўша пичоқ ярқираб турарди.

Мени нима жин урди — билмайман, ҳар ҳолда аллақандай кўринмас шарпа устимга энгашиди-ю: — Боравер, кўркма... — деб шивирлагандай бўлди қулоғимга.

Пичоқни олганимни биламан, тарвузлар ҳар томонга сочилиб кетди, жон ҳолатда ўзимни Марта холанинг ҳов-

лисига урдим, пичокни апил-тапил девор тагига кўмиб, бундай қарасам... тепамда худди осмондан тушгандай Кукарача турипти-да!

— Салом, Тамаз! — деди у жилмайиб.

Ўрнимдан туриш ўрнига ерга ўтириб қолдим.

— Ишларинг қалай? Нима янгиликлар?

Лейтенант билан баҳслашишдан фойда йўқ эди, шунинг учун беўхшов тиржайиб, елкамни қисиб қўя қолдим. Сухбатни давом эттириш мақсадида Кукарачанинг ўзи рўпарамга чўнқайди.

— Ўртоқларинг қани?

— Билмадим... баъзилари дала ҳовлисига кетган, бошқалари Тбилисида...

— Ўзинг нима қияпсан?

— Дадамни кутяпман. Яқинда кепқолишлари керак. Кабулетига бормоқчимиз.

— Йўқ, ҳозир нима қияпсан, бугунги режаларинг қанақа, демокчиман.

— Бугунми?.. Қайдам... Болалар кепқолиши мумкин... Вэрегами, ҳайвонот боғигами борармиз...

— Унга қадар-чи?

— Уйга кетаман.

— Ўртоқларингни кутмайсанми?

— Келишса, ўзлари чақиринишади.

Кўнглимнинг аллақеридида умид учқуни йилтиллади — балки кўрмагандир? Балки тасодифан келиб қолгандир? Балки папирос воқеасидан кейин мен билан ярашмоқчидир? Ўрнимдан турдим-да:

— Майли, мен борай... — дедим ўзимни бепарво кишидай кўрсатиб.

— Ўтир! Болалар келгунча, ўйнаб турамыз.

— Ўйнаб турамыз? Нимани ўйнаймиз?

— Ҳеч бўлмаса, танга отамиз.

Кукарача кўкрак чўнтагидан бир сўмлик кумуш тангани чиқазди-да, бош бармоғига қўйиб туриб осмонга отди, сўнг уни олиб олиб, кафтига яширганча савол назари билан менга қаради.

— Ўнги! — дедим мен.

Кукарача кафтини очди.

— Ютқаздинг! — шундай деб, у яна тангани осмонга отди.

— Ўйнамайман... — мен ўрнимдан турдим.

— Шошма! Балки пичоқ отиш ўйнаймиз? — деб қолди бирдан Кукарача.

— Нима? — юрагим кинидан чиқиб кетаёзди.

— Пичоқ отиш ўйнай қолайлик деяпман! — такрорлади Кукарача.

— Нега менга ёпишиб олдингиз? Нима керак ўзи сизга? — дедим мен йиғлагудай бўлиб.

— Сен билин дўст бўлмоқчиман, бошқа ҳеч нарса керак эмас! — Кукарача туриб бориб, ахлатлар орасидан бир бўлак кўмир топди-да, дарвозага иккита — олдин каттароқ, унинг ичига эса кичикроқ доира чизди. Кейин кўмирни бир четга улоқтириб, қўлларини бири-бирига ишқалаб тозалагач, дарвозадан ўн қадам санаб, этигининг учи билан ерга чизик тортди, шундан сўнг менга мурожаат қилди:

— Пичоғингни бериб тур!

— Қанақа пичоқ? — дедим мен ўтакам ёрилиб.

— Анави, девор тагига кўмиб қўйган пичоғингни-да! — деб жавоб берди Кукарача, худди пичоқни ўзи кўмиб қўйгандай ишонч билан.

Нима ҳам қила олардим? Пичоқни кавлаб олиб, Кукарачага узатдим.

Лейтенант уни обдон кўздан кечиргач, қойил қолгандай бош чайқади. Шу пайт бирдан пичоқ унинг қўлидан ўқдай отилиб, ҳавода ёйсимон из қолдирганча дарвозага, катта доира ичига бориб санчилди.

— Опке! — деди Кукарача жиддий киёфада.

Пичоқни аранг суғуриб, лейтенантга келтириб бердим. У яна улоқтирди, пичоқ яна катта доира ичига санчилди. Кейинги учта зарби эса кичик доиранинг қоқ ўртасига тегди. Кукарача мамнун жилмайди.

— Энди сени навбатинг. Беш марта отасан. Ёдингда бўлсин, менда қирқ саккизта очко — иккита тўққиз, учта ўн.

Мўлжаллаб туриб пичоқни отган эдим, дарвозадан уч метрлар наридаги тутга бориб қадалди.

— Э, қойил! — деди кулиб Кукарача.

— Ўзим тутни кўзлаган эдим! — дея сурбетларча ёлғон гапирдим.

— Ха, майли, от!

Қолган тўрт ҳамлам ундан ҳам баттар бўлди. Дарвозага зинҳор пичоқнинг учи эмас, ё сопи, ё орқаси тегарди. Шовқинимизга Марта хола чиқиб келди. У бизга бир муддат ҳайрат билан тикилиб турди-да, сўнг бошини чангаллаганча жаврай кетди;

— Вой, шўрим қурсин! Бошқа ишларинг йўқми? Бо-

лани нимага ўргатяпсан мелиса бўлмай ўлгур! Такасаланг! Қора таппи!

— Оғзингизга қараб гапиринг, Марта хола, тилингиз намуноча аччиқ?! Умрингизда ҳеч асал еганмисиз? — деди кулиб Кукарача ва елкамга қўлини ташлаганча мени ҳовлидан олиб чиқиб кетди. — Энди пичоқни эгасига қайтарамиз. Хўпми?

Ўйинга берилиб кетиб, Алини тамом унутган эканман, ҳозир номини эшитиб, устимдан биров қайноқ сув куйиб юборгандай бўлди.

— Сиз беринг...

— Нега ўзинг бермайсан?

— Уяламан!

— Ҳечқиси йўқ. Юр, бирга борамиз. Али билан ўзим гаплашаман.

Дўконга яқинлашганимизда, пичоғидан айрилган Алининг фигони фалакка чиқиб ётган экан. У захрини нукул Иброҳим шўрликка сочмоқда эди.

— Шундоғ пичоқни йўқотиб ўтирибсан-а, якка дурбин! Қовун-тврвузни қандоқ сотаман энди, нима билан чақмоқлайман?! Кўзинг қаёқда эди! Сендан кўра ит асраганим яхшимасмиди, лоақал вовуллаб турарди!

Алининг кўзи Кукарачага тушди-ю, баттар авж қила бошлади:

— Қаёқларда юрибсан, мелиса?! Қаёққа қараяпсан ўзи?! Куппа кундузи, шаҳарнинг қоқ ўртасида мени тунаб кетишди!

— Шу ерданман, Али! Мана пичоғинг!

— Ие, ие, вой азамат-эй! Сен мелиса эмас, тиллосан, олтинсан! — шундай деб, у пештахта ортидан югуриб чикди-да, Кукарачани кучоқлаб ўпа бошлади.

— Сен менга эмас, мановинга раҳмат дегин! Пичоқни шу топди! — деди Кукарача биқинимга туртиб.

— Вой азизим-эй! Ким ўғирлаган экан? Ҳозир бориб, қулоғини кесиб қўлига тутқазаман!

— Билмайман, Кукарача ўғридан тортиб опти! — дедим мен сир бой бермай.

— Вой, аблаҳ! Вой, ярамас, итвачча!

Али бу таърифлар менинг шаънимга, ҳозиргина ўзи «азизим» деб атаган бола шаънига қарата айтилаётганини ҳаёлига ҳам келтирмасди.

— Ма, ол, — деб сўзида давом этди у, — мендан сенга совға, пули керак эмас! — шундай деб иккита тарвуз олиб узатди.

Мен рад этиб, орқага тисарилдим.

— Олавер, тентак! — деди Кукарача далда бериб.

Тарвузларни унинг қўлидан олдим.

— Хўш, нима дейиш керак! — деди Кукарача наси-хатомуз.

— Раҳмат, Али амаки, лекин иккита тарвузни нима қиламан? Биттасига қовун бера қолинг.

Кукарача хахолаб кулиб юборди.

Али менга ер остидан бир оз қараб турди-да:

— Вой, содда муғомбир-эй! — деди ва битта тарвуз-ни олиб, қовунга алмаштириб берди.

— Кукарача, ойимга нима дейман? Қаёқдан олдинг, деб сўрасалар, нима деб жавоб бераман! Сиз опкета қолинг!

Кукарача индамай қўлимдан қовун билан тарвузни олди, иккаламиз уйга қараб жўнадик.

Ойим бизни кўрди-ю, тамом бўлди:

— Кукарача, агар шуниям ўғлим ўғирлаган бўлса, ўзимни ўлдираман!

— Унақамас, Анна Ивановна, Али менга берувди, мен сизга илиндим, — деди Кукарача ойимга тасалли бериб.

— Шунақа дегин? Бундай эйтиборга мушарраф бўлишимнинг боиси нима?

Кукарача ғалати жилмайиб, елкасини қисди.

— Кўнглингга келмасин-у, Кукарача, сендан бир нар-сани сўрамоқчиман. Очигини айт: сен фақат Тамазни орқасидан лўкиллаб юрасанми ё бошқаларникига ҳам борасанми?

Кукарача ўйланиб қолди. Афтидан, бундай саволни кутмаган эди.

— Йўқ, Анна Ивановна... Мен, ўз таъбирингиз билан айтганда, фақат ўғлингизни орқасидан лўкиллаб юрмайман, иннайкейинн, фақат сизнинг уйингизга ҳам келмайман. Мен — участка инспекториман, бинобарин, ҳамма жойда бўлишимга тўғри келади... Лекин, ростини айтсам, сизникида ўзимни бошқачароқ ҳис қиламан... Худди имтихон топшираётгандай ҳаяжонланаман... Бошқа хонадонларда менга нукул «хурматли» деб мурожаат қилишади. — «Марҳамат, хурматли Георгий!», «Ўтиринг, хурматли Георгий!», «Сиз бўлмасангиз, ҳолимиз нима кечарди, хурматли Георгий?..» Сиз эса... баҳсласиз, жанжаллашасиз, Кукарача дейсиз...

— Ахир, ўзинг айтувдинг-ку Кукарача деяверинг деб.

— Ҳамма гап шунда-да.. Бошкаларга ҳам айтганман... Дарвоқе, йўқ!.. Ҳеч кимга Кукарача деб чакираверинглар, демаганман... Хуллас, қандок тушунтиришни ҳам билмайман... Назаримда, қачонлардир сизнинг бағрингизда яшагандайман... Худди ўғлингиз Тамаздай... Кейин бир гуноҳ қилганману уйдан қувилганман... Мана, гуноҳимни ювиб, гўё яна ўз маконимни топдим... — Кукарача жим бўлиб қолди.

Ойим папирос олиб тутатди — кўнгли бузилди чамаси, акс ҳолда Кукарачанинг олдида чекмаган бўларди.

— Милициядаги вазифанг нимадан иборат, Кукарача? — деб сўради ойим. Аслида милиция инспекторининг вазифаси нимадан иборатлигини лейтенантнинг ўзидан кам билмасди. Бу савол орадаги жимликни аритиш учун берилган эди.

— Вазифамми? Биринчидан, ўғри ва боскинчиларни таъкиб этиш...

— Лекин шу пайтгача бирорта ўғрини ушлаганингни эшитганим йўқ, — деди ойим кулиб.

— Мен шу ерда эканман, ҳеч қандай жинойтчи Вакега қадам босолмайди! — деб жавоб берди Кукарача ҳазиллашиб.

— Майли, шундай ҳам дейлик. Хўш, яна!

— Яна — болаларни ғоявий тарбиялаш, — деди Кукарача андак ғурур билан, — ўсмирларнинг маънавий турмушини тўғри йўлга солиш...

— Шунақа дегин? Ғоявий тарбия, маънавий турмуш ва умуман инсон қалби ҳақида нималарни биласан?

Кукарача дудукланиб қолди, аммо тезда яна ўзини ўнглаб олди:

— Менимча, Анна Ивановна, қалб тубсиз, ҳад-худудсиз бир нарса. Маънавий ҳаёт эса — кино, театр, ранг тасвир, музика... Бундан ташқари — муҳаббат, чексиз муҳаббат!

— Сенингча, ўғрилар кинога боришмайдами, фирибгарлар, қўли эгрилар, олиб-сотарларнинг хотини, болачақаси йўқми, улар ҳеч кимни севмайдами? — Ойим папиросини ўчириб, Кукарачага савол назари билан тикилди.

Лейтенант ўйланиб қолди.

— Дарвоқе, қизик... Сиз-чи, Анна Ивановна? Қалб ҳақида сиз нима дея оласиз?

Энди ойим сукутга кетди.

— Осонмас бу жумбоқни ечиш, азизим... Менимча, қалб — инсоннинг бамисоли эртақлардаги девдай шишага қамаб қўйилган орзу-ўйлари. Бу ўй-фикрлар пайдо бўлган кунидан бошлаб озодликка талпинади. Баъзан биз уларга эрк берамиз — ихтиёрий ёки ихтиёрсиз, кўпинча уларнинг ўзлари тутқинликдан халос бўлишади. Хурриятга чиққан инсон тафаккури фанда, санъатда, адабиётда мўъжизалар яратишга кодир. Мен учун ҳар бир даҳо — шишадан отилиб чиққан девдир. Тўғри, даҳолар орасида ҳам нисбатан йирик ва майдароқлари, бақувват ва заифроқлари бор, лекин муҳими бу эмас. Эрк нашидасини улар бир хилда ҳис этишади. — Ойим паст товушда, шошмасдан, худди ўзига ўзи гапиргандай сўзларди. Фақат пировардидагина у нигоҳини Кукарачага бурди: — Яхши бўпти, Кукарача, бу ишлар билан шуғулланишни сенга топширишгани яхши бўпти...

— Анна Ивановна, қаерда ёзилган бу гаплар? — деб сўради Кукарача таажжубланиб.

— Билмайман... Эсимда йўқ... Балки, ҳеч қаерда ёзилмагандир... Ўзим шундай деб ўйлайман.

— Муҳаббат-чи? Муҳаббат ҳам қалбга тегишлими?

— Эҳтимол.. Ҳар ҳолда, инсонга ҳадя этилган барча хазиналар ичида энг қимматлиси — сева олиш лаёқатидир. Дунёдан муҳаббатсиз ўтган кишига ачинаман.

— Мен болаларни яхши кўраман.

— Демак, бахтли одам экансан.

— Сиз-чи?

— Мен — онаман, севиш — менинг биринчи вази-фам.

— Ҳа, болалар масаласи — жиддий масала... Мана сиз, Тамазнинг орқасидан лўкиллаб юрасанми, дедингиз... Ахир унақалар биттамас-ку. Шунинг учун ҳам, худди айғоқчидай, уларни ҳар доим кузатиб юраман — ёмон йўлга киришмасин, ёқалашишмасин, ўғирлик қилишмасин, дейман. — Кукарача менга бир қараб қўйди. — Эҳтимол, улар мени ёқтиришмас, лекин начора? Азбаройи яхши кўрганимдан шундай қиламан! Бўлмаса, туппа-тузук дехқон ёки ишчи бўлишим ҳам мумкин эди! — Кукарача ойимга залворли муштларини кўрсатди.

— Албатта, — деди ойим, — болани тарбиялаш осонмас — бировни боласи у ёқда турсин, баъзан ўзингникини ҳам эплотмайсан...

— Ҳа... Мана, масалан, Жиноят кодексига ўғирлик учун уч йилдан ўн беш йилгача муддат белгилаб қўйилган...

— Жудаям шафқатсиз қонун!

— Шафқатсиз, лекин зарур!

— Айтгин-чи, ўғриларни қандай қилиб ушлайсизлар?

— Қандай қилиб бўларди. Ўғирлик қилса — дарров қўлга оламин, тўғри юрса — тегмаймин... Баъзан шундай ҳам бўлади: бир одамни ўғрилигини биламин-у, лекин тегишга ҳаққимиз йўқ. Чунки далил керак, гувоҳлар керак! «Қўлга тушмаган — ўғри эмас!» — деган мақол бежиз айтилмаган.

— Ишинглар жа оғир бўлса керак деб ўйлардим.

Бу гап Кукарачанинг андак нафсониятига тегди.

— Ғалати экансиз... — деди хафа бўлиб.

— Ҳа, яхши... Ўша ўғри бир нарсани ўмариб кетмасдан олдин бирон чора кўрасизларми?

— Албатта. Бизнинг ишимизни ҳам ўзига хос томонлари бор. Жиноятнинг олдини олиш, деган иборани эшитмаганмисиз?

— Буни сўраётганим йўқ, — деб унинг гапини бўлди ойим. — Ўғрилар билан суҳбат ўтказасизларми, демокчиман?

— Қанақа суҳбат? — деди астойдил таажжубланиб Кукарача.

Ойим ўрнидан туриб, китоб жавони ёнига борди, ундан қора муқовали бир китобни олиб очди-да, лейтенантга мурожаат қилди:

— Мана, эшит! Соддароқ қилиб ўқиб бераман: «Агар ўнг кўзинг панд берса, шартта ўйгину улоқтир, илло буткул баданинг дўзах ўтида куйганидан кўра бирон аъзойинг нобуд бўлгани маъкулдур. Агар ўнг қўлинг панд берса, шартта кесгину улоқтир, илло буткул баданинг дўзах ўтида куйганидан кўра бирон аъзойинг нобуд бўлгани маъкулдур». Уқдингми!

— Илтимос, яна бир қайтаринг! — деди Кукарача.

Ойим яна ўқиди.

— Э, қойил! — деб хитоб қилди Кукарача. — Мана буни шафқатсизлик деса бўлади! Ўз кўзини ўйиш! Ўз қўлини кесиш! Бунинг олдида бизнинг қонунимиз — холва-ку!

— Қонун эмас бу, Кукарача, амри маъруф! Агар қонун бўлганда эди, ҳозир Грузиянинг ярми аҳолиси бир кўз, бир қўл бўлиб юрарди, — деб жавоб берди ойим.

— Амри маъруф, деганингиз нимаси?

— Амри маъруф — яхшиликка ундаш, дегани. Жа-

мики қонунларнинг асоси шу. Айтмоқчиманки, ҳалигидақа одамларни қамоққа олишдан аввал уларга амри маъруф ўқийсизларми, йўқми?

— Биз муомала қиладиган одамларга ҳеч қанақа амри маъруф ёрдам бермайди... Қанақа китоб бу, Анна Ивановна?

— Инжил.

— Тамазга ҳам ўқиб турасизми?

— Тамазгами? — ойим шошиб қолди. — Биласанми, сира хаёлимга келмапти... менимча ҳали сал эрта...

— Анна Ивановна, шу китобни менга бериб турмайсизми, икки кундан кейин қайтариб бераман, — деб қолди Кукарача.

Ойим Инжилни индамай унинг олдига қўйди.

— Тушунмаган жойларимни сиздан сўраб оламан. Эски грузин тилини яхши билсангиз керак, а?

— Французчани ҳам, инглизчани ҳам, немисчани ҳам биламан, — деди ойим мактаниб.

— Шунча тилни ўрганишга қачон улгургансиз? — деб сўради Кукарача таажжубланиб.

— Э, азизим, аслида биз, ер юзидаги барча одамлар бир тилда гаплашамиз, лекин бир-биримизни тушунмаймаймиз, чунки бир-биримизнинг гапларимизга қулоқ солмаймиз! — деди ойим уҳ тортиб.

— Бош оғрик дорингиз йўқми? — деб сўраб қолди Кукарача бирдан.

Ойим икки дона таблетка билан ярим стакан сув олиб келди.

— Ма, агар сал-пал оғриётган бўлса биттасини, қаттиқ оғриётган бўлса иккаласини ич.

Кукарача иккала таблеткани ҳам ичиб юборди, миннатдорлик билдириб, ўрнидан турди-да, эшикка қараб юрди.

— Анна Ивановна, шу гапларни милициядаги ўртоқларимга ҳам айтсам майлими?

— Қайси гапларни, Кукарача?

— Қалб шишага қамаб қўйилган дев, амри маъруф ҳақидаги гапларни-да...

— Вой, қизиқсан-а, азизим, ахир Инжилни мен ёзмаганман, қалб ҳақидаги сўзларимни ҳам яширадиган жойи йўқ, бемалол айтаверишинг мумкин...

— Раҳмат, Анна Ивановна!

Икки кундан кейин Кукарача Инжилни қайтариб бер-

ди. Ойимдан ҳеч нарсани сўрамади ҳам. Китобни тут-казди-ю, раҳмат айтиб, чиқиб кетди.

Шундан кейин у қайтиб бизникага келмади. Кўча-кўйда мени кўриб қолса, эркалатиб юзимга шапатилаб қўяр ва ойимга салом айтишни тайинларди.

Кукарачанинг биздан кўра ҳам зарурроқ ва мушкулроқ иши чиқиб қолган эди.

Қуйида мен сўзлаб берадиган воқеалар — шахсан ўзим гувоҳ бўлган воқеалардир, буларни биз милицияда тарқалган миш-мишлардан эшитганмиз, бу воқеалар ўз пайтида кварталимиз аҳолиси ўртасида овоза бўлиб, ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб юборган.

Кукарача Ингани уч марта милицияга чақиртирди, аммо қиз бирор марта ҳам келмади. Шундан сўнг лейтенантнинг ўзи уникига борди, лекин қизни уйдан тополмади.

— Милицияга осонликча обориб бўлсан уни. Ўлгудай қайсар қиз у, — деди фаррош Шакро.

Кукарача чакириқ қовозини эшик тирқишига қистириб, изига қайтди.

Йўлда у ўрта бўй, узун қўнғир сочли, хушрўй бир қизга дуч келди. У бутун олам фақат ўзиникидай, ниҳоятда мамнун бир қиёфада, қўлидаги сумкасини гир айлантириб ўйнаб келарди.

Кукарача беихтиёр тўхтади. Қиз қиё боқмай ўтиб кетди. Кукарача орқасига ўгирилиб, узоқлашиб бораётган қизнинг келишган қадди-қомати ва бежирим оёқларига тикилганча туриб қолди. Қиз ўзига эркак кишининг тикилиб қараётганини сезиб тўхтади, шартта бурилиб, икки қўлини белига тираганча Кукарачага тик қараб тураверди.

Кукарача хахолаб кулиб юборди.

— Нега қуласиз? — деди қиз қовоғини солиб.

— Сиз, Ингасиз, а?

— Балки. Нимаиди?

— «Балки» эмас, аниқ. Ингамисиз? — деб сўради яна Кукарача.

— Ҳа, Ингаман. Ўзингиз-чи?

— Сизни уч марта милицияга таклиф этган Кукарача бўламан.

— Ҳа-а-а... Хўш, нима демоқчисиз?

— Буни милицияга борганда биласиз, азизим Инга! — Кукарача қизга яқинлашди.

— Мени милицияга олиб бориш осон эканми? — деди Инга қошларини чимириб.

— Шунақа деб ўйлаганимда, мана бу тепаликка чиқиб юрмасдим! — Кукарача очигини айтиб қўя қолди. — Лекин милицияга бари бир олиб бораман.

— Фақат судраб олиб боришингиз мумкин! — деди кулиб Инга.

— Шу ҳам иш бўптими? Мен финларнинг иккита танкини штабимизга судраб келганман! — бу гапни у жилмайиб, лекин жуда жиддий оҳангда айтди.

— Шунақа денг?

— Шунақа.

— Қандай қилиб?

— Эртага эрталаб соат тўққизда милицияга келасиз. Ўша ерда гапириб бераман. Мени исмим Георгий Тушурашвили.

— Шунақами?

— Шунақа.

— Кукарача деган исм кўпроқ ярашади сизга?

— Кукарача дея қолинг бўлмаса.

— Балки бизникига борармиз? Ўша ерда бемалол гаплашаверамиз... — қизнинг овозида синовчанлик, ҳурмат ва андак қўрқув оҳанги бор эди.

— Йўқ, ҳозир ишдан чарчаб келяпсиз... Сизникига бошқа куни кираман, эртага эса сизни кутаман.

— Яхши.

— Эшигингизга чақириқ қоғозини қистириб келганман. Хафа бўлманг. Кўчада сизни учратаман деб ўйламагандим. Қоғозни ўқимасдан, йиртиб ташланг.

— Бўпти.

— Хайр.

— Хайр.

Кукарача билан Инга аста тарқалишди.

Эртасига соат тўққизда ҳам, тўққиз яримда ҳам Инга келмади. Кукарача вақт ўтиши учун Инганинг паспорт столи архивидан олинган таржимаи ҳолини неча марта-лаб ўқиб чиқди.

«Мен, Инга Амирановна Лалиашвили, 1920 йил 19 апрелда Тбилиси шаҳрида туғилганман. Отам — Амиран Давидович Лалиашвили, 1926 йилда юрак хуружидан вафот этган. Онам — Анастасия Александровна Хмаладзе-Лалиашвили — 1927 йилда сил касалидан вафот этган. Шундан сўнг мен Земо-Авчали болалар уйида тарбияландим. Ўша ерда етти йиллик мактабни тугатдим.

1934 йилда икки йиллик фармацевтика билим юртига ўқишга кириб, уни 1936 йилда имтиёзли диплом билан тамомладим. Ҳозир 128-дорихонада ишляпман. Партия-сизман. Турмушга чиқмаганман. Яшаш жойим: Тбилиси шахри, Кабулети тепалиги, 137-уй.

И. Лалишвили.

27.IX.1936 й».

Инга келмади. Кукарачанинг дили оғриди, қиз алдайди, деб сира ҳам ўйламаганди.

Папкани ёпиб, стол ғаладонига ташлади, энди ўридан туриб, фуражқасини кийган пайтида... хонага Инга кириб келди. Кукарача бирдан енгил тортди.

— Салом, Инга! — деди у қиздан олдин.

— Салом, Кукарача! — қиз таклифни ҳам кутмай, стулга ўтирди.

— Келишингдан умидимни узиб қўйган эдим.

Инга кулди.

— Мен роппа-роса соат тўққизда келганман.

— Нега кирмадинг бўлмаса?

— Чунки мен аёлман, аёл зотининг табиати шунақа ўзи: у учрашувга белгиланган вақтдан сал олдинроқ келади, панароқ жойга беркиниб олади-да, йигитни зимдан кузата бошлайди. Йигит шўрликнинг тоқати тоқ бўлганига ишонч ҳосил қилгандан кейингина рўпарасида пайдо бўлади... Мен ҳам тол панасига яшириниб деразадан сени кузатиб турган эдим. Мана, энди кетмоқчи бўлганингда кириб келдим. Бор гап шу! — деди кулиб Инга.

— Учрашув муҳаббат билан боғлиқ бўлса, эҳтимол, жуда ярашар! — деди Кукарача.

Инга андак хижолат бўлди.

— Нега чақирдинг мени? — деб сўради у совуққина ва сумқасини Кукарачанинг олдига қўйди.

— Нимадан бошласамикин? Финларнинг иккита танкиданми ёки... — шундай деб, у сумқани четроққа суриб қўйди.

— Танк ҳақидаги латифангни бутун шаҳар билади. Бўладиган гапни гапир! — Инга сумқасини столдан олиб, тиззасига қўйди.

Кукарача Инганинг қўшнилари ёзган аризани олди-да, имзо чекилган жойини йиртиб, ғаладонга ташлади, аризани эса Ингага узатди.

— Ма. Ўқиб кўр!

У киприк қоқмай қизни кузатиб турди. Инга аввалига бетоқат бўлиб, ўтирган жойида бир кимирлаб қўйди, кейин юзини аста-секин қизил доғлар қолади, қўллари қалтираб, кўзлари жикқа ёшга тўлди. Аризани ўқиб бўлгач, уни шартта иккига бўлди-да, столга ташлади.

— Хужжатни йиртиш мумкин эмас, Инга!

— Кечирасиз, — қиз бир ютиниб олди, — биламан, буни Каламанишвили ёзган!

Кукарача таажжубдан сесканиб кетди, Инга ёнига қизил қалам билан имзо чекилган фамилияни айтган эди.

— Аризага қўп одам қўл қўйган. Нима учун айнан Каламанишвили ёзган, деб ўйлаяпсиз?

— Чунки Каламанишвили — эски фохиша, бузук аёл! Ҳозир шarti кетиб, парти қолган, ҳеч кимга кераги йўқ, шунинг учун менга ҳасад қилгани-қилган...

— Сени нимангга ҳасад қилади? Кимлигингни биласанми? Ўғри, фирибгар, банги бир одамнинг ўйнашисан! — деб унинг сўзини бўлди Кукарача.

Инга бир муддат гапни йўқотиб қўйди.

— У одам... — деди у ниҳоят ўрнидан туриб. Сумкаси ерга тушиб кетганини ҳатто сезмади ҳам. — У одам, нима бўлганда ҳам, менинг эрим... Каламанишвилининг эса на эри, на ўйнаши, на дўстию на душмани бор... Қачонлардир давру даврон суриб юрган гўзал жувон ҳозир бу ёруғ дунёда сўппайиб, ёлғиз бўлиб қолган... Худди мана шунинг учун ҳам у менга ҳасад қилади... Сен бунақа нарсани тушунмайсан, сен — эркаксан, бунинг устига милиционерсан... Аризада айтилган беҳаё сўзлар масласига келсак, мен буларни фақат ўша ялмоғиз кампирнинг ишратхонасида эшитганман... Шаҳарнинг бутун ўғрию қиморбозлари ўшаникида тўпланишарди... Муртало бирор марта ҳам меникига маст бўлиб ёки бировни эргаштириб келган эмас. У мени севади, шаънига доғ туширадиган ишни ҳеч қачон қилмайди! — Инганинг асаблари панд бериб, оқариб кетган лаблари титрай бошлади. Сўнг ўзини таппа стулга ташлади.

— Қайси кунлари уйда бўлади у? — деб сўради Кукарача.

Инга лейтенантга шубҳаланиб қараб қўйди.

— Буни олдиндан айтмайди.

— Ўғриларнинг одати шунақа-да...

— Қани айт-чи, шаҳарда кимнинг бир тийинини ўғирлапти?

— Билмайман... Лекин картотекамизда ўша авлиё эрингга алоқадор ҳамма маълумотлар бор: хавфли жи-

ноятчи, Грузияда қинғир иш қилмайди, тўрт марта судланган, шундан иккитаси — қотиллик қилгани учун, фақат ўзига ўхшаган аблаҳ одамларни ўлдиргани инобатга олиниб, отувга ҳукм бўлмаган. Мана қанақа одам ўша фаришта эринг!

— Тупурдим картотекангга! Мана сен, ҳар куни маъшуқангга бир саватдан атиргул тақдим қила олармидинг!

— Нега тақдим қилолмас эканман? Кварталимизни бекорга Вардисубани¹ деб аташадими? — гапни ҳазилга бурди Кукарача.

— Қишди-чи?

— Қишда қийиндир-ов...

— Ана шунақа! Муртало эса тақдим қиларди... — деди Инга фаҳр билан. — Ҳар ой минг сўмдан пул юбориб туриш-чи? Қўлингдан келармиди?

— Нима деяпсан? Атиги саккиз юз сўм маош оламан! — дея хитоб қилди Кукарача.

— Мурталонинг эса қўлидан келарди!.. Маъшуқангни янги йил ва туғилган куни билан табриклаш учун дунёнинг нариги бурчидан бўлса ҳам етиб келоласанми? Келолмайсан! Муртало бўлса — келади. — Инга куйиб-ёниб, эҳтирос билан сўзлар, Кукарача эса: «Қачон тўхта-таркин бу тентак!» — дея кутиб ўтирарди. — Мени кварталдаги барча эркаклардан муҳофаза қилиб, бировни яқин йўлатмай, худди кироличадай олиб юришга қурбинг етадими! Етмайди! Мурталонинг эса қурби етади, чунки у ҳеч кимдан қўрқмайди — сендан ҳам, милициянгдан ҳам, аммо сен ундан қўрқасан! — Инганинг ҳаяжони жазавага айлана бошлаган эди.

— Қўй, ўзингни бос! — деди Кукарача хотиржамлик билан. — Кейин, ёдингга бўлсин: мен қўрқадиган одам хали дунёга келган эмас!

— Ростданми?

— Рост.

— Ҳа, майли. Етар энди!.. Хўш, нима истайсан менадан!

— Ҳеч нарса. Аризада кўрсатилган ножўя ишлар бошқа такрорланмайди, деб тилхат ёзиб бер...

— Ножўя иш йўқ бўлса, нима такрорланиши мумкин?!

— Бўлмаса, аризадаги гаплар ҳақиқатдан йироқ, ҳаммаси уйдирма, тухмат, деб ёз.

¹ Таржимаси: атиргул (груз.)

Инга шундай деб ёзиб берди.

— Бўлдимми? Кетаверайми? — деб сўради сўнг қиз.

— Бемалол! — деди Кукарача, аммо сабри чидамай, уни яна саволга тутди: — Айтгин-чи, ўша палидни чиндан ҳам севасанми ёки ундан кўрқасанми? Фақат ростини айт.

Инга бир оз ўйланиб турди-да, сўнг:

— Севги нималигини биласанми ўзи, Кукарача? — деб сўради.

Кукарача бош силкиди.

— Қани айт-чи?

— Сева олиш лаёқати — инсонга ҳадя этилган барча хазиналар ичида энг қимматлиси. Дунёдан муҳаббатсиз ўтган кишилар — бахти қаро кишилардир.

— Ким ўргатди сенга буни, Кукарача? — деди шивирлаб Инга.

— Анна Ивановна...

— Ким у?

— Шунақа аёл бор...

— Сенда шундай лаёқат борлигини сезганмисан?

— Ҳозирча йўқ... Ўзинг-чи?

Инга жавоб қайтармади. Ўрнидан турди-ю, шартта бурилиб, хайрлашмасдан чиқиб кетди...

Кукарача анча вақтгача унинг узоклашиб бораётган қадам товушларига қулоқ солиб турди, сўнг стол ғаладонидан аризанинг йиртиб олинган бўлагини чиқарди-да, уни варақнинг боя Инга йиртиб ташлаган қисмига елимлаб ёпиштиргач, яна жойига ташлаб қўйди, шундан кейингина ўрнидан туриб, дераза ёнига борди ва хонани шамоллатиш мақсадида уни ланг очиб юборди. Очди-ю, донг қотиб қолди: тол панасида Инга мўралаб турарди.

ГРУЗИЯ ИЧКИ ИШЛАР ХАЛҚ КОМИССАРИГА

Республиканинг барча милиция органларига ушбуни хабар қилишингизни сўрайман: 8-мартдан 9-мартга ўтар кечаси Таганрог шаҳрида заргарлик буюмлари дўкони ўмарилган. 456.325 сўму 40 тийинлик қимматбаҳо буюмлар ўғирлаб кетилган. Аниқланишича, жиноят иштирокчиларидан бири — грузин, лақаби «Муртало» (фамилияси номаълум). Иттифоқ бўйича қидирув эълон қилинди. Белгилари: ўрта бўйли, чорпаҳил, устки лабида чандиғи бор, олдинги икки тишига тилла қопланган.

СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Жиноят қидирув бошқармасининг бошлиғи

1940 йил, 11 март.

Милициянинг ҳамма ходимлари қатори Кукарача ҳам ушбу радиограмманинг бир нусхасини олди, лекин уни бу операцияга жалб қилишмади. Сабаби, районда бундай ишлар билан шахсан Сабашвилининг ўзи шуғулланарди. Шуниси ҳам борки, радиограмма бошлиқларга ҳам, оддий ходимларга ҳам андак ножоиздай туюлди. «Муртало шунчалик анойимидики, бегона шахарда қилғиликни қилиб қўйиб, тўппа-тўғри Тбилисига учиб келса. Марҳамат, мен шу ерданман, олдингларга солиб олиб кетаверинглар, деб милицияни кутиб ўтирадиган лакма одам эмас у!» — ҳамма шундай деб ўйларди.

Аmmo Кукарача бундан мустасно эди.

Ўн тўққизинчи апрель куни кечаси соат бирда Кукарача тўппончасини яланғочлаб Инганинг уйига бостириб кирди. Кирди-ю, остонада таққа тўхтади.

Стол ёнида икки киши — Муртало билан Инга ўтиришарди. Ҳали овзи очилмаган шампан шишасини ушлаб турган Мурталонинг қўли ҳавода муаллақ қолди. У олдин Ингага, сўнг Кукарачага бир қаради-ю, аста қўлини туширди.

— Қимирлама! — деб буюрди Кукарача. У Мурталонинг қуроли ўнг чўнтагидалигини, бинобарин, ўнг қўлини бўшатмоқчи бўлганини дарров пайқаганди.

— Шишани тепага кўтар!

Муртало итоат этди.

Шу пайт Кукарачанинг тўппончасидан гумбурлаб ўк узилди, шишанинг учиб кетган овзидан дастурхонга вишиллаб вино тўкилди. Кукарача тўппончасини чап қўлига олди-да, орқа томонидан Муртало ўтирган стулга яқинлашиб, бармоғининг учи билан стул суянчиғига ташлаб қўйилган пиджакни кўтариб кўрди, оғир нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, уни яна жойига қўйди.

— Тур ўрнингдан!

Муртало турди.

Кукарача яшин тезлигида унинг шимининг ўнг чўнтагидаги тўппончани суғуриб олиб, ўз киссасига солди. Кейин стол ёнига ўтирди-ю олдига қадахни сурди.

— Қуйишинг мумкин.

Муртало учовларига шампан тўлдирди, сўнг пичинг аралаш:

— Ўтирсам майлими? — деб сўради.

— Бемалол. Лекин жуда узоқ ўтиришингга тўғри келадди, сенинг ўрнингда мен бўлганимда тик тураверардим.

— Ҳазиллашяпсанми? Милиционер ҳазил қилса — яхшилик аломати! — Шундай деб у жойига ўтирди.

— Мен — Кукарачаман.

— Биладан. Нима учун деразадан кирмадинг?

— Эшикдан қочиб кетмаслигинг учун.

— Эшик кулфлоглиқ эмаслигини қаёқдан билдинг?

— Усулларинг эскирган, Муртало, унақа анқов йўқ ҳозир!

— Яхши отаркансан!

— Тўппончадан бешта ўқни ҳам ўнга ураман. Пичок отсам — учтасини ўнга, иккитасини тўққизга теккизаман. Қанча масофаданлигини ҳам айтайми?

Муртало афтини буриштирди.

— Нима керак ўзи сенга, нега келдинг? Биласан-ку, Грузияда тинч юраман, маҳаллий ҳокимиятни безовта қилмайман. Битта ўйинчоқни¹ деб турмага рўпара қилишинг яхшимас. Курол олиб юргани учун қамоқда ўтириш Мурталога ярашмайди. Бундан ташқари... Қўнглинга келмасин-у, ўзингдан қолар гап йўқ: турманинг фақат кирадиган эшиги эмас, бошқа эшиклари ҳам бор... — Муртало пиджагига қўлини чўзди.

— Кераги йўқ, Муртало! — огоҳлантирди Кукарача тўппончасининг тепкисини босиб.

— Папирос олмоқчиман! — деди Муртало вижиниб.

— Унда майли...

Муртало папирос тутатди.

— Ҳўш, нима учун ичамиз? — ярим ҳазил, ярим чин қилиб сўз қотди Кукарача.

— Милиция учун! — деди ишшайиб Муртало.

— Милиция учун! — Кукарача қадахни бир кўтаришда бўшатди. Унга ҳеч ким шерик бўлмади.

— Ўйинчоқ учун турмага тиқиш яхшимас, дегин?

— Ўлай агар, арзимамайди, Кукарача! — деб жавоб берди Муртало маънодор қилиб.

Кукарача индамади, кейин ҳанузгача миқ этмай ўтирган Ингага юзланди:

— Илтимос, хоним, — деди у, — исирға ва узукларингизни ечсангиз!.. Бриллиант кўзли исирға билан узукларингизни... Ечиб столга қўйинг...

Инга каловланиб қолди.

— Ҳаддингдан ошяпсан, Кукарача! — деди Муртало бошини сарак-сарак қилиб. — Бу ишга менинг ало-

¹ Ўйинчоқ — тўппонча (ўғрилар жаргони).

кам йўқ! Аёл кишиги ёпишма, ундан кўра сокқасини ола қол!

Кукарача Мурталонниг сўзларига эътибор бермади, ўз навбатида, худди шунчаки қизиқаётган кишидай:

— Дарвоқе, Таганрогдаги заргарлик дўконидан ўмарган бошқа буюмларингни қаёққа қўйгансан? — деб сўради ундан.

Муртало жавоб қайтариш учун оғиз жуфтлади-ю, аммо дарров айниди. Орадаги сукунат беш минутча давом этди. Муртало яна папирос тутатди, кетма-кет учтўрт марта тортди-ю, бирдан энгашиб туриб папирос чўғини Инганинг юзига босди. Кукарача овоз чиқаришга ҳам улгурмади. Инга чинқирганча бошини орқага ташлади, шунда қизнинг чап ёновидаги тангадек жой гўшти чиқиб кетганини кўриб, Кукарачанинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Сотдингми, қанжиқ? — деб чийиллади Муртало ва шу заҳоти Кукарача туширган кучли зарбдан полга ағдарилиб тушди. Лейтенант унинг қўлларини боғлаб, қизнинг ёнига келди.

— Фафлатда қолдим! — деди у афсусланиб.

Инга шкафдан қандайдир малҳам олиб, ярасига босди. Кукарача эса базўр ўзига келган Мурталонинг ёқасидан ушлаб, бир-икки силкитди-да, оёққа турғазди ва тубсиз бир нафрат билан:

— Сен одам эмас, палидсан! Сенга лақаб қўйганлар янглишмаган экан! — деди.

Муртало лейтенантга еб қўйгудай ўқрайиб, тишларини гичирлатди:

— Пушаймонлар ейсан хали, Кукарача.... Хунинг билан жавоб берасан... Агар шундай бўлмаса, Муртало отимни бошқа қўяман!

— Кўрамиз, ҳозирча менинг навбатим! Кани, олдимга туш! — шундай деб, у Мурталони эшик томонга итарди.

Шунда кутилмаган, Кукарача ҳатто тасаввурига ҳам сиғдирилмайдиган ҳодиса рўй берди: Инга чопиб келиб, лейтенантнинг оёқлари олдида тиз чўқди:

— Мени хароб қилма, Кукарача! Милицияга уни мен тутиб бермаганимга ким ишонади?! Ёлвораман!.. — у лейтенантнинг кўлига қайноқ лабларини босди. — Қўйвор!.. Ахир, эркаксан-ку! Менга раҳминг келсин! Агар бу уйдан ўлигим чиқишини хоҳламасанг, ҳозирок қўйвор!

— Нималар деяпсан?! Ким учун ўзингни ерга уряпсан? Шу ярамасни дебми? Тур ўрнингдан!

— Йўқ, Кукарача! Сен буларнинг таомилини билмайсан! Ўлдиришади мени, сўйиб кетишади! Ўтинаман сендан, қўйвор буни! Мени уйимдан соғ кетсин!

— Инга, нима деганинг бу?! Ахир мен шахсий ишимни эмас, давлат вазифасини бажаряпман-ку! Қандай қилиб қўйиб юбораман?!

— Қўйвормасанг, ўзимни ўлдираман, Кукарача! Ҳозирок ўлдираман!

Шу тобда Ингадан ҳамма нарсани кутиш мумкинлигига Кукарачанинг ақли етди. Милиция лейтенанти Георгий Тушурашвили темир эмас, у ҳам оддий бир одам эди. Ана шу одам ўзига ўхшаган бошқа бир одамнинг юзидан ўтолмади. Стол устидан пичоқни олди-ю, Мурталонинг қўлидаги тугунни шартта кесиб ташлади.

— Жўна! — деди у.

Муртало жойидан жилмади.

— Кет! — дея такрорлади Инга.

Муртало эшик томон юра бошлади.

— Деразадан сакра! — деди Кукарача.

Муртало орқасига қайтиб, деразадан ташқарига сакради. Орадан бир минутча вақт ўтгач, лейтенант тўппончани деразадан чиқазиб, осмонга ўқ узди. Ҳануз полда узала тушиб ётган Инга Кукарачанинг ёнига эмаклар келиб, хўнграганча унинг оёқларини кучди.

— Тур!

— Нима деб жавоб берасан энди?!

— Кўявер, бир гап бўлар...

Кукарача уни қўлтиғидан ушлаб турғазиб қўйди, сўнг тўппончасини чўнтагига солиб, хонадан чиқиб кетди.

Ён-атрофдаги деразаларда чиқок кўринмасди. Аммо кути ўчган, айни пайтда, томошаталаб қўшнилар қоронғулик қаъридан ўзига тикилиб турганини Кукарача аниқ-равшан ҳис қиларди...

Сабашвили кабинетини ичкаридан беркитиб олганди. Кукарача эса стулда бошини ҳам қилганича ўтирарди. Давид қафасга солинган йиртқичдай, хонада зир айланар, вақти-вақти билан лейтенантнинг тепасига келиб давдага қиларди:

— Ё тавба! Нима, Мурталони кварталингдаги мишиқи болалардан бири деб ўйладингми?! Уни камаш учун иттифоқ бўйича кидирув эълон қилинган, бу нодон Шерлок Холмс бўлса, бир ўзи операцияни амалга оширмоқчи бўпти-я! Нима деб атадинг ўша операциянгни?

«Инга ва Кукарача»ми ёки «Вакелик Кукарача»ми? — Давид графиндаги сувни бир кўтаришда ичиб юборди. — Трибуналга тушгинг кеп қолдими?! Нега мендан яширдинг, а?!

— Нимани яширибман? Билиб ўтирибманми? Туғилган куни билан табриклагани борувдим. Борсам, бегона одам ўтирган экан... — деб ғўлдиради Кукарача.

— Бегона одам дейди-я! Кимни лақиллатяпсан?! Ярим кечада нима қилиб юрибсан у ёқда?

— Ишдан қутулганимдан кейин бордим-да...

— Нега бординг? Сенга ким бўлади у — дўстингми? Жиянингми? Эсинг жойидами ўзи? Келиб-келиб, фоҳишага айланишасанми?!

— Вазифам шу... — деб жавоб берди Кукарача хотиржамлик билан.

— Нима вазифанг?! — Сабашвили анграйиб қолди.

— Вазифам — маънавий таъсир ўтказиш...

— Ўчир, ҳозир сениям, ўзимниям отиб ташлайман!.. Ҳўкизни кулоғига танбур чалиб ўтирибман-а! Ҳаммасига ўзинг айбдорсан! Ҳайф сенга милиция! Миянг айниб қопти! Болалар боғчасида ишлашинг керак эди!..

— Айтдим-ку, тасодифан устидан чиқиб қолдим, ура кочди...

— Орқасидан ўқ узибсан-ку?!

— Тўғри... Отдим, лекин теккизолмадим.

— Қачон отдинг? Бир соатдан кейинми?

— Ё тавба? Қочиб қолди-да ярамас! Нима қилайин энди? Ўзимни ўлдирайинми? Шуни хоҳлаяпсанми?

Давид стол ёнига ўтирди-да, бошини чангаллаганча узоқ сукутга кетди. Кукарачанинг олдига бир варақ қоғоз билан ручка қўйди.

— Ёз... Нима деб сарлавҳа қўйсанг ҳам майли — аризами, илтимосномами, рапортми... Хуллас, милицияда ишлашни хоҳламайман, ишдан бўшатишингизни сўрайман, деб ёз...

Вақт ўтиб борар, Кукарача бўлса ручкани қўлга олай демасди. Лейтенантнинг руҳида қаттиқ кураш, галаён кечаётганини Сабашвили тушунди. У ўзини босиб, хотиржам оҳангда:

— Нима бўлди сенга, Георгий? — деб сўради.

— Давид, биласан — аризани ҳам ёзишим, милициядан ҳам кетишим мумкин... Мени бошқа нарса қийнапти... Сендан айрилишдан, ўзимга ҳурматимни йўқотишдан қўрқяпман... Шунинг учун ҳозир мени хайдама,

илтимос. Хатоимни тузатишимга имконият бер... Гуноҳимни юваман...

Сабашвили ички телефон трубкасини кўтарди.

— Габо, бир минутга бу ёққа кир..

— Нима қилмоқчисан? — деб сўради Кукарача.

— Ҳоврингдан туширмоқчиман.

— Узоқ давом этадимми?

— Эсингни йиғиштирволгунингга қадар.

— Демак, умрбод ўтирарканман-да? — деди синик жилмайиб Кукарача. — Аммо-лекин шуни айтишим керакки, Ингани тўғри йўлга қайтариш анови аблаҳ Мурталони тутишдан кўра юз маротаба муҳимроқ менимча.

— Нима?! — Давиднинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. — Демак, қўйворган экансан-да?!

— Оббо! Неча марта айтаман, — қочди, қочиб кетди!

Давид яна бир нарса демоқчи эди, аммо шу пайт кабинетга ўринбосари Габо кириб келди.

— Салом!

Ҳеч ким алик олмади. Габо бир гап ўтганини дарров пайқади-ю, тилини тишлади.

— Қуролини олиб, ўзини карцерга қама! — деб буюрди Давид.

— Карцер банд.

— Ким бор?

— Мтацминдалик Апо, ўғри.

— Апо-мапонгни билмайман! Карцер дарҳол бўшатилин!

— Апони нима қиламан?

— Билмайман. Қўйвор!

— Йўғ-е?!

— Нима гуноҳ қипти?

— Буфетчини урган.

— Нима учун?

— Ҳақидан уриб қолган экан.

— Ўтган ишга салавот... Қўйвор!

— Қаёққа?

— Кулогингиз битиб қолганми, капитан? Анови Апонгизни жўнатиб, карцерга Георгий Тушурашвилини, Кукарачани қаманг. Тушунарлими?

— Хўп бўлади, ўртиоқ майор! — деди Габо қаддини ғоз қилиб.

— Ҳа, баракалла. Олиб боринг!

Сабашвили кабинетдан чиқиб кетди.

Ўша кундан бошлаб Кукарачанинг хаётида нимадир ўзгарди, у бошқачароқ бўлиб қолди. Баъзилар, лейтенантнинг омади келди, деса, бошқалар, аксинча, омад ундан юз ўгирди, дейишарди. Бировлар инспекторимиз кўйдайд ювош бўлиб қолди-я, деб таажжубланса, яна бировлар, аксинча, уни суюкоёк қиз билан дон олишиб юришда айблаларди. Хулласи калом, Земмелдан¹ то қишлоқ хўжалиги институтигача, Вэредан то Мтацминдагача — ҳамманинг оғзида Кукарача эди.

— Кеча Кукарачани дорихонада кўришипти...

— Негадир Кобулетига серкатнов бўлиб қолди...

— Ингани айтмайсанми... ўзини бамисоли фаришта қилиб кўрсатади, худди Муртало билан у эмас, мен илакишиб юргандай...

— Юрагим сезиб турипти, Муртало икковиниям соф кўймайди...

— Усти-боши бир аҳволда, лекин ўзини тутишини кўрсанг — дунёда ундан бахтиёр одам йўқ дейсан...

— Бари бир у эски жазманидан қолмайди...

— Кукарача ҳар куни эрталаб соат олтида чиқиб кетармиш униқидан...

— Балки никоҳдан ўтишгандир?

— Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас!..

Бу гаплар ростми-ёлғонми, ҳар ҳолда ўша кунлари Инга билан Кукарачанинг исми бир-бирига уйқаш бўлиб кетгани чиппа-чин...

Биз оймнинг дугонаси Анисо холаниқидан қайтардик. Янги жойга кўчмасимиздан олдин улар билан бир бинода, Анастасьев кўчасида яшаганмиз. Энди ойм билан Анисо хола ҳафта ўтмай бир-бирларини йўқлаб туришарди. Эски дўстлар уззу кун чақчақлашиб ўтиришар, биз эса, Анисо холанниг ўғли — тенгқурим Зураб икковимиз ҳовлида копток тепардик.

Хуллас, биз уйга қайтардик... Мен оймга Варазисхеви жарлиги устидан тортилган водопровод қувуридан Дуду билан қандай қилиб кўзимизни юмиб ўтганимизни сўзлаб келаётгандим. Ойм гапимни эшитиб бўлди-ю, бирдан хохолаб қулиб юборди:

— Нима учун бунақа ёлғончилигингни айтиб берайми?

— Айтинг-чи! — дедим астойдил қизиқиб, негаки шу-

¹ Земмель — қачонлардир Земмелнинг хусусий дорихонаси жойлашган жойни тбилисиклар ҳамон шу ном билан аташади.

нақа одатим борлигини ўзим ҳам билардим — баъзан ақл бовар қилмайдиган латифалар тўқишни хуш кўрардим.

— Сен туғилганингда мен студент эдим, уйда кўз-қулоқ бўлиб турадиган одам йўқ эди, шунинг учун сени Анисога ташлаб кетардим. У ярамас дегин, йиғламаслигинг учун сенга сутсиз кўксини тутаркан. Чақалоклигида қуруқ сийнани эмган болаларнинг ҳаммаси ёлғончи бўлиб ўсади. Тушундингми?

Иккаламиз ҳам мириқиб кулдик.

Вэре бозори олдида Кукарачага дуч келдик. Унинг ёнида одмигина кийинган хушрўй бир жувон ҳам бор эди. Мен Ингани дарров танидим.

— Салом, Анна Ивановна! — деди Кукарача тавозе билан.

— Кукарача, азизим, салом! — уни кўриб, ойим хурсанд бўлиб кетди. — Қаёқларда юрибсан? Аҳволинг қалай?

— Раҳмат, ёмон эмас. Ўзингиз-чи? Тамаз хафа қилмаяптими? Агар гапингизга кирмаса, бир оғиз менга айтинг, таъзирини бериб қўяман... — шундай деб, у менинг бошимни силади.

— Йўқ, нега унақа дейсан, лекцияларинг беҳуда кетмади. Фақат ҳар замонда билмасдан ёлғон гапириб қўяди, холос.

— Ҳечқиси йўқ, Анна Ивановна, баъзан ҳаммамиз ҳам бир-биримизни алдаймиз, — деди Кукарача менинг ёнимни олиб ва сал нарироқда уялинқираб турган Ингага бир қараб қўйди.

— Танишинглар, Анна Ивановна, менинг дўстим, Инга Лалиашвили.

— Э-э, Инга шуми? Ажойиб қиз экан! — ойим унга қўлини узатди. Инга қимтиниб, омонатгина қўл берди.

— Сиз уни қаёқдан биласиз? — деб сўради Кукарача таажжубланиб.

— Ана холос, сен билан Инганинг номи одамзотнинг оғзидан тушмай қолди-ку, азизим! — деди ойим кулиб.

Инга қип-қизариб кетди.

— Ўшанда тўғри гапирган экансиз, Анна Ивановна, жудаям тўғри гапирган экансиз... — деди Кукарача.

— Қачон?

— Ёдингиздами: «Инсонга ҳадя этилган барча хазиналар ичида энг қимматлиси — сева олиш лаёқатидир», — деган эдингиз.

— Ҳа-а... — деди ойим эслаб.

— Раҳмат сизга, Анна Ивановна!

- Мени нима алоқам бор?
- Бари бир сиздан миннатдорман.
- Арзимаёди, Кукарача...
- Хайр бўлмаса!
- Омон бўлинглар!

Кукарача билан инга кетишди. Ойим уларнинг орқасидан қараб қолди.

- Чиройли қиз экан! — деди бир оздан кейин ойим.
- Жудаям!
- Вой билағон-ей! — шундай деб, ойим гарданимга секин уриб қўйди. Сўнг ўнг кафтини ишқалаб: — Қўли бирам мулойим, бирам ёқимли... — деди улар кетган томондан кўз узмай.

Ўша воқеадан кейин орадан бир неча ой вақт ўтди. Бир куни Марта холанинг ҳовлисига ранги докадек оқариб кетган Зевара чопиб кирди-ю, хўнграб йиғлаб юборди:

— Кукарачани ўлдиришипти!

...Орадан ўн минут ўтар-ўтмас кварталимизнинг жами аҳолиси Инганниг уйи ёнига тўпланди.

Санитарлар билан иккита милиционер замбилда Кукарачани олиб чиқишди. У беҳуш эли. Кўкрагининг ўк тешган икки жойидан хануз қон силқиб турарди...

— Инга, — деди у, — кўз олдимни туман қоплаяпти... пуштиранг туман... Сени кўролмаёпман... Эҳ, Муртало, номардлик қилдинг-а, ярамас... — Кукарача афсус билан бош чайқади, кейин кўзларини Ингага қадаб, қўлини унинг юзи томон узатди. Қўл ҳавода бир лаҳзагина муаллақ турди-ю, сўнг гўё биров зарб билан кесиб ташлагандай «тўп» этиб замбилга тушди.

Кукарача — милиция лейтенанти Георгий Тушурашвили, ана шундоқ — заррача ҳам инграмасдан, бир оғиз ҳам гапирмай, кулимсираб жон берди.

Давид Инганинг билагига аста қўлини теккизди. Қиз бошини кўтарди, кўзларидан дувиллаб ёш қуйиларди.

— Қаёққа кетди? Қайси томонга кетди?

Инга Удзо¹ ёққа ишора қилди.

Давид оломон орасидан секин сирғалиб чиқди-да, худди бўри изига тушган қоплондай, Удзога қараб йўл олди.

Эрталаб у Бетаниадан² Мурталони отга ўнгариб ке-

¹ У д з о — Тбилиси атрофидаги тоғ.

² Б е т а н и а — Тбилиси яқинидаги ибодатхона.

либ, милиция ҳовлисига ташлади. Мурталонинг қўллари боғлоқлик, ҳамма ёғи дабдала, лекин тирик эди.

Роппа-роса бир ойдан сўнг халқ судининг мўъжазгина хиёбон ёнидаги биносида муораза бошланди. Унда иштирок этишни хоҳловчилар суд зали у ёқда турсин, ҳатто хиёбонга ҳам сизмай кетди. Залда айтилган ҳар бир сўз оғиздан-оғизга ўтарди.

Ойим судга бормади, аммо мен бирорта йиғилишни ҳам қанда қилмадим. Ҳар куни у ердан қайтиб келишим билан нима гап бўлганини ойим ипидан-игнасигача сўраб-суриштирарди.

Суд бўлгандан буён бунақаси учрамагандиров — судья бечора айбланувчини химоя қиладиган одам топ-гунча қийналиб кетди. Тбилисидаги каттаю кичик адвокат Мурталога ҳомийлик қилишдан бош тортди: одамларнинг ғазаб-нафрати қотилнинг ҳамтовоқлари ваъда қилган ришвату пўписалардан устун келди.

Мунозара эрта тонгдан қоронғи кечагача қисқа та-наффуслари билан уч кун давом этди. Сўроққа чақирилган гувоҳларнинг сони ортиб борган сайин Мурталонинг қилмишлари ҳам бирин-кетин ошкор бўлаверди.

Учинчи кунги эрталабки мажлисга, Давиднинг илтимосига кўра, биринчи маротаба Инга ҳам келди. У бошдан-оёқ қора кийинган, шунданми, энг аввало пахтадек оппоқ юзи киши зеҳнини тортарди. Инга залга Давид билан бирга кирдию, судья ва унинг маслаҳатчилари рўпарасига бориб тўхтади, ёғоч панжара ортида, икки милиционер орасида ўтирган ва сочи устарада қирилган Муртало томонга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

Таомилдаги расмиятчиликдан сўнг сўроқ бошланди.

С у д ь я. Айтинг-чи, бу иш юзасидан нималар дея оласиз?

И н г а. Кукарача уйимга туш пайтида келди...

С у д ь я. Сиз Георгий Тушурашвилини назарда тутаяпсизми?

И н г а. Мен уни Кукарача деб ўрганганман.

С у д ь я. Ихтиёрингиз... Хўш, нима учун Кукарача айнан сизникига келди?

И н г а. Чунки у менинг эрим эди.

С у д ь я. Айбланувчи ким эди сизга?

И н г а (узоқ сукутдан сўнг). Мурталоми?

С у д ь я. Шалва Фридонович Хизанишвили.

И н г а. Мен унақа одамни билмайман.

С у д ь я. У чап томонингизда, айбланувчилар курсида ўтирипти.

И н г а. Бу аблахни исми Муртало.

С у д ь я. Сизга ким бўлади у?

И н г а. У менинг ўйнашим эди... (Залда ғала-ғовур) Кукарача билан танишмасимдан олдин.

С у д ь я. Судга шу нарса маълумки, сиз Тушурашвили билан қонуний никоҳда турмагансиз.

И н г а (қатъий) У менинг эрим эди!

С у д ь я. Сизнингча, жабрланувчига нисбатан қилинган жиноятнинг сабаблари нимада?

И н г а. Кукарача — жабрланувчи эмас, у ўлдирилган. (Залда ғала-ғовур).

С у д ь я (хижолатомуз). Давом этинг...

И н г а. Кукарача ухлаб ётган эди. Бирдан хонага тўппонча яланғочлаб Муртало бостириб кирди. Мен қўркқанимдан додлаб юбордим, лекин бир кунмас-бир кун шундай бўлишини билардим. Кукарача қуролини олишга улгуролмади. Унинг тўппончаси ҳам Мурталонинг қўлида эди... (Инга жим бўлиб қолди).

С у д ь я. Гапираверинг, гапираверинг...

И н г а. Кукарача ечиниб ётган эди. Кўзини очди-ю, кийимига қўл чўзди. «Ташвишланма, мен билан майкада ўтириб суҳбатлашсанг ҳам бўлаверади!» — деди Муртало.

— Нега келдинг? — деб сўради Кукарача.

— Мендан сўраясанми? — хайрон бўлди Муртало.

— Инга иккаламиз бир-биримизни севамиз!

— Ростданми?! Қаттиқ сеvasизларми?

— Муртало, қуролни жойига қўйгину жўнаб қол.

— Иккаласиниямми? Ёки фақат сеникиними?

— Иккаласини!

— Мабодо кишанинг йўқми? Қўлимга солардим у сен билан тўппа-тўғри милицияга бораверардим.

— Қалланг ишлаганда шундай қилган бўлардинг... —

Кукарача шимини олди.

— Айтиб қўяй, ўрнингдан турдинг — отаман!

— Отолмайсан! Мени отсанг — ўзинг ҳам омон қолмайсан!

— Чўпчагингни бошқа одамга айт! Жиноят кодексини сув қилиб ичиб юборганман. Сени рашк туфайли ўлдираман, бунинг учун беш йил, нари борса — саккиз йил оламан. Мочағарингни нархини оширма бунча!

— Унда мени ҳам ўлдир! — деди Инга.

— Йўқ, азизим! Ўлим сен учун фароғат, бунинг учун эса — азоб. Сен яшашинг керак, қариб-чиригунингча яшашинг керак!

— Қилмишимга яраша! — деди Кукарача.

— Тўппа-тўғри! Хато қилдинг! Биласанми, нима учун? Чунки сен чекист эмас, лақашиқилдоқсан, шунинг учун ҳам манови фоҳишанинг ногорасига ўйнаб юрибсан!

С у д ь я. Нима учун Кукарача «қилмишимга яраша» деди? Айбланувчи «хато қилдинг» деганда нимани назарда тутган эди?

И н г а. Гап шундаки, бир йил бурун Кукарача манови аблаҳни қўлга тушириб, мени илтимосимга биноан тагин қўйиб юборган эди...

С у д ь я (ўрнидан туриб кетаёзди). Нима? Қўлга тушириб, яна қўйиб юборган эди?

И н г а. Ҳа. Сиз Кукарачани билмасдингиз... У оқ-кўнгил, ҳалол ва пок одам эди...

С у д ь я. Давом этинг...

И н г а. Бошқа гапим йўқ.

— Ёдингдами, бу қилмишинг учун бир куни пушаймонлар ейсан, деган эдим? — Муртало иккала тўппончанинг ҳам тепкисини шайлади.

— Отма, Муртало! — деди Кукарача хотиржам ва андак ўкинч билан.

С у д ь я. Кейин-чи?

И н г а. Кейин Муртало каравотга яқинлашди...

Шундай деб, Инга Муртало ўтирган панжара томон бир неча қадам қўйди, нимчасининг тугмаларини ечди-да, қўйнидан тўппонча чиқазиб, то милиционерлар ўзларини ўнглаб олгунларича, Мурталога қарата кетма-кет ўқ узди.

Муртало сапчиб тушди, қўллари билан юзини берки-тиб, ўзини ерга ташлади. Ҳар ўқ узилганда у бўридай увилларди. Бир зумда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди.

Инганинг тўппончаси етти марта қарсиллади. Сўнг залга оғир сукунат чўқди.

Инга тўппончани ташлаб полга ўтирди-да, бошини тиззаларига қўйганича ҳўнграб юборди.

Мен уйга тушга яқин қайтдим. Ойим шўрва сузиб

келиб, суддаги гаплардан эшитиш ниятида ўзи ҳам стол ёнига ўтирди. Мендан на садо чиқар, на овқатга қўл урардим. Шундан кейин у шўрвани опчиқиб кетиб, мен яхши кўрадиган яхна котлет билан оқ нон келтириб қўйди. Аммо бунга ҳам киё боқмаганимни кўриб, безовталаниб қолди.

— Нима бўлди сенга, болам, тобинг йўқми? — деди ойим пешонамга кафтини босиб.

— Бугун Ингани сўроқ қилишди.

— Нима деди у бояқиш?

— Мурталога етти марта ўқ узди.

— Нима?!

— Ҳа. Тўппончадан.

— Нималар деяпсан ўзи?! Суд залида-я? Етти марта?! — Ойим қулоқларига ишонмасди.

— Ҳа, суд залида.

— Ўзинг кўрдингми?

— Кўрдим-да.

Ойим бир ўрнидан туриб, яна ўтирди.

— Кейин-чи?

— Теккизолмади.

— Еттитасиниям-а?

— Ҳа, еттитасиниям.

— Э, аттанг! — деб пичирлади ойим ва ўрнидан туриб, ошхонага кириб кетди. Салдан кейин мен ҳам унинг изидан чиқдим. Ойим дераза олдида ўтирар, университет биносининг оппоқ гумбазига тикилганча буркситиб папирос тортарди. Мен унинг ёнига, полга чўқдим-да, бошимни тиззаларига қўйдим. Биз шу алпозда узоқ ўтирдик... Бир маҳал ойимнинг илиқ, мулойим кафти текканини сездим. У оҳиста бошимни силарди. Ўғринча кўз қиримни ташладим. Ойимнинг иккала юзидан ёш думалар, няғи билинар-билинемас титрарди.

— Теккизолмади, дегин? — қайта сўради у.

Мен бош ирғадим. Сездимки, ўпкаси тўлиб, хўнграб йиғлагиси келяпти-ю, аммо ўзини базўр тийиб турипти — ойим ана шунақа бардошли, ана шунақа мағрур аёл эди.

Томоғимга бир нарса қадалгандай бўлди, чидаёлмадим: бошимни ойимнинг тиззалари орасига суқиб йиғлаб юбордим — аввалига пиқиллаб, сўнг ўкириб-ўкириб йиғладим. Ойим менга тасалли бермас, ҳамон меҳрибонлик билан бошимни силарди. Унинг учун ҳам мен йиғлардим...

Бу воқеа 1941 йилнинг 21 июнида содир бўлди. Эртасигаёқ ёддан кўтарилди. 22 июнь куни ҳамма даҳшатли хабардан саросима ичида қолди — фашистлар Германияси мамлакатимизга кўққисдан ҳужум бошлаган эди.

Фақат бир мартагина, 1943 йилда Марта хола Кукарача билан Ингани эслаб, кўзига ёш олди — ўшанда ҳамшира Инга Амирановна Лалиашвилининг ҳалок бўлганлиги тўғрисида ҳарбий комиссарликка фронтдан хат келган эди.

Кукарачани мен ҳам эсладим, тўғрироғи, 1979 йил 12 октябрь куни тунги соат 12 да, иккинчи инфаркт хуруж қилмасидан ярим соат олдин уни тушимда кўрдим. Ё алҳазар: Кукарача ҳалиям ўша-ўша, йигирма бир ё йигирма икки ёшда эмиш, мен эсам элликдан ошиб кетганман, у ҳамон менга насихат қилар ва йўл-йўриқ кўрсатармиш...



«ОРЗУ» РЕСТОРАНИ

— Салом, Заза!

— Э, омонмисан, Ростом?!

Ростом кўлимни маҳкам сиқиб, юзимга беозор шапата-тилаб кўйди.

— Хўш, қалайсан, яхши юрибсанми?

— Ха, бир нави. Ўзинг-чи? — деб сўрадим мен ва бетоқатланиб соатимга қарадим.

— Шошиб турганга ўхшайсан, а?

— Биласанми, Киров боғида «Сицилия осмони остида» кўйилляпти. Бормаймизми, а? Зўр кино-да лекин!

— Оббо! Бир йил бўлди-я кўришмаганимизга. Юр, ундан кўра бир рюмкадан отайлик!

— Кўйсанг-чи, кинога борганимиз яхшимасми!

— Э-э, юз марта кўрадимиз ўша «Сицилия»ни! Кетдик.

Ростом — буқадай кучли, бақувват йигит. Боя кўлимни тахтакачдай қисгандаёқ кино эсимдан чиқиб кетган эди, шунинг учун гапни кўпайтирмай, ертўлага жойлашган ресторан зинапоясидан зинғиллаб пастга тушдим у тирик балик ташлаб кўйилган ҳовузча четидаги бўш стол ёнига ўтирдим.

«Орзу»дай ифлос, қоронғи, бефайз ва қиммат ресторан ер юзида йўқдир-ов. Лекин доимо гавжум, сабаби — ҳаммавақт очиқ бўлади, ҳар куни эргалаб соат еттидан, йил-ўн икки ой. «Орзу» официантларининг ҳалати шунақанги исқиртки, участка санитар дўхтири залгача етиб боролмайди — буфетчи зинапойдаёқ унга анти-санитариянинг ҳақини қўшқўллаб тутқизади. Архипо буфетчини бутун Тбилиси билади, ҳа, энди, мен ҳам танийман, албатта.

— Уялмайсизларми, Архипо? Ресторан эмас, молхонанинг ўзи-я! — дедим бир куни унга.

— Тўғри, ресторан эмас асло, азизим! — деб жавоб берди Архипо пинагини бузмай. — Ишчилар ошхонаси бу ер!

Ўшандан буён хўранда сифатида «Орзу»га бирон-бир жиддий эътироз билдирган эмасман.

Бугун мижозлар сийрак экан. Қоронғи залнинг нариги бурчагида саккизтача одам ўтирибди. Ҳаммасининг кайфи ошган — бир-бирларига гап бермай, сайраб ётишибди. «Э-э... исмингиз нимади, биродар?» — деган хитобларга қараганда, ола-қуруқ оломон тўпланган. Афтидан майхўрликни икки-уч улфат бир бўлиб, бошқа-бошқа стол атрофида бошлашган-у, кейин бир ерга жам бўлишган кўринади.

Ростом қайтиб келиб, столга бир ликопча чучвара, бир шиша арақ билан иккита стакан қўйди.

— Сал хиди борми дейман, — деди у афтини буриштириб ва чучварага аямай мурч сепди. — Дарвоқе, ёнинг-да қанча бор? Ҳар эҳтимолга-да... Мен қуридим...

— Уч сўм! — дедим хижолат бўлиб ва чўнтагимданғижимланиб кетган уч сўмликни чиқариб, астагина ликопча тагига бостириб қўйдим.

Ростом арақни қўйди.

— Юз граммни қандай қилиб текинга ичиб кетиш йўлини ўргатайми? — деди у. — Менга кеча айтиб беришди.

Мен бу найрангни билардим, шундай бўлса ҳам, Ростомнинг шаштини қайтаргим келмади.

— Қани, эшитайлик-чи!

— Демак, бундок: пештахта ёнига бориб, юз грамм арақ билан озгина чучвара талаб қиласан... Йўқ, талаб қилмайсан, юз грамм арақ қанча туришини сўрайсан. Кейин пулни чиқазасан... Йўқ, унақамас! Ёдимдан кўтарилди. Ишқилиб, шунга яқинроқ-да. Шошма, эславолай... Унгача учрашганимиз шарафига шу қадахни отамиз!

Уриштирдик. Ростом стаканни бир кўтаришда бўшатиб, нафас олмасдан оғзига чучвара ташлади.

— Аллақанақа «Сицилия»дан зўр эмасми бу, оғайни?!

Мен ҳам ичдиму баданимга ҳузурбахш бир ҳарорат югурганини сезиб: «Ростдан ҳам зўр!» — деб қўйдим ичимда.

— Ҳалигини мен ўргата қолай? — дедим кейин Ростомга.

— Нимани?

— Текинга юз грамм ичиб кетишни-да.

— Қани, қани.

— Демак, бундок: пештахта ёнига бориб, буфетчидан: «Беш дона чучвара қанча туради?» — деб сўрайсан.

— Эллик тийин, — деб жавоб беради у.

— Майли, беринг! — дейсан, кетидан: «Юз грамм арақ-чи?» — деб сўрайсан.

— Эллик тийин!

— Хў-ўш... Бўлмаса, чучварани қайтариб олингу ўрнига юз грамм арақ бера қолинг.

Буфетчи чучвара солинган ликопчани олиб, стаканга арақ қуяди. Шартта отасану йўлингга равона бўласан.

— Хой, қаёққа? — деб кичкиради буфетчи орқандан.

— Уйга! — дейсан ғам емай.

— Пули-чи?

— Қанақа пул?

— Арақни пули-да.

— Бешта чучварани қайтариб бердим-ку?

— Тўлаганмидинг чучварани хақини?

— Ие, мен чучвара едимми?

— Йў-ўқ...

— Хўп, тагин нима дейсиз?

— Ҳеч нарса, биродар... — деб ғўлдирайди буфетчи изза бўлиб. Сен индамай кетаверасан.

— Э, койил! — деб хитоб қилди Ростом. — Ким ўргатди сенга?

— Цицка.

— Бало-да! Менга ҳам ўша ўргатувди. Лекин сенинг кулолингга кўргошиндай қуйиб қўйибди.

— Ҳа, сенга қолганда хафсала қилмаган-да, — дея тасалли бердим Ростомга.

Учинчи синфгача Ростом билан бирга ўқиганмиз. Кейин улар бошқа районга кўчиб кетишди. Роппа-роса тўққиз йил у билан кўришмадим. Университетга қабул имтиҳонлари топшираётган пайтда учрашиб қолдик. У физика факультетига ҳужжат топширган экан. Жуда бошқача бўлиб кетибди, мен кўрсам ҳам танимасдим, ўзи чакириб қолди.

— Қаёқдан танидинг? — деб сўрадим таажжубланиб.

— Нега танимас эканман! — деди у кулиб. — Сираям ўзгармабсан.

Иккинчи курсда Ростом яна ғойиб бўлиб қолди.

Бир йилдан сўнг уни стадионда кўрдим. Бизнинг «Динамо» билан Москванинг «Торпедо» командаси ўйна-

ётган эди. Мен сал кечикиб қолдим, қарасам, менинг жойимда биров ўтирибди. Ўша биров... Ростом бўлиб чикди. Қисилишдик. Ўйиндан кейин (бизникилар ютқазишди) бирга қайтдик. Нима ҳақда гаплашишни ҳам билмасдик — суҳбатимиз мавзуси ўрта мактабнинг уч синфи доирасидан нарига ўтмасди.

— Қаёқларда юрибсан? — деб сўрадим мен илтифот юзасидан.

— Сал қийналиб қолдик... Сиртқиға ўтиб, ишга киришимга тўғри келди, — деб жавоб берди у.

Мана, ҳозир ҳам нима дейишимни билмай, гаранг бўлиб ўтирибман. Яна ўтган йилги саволимни қайтардим:

— Менга қара, нега йўқ бўлиб кетдинг?

— Айтувдим-ку ўшанда: ишляяпман.

— Қаерда?

— Нима фарқи бор? Топганим нонга етиб турибди...

— Жа-а унчаликмасдир, — дедим кулиб ва ликопча тагида турган уч сўмимга секин кўз қиримни ташлаб кўйдим.

— Топганимни уйга ташийман... Ойим қариб қолдилар, кўзлари яхши кўрмайди, илгари у-бу тикиб турардилар, ҳозир буям йўқ...

— Сиртқиға ўтишинг шартмиди? — дедим-у, аҳмоқона савол берганимни дарров ўзим фахмладим.

— Бошқа иложим йўқ эди... — деди Ростом андак сукутдан сўнг. — Тирикчилик... Бир куни уйга келсам, ойим қаравотда бошларини ҳам қилиб ўтирибдилар, рўпараларида бақалоқ бир хотин аллақандай ола-була матони силкитиб бақириб ётибди: «Кўзингга куйдирги чиққанми?! Тикиш қўлингдан келмас экан, айтсанг бўлмай-дими?! Пулни шундоқ ҳам бераверардим!.. Нима қилман буни энди?! Бунақа отрезни қаёқдан топаман, а? Мени ишим йўқ, ерни тагидан бўлса ҳам ўзинг топиб берасан! Билдингми?!» Мени ойимга шунақа деяпти-я...

Ростом арақ ҳўплади. Мен ғалати бўлиб кетдим.

— Кейин-чи? — деб сўрадим.

— Мактабимиз ёдингдами?! Варазисхеви кўчасидан ўтиларди, — Ростом гапни бошқа ёққа бурди.

— Албатта ёдимда! — дедим сал енгил тортиб.

— Ойим ҳар куни эрталаб менга ўн беш тийиндан берардилар. Сенга-чи?

— Ўттиз тийин.

— Мактабнинг рўпарасида кўза ва гул туваклар ишлаб чиқарадиган завод бор эди.

- Гишт заводи, — деб унинг гапине тўғриладим.
- Ҳа, гишт заводи. Лекин у ерда гултуваклар ҳам ясашарди... Ўша томондаги кўча болаларини «гишт шайкаси» дердик, эсингдами?
- Улар йўлимизни пойлаб, пулимизни тортиб олишарди, эсингда борми?
- Нега эсимда бўлмас экан! У пайтларда ўн беш тийинга французча булка билан иккита сосиска келарди, горчицаси билан.
- Вой, ноинсофлар-эй! — бирдан болаликдаги ўша ўттиз тийин кўзимга азиз кўриниб кетди.
- Нима учун бизни эрталаб тунаганликларини биласанми?
- Нима учун?
- Чунки мактабга кириб кетсак, буфетда пулимизни сарфлаб бўлардик-да!
- Уни қара-я, буёғини ўйламаган эканман! — «гишт шайкаси»нинг муғомбирлиги кулгимни кистатди.
- Мениям ҳозир хаёлимга келди. Профкомимизнинг раиси ҳам худди шунақа қилади: маош куни кассанинг олдида бизни пойлаб туради.
- Қаерда ишляяпсан ўзи?
- Гаражда, машина ювман, — Ростом хижолатомуз жилмайди. — Яна битта уч сўмлик топганимизда айни муддао бўларди-да. — Шундай деб, у таги кўриниб қолган шишага, кейин менинг уч сўмимга маъноли қараб қўйди.
- Шу пайт, худди осмондан тушгандай, столимиз ёнида ғирт маст мўйловдор бир барзанги пайдо бўлди. Бир қўлида стул, иккинчисида «Саперави» виноси.
- Ўлкамизнинг гуллаб-яшна... шиши ва б-бахти учун! Яш-шасин! Ура! — деб хитоб қилди у тили базўр айлаиб.
- Ура! — дея қўллаб-қувватладик унинг ҳайкириғини.
- Исм...мингиз нима, биродар? — деб менга мурожаат қилди «мўйлов».
- Заза.
- Ўхў! С...сизники-чи? — у Ростомга ўгирилди.
- Ростом¹
- Хо-хо-хо! П...пахлавонлар! «Амиран² девга таш-

^{1, 2} Ростом ва Амиран — қадимги грузин эпослари «Ростомиани» ва «Амираниани»нинг қахрамонлари.

ланди, осмону ... замин т...титраб кетди!» Шунақамиди?! Юртимизнинг кўрки учун ичаман ва ...столингизни ўп...ўпаман! — «Мўйлов» чайқалиб кетди.

— Ўтиринг, марҳамат! — дедим унинг ёнбошидан суяб.

— Ичадиганимни оп... опкелганман, с...стулимниям... Хик! Улфат б...бўласизларми? — деб сўради у ва жавобни ҳам қутмай, охирги чучварамизни оғзига ташлади.

— Бемалол!

— Биз... анув ерда... ўт... ўтирибмиз... Мен, дўстларим... бир, икки, у... уч. Мен тўртинчиси! — «Мўйлов» кўкрагига муштлади.

— Бизга нима хизмат бор, амаки? — деб сўради Ростом.

— «Истагим — сен билан бирга бў-ўлмоқ, истагим сен билан бирга ў-ўлмоқ», — дея бирдан қўшиқ айта бошлади у.

— Биз турамиз, — мен ўрнимдан қўзғалдим.

— Бу қ...қанақаси?! — «Мўйлов» кўлидаги шишани столга зарб билан урган эди, ичидаги вино отилиб, Ростомнинг юзига чапланди.

Ростом гезариб, аста ўрнидан турди, бир муддат «мўйлов»нинг кўзларига тикилиб турди-ю, индамай юзини артди, сўнг қип-қизариб кетган кафтига қаради.

— Исмингиз нима, амаки? — деб сўради жуда мулойим оҳангда.

— Акакий, Како, Каки!¹ — деди у бидирлаб ва стол ёнига ўтирди. — Ў... ўтиринглар!

Биз ҳам ўтирдик.

— Айтинг, ахир, мухтарам А-ка-кий, Ка-ко, Ка-ки, — деди Ростом сўзларнинг ҳар бўғинига урғу бериб, — биздан нима керак сизга ўзи?

Мен пиқиллаб қулиб юбордим. Ростом ўзини тутолмади.

— Ш... шилишяпти, тунашяпти, — деб пичирлади «мўйлов» кўзларини ола-кула қилиб.

— Ким? — деб сўрадим мен ҳам шивирлаб.

— Ановилар! — у боши билан бурчакка ишора қилди. — Ш... шилишяпти мени, тушунапсизларми, ш...шилишяпти, қонимни сўришяпти...

— Тузукроқ гапирсангиз-чи, нима гап ўзи? — деди Ростом «мўйлов»нинг шишасидан ўзига вино қуйиб.

¹ К а к о, К а к и — Акакий исмининг кичрайтма шакли.

— Қонимни сўришяпти-и! — деб қичкирди у овозининг борича ва шу он кайфи ҳам тарқаб кетгандай бўлди. — Пичоқсиз сўйишяпти!

Ростом стаканини жойига қўйди.

— Ким, ахир, ким? — деб сўрадим яна.

— Ановилар! Оғиз очиртиришмаяпти! Дастурхон меники, вино меники, сарф-харажат мендан бўлса-ю, чурк этгани қўйишмаса-я ярамастар! «Бирга ўтираммиз!», «Столни бирлаштираммиз!» Ҳа, ўргилдим сендақа меҳрибонлардан! Ўзимиз ўтирганда тамада эдим, бирга бўлганимиздан кейин анови курумсоқ нукул оғзимга уради-я! Менга сўз бермайди-я, менга! Ўз дастурхонимда ўзим мум тишлаб ўтирармишман! Ҳў-ў, газанда! Башарасига бир қаранглар, йўқ, бир қаранглар-а! Ким ўзи бу?! Георгий Саакадзени авлодими ёки Тамара Георгиевна билан Давидни¹ меросхўрими? Ҳе, сендақа!..

Бурчакдаги стол теварагида ўтирганларнинг кайфи бениҳоя ошган, кулоқни қоматга келтирувчи бақирик-чақириклар шармсиз қўшиққа жўр бўлиб, мияни пармалар, улфатлар орасида эс-хуши жойида бирорта одам қолмаган эди.

— Ўз дўстларингиз ҳақида шундай деяпсизми? — деб сўрадим ажабланиб «мўйлов»дан.

— Ким дўст? Менми?! Ҳе, бунақа дўстни...

— Майли, майли, ўзингизни босинг!

— Ўчир овозингни, каллаварам!.. Батальон, сми-ирно-о-о! Ўртага қараб текисланинг! Столни мўлжаллаб — ўт оч!

Нима бўлаётганини англашга ҳам улгурмадик. «Мўйлов» шартта ўрнидан турди-да, шишани боши узра айлантириб, шериклари ўтирган столга қараб отди. Шиша стол қиррасига тегиб, бомбадай гумбурлаб портлади. Шиша синиқлари атрофга сачради. Кетидан «мўйлов» иккинчи — бизнинг шишани ҳам улоқтирди.

— Во-ой! — деган овозлар эшитилди бурчакдан. Сўнг ваҳшийлашиб, инсоний қиёфасини буткул йўқотган оломон биттадан стулни қўтарволиб, устимизга бостириб кела бошлади.

¹ Георгий Саакадзе — XVI асрнинг охири — XVII асрнинг бошларида яшаган таникли грузин саркардаси ва давлат арбоби. Тамара Георгиевна — грузин подшоси Тамара (1184—1213), Давид — грузин подшоси Давид Бинокор (1089—1125 й.).

Эсимда қолгани шу:

Ростом «мўйлов»нинг иягига мушт солиб, ерга қулатди. Сал ўтмай ўзи ҳам ағдарилди. Шу пайт биров бошимга стул билан туширди, кўзим тиниб, шифтдаги биттагина лампочка минг бўлакка бўлиниб, тепамда гужрон ўйнай бошлади. Кейин қаердандир, жуда олисдан милиционер ҳуштагининг чуриллагани эшитилди, сўнг... сўнг ҳаммаёқни зулумот қоплади.

Ана шу қоронғилик қаъридан кимдир сирғалиб чиқиб, елкамга қўлини ташлади.

— Тур ўрнингдан!

— Нима дейсиз? — деб сўрадим гарангсиб.

— Ўрнингдан туриб, орқамдан юр.

— Туролмайман... Мажолим йўқ, биродар!..

У елкамдан кучдию даст кўтариб турғазиб қўйди.

— Энди юр орқамдан!

Биз жуда узок юрдик: у олдинда, мен — орқада. Оёқларим нуқул чалишиб кетарди. Ҳаммаёқ зимистон, фақат ҳамроҳимнинг бошидан таралаётган нургина йўлимни ёритиб борарди. Ниҳоят у деразасига темир панжара қоқилган қоп-қора уй олдида тўхтаб:

— Чиқ кемага! — деб буюрди.

— Қўрқаман! — дедим орқага тисарилиб.

— Чиқ деяпман, э бандаи ғофил! Қиёмат-қойим яқинлашмоқда. Оламни тўфон босиб, қирқ кечаю қирқ кундуз ичинда олло яратган жамики жонзотлар маҳв бўлғай. Чиқ!

— Нималар деяпсиз, биродар, биз нима гуноҳ қилдик! Тушунтиринг!

— Оллонинг иродаси: бу дунё қабоҳат ва разолатга тўлди, инчунун, яратганнинг ўзи бизни жазога мустаҳик этадир.

— Ўзи шундай дедими?

— Ҳа, оллодан ваҳий келди.

— Ёпирай. Унда ўзингиз кимсиз?

— Менми? Мен — Нухман.

— Қайси Нух?

— Ўша Нух-да!

— Ҳа-а-а! — шундагина ким билан гаплашаётганимни фаҳмладим, рўпарамда турган киши оламни сув босган пайтда одам зотини асраб қолган Нух пайғамбар эди. Қизик, орадан неча минг йиллар ўтган бўлишига қарамай у жуда ёш ва бардам кўринарди.

— Ўғилларингиз қаерда, азизу муҳтарам Нух? Сом, Хом, Ёфат қани?

- Ўғлим сенсан, Заза!
 - Жонворлар-чи!
 - Жонворлар ҳам ўзимиз!
 - Паррандалар нима бўлади?
 - Паррандалар ҳам, даррандалар ҳам бизмиз...
- Имиллама, чирогим, тез кемага чиқ!
- Қора уйнинг тунука қопланган эшиги ғийчиллаб очилди ва...
- ... Мен кемага чикдим...

«БЕШДАГИ ЎНИНЧИ»

Ўша воқеадан кейин уч кун ўтгач, шаҳарнинг «Тбилиси» деб аталмиш оқшом газетасида бир таъзиянома босилиб чиқди:

«Синглиси Гуранда, куёви Амаяк Алавердян, холавачча ва тоғаваччалари Цуца, Маро, Лили, Мака, Гванца, Цабу, Ира, Цотне, Ия Заридзе, Губаз ва Валерьян Иорамашвилилар чуқур қайғу билан

Владимир (Джано) Феофанович Соселиянинг

вафот этганлигини маълум қилдилар. Дафн маросими 11, 12, 13 май кунлари кеч соат 8 да бўлади. Жасад 14 майда Кутузов кўчасидаги 251-уйдан чиқарилади».

Орадан яна ўн кун ўтиб, ўша газетада «Қонун посбонлари» рубрикаси остида шундай хабар чоп этилди:

ЧУЧВАРАНИ ХОМ САНАГАНЛАР

Эски «дўст»лар Ростом Амилахвари билан Заза Накашидзелар кўпдан кўришишмаганди. Иттифоқо, улар шу йилнинг 8 май куни «Орзу» ресторанида учрашиб қолдилар. Икки такасалтанг оғиз-бурун ўпишгач, бу учрашувни «юв»моқчи бўлишди (қайси пулга, қандай йўл билан топилган пулга — бу бошқа масала).

Ресторанда, «дўстлар» ўтирган столдан нарироқда бир гуруҳ ҳалол-пок кишилар тинчгина овқатланишаётганди. Кўп ўтмай, Накашидзе билан Амилахварининг кайфи ошиб, оғизларидан боди кириб, шоди чиқа бошлади. Ўрганган кўнгил-да — тарки одат амри маҳол! Кейин овқатланиб ўтирган кишиларга тегажоглик қилишга ўтишди. Буфетчининг қайта-қайта оғоҳлантириши ва ёлворишига қарамай, бу икки безори жамоат тартибини бузишдан ҳадеганда ўзларини тийишмади. Шундан сўнг нариги столда ўтирган улфатлардан бири — гражданин А. Х. буларнинг олдига келиб, оталарча насихат қилишга мажбур бўлди:

— Йигитлар, ичкилик кишининг саломатлигига, ақлий қобиляти ва маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатишини биласизлар-ку. Илтимос — бас қилингллар, бошқа ичмангллар, яхшиси, уй-уйингизга бориб, китоб ўқингллар. Ҳойнаҳой, олий ўқув юртининг студентидирсизлар. Сизлар учун мен ҳисоб-китоб қилиб қўяман.

Аммо ҳаддидан ошган пиянисталар қулоқ солишмади. Аввалига гражданин А. Х. ни дўппослаб, ҳушидан кетказишди. Сўнг бояги улфатлар ўтирган столга қараб бўш шишаларни ота бошлашди. Уларнинг ваҳшиёна хатти-ҳаракати натижасида гражданин Соселия нобуд бўлди, «тез ёрдам» машинасида касалхонага келтирилгач, ҳаётдан кўз юмди.

Амилахвари билан Накашидзе, табиийки, қочиб қолмоқчи бўлишди. Аммо тергов бўлими бошлигининг ўринбосари лейтенант Н. Легашвили, оддий милиционерлар Б. Татарашвили, В. Русидзе, С. Бердзенишвили, Б. Сисоев, В. Квернадзе ва Д. Арабулидан иборат милиция ходимлари группаси ўз вақтида етиб келиб, уларни жиноят устида қўлга олди.

Р. Амилахвари билан З. Накашидзе тез кунда суд олдида жавоб беришади ва қилмишларига яраша жазоланишади. Хуш, улар нима деб ўйлашган эди? Чучварани хом санашган-да!

Аммо кишини таажублантирадиган жойи шундаки, учига чиқкан безорилар З. Накашидзе билан Р. Амилахвари шу пайтгача бирор марта ҳам жинойи жавобгарликка тортилмаган экан. Бу нарса милиция органларига жиноятнинг олдини олиш борасидаги ишларни тубдан яхшилашлари учун жиддий сабоқ бўлиши керак».

Бир замонлар жонидан тўйган тбилисиликллар бўйнига тош боғлаб, ўзини Мткварининг¹ лойқа сувига ташлаган ва ҳозир Горгасалининг² тош от устида савлат тўкиб, ҳайдовчиларни муюлишда эҳтиёт бўлишига чорлаб тургувчи ҳайкали бўй чўзган Метех қояси тепасида илгари Метех қалъаси бор эди («қалъа» сўзини бу ўринда «турма» маъносида тушунмоқ керак).

Кейинроқ, революцион ҳаракатлар кучайган ва шунинг оқибатида таъқиб ва тазйиқлар авж олган йилларда, эркталаб кишилар сони шу қадар кўпайиб кетдики, Метех турмаси ҳаммани сифдиrolмай қолди. Бундай аҳволни кўрган машҳур саноатчи Манташев Ортачала³даги ўзи тўқимачилик фабрикаси очишга мўлжаллаб юрган иккита тўрт қаватли бинони турмага ажратишга қарор қилди ва уларни Бутунроссия Императори, Польша подшоси, Финляндиянинг Улуғ Князи ва яна аллақанақа

¹ М т к в а р и — Кура дарёсининг грузинча номи.

² В а х т а н г Г о р г а с а л и — Грузия подшоси Вахтанг I, Тбилисига асос солган (502-йили эронийлар билан жангда ҳалок бўлган).

³ О р т а ч а л а — Тбилисидаги районнинг номи.

мартабалар соҳиби бўлмиш Николай Иккинчи Романов Ҳазрати Олийларига туғилган кунда тақдим этди. Ортачала турмаси «Губерня турмаси» деган ном олди.

1921 йилнинг февралида эса турма большевиклар томонидан мусодара этилиб, моҳияти ҳам, номи ҳам ўзгармаган ҳолда абадий фойдаланиш учун меҳнаткашлар ихтиёрига ўтказилди.

...Турманинг энг эътиборга молик матоҳи — алифбега солинган қалин дафтар. Ҳибсга олинган кишисининг қаердалигини билмоқчи бўлганлар турманинг маъмурий биносига кириши, тепасига «Канцелярия» деб ёзиб қўйилган туйнукча эшигини тикиллатиши, агар у очилса, қидираётган одамнинг фамилиясини айтиши керак. Бир-икки минутдан сўнг туйнукчадан жавоб олиш мумкин.

Мазкур дафтарда, маълумингизким, мен «Н» ҳарфи билан бошланадиган саҳифага қайд этилганман. Мен ҳақимда шундай деб ёзилган:

«8 майда ҳибсга олинган, 11 майда турмага келтирилган. Корпус V, камера X. Дастлабки тергов бўйича Грузия Жиноят кодексининг 110-моддаси билан айбланади».

110-моддада нима дейилгани кейинроқ маълум бўлади.

Мен ётган камеранинг деразасидан қарасангиз, энг аввало соқчилар минораси ва унинг айвончаси панжарасида бамайлихотир ўтирган соқчига кўзингиз тушади. Кейин маъмурий бинони ва турма бошлиғи кабинетининг деразасини кўрасиз. Деразанинг ташқи тоқчасига қатор қилиб гултуваклар териб қўйилган (баъзи хонадонларда роялнинг қопқоғига худди шу мақомда чинни филчаларни териб қўйишади). Лекин тувакларда гул йўқ. Афтидан, бу гултуваклар қачонлардир турманинг гулга ишқивоз собиқ бошлиқларидан бирининг кабинетини яшнатиб турган. Унинг ўрнига келган янги бошлиқ эса гулга тоқати йўқ кимса бўлган, аммо тувакларни чиқариб ташлашга уялиб, нозик бу ўсимликларга яхши шароит яратиб бериш баҳонасида уларни очиқ ҳавога териб қўйишни буюрган. Навбатдаги бошлиқ гулни хаёлига ҳам келтирмаган. Шундай қилиб, ичидаги тупроғи қовжираб, ҳеч кимга кераги бўлмай қолган гултуваклар Қрцаниси кишлоғидан тушган сўқмоқда қоп орқалаганча «Тупроқ тупро-оқ!.. Гулбоп тупро-оқ!.. Қора тупро-оқ!» — дея бақириб келаётган дехқондан гўё мадад сўраётгандай, ҳамон дераза тоқчасида мунғайиб туради.

Бошлиқ кабинети билан ёнма-ён — турма назоратчи-сининг кабинети. Бу учала диққатга сазовор иншоот — соқчилар минораси, бошлиқ кабинети ва назоратчи кабинети ўртасида ўзига хос антиқа алоқа мавжуд. Айтайлик, минорадаги соқчи деразадан қараб турганингизни сезиб қолди. У шошмасдан, сиз томонга қарамай, телефон трубкасини кўтаради. Шу пайт бошлиқ кабинетига нигоҳ ташласангиз, бошлиқнинг дархол трубкани олганини кўрасиз. У мамнун бир қиёфада бош силкитади ва биринчи трубкани жойига қўймасдан, иккинчисини кўтаради. Энди назоратчи кабинетининг деразасига қаранг. Назоратчи трубкани олади-ю, дарров бошқасига ёпишади ва шу заҳоти... йўлакда, камерангиз эшиги орқасида телефон чўзиб жириглайди. Сўнг камера эшиги очилди, агар деразадан сакраб тушишга ўзингиз улгурсангиз — улгурдингиз, бўлмаса бошқалар бажонудил ёрдамлашворишади. Шу жўнгина хатти-харакатлар оқибатида сиз уч кун қарцерда ётиб чиқасиз.

Қарцерга тезроқ тушишнинг бошқа йўли ҳам бор. Бунинг учун минорадаги соқчи тўппа-тўғри йўлагингиздаги назоратчига қўнғироқ қилиши лозим. Лекин тажрибасиз, ғўр соқчиларгина бу ишни қилишади. Улар ҳали оддий ҳақиқатни: бундай йўл билан мартабага эришиб бўлмаслигини билишмайди.

Боринги, соқчи сизни сезмади ҳам дейлик. Хўш, у ҳолда деразадан яна нималарни кўришингиз мумкин?

Сиз турманинг кенг, чорбурчак ҳовлисини кўрасиз. Бу ҳовли ўртасида тўрт бўлакка бўлиниб, атрофи минорали деворлар билан қуршалган бошқа бир ҳовли — сайрга мўлжалланган ички ҳовли ҳам бор. Нима учун тўрт бўлакка бўлинган? Азбаройи махбусларни биратўла тўртта ҳар хил камерадан сайрга олиб чиқиш учун шундай қилинган. Сайрга ҳаво очиқ бўлса, ҳар куни олиб чиқишади, сайр муддати турмадагиларнинг саноғига боғлиқ. Одатда бу тадбир ўттиз минутдан бир соатгача давом этади.

Сўнг ошхонани, унга туташ касалхонани кўрасиз. Унгрқда — ўликхона.

Ва, ниҳоят — баҳайбат темир дарвозага кўзингиз тушади. Дарвозадан одамларни тўда-тўда қилиб олиб киришади, аммо чиқаришга қолганда — биттадан чиқаришади. Бу дарвозадан чиқишнинг учта йўли бор: биринчиси — бегуноҳ бўлсангиз, иккинчиси — қамқоққа ҳукм

килинсангиз, учинчиси эса — бамисоли Цикарадай¹ дарвозани бузишга уринсангиз, аммо... Цикара шохини сишдирган тўққизинчи дарвоза худди мана шу бўлади.

Юқорида тасвир этилганларнинг барчаси — турманинг сиртки шакл-шамойили. Ҳар ҳолда ичида гап кўп бўлса керак, аммо деразамиздан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.

Энди ташқи дунё масаласига келсак — рўпарадаги эни юз метрли кўча: пивохона, дорихона, сартарошхона ва телпақдўзлик устахонаси. Бизнинг кузагув пунктимиз — деразадан кўринадиган нарсалар мана шу. Бу пунктнинг танҳо хўжайини Шошиа² бўлади.

Шошиа — камерамизда истиқомат қиладиганлардан бири. Аввалига лақаби деб ўйладим, чунки, биринчидан, қирғийбурун Шошиа чуғурчиққа жудаям ўхшайди, иккинчидан — у, худди чуғурчиқдай, уззукун дераза ёнида ўтиради (худди мана шунинг учун ҳам бошқа кунларини карцерда ўтказди). Шошиани карцердан кўрқади деб ўйлаяпсизми? Асло! Бир куни у менга:

— Сен, азизим Заза, карцердан чиққандан кейин деразадан ташқарига қараш қанақа мазалигини билмайсан! — деб қолди. — Буни фақат Шошиа, қафасда ўтирган ва уни уясида бир жуфт темирқанот палапони кутаётган Шошиагина билди...

Ўша бир жуфт палапоннинг суратини Шошиа ҳар куни камида ўн марта чўнтагидан чиқазди, уларга тикилиб, ҳар гал обидийда қилади:

— Эси йўқ отангизни ер ютса бўлмайдими, болажонларим! Менга ким кўйибди-я маймунжон шарбатига қўл уришни?! Техникумда, завхозлик амалида тинчгина ўтирувдим-ку! Ё пул каммиди у ерда?! Ҳаммасига онангиз айбдор, ҳайвондан тарқаган!.. Очофат махлуқ!... Мен галварсга бу ҳам кам ҳали!

— Ўз хотинингни шунчалик ҳақорат қилишга уялмайсанми, Шошиа? — дейман жаҳлим чиқиб.

— Ў-ў! Сен уни билмайсан, азизим Заза! Туби йўқ ўпқон у! Еб тўймас аждаҳо у!... Мана энди бриллиант узукларини сотиб есин, кўрамиз, қанчага етаркин!.. Менга ўн йил беришади, бу — аниқ!.. Бари бир бу ердан чиққанимдан кейин паттасини қўлига тутқазиб, қўшним Сиранага уйланаман! Шу гапим ёдингда турсин!.. —

¹ Ц и к а р а — грузин халқ эртагининг қахрамони — бука.

² Ш о ш и а — грузинча «чуғурчиқ».

Шошиа бирдан жим бўлиб қолади, сўнг нозик бир сирни ошкор қилгандай, қўшиб қўяди: — Дўлмага шунақа устаки!

Камерада мен билан Шошиадан ташқари яна саккиз киши бор. Кечки пайт. Эшик ортида калитларнинг шақирлагани эшитилади. Назоратчи бўлса керак: оқшомги текширув.

Ха, худди шундоқ. Камера эшиги очилиб, ёшгина нотаниш назоратчи киради — уни биринчи кўришимиз. Хамма ўрнидан туради.

Назоратчи бизни санай бошлайди. «Бир», «икки», «уч» — ҳар биримизга қўлини бигиз қилиб, чертиб-чертиб санайди.

Хисобдан адашиб кетмаслиги учун назоратчининг саноғидан ўтган киши дарров ўтириши керак — тартиб шунақа.

— Староста ким? — деб сўрайди назоратчи.

— Мен! — деб жавоб берамиз биттамиз ўрнимиздан туриб.

— Фамилиянг?

— Гоголь!

Назоратчи старостага гўлайиб қарайди.

— Исминг?

— Чичико!

— Фамилиянг? — дея қайта сўрайди назоратчи.

— Айтдим-ку, начальник: Гоголь!

Назоратчининг кўзлари қонга тўлади.

— Танангни карцерда чиритаман! — деб бақиради у.

— Янги-да ҳали... — дейди кимдир.

— Пишириб емайсанми, начальник! Фамилиям ростдан ҳам Гоголь¹ бўлса, нима қилай! — деб жавоб қайтаради Чичико пинагини бузмай ва жойига ўтиради.

Назоратчи қоғозлар солинган папкани очади, рўйхатга тикилади, сўнг фаромуш бир нигоҳ билан Чичикога қарайди, андак сукут сақлаб туради-да, баланд овозда рўйхатни ўқишга тушади:

— Девдариани!

— Шу ерда.

— Накашидзэ!

— Мен!

— Гулоян!

¹ Гоголь деган фамилия ўтмишда мустақил қабила бўлган мегреллар орасида учраб туради.

— Шу ердаман!

— Гоголь!

Чичико миқ этмайди.

— Гоголь! — дейди яна назоратчи.

— Мен Гоголь эмасман! — Чичико чийиллаб ўрнидан туриб кетади. — Мен — Толстойман, Илья Чавчавадземан, Дуту Мегрелиман¹, Грибоедовман! Тушунарлими? Гоголь эмасман! Анови лаънати рўйхатингиздан ўчириб, уйимга жўнатворинг мени! Хўпми?!

Кулги кўтарилади. Ёш назоратчи каловланиб, хижолатомуз илжаюди.

— Қаерликсиз? — деб сўрайди у Чичикодан.

— Нахаребаоликман², падарига лаънат! Икки юз йил бурун бобомнинг бобоси ўша ерга ўрнашиб, мегрель бўлиб кетган экан. Унга нима? Ётипти қабрда оёғини чўзиб! Унинг фамилияси дастидан менга кун йўқ! Бирор оғиз русча ёки украинчани билсам ҳам майли эди!.. Нима кўргилик бу!..

Чичикони бир амаллаб юпатамиз.

Назоратчи давом этади:

— Чейшвили!

— Мен, хурматли начальник!

— Мошиашвили!

— Шу ердаман, азизим, шу ердаман!

— Мебуришвили!

— Шу ердаман!

— Гамцемлидзе!

— Хизматингизга тайёрман!

— Саларидзе!

— Бор!

— Моголадзе!

— Уни ҳали қамоққа олишгани йўқ, — дейди биров.

— Соголадзе, — деб хатосини тўғрилайди назоратчи.

— Қидиришяпти!

— Чоголадзе!

— У қўшни камерада, — дейди Гулоян бош бармоғи билан орқасига ишора қилиб.

— Нега унинг фамилияси бу рўйхатга тушиб қолган? — деб сўрайди назоратчи.

¹ И л ь я Ч а в ч а в а д з е — грузин адабиётининг классиги. Д у т у М е г р е л и — ёзувчи Д. Хоштарианинг тахаллуси (ўзи — мегрель).

² Н а х а р е б а о — қишлоқнинг номи.



— Мен қаёқдан биламан? — дея елкасини қисади Тигран.

— Биродар, балки Гоголадзени кидираётгандирсиз? — деб сўрайди Шошиа ўта мулойимлик билан.

Назоратчи бир муддат унга тикилиб туради, кейин рўйхатга кўз ташлайди ва унинг гапини тасдиқлаб, бош силкийди:

— Ха, Гоголадзе!

— Унда — мен бўламан! — дея ўрнидан туради Шошиа.

Назоратчи папкани ёпиб, старостага юзланади:

— Гоголь! Бешдаги ўнинчида қандай шикоятлар бор? («Бешдаги ўнинчи» — бешинчи қаватдаги ўнинчи камера дегани).

— Ёзиб берайми ё оғзаки айтаверайми? — деб сўрайди Чичико.

— Гапиринг! — дейди қовоғини солиб назоратчи ва яна папкасини очади.

Гоголь бизга кўз қисиб қўяди.

— Бўлмаса, Гамцемлидзе бошлайди! — дейди у жилмайиб.

Гамцемлидзе кўзойнагини тўғрилаб, сўз бошлайди.

— Маълумингизким, биз бошқача махбуслармиз...

— Қанақа — бошқача? — дейди ажабланиб назоратчи.

— Гапимни бўлманг, биродар! — дея уни огоҳлантиради Гамцемлидзе қўлини кўтариб. — Сиз рўйхат ўқиганингизда биз жим турганмиз!

Назоратчи анграйганча қолади. Гамцемлидзе давом этади:

— Бизнинг ишларимиз ҳозир тергов босқичида, бинобарин, биз билан мана шу ҳолатдан келиб чиқиб, норасмий, вақтинча ҳибсда турган гражданлар сифатида муомала қилиниши лозим. Бу муомала қаттиққўллик билан раҳмдиллик ўртасида бўлиши керак, яъни демокриманки, тергов тартиб-қоидаларида кўзда тутилган муддат ичида турмада яратилган шарт-шароит бизни тамомила қаноатлантирсин. Зеро, инсоннинг жисмоний ва маънавий имкониятлари...

— Гоголь! — дея мурожаат қилди назоратчи старостага, ияги титраб. — Нима деб валдираяпти бу?

— Лебардега¹ йигирма тўрт кунга йўлланма сўрамоқчига ўхшайди!

¹ Л е б а р д е — Фарбий Грузиядаги курорт.

— Текин йўлланмами? — деб сўради назоратчи.

— Албатта-да! — дея жилмайди Чичико.

— Айт, ўтирсин, hozир жинни бўп қоламан!

— Олдин менга, қайта-қайта қилган илтимосларимга қарамай, Чернишевскийнинг еттинчи томини нима учун шу пайтгача келтириб беришмаётгани сабабини тушунтиришсин, кейин ўтираман! — деди Гамцемлидзе.

— Шундоқ одам турмада ётса-я! — деб хитоб қилди Тигран Гулоян.

— Ўтиринг, Чернишевский! — деб буюрди Гоголь. — Энди сенинг навбатинг, Чейшвили!

Чейшвили ўрнидан турди.

— Аввал ўзимнинг даъволаримдан бошлаб, кейин бутун камеранинг шикоятларини айтайми ёки ҳаммасини аралаш-қуралаш қилиб гапираверайми? — деб сўради у назоратчидан. Назоратчи елкасини қисди.

— Ҳаммасини гапиравер! — дедим мен Чейшвилига далда бериб.

— Демак, бундоқ:

Биринчидан. Тахтаканалар қонимизни сўряпти!

Иккинчидан. Чой ўрнига сув беришади!

Учинчидан. Овқат ўрнига силос опкелишади!

Тўртинчидан. Битта устарада ўн кишининг соқолини олишади!

Бешинчидан. Вақтли матбуотни беришмайди!

Олтинчидан. Сиёсий адабиётдан маҳруммиз!

Еттинчидан. Шахсан менга нон етмайди!

— Уни экскурсияга олиб боришмайди!

— Маоши кам!

— Пойафзали оёғини қисади!

— Хотини — фоҳиша!

— Хотинимнинг сизларга алоқаси йўқ! — деб қўя қолди у Девдариани билан баҳслашишга юраги бетламай.

— Тигран, сўра-чи, нима учун алиментни тўламасинки? — Девдариани Гулоянга мурожаат қилди.

— Эшитяпсанми, нега хотинингга алимент тўламайсан? — деди Тигран.

— Чунки, биринчидан, болаларимнинг туғилган вақти... э-э... менинг ҳисоб-китобимга тўғри келмайди, иккинчидан, бирортаси ўзимга ўхшамайди.

— Тигран, — деб давом этди Девдариани, — бу галварсга айтиб қўй, агар шу ердан эсон-омон чиқса, болалари ўзига ўхшамагани учун худога шукур

килиб, Светицховели¹ атрофини чўккалаб уч марта айлансин!

— Эшитдингми? Сиони² атрофини чўккалаб уч марта айланасан!

— Сиони эмас, Светицховели!

— Нима фарқи бор, Лимонжон?

— Нега фарқи бўлмас экан? Светицховели — Мцхетада, Сиони эса — Тбилисида!

— Нима қипти?

— Нима қипти, дейди-я! Мцхетага билет ҳақи фалон пул туради, бу ўз болаларига алимент тўламайди-ю!

Камерада кулги янгради.

Назоратчи ўзининг калака қилинаётганини сезиб, папкасини шартта қўлтиғига қисди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб, камерадан чиқиб кетди. Биз қотиб-қотиб кулардик. Бирдан эшикнинг дарчаси очилиб, назоратчининг бўғриқиб кетган юзи кўринди.

— Эртага сайрга чиқиб бўпсанлар!

— Ол-а! Головинский³ проспектига олиб борармидинг!

Қани, туёғингни шиқиллат-чи, ҳе-е сендака!.. — деб ўшқирди Гулоян.

Дарча ёпилди.

ЕТТИ БЕГУНОҲ ВА УЧ ГУНОҲҚОР ФАРИШТА

Болалигимда мени қаттиқ ларзага солган бир воқеа юз берган, ҳанузгача унутолмайман, эсласам — этим жунжикиб, аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетади.

Ўшанда неча ёшдалигимни ҳам аниқ билмайман. Бир кунни ойим мени хайвонот бонига олиб борди. Аввалига пакана от қўшилган аравачада роса сайр қилдим, кейин маймунлар қафаси томон йўл олдик.

— Қара, худди сенга ўхшайди-я! — деди ойим узун думли кичкина бир маймунни кўрсатиб. Бу қиёсдан ийиб кетиб, ҳамма конфетларимни ҳалиги маймунга бериб юбордим.

Сўнг айиқларнинг олдига бордик. Болалар кўп бўлгани учун ҳеч нарса кўринмасди. Ойим мени кўтарволди.

Айиқларга қараб туриб, маймунларга қараганда уларнинг одамга кўпроқ ўхшашини пайқадим — икки оёқда

^{1,2} Светицховели, Сиони — ибодатхоналарнинг номи.

³ Головинский проспекти — Тбилисидаги Руставели проспектининг эски номи.

туришади, думи йўқ, уйимиз олдидаги бармоқсиз тиланчидай лимонадни шишанинг оғзидан ичишади.

Кейин бир оёқда турган қарқара билан узоқ мусобақалашдим, бари бир, қарқара фолиб чикди.

Бир маҳал тоғ такасига кўзим тушиб қолди. У сунъий қоя тепасида ҳайкалдай қотиб турар, унинг тирик мавжудот эканлигига ишониш ҳам қийин эди.

— Ҳе-хе-ҳей! — деб кичкирдиму ердан битта тошни олиб, такага қараб отдим.

Тош такадан икки қадам берига тушиб, пастга думалади. Така қимир этмади, ҳатто киприк ҳам қокмади... Унинг маънос нигоҳи олисларда кўм-кўк бўлиб ястаниб ётган Кавказ тоғларига қадалганди.

— Ойи, нега сира қимирламайди?

— Ўйлаяпти-да, ўғлим... Юра қол, ўн минутдан кейин борни беркитишади!

Ойимнинг гапига тушунмай, зинғиллаганча кетидан эргашиб кетавердим. Салдан кейин бир қаватли бино олдидан чикдик. Ойим қаттиқ пружина қоқилган эшикни қия очиб, мени ўтказворди. Биз темир қафаслар ўрнатилган ҳайхотдай хонага кириб қолган эдик. Димонимга гуп этиб бадбўй хид урилди. Бу мен учун даҳшатли, ақлим бовар қилмайдиган олам эди: баҳайбат ёлдор арслонлар лоқайд ва бефарқ нигоҳ билан қараб туришар, олачипор йўлбарслар вазмин қадам ташлаб, қафас ичида уёқдан-буёққа бориб келишар, бесабр қоплонлар зир югуриб, ўзларини панжарага уришарди.

Залда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бинонинг нариги бурчида искирт кўк халат кийган бир аёл арслоннинг қафасини супурар ва ҳаммаёқни ифлос қилиб ташлагани учун йиртқични шанғиллаб қойирди.

Юрагимни бирдан ваҳима босди. Бу улкан зал менга аллақайси бир золим подшоҳнинг қонли жангда енгilib, банди қилинган саркардаю аъёнлари қамаб қўйилган зиндонни эслатди. Мана энди асирга тушганлар темир қафасларда ўтиришибди. Уларнинг баъзилари тутқунликка чидаёлмай, жон-жаҳдлари билан қафасни синдиришга уринишади, айримлари аламларини ичга ютиб, пинҳона қочиш режасини тузишмоқда, бошқа бирлари эса тақдирга тан бериб, қисматнинг бундан кейинги зарбасини кутишяпти.

Кўққисдан залга сукунат чўкди. Йиртқичлар қулоқларини диккайтириб, худди бировнинг буйруғини адо этгандай, бир нуқтага тикилиб қолишди. Катта дарвоза

ланг очилиб, гўшт ортилган иккита аравача пайдо бўлди. Жонворлар увиллаб юборишди. Темир қафаслар зириллаб кетди.

— Ойижон! — дея чинқирганча ҳар тарафдан ёпирилиб келаётган ўқирик ва тарақа-турукдан жон сақлаш илинжида онамнинг оёғига ёпишдим.

Кулоғимга ойимнинг мулоийм овози чалинди:

— Қўрқма, ўғлим! Қўрқма, қўзичоғим!

Шу пайт кўк халатли аёл ўшқириб қолди:

— Нима бало, кўзинг кўрми? Эшикка ёзиб қўйишибди-ку: соат бирдан иккигача — тушлик! Қани, болани юраги ёрилмасдан тез жунаб қол-чи!

Яна ойимнинг ялинчоқ овози эшитилди:

— Кетамиз, ўргилай, ҳозир кетамиз! Кечиринг бизни!..

Назоратчи эшикни очиб, мени камерага киритворганда вужудимни ҳў ўша олис болаликда, ҳайвонот боғида кечган туйғулар чулғаб олди. Камеранинг бадбўй хиди қафасдаги сасиган гўштларнинг исини, бу ерда истиқомат қилувчилар эса ҳайвонот боғидаги жонворларни ёдимга солди. Фарқи шунда эдики, ҳозир ўзим қафасга тушиб қолган эдим...

Бир муддат эшикка суянганча жим туравердим, кейин халтамни цемент полга ташлаб, устига ўтирдим.

Сўриларда ўтирган кишилар менга ошқора синчковлик билан тикилишарди. «Туриб, сўрашсам бўлармиди». деган ўй ўтди кўнглимдан, аммо жойимдан жилмадим.

— Бирорта тирик жон қолдими озодликда? — деган овоз эшитилди ногаҳон, кетидан гур этиб кулги кўтарилди. Бу савол кимга қаратилганини англаёлмадим, шундай бўлса ҳам, мулоийм жилмайиб қўйдим.

Яна сукунат чўкди.

— Фамилиянг нима? — деб сўради биров салдан кейин.

— Накашидзе.

— Демак, исминг ҳам бор экан-да?

— Заза.

— Ўғримисан?

Мен овоз чиқаётган томонга таажжуб билан қарадим ва боядан бери фақат бир одам савол бераётганини фахмладим. Бу гаплар сўроққа ўхшаб кетарди.

— Йўк, ўғри эмасман! — дедим энсам қотиб.

— Хафа бўлма! Мен камеранинг старостасиман, ҳамма

нарсани билишим керак. Тартиб шунака. Демак, ўғри эмассан... Нима учун қамашди бўлмаса?

— Мен... Қандоқ тушунтирсамикин... Ресторанда бир одамни ўлдириб қўйишди... Ўртоғим билан мен ҳам ўша ерда эдим... Қисқаси...

— Биладан, биладан, сизлар ўлдирмагансизлар! — деб гапимни бўлди у.

— Қаёқдан биласиз? — дедим суюниб.

— Қаёқдан биласиз, эмиш-а? Манови учта гуноҳкор фариштадан бошқа ҳамма бегуноҳ бу ерда, оғайни! — у жилмайиб, уч кишига ишора қилди. Улар ҳам кулиб қўйишди. — Буларнинг гуноҳи шуки, ўзлари айбларига иқрор бўлишган... Ҳа! Агар милиция жиноят устида қўлга туширмаганда осонликча бўйинларига олишарми-ди?! Парво қилма, йигитча!

— Ростдан ҳам менинг айбим йўқ! — дедим яна ўзимни оқлаб.

— Жуда соз! Қизиғи — айбсиз одамни қамокқа олиш-да-да. Айбдорни қамашдан ўнғайи борми, оғайни!

Камерадагилар яна хахолаб кулишди.

— Мана бу ерда, менинг ёнимда ётасан. Жойлаша-вер!

Мен индамай халтамни пастки сўрига ташладим.

— Энди сўрашиб қўяйлик! — шундай деб, староста қўлини узатди.

— Салом! — дедим мен унинг қўлини маҳкам қисиб.

— Исмим Чичико, фамилиям Гоголь! Фақат нега бунақа фамилия деб сўрама, илтимос. Гоголь — вассалом! Уқдингми?

Мен старостага ишонқирамай қарадим, сўнг кулиб юбордим.

— Биладан, бу ерда — биримиз Гоголь, биримиз Пушкин, биримиз Толстой, яна биримиз Наполеонмиз!

Ёппасига кулги кўтарилди. Гоголь ҳам кулди, бегуноҳлар ҳам, буни қарангки, бояги учта гуноҳкор фаришта ҳам кулди...

Турма ҳаётига, ўз камерамга, маҳбусларга назоратчи-га, комендату фельдшерларга ва айниқса, ҳар куни ҳоли-миздан хабар олиб турадиган Нуну исмли фельдшер қизга аста-секин кўникиб қолдим.

Нуну эшик дарчасидан упу суртилган бурни ва обдан бўялган лабларини ичкарига суқиб, узун киприкларини

пирпиратар, ўттиз иккита оппоқ тишини яркиратиб жил-маярди-да:

— Хўш, ахволлар қалай, жинойтчиларим? Кимнинг қаери оғрияпти? — дея ҳар куни бир гапни такрорларди.

Ҳамма касалликка қарши унинг биттаю битта — люминал деган дориси бор эди. Ким «ихх» деса, люминал бериб кетаверарди. У ҳар келганда биз учун баҳор келгандай бўларди. Дарчадан бош суқиши билан камерадаги ўн киши бараварига эшикка ташланардик. Нуну кўрққан киши бўлиб, шоша-пиша дарчани ёпарди. Аммо сал ўтмай, худди булут орасидан чиққан куёшдай, яна мўраларди.

Биз учун — ҳаловатни, кўнгилхушликни ва аёл меҳрини соғинган эркаклар учун — ўзининг, бамисоли ҳинд худоси Шивадай, минг турли қиёфада кўринишини Нуну хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг қиёфасида биров — синглисини, биров — қизини, бошқа биров — дўстини, яна бировлар — қонни жунбушга келтирадиган сулув аёлни кўрарди. Буни тасаввур этиш қийин, лекин айнан шундай эди... Шунинг учун ҳам Нунуга бўлган муносабатимизни ҳеч қайсимиз ошқора ифода этмасдик. Шунинг учун ҳам ҳар гал Нуну келиб кетганидан кейин камерага оғир сукунат чўкар эди...

Айни баҳор. Аллақачон қалдирғочлар учиб келишган. Аммо бизнинг гўшамизда баҳордан дарак йўқ. Қалдирғочлар ҳам кўринмайди. Нима учун улар турма деворларига ин қуришмасикин-а? Буни ҳеч ким билмайди. Эҳтимол, «илоҳий қуш» бўлгани учун оллоҳнинг бандалари чекаётган ситамларни кузатишга қалдирғочларнинг юраги дош беролмас? Турмадан доимо сассиқ хид анқиб туради. Балки шунинг учундир? Ёинки турма чўп тикилган ари инидай ғала-ғовур, нотинч бўлгани сабабли шундаймикин-а? Турманинг муқим соҳиблари йўқ, бу ерда одамлар тўхтовсиз алмашилиб туради, қалдирғоч эса осойишта масканга, инсон меҳрига талпинади, «ўз» хонадони эгаларига ипсиз боғланиб, ҳатто уларнинг қиёфаларини ҳам эслаб қолади. Боиси шудир эҳтимол? Ёки турмага офтоб тушмагани сабабмикин? Хуллас, нима учун қалдирғочлар турма деворларига ин қурмаслигини ҳеч ким, ҳеч ким билмайди...

— Салом, ўғрилар! Салом, талончилар! Салом, қотиллар, фирибгарлар, порахўрлар, чайковчилар, каззоблар! Салом! Туринглар, ер юткурлар!

Бу — Шошиа.

У хаммадан олдин уйғонади. Аслида-ку икки соатдан кўп ухламайди. Лекин бир йилга арзигулик туш кўради — ажойиб-ғаройиб, яхши-ёмон, афсонавий тушлар. Яхши туш кўрганда суюниб уйғонади-ю, аммо сал ўтмай, хомуш тортиб қолади. Яна эски дийдиёсини бошлайди:

— Ўлганим яхши бу кунимдан, азиз болажонларим! Ота бўлмай, ҳар нарса бўлай! Нима еб, нима ичяпсизлар, дўндикқиналарим? Шайтон йўлдан оздирди мени — ўша қасофат маймунжон шарбатига бало бормиди?! Ҳаммасига онангиз сабабчи, ярамас, очофат махлуқ!..

— Бўлди, Шошиа, эрталабдан обидийда қилма! Биз ҳам одаммиз, бизнинг ҳам болаларимиз бор! Раҳминг келсин! Озгина ухлайлик! — деб ёлворади Мебуришвили.

— Хў, эшак! Болаларингни яхши кўрсанг, нега тўнкадай думалаб ётибсан? Чик буёққа, биргалашиб йиғлаймиз!

Мебуришвили қўл силтаб, бошига ёстикни босади.

— Салом, Заза! — дейди Шошиа менга.

— Салом, Шошиа! — дея алик оламану ўрнимдан тураман. Бари бир энди ухлаб бўлмайди.

— Уйғотвордимми?

— Йўқ, нега энди!

— Одамлар, ростини айтинг, хафа қилиб қўйдимми? — дейди у ичи ғаш бўлиб.

— Йўқ, йўқ, Шошиа! Олавер келган жойидан!

Дарвоқе, Шошианинг қўлидан бировни хафа қилиш келармиди? Шошиа — бахтсиз одам! Чекига тўксон тўртинчи модда тушган — олти йилдан ўн беш йилгача. У ҳеч кимдан хафа эмас, ҳаммасига ўзини айбдор деб билади. Турмадан тезроқ чиқиш, палапонларини тўйиб-тўйиб бағрига босиш учун ҳамма нарсага тайёр, кейин нима бўлса бўлар...

— Ҳаётимни қайтадан бошлайман, Заза! Хотинимни ҳайдаб, Сиранга уйланаман! Дўлмани кийворади-да лекин! Кейин лаш-лушларимни йиғиштираману қишлоққа кетаман... Уй қураман, ток экаман!

— Қаерга ток экасан? — деб сўради Тигран.

— Қаерга бўларди? Ерга-да! — деди Шошиа ажабланиб.

— Қайси ерга? Гултувакками?

— Нега гултувакка бўларкан? Оддий ерга! Ўзимнинг еримга!

— Ким сенга ер беради?
— Ким беради? Давлат беради!
— Қайси давлат?
— Қайси давлат дейди-я? — Шошиа сакраб туриб кетади. — Ҷизимизнинг давлат!

— Сени қамаб қўйган ва бир ҳафтадан кейин ўн беш йилга ҳукм қиладиган давлатми?

— Вой, қанақа одам бу ўзи! — дейди Шошиа жиғибийрон бўлиб. — Тилинг танглайингга ёпишгур зикна, худбин! Илойим, тананг мана шу турмада чирисин! Нима, мени шу ерда ўлади, деб ўйлаясанми? Амнистия бўлмас эканми? Демак, Тигран Гулоянга, бир парча ерни менга раво кўрмаган ноинсоф Тигранга тикилиб жон берарканман-да? Хе, нокас, итфёъл!

— Нима ёмонлик қилдим сенга, мараз! — дейди Тигран ғижиниб. — Нима, мен ер министримами? Сенга ер бермайман, дедимми? Бу ҳақда пулни супуриб олаётган пайтингда ўйлашинг керак эди, билдингми?

— Эшитяпсизларми? Эшитяпсизларми, одамлар?! Бу қотил мени мараз деяпти! — деб қичқиради Шошиа.

— Ким қотил? Мен қотилманми? — Тигран ўрнидан туради.

— Қани, ўтир-чи жойингга! — деб буюради Девдариани Тигранга қарамай.

— Лимон, азизим, ўтираман, лекин буни гапини кара, — дейди Тигран дарров шаштидан тушиб. Лимон — Девдарианинг лақаби.

— Бўпти, ўтир!

— Лекин мени қотил демасин...

— Тонетида¹ ўрмончини ким ўлдирган? Менми? — деб сўрайди Шошиа.

— Дехқонларга ўтин бермагани учун ўлдирганман уни!

Камерадагилар хохолаб кулишади, Тиграннинг ўзи ҳам кулади.

— Хе, марабдалик Арсен² бўлмай кет! Дедхқонларнинг ҳомийси! Буни терговчинингга айтасан! — деб маслаҳат берган бўлади Шошиа.

— Айтаман!

— Айтиб кўр-чи, ишонармикин гапингга?

¹ Тонети — қишлоқнинг номи.

² Марабдалик Арсен — крепостнойлик истибдодига қарши курашган халқ қаҳрамони (Арсен Одзелашвили).

— Ишонса, сен билан шу ерда ўтирармидим, каллаварам!

— Ҳой, яхшилар, ўғрилиги билан мактанган одамни эшитганмисизлар? Уялмаганини қаранглар-а?

— Бас қил, Шошиа! Жонингга тегмадими ади-бади айтишиш? — дейди Лимон.

Девдарианидан хайиққан Шошиа жим бўлиб қолади.

Камерага бир лаҳза сукунат чўқади. Шошианинг:

— Келди! деган овози эшитилади бир махал.

— Ким келди? — деб сўрайман мен.

— Анови пияниста-да! Ана, пивохонага яқинлашди! Пулни қўйди!.. Қуй, қуйсанг-чи, ноинсоф! Тўлдириб қуй! Кўрмаяпсанми, қўллари титрапти!.. Ҳа, ана қуйди... Вой, вой, нима қиялпти?.. Эси жойидами?

— Нима гап, Шошиа?

— Пуфляпти, аҳмоқ! Кўпигини пуфляпти! Ё тавба!.. Ичавермайсанми, галварс!.. Ҳа, баракалла!

— Хўш, Шошиа, ичдими?

— Ичди! Лабини ҳам артди!.. Оҳ, қанийди ҳозир бир кружка яхдек пиво бўлса! Бир кружкагина!..

— Кўнглинг яна нималарни, тусаяпти, Шошиа? Орзуга айб йўқ! — деб ҳазиллашади Лимон.

— Фақат бир кружка пиво! — дея инграйди. Шошиа.

— Шунинг ўзими? — деб сўрайман мен.

— Эҳ, азизим Заза! Пиво нима экан! Қанийди қанот бўлса! Бир жуфт енгил, бакувват қанотинг бўлсаю кенгликларга парвоз қилсанг!

— Учавер! Чуғурчиксан-ку!

— Қанот-чи? Қанотни қаердан оламан?

— Қанотинг бўлади!

— Қачон, азизим, қачон?

— Ўсади, Шошиа, ўсади! Ҳали палапонсан! — дейди Тигран.

— Энди ўсмайди! Суюнавер, Тигран! Кеча туш кўрдим — ҳеч қачон қанот бўлмайди менда!

— Қанақа туш кўрдинг?

Шошиа қўшиқ бошлайди:

— *Соят-Нова' тушимга кирди,
Бас қил! — деди йиғингни энди.
Нимаики қўлингдан кетди,
Билки, бегонага насиб этди!*

¹ С о я т Н о в а (1712—1795) — улуғ арман шоири. Арман, грузин, озарбайжон тилларида шеърлар ёзган.

— Буздинг, Шошиа! Унақамас!

*— Йезинг билан ер сувга тўлмас,
Йўқотганни қайтариб бўлмас.*

— дея уни тўғрилайди Тигран.

— Бунинг менга аҳамияти йўқ. Соят-Нованинг дарди бошқа, менинг дардим бошқа! — дейди Шошиа ва давом этади:

*— Дўстларим, мен дунёга меҳмон!
Меҳмон эса кетмоғи аён...
Прокурорни алдаса бўлар,
Судьядан ким қочиб қутулар?!.*

— Ёпирай! Ўзинг тўқияпсанми? — дея таажжубланади Тигран.

— Нимани тўқийман? Қўшиқ айтяпман! — дейди Шошиа хўрсиниб.

*— Прокурорни алдаса бўлар,
Судьядан ким қочиб қутулар?!.*

Шошиа — чуғурчиқ, аммо қўшиқ айтганда булбул бўлиб кетади. Шошиа қўшиқ бошласа бутун турма нафасини ичига ютади. Бошқаларни билмадим-у, лекин қўшиқ айтгани учун Шошиани карцерга олиб кетишмайди. Шошиа куйласа Тигран сувга бўккан кучукдай мунғайиб қолади.

Шошиа эркинлик ва қўшиқ учун туфилган... Аммо нодонлиги туфайли турмада ўтирибди. Э, аттанг!..

ЧИН СЎЗ

Камера эшиги шарақлаб очилди. Назоратчи кўринди. Хаммамиз ўрнимиздан турдик.

— Чик, Накашидзе! — деди у.

— Нарсаларим биланми? — деб сўрадим мен.

— Йўқ, курук ўзинг!.. Сўроққа юр!

Мен шошмасдан камерадан чиқдим.

— Тезроқ юр, қўлингни орқага қил! — деб буюрди назоратчи.

Буйруқни бажардим.

Йўлакдан ўтиб, зинапоядан ҳовлига тушдик.

Мен олдинда, назоратчи — орқада.

Рўпарадаги бинодан бир маҳбусни олиб чиқишди — сўроқдан келаётган бўлса керак.

— Деворга ўгирилиб, тўхтаб тур! — деб буюради назоратчи.

Мен бу буйруқни ҳам бажараман.

Халигилар яқин келишади.

— Салом, Арсен! — дейди бегона назоратчи меникига.

— Салом!

— Чекишдан борми?

— «Прима»-да, майлими?

— Стрихнин бўлмайдими! Жа сиқилиб турибман! — дейди у. — Нега бақрайиб турибсан? Бор, эшикни олди-га бориб тур! — деб буюради сўнг ўз махбусига. У эшикка қараб юради.

— Ўғрими? — деб сўрайди менинг назоратчим.

— Ҳа. Сеники-чи?

— Қотил.

— Хм, кўринишидан одамга ўхшайди... Кўча-кўйда кўриб қолсанг — билмайсан ҳам кимлигини! — дейди бегона назоратчи.

— Нима бўлди, нега кайфиятинг бузук? — деб сўрайди менинг назоратчим.

— Болам касал... Дўхтир битта дори ёзиб берувди — ҳеч қаердан тополмаяпман.

— Яхудийлардан сўрамадингми?

— Э, бефойда...

— Қанақа дори экан?

У гимнастёркасининг кўкрак чўнтагидан бир парча қоғоз чиқазиб, ҳижжалаб ўкиди:

— Кор-да-рон. Эшитганмисан?

— Йўқ.

— Хўп, омон бўл.

— Омадингини берсин!

Биз рўпарадаги бинога кирдик, иккинчи қаватга чиқиб, 36-хона олдида тўхтадик. Назоратчи эшикни қия очди.

— Йўқ экан... Киравер, кутиб турамыз, ҳозир кел қолади.

Назоратчи терговчининг креслосига ястанди, мен унинг тўғрисида — стулга ўтирдим. Столда Ростом Амилахвари билан менинг делом ётарди. Назоратчи делони очиб, энг устида турган қоғозга кўз югуртирди-да, папкани «шап» эткизиб ёпиб, менга қаради.

— Вино ўлсин-а! Хароб қилади одамни, адою тамом

қилади! Бир куни десанг, Сололакида!... -- маҳбус билан гаплашаётгани ёдига тушиб, бирдан ҳушёр тортди.

— Сен ўлдирганмисан? — деб сўради у кўзларимга тик қараб.

— Йўқ! Мениям, ўртоғимниям алоқаси йўқ бу ишга!

— Демак, ўзини-ўзи ўлдирибди-да? — назоратчи истеҳзоли жилмайди.

— Қанақа одамсилар ўзи? Нега менга ишонмайсизлар?! Минг марта айтдим-ку: биз ўтирган стол ёнига бир маст одам келди, нимадандир жаҳли чиқиб, ўртокларига қараб шишани улоқтирди.

— Столингизни ёнига келдими?

— Ҳа!

— Жаҳли чиқиб кетдими?

— Ҳа!

— Шишани улоқтирдими?

— Ҳа, шишани улоқтирди! — дедим мен ва сув қуйилган графинга кўз қиримни ташладим. Назоратчи графинни ўз олдига суриб қўйди.

— Ўзининг столида шиша йўқ эканми?

— Ҳа, йўқ экан!

— Қани, стулингни бу ёққа узат-чи? — деб қолди назоратчи.

— Қанақиб узатаман, полга қоқиб қуйилган-ку!

— Нима учун қоқилганини биласанми?

— Маҳбус сенга ўхшаган терговчининг бошига тушириб қолмаслиги учун! — дедим ғазабим қайнаб.

Назоратчи кулиб юборди.

— Менимча, аксинча!

Энди мен кулдим.

— Нега мен ўлдирмаганимга ишонмайсан?

— Балки ишонарман, лекин нима билан исбот қиласан?

— Исбот қиламан!

— Илойим, омадингни берсин...

— Бари бир ишонмаяпсан!

— Биласанми, бир томондан, ишонгим келади — башарангдан унақага ўхшамайсан. Иккинчи томондан эса, нобуд бўлган одамни эсласам... Тасодифан ўлдириб қўйдим, десанг ҳам бошқа гап эди...

— Тасодифанга бало борми! Мен ўлдирганим йўқ!

Хонага терговчи кирди. Биз ўрнимиздан турдик.

¹ С о л о л а к и — Тбилисидаги районнинг эски номи.

— Мана, начальник, опкелдим! — деб рапорт берди назоратчи.

— Ҳа, яхши. Йўлакда кутиб тур, — деди терговчи жойига ўтираркан.

Назоратчи чиқиб кетди-ю, шу заҳоти изига қайтди:

— Узр, начальник, сигаретини опкетиб қобман! — У шундай деб, олдимга, стол устига бир кути «Прима» билан бир кути гугуртни қўйди-ю, хонадан тез чиқиб кетди. Кўнглим бузилиб, томоғимга бир нарса қадалгандай бўлди.

Терговчи Гагуа қамоққа олинган кунимиздан бери бизнинг ишимиз билан шуғулланади. Тўғриси, терговни тугатиб, айбномани ёзиб қўйган, делони прокуратурага топшириш учун фақат бизнинг имзо чекишимизни кутяпти. Лекин биз айбномага қўл қўйишдан бош тортяпмиз. Гагуага қолса-ку, аллақачон топширворади-я — имзомизга нон ботириб ермиди — гапига қараганда, унга бир расмиятчилик халақит бераётганмиш: ўша беҳосият оқшом столимиз ёнига келган ва мана шу машмашаларга сабабчи бўлган одам ҳалигача сўроқ қилинмапти. Бир ойдан ошди — мияси лат еган Акакий-Како-Каки касалхонада ётганмиш.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни Гагуа мени кабинетига чақириб, бир хил саволни бераверади. Мана, ҳозир ҳам рўпарамда, креслода ўтирибди. Нима дейиши, нима қилиши, қаёққа қараши — хуллас, бутун хатти-ҳаракатлари ёд бўлиб кетган менга... Унга разм солиб ўтириш — азобнинг ўзгинаси!..

Ҳозир кителининг чўнтагидан тароқни олади... Олди.

Яккам-дуккам сочини тарайди... Таради.

Тароқни пуфлаб, чўнтагига солади... Солди.

Дераза ёнига бориб, уни очади... Очди.

Яна жойига ўтиради... Ўтирди.

Кейин микти бармоқлари билан столни чалиб туриб: «Ҳм-ҳа-а...» дейди.

— Ҳм-ҳа-а... Хўш, қачонгача қайсарлик қиласан, а?

Ё тавба, калласи хумдай-у, пешонаси икки энликки-на-я!

— Сендан сўраяпман! Оғзинга талқон солиб ўтиравасанми?

— Ўртоқ Гагуа... — дейишим билан дамимни қирқди:

— Мен сенга ўртоқ эмасман! Мен — милиция капитани Виктор Адольфович Гагуа, терговчи бўламан.

— Милиция капитани Виктор Адольфович Гагуа, терговчи, аҳволингизни тушуниб турибман, лекин сиз ҳам ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг-да...

— Накашидзе, қасддан ўлдиргансан, демаяпман. Кайф устида бошига шиша билан туширгансан, шундан ўлган. Бу ҳолат айбингни анча енгиллаштиради.

— Мен бировнинг шафқатига мухтож эмасман, муҳтарам терговчи, ҳақиқат тикланса бўлди!

— Ҳақиқат тикланган. Саккизта гувоҳнинг берган маълумотлари орқали тикланган. Сен бу маълумотларни ўқигансан.

— Ҳурматли терговчи, юз марта айтдим сизга: бу одамлар бошқача маълумот бериши мумкин эмас. Уларнинг ўрнида мен ҳам шундай қилган бўлардим.

— Сенга яна нима керак?

— Бутун умидим Акакий Харабадзедан.

— Жабрланувчи Харабадзе сени ва ўртоғингни дастидан ана кетди-мана кетди бўлиб ётибди. Мияси лат еган.

— Кутамиз!

— Узоқ кутишингга тўғри келади, Накашидзе! Ундан ташқари, Харабадзенинг гувоҳлиги мен учун қўпм зарур эмас. Мени бошқа нарса қизиқтиради, икковингиздан қайси бирингиз қотил — сенми ёки Амилахварими? Дарвоқе, бунинг ҳам унчалик аҳамияти йўқ. Судда ўзинглар келишиб оласизлар. Лекин шуниси аниқки, сизлар кўрқоқ ва нотавонсизлар! Бир одамнинг ёстиғини қуришиб, энди бировга тўнкаб ўтирибсизлар!

— Мен ҳеч кимга тўнкаётганим йўқ. Шишани Харабадзе отди!

— Уялмайсанми, Накашидзе! Ўйлаб гапирсанг-чи: Харабадзе сизларнинг столингиз ёнига келади, шишани олиб, ўз ўртоғига отади, шундайми?

— Ҳа!

— Ўша шишани ўзининг столидан олса бўлмасканми?

— Олса бўларди.

— Нега тихирлик қиласан?

— Лекин у мен айтгандай иш тутиши ҳам мумкин-ку, ахир?

— Йўқ, мумкин эмас.

— Нега? Нима учун? Олдин ўзидан сўраб кўринг!

— Накашидзе, айбни бўйинга олмаслик ҳам жиноятга киради!

- Бегунох одамни қамаб қўйиш-чи?
- Бегунох дейсанми?
- Харабадзени сўроқ қилинг!
- Бўпти. Сўроқ қиламиз. Агар у, Накашидзе билан Амилахвари ўлдирди, деса-чи? Унда нима бўлади?
- Агар озгина виждони бўлса, бунақа демайди!
- Айтса-чи? Нима бўлади унда?
- Унда... Унда... — мен дудукланиб қолдим.

Ростдан ҳам шунақа деса-я? Ростом иккаламиз ўла-миз-ку унда!

— Балки у ҳеч нарсани эслаёлмас?

Ё алҳазар, бунақа бўлиши ҳам мумкин-ку!

— Ўлиб қолса нима қиласанлар?

Нима? Нима деяпти? Харабадзе ўлади? Йўқ, мумкин эмас! Ўлишга ҳаққи йўқ уни! Энди шуниси қолувди! Бизни хароб қилиб, ўлиб кетаверарканми?! Ўлишдан осони борми! Йўқ, у яшаши керак! Харабадзе ўлса — мен ҳам, Ростом ҳам, оналаримиз ҳам адою тамом бўламиз!

— Йўқ, ҳурматли терговчи! Харабадзенинг ўлишга ҳаққи йўқ! — дея қичқирганча ўрнимдан туриб кетдим.

— Ха-а-а... Сендақа сурбетни энди қўришим, Накашидзе! Майли, айбномага қўл қўйгин, шу билан можаро тугайди... Уёғини сўрасанг, Амилахвари аллақачон айбига иқроп бўлган.

— Ёлғон! Бирорта сўзингизга ҳам ишонмайман! Амилахвари билан юзлаштиринг!

— Балки бош оғригингни босиш учун боржом керак-дир?

— Майна қияпсизми?

— Накашидзе, тушунсанг-чи: ҳамма далиллар сенга қарши! Сени фойданга гувоҳлик берадиган бирорта одамнинг номини айтсанг, шу бугуноқ қўйвораман!

— Ўша одам менман, менинг ўзимман!

— Сен?!

— Ҳа, мен!

— Менинг бирорта сўзимга ишонмайдиган одамга мен нима учун ишонишим керак?

— Чин сўзимга ишонинг! Менинг бошқа гувоҳларим йўқ!

— Чин сўз эмиш-а... — деди терговчи. — Адлия чин сўзга суянолмайди... Йўқ, биродар, мен ҳатто отамнинг чин сўзига ҳам ишонмайман...

— Демак, ер юзида инсоф, диёнат, ишонч деган нарсалар йўқ экан-да?!

— Бундай тушунчалар Жиноят кодексида кўзда тутилмаган.

— Лекин бошқа — ахлоқ кодекси ҳам бор-ку!

— Накашидзе, Жиноят кодекси юксак ахлоқли кишилар томонидан тузилган!

— Амилахвари билан учраштинг!

— Йўқ!

— Онамни кўрай бўлмаса!

— Ҳаққим йўқ. Тергов ҳали тугамаган.

— Унда мени бошқа чақирманг! Бари бир саволингизга жавоб бермайман.

— Ихтиёр ўзингда... — Терговчи кўнғироқ тугмачасини босди.

— Олиб кетинг! — деб буюрди у хонага кирган назоратчига. — Сен гўдаксан, Накашидзе! Агар ҳуқуқим бўлганда биқинингдан дарча очиб қўйган бўлардим!

— Начора, мухтарам терговчи, иккаламизнинг ҳам ҳуқуқимиз йўқ, акс ҳолда мен ҳам башарангизга бошлаб туширардим! — деб жавоб бердимү кабинетдан чиқиб кетдим.

«КАРТЛИС ЦХОВРЕБА»¹

Гигла Мошиашвили (пастдаги сўри, иккинчи қатор) — йигирма беш ёшлардаги камтар, камсуқум йигит. Ҳибсга олинмасдан аввал Гаградаги пойафзал дўконига сотувчи бўлиб ишлаган. Локланган фактурасиз туфлиларни устига қўйиб сотаётганда қўлга тушган.

Гигла — яхши одам. Уйдан посилка келса, ҳаммага баравар тақсимлайди, аммо ўзи бировникига қўлини ҳам теккизмайди, айниқса гўшт бўлса.

Уззукун сўрида ўтирганча бисотидаги биттаю битта бемаъни қўшиқни минғирлаб чўзаверади:

*Мен севаман Сабуртало дўконларин,
Ога-ини сотувчилар — жухуд бари.
Драпми ё коверкотми, хўп, ўраймиз,
Ўзи икки юз сўм — биз беш юз сўраймиз...*

*Мол сотилар, пуллар қўлдан-қўлга ўтар,
Бечора жухудим, сени қамоқ кутар...
Севаман-ей Сабуртало дўконларин,
Ога-ини сотувчилар — жухуд бари...*

¹ «К а р т л и с ц х о в р е б а» («Грузия ҳаёти») — XII асрдан бошланган грузин йилномалар тўплами. Грузиянинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда муҳим манба.

— Хей одамлар, бунақа беғам инсонни сира кўрган-мисизлар? — деб хитоб қилади Шошиа ўз сўрасидан туриб. — Кўшиқ айтишдан бошқа ташвиши йўғ-а!

— Нега ташвиш қилишим керак экан, азизим Шошиа?! — деб жавоб қайтаради Гигла хотиржам. — Бугун бўлмаса, эртага бари бир чиқиб кетаман.

— Чиқасан-а! Сенга ўхшаганларни қўйиб юборишганда, мен аллақачон уйимда ўтирган бўлардим!

— Мен турмада ётишим мумкин эмас. Мана кўрасан, бугун бўлмаса, эртага: «Мошиашвили, нарсаларингни олиб чиқ!» — деб қолишади.

— Нега турмада ётиш мумкин эмас сенга? Депутат-мисан?

— Ҳа, депутатман! — деб кулади Гигла.

— Нима учун шу пайтгача яширдинг, галварс? Нарсаларингни йиғиштириб, тез жўнаб қол!

— Кетаман, Шошиа, кетаман! Бошқаларга озгина вақт бер!

— Кимга?

— У ёқда қолганларга-да. Улар бир пуд бўлсаям олтин топиб, мени бу ердан олиб чиқиб кетишади. Мана кўрасан! — Гигла шундай дейдию яна ашуласини бошлайди:

*— Севаман-ей, Сабуртало дўконларин,
Ога-ини сотувчилар — жуҳуд бари...*

— Менга қара, — деб кўшиқни бўлади Шошиа. — Бас қил энди! Сенда овоз ҳам, нафас ҳам йўқ! Бизга раҳминг келсин!

— Қўявер, Шошиа, айтса айтавермайдими! Сен айтганинда ҳам жим турамиз-ку! — Девдариани Гигланинг ёнини олади.

— Лимон, азизим! Мен мунгли кўшиқларни айтаман! У-чи?.. Бир қулоқ сол: маза-матра борми сўзларида?

Тигран иккаламиз шахмат ўйнаймиз. Шовқинни эшитмаслик учун у қулоқларига барморини тикади.

— Шох! — дейман мен.

— Шох эмас, киши! — дейди Тигран.

— Узр. Киши!

Тигран шахмат тахтасига узоқ тикилиб қолади.

— Нима билан? — деб сўрайди кейин.

— От билан.

¹ К и ш и — грузинча «шоҳ».

— От эмас бу, суворий!
— От бу, тентак! Суворий деб отнинг устидаги одамни айтишади.

— Ха-а! — дейди Тигран хайрон бўлиб.

Мен отни олиб, Тиграннинг кўзига тутдим.

— Яхшилаб кара-чи, устида одам борми?

— Йўқ.

— Демак, нима экан бу?

Тигран менинг отимни кўлимдан олиб, жойига кўйди.

— Накашидзе, ҳамма газеталарда, Петросян Фишерга суворий билан киши эълон қилди, деб ёзилган. Нима учун шундай деб ёзишган бўлмаса?

— Билмайман.

— Билмасанг, овозингни ўчир, ҳамма нарсани ўз номи билан айт!

— Қотил Гулоян!.. — деб бошладим мен.

— Мен қотил эмасман!

— Қотилликда гумон қилиниб, иши терговга тушган гражданин Гулоян! Оқ доналар билан ўйнаётган ва қотилликда гумон қилиниб, унинг иши ҳам терговга тушган гражданин Накашидзе ўзининг суворийси билан сизнинг қора киролингизга киши эълон қилади!

— Ха, бу бошқа гап! — деди Тигран мамнун бўлиб. — Лекин... Лекин бу киши эмас, мот-ку...

— Мот эмас, шамати!¹ — дедим гапини тўғрилаб.

— Бўпти, ўзим биламан! — Тигран ичида шахмат доналарини сўкиб, ўрнидан турди, бориб сўрига чўзилди.

Алами тарқагунча бир оз кутиб турдим, кейин секин овоз бердим:

— Тигран...

— Нима дейсан?

— Илтимос, кўрпага яхшилаб ўранвол, умуман, ўзингни эҳтиёт қил!

— Сенга нега ташвишим тушиб қолди? — таажжубланиб сўради у сўридан бошини кўтариб.

— Худо кўрсатмасин, ўлиб-нетиб қолсанг, шўрлик грузин тилимизнинг ҳоли нима кечади?

Камерада кулги кўтарилди.

— Хе, бор-э!¹ — деди ва яна ўзини сўрига ташлади.

Мошиашвилига-ку шахмат донасини от дейсанми, асп

¹ Ш а м а т и — грузинча «мот».

дейсанми, хачир ё эшак дейсанми — фарқи йўқ... У сўрисида чордона қурволиб, минғирлагани минғирлаган:

— Дранми ё коверкотми, хўп, ўраймиз,
Ўзи икки юз сўм — биз беш юз сўраймиз...
Мол сотилар, пуллар қўлдан-қўлга ўтар,
Бечора жуҳудим, сени қамоқ кутар...

— Менга қара, Гигла, қўшиқни охиригача биласанми? — деб сўраб қолди бирдан Лимон.

— Албатта, азизим, албатта, — деди Гигла.

— Энг охиригача-я?

— Ҳа-да! Сўзларини ёддан ўқиб берайми?

— Сўзларини кейин ўқиб берасан, ҳозир овозингни ўчирмасанг, бошингни ахлат челагига тикаман! — деб пўпса қилди тоқати тоқ бўлган Лимон.

— Ана, айтмадимми? Ҳамманинг жонига тегдинг, Гигла! — Шошиага дарров жон кирди.

— Нега унақа дейсан, Лимонжон? Ҳозиргина ўзинг «майли, айтаверсин!» — дединг-ку! Шунинг учун айтяпман-да, — деди Мошиашвили норози бўлиб.

— Жа чўзвордингда ўзинг ҳам. Бўлди, бас қил!

— Тўхтат, Гигла, биласан-ку: турманинг хўжайини ким — ўғри! — дея гапга аралашди кабристоннинг собиқ директори Мебуришвили. Лимон унга Лабрадор деб лақаб қўйганди.

— Ҳурматли Чичико, — Гигла Гоголга мурожаат қилди, — сиз старостасиз. Қани айтинг-чи: ўғрилар ҳақиқатан ҳам турманинг хўжайиними?

— Ҳа, Гигла, шунақа! Илойим, ўзларидан ортмасин.

— Оббо, бу нима кўргилик! У ёқда Обэхээснинг дастидан тинчлик йўқ, бу ерда Девдариани зугум қилади... Нима қилсамикин, қаёққа қочиб қутулсамикин?! — деб гўлдиради Мошиашвили.

— Исроилга-да, азизим Гигла, Исроилга! — маслаҳат берди Чичико.

Шу пайтгача суҳбат осойишта, ҳазил-мутоиба йўсинида кечаётган эди. Бирдан, кутилмаганда, Мошиашвилининг ранги окарди, сўнг қизарди, сўрида ялпайиб ётган Гоголнинг олдига чопиб бориб:

— Нима дединг? Тагин бир қайтар! — деди у тишларини вичирлатиб.

Чичико анграйиб қолди.

— Сенга айтяпман: халиги сўзларингни яна бир қайтар! — деб такрорлади овозини кўтариб Гигла.

— Мошиашвили, сенга нима бўлди? Ўзингмисан ё менга шунақа кўриняпсанми?

— Ўзимман, Гигла Мошиашвилиман, сендан, Чичико Гоголдан сўраяпман: қайтар, нима дединг ҳозир?

— Қайтаришим мумкин. Мошиашвили, лекин барибир энди эшитмайсан!

Гоголь ўрнидан сапчиб турди-да, иккала қўли билан Гигланинг гирибонидан олиб, ердан даст кўтарди... Гигланинг юзи бўғриқиб кетди, аммо миқ этмади, жимжилогини ҳам кимириллатмади.

— Чичико, қўйсанг-чи! — деди Девдариани.

Чичико Гиглани исканжасидан бўшатди. У индамай ўз жойига бориб ўтирди.

— Нима ёмон гап айтди сенга? — Девдариани кулиб туриб Гиглага мурожаат қилди. — Исроилга кет, деди. Хўш, нима қипти? Исроилга кетаётган яхудийлар озми?

— Менга бу гапни айтмаслиги керак! — деди жиддий оҳангда Гигла.

— Нима учун? Багратион Мухранскиймисан?¹ — деб сўради ётган жойидан Шошиа.

— Иккита акам Улуғ Ватан уруши фронтида ҳалок бўлган. Ота-онам шу ерга, Навтлугидаги² яхудийлар қабристонига кўмилган.

— Ҳа, баракалла! Ҳеч кими йўқ, сўққабош бир етим экансан... Нима қиласан бу ерда?

— Ўзинг кимсан?! — Мошиашвилининг яна жони чиқиб кетди. — Ҳой, дайди ит! Нега мени ҳайдаяпсан?! Билиб қўй, мен ҳам, хотиним ҳам, болаларим ҳам, неварая чевараларим ҳам — ҳаммамиз шу ерда, мана шу тупроқда ўлишимиз керак! Тушундингми, Гоголь?!

— Хў-ўш... Демак, мен дайди итман, шундайми? Ҳой, қовоқбош, менинг аждодларим Мегрелияда³ бундан икки юзу эллик йил бурун яшаганини биласанми? Томирларимдаги қоннинг саксон фоизи лаз⁴ қони, ойимнинг бувисининг бувисининг бувиси — Медея — колхидалик бўлган, хабаринг борми шундан?!⁵ Қани, ким рад эта

¹ Багратион — Мухранскийлар — Грузиядаги қадимий князлар уруғи.

² Навтлуги — Тбилисидаги районлардан бири.

³ Мегрелия — Фарбий Грузиядаги область.

⁴ Лазлар — грузинларнинг бир қабиласи.

⁵ Колхида — колх қабилалари яшовчи жойнинг тарихий номи.

Қора денгизнинг жануби-шарқий соҳилида. Эрамиздан аввалги VI асрда Колхида подшолиги ташкил топган. Медея — қадимги юнон мифологиясида Колхида подшоеси Эстанинг қизи.

олади буни?! Демак, мен ҳам, хотиним ҳам, болаларим ҳам, болаларимнинг боласини боласи ҳам — ҳаммамиз шу ерда ўлиб, шу тупроққа кўмиламиз! Билдингми, Мошиашвили?!

— Бу қанақаси? — деди Тигран Гулоян норози бўлиб. — Грузиямизни қабристонга айлантирмоқчимисизлар?

— Фақат сен етмай турувдинг, Тигран! — деб лукма ташлади Девдариани.

— Нега унақа дейсан, Лимонжон! Бобом Хожеванкада¹ кўкариб чиққанида бу келгиндиларнинг аждодларининг тирноғи ҳам бўлганмас бу ерда! Ундан ташқари, қамоққа олгуларига қадар мен Дадешкелиани деган фамилия остида яшириниб юрганман, — деб асослади Тигран ўзининг грузинлигини.

— Нима учун айнан Дадешкелиани деган фамилияни танладинг? Петросян деган фамилия остида яшириниб юрсанг ҳам бўлаверарди-ку! — деди кулиб Девдариани.

— Қизиксан-а, Лимонжон! Петросян деган фамилия Дадешкелианинг олдида ип эшолармиди?!

— Ё тавба! — деб хитоб қилди Мебуришвили, — бири яхудий, бири украин, бири армани бўлса-ю, грузинман деб баҳслашишса-я! Ким ҳақу ким ноҳақлигини фақат олло билади!

— Учовининг ҳам гапи тўғри, — дея фўлдираб кўйди Исидор Саларидзе.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Исидор ҳам чурқ этмасди. Ниҳоят, Шошианинг сабри чидамади:

— Исидор амаки, бошим тарс ёрилиб кетай деяпти — яхудий, украин ва армани қанаққиб грузин бўлади?!

— Гулоян масаласига келсак, — деб гап бошлади жилмайиб Исидор, — ҳозиргина ўзинглар эшитдинглар: армани бўла туриб, грузин Накашидзенинг грузинча тилини тўғрилаб турди... Хаос билан Картлоснинг² ака-ука бўлганлиги эса ҳаммага маълум...

— Э, қойил, Исидор амаки! Қойил! — деб қичқирди Гулоян.

— Ҳа, яхши, Исидор амаки, розиман. Тигран ўзимдан бўла қолсин. Лекин мановилар-чи! — Шошиа Гоголь билан Мошиашвилига ишора қилди.

¹ Хожеванка — эски Тбилисидаги қабристоннинг номи.

² Хаос ва Картлос — ривоятга кўра, арман ва грузин халқларига асос солган икки оға-ини.

Исидор бир оз ўйланиб турди.

— Яхудийларда, — деди у, — битта ғалати конун бор: кимнинг онаси яхудий бўлса, ўша одам яхудий хисобланади.

— Отаси-чи? — деб сўради Тигран.

— Отасининг алоқаси йўқ.

— Нега унақа? Агар, айтайлик, отаси яхудий, онаси француз бўлса-чи? — деб сўради Чейшвили.

— Боласи — француз бўлади! — деди Исидор иккиланмай.

— Менга жуда маъкул! — Чейшвили суюниб кетди. — Хотинимнинг аждодлари француз, демак, болаларимиз ҳам француз. Хўш, нега мен французларга алимент тўлашим керак экан. Бунинг устига, болалар умуман меники эмас!

— Баракалла! Ундай бўлса, Мошиашвили билан хужжатларингни алмаштириб, Исроилга жўнаб қол! — дея маслаҳат берди унга Тигран.

— Жоним билан. Агар у фирибгарлик қилгани ва муқаддас давлат мулкига кўз олайтиргани учун қамокқа олинмаганда албатта шундай қилган бўлардим!

— Сайра, қушча, сайрайвер! Мени эса икки кундан кейин: «Мошиашвили, нарсаларингни олиб чик!» — деб чақириб қолишади.

— Нима учун мени эмас, сени чақиривади, а?! — деб минғирлади ўз сўрасидан Шошиа. — Мендан ортиқ жойинг борми? Сендан кўра камроқ ўмарганманми? Камомадим саникидан озми? Ёки оилам сени оилангдан ёмонроқми? Сенга ўхшаб, соф хаводан нафас олгим келмайдими ё? Қани, айт, қаерим кам сендан?!

— Сабаби шундаки, азизим Шошиа, баданим жуда нозик, турма асло менга тўғри келмайди. Яна икки-уч сўроқдан кейин кўпдан-кўп одамнинг умрига зомин бўлишим мумкин... Чунки анчагина сирдан хабардорман...

— Нима, мен сендан кам сир биламанми?

— Аксинча, азизим Шошиа, сен керагидан ортиқроқ билгансан...

— У нима деганинг?

— Шу деганимки, сен ҳамма гапни гапириб бўлдинг... Мен эсам шу пайтгача чурқ этганим йўқ... Шундай тураверсам, яхудий ошналарим бир пуд олтинни албатта топишади, қарабсанки, камера эшиги очилиб, назоратчи: «Мошиашвили, нарсаларингни олиб, чик!» — деб турибди-да.

— Вой, пешонам курсин, ширин-шакар болаларим! — Шошиа яна вайсапга тушди. — Қайси гурдан илашдим ўша маймунжон шарбатига! Лаънати очкўз онангиз йўлдан урди мени!.. Ҳаммасига ўша айбдор!..

— Ўчир! Болаларинг ҳам, шарбатинг ҳам жонга тегди! — деб бакириб берди Девдариани Шошиага, Шошиа жим бўлиб қолди. — Ҳўш, кейин-чи, Исидор амаки!

— Хуллас, яхудийлар қонунига кўра, Гоголь — грузин, яна қанақа грузин дегин! Асл колхидалик!

— Лекин бу ер Исроил эмас, Грузия! — деб эътирос билдирди Чейшвили.

— Тўғри. Аммо Грузияда ҳам шундай ҳоллар кўп бўлган. Масалан, Лаша билан Русудан оталари Довуднинг эмас, аксинча, подшоҳ Тамарнинг фарзандлари ҳисобланишган.

— Ол-а! — деди Тиграннинг энсаси қотиб.

— Ҳа, майли, — Шошиа ён берган бўлди, — Гоголь грузин бўла қолсин. Лекин Мошиашвили-чи?

— Э-э, азизим Шошиа, нималар деяпсан, Мошиашвилининг иши беш! — деди кулиб Исидор.

— Багратионга чиқазиб қўймасангиз бўлди ишқилиб! — Шошиа заҳарханда қилди.

— Багратион ҳам гапми? Ундан ҳам зўррок! Ҳозир сенга тушунтираман. Ҳозир... бир эславолай...

Исидор кўзларини юмиб, хаёлга кетди. Сўнг аста сўз бошлади:

— ...Ана шундан сўнг подшоҳ Навуходоносор Қудусни ер билан яқсон қилади ва у ердан қочган яхудийлар Картлига¹ келиб, Мцхети оқсоқолидан бошпана сўрашади. Оқсоқол уларни Арагви соҳилидаги Занави деб аталмиш бир қишлоққа жойлаштиради... Агар хотирам панд бермаётган бўлса, «Картлис цховреба»да шундай дейилган...

— Ҳўш, нима қипти?

— Гап шундаки, бу воқеа эрамиздан олдинги беш юз саксон олтинчи йили юз берган... «Картлис цховреба»да шундоқ деб ёзилган... Яна шу нарса ҳам равшанки, ватан ва унга муҳаббат туйғуси асрлар давомида шаклландиган ва авлоддан-авлодга ўтадиган инстинктдир. Шуларни назарда тутиб айтиш мумкинки, Мошиашвили ҳар биримиз каби, эҳтимол биздан ҳам кўпроқ, ўзини грузин

¹ К а р т л и — Грузин подшолиги.

деб аташга ҳақли, зеро Грузия жуда қадим замонлардан буён унинг ватани бўлиб келган. Тушундингми?

— Сиз бебаҳо одамсиз, Исидор амаки! Хеч нарсага тушунганим йўғ-у, лекин сизга ишонаман! Сен, Накашидзе, мени калака қилгунча манови одамни асрагин: тагин ростдан ҳам она тилимиздан айрилиб қолмайлик! — Тигран бу гапларни шу қадар жиддий оҳангда айтдики, беихтиёр Исидор амакига ихлосим ошиб кетди.

Шунда бирдан на Мусо, на Исо алайҳиссалом, на унинг умматларию ва на бошқа бирорта мубошир кўрсата олган мўъжиза содир бўлди...

Камера эшиги очилиб, остонадан назоратчининг овози эшитилди.

— Мошиашвили, нарсаларингни олиб, чиқ!

МЕНИ ОЛА КЕТ, ОФТОБ!

О, ҳаётбахш чароғон Офтоб, битмас-туганмас ҳарорат чашмаси! Қани айт: наҳотки бир тутамгина нуринг фақат турманинг занг босган панжараларидан ўтиб, камерамизга тушиши учун, беш минутгина ёстигим устида ястаниб, музлаб кетган баданимни жиндай иситиши, юзимни бир зумгина сийпалаши, сўнг қалбимни бағрига жойлаб, бўм-бўш ва заиф танамни сўрига ташлаб кетиши учунгина ақл бовар қилмас олислардан фалакка кўтарилган бўлсанг? Ёки идроким, тубсиз жарликка қулаётган овчи Далининг¹ сочларига ёпишгандай, нурларингга чирмашиб олганмикин?

Бутун олам, бутун коинот зар кокилларингдан тутиб, куну тун атрофингда айланиб ётганда биттагина ночор бандага мурувват кўрсатиш сен учун нима деган гап?!

Кетма, мен билан қол, Офтоб! Ёки бутунлай кўринма! Илло, нурларинг озгина ҳарорат, умид ва қувонч бахш этмасдан бармоқларим орасидан сирғалиб, ғойиб бўлишини кузатишдан ортиқ азоб йўқ менга!..

Рахминг келсин, Офтоб! Зорланаётганим учун мени кечир! Бирдан-бир юпанчим сенсан, бинобарин, ортингдан эргашиб кетиш ниятида ҳар куни эрталаб келишингни кутаман. Зеро, соқчига ҳам, назоратчига ҳам, бошлиққа ҳам ва ҳатто камерадаги шерикларимга ҳам сез-

¹ Д а л и — қадимги грузин мифологиясида ов худоси.

дирмасдан мени бу ердан олиб чиқиб кетишга фақат сен кодирсан!..

Мени ола кет, Офтоб!..

БИРИНЧИ ТУШ

— Тура қол, Заза!

Кўзларимни очаман. Тепамда Куёш турибди. Илик кафти билан юзларимни силаяпти.

— Салом! — дейман қувончдан энтикиб.

— Салом! Бўла қол, мен кетяпман.

— Яна беш минут ётай, — дея ёлвораман.

— Беш минут кутолмайман. Ҳаққим йўқ бир жойда беш минут туришга — бу менга боғлиқмас... Бўла қол!

— Хўп! — дея сакраб ўрнимдан тураман.

— Қани, кетдик!

— Кетдик!

Биз панжара орасидан осонгина ўтиб, маъмурий биннинг қизғиш тунука қопланган тоmidан ошдик, чапга бурилиб, тоғ ёнбағрига тирмаша-тирмаша чўққига кўтарилдигу Нарикала¹ деворлари пойидан чиқиб қолдик.

— Шу ерда мени кут. Кечкурун олиб кетаман! — деди Куёш ва...

Офтоб кетди.

Мен каттакон ёзув столи ёнида ўтириб, эрталабки хат-хабарларни кўздан кечирияпман. Хатларнинг аксарияти — имзосиз. Одамлар бир-бирининг устидан ёзишган: кимнинг пули қайси дарахт остига кўмилган, тилла ва бошқа қимматбаҳо буюмлар солинган банклар қаерга ва қайси девор ичига яширилган, ким ўз мансабини ёки бирор «иш»га қўшган улушини қанчага сотган, ким қайси ресторанда фоҳишалар билан айшу ишрат қилади, ким қанча шампан ичади, кимнинг дипломи қалбаки, ким — жумладан, менинг ходимларим ҳам — пропискадан ўтказиб қўйгани учун, машинани расмийлаштириб бергани, ишга жойлаштиргани, квартира тўғрилагани учун қанчадан пора олади, ҳоказо ва ҳоказо...

Бу хатларни ўқиркансан, ер юзиде соф ҳаво, сайроқи қушлар, тиниқ осмон борлигига ҳам ишонгинг келмай қолади. Ҳамма нарса балчиққа қоришган, моғор босган, мана шу жафокаш Еримиз ҳам буткул ёвузлик маскани-

¹ Н а р и к а л а — Тбилисидаги эски калъа.

га айланиб қолгандай туюлади... Кабинетим деворлари мени исқанжага олиб, тепамдаги шифт бирдан босиб туша бошлайди, тош қутида бўғилиб ўлмаслик учун кўчага отиламан. Бирор танишим ёки дўстимни учратиш, унинг ақлли ва мулойим кўзларига тикилиш, ёқимли табассумини кўриш ва ҳалолу пок, илиқ кўлларини қисиш иштиёқи билан ёнаман. Ана у!

— Салом, Заза!

Э, азизим, қадрдоним! Бормисан, тилло одам! Оқ қўйлагинг ёқаси сал кир бўпти, пойабзалинг ҳам анча уринган. Аммо юзингдан нур ёғилади, табассуминг бирам беғубор, бирам ёқимли...

— Чарчадингми? — деб сўрайди у.

— Ҳа, чарчадим. Жуда чарчадим. Манови ерим зир-қираб оврияпти! — дейман бошимни ушлаб.

— Ишинг овир... Сочингни оқариб кетганини қара, дўстим! — дея пичирлайди у.

— Тушликка чиқдингми? — деб сўрайман.

— Э, тушлик қаёқда! Мажлисга шошяпман... — у соатига қарайди — кечикаётганга ўхшайди.

— Кириб тур, тортинма бирор нарса керак бўлса... — дейман мен.

— Э, худо кўрсатмасин! — деб кулади у. — Шундоқ кираман албатта.

— Ҳа, майли, шундоқ бўлса ҳам киравер!

Биз хайрлашамиз, елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил тортаман. Сўнг ер юзида соф ҳаво ва шаффоф жилғалар, барра ўт ва ям-яшил дарахт, тирик гул ва сайроқи қушлар борлигига, «юмалок» хат муаллифлари ўйлагандай, осмон ҳамиша рутубатли, жафокаш Замин эса нуқул кабоҳату разолатдан иборат эмаслигига қайтадан имон келтираман... Мазкур хатларни ёқиб юбориш керак эди, аммо — минг афсус! — уларнинг баъзи бирларида ҳақ гаплар ёзилган. Уларни текшириб кўриш керак.

Мана яна битта мактуб. У шахсан менга дахлдор.

«Хурматли министр»!

(«Министр» сўзи негадир қўштирноққа олинган).

Шаҳар бедарвоза, деб ўйламанг. Сизга ҳам навбат келади. Хотинингиз «Губерния» эшиги олдида тугун кўтариб турганини кўраман ҳали! Чингизхон билан Темурланг ҳам Грузияга сизчалик заҳмат етказишмаган! Турмалар грузинларга тўлиб кетди! Нима қияпсиз ўзи? Сиз ҳам ўзингизни грузинман деб юрибсизми? Сиздақа «грузин»ни оёғидан осииш керак!»

Бу жирканч ҳақоратномага «Тақдир» деб имзо чекилган.

Вой, нодон-ей! Мен республика ички ишлар министри бўлсам. Ортимда қўшин, қурол, қонун бор. Қидирувнинг замонавий воситаларига эга бўлган йирик институт, ноёб экспертиза лабораториялари ихтиёримда. Бир кундаёқ бу бемаъни хат муаллифининг кимлигини аниқлаш мен учун нима деган гап! Наҳотки шуни тушунмасан?

Хатни кулдонга ташлаб, гугурт чақаман. Қоғоздан олов тил буралиб чиқади, сўнг кулга айланган хат зарралари ҳавода чарх ура бошлайди.

Электр қўнғироқ тугмачасини босаман. Секретарь қиз киради.

— Тиночка, манови хатларни ол, бир йўла кулдонни ҳам яхшилаб қоқиб кел.

— Сизни қандайдир бир кекса аёл кутяпти.

— Ким экан?

— Кимнингдир онаси.

— Онаси? Бир оз кутсин.

— Келганига анча бўлди.

— Нима иши бор экан?

— Сизни кўрмоқчи! — дея жилмаяди қиз.

— Нега куласан?

— Ҳамма сизни кўришга ишқивоз. «Нима ишинглар бор?» — деб сўрасам: «Буни ўзларига айтамин!» — дейишади нукул.

— Майли, кирсин.

Кабинетга анчагина эскириб қолган коверкот плаш кийган, елкасига оқ холли кўк рўмол ташлаган, сочлари оппоқ, аммо кўриниши ҳали тетик, истараси иссиқ бир аёл кирди. Мен хиёл ўрнимдан туриб эгилдим-да, яна ўтирдим. Аёл ўз кадрини биладиган кишиларга хос гурур билан бош ирғади. Унинг чеҳраси, бутун қиёфаси менга танишдай туюлди. Во ажаб, уни қаерда кўрган бўлишим мумкин?

— Марҳамат, ўтиринг.

Аёл кенгаш ўтказиладиган узун столга яқинлашиб, энг охириги стулга омонатгина ўтирди. Маъюс, айни пайтда мағрур чеҳрасида изтироб ҳамда ички бир ғалаён излари яққол кўриниб турарди: афтидан, менинг олдимга келиш унинг учун осон бўлмаган — бундай одамлар камдан-кам, фақат сира иложи қолмаган ҳоллардагина бировнинг ҳузурига илтимос билан боришади. Аёл

хаяжонланарди. Чап қўли билан рўмолининг учини эзғилар, кўп чекканидан икки бармоғи сарғайиб кетган ўнг қўли эса стол устида хиёл титрарди.

— Келинг, хизмат? — деб сўрадим ундан.

— Ўғлим масаласида келувдим, — деди аёл. Лаблари буришиб, овози жуда ғалати чиқди.

Дарров ўрнимдан турдим-да, олдига бир стакан сув билан бир қути сигарета қўйдим.

— Олинг, сувдан ичворинг, бемалол чекинг, кейин ҳаммасини хотиржам гапириб берасиз. Фақат йиғламанг, акс ҳолда бир-биримизни тушунишимиз қийин бўлади.

Аёл сувдан ҳўплади, аммо сигаретага қўл теккизмади.

— Ўзингизни таништиринг, кимсиз? — деб сўрадим.

— Заза Накашидзенинг онаси бўламан.

— Заза Накашидзе... Заза Накашидзе.. Адашим экан...

Лекин ҳеч эслолмаяпман... Хўш, нима қилди унга?

— Ресторандаги қотиллик важдан қамоққа олинган.

— Ҳа-а-а, «Орзу»даги қотиллик, денг! Жуда шовшув бўлиб кетди... Исми шарифлари нима?

— Анна, Анна Накашидзе.

— Менимча, ҳурматли Анна, «важдан» деган сўзни мазкур ҳолда ўғлингизга нисбатан қўллаб бўлмайди...

— Гапингиз тўғри, ўғлим. «Ўғлим» деганим учун мени кечиринг.

— Ҳечқиси йўқ... Гапираверинг.

— Болам ростдан ҳам ўша ишга аралашиб қолган, яъни қотиллик юз берган пайтда ўша ерда бўлган...

— Ҳамма она ҳам, агар пичоқ ёки тўппонча билан қўлга тушмаса, ҳамма айбланувчи ҳам шундай дейди.

— Сиздан шу гапни эшитишимни билардим... Менинг ҳар бир сўзим ва сизнинг ҳар битта жавобингиз шунақа, бир қолипда бўлишини ҳам биламан...

— Хўш, нима қиламиз унда?

— Сиз чин сўзимга ишонишингиз керак... Менинг ва ўғлимнинг чин сўзига.

— Саккизта гувоҳ берган маълумотлар ва терговчининг хулосасини нима қиламиз? Улар чин сўздан ташқари, далилларга ҳам асосланган.

— Тушуниб турибман, ҳурматли ўртоқ министр, лекин сиз ҳам тушунинг: ўғлим — устидан бўяб ташлаб, яна қайтадан бошқа расм чизса бўлаверадиган девор эмас.

— Нима дедингиз!

— Инсон — фақат бир ёклама кўринадиган сурат эмас. Инсон энг яхши, энг гўзал жиҳатларини намоён этадиган нуқтадан туриб кузатилиши лозим бўлган хайкалдир.

— Сиз ҳақсиз, ҳурматли Анна, аммо ресторандаги қотилликни санъат, турмани эса кўргазма зали деб бўлмайди.

— Жавобингиз зўр, лекин тўғри эмас. Модомики инсон тарбияси санъат экан, инсонга ҳам санъат асари сифатида ёндашиш керак.

— Нима учун энди ўғлингизни санъат асарию мен билан ходимларимни, терговчиларни кўргазма залига қўйилган суратларга анграйиб боқадиган галчалар деб ҳисоблайсиз?

— Мен сизни назарда тутаётганим йўқ! Лекин терговчингиз Гагуа ҳақиқатан ҳам санъатга ақли етмайдиган галчага ўхшайди...

— Сабаб?

— Гап шундаки, унда ўғлим ҳозир ниҳоятда муҳтож бўлган хислатлар етишмаяпти.

— Масалан, қанақа хислатлар?

— Инсонпарварлик, мулоҳаза ва сабр-тоқат.

— Хўш, сизнингча, Гагуа нимага суяниб иш тутяпти бўлмаса?

— Фақат Жиноят кодексига суяняпти терговчингиз.

— Хўш, шунинг ўзи кифоя эмасми?

— Йўқ, албатта! Терговчида мен айтган фазилатлар бўлиши шарт.

— Ўғлингизнинг ишини бошқа терговчига олиб берсам, қутулиб кетишига ишонасизми?

— Мутлақо.

— Ўз фарзандининг ҳақлигига бу қадар ишонадиган онани биринчи кўришим.

— Мен ўғлимга эмас, ўзимга ишонаман.

— Унда, яхши.

— Ҳа, шундай, чунки мен уни қотил қилиб ўстирмаганман.

— Ҳеч қайси она боласини қотил, нашаванд ёки ўғри қилиб ўстирмайди.

— Ҳурматли ўртоқ министр, ўғлим билан учраштинг!

— Тергов тугамагунча бундай қилиб бўлмайди.

— Учрашсак, бор ҳақиқатни ўзимга айтади.

— Иложи йўқ.

- Истисно тариқасида!
- Бизда бунақа истисноларга рухсат этилмайди.
- Ҳамма гапни айтиб берган бўларди!
- Шунақа деб ўйлайсизми?
- Юз фоиз ишонаман!

Мен галати аҳволда қолдим. Наҳотки ўз иродасига ва ўғлининг софдиллигига шу қадар ишонса! Ахир ҳақиқатни аниқлаш унинг эмас, менинг вазифамга киряди-ку! Нима қилсамикин? Рад этайми ёки рухсат берайинми?

— Менинг ўрнимда бўлганингизда сиз нима қилган бўлардингиз?

Аёл жилмайди.

— Нега куласиз?

— Сизнинг ўрнингизда бўлганимда ҳамма маҳбусларни озод қилиб, турма деразаларига оқ байроқлар тикиб қўйган бўлардим. Эҳтимол, шунинг учун ҳам сизнинг ўрнингиздамасдирман...

— Ана, кўрдингизми, мен ҳақ бўлиб чиқдим!

— Тўғри, сиз ҳақсиз. Энди менинг ўрнимга онангизни қўйиб кўринг!

— Бундай бўлишини тасаввур ҳам қилолмайман, чунки менинг онам... — уёғини айтишга тилим бормади.

Аёл ерга қаради.

— Бўпти. Ўғлингиз билан учраштиришга ҳаракат қилиб кўраман! — дедим мен.

— Олдингизга илтимос билан келувчилар кўп бўлса керак, а? — деб сўради у ўрнидан тураркан.

— Илгарилари кўп эди. Ҳозир деярли йўқ.

— Нима учун?

— Ҳеч кимга ёрдам бермаслигимга ишонч ҳосил қилишди.

— Ёлгон. Кўзларингиз бунинг аксини айтиб турибди.

— Ҳушомадни қўйинг. Агар ўғлингиз айбдор бўлса, бу ишга мутлақо аралашмайман.

— Раҳмат. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас!

Аёл шартта бурилди-да, кабинетдан чиқиб кетди. Ҳатто хайрлашмади ҳам...

Телефон трубкасини кўтариб, керакли рақамларни тердим.

— Полковник Асатиани эшитади!

— Айбланувчи Заза Накашидзенинг делосини олиб келинг.

— Хўп бўлади, ўртоқ генерал!

Айбланувчи Заза Накашидзенинг делоси... Айбланувчи Заза Накашидзенинг делоси... Кўп маротаба қўлдан қўлган, хонадан хонага, коридордан коридорга ўтган иш... Бирдан ҳалиги аёлнинг кимлиги ёдимга тушди!

Мени камоққа олгунларига қадар у ўз онам эди, мен министр этиб тайинланмасимдан олдин эса ўша аёлнинг жондан азиз ўғли бўлганман...

— Салом, қотиллар! Салом, ўғрилар! Салом, порахўрлар, фирибгарлар, юлғичлар, чайқовчилар! Салом, ер юткурлар! Туринглар, етар энди! — дея айюҳаннос солади Шошиа.

Камерадагилар бирин-кетин гингшийди, оҳ-воҳ қилади, уф тортади ва... бари бир уйғонади. Мен ҳам кўзларимни очаман. Ёстигимга дераза панжарасидан бир тутам нур тушиб турибди.

— Бу нима қилик! Ухлагани кўядими, йўқми! — деб пўнғиллайди Девдариани.

— Салом, Заза! — дейди Шошиа.

— Салом, Шошиа! — дея жавоб қайтараман.

Офтоб нури энди ёстигимдан деворга кўчган, беш минутдан сўнг камерани тарк этади...

— Яхши ётиб турдингми, азизим Заза? — деб сўрайди Шошиа.

— Бир нави, — дейман истамайгина.

— Нима бало, ёмон туш кўрдингми?

— Ғалати, жуда ғалати туш кўрдим, Шошиа?

— Эшитайлик-чи.

— Тушимда Ички ишлар министри эмишман.

— Хўш, кейин-чи?

— Нима — кейин?

— Кейин нима қилдинг?

— Ярим соат ичида нима ҳам қила олардим?

— Ё тавба, гапини қаранглар-а! Ярим соатда Обэхэ-эс ўттиз кишини камоққа олди, сен министр бўла туриб, атиги тўққиз кишини ҳам озод қилолмадингми?

— Қанақа тўққиз киши? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ўзимиз-да, галварс, ким бўларди?! Хе, ўл-э! Министр бупти-ю, дўстларини эсламапти-я! Яна қанақанги дўстларини денг! Шуми ҳақиқатинг, э парвардигор? Шундоқ тентакни тушида министр қипқўясан-у, менга маймунжон шарбатидан бошқа нарсани раво кўрмайсан-а! Уриб ўлдириш керак буни!

Мен ўзимни гуноҳкор сезиб, бошимни ҳам қилдим.

— Шошиа! Агар яна каллаи саҳарлаб уйғотадиган бўлсанг, уёғини ўзингдан кўр! — деди Девдариани.

— Нима, гапим нотўғрими, Лимон!

— Тўғри, лекин бари бир огоҳлантириб қўйяпман! — деб такрорлади Девдариани ва шошмасдан кийина бошлади.

Шошиа устимга энгашди:

— Ростдан ҳам министр бўлдингми, Заза?

— Рост, Шошиа, рост. Худбинлик қилганим ҳам тўғри. Бўйнимга оламан.

Шошиа ўйланиб қолди.

— Эҳтиёт бўл, Заза... Катта одамнинг тушга кириши — хосиятсизроқ! Ҳалиям эсимда, қирқ биринчи йили мактабимиз директори тушимга кирувди, эртасига уруш бошланиб кетди!.. Эҳ! — Шошиа бир хўрсиндию деразага тирмашиб қолди.

— Келди!

— Ким келди, Шошиа?

— Анови пиянистамиз!.. Қани, куй!.. Куйсанг-чи тезроқ, ноинсоф!.. Намунча маҳтал қиласан!.. Қарзга бўлса ҳам куявер, хумпар! Йигирма тийинни қизғанасанми?.. Қутулиб чиқсам, ўзим ўн сўм бераман!.. Уф, хайрият-э, куйди!.. И-иййи, нима қияпти? Вой, аҳмоғ-ей!

— Ҳа, нима бўлди, Шошиа?

— Кўпигини пуфляпти! Вой, хумкалла-ей! Ўзи ярим кружка-ку!.. Нима қиласан-а баракасини учириб! Вой! — Шошиа инграб юборди.

— Қизиқсан-а, Шошиа! Ҳамма завқ — кўпигини пуфлашда-да! Ёдингдан чиқдимми? Мана бундоқ... — Мен пиво тўла кружка қай тарзда қўлга олиниши, кўпиги қандай пуфланиши, сўнг қандай симирилишини кўрсатдим... бирдан ўзимнинг ҳам сўлагим оқиб кетди.

— Гапинг тўғри, азизим Заза! — деди Шошиа уф тортиб.

— Шошиа, Соят-Нова тушингга кирмадим, ишқилиб? — деб қолди бирдан Гулоян.

— Нимага сўраётганингни билиб турибман! Ашуламени эшитгинг кепқолган-да, а? Йўқ, Соят-Нова тушимга киргани йўқ!

— Хўш, нима туш кўрдинг бўлмаса?

— Э-э, сен сўрама, мен айтмай!.. Тун бўйи Тбилиси кўчаларини кезиб чиқдим... Мткварида сайр қилдим... Кейин Сионига бордим. Шам ёқдим. Қутулиб чиққаним учун худога шукроналар айтиб, иккинчи давлат мабла-

гига кўз олайтирмасликка онт ичдим. Сўнг яна черковга қайтиб, шамларни янгиладим ва оллога: «Э, тангрим, озгина олишга ижозат бер!» — дея ёлвордим. Худодан: «Сени биламан! Миллиондан ортиқроғини ўмардинг!» — деган нидо келди. Яхшиямки, қария ўша «ортиқроғи» — тўққиз юз минг сўм эканлигини билмайди.

— Янги пул биланми ёки эски пул билан? — деб сўради Чейшвили ҳангу манг бўлиб.

— Галварс! Янги пул ҳисобида бир миллион тўққиз юз минг — Грузиянинг бир йиллик бюджети-ку. Эски пул билан, албатта. Қанча маош оласан?

— Юз йигирма.

— Демак, арзимаган ўттиз сўм учун турмада ўтирибман, дегин! Қип-қизил анқов экансан!

— Тўғри, сендака социалистик мулкни ўмарувчиларга гапириш осон! Ўттиз сўм сен учун нима деган нарса!

— Олдин нима иш қилардинг, Чейшвили? — деб сўраб қолди шу пайтгача миқ этмай ўтирган Гулоян.

— Инженер эдим.

— Яна?

— Ҳалиги... жамоат ишларида қатнашардим... — Чейшвили негадир аниқ жавоб беришни истамади.

— Қанақа жамоат ишлари?

— Агитатор эдим.

— Демак, байроқ бўлгансан, кейин сенга ёғоч боғлашган, шундайми?

Ҳаммамиз кулиб юбордик.

— Ана, айтмадимми? — деб қийқирди Шошиа. — Анқовнинг ўзгинасисан!.. Эҳ, Чейшвили, мени шу ердан чиқазиб юборсанг, сени ҳам, терговчингни ҳам, прокурору судьянгни ҳам умрбод боққан бўлардим, ҳатто анови итваччаларингга алимент ҳам тўлардим!

— Давлатдан ўмарган пулларингни берсанг, мен ҳам бемалол сен билан Сиран деган ўша маъшуқангни боқаверардим.

— Мендан, турмада ётган маҳбусдан пора сўрашга уялмайсанми?

Зулфин ширқ этди. Шошиа сакраб деразадан тушди. Дарча очилиб, камерага баҳор мўраллади.

— Салом, жинойтчиларим! — деди Нуну қўнғироқдай овоз билан ва бирам ширин жилмайди.

— Салом! — камера бир энтиқди. Ҳаммамиз ўрни-миздан турдик.

— Ҳўш, нима шикоятинглар бор?

Ҳм, нима шикоятимиз бор? Яхшилаб тикилсанг-чи, кадрдонимиз Нуну! Нимадан нолишимиз мумкин? Кўп нарсадан. Бизга аёл меҳри, инсон тафти, кулгию кўз ёшлари, икки оғиз ширин сўз етмаяпти. Ўзинг баҳордай очилиб-сочилиб, гул-гул ёниб дарчадан бош суқасан-у, тагин нима шикоятинглар бор, деб сўрайсанми? Худодан қўрқсанг-чи, Нуну!

— Гапиринглар, кимни қаери оғрияпти? — деб так-рорлади Нуну.

Биз эшикка ёпирилдик.

— Бошим оғрияпти!

— Люминал.

— Тишим, ҳурматли Нуну!

— Люминал.

— Қорним санчяпти, доктор!

— Люминал.

— Юрак чатоқ!

— Люминал.

— Томоғим, Нуну! — дедим мен.

— Сиртмоқ солиш керак! — киз шундай деб, бир дона люминал узатди.

Кулги кўтарилди.

— Анови ким? Нега ётибди?

— Девдариани, — деб жавоб берди Чичико.

— Нимага ётибди? — Нуну таажжубланиб қошларини чимирди.

— Ҳа, шундоқ сулув аёл келганида ҳар қандоқ бамаъни одам, агар тирик бўлса, ўрнидан туриши керак, албатта. Аҳволи оғир чамаси. Турсанг-чи, Девдариани!

У бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳа, тамом бўпти! — деди Гоголь.

— Андрей! — Нуну назоратчини чақирди.

— Лаббай! — дея овоз берди у.

— Эшикни очвор, илтимос, биттаси касалга ўхшайди.

— Ҳозир!

Сал ўтмай камерага назоратчи билан... Нуну кириб келди. Нуну! Одам эмас — фаришта! Бунақасини фақат суратларда кўрганмиз! Қомати қуйиб қўйгандай, кўкси таранг, бели бир тутам, оёқларини айтмайсизми! Калта оқ халат кийган, елкасида сумка. Хулласи калом, рўпарамизда шундоқ бир нарса турардики, ер юзида бундан гўзал мавжудот бўлишини тасаввур қилиш ҳам амри маҳол. Буни фақат биз — маҳбусларгина тушунамиз.

— Кани, ҳамма жой-жойига ўтирсин! — деб буюрди назоратчи. Аммо ҳеч ким қимир этмади. Биз ҳайкал бўлиб қолган эдик.

Ҳаммани қай кўйга солиб қўганини сезган Нуну қаддини роз тутганча битта-битта босиб, Девдариани томон юра бошлади.

— Ўтирилсин! — буйруқни такрорлади назоратчи. Биз чўчиб тушдик. Чичико шоша-пиша Нунуга стул қўйиб берди. Қиз ўтирдию Девдарианининг пешонасига кафти-ни босди.

Лимон инграб юборди.

— Ҳарорат йўқ. Қаеринг оғрияпти?

Девдариани миқ этмади.

— Нега индамайсан? Гапир, нима безовта қиляпти? — деб сўради яна Нуну ҳайрон бўлиб. Агар шу тобда Девдарианидан садо чиқса мен қиздан кўра ҳам кўпроқ хайратга тушган бўлардим.

— Нима бўляпти ўзи? Гапирсанг-чи?

— Ўлим яқинлашяпти, доктор! — деди ниҳоят Девдариани.

— Доктор дема мени, фельдшерман!

— Биз учун доктор ҳам, профессор ҳам, қиролича ҳам ўзингсан!

— Майли, академик бўла қолай. Лекин айт-чи, ўлим яқинлашаётганини қандай билдинг?

— Билдим-да, битта-битта босиб олдимга келди, нафасини сезиб турибман...

Шу пайт йўлакдан бировнинг қаттиқ чинқиргани эшитилиб қолди.

— Чикмайман!.. Бормайман! Қўйворинг!.. Прокурор келмагунча овқатга қўл ҳам урмайман!

Назоратчимиз ташқарига отилди. Шунда турма тарихида бўлмаган ҳодиса юз берди: Гулоян итариб юбордими ёки назоратчи чопиб чиқаётганида бирор ери тегиб кетди-ми, ишқилиб, камера эшиги қарсиллаб ёпилди! Нуну илон чакқандай сапчиб туриб, йўлак томон югурди, аммо энди кеч эди: эшик қулфланиб қолганди. Қиз ортига ўтирилдию, деворга суянгача бизга тикилиб қолди. Кўзлари кўркувга тўла эди. Биз бўлсак ўтирган жойимизда нафасимизни ичимизга ютиб, анграйганча унга қараб турардик. Ранги докадек оқариб кетган Девдариани аста ўрнидан туриб, қиз томон юра бошлади. Этим жунжикиб кетди.

— Яқинлашма! — деб қичқирди Нуну. — Яқинлашма! Яқинлашма!

Девдариани ваҳима босганидан гунгу лол бўлиб қолган Нунуни икки қўллаб даст кўтарди-да, олиб келиб, камера ўртасида турган стулга турғазиб қўйди. Бир муддат кизга тикилиб тургач, уч қадам орқага тисарилди, сўнг ерга чўккалади-ю, худди илтижо қилаётгандай, қўлларини тепага кўтариб пичирлаб шеър ўқий бошлади:

*Эй қомати шамшодим, эй сарвиноз жононим,
Эй қошлари камоним, эй кўзлари қаттоллим!*

Мен сўрининг темир поясини ушлаганча тош қотиб турардим. Оғзим қуруқшаб кетганди.

*Ой юзинг орзусида кўнглим тўла армоним,
Сенсиз менга ҳаёт йўқ, ҳижрон тўла ҳар оним!*

Девдариани бизга ўгирилди. Икки юздан ёш думаларди.

*Мен ишқида девона, адо бўлса бу жоним,
Мажнун ётган тупроққа беринг жисму урёним!*¹

Девдариани рилқ этиб ютиндию ўзини сўрига ташлаб, юзини ёстикқа босди.

Хангу манг бўлиб қолган Нуну ҳамон стулда тик турар, жикқа ёш кўзларини пирпиратарди. Махбуслар олдида хўнграб юборишдан уялди шекилли, стулдан сакраб тушди-да, чопиб бориб эшикни муштлай кетди.

Камерага ўтакаси ёрилган назоратчи ховлиқиб кириб келди.

— Эшикни ким беркитди?! — деб қичқирди у.

Биз индамадик. Нуну чиқиб кетди.

— Гоголь, ким беркитди эшикни? — назоратчи Чичикога ўдағайлади.

У ўз айбини хас-пўшламоқчи бўлаётганини ҳаммамиз сезиб турардик.

— Бораверинг, начальник, ҳеч нарса бўлгани йўқ! — деб жавоб берди Гоголь хотиржамлик билан.

— Агар бирортанг хафа қилган бўлсанг, ҳаммангни карцерда чиритаман!

Гулоян ўрнидан туриб, назоратчининг олдига келди.

¹ Грузин шоири Бесики (Виссарион Габашвили, 1750–1791) шеъри.

— Эшитдинг-ку! Хуснинг бузилмасидан кетавермай-санми!

Назоратчи билан Тигран бир муддат кўз уриштириб туришди. Кейин назоратчи шартта бурилиб, камерадан чиқиб кетди.

Ҳаммамиз энгил тортдик.

Камера тунда ҳам нотинч бўлади. Биров гингшиган, биров хуррак отган, биров алахсираган, биров уйқусида йиғлаган, биров пиқир-пиқир кулган. Хуллас, тунда ҳам камерада тинчлик йўқ...

Бугун кундузги таассуротлардан толиққанимиз учун барвақтроқ ётдик. Бояги ғалати ва унутилмас воқеа ҳар биримизнинг кўнглимизга беадад армону беадад қувончлар солиб кетган эди...

Икки соатдан буён кўзларимни очиб ётибман. Уйқу келмаяпти. Шифтдаги хира чироқдан нигоҳимни узмайман. Чироқ менга тонгда ҳуркитилган тиллақўнғизни эслатади: тун бўлиб тунмас, кун бўлиб — кун. Шунинг учун ҳам шўрлик тиллақўнғиз шифтга ёпишганча на ёнишини ва на ўчишини билади...

Мен уйғокман. Кўзларимда уйқу йўқ.

Шифтдаги чироқ ҳам уйғок. Ўзига қолса-ку, тўйиб ухларди-я, мумкин эмас-да. У ҳар доим сергак туриши керак.

Камера эшигидаги яккаю ягона, ичкаридан ташқарини эмас, аксинча, ташқаридан ичкарини кузатадиган «кўз» ҳам уйқу нималигини билмайди. Ўқтин-ўқтин «қовоғи»ни кўтариб, ҳар биримизга тикилиб-тикилиб қараб қўяди.

Мендан бошқа ҳамма ухлаяпти. Дарвоқе, шундаймикин? Қўпам унақа эмас-ов. Девдариани уйғок бўлиши керак. Қимир этмай ётибди-ю, лекин уйғок, ўлай агар!

— Лимон! — дедим секин.

У индамади.

— Лимон! — деб чақирдим яна. — Ухлаётганинг йўқми?

— Нимаиди? — деди у.

— Сира уйқум келмаяпти.

— Алла айтайми?

— Лимон, асл исминг нима?

— Лимон деган ном ёқмаяптими?

— Ёқади. Лекин бу исм эмас-ку.

— Како исмим. Акакий.

— Акакий-Како-Каки, — деб такрорладим пичирлаб.

- Нима?
- Шундоқ, ўзим. Нега Лимон дейишади сени?
- Болалигимда Макака деб чақиришарди. Лимон деган лақабни кейинроқ, иккинчи бор ётганимда орттирганман... Баданимга сафро тарқаб, лимондай сарғайиб кетганим учун шундай лақаб қўйишган.
- Ҳа-а... Лекин қовун ҳам сариқ-ку?
- Биласанми, феълим ҳам сал анақа... нордонроқ-да...
- Туғри...
- Қўнглинг жойига тушдими?
- Йўқ ҳали...
- Фақат бодринг ҳам сариқ ва нордон бўлади, демасанг бўлди!
- Анча вақт жим ётдик.
- Лимон! — дея гап бошладим тагин.
- Яна нима дейсан?
- Севиб қолдингми? — деб сўрадим-у, жавобини эшитгунча юрагим дукурлаб уриб кетди.
- Нима-а?!
- Севиб қолдингми, дейман.
- Қимни?
- Ўзингни гўлликка солма!
- Қимни, ахир?
- Нунуни!
- Лимондан ҳадеганда садо чиқмади.
- Сени фақат ғўр ва лақма деб юрсам, — деб бошлади у ниҳоят, — фирт каллаварам экансан-ку, азизим!
- Э, қўйсанг-чи, уни кўтариб олганингда, шеър ўқиётганингда қай аҳволга тушганингни ўзинг бир кўрганингда эди!
- Бемаъни гап!
- Нега йиғладинг бўлмаса?
- Биласанми... Маҳбусларнинг қўзидан ҳеч қачон ёш аримайди.
- Мен-чи... Мен нима учун йиғладим?
- Нима, сен маҳбус эмасмисан?
- Ҳа, майли. Нуну нега йиғлади бўлмаса?
- У ҳаммамизга баравар ачинади...
- Ҳеч қачон бировни севганмисан, Лимон?
- Севганман. Биринчи синфдан учинчи синфгача бир қизчани севганман, оти Нелли эди... Ўқитувчи опамиз кўчани кесиб ўтиш учун бизни сафга тизганда ҳар доим у билан ёнма-ён турардик...

— Кейин-чи?

— Кейин — ҳеч нарса.. Бошқа ҳеч кимни севганим йўқ. Севишга улгурмасимдан қамоққа тушиб қоламан! — деди Лимон хўрсиниб.

— Демак, Нунуни яхши кўрмайсан?

— Яхши кўраман! Шунақа яхши кўраманки! Лекин Нунуни эмас. Мен севган қизнинг исми йўқ! Нуну, Манану, Кетино, Жозефина, Тамар — ҳаммасини яхши кўраман, тушуняпсанми? Мен аёлни севаман. Аёлни ва гўзалликни!

Мен галати бўлиб кетдим.

— Аммо-лекин Нуну жудаям чиройли, тўғрими, Лимон?

— Йўқ.

— Нима учун?

— Чунки сен билан мен — маҳбуслармиз. Аёлга ташна-намиз. Шунинг учун ҳам фельдшер қиз кўзимизга чиройли кўринади. Озодликда эса бошқалардан фарқ қилмайди. Шунақа!

— Кўй-э, Лимон! Бунақа гўзал қизни сира учратмаганман!

— Севиб қолган бўлмагин тагин?

— Севаман-да! — дедим у юзим ловуллаб кетганини сездим.

— Олла! Севармиш! — деб тўнғиллади Лимон.

— Севаман, Лимон, севаман!

— Тушингга ҳам кирадимми?

— Кечалари мижжа қоқмайман-у, қанаққиб тушимга кирсин!

— Ухлаёлмайман, дегин?

— Фақат хаёл сураман... Сизлар ухлаётган пайтда у камерага кириб келади... Гоҳ кўринади, гоҳ ғойиб бўлади...

Девдариани хохолаб кулиб юборди.

— Нега куласан? — дедим таажжубланиб.

— Қотил эмаслигингга энди ишондим.

— Нима учун?

— Чунки қотилларнинг кўзига тунда аёлларнинг эмас, мурдаларнинг шарпаси кўринади.

— Қаёқдан биласан?

— Биламан-да.

— Тушунтирсанг-чи?

— Эрталаб Тиграндан сўрайсан. Ўша тушунтириб беради... Энди ухла! — Лимон девор томонга ағдарилди.

Алламаҳал бўлди — бари бир ухлаёлмадим.

- Лимон! — дедим яна.
- Ҳалиям уйғоқмисан, биродар? Хаёлингда ҳалиям Нунуми?
- Ҳа, Лимон.
- Бахтли одам экансан!
- Биласанми, Лимон, менимча дунёдаги энг улуг нарса, бу — аёл!
- Эхтимол... — деди Лимон узоқ сукутдан сўнг.
- Дунёдаги энг улуг нарса бу — алифбе, байроқ ва гимн, зеро уларнинг замирида озодлик руҳи бор! — бирдан Исидор амакининг овози эшитилиб қолди.
- Мен сесканиб кетдим.
- Сиз ҳам уйғоқмисиз, Исидор амаки? — дея сўз қотди Девдариани.
- Ҳа.
- Нега ухламаяпсиз?
- Нукул мурда кўз олдимга келяпти.
- Ҳазиллашяпсизми, Исидор амаки?
- Йўқ, ҳазил эмас, рост гап.. Ҳадеб шунақа бўлаверса чидаёлмайман, ўламан!
- Э-э, ўлимгача ҳали йўл узоқ, Исидор амаки! — деб тасалли берди унга Лимон.
- Энг узоқ йўл — борса келмас йўл, тушундингми?
- Йўқ, тушунолмадим.
- Афсус...

Исидор амаки жим бўлиб қолди. Биз ҳам индамадик. Камера ичига сукунат чўқди...

... Сўнг яна Қуёш кўринди. Бугун у шунақаям катта эдики, панжара орасидан ўзи сиғмай, қўлини узатди, юз-кўзимни сийпалаб, сўридан даст кўтарди-ю, осмону фалакка опчиқиб кетди...

ИККИНЧИ ТУШ

Нуну каравотда қўлларини боши остида чалкаштириб, чалқанчасига ётарди. Кўзларини хиёл юмганча менга тикилиб турар, нигоҳини тубсиз хаёл пардаси қоплаганидан шу тобда мени кўряптими-йўқми, билиб бўлмасди. Мен каравот четида ўтириб, унинг ўзига келишини, хайратланиб қаддини кўтаришини ва елкамдан маҳкам кучиб, ипақдек мулойим товуш билан: «Заза, менинг Зазам!» — дейишини интиқиб кутардим.

Нафасимни ичимга ютиб, узоқ ўтирдим, сўнг Нунунинг сергак ётганига, алла пайтдан буён чарос кўзларини мендан узмаётганига, энг муҳими, каравотида биров

Ўтириб, уйқусида очилиб қолган оппоқ сийнасига суқла-
ниб тикилаётганидан ва ўша «бирова» мен, Заза Нака-
шидзе эканидан мутлақо таажжубланмаётганига ишонч
ҳосил қилдим.

— Қуёш нури билан келдингми, а? — деб сўради у.

— Ҳа.

— Нега аввал ойингни олдига бормадинг?

— Ойим кута туради... Кутмай қаёққа ҳам борарди?

— Шўрлик оналар!.. Ўзим она, ўғлим — қотил бўлса,
мен ҳам кутаман-да... Қаёққа ҳам борардим? Тўғрими? —
Нуну синиқ жилмайди.

— Айбсизлигимга ишонмаяпсанми? — деб сўрадим
хафа бўлиб.

— Икки ой, даҳшатга тўла узокдан-узок икки ой
кутиш билан ўтди. Мана шу икки ой икки йилга, олти,
ўн, ўн беш йилга айланиб кетиши мумкин...

— Сендан фақат бир йил кутишни сўрайман! Бир
йилгина кутсанг бас!

— Нима учун?

— Бир йил ичида ҳаммаси ойдинлашади...

— Агар бундай бўлмаса-чи?

— Унда йўлинг очиқ.

— Нега ҳозир йўлим очиқ эмас экан?

— Ҳозир кутишга мажбурсан!

— Бу ишга менинг алоқам йўқ! Жавобгар эмасман!
Ҳеч ким мени кутишга мажбур қилолмайди!

— Менинг ҳам алоқам йўқ бу ишга, лекин кутишга
мажбур қилишяпти-ку!

— Сен махбуссан, турмада ётибсан!

— Сен ҳам турмадасан.

— Қанақасига?

— Мен сен учун ҳам камера, ҳам турмаман!

— Сен айбланувчисан, менинг эса айбим йўқ.

— Бугундан бошлаб сен ҳам айбланувчисан!

— Нимада айбланаман? Айбим ҳар куни сенга лю-
минал берганимми? Билиб қўй, сенга ўхшаганларнинг
сон-саногии йўқ бу ерда! Ёки ойинг кечаси ёнимга келиб,
хатни бериб қўйишни сўраб ялиниб-ёворганида рад этма-
ганимми айбим? Мен бу ишга сени ўйлаб эмас, ойингга
ичим ачиганидан рози бўлганман. Ўшанда ойингни кўриб,
ўзимнинг марҳум онам эсимга тушиб кетган эди.. Хатда
нима ёзилганидан мутлақо беҳабарман...

— Ўша хатида ойим ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни
гапиришни илтимос қилган.

— Нима учун?
— Чунки, ҳақиқат — озодлик манбаи!
— Агар қотил бўлсанг-чи? Сени яхши билмайман... Кимсан ўзинг? Қаёқдан пайдо бўлдинг, не сабабдан ҳаётимга суқулиб кирдинг?

— Мен — Заза Накашидзе, Нуҳ алайҳиссаломнинг фарзандиман. Отам иккаламиз инсониятнинг тамал тошимиз. Ўшандан буён сен менинг рафиқамсан. Сени миллион йиллардан бери севаман, энди эса гуноҳкорсан деб турибман!

— Гуноҳим нима?

— Сени қотилликда, ўғриликда, порахўрликда, Ватанга хиёнатда, бевафоликда айблайман.

— Яна?

— Гуноҳингнинг чеки-чегараси йўқ... Сени мен билан бирга жазолайдилар. Сени отадилар.

— Кейин нима бўлади?

— Кейинми? Кейин сен ўласан, кимлигинг, ҳатто айбинг бор-йўқлиги билан ҳам биров қизиқмайди.

— Кейин-чи?

— Ҳеч ким тепангда кўз ёши тўкмайди, ҳеч ким қабрингни зиёрат қилмайди.

— Кейин?

— Сен тупроққа айланасан, бағрингга қандай уруғ ташласалар ҳам фақат олабута ва ёввойи ўтлар ўсиб чиқади.

— Кейин?

— Яроқсиз ер сифатида куйдирадилар. Сен ғиштга айланасан.

— Кейин?

— Сендан уй курадилар. Аммо бу уй қулаб тушиб, кўпдан-кўп бегуноҳ кишилар ҳалок бўлишади.

— Кейин?

— Харобанг теварагини тиконли сим билан ўраб қўйишади.

— Нима учун?

— Нимагаки, сен ҳали яна узоқ вақт одамларга таҳдид солиб турасан.

— Бўлди, бас! Ким менга шунча айб қўймоқчи?

— Мен!

— Кимсан сен?

— Менми? Мен — айбсиз айбдорман.

— Ҳали сен, айбсиз одам, мендай бегуноҳга айб қўймоқчимисан? Раҳминг келмайдими менга?

- Йўқ!
- Нега?
- Чунки сен бунга арзимайсан.
- Уялмайсанми?
- Йўқ!
- Нега?
- Чунки атрофимдагиларнинг кўпчилиги ҳеч нарсадан уялишмайди.
- Шу аҳволда яшаб юрибсизларми?
- Биз яшаймиз. Бизнинг суратимиз бор-у, сийратимиз йўқ.
- Азалдан шунақамидинглар ё кейин шунақа бўп қолдингларми?
- Баъзилар олдинроқ, баъзилар кейинроқ.
- Сен-чи? Сени нима жин урди?
- Билмайман! Ҳеч нарсани билмайман, Нуну! Мени қутқар, акс ҳолда нобуд бўламан!

Мен Нунунинг оёқлари остида тиз чўкиб, бошимни кўксига қўйдим-у, хўнграб йиғлаб юбордим. Бир маҳал елкамда унинг мулойим, илиқ кафтларини сездим, ипак сочлари юзимга тўкилди. Сўнг Нунунинг тўлиб-тошиб шивирлаётганини эшитдим:

— Заза, шўрлик Зазагинам! Нима бўлди сенга, тойчоғим! Қўрқма! Минг йил бўлса ҳам кутаман сени! Агар нариги дунёда кутиш мумкин бўлса, ўлганимдан кейин ҳам кутаман!.. Сени севаман, Заза! О, шунақаям севаманки!.. Қандоқ бўлсанг шундоқлигингча севаман — айбдормисан, айбсизмисан, қотилмисан, қурбонмисан — менга фарқи йўқ!.. Жонимдан ҳам ортиқ кўраман сени, Зазагинам!..

Нуну яна анча вақт алланималар деб пичирлади, унинг қайноқ кўзёшлари юзимга томчиларди.

— Энди тур, жўна! — деди у кейин. — Фақат пардани ёпиб кет, кўзимга офтоб тушяпти!..

Мен пардани ёпдим.

Нуну кўзларини юмди.

Нуну уйқуга кетди.

ГУНОҲҚОР ФАРИШТА

Эргалаб бизни назоратчи уйғотди.

— Подъё-ё-ём! Туринглар! — деб қичқирди у йўлакдан чийилдоқ овоз билан.

Кейин камера эшиги очилди.

- Староста!
- Лаббай! — деди Гоголь кўзларини ишқалаб.
- Тур, кутубхонага бориб кел!
- Биламан ўша кутубхонангизни... — деб тўнғиллади Гоголь. — Чернишевский, бор, ўзинг тузукроқ бирор нарса топиб кел!

Гамцемлидзе бурчакдаги тоқчада уюлиб ётган уч-тўртта китобни қўлтиқлаб чиқиб кетди.

Турма кутубхонасини жудаям бой деб бўлмади. Бир марта ўқиган китобинг хафта ўтмай айланиб яна қўлингга тушаверади. Шунга қарамай назоратчи ҳар гал китобларни алмаштириб келишни буюрганида ҳаммамиз севиниб кетамиз. Чунки биз лоақал бирор кун бўлса ҳам бошимизга тушган кулфатни унутишга интиламиз. Турмада китобнинг бирдан-бир афзал томони бор: унинг қаҳрамони ҳаётингга тезгина кира қолади, у ёки бу образнинг хатти-ҳаракатларини тарозига солиб ўтирмайсан, унга танқидчи назари билан қарамайсан — қандоқ бўлса шундайлигича қабул қилаверасан. Нимагаки турмада дўсти содик, хешу акрабо йўқ, ҳар қандай янги кимса, гарчи у китобий бўлса ҳам юрагингга яқин туюлади.

Гамцемлидзе қайтиб келди. Бир даста китобни стол устига ташлади-да, алланималар деб гўлдираганча бориб ўз сўрасига чўзилди. Ҳаммамиз китобга ёпишдик.

Талашиб ўтиришни истамай, стол ёнига энг охирида бордим. Иккита китоб: Горькийнинг «Короленко замони» билан «Рус трамвайига — 60 йил» деган брошюра қолган эди.

Илгари икки марта ўқиган бўлсам ҳам Горькийни танладим.

— Зазажон, менга қандайдир минераль китоб тегди — «Шўр бешик»¹ деган. Қанақа китоб бу? — деб сўради Тигран мендан.

— Яхши ҳикоя, албатта ўқи! — дедим мен. Кейин: — Чернишевский йўқ эканми? — деб сўрадим Гамцемлидзедан. У менга шубҳаланиб қаради, аммо ҳазиллашмаётганимни сезгач:

— Йўқ экан... — деб пўнғиллади.

— Балки Горькийни ўқирсан?

— Ўқиганман...

— Намунча Чернишевскийга ёпишиб олмасанг, Гамцемлидзе? Йўқ бўлса нима қиласан! — деди Тигран.

¹ «Ш ў р б е ш и к» — грузин ёзувчиси Р. Коркиянинг ҳикояси.

— Мен сиёсий озукага, яъни сиёсий адабиётга эҳтиёж сезаман! Чунки миям жойида, сеникига ўхшаб суюлиб кетмаган!

— Опқоч-а, опқоч! Мияси жойида эмиш! Сен ҳам менга ўхшаш бир харомтомоқсан, шунинг учун ҳам менинг ёнимда ётибсан... Кўнгиллари Чернишевскийни тусаб қопти! Бу ҳақда олдинроқ, турмага тушмасдан аввал ўйлаш керак эди! Энди борини ўқиб, «Таво чемо»¹ни¹ хиргойи қилаверасан!

— Нимани ўқиш, нимани хиргойи қилишни ўзим биламан! Ҳар ҳолда бу ердагиларнинг ҳаммаси сендақа қотил эмас! — деди Гамцемлидзе зарда билан.

— Қотилинг нимаси! Муҳтарам қотил, дейиш керак! — унинг гапини тузатган бўлди Тигран.

— Ҳе, ўргилдим сендақа закийдан! — деб хитоб қилди Гамцемлидзе.

— Узр, «закий» дегани нима? — астойдил таажжубланиб сўради Тигран.

— Галварс! — деди Гамцемлидзе ва нариги ёнбошига ағдарилди.

— Сени отанг галварс!

— Қўйсанг-чи, Тигран, шу аҳмоқ билан тенг бўласанми! — дея баҳсга аралашди Лимон.

— Ўртоқ Девдариани, оғзингизга қараб гапиринг! — деди Гамцемлидзе жириллаб.

— Ўчир овозингни, ҳе сендақа сиёсатдонни!

— Менга пўписа қилманг! Ўғрилар салтанати эмас бу ер! — Гамцемлидзе бўш келмади.

— Дехқонлар салтанати ҳам эмас! — деди Девдариани гавдасини сўридан хиёл кўтариб.

— Бўлди-да энди, Гамцемлидзе, биласан-ку, турма — ўғриларники! — бақриб берди Чейшвили. — Тўғрими, Чичико?

— Тўғри, тўғри, азизим! Илойим ўшалардан ортмасин!

Камерага сукунат чўкди. Ҳамма китобга тикилиб олган эди. Улар ўқияптими ё ўз хаёли билан бандми, буёғини худо билади. Менимча Исидор амакидан бўлак ҳеч ким ўқиётгани йўқ — бир соатдан буён ўшандан бошқа одамнинг китоби варақланмайди. Исидор амаки чалқанчасига ётар ва ҳадеб қўли билан Чейшвили бурқсиётаётган папирос тутунини ҳайдарди.

¹ «Таво чемо» — З. Палиашвилининг «Даиси» операсидан ария. Маъноси: «Шўрлик бошим».

Тавба... Неча ойдан бери бир камерада яшаяпмиз. Бир-биримизни гўё миримиздан сиримизгача биладигандаймиз. Очкқчасига гаплашамиз. Аммо айни пайтда бир-биримиздан нақадар йироқмиз! Орамиздаги мана шу жарлик менга уфқни эслатади; якинлашганинг сари узоқлашаверади...

Маҳбусларнинг табиати ҳар хил. Бири сиртлонга ўхшайди — силлик, абжир. Бошқаси худди балиқнинг ўзгинаси: энди тутдим деганинда, қўлингдан чиқади-кетди... Яна бири — бўри: дамани ичига ютиб, пайт пойлайди. Ановиниси илондай бировнинг босиб олишидан қўрқади, шунинг учун ҳам захари тилининг учуда. Яна биттаси зада бўлган оҳудай олазарақ. Уларнинг бариси ҳам ночор, нотавон, шунинг учун ҳам бири сиртлон, бири балиқ, бири бўри, бири илон бўлишга мажбур... Аммо дили очик, бебоклари ҳам йўқ эмас: бундайларнинг ичидаги тамом сиртида. Улар аллақачон тақдирга тан бериб қўйишган, нимадир юз беришини кутишади. Лекин ўша «нимадир»нинг нималигини ва қачон юз беришини турмада ҳеч ким билмайди. Аммо кунлардан бир кун юз бериши муқаррар. Ўша «нимадир» ҳамма нарсага нукта қўяди. Ҳар ким қилимишига яраша оладиганини олади, ҳар кимнинг гуноҳи заргар тарозисида мисқоллаб ўлчанади. Ўша «нимадир»ни маҳбуслардан бири Худо, бошқаси — Тақдир, яна бирови — Адолат деб атайди.

Мен ҳам маҳбусман, мен ҳам ана шу Адолат рўёбга чиқинишни кутиб ётибман. Камера эшиги очилиб, Адолат кириб келишини ва елкамга одил кафтини ташлаб:

— Заза Накашидзе, тур, кетдик! — дейишини кутяпман...

— Гамцемлидзе, мана айбноманг! — деди назоратчи ва ранги дув оқариб кетган Гамцемлидзега буклоғлик қоғозни узатди.

Гамцемлидзе қўллари титраб-қақшаб қоғозни олди-ю, ҳаммамизга ҳадик билан бир-бир қараб чиқди, сўнг айбномани шоша-пиша чўнтагига солиб, жойига ўтирди.

Камерада аввалига бўғиқ бир ғовур кўтарилди, кейин ҳамма жим бўлиб қолди. Сира кутилмаган воқеа юз берган эди. Турманинг ёзилмаган қонунига кўра, ҳар бир маҳбус ўзи ҳақидаги айбномани старостага бериши, у ҳаммага ўқиб эшиттириши керак, — одамлар тақдир уларни кимга дучор қилганини, қайси маҳбус қандай

айб билан қамоққа олинганини билишни хоҳлашади. Гамцемлидзе ана шу муқаддас таомилни бузган эди!..

Камерадаги вазият таранглаша бошлади. Бамисоли ҳаво етишмаётгандай эди... Ҳар биримизнинг жингиртоб бўлган асабларимиз аллақандай кўринмас иплар билан битта умумий асабга улангану бирортамиз эҳтиётсизлик қилиб ана шу ипга тегиб кетсак... ёпирай, худо кўрсатмасин... Биринчи бўлиб асаб торини чертиб кўришга Гоголь журъат этди. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қўл урди, ҳар ҳолда староста, камерада ўйламай қилинган ҳар қандай ишнинг оқибати нима бўлишини яхши билади.

— Гамцемлидзе, хафа бўлмагин-у... сал чакки иш қилдингми дейман-да! — деди у бутунлай беозор бир оҳангда.

— Нимаси чакки, ўртоқ староста? — деб таажжубланди Гамцемлидзе.

— Шуниси чаккики, бу ерда ҳаммамизнинг ҳуқуқимиз бир... — Гоголь тўхтаб, Девдарианига кўз кирини ташлади. — Ўғриллар мустасно, албатта... Ҳар биримиз нима сабабдан қамоққа тушиб қолганимизни сен биласан масалан... — Гоголь яна сўлиш олиб, Тигранга қараб қўйди. Гулоян билан Девдариани ўз сўриларида ётишар, баҳсга аралашимасди. — Демокчиманки, сен биз ҳақимиздаги ҳамма гапни биласан, энди биз ҳам сенинг кимлигингни, нима гуноҳ қилганингни билиб қўяйлик-да, оғайни?

— Ҳайронман, мендан нима истайсизлар ўзи? — деди Гамцемлидзе асабийлашиб.

— Айбномани старостага узат. Қоидаси шунақа, — деди Шошиа.

— Қанақа айбнома? Ким айбловчию ким айбланувчи, ким айбдору ким бегуноҳлигини худо билади ҳали! — деб кичқирди Гамцемлидзе.

— Айбномани ўқиб бер! — деди яна Шошиа хотиржам, лекин қатъий оҳангда.

— Айбнома деганинг нимаси? — Гамцемлидзе буш келмади. — Ёзишаверади-да оғизларига келган гапни! Мана, сен! — У Гулоянга мурожаат қилди. — Қотилликда айбланасан. Лекин одам ўлдирганмисан?

Гулоян тескари қаради.

— Ўлдирган! — унинг учун Девдариани жавоб берди.

— Ростданми? — деб сўради Гамцемлидзе Тиграндан.

Тигран бошини ҳам қилди.

— Сен пора олганмисан? — Гамцемлидзе Мебуришвилига ўғирилди.

— Порани ҳар ким ҳар хил тушунади. — Мебуришвили аниқ жавобдан қочди.

— Сен-чи, Чейшвили?

— Менга қара, Гамцемлидзе! — деди Девдариани. — Гапни айлантирмасанг-чи! Орамизда фақат икки киши одам ўлдирмаган, ўғирлик қилмаган, пора олмаган, умуман бегуноҳ, бу — ҳурматли Исидор амаки билан Заза Накашидзе. Қани, ким буни рад эта олади?

— Мени ҳам айбим йўқ! — деб чийиллади Гамцемлидзе.

— Буниси бизга қоронғи... — деди Лимон. — Узат айбномани старостага!

— Бериб бўпман! Мен учун староста йўқ! Ўзим-ўзимга старостаман! Мен сизларга папуас эмасман, менга йўлбошчининг кераги йўқ! Бу қанақа золимлик! Ҳе, ўргилдим! Сен, — у Лимонга ўғирилди, — сен мени кўрқитма! Биласанми, Америка Озодлик Декларациясининг отаси Джефферсон¹ нима деган: «Мен инсон тафаккурига нисбатан ўтказиладиган тазйиқнинг ҳар қандай кўринишига қаршиман», — деган. Мен ҳам унинг сўзларини такрорлайман!

Лимон индамади.

— Тортиб олиш керак, вассалом! — деди Чичико.

Гамцемлидзе чўнтагидан айбномани чиқазди-ю, йўл-йўлакай гижимлаганча челақка қараб югурди. Аммо у кечиккан эди. Чейшвили билан Гулоян унинг йўлини тўсиб, худди чорчўпга михланган Исо Масихдай, деворга қапиштириб қўйишди.

Гоголь ерда сочилиб ётган қоғоз парчаларини йиғиштириб, энг юқори сўрига чиқди-да, айбномани ўқишга чоғланди.

— Қўйворинглар! — деб бақдирди у тепадан.

Чейшвили билан Гулоян ўзларини четга олишди. Гамцемлидзе секин сирғалиб полга ўтирди-ю, деворга суянганча миқ этмай қолди.

— Джефферсон ўша гапларни гапирганда президент эди — бу биринчидан, икки миллиондан ортиқ қўшини бор эди — бу иккинчидан, қолаверса, икки юз миллион-

¹ Джефферсон Томас (1743—1826) — Американинг давлат арбоби, файласуф, АҚШ мустақиллиги баён этилган «Мустақиллик Декларацияси» лойиҳасининг муаллифи (1775 й.).

дан иборат аҳолининг мададига суянард — бу учинчидан. Ёдингда бўлсин, Гамцемлидзе! Энди эшитинглар! — Гоголь нотикликнинг ажойиб намунаси бўлмиш айбномани ўқишга киришди...

«Вячеслав Ражденович Гамцемлидзенинг Грузия ССР Жиноят кодексининг 118-моддасида кўзда тутилган жинояти юзасидан

АЙБНОМА

Жиноий иш... йил 20 ноябрда Тбилиси шаҳар Оржоникидзе район прокуратураси томонидан кўзғатилган.

Шу иш юзасидан ўтказилган тергов натижасида қуйидагилар аниқланди:

24 октябрь куни тахминан соат 23 дан 30 минутлар ўтганда Вячеслав Ражденович Гамцемлидзе ўз дўсти, хозирги пайтда хибсда бўлган Вахтанг Кириллович Гамкерилидзенинг квартирасига (Чавчавадзе проезде, 761-уй) келади ва унинг умр йўлдоши Елена Абибовна Гажонияга 100 (юз) сўм пул беради. Жабрланувчи Гажониянинг гувоҳлик беришича, Гамцемлидзе Гамкредидзенинг яқин дўсти сифатида олдинлари ҳам унга моддий ёрдам бериб турган. Аммо бу гал 100 (юз) сўм эвазига Гамцемлидзе Гажонияга бирга ётишни таклиф қилади. Жабрланувчи Гажония эри қамокдалиги сабабли бир неча йилдан бери сўққабош эди, шунга қарамай, Гамцемлидзе билан жинсий алоқа қилишдан қатъиян бош тортади. Жабрланувчи Гажониянинг гувоҳлик беришича, у Гамцемлидзенинг ўзига ғалатироқ қараб юрганини илгари ҳам сезган. Таклифи рад этилгач, айбланувчи Вячеслав Ражденович Гамцемлидзе (оилали) ўз хирсини қондириш мақсадида жабрланувчи Гажонияга ташланади. Қўшнилариининг диққатини тортмаслик учун жабрланувчи Гажония анчагача чидайди, овозини чиқазмайди, аммо айбланувчи Гамцемлидзе хиралик қилаверади. Шундан сўнг жабрланувчи Гажония айбланувчи Гамцемлидзенинг чап елкасидан қаттиқ тишлаб, бир парча гўштни узиб олади, Гамцемлидзе қичқириб юборади. Унинг овозини эшитиб югуриб кирган қўшнилари кутуриб кетган Гамцемлидзе жабрланувчи Гажониянинг кўйлагини йиртиб ташлаганини, уни зўрламоқчи бўлаётганини, аёл Гамцемлидзенинг кучоғидан кутулишга зўр бериб уринаётганини қўришади...»

Гоголь айбномани ўқиб бўлиб, ҳаммага бир-бир на-

зар ташлади. Тош қотган махбуслар унга бақрайиб қараб туришарди. Айбномада ёзилган гаплар улар учун, худди мусаффо осмонда гумбурлаган момақалдиروقдай, кутилмаган ва тушунарсиз бир нарса эди.

Гоголь сўридан тушиб, Гамцемлидзенинг олдига келди.

— Хўш, буёғи қандоқ бўлди?

— Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон! — деб кичкирди Гамцемлидзе.

Шу он Гоголь бир силтаб, Гамцемлидзенинг чап ёқасини йиртди, очилиб қолган елкасидаги қизғиш чандикни ҳамма кўрди.

Беҳад таранглашган асаб торлари чирс узилди...

...Шундан кейин юз берган воқеани эсласам, юрагим орқасига тортиб кетади. Ҳамма бараварига Гамцемлидзенинг устига ёпирилди. Биров уни тепкилар, биров аямай мушт солар, Гамцемлидзе эса ғужанак бўлиб олиб, ҳар зарба тушганда чўзиб-чўзиб инграрди.

Чидаб туролмадим. Ўзимни оломон устига отиб, дуч келганини қарамасдан муштлайвердим.

— Нима қияпсизлар, қотиллар! Бас қилинглар! Бўлди! Ўлдириб қўясизлар-ку! Бас қилинглар!

Кейин чопиб бориб, эшикни мутлай бошладим.

— Ёрдам беринглар! Ўлдириб қўйишади! Ёрдам беринглар!

Кимнингдир бақувват қўли мени эшикдан узиб олди. Рўпарамда кўзлари қонга тўлган Гоголь ҳансираб турарди. Яна Гамцемлидзе томон юлқинган эдим, иягим остига тушган муштдан ер-парчин бўлдим...

...Кўзимни очганимда камера сув қўйгандай эди. Гоголь билан Гамцемлидзедан бошқа ҳамма ўз жойида ўтирарди.

Хушимга келганимни кўрган Тигран бир муддат менга индамай тикилиб турди-да, энсаси қотиб қўл силтади:

— Шу одамни қотилликда айблашяптими?!

— Нима гап бўлди ўзи? — деб сўрадим ёнимда ўтирган Исидор амакидан.

— Гап шундаки, бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги хотинларини дўстларининг паноҳига қолдириб келишган...

— Ўлдиришдими уни?

— Йўқ.

— Айбномага ишонасизми, Исидор амаки?

— Қайдам... Толстой: «Шайтон, бу — йўлдан озган

фариштадир», — деган. Демак, гуноҳ қилмасидан олдин шайтон ҳам фаришта бўлган... Мен Толстойга ишонаман...

Исидор амаки ўрнидан туриб, ўз сўрасига ўтди.

УЧРАШУВ

Узун, энсиз хона. Узун, энсиз стол. Узун, энсиз иккита скамейка. Столнинг бир томонида — маҳбуслар, иккинчи томонида уларнинг ота-оналари, кариндош-уруғлари ўтиришади. Столнинг икки бошида, тамада ва унинг ёрдамчисидай, назоратчилар тик турволади. Вақти-вақти билан стол ёнида ўтирганларга: «Бўлди, бўлди, тура қолинглар!» — деб луқма ташлаб қўйишади. Пичир-пичир билан бошланган суҳбат охири ғала-ғовурга айланиб кетади. Маҳбуслар энтика-энтика нималарнидир тунунтиришади, илтимос қилишади, яқинлари «хўп» дегандай бош ирғашади, ваъда беришади, қўллари билан кўзёшларини артишади.

Ниҳоят хайрлашув пайти келади. Учрашув муддати тугади. Келганларни бошқа хонага чиқазиб юборишади. Маҳбусларни эса биттама-битта камераларга тарқатишади.

Ҳамма жойда бўлгани каби турмада ҳам учрашувнинг ўз вақт-соати ва тартиб-қондаси бор. Шу боисдан назоратчи мени учрашувга чақирганида жуда таажжубландим. Бўш хонага киритвориб, ўзи қаёққадир жўнаб қолгани эса яна ҳам ажабланарли эди.

Мен стол ёнига ўтириб, рўпарадаги эшикка тикилиб туравердим. Ҳеч ким чиқмади. Сабр косам тўлиб кетди. Билагимнинг томирини ушладим-у, ўзим ҳам кулиб юбордим: юрагим деворнинг орқасида турган назоратчи ҳам эшитадиган даражада гупиллаб уриб ётибди-ю, томирни ушлаб қўришга бало борми?!

Бирдан эшик очилиб, хонага ойим кириб келди.

Эгнида эски, аммо яхши сақланган коверкот плаш, бўйнида оқ холли кўк рўмол, қўлида кичкина қора саквояж билан термос.

Ойим бақирмади, йиғламади, қучоғини очиб югурмади. Шошмасдан стол ёнига келди-ю, қўлидаги нарсаларини қўйди. Сўнг:

— Салом, ўғлим! — деди.

— Салом, ойижон!

Кейин саквояжни очиб, ичидан бир қути сигарета

олди. Гугуртни чакиб, лабига якин олиб борганидагина ияги билан кўллари титраётганини кўрдим.

— Фақат йиғламанг, ойижон! — дедим аста.

— Йиғламайман, ўғлим! Йиғлайвериб кўзимда ёш қолмаган...

Ойим сигарета тутатди. Сўнг саквоаяж билан термосни олиб, менга яқинроқ келиб ўтирди.

... Ё алҳазар, бу аёлга айтадиган қанча гапим бор-у! Жуда кўп нарсаларни ҳикоя қилиб беришим, тушунтиришим, илтимос қилишим керак! Қани энди кўксига бош қўйиб, етказган заҳматларим учун уэр сўрасам, худди уникидай, кўзёшларим тугагунча йиғлайверсам, йиғлайверсам, йиғлайверсам!.. Бу кунни қанча кутдим! Мана энди ойижоним рўпарамда ўтирибди-ю, худди фалаж бўлган одамдай, ўрнимдан жилолмайман, ёнига бориб, оппоқ сочлари ярашиб турган бошини бағримга босолмайман!..

Ойим аҳволимни тушунди шекилли, шундоққина ёнимга келиб ўтирди, сўнг атрофга тезгина бир аланглаб олдию, термоснинг тунука қопқоғини очиб столга қўйди ва унга титроқ қўл билан қайноқ, кўпириб турган қаҳва қўйди.

Қаҳванинг хушбўй хиди гуп этиб димоғимга урилиб, бошим айланиб кетди. Бир ой жазирама саҳрода сувсиз қолган бадавийдай қаҳвага ёпишдим. Термоснинг қизиби кетган қопқоғи бармоқларимни, лабларимни, тилимни куйдирар, аммо мен ҳеч нарсани сезмасдим. Бунақа роҳатни сўз билан тушунтириб бўлмайди. Хушбўй ичимликни энтикиб хўпларқанман, ойим чурқ этмай илиқ кафти билан нуқул бошимни силарди. Шу тобда дунёда иккала-миздан бўлак ҳеч ким йўқдай эди назаримда.

Анчадан кейин тилимиз калимага келди.

— Яна ичасанми? — деб сўради ойим.

Мен бош силкидим.

Энди шошмасдан, қаҳванинг аллақачон унутилган таъмини сезиб ича бошладим.

— Қаҳва яхши эканми?

— Жудаям зўр!.. Учрашувга қандай қилиб рухсат олдингиз, ойи? Тергов тугаптими?

Жавобни кутиб, бутун жисмим қулоққа айланди. Худо кўрсатмасин, тергов шу босқичда тугаган бўлса, тамом бўлдим! Ахир айбсизлигимни ҳали исбот қилолганим йўқ-ку!

— Йўқ, тергов давом этади, аммо ишингни энди бош-

ка терговчи кўrsa керак... Сочингни олиб ташлашибди-да, а? — деб қолди ойим жилмайганча, гапни бошқа ёққа буриб.

— Буни қаёқдан билдингиз, ойи?

— Министрининг олдига кирдим.

Мен донг қотиб қолдим.

— Қанақа министр?

— Ички ишлар министрига-да, қанақа министр бўларди?

Ё раббим, нималар бўляпти ўзи?! Министрга кирипти-я! Ахир мен уни тушимда кўрган эдим-ку!..

— Қачон, ойи?!

— Ўн тўртинчи июнь куни.

Қичқириб юборишимга сал қолди. Қанақа тасодиф бу! Тушимни ойимга айтиб берсаммикин ёки йўқми? Улгуролмайман, ҳали замон учрашув вақти тугайди. Кейин, ишониши ҳам гумон...

— Ўша мен эдим-да, ойи!

— Нима?

— Сиз гаплашган министр — мен эдим!

— Баракалла, ўғлим! Асло руҳингни туширма! — деди ойим кулиб.

— Йўқ, рост айтяпман!

— Дарвоқе, сенга қаеридир ўхшаб кетади. Лекин мен унга, министрга: турмада ётган ўғлимга ўхшаркансиз, деёлмайман-ку!.. Сендан бор ҳақиқатни аниқлашга сўз бердим. Эшитяпсанми? Бор ҳақиқатни! Мени хижолатга қўйма, ўғлим!

Ойимнинг овозида шунча дард, шунча ўтинч бор эдики, ўпкам тўплиб, йиғлаб юборишимга сал қолди.

— Ростом иккаламизда айб йўқ, ойи! Ёлғон бўлса, ўлай агар! Буни Харабадзе ҳам тасдиқлайди!

— Ҳм. Харабадзе дегин... Анови ҳўкиз Ростом Амилахвари бошини шунақаям айлантириб ташлаганки, ундан тайинли бир гап чиқишига ҳам ишонмай турибман...

— Кўрдингизми уни?

— Нукул кулади, бир нималар деб фўлдирайди... Гоҳо, мени гапиртиришмаяпти, деб бақириб қолади...

— Ўша кеча ҳам шунақа деган эди...

— Адвокат университетдан сенга характеристика олиб келиб беришимни илтимос қилди.

— Деканга боринг.

— Бордим...

— Хўш?

- Местком раисига жўнатди.
- Нима учун?
- Характеристика бериш — касаба союз ташкилотининг вазифаси, дейди.
- У нима деди?
- Бермади.
- Нега?
- Сенинг қотил эмаслигинг тўғрисида справка талаб қилди.
- Ким бераркан бунақа справкани?
- Шунисига бошим қотиб қолди-да!
- Энди нима бўлади?
- Қўшнилардан характеристика олиб борган эдим, қабул қилмади: думалок муҳр керак эмиш.
- Вой ярамас-эй! Ўзим уни раисликка сайлаган эдим-а!
- Додингни кимга айтасан!
- Нима қиламиз энди, ойи? — дедим ҳафсалам пир бўлиб. — Характеристика беришмапти, Харабадзе касал...
- Аллақандай «Ангинин» деган дори бор эмиш, японларники...
- Зўр-ку! — мен суюниб кетдим.
- Зўрликка зўрку-я... Аммо бутун Грузияда атиги икки шишача бор экан-да... Битгасини кимгадир беришибди, иккинчисини ҳам бировга асраб туришганмиш...
- Олиб сотарларди-чи?
- Қайдам... Эҳтимол бордир, лекин нархи осмонда-да...
- Ойижон! Жон ойи! Харабадзени қандай қилиб бўлса ҳам даволаш керак!
- Балки ҳожати йўқдир?
- Менга ишонмаяпсизми, ойи?
- Гап унда эмас, ўғлим... Харабадзе ҳамма айбни сизларга ағдарса-чи, унда нима бўлади?
- Бунақа бўлиши мумкин эмас! Ойижон! Ҳамма нарсани сотинг-у, лекин дорини топинг! Акс ҳолда хароб бўламиз.
- Харабадзенинг қариндошлари ўша дорини қидирмаяпти деб ўйлайсанми? Йўқ ҳеч қаерда!
- Ҳамма нарсани сотинг, ойи!
- Нимани сотаман, ўғлим?
- Ҳа, дарвоқе, ниманиям сотарди? Эсимни таниганимдан бери уйимиздаги буюмларни сотамиз...

— Қарз олинг, ойи! Чиққанимдан кейин ўзим узаман... Ортиғи билан узаман!

— Бўпти, ўғлим!

— Бирортасидан сўранг.

— Албатта сўрайман, ўғлим.

— Анови... Харабадзенинг уруғлари билан гаплашинг. Ҳаммасига ўша галварс сабабчилигини тушунтиринг. Шишани ўша отган!

— Тушунтираман, ўғлим, тушунтираман.

— Қандай қилиб бўлса ҳам даволашсин! Бўлмаса ўлдираман, калласини оламан у аблаҳни! Энди менга бари бир!

— Хўп, ўғлим, айтаман!

— Мени қотил деб билишларини истамайман!

— Тўғри қиласан, ўғлим!

— Айтинг ҳаммасига — терговчига ҳам, министрға ҳам, судьяга ҳам, Харабадзенинг уруғларига ҳам, дўхтирга ҳам, анови гувоҳлар — саккизта эркакка ҳам айтинг: нима бўлганини яхшилаб эслашсин! Менга ишонишсин! Бўлмаса уларни ҳам, ўзимни ҳам ўлдираман.

— Айтаман, ўғлим, айтаман!

— Нима қиларди орага суқилиб! Тинчгина ўтирган эдик! Ким уни чақирибди?! Ўзи хиралик қилиб ёнимизга ўтирволди!

— Қўй, ўзингни бос, ўғлим! Қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан! Ўзингни бос, болагинам!

— Йўқ, йўқ, йўқ!

Бутун вужудим титрарди. Ойим сакраб туриб, елкамдан кучди.

— Бўлди, ўғлим, бўлди! Сени ташлаб қўймайман, ҳамма ишни қиламан! Керак бўлса, одамлардан садақа сўрайман! Бу ҳам етмаса, жонимни тикаман! Сендан юз ўгирмайман, ўғлим! Сени қаёққа жўнатишмасин, судьянинг оёғини ўпиб бўлса ҳам, изингдан боришга рухсат оламан! Рухсат бермаса, мен ҳам жиноятга қўл ураман! Иккаламиз бирга бўламиз! Қўркма, қўзичоғим!..

Мен тиз чўкиб, ойимнинг тиззасига бош қўйдим, қўлларини ўпа бошладим.

— Мени кечиринг, ойижон! Кечиринг!..

— Унақа дема, ўғлим! Сендан мен кечирим сўрашим керак — келиб, ярангга туз сепдим... Майли, ҳечқиси йўқ, бу кунлар ҳам ўтиб кетади!..

Хонага назоратчи кирди.

— Учрашув вақти тугади, — деди у бизга қарамасдан.

— Яна бир минут, ўғлим, атиги бир минутгина! — деб ёлворди ойим.

Назоратчи индамай чиқиб кетди.

— Тур, ўғлим! Дадил бўл! Қани, менга қара-чи! Ёдингда тут: ҳамма илтимосларингни бажо келтираман. Қўрқма!

— Раҳмат, ойи!

— Яқинда сени янги терговчи чакиради.

— Раҳмат, ойи!

— Лекин қўполлик қилма!

— Хўп, ойижон!

— Мулойим гаплаш, ҳаммасини тушунтир, ишонтиргин уни!

— Ҳаракат қиламан, ойи!

— Энди хайрлашамиз! Ўзингни эҳтиёт қил! — Ойим ўрнидан турди.

— Бўпти, ойи!

— Берироқ кел-чи...

Мен ойимнинг ёнига бордим. У мени бағрига босиб, хўнграб юборди. Кўзёшлари юзидан думалаб тушиб, иягидан чакиллаб тома бошлади. Мен ноқобил фарзанди учун кўзёшларини ханузгача асраб қололган онамга хайрат билан боқардим.

Уни аста ўтқиздим. Ойим қўлларини стол устида чалкаштириб, билагига бошини қўйганча силкиниб-силкиниб йиғлайверди.

Бир минут ўтди, икки минут ўтди... Назоратчидан дарак йўқ эди. Чидаёлмадим. Бориб эшикни муштлашга тушдим. Ҳовлиқиб назоратчи кирди.

— Олиб кетинг мени, илтимос!

Назоратчи ойимга қаради. Ойим рўмолининг учи билан кўзларини артиб, бош ирғади ва назаоратчига мамнун жилмайиб қўйди.

Биз хонадан чикдигу чурк этмай коридорни босиб ўтдик. Назоратчи ҳовлидаги водопровод олдида тўхтаб сув ичди, енги билан оғзини артаркан:

— Ич! — деди менга.

Сув ичгим йўқ эди, назоратчининг ҳам чанқоқ эмаслигини сезиб турардим. У азбаройи мени деб тўхтаган эди.

— Ювинвол, йигитча! — деди у яна. — Яхшимас, кўзларинг қизариб кетипти...

Юзимга ҳовучлаб муздай сув сепдим, анча енгил тортиб, назоратчига миннатдорлик билан қарадим.

— Ойингми? — деб сўради у.

— Ҳа!

— Сезувдим, кулгиларинг ўхшаркан.

— Эҳтимол.

— Уят эмасми?

Мен назоратчига таажжуб билан боқдим.

— Нега тикилиб қолдинг? Уялмайсанми, дейман? — деб такрорлади у.

Индамадим, қоидага кўра кўлимни орқамга қилиб, юриб кетдим.

СЕНТИМЕНТАЛ ГУМАНИЗМ

Турмада ўғрининг ошиғи олчи, у ҳеч кимга бўйсунмайди. Ўғри бировнинг ишига аралашмайди, биров ўғрининг ишига аралашуви ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Шунга қарамай, маълумоти, касби, қисмати, хулқ-атвори ва миллатидан қатъий назар, бошқа ҳар қандай кишидан кўра ўғри билан турмада ётган минг марта афзал. Ўғри йўқ камера кимсасиз оролга ўхшайди, кема ҳалокатига учраганлар бу ерда кимдир қутқаришини кутиб, бир-бирларининг гўштларини ейишади. Ўғрилар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқ кишини баъзан хайратга солади! Ўғри ўғридан фақат маълумотининг қай даражада эканлиги билангина фарқ қилади, чунки уларнинг конституциясида мажбурий умумтаълим тўғрисидаги модда йўқ. Дарвоқе, маълумот ўғрига ҳеч қандай имтиёз ҳам бермайди: уларнинг бари бир хилда бахтсиз. Улар учун ижтимоий, моддий ёки миллий чегара йўқ. Ўғри Месопотамияданми, Танзанияданми, Чохатауриданми — бари бир ўғри. Ўғрилар учун қора, оқ, қизил, сарик ранглар ҳам бўлмайди — ҳамма ўғри бир хилда қора. Ўғри ишламайди, унинг касби йўқ, шу сабабли унинг учун касб рақобати ёки касбдан ғурурланиш деган туйғулар ҳам бегона. Ўғриларнинг бирдан-бир касби — ўғирлик. Ўғри ўғрини қандайдир буюк фазилати учун ҳурмат қилиши мумкин, лекин бу унинг шахсий иши. Ўғрилар турмада бирга тамадди қилишади, сўнгги бурда нонни бўлиб ейишади, ҳаммавақт бир-бирларини қўллаб қувватлашади. Ўғри озодликда қанчалик қўрқоқ ва ишончсиз бўлса, турмада шу қадар ботир ва шеригига беҳад садоқатли бўлади. Турма ўғрилар учун бамисоли жан-

нат, бу ерда улар ўзларини денгиздаги балиқдай ҳис қилишади. Шунинг учун ҳам улар камерани тозалашмайди, шунинг учун ҳам Гоголь тузган навбатчилар рўйхатида ҳаммамизнинг фамилиямиз бор-у, Девдариани билан Гулояннинг фамилияси йўқ.

Бугун Шошиа билан Мебуришвили навбатчи. Улар челакни бўшатиб келишди, бакка сув тўлғазишди, мана энди Шошиа тўнғиллай-тўнғиллай камерани супуряпти. Тигран иккаламиз шахмат ўйнаямиз, бошқалар ўз сўриларида чордона куриб ўтиришибди.

— Нима, бошқалардан ёмон ўғриманми? Бошқалардан кам ўғирлаганманми? — деб қолди бирдан Шошиа жигибийрон бўлиб.

Гапни қаяққа бураётганини сезиб турган бўлсам ҳам, индамадим...

— Рост-да, кимдан камим бор? — деди яна Шошиа супурги дастаси билан оёғимизга туртиб.

Тигран фарзинни кўтарганча қотиб қолди. Аввал менга, сўнг Шошиага қаради.

— Ким ҳақида гапиряпсан, азизим Шошиа? — деб сўради ниҳоят.

Шошиа унинг сўзларига парво қилмай, бидирлай кетди:

— Ўғримисан, Мао Цзэ-дунмисан, Искандар шоҳмисан — менга бари бир! Тозалик ҳаммага керак! Ҳа! Бошқаларнинг ахлатини тозалаш менинг ишим эмас! Шуми адолат?!

— Зазажон, кимни чалпияпти бу? — деб сўради Гулоян мендан.

— Юрсанг-чи, менга жавоб бериб юборишса, ўйинимиз чала қолади.

— Хаши¹ саккиз! — деди Тигран шахмат донасини суриб.

— Кабоб² тўрт! — деб жавоб бердим мен.

— Сенга фақат майнавозчилик бўлса! — Шошиа менга ташланиб қолди.

— Нега унақа дейсан, Шошиа, кеча навбатчилик қилдим-ку! — дедим ҳайрон бўлиб.

— Сени айтаётганим йўқ... Бошқалар бор...

— Ким ўша бошқалар? Менми?

^{1,2} Х а ш и, к а б о б — миллий таомлар. Гулоян билан Накашидзе хаши деганда «ҳ»ни, кабоб деганда «к»ни (шахмат катаклари) назарда тутишади.

— Албатта! Девдариани икковинг! — деди Шошиа бұш келмай.

— Хұш, нима демоқчисан? Гапир!

— Шулар билан тенг бұласанми, Шошиа?! — деб бакириб берди Мебуришвили. — Биласан-ку, турма ұғриларники. Тұғрими гапим, староста?

— Сен етмай турувдинг! — деди ғижиниб Гоголь. — Айтилди-ку: ұғри — турманинг хұжайини. Яна сұрайди-ган бұлсанг тилингни суғуриб оламан!

— Мен нима дедим? — Мебуришвили ұзини оқлашга тушди. — Турма ұшаларники дедим, холос.

— Ушаларинг — ким? Нега уларники бұларкан?! — Шошиа яна қайнаб кетди. — Ишлаш, супуриб-сидириш, челакни бұшатиш, сув ташишга келганда турма уларники бұлмай қолади, еб-ичиш бұлса жон дейишади.

— Шошиа, ишламаган — тишламайди, дея кўрма зинхор! Балоба қоласан! — дедим мен.

Хамма кулди.

— Рост-да! Турмада шулар хұжайин, бошқа жойда эса... — Шошиа уёғини айтишга журъат этолмади.

— Хұш, хұш... Бошқа жойинг қаер? — деб сұради Тигран.

— Нима, турма шунчалик камёб нарса эканми? Мархамат, биздан ажралиб, «Совет Иттифоқи ұғриларининг Автоном республикаси»ни тузиб олишсин! — деди Шошиа.

— Лимон иккаламиз ҳам ұғри эканлигимиз ёдингдан чикдими? — Тигран шундай дедию шахмат тахтасидаги доналарни сидириб ташлади.

— Хой, одамлар! — Шошиа сўрида ётганларга ұғирилди. — Нима деяпти булар? Биздан ортиқ жойи бор эканми буларни? Лимон иккаласи нимани қойил қип кўйипти? Биттаси ўн сўм учун одам ўлдирган, иккинчиси ёпик бозорда бир ночор деҳқоннинг пишлоғини ұғирлаган. Хой, Гулоян, шуни билиб кўй: мен ўмарган пулларни бутун уруғ-аймоғинг бир бўлиб ўн йилда ҳам санаб тугатолмайди! Бир миллион тўққиз юз минг! Бу қўлга тушганимдагиси! Сув қилиб юборган пулларимни санашга яна ўн йил керак! Хұш, қани айт-чи, ким кўпроқ ұғирлаган: менми ё Лимон икковингми? А? Мендан қаерларинг ортиқ? — Шошиа жаҳл билан супургини полга улоқтирди-ю, икки қўлини белига тираганча Гулоянга тикилиб қолди.

— Шошиа, — деди ранги оқариб кетган Тигран. —

Чипқонлигингни билардим-у, лекин қачон ёрилишингни билмасдим! — Шундай деб у ўз сўриси ёнига борди-да, бир тортишда тўшагини чокидан сўкиб, ичидан устара чиқазди.

Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Устара борлиги ҳеч қайсимизнинг хаёлимизга ҳам келмаганди. Шошиа орқасига тисарилдию деворга суянганча қотди-қолди.

Девдариани сўридан сакраб тушиб, Тиграннинг йўлини тўсди.

— Нима қиласан жўжахўрозлик қилиб! Буёққа ол устарани!

— Қўйвор, Лимон, қонини ичаман бу аблахни! — деди Гулоян титраб.

— Узат, деяпман!

Гулоян устарани Лимонга бериб, рўпарамга ўтирди. Пайтдан фойдаланган Шошиа шоша-пиша ўз сўрисига чикволди.

Девдариани устарани буклаб, Исидор амакининг сўрисига отди.

— Яшириб қўйинг, Исидор амаки!

Сўнг Шошиага ўгирилди:

— Гоголадзе!

Ўтақаси ёрилган Шошиа миқ этмасди. Шу тобда у итдан қочиб дарахтга чикволган, ғажиб ташламоқчи бўлиб пастда ириллаётган рақибига даҳшат билан тикилиб турган мушукка ўхшарди.

— Гоголадзе! — дея такрорлади яна Девдариани. — Қаерим сендан ортиқлигини айттайми?.. Биринчидан, мен — Девдарианиман... Иккинчидан, мен одамман, сен — хайвонсан... Учунчидан, миллион сўм ўғирлаган махлук қайтиб бу ишни қилмайди! Сизлар-чи? Сизлар нима қилгансизлар? Шеринг Гварамадзе миллион сўмни дарахт тагига кўмиб қўйибди. Одамми у?! Йўқ, палид у! Сен ҳам шунақасан! Сен ҳам пулни ерга кўмиб қўйган бўлсанг керак ҳойнаҳой! Ўлганингдан кейин болаларинг қанақиб топади ўша пулларни?! Қабрингга тупуришади хали! Билдингми?

— Нега, нима учун? — деб ғўлдиради Шошиа.

— Шунинг учунки, сен ҳам палидсан!.. Пулни ҳам ерга кўмадим одам!.. Наҳотки пулга муҳтож қариндошларинг бўлмаса? Ёки кўча-кўйда қўл чўзиб турган тиланчига ҳам кўзинг тушмаганми? Черковга боргин эди, шу пайтгача ер ютмаганига шукроналар айтиб, шам ёққин

эди!.. Пулни кўмганмиш-а! Хў, текинтомоқ иблислар!.. Яна ўзингларни бизга солиштириб ўтирибсизларми?! Сен ҳеч қачон бу ердан чиқиб кетолмайсан, чунки озодликда юришга муносибмассан! Сени суягинг шу ерда чириши керак!

— Чирияпти-ку ҳалиям! — деди Шошиа йиғламсираб.

— Баттар бўл! Сенлар одаммисанлар? Еб тўймас, очкўз аждарҳосанлар! Сенларга қанча бўлса ҳам оз кўри-наверади! Бугун — бир миллион, эртага — икки миллион, индинга — уч миллион бўлса дейсанлар!

— Мен давлатдан ўғирлайман, сенлар камбағал одамларни шиласанлар! — деди Шошиа ўзини оқлаган бўлиб.

— Камбағалларни эмас, сенга ўхшаган аблахларни шиламиз!

— Мен меҳнат қиламан!

— Меҳнат қиламан? Ҳозиргина «ўғирлаганман» деддинг-ку?

— Ўғирлаган бўлсам ўғирлагандирман. Лекин сен нега энди мени шиласан?

— Ўғирлаган ўғри — ўғри эмас, исини чиқазмаган ўғри!

— Айтдим-ку, мен давлатникини ўғирлайман. Бу бутунлай бошқа нарса!

— Нима, давлатга пул керак эмасми сенингча? Ёки давлат — соғин сигирми? Сенга ўхшаган ҳаромхўрлар кечасию кундузи қонини сўриб турганига чидаган давлатга раҳмат! Ўлай агар, раҳмим келади давлатга!

Шу гапларни гапираётганида Девдарианининг кўнглидан нима ўйлар кечганини билмайман-у, аммо Шошиага ўхшаганлар қонини сўриб ётганини кўз олдимга келтириб, давлатга ростдан ҳам ичим ачиб кетди.

— Бўпти, бўпти, Девдариани, энди қўлимга рўмолча олиб, давлатга мотам тутарканман-да! Топган етимчангни қара-ю! — деди Шошиа кесатиб.

— Шунча пулни нима қиласанлар, а? Деворга ёпиштирасанларми?

— Бола-чақага, Лимон, фарзандларга, — деди Шошиа маъноли жилмайиб.

— Бола-чақа эмиш-а! Биламан сенларни! «Ҳақиқий грузин» қилиб ўстирмоқчисанлар-да, а? Зиёлиларни тарбияляпсанлар? Инглиз тили, музика, рақс... Тоғда дача, денгиз бўйида дача, ўрмонда дача, машина, диплом, Тбилисида «ёғли» жой, ҳашаматли уй... Хўш, болаларнинг ўзлари нима қилишади, а? Унақа ношудларни кимга ке-

раги бор? Хе, қўшмозор бўлинглар ўша такасалтангла-ринг билан! Тағин Тигранга таъна қилганига ўласанми! Тигран бир одамни ўлдирган, бунинг учун жавоб бера-ди. Сен-чи? Сен кулиб туриб минглаб одамларни жони-ни оласан, энди жавобгарликдан кочмоқчимисан?! Каме-рани йиғиштиришдан бўйин товлайсан! Челакни бўша-тиб келишга оғринасан! Хў, ярамас! Пастга тушгин, кал-лангни мана шу челакка тикмасам одам эмасман!

Девдариани нафасини ростлади.

— Ўзинг-чи, ўзинг! — деб тўнғиллади Шошиа. — Ўзинг фариштамисан?! Хе, ўргилдим!..

— Мен ўзимни фариштаман деётганим йўқ! Ўлганим-дан кейин зурриётим тугайди. Сен бўлсанг, иккита ит-ваччанг етмагандай, яна аллақандай Сиранушга уйла-ниб, халигиларни кўпайтирмоқчимисан!

— Уйланаман! — деб бақирди Шошиа, гўё Девдари-ани севгилисини тортиб олаётгандай.

Ортиқ чидаб бўлмасди. Бениҳоя таранглашган асаб торлари ё узилиши ё бўшашиши керак эди... Шошиа-нинг охирги нидоси жонга ора кирди: асаблар бўшашиб, ҳамма кулиб юборди...

— Ол-а! Бир-бировларининг кекирдаklarини узиб оли-шади, деб ўйловдим. Булар ҳиринглашади-я! Хўш, нега куласанлар? — деб тўнғиллади Тигран сўрисига чўзи-ларкан. Девдариани ҳам ўз жойига қайтди. Мен Исидор амакининг ёнига ўтирдим.

— Эшитдингизми, Исидор амаки? Бу Лимон эмас, нақ Маратнинг ўзгинаси!

Исидор амаки бош ирғаб қўйди, бир лаҳза ўйланиб турди-да, сўнг қўлини юқорига кўтариб, эхтирос билан хитоб қилди:

— Агар Кавкасионининг мангу музликлари қалби қайноқ, руҳи тетик, феъли кенг ватандошларимизни ҳов-ридан тушириб турмаганда улар ўзларидаги беҳисоб нуқ-сонларга қарамай ажойиб мўъжизалар яратишган бўлур эди...

Сентиментал (французча) — хаддан ташқари таъ-сирчан, йиғлоқи дегани.

Гуманизм (лотинча) — одамларга муҳаббат, инсон қадр-қимматига ҳурмат туйғуси билан йўғрилган дунёқа-раш.

«Гуманизм» деган сўз Библиядаги илк сўзлар ичида нечанчи ўринда туришини ёки Ер юзиде инсон пайдо

бўлганидан кейин қайси минг йилликда бу сўз биринчи бор тилга олинганини аниқ билмайман, лекин бир нарса шубҳасиз: энг улуг инсонпарварлик олло-таоло гуноҳга ботган Одам Ато билан Момо Ҳавони жаннатдан қувиб юбориб, шу тариқа уларни абадий ҳузур-халоват ва бешташвиш турмуш азобидан халос этганида содир бўлган.

Ўшанда яратганнинг бу қилмишини кўпчилик, жумладан Одам Ато билан Момо Ҳаво ҳам, ўта шафқатсизлик деб баҳолашган эди. Энди эса, бу воқеага йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан туриб назар ташлаганимда парвардигор инсонпарварликнинг, ўз бандаларига меҳр-шафқатнинг олий намунасини кўрсатганига астойдил имон келтираман. Одам Ато билан Момо Ҳавога ҳаёт қувончларини бахш этган, уларнинг томирларини қайноқ қон билан тўлдирган, жаннат нағмаларидан мудроққа кетган қалбларида изтироб ва эҳтирос оловини ёққан Оллоҳнинг бу иродасини яна қандай баҳолаш мумкин?!

Мана шу ҳақиқий гуманизм, мана шу буюк инсонпарварлик учун парвардигори оламга Одам Ато ва рафикасининг беҳисоб ва миннатдор авлодлари номидан қанчадан-қанча шукроналар айтганман...

Энди сентиментал гуманизм масаласига келсак, бу тушунча анча кейин пайдо бўлган, уни, худо каби, одамлар ўйлаб топишган ва шуниси ажабланарлики, одамларро муносабатнинг бу маҳсули... турмада дунёга келган...

Турмада ҳамма раҳмдил бўлиб кетади. Масалан, Гулоян кун бўйи Р. Коркиянинг «Шўр бешик» ҳикояси қаҳрамонининг аччиқ қисматиغا ачиниб, ёш тўкиб ўтирди.

— Шу ҳам ишми? Ёш болани армияга олишга уялишмаганини қаранглар-а! Аблаҳ оқ гвардиячилар-чи? Унга ўқ узишипти-я! Бола отдан йиқилганида одамларнинг кўзи қаёқда эди? Ёрдам беришса бўлмасмиди? Сизлар мана шунақасизлар, грузинлар!

— Ҳикоя грузинлар ҳақида эмас-ку, Тигран! Ундан ташқари, замон шунақа эди у пайтда... Уруш кетаётган эди...

— Э, қўйсанг-чи! Ўша ерда бўлганларнинг ҳаммасини пешонасидан отиш керак! Ўн беш йил намақобда ётиб кўр-чи, нима аҳволга тушаркинсан!..

Тигран, тонетлик ўрмончини киприк қоқмай жонидан жудо қилган Тигран юм-юм йиғларди.

Турмада мархумларга ҳам ачинишади: Лаврентий Пав-

лович Мебуришвили, истеъфога чиққан (ёки ишдан ҳайдалган) майор, қабристоннинг собиқ директори, ҳар бир қабр устига кунига уч мартадан борардим, бирининг атрофидаги гулларга сув қуярдим, иккинчисининг тепасида соатлаб ёш тўқардим, таниш-билишларнинг қабр тошлари чангини мана шу шоҳи рўмолчам билан артардим, дея бизни ишонтиришга уринади.

— Ҳой, қабристон директори, — деб мурожаат қилади унга Шошиа, — нима учун ўттизта сохта қабр, яна тош қўйилган қабр топилганини ёки жасад устига жасад қўйиб, уларнинг қариндош-уруғларини шилганини гапирмайсан?

— Сохта қабрларни ўзимга опқўймаганман, азизим! Ўттизта қабрни бошимга ураманми? Дўстларимни ўйлаганман, сизларни ўйлаганман!.. Ҳамманинг борадиган жойи ўша ер... Ҳар қандай келажак бугундан бошланади, сўнг ўтмишга айланади, ана шу ўтмиш — бизнинг келажакимиз, — деб тушунтиради Мебуришвили.

— Ҳе, фалсафандан ўргилдим! Ўлай агар бир нарса тушунган бўлсам! — дейди Шошиа.

— Қабристонга олиб бориб, ўша сохта қабрга тикқанларида тушунасан! — деб тасалли беради унга Мебуришвили.

— Ҳой биродарлар! — Шошианинг хуноби ошади. — Нима учун бу одам сохта қабрларни пуллайди?

— Менга қара, — дея унинг гапини бўлади Тигран, — сохта деганинг нимаси?

— Ёлгон деганим-да! Қабр бор. «Бу ерга ўғри Тигран Гулоян дафн этилган, № 23041», — деган ёзув ҳам бор. Лекин қабр бўш. Тушундингми энди?

— Демак, тирик одамларни кўмган экан-да? — дейди Тигран.

— Бир ҳисобда шундай... Ана шунақа сохта қабрлар ўттизта бўлган, бу ўша қабрларни сотган, пора олган... — деб изоҳ беради Шошиа.

— Ишонманглар буни гапига! Нимани тушунарди бу чаласавод! Порани нима алоқаси бор? Нима ўзи пора дегани? Бошига кулфат тушганда бировга ёрдам берсаму у бунинг эвазига менга миннатдорлик билдирса — пора бўладими шу? Қанча одамга қабр ҳадя қилиб юбордим! Мана, масалан, бирортангиз олдимга келиб, қабр учун тузукроқ жой ажратиб беринг, десангиз, йўқ дейманми? — астойдил таажжубланди Мебуришвили.

— Ҳм... Қандай даҳшат! Лекин бу ҳам инсонпарвар-

ликка киради! — дейди бир нуқтага тикилиб, ўй суриб ётган Чейшвили.

— Кўйсанг-чи, Мебуришвили? Чўпчагингни бошқаларга айтасан, аҳмоқ одам йўқ бу ерда! Бўйнига хоч осволиб, ўзини авлиё қилиб кўрсатмоқчи! Қип-қизил порахўрсан, нафси ўпқон, дарди бедаво порахўрсан, билдингми?! — дея гапга аралашди Чичико Гоголь. Гамцемлидзе билан бўлган жанжалдан кейин уни олти сутка карцерга қамаб қўйишган, шундан бери анча мулойим тортиб қолган эди, ammo Мебуришвилига нисбатан нафратини барибир яширолмади.

— Ўзинг жиноятчи бўла туриб, мендан бир туки ортиқ бўлмаган манови одамлар олдида каминани ҳақорат қилишга уялмайсанми, Гоголь? — деди Мебуришвили ўта босиқлик билан. Чунки Гоголнинг Гамцемлидзени қандай калтаклаганини ҳали ёдидан чиқазмаган эди.

— Ўрнимдан турайми, Мебуришвили? — дея пўписа қилди Девдариани.

— Ўғриларни назарда тутганим йўқ! — Мебуришвили шоша-пиша гапини тўғрилади.

— Бекор айтибсан! Бу ерда сендан палидрок одам йўқ! — деб ўшқирди Гоголь.

— Нега энди, Гоголь? Мени биров билан адаштираётган бўлмагин тагин? — деди Мебуришвили.

— Йўқ, адаштираётганим йўқ! Сен одамларнинг бошига тушган кулфат орқасидан бойлик орттирган, қабрларни пуллаган, энди эса бўйнига хоч осволиб, биз билан бир камерада ўтирган ва кечалари ўғринча тамадди қиладиган Коммунистик партиянинг собиқ аъзоси ўрток Мебуришвили бўласан! Гапим тўғрими?

— Ўзингни гўлликка солма, Гоголь! Партия билети ўз вақтида иккаламиз учун ҳам нон карточкаси олиш воситаси бўлган! Бўйнимга хоч осаманми, гишт осаманми, бу — менинг ишим!

— Йўқ, фақат сенинг ишинг эмас! — деб эътироз билдирди Гоголь.

— Яна кимнинг иши? — деди кесатиб Мебуришвили.

— Лоақал менинг ишим! — деб жавоб берди Гоголь.

— Мен билан партиянинг ўртасига ким сени даллол этиб тайинлади? — деди Мебуришвили жиғи-бийрон бўлиб. — Ҳе, сендақа марксизм-ленинизм ғояси учун курашчидан ўргилдим! Мен ўз вақтида, мени хароб қилмасларидан олдин, ҳақиқий коммунист бўлганман, агар билсанг!

— Хароб қилмасларидан олдин деган гапингни қандай тушуниш керак, Мебуришвили? Пора олишни тақиқлаб қўйишган-да, шундайми?

— Мен порахўр бўлиб туғилмаганман!

— Ҳа, сен ҳамма вақт фаришта бўлгансан!

— Ҳа, шунақа!

— Биламан! Шу даражада софдил бўлгансанки, ҳатто пораларинг ҳисобидан ҳам партвзнос тўлагансан?

— Сенга ўхшаб?

— Ёлғон гапиряпсан, Мебуришвили! Мен учун партия билети ҳеч қачон нон карточкаси бўлган эмас, чунки мен партиясизман! Марксизм-ленинизм ғоялари билан ҳам қизиқмаганман! Мени бошқа нарса ташвишлантиради: ўз партияси ва ўз партбилетини ўттизта сохта қабрга алмаштирган одам менга ёки бошқаларга вафо қилармиди? Ҳаммамизни мол бозоридаги жонвордай сотиб юборасан-ку!

Мебуришвили индамади.

— Қалбинга-ку тупурибсан, энди муқаддас хочни ҳам ҳаром қилмоқчимисан?

— Эътиқод эркинлиги конституцияда ёзиб қўйилган!

— Худони ва виждонни сотиш эркинлиги ҳамми?

Гоголь Мебуришвилининг устига бостириб бора бошлади. Мебуришвили оғирроқ бирор нарса излаб, атрофга аланглади, лекин ҳеч нарса топа олмай, стулни кўтарди:

— Яқинлашма! Бошингни ёраман!

— Гоголь, қўйсанг-чи! — деди Девдариани.

— Аралашма, Лимон! Мен сенларнинг ўғирлик ишларинга аралашмайман-ку! — дея чўрт кесди уни Гоголь ва бизга ўгирилиб: — Ким аралашса — ўлдираман! — деди кўзини олайтириб.

— Яқинлашма! — деб чинқирди яна Мебуришвили ва стулни бир четга улоқтириб, эшикка қараб югурди. Аммо Гоголь унга етиб олиб, бақувват панжалари билан ёқасидан ушлади-да, бир силтаб ўзига қаратди:

— Хочни чиқаз!

Мебуришвили буйруқни бажо келтирди.

Гоголь хочни кафтига қўйиб, унга бир оз тикилиб тургач:

— Ўнта амри вожибдан хабаринг борми? Исонинг амри вожибидан? — деб сўради Мебуришвилидан.

— Бу ер диний мактаб эмас, Гоголь? — деди Мебуришвили.

— Гапир! — Гоголь унинг иягига муштини тиради.

— Ўлдирма! — деди Мебуришвили овози титраб.

— Кўркма, ўлдирмайман, лекин бу — бешинчи амр. Бир бошдан айт.

— Хиёнат қилма!

— Олтинчиси бу! Бир бошдан айт, деяпман.

— Ёдимда йўқ.

— Инжил нечта, буни биларсан?

— Тў... Тўртта, — деди Мебуришвили иккиланиб-рок.

— Тўғри. Тўртта. — Гоголь шундай. дедию кулочкашлаб Мебуришвилининг юзига тарсаки тортиб юборди. — Бу бир, ўзинг хиёнат қилган партия номидан!

— Бу икки, ўзинг хиёнат қилган худо номидан! — Гоголь яна тарсаки тушириб, Мебуришвилининг бўйнидаги хочни юлиб олди. — Буни осиб юришга муносиб эмассан!

— Мана буниси — уч, қабристонингдаги марҳумлар номидан! — Учинчи зарбадан Мебуришвили чайқалиб кетди.

— Буниси эса — мендан! — Гоголнинг гурзидай мушти Мебуришвилининг бошига тушди. У бир инградияо чўккалаб қолди. Гоголь хочни унинг ёнига қўйиб, бориб эшикни тақиллата бошлади.

— Безовта қилганим учун узр, оғайнилар! — деди сўнг бизга қараб. — Бошқа иложим йўқ эди! Ёшлигимдан бунақа аблахларни ёмон кўраман! Нима учун директоримни урдим? Нима учун ёшим бир жойга борган бўлишига қарамай, безори деган айб билан қамоққа тушдим? Чунки директорим ҳам мановингга ўхшаган разил одам!

Камерага назоратчи кирди.

— Нима гап? Ким тақиллатди? — деди у ўдағайлаб.

— Илтимос, манови иблисни опчиқиб кетинг, начальник, кейин мени ҳам олинг, мен уни дўппосладим! — деди Гоголь ва ўзи назоратчига қумаклаша бошлади.

— Зўравонлик! — деб тўнғиллади Чейшвили, Гоголни олиб чиқиб кетишгач.

Гуманизмдан гуманизмнинг фарқи бор.

Эсимда, қамоққа тушмасимдан олдин, якшанба кунларидан бирида ўртоғим Нодар билан яёв Бетаниага¹ қараб жўнадик.

¹ Б е т а н и а — Тбилиси яқинидаги кўхна архитектура ёдгорлиги.

Йўлда дайдиб юрган эгасиз бир эшакка дуч келдик. Борадиган манзилининг тайини йўқ жонвор кулоқларини осилтирганча боши оққан томонга қараб одимларди.

— Биз эмас, бўрига дуч келганида кўрарди кўрадинганини! — дедим мен. Нодар кулиб юборди.

— Нега куласан?

— Бир нарса эсимга тушиб кетди.

— Нима экан?

— Қизик бир иш бўлган: ўтган йили археолог ўртоқларим экспедицияга боришган эди. Йўл-йўлакай эшак сотиб олишибди. Манзилга етгач, эшакдан юқларни туширишибди, палаткаларни тикишибди, жойлашишибди, қарасалар, эшак ортиқча эмиш.

— Нима қиламиз буни? — деб сўрабди биттаси.

— Қўйворамиз! — дебди иккинчиси.

— Йўғ-э, раҳм қилиш керак! Бўриларга ем бўлади! — деб ўртага тушибди учинчиси.

— Бўлмаса, шу ерда юраверсин! — дея маслаҳат берибди тўртинчиси.

— Ким унинг ем-сувидан хабар олиб туради? — деб эътироз билдирибди бешинчиси.

— Унақа бўлса, ўлдирамиз! — дебди олтинчиси.

— Нима билан ўлдирамиз? Милтиғимиз йўқ-ку? — деб бош қашлабди биринчиси.

Кейин шундай тadbир ўйлаб топишибди: эшакнинг қорнига динамит боғлаб, пилигига гугурт чақишибди, эшак тилка-пора бўлиб кетибди-ю, ҳайтовур, бўриларга ем бўлишдан қутулибди. Даҳшатли воқеа, аммо бу ҳам гуманизмнинг бир кўриниши...

...Турмада ҳатто қурт-кумурскаларга ҳам ачинишади. Масалан, Шошиа дуст-дори кашф этилишидан инсоният ҳам жабр кўрди, деб ишонади. Одамларнинг ортиқча қонини сўриб, шу тарика организмда қон айланишини тартибга солиб турадиган тахтакана ва бургалар ўша дорининг дастидан қирилиб кетаётганмиш. Оқибатда гипертония, атеросклероз, лейкокемия, инфаркт, инсульт, стенокардия ва яна ҳали ўзимиз ҳам билмайдиган турли-туман касалликлар бениҳоя кўпайганмиш.

— Илгари шунақа касалликларга ҳеч ким чалинганми? — деб сўрайди Шошиа.

Биздан садо чиқмайди, чунки жавоб беришга ожизмиз.

— Ана, кўрдингларми — мен ҳақ эканман! — дейди Шошиа севиниб. — Хитойда ҳам шундай бўлган эди.

Чумчуқларни кириб ташлашди. Хўш, оқибати нима бўлди? Шолнинг ҳосили пасайиб кетди! Тўғрими гапим?

Яна ҳамма жим. Бирдан Тигран тилга киради:

— Хўп, бурга билан чумчуқлар — майли. Бит-чи? Битдан нима фойда?

Энди Шошиа гангиб қолади, чунки бит инсон учун фойдалими-йўқми, аниқ билмайди.

Ҳа, турмада ҳамма нарсага ачинишади, фақат ўз асаблари ҳақида ўйлашмайди.

... Бу гал Гоголни нарсалари билан олиб чиқиб кетишди. Ҳаммамиз уни яхши кўрардик, бинобарин, у кетганидан кейин камера ўлик чиққан уйдай ҳувиллаб қолди. Фақат уйқуга ётишдан олдин Исидор амаки:

— Агар асабларимизни асрамасак, давлат беиш қолади: ўзимиз бир-биримизни гўрга тикамиз! — дедию бошига адёлни тортди.

ЯНА ШУБҲА-ГУМОН

Ойим тўғри айтган экан. Бир хафтадан сўнг мени янги терговчи чақиртирди.

У Гагуадан ёшроқ эди. Кабинетга кирганимда саломлашмади, ўтиришга жой кўрсатмади, чекишни таклиф қилмади. Бу ишларни ўзим бажардим — терговчига салом бердим, стулга ўтирдим, стол устида турган «Иверия» қутисидан бир дона сигарета олдим-да, оёқларимни чалкаштирганча уни тутатдим.

Нега бунчалик сурбетлик қилдим — ҳайронман. Эҳтимол, янги терговчига айбим йўқлигини, бинобарин, ҳеч кимдан кўркмаслигимни билдириб қўймоқчи бўлгандирман. Балки, ниҳоятда чарчаганимни, ҳамма нарса жонимга текканини, нима қилсалар ҳам менга бефарқлигини таъкидлаш истаги тувилгандир. Ойимнинг, ўзингни яхши тут, мулойим гаплаш, деган сўзлари ёдимда эдику, нега бундай қилдим-а? Терговчи менга истехзоли табассум билан қараб турарди. У бунақа қилиқларни минг маротабалаб кўрган, шунинг учун менинг бемаъни хатти-ҳаракатим унга заррача ҳам таъсир қилмаганди. Шунини тушундимиз изза бўлиб кетдим ва ўтирган жойимда қаддимни ростладим.

— Фамилиям Хеладзе, — деди терговчи, — қўшимча тергов ўтказиш учун делонгизни менга беришди.

— Жуда соз! — дедим мен кулиб.

— Нега соз бўларкан? — деб сўради у.

- Қайдам.
- Бунақа дейишни нима кераги бор унда?
- Шунчаки, илтифот юзасидан.
- Унда яхши.

Орага жимлик чўкди. Хеладзе индамасди, менинг эса айтадиган янги гапим йўқ. Сигаретани охиригача чекдим, яна олишга уялиб турган эдим, Хеладзе буни сезиб, битта сигарета узатди, ўзига ҳам олди.

- Раҳмат! — дея миннатдорлик билдирдим.
- Бемалол. Тутатавер.
- Олдин сиз ёқинг.
- Мен чекмайман. Беш йил бўлди... Лекин хумори тутиб туради...

— Бу ердан чиққанимдан кейин мен ҳам ташлайман!

Хеладзе жилмайди. Ножўя гапириб қўйганимни дарров сездим, лекин начора? Иккинчи сигаретани ҳам охиригача чекиб бўлгач, сабрим чидамади:

- Бошлаймизми?
- Нимани?
- Терговни-да!
- Тергов аллақачон бошланган.
- Сўроқ қилмайсизми?!
- Бирор янги гапинг борми?
- Йўқ.
- Эскилари сўзма-сўз ёзилган бу ерда.
- Нега чақирдингиз бўлмаса?
- Шундоқ. Сен билан Амилахварини бир кўриб қўйгим келди-да.

— Кўрмоқчи бўлсангиз, суратимиз бор-ку! — дедим энсам қотиб ва боя терговчини кўрганда йилт этган умид учқуни сўна бошлаганини ҳис қилдим.

Хеладзе папкани очиб, қоғозларни узоқ кўздан кечирди, кейин бошини кўтариб:

— Суратда сен котилга ўхшайсан, Накашидзе! Шунга ишонаверайми? — деди у ниҳоятда осойишта оҳангда.

Кўзларимиз тўқнашди. Унинг ўткир нигоҳига чидаб туришга роса уриндим-у, аммо уддасидан чиқолмадим, сал ўтмаёқ ерга қарадим.

Бир оздан сўнг терговчига яна кўз ташлаган эдим, чехрасида ғолиб келган кишиларникига хос тантана ифодасини эмас, аллақандай надомат ва мунг аксини кўрдим.

- Хўш, нима маслаҳат берасан, Накашидзе?
- Виждонингиз буюрганини қилинг.
- Мана булар-чи? — у папкага кафтини қўйди.

— Ўзингиз биласиз...

— Сенинг фойданга фақат учтагина факт бор, Накашидзе.

Менинг фойдамга ҳам нимадир борлигини шунча ойдан бери биринчи марта эшитишим.

— Ростдан-а! — дея қичқириб юбора ёздим.

— Биринчидан, сен билан Амилахвари берган маълумотлар айнан бир хил. Тергов материалларига қараганда, олдиндан тил бириктириш учун сизларда имконият бўлмаган. Иккинчидан, жабрланувчи Харабадзега тегишли бир минг беш юз сўм пулни ўзлаштиришга уринишди, деган айб ҳам олиб ташланади. Ўша оқшом Харабадзенинг ёнида пули бўлмаганлигини буфетчи тасдиқлади. Эски мижоз сифатида буфетчи уни насяга сийлаган. Учинчидан, Амилахвари айбни ўз зиммасига олди. Мана ўз қўли билан ёзган иқрорномаси. Ўқи,

Титроқ қўл билан Ростомнинг маълумотномасини олиб, ўқий бошладим. Бу ўта ишонарли қилиб ўз-ўзига ёзилган тухматнома эди.

— Ёлғон! Амилахвари виждон азобидан қиналяпти, у ўзини менинг олдимда гуноҳкор деб ҳисобляпти, чунки ресторанга у бошлаб борган эди, ўшанинг зарбидан Харабадзе тилдан қолди. Соселиянинг ўлимига бизнинг алоқамиз йўқлигини тасдиқлайдиган бирдан-бир гувоҳ — Харабадзе. Амилахварининг ҳамма айбни ўз бўйнига олаётганига сабаб — мана шу. У мени асраб қолмоқчи, тушуняпсизми? Қотил — Харабадзенинг ўзи! Ҳа, Харабадзе! Харабадзе! — Мен Ростомнинг хатини майда-майда қилиб йиртиб, столга ташладим. — Ёзинг, гапларимни ёзиб қўйинг! Бор ҳақиқат — мана шу! Бўлмаса мени тинч қўйинг! Нима қилсангиз ҳам ихтиёр ўзингизда! Терговингизга ҳам, адолатингизга ҳам, кодексу гуманизмингизга ҳам тупурдим! Ёзинг: ўша одамни мен ўлдирдим, аслида олдин анови чўчка Харабадзени ўлдириш керак эди! Улгуролмадим! Майли, ҳечқиси йўқ! Бу ердан эсон омон чиқсам — тирик қўймайман, агар унгача оёғини узатvormаса! Ана ўшанақа палидларни дўппослаганимиз учун бизга мукофот беришингиз керак, медаль, орден беришингиз керак, хайкал қўйишингиз керак бизга! Э-э, оғзимни оғритиб сизга гапириб ўтирибман-а! Қани ўша адолатингиз? Нега ёзмаяпсиз?! Сотилганмисиз?! Тилла беришганми? Харабадзени ёнини олинг! Ўшанга хушомад қилинг! Шамоллаб қолмасин тағин! Айниган мияси баттар айнимасин! Кунига уч маҳалдан қон босимини

Ўлчанг! Америкада тайёрланган дорилардан топиб беринг! Элчихонага хат ёзинг — Грузиянинг фахри ва виждони, умидимиз юлдузи, суянган тоғимиз ўлим ёқасида, денг! Ёзинг!.. Накашидзе айбига иқрор бўлди, тергов тугади, дело ёпилди, деб ёзинг! Ёзинг!!!

...Титраб-қакшаб стулга ўтириб қолдим. Чаккаларим зиркираб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Теварак-атрофимдаги ҳамма нарса — турма ва терговчи, қалин папка билан Ростомнинг иқрорномаси, хонадаги ҳаво ва тамаки тутуни, Харабадзенинг хаёлимда жонланган қиёфаси билан ўзимнинг енгилтаклигим — ҳаммаси аралаш-қуралашига миямни шу қадар пармалардики, шу тобда бу азоблардан қутулиш учун ўлишга ҳам тайёр эдим.

Хеладзе сўзларимни бошини эгганча чурк этмай эшитди. Кейин шошмасдан Ростомнинг мен йиртиб ташлаган иқрорномаси ёзилган қоғоз парчаларини тера бошлади. Уларни кафтига тўплаб, саватга ташлаганидан сўнг:

— Асабларинг чатоқ-ку, йигитча? Намунча ўзингни кийнамасанг? — деди мулойимлик билан.

— Кечиринг...

— Шу даражага етгансан деб ўйламаган эдим... — У ўрнидан туриб, хонада уёқдан-буёққа юра бошлади.

— Мени кечиринг, ҳурматли... айб менда эмас. Сиз ўз ҳолатингиздан келиб чиқиб гапиряпсиз... Турмадаги тартиб-қоида эса бутунлай бошқача. Асабни авайлаш осонми бу ерда... Ўзимни иродали одам деб ҳисоблардим, янглишган эканман...

— Ҳечқиси йўқ... Энг муҳими, аблаҳ эмас экансан... Сенинг ўрнингда бошқа одам бўлганда Амилахварини бадном қилиши мумкин эди.

— Ростдан ҳам у ўлдиргани йўқ! Нега унга тухмат қилишим керак?!

— Нега, дейсанми? Тергов ишида шундай иборалар борки, уларнинг ёрдамида бировга тухмат қилмасдан ҳам сувдан куруқ чиқиб кетиш мумкин. Масалан; «эхтимол», «аниқ ёдимда йўқ», «бир нарса деёлмайман», «назаримда шунақа», «бўлса бордир» ва шунга ўхшаш иборалар. Тушундингми?

— Айтганларимни ёзиб беришим мумкин!

— Кераги йўқ. Сени сўроқ қилиш ниятида келмаганман. Маълумотларинг ҳам керак эмас. Бари бир айтганингдай қилиб ёзиб беролмайсан.

— Нима учун келгансиз бўлмаса? Айтинг!

— Сенга ёрдам ва маслаҳат бериш учун келганман, —

деди у. Кўзларимиз яна тўқнашди. Наҳотки бу ҳам алдаётган бўлса? Терговчи маҳбус билан шу йўсинда гаплашганини ким эшитган? Қайси маҳбус бунга ишонади? Хар қандай терговчи: «Бўйнингга олсанг, гуноҳинг енгиллашади!» «Икром бўлсанг, уёғига ёрдам берамиз!» «Хўп деявер, ҳеч кимга айтмаймиз!» — деган ваъдаларни беради... Буни ҳамма билади... Лекин бу одам... Бунақа терговчини биринчи кўришим!

— Ўзинг маслаҳат бер, Накашидзе, — деди у яна. — Нима қилсамикин?

Тагин кўз уриштирдик... Энди чидайман, тикилиб туравераман! Ичидагини кўзларидан билиб оламан! Агар алдаётган бўлса ўзи нигоҳини олиб қочади!

Мен унга узоқ, жуда узоқ тикилдим, у ҳам киприк қоқмай қараб тураверди. Хеладзе алдамаётган эди!

— Мен нима маслаҳат беришим мумкин? — дедим хайрон бўлиб.

— Яхшилаб эсла... Менга дастак бўладиган бирор тафсилотни хотирангга келтир. Агар фақат бунга ишонадиган бўлсак, — у папкага қўлини қўйди, — икковимиз ҳам доғда қолишимиз мумкин...

— Билмайман... Мени фақат Харабадзенинг айбига икром бўлишигина сақлаб қолиши мумкин. Тўғрисини айтса, албатта...

— Айтармикин?

Мен жавоб беролмадим, чунки Харабадзегга ишонмасдим. Умуман ҳеч нарсага ишончим қолмаган эди.

— Кеча касалхонага борувдим, — дея давом этди терговчи, — Харабадзе анча ўзига кепқопти, лекин сўроқ қилишга вақт эрта. Бирор ҳафталардан кейин хотираси батамом тикланади. Дўхтирлар шундай дейишяпти. Лекин бўйнига олармикин? Ҳамма гап мана шунда.

— Соселиянинг ўлганини билмайди-ку, ахир! Иккинчи шишани улоқтиргани ҳамоно Амилахвари уни сопқолди! Шиша Соселияга текканини кўргани йўқ у!..

— Сопқолди, сопқолди! Нима билан сопқолди ўша Амилахваринг? Экспертиза хулосасида, тўмтоқ предмет билан урилган, дейилган.

— Ўлай агар, мушт билан солди! Фақат мушт билан!

— Мушти ҳам бор экан-да! Демак, Харабадзе Соселиянинг ўлганини билмайди, дегин?

— Билмайди.

— Билиб қолиши мумкин-ку?

— Билмаслиги керак!

— Қандай қилиб?

— Айтманг унга!

— Алдайинми?

— Ёлғонга кирмайди бу! Ахир ўлдириш нияти йўқ эди-ку! Шишани отди, холос. Агар ўша шиша Соселиянинг ўлимига сабабчи бўлганини билиб қолса, албатта бўйнига олмайди! Ўтинаман, Соселиянинг ўлганини Харабадзегга айтманг! Илтимос!

— Бўпти, хотиржам бўл! Айтмайман... Агар айтиб қўйишмаган бўлса...

Хеладзе ўйланиб қолди. Кейин стол устидан папкани олиб, кетишга чоғланди-ю, бирдан энгашиб телефон номерини тера бошлади.

— Алло, Миминошвили? Хеладзедан. Ҳозироқ Камо кўчасидаги тез ёрдам касалхонасига милиционерни жўнат! Саккизинчи палатада ётган Харабадзенинг ёнига ҳеч кимни киритмасин, дўхтирларни ҳам, қариндош-уруғларини ҳам! Тушундингми? Ҳеч кимни! Саккизинчи палата, Харабадзе... Мен етиб боргунимча-да!.. Ҳа!..

Хеладзе трубкани қўйиб, бошқа номерни терди.

— Бош дўхтирни улаворинг!.. Шалва Михайлович! Салом... Шалва Михайлович, Хеладзедан... Яхшимисиз... Шалва Михайлович, ҳозир бир ходимимизни касалхонангизга жўнатдим... Саккизинчи палатага, Харабадзенинг олдига... Ҳа... ҳа... Илтимос, мен боргунимча палатага ҳеч кимни киритмасангиз... Ҳозир етиб бораман... Илтимос... Раҳмат! Саломат бўлинг... Раҳмат!..

У энгил тин олиб, терлаб кетган пешонасини энги билан артди, сўнг электр қўнғироқ тугмачасини босди.

Соқчи кирди.

— Олиб кетинг.

Хеладзе хайрлашмасдан чиқиб кетди.

Ё ЎЛИШ, Ё ҚОЛИШ

Тигран Гулоян сўроқдан сувга бўккан мушукдай шумшайиб қайтиб келди. Ҳеч қайсимизга қарамай, ўзини сўрига ташлади-да, бошига ёстикни ёпди. Биз бир муддат анграйиб қолдик, охири Чейшвили жимликни бузди:

— Ҳм... Ҳаёт шунақа экан-да...

— Нима бўлди, Тигран? — деб сўрадим мен.

— Ўз ҳолига қўйсаларинг-чи уни, кўряпсизлар-ку аҳволини, — дея гапга аралашди Шошиа. — Ҳозир:

«Нима гап, Тигран!», «Нима бўлди, Тигран?», «У нима деди?», «Сен нима деб жавоб бердинг?», «Отишадими?», «Ўн беш йил беришадими?», «Ўлдираётганинда эс-хушинг қаёқда эди?», «Ундан кўра ўғирлик қилсанг бўлмасмиди?» — деб бошини қотирасизлар. Кўзини очирмайсизлар!.. Хўш, Тигран? Нима деди терговчи?

— Сени боплаб сўкишни буюрди!

— Наҳотки? Мени-я?!

— Ҳа, сени. «Миллиондан ортиқ пулни ўмарган Гоголадзени болохонадор қилиб бир сўкинг!» — деди. — Уқдингми?

— Ҳе, ўша терговчингни!.. Илойим ҳамма маҳбуслари тумтарақай қочиб, беиш қолсин ўша терговчинг! Илойим тез кунда жаназасига борай! — деди бидирлаб Шошиа.

— Уёғи билан ишим йўқ... Сўкинг, деди. Вассалом!! — яна ўша гапни қайтарди Гулоян.

— Қўявер, Тигран, нима бўлганини айт! — орага Девдариани суқилди.

— Э-э, нима бўларди, Лимонжон! Бир кампир мени таниб қолди! Ўн саккиз кишининг орасидан топди, ялмоғиз!

— Ёпирай! — деб инграб юборди Чейшвили.

— Сени таниш шунчалик қийин эканми?! Қаллангни қара — арава босган челаққа ўхшайди! — Шошиа яна сасиди.

— Ҳазилни вақти эмас, Шошиа! — деди Гулоян фижи-ниб. Шошиа жим бўлиб қолди.

— Хўш, кейин-чи? — деб сўради Девдариани.

— Нима — кейин?! Мен ҳам бўш келганим йўқ. Бу қанақаси: ўн еттита малла соч ўрисни ичига битта тахтаканага ўхшаш қоп-қора арманини қўшиб қўйиб, қайсисини Гулоян десангиз ҳамма ҳам мени кўрсатади-да! — дедим.

— Кейин нима бўлди?

— Нима бўларди! Кампир олдимга келиб «мана шу!» — деди. Ҳой, бувижон, ўйлаб иш тутинг, мени хароб қиласиз, деб роса ёлвордим.

— У-чи?

— Биладан, ўғлим, лекин таниб турган бўлсам, нима қилай?! — дейди.

— Ана, айтмадимми?! — деб хиринглади Шошиа.

Тигран унга бир ўкрайиб, давом этди:

— Бувижон, яна бир ўйлаб кўринг, — дедим.

— Хўп, ўғлим, ўйлаб кўриб, анови малла йигитни кўрсатсам, хурсанд бўласанми? — дейди.

— Кўрсатаверинг. Хурсанд бўламанми-йўкми — бу менинг ишим, дедим. Қаёқда!.. Кулоқ солмади...

— Кейин?

— Нима — кейин?! Яшанг, кампиршо, қойил қилдингиз, деб елкасига қоқиб кўйдим — шу!..

— Энди нима қилмоқчисан? — деб сўради Чейшвили.

— Иссиқрок кийим-кечак опкелтирмоқчиман, нима қилардим! Бир хафтадан кейин суд бўлади. Ўн беш йилни ёпиштиришса керак...

— Ўн беш йил?! — деб юбордим бехосдан.

— Тахминан шу... Қасддан ўлдирганим йўқ-ку, ахир... Тасодифан шунақа бўпқолди... Қоида бўйича бунақа иш учун отишмайди... Тигран бу гапларни шу қадар хотиржам оҳангда гапирдики, бирдан аъзойи баданим музлаб кетди. Кейин эгилиб, бир пойафзалини ечди-да, ичидан буклоғлик газетани олди. — Терговчиникини ёпиштирдим. Ма, Заза, ўқи!

— Янгими? — деб сўрадим мен.

— Нима фарқи бор? Биз учун шу йил чиққан ҳамма газеталар — янги! — Тигран қўлларини боши остида чалкаштирганча эшитишга чоғланди.

Мен газетани очдим, май сони эди. Биринчи, иккинчи, учинчи саҳифаларни статистика бошқармасининг «Колхоз ва совхозларда баҳорги дала ишлари планининг бажарилишига доир» жадваллар эгаллаганди.

— Нимасини ўқийман — нуқул жадвал-ку! — дедим мен.

— Охирги саҳифани ўқи! — деб маслаҳат берди Девдариани. «Қишлоқ техникаси янгиликлари».

— Бўлаверади! — дея сўз қотди Шошиа.

— «Гуржаан районининг Телиани қишлоғидаги колхоз агроном-механизатори Гиви Батиашвили бир пайтнинг ўзида ҳам олма арчадиган, ҳам ёнғоқ чақадиган машина яратди. Иккита болғача билан бир неча пичоқдан иборат ушбу қурилма юз йигирма вольтли ўзгарувчан токда ишлайди, бошқариш осон, иш унуми юқори. Агар бир тонна олмани қўлда арчиш учун қирқ ишчи-куни, бир тонна ёнғоқни чақиш учун эса — ўн олти ишчи-куни сарфлашга тўғри келса, машина бу юмушни бир иш кунида бажаради. Шу тариқа, янги машина кўплаб ходимларни ишдан озод этиб, боғдорчилик ра-

йонларидаги хўжаликларда миллион сўмлаб маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, олма ва ёнғоқларни машинага солиш, шунингдек, чақилган ёнғоқларни пўстловидан ажратиш жараёни ҳали механизациялаштирилмаган, ammo яқин келажакда машина такомиллаштириллажагига ўртоқ Батиашвилининг ишончи комил. Машина синовдан муваффақиятли ўтди. Тез кунда у боғдорчилик районларида кенг миқёсда қўллана бошланади».

— Эҳтимол, муаллиф Давлат мукофотига тавсия этилгандир, — деди Чейшвили.

— Билмадим, бу ерда у ҳақда ёзилмаган.

— Ёзиш шарт эмас! Бир одам қўлидан келган ишни кипти. Ўз районининг юкини енгиллаштирибди! — деди Шошиа.

— Худо яратган жонзотлар ичида инсондан ялқови йўқ! — дея гапга аралашди Исидор амаки. — Дунё яралгандан бери инсон тинимсиз меҳнат қилади, тер тўқади, азият чекади, турли-туман машиналар, агрегатлар, станоклар, механизмлар яратади, мусиқа, шеър, романлар тўқиб ташлайдиган роботлар ясайди, ўқийдиган, таржима қиладиган, эшитадиган ва кўрадиган автоматлар ихтиро этади, денгиз тубига, ер қаърига шўнғийди, Ойга учади... Хўш, нима мақсадда шундай қилади? Сира ўйлаб кўрганмисизлар? Ўзи ишламаслик учун шундай қилади! Ҳа, ҳа! Темир-терсақларни ишлатиб қўйиб, ўзи сояда ётаверса! Қўлини совуқ сувга урмаса! Қаранглар-а, ўша Батиашвили дегани олма арчишни ҳам, ёнғоқ чақишни ҳам хоҳламай қопти! Машина ўйлаб топибди!.. Агар ихтиёр менда бўлганда, уни биринчи дуч келган олма дарахтига осардим! Мукофот дейсанлар-а!

— Башарти масалага жиддий ёндошилса, мантикий фикрлаш муқаррар равишда шундай хулосага олиб келадики, охир-оқибатда биз ё табиий инқироз туфайли ер юзидан йўқ бўлиб кетамиз, ёки бир-биримизни қириб ташлаймиз, ёхуд олло-таоло ҳаммамизнинг жонимизни олиб, ўзи биринчи одамни яратган лойга айлантиради! — Чейшвили бутун инсоният устидан ана шундай ҳукм чиқарди.

— Чейшвили, эҳтимол сен тупроқ билан тупукдан пайдо бўлгандирсан, лекин мени ўз отам яратган! — деди Шошиа хафа бўлиб.

— Бу гумроҳ, жохил бандага гап тушунтириб бўладими! — Чейшвили мадад сўрагандай Исидор амакига қаради.

— Ким жоҳил?! — деди Шошиа ранги ўчиб.

— Ким бўларди — сен-да! Умрида лоқал иккита китоб ўқимаган нодон, тўнкасан!

— Ўзинг-чи? Мана сен Чернишевскийни ёддан биласан, нега бўлмаса шундай зукко одам мен билан ўтирибсан? Қани, гапир, алиментхўр! — Шошиа рақибини уялтирган бўлди.

— Бари бир одамзот бир-бирини қириб ташлайди, — деб сўзида давом этди Чейшвили. — Бу жараённи аллақачон Тигран Гулоян билан Заза Накашидзе бошлаб беришган! — У артистона ҳаракат билан бизга ишора қилди.

— Ўчир овозингни, Чейшвили! Биласан-ку, суд учун битта одамни ўлдирсанг ҳам, юзта одамни ўлдирсанг ҳам фарқи йўқ: ўша-ўша қотилсан! — Тигран шундай дейиши билан Чейшвилининг дами ичига тушиб кетди.

— Мен ёмон гап гапирганим йўқ. Ё одамлар бир-бировларини қириб ташлашади, ёки оллонинг ўзи ҳаммамизнинг жонимизни олади. Шундайми, Исидор амаки?

— Йўқ, унақа эмас. Худо бутун инсониятнинг жонини ололмайди, — эътироз билдирди Исидор амаки.

— Нима учун?

— Чунки худони одамлар кашф этган, шундан буён худо инсонлар онгида худо бўлиб яшаб келяпти. Инсоният бўлмаса — худо ҳам бўлмайди!

— Тўғри, лекин бир марта олло-таоло одамзотни қириб ташлаган-ку?

— Қачон?

— Оламни сув босганда!

— У шунчаки пўписа эди!

— Йўр-э?

— Ҳа, агар ростдан ҳам худонинг шунақа нияти бўлганда, Нух алайҳиссаломни ҳам ўлдирарди. Лекин ҳазрати Нух тирик қолади, шу тариқа худо Нух тимсолида ўзини ҳам сақлаб қолади!

— Фикрингизга қўшилмайман, Исидор амаки! Ахир худо одамзот пайдо бўлмасидан олдин ҳам бор эди-ку?!

— Ким биларди буни? Фақат худонинг ўзи биларди, холос. Маълумки, ёлғиз бир рақамини тақсимлаб ҳам, кўпайтириб ҳам бўлмайди, бундай арифметика худога ёқмаслиги табиий. Тушуняпсизларми? Худо бўлиш, мангу барҳаёт бўлиб қолиш учун унга одамлар керак эди. Одамлар йўқ экан — худо ҳам йўқ!

— Исидор амаки тўғри гапиряпти! — деб хитоб қилди Тигран. — Ўлганимдан кейин мен учун худо ҳам,

прокурор ҳам, судья ҳам бўлмайди. Қўшсанг ҳам, олсанг ҳам — бари бир ноль чиқади. Шундайми, Шошиа?

— Бекор айтибсан! Сен ўлганинг билан худонинг ихтиёрида сенга ўхшаган яна уч миллиард аҳмоқ қолаверади! Икки мингинчи йилга бориб уларнинг сони саккиз миллиардга етади!

— Менга ўхшаган-а? — деди Тигран кесатиб.

— Сендан баттарлари ҳам бор.

— Саккиз бўлмаса, ярми бўлар?

— Ярим миллиардми?

— Йўқ, саккизнинг ярми, яъни тўрт миллиард.

— Вой-бўй! Жинни бўлқолиш ҳеч гапмас бунақада!

— Шуни айтяпман-да: бутун одамзот Тигранга ўхшаб қолса, худо ўз ишидан номус қилиб, ҳаммани у дунёга жўнатади! — деди Чейшвили бўш келмай.

— Менга қара, Чейшвили, карантин пайтида сенга ҳам укол қилишганмиди? — деб қолди бирдан Девдариани.

— Қанақа укол?

— Уколдақа укол-да. Карантинда ётганингда.

— Уколни нима алоқаси бор?

— Алоқаси бор-да. Айтавер, қилишганми, йўқми? — деди яна Девдариани сирли оҳангда.

— Қилишган. Нимайди?!

— Каттасиними, кичигиними?

— Каттасини!

— Ҳа-а-а...

— Хўш, кейин нима? — Чейшвили ташвишга тушиб қолди.

— Қанақа уколлигини айтишганмиди?

— Ҳа, айтишган, терлама, вабо ва ўлатга қарши.

— Ҳа-ҳа-ҳа! — Девдариани хахолаб кулиб юборди.

— Нима гап, Девдариани? Нимаси кулгили буни? — Чейшвили асабийлаша бошлади.

— Демак, учта укол.

— Йўқ, иккитаси укол, биттаси шунчаки эмлаш!

— Ана холос! — Девдариани қўлларини икки томонга ёзди.

— Айта қолсангиз-чи, нима гап ўзи?

Девдариани жавоб бериш ўрнига «шўринг курсин» дегандай бошини сарак-сарак қилди. Кейин Чейшвилига шунақанги ачиниб қарадики, бирдан юрагимни аллақандай ваҳима чулғаб олди, чунки Девдариани айтган уколни менга ҳам, бошқаларга ҳам қилишган эди.

— Гапирсанг-чи, Девдариани, қон қилвординг-ку одамни! — деб ёлворди Чейшвили.

— Аёл киши тушингга кирмаганига кўп бўлдимми?

Чейшвили аввал жилмайди, сўнг хахолаб кулди, кейин бирдан ранги докадек оқариб кетди:

— Наҳотки?!

Девдариани унга ҳамдардлик тўла нигоҳ билан тикилиб, бош ирғади.

— Ёлғон! Ишонмайман! — деб чинқириб юборди Чейшвили. — Бунақа бўлиши мумкин эмас!

— Кўй, хафа бўлма! — дея тасалли берди унга Лимон. — Ун йил ўтади-кетади...

— У нима деганинг?!

— Шунақа-да. Ҳар битта укол беш йилга мўлжалланган. Тўғриси, бу ўринда турма маъмуриятини ҳам айблаб бўлмайди. Биз, оғайни, эркаклармиз... Аёлларсиз аҳволимиз нима кечишини ҳаммамиз яхши биламиз. Турма қоида-сида — ҳалиги... эркакларни аёллар билан таъминлаб туриш кўзда тутилмаган... Шунинг учун ҳам укол қилишади, асабимизни асраш учун шундай қилишади...

— Асабни ҳам падарига лаънат! — деб қичқирди Чейшвили. — Гўримга орқалаб кетаманми ўша асаб деганингни! Ун йил бичилган қулдай яшашнинг ўзи бўладими! Нима кераги бор менга бунақа ҳаётни! Ким ҳуқуқ берган уларга?! Нима, мен Распутинманми ёки Чезаре Боржияманми?! Ё тавба! Тинчлантирадиган укол эмиша! Қип-қизил ўзбошимчалик! Ун йил-а, ўн йил! Мен ҳозир яшамоқчиман, ҳозир оила қурмоқчиман! Бу нима деган гап?! Нега энди мени тақдирим қандайдир турма бошлиғига боғлиқ бўлиши керак?! Кимга халақит беряпти иссиқ мижозлигим? Қани гапиринглар, ҳой биродарлар! Нега индамайсизлар?! Ё сизларга укол қилишмаганми?! Сен нега тиржайяпсан?! — Чейшвили бирдан Шошиага ташланиб қолди. — Сенга ҳам укол қилишган-ку, ахир, галварс!

— Э-э, менга бари бир! Мени иккита болам бор!.. Аёллар масаласига келсак... Менга тиркаладиган моддани ўйласам, аёл уёқда турсин, ҳатто фаришта ҳам кўзимга кўринмайди!

— Сиз-чи, Исидор амаки? — Чейшвили Исидорга юзланди. У хижолатомуз жилмайиб, оппоқ сочини силади. Чейшвили ўринсиз савол берганини сезди-ю, дархол менга тирғалди:

— Сен-чи?!

— Менга биттагина кичкина укол қилишган, холос.

— Кичкина?

— Ҳа.

— Кичкинаси қанақа бўлади, Девдариани?

— Кичкина укол — бир йилга мўлжалланган! — деб изох берди Лимон.

— Мени уколим экан-ку! Улар чалкаштириб юборишибди. Бир йил — мени муддатим! Ҳар қанча уринишмасин, суд бир йилдан ортиқ бермайди! Буёғи нима бўлади энди?!

Хахолаб кулиб юбормаслик учун шоша сўримга чиқдим у юзимни ёстиққа босдим.

— Ариза ёз! — деди кимдир.

— Қанақа ариза? Нима ҳақда? — деб сўради Чейшвили ҳайрон бўлиб.

— Эркаклик қобилиятингни тиклаш ҳақида-да! — деди Девдариани.

— Шу пайтгача қаёқда эдинглар? Аризадан нима фойда энди? — Чейшвилининг руҳи баттар тушиб кетди.

— Ёз дегандан кейин ёзавермайсанми!

— Қоғоз! — деб кичқирди Чейшвили. Унга қоғоз беришди. — Қалам! — қалам узатишди. У стол ёнига ўтирдию, ўйланиб қолди.

— Кимга ёзаман?

— Турма бошлиғига!

— Прокурорга!

— Президентга!

— Дўхтирга!

— БМТга!

— Распутинга! — ҳар томондан таклифлар ёғилиб кетди.

— Мао Цзэ-дунга ёз, унда жень-шень бор, жуда фойдали дейишади! — дея маслаҳат берди Шошиа.

— Ифвогар! — Чейшвили афтини буриштирди. — Кимга ёзишим керак, Девдариани?

— Турма бошлиғига, иложи борича дағдаға қил! — деб маслаҳат берди у.

— Раҳмат, дўстим! — Чейшвилининг ўпкаси тўлиб кетди. — Сизлар, — у бизга ўгирилди, — кип-қизил ҳайвонсизлар!

— Зазажон, у ариза ёзгунча газетани ўқиб тур! — деб илтимос қилди Тигран.

— Хўп бўлади. Бошладим. «Агар соғлом бўлай десанг».

- Айнан бизбоп экан! — деди Шошиа.
- «Умрида бирон марта бўлса ҳам боши оғриманган одамни топиш қийин...»
- Нотўғри! Мени бошим ҳеч қачон оғриган эмас! — деб гапимни бўлди Гулоян.
- Тигран, бу ерда одамлар ҳақида гап кетяпти! — дедим мен ва ўқишда давом этдим: «Кўп ҳолларда бош оғриғи қисқа бўлади. Мабодо оғриқ кучайиб, узок давом этса, бу нарса кишининг иш қобилиятига таъсир этмай қолмайди, кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай ҳолат касаллик аломатидир, демак, дарҳол дўхтирга мурожаат қилиш лозим. Шунингдек, ошқозон, жигар, буйрак, кўричак касалликларида, тан жароҳатланганда, тиш оғриганда ва айниқса, ўткир юқумли касалликлар бўлмиш терлама, чечак, вабога йўликқанда мутахассиснинг аралашуви мақсадга мувофиқдир. Ўз-ўзини даволаш — соғлиққа зарар. Медицина фанлари кандидати, дўхтир К. Долгорукова...».
- Кейинги пайтларда бу газетадан тамом путур кетди! — деб тўнғиллади Исидор амаки.
- Нега энди! Фойдали гапларни ёзяпти? Агар шу маслаҳат босилиб чикмаганда ҳолимиз нима кечарди? — деди Тигран.
- «Ажойиботлар оламида», — ўқишда давом этдим мен.
- Олавер келган жойидан, — деб далда берди менга Шошиа.
- «Германия Демократик Республикаси орнитологлари ғалати тадқиқот ўтказдилар».
- Зазажон, орнитолог дегани нима дегани? — деб сўради Тигран.
- Билмайман, Тигранжон.
- Орнитология — зоологиянинг бир бўлаги, қушлар ҳаётини ўрганеди, — деди ариза ёзиб ўтирган Чейшвили.
- Ёпирай, кроссворд экан-да? — деб кулди Гулоян.
- «Улар шаҳардагина эмас, ҳатто ўрмонда истикомат қилувчи қушлар ҳам ин қураётган пайтда оддий хасчўплардан ташқари ўта замонавий материаллар — алюмин, пензолосиликат, полиэтилен, нейлон толалари ва бошқа ҳар турли симлардан маҳорат билан фойдаланишини исбот қилдилар. Бир чумчук инидан радио қисмларининг бежирим ўрилган кумуш толаларини топишди...»
- Опқочяпсан, Накашидзе, газетада бунақа гапларни ёзишмайди! — деди Девдариани ишонмай.

— Ўлай агар, мана, ёзиб қўйишибди?
— Ундоқ бўлса, ўша чумчукнинг телефони ҳам бўлиши керак. Чикқаннимдан кейин албатта кўнғироқ қиламан.

Гур кулги кўтарилди.

— Ух, кўпдан бери бунақа қаттиқ кулмаган эдим, охири бахайр бўлсин-да, ишқилиб! — деди Шошиа.

— Ўқийман! «Меҳмондорчиликда киши ўзини қандай тутмоғи керак».

— Буни бизга алоқаси йўқ, — Шошиа қўл силтади.

— Нима учун? Балки ишимиз ўнғидан келиб, тез кунда қўйиб юборишар! — деди Тигран ширин энтикиб.

— «Меҳмондорчиликка борганда ҳеч қачон биринчи бўлиб ўтирманг. Ҳеч қачон идишдан охирги лукмани олманг, бу одобсизликка киради. Буни бошқаларга қўйиб беринг».

— Ким — ўша бошқалар? — деб сўради Шошиа.

— Мен қаёқдан биламан? Мана — «Буни бошқаларга қўйиб беринг», — деб ёзилган.

— Нима, бошқа одам учун ўша лукма охиргиси ҳисобланмайдими? — деди Девдариани.

— Эҳтимол, бу газетани ўқимайдиганлар назарда тутилгандир, — деб изоҳ берди Исидор амаки.

— Бўлди! Бас қилинглар! — Чейшвили бирдан сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Нима гап? — дедим ўтакам ёрилиб.

— Ёзиб бўлдим!

Ҳамма нафасини ичига ютди.

— Ёзиб бўлдим! — деб такрорлади Чейшвили. У қаттиқ ҳаяжонда эди. Юзи бўғриқиб кетган, пешонаси реза-реза тер, ариза тутган қўли хиёл титрарди.

— Ўқи! — деб буюрди Девдариани. Чейшвили ўқий бошлади:

— «Грузия ССР Ички ишлар министрлиги Ортачала Маҳбуслар уйи (қамоқхонаси)нинг бошлиғи гр-н А. И. Габедовага

тергов бераётган, ҳеч қандай далилсиз қамоққа олинган ва Сизга тегишли турманнинг 5-корпус, 10-камерасида ётган Галактион Варламович Чейшвилидан

Қатъий талабнома-ариза

Шуни маълум қиламанки, 1950 йили, 24 ёшимда грузинларимизнинг алмисоқдан қолган, устини минг йиллик

моғор босган чиркин-оилавий анъаналаридан юз ўгириб, тақдиримни бошқа (грузин бўлмаган) миллат вакили — ўзим билан тенгкур, хушрўйгина, юмшоқ табиат, Тбилиси Давлат университетининг филология факультетини тугатган бир жувон билан боғлаган эдим (бу ўринда муқаддас ҳисобланмиш «қиз» деган сўзни атайлаб ишлатмаяпман). Шунинг оқибатида ота-онам ва қариндош-уруғларим билан юзкўрмас бўлиб кетдик.

Табиийки, фарзандларимиз дунёга келди. «Фарзандларимиз» сўзини шартли маънода тушуниш керак, чунки уларнинг пайдо бўлиш жараёни кўпам иккаламизга боғлиқ эмаслигига юз фоиз ишонаман, зеро у билан ўтказган ҳузурбахш онларим билан бегуноҳдан-бегуноҳ икки боланинг туғилиш муддатлари асло бир-бирига мос келмайди. Мен буни обдон ҳисоб-китоб қилиб кўрдим. Демокриманки, рафиқам ҳадя этган ҳар иккала боланинг ҳам пайдо бўлишида менинг мутлақо иштироким йўқ. Шунинг учун улардан воз кечдим. Тўғри, норасидалар ўзимга сал ўхшаб кетишади, лекин ташқи ўхшашлик ҳеч нарсага узил-кесил асос бўлолмайди. «Қозонга яқин юрсанг қораси юқар...» деган мақол бежиз айтилмаган. Хулласи калом, оиладан юз ўгириб, алимент тўлашдан бўйин товлаганим учун шу кунларда Сизга ишониб топширилган масканда истиқомат қилиб турибман. Лекин ҳозир гап бунда эмас, гап бошқа нарса устида.

Тамомила мўътабар манбалардан менга шу нарса маълум бўлдики, — у ҳам маъқуллагандай виқор билан бош силкиди, — шу нарса маълум бўлдики, бу ерда сиртдан қараганда инсоний, аммо моҳият жиҳатидан бағоят ваҳшиёна бир саъй-ҳаракат содир этилганким, буни Мальтуснинг инсониятга нафрат билан йўғрилган ғоясининг рўёбга чиқиши деб баҳоламоқ мумкин. Ана шу ҳаракатнинг қурбони биз, мазкур ҳолда, шахсан мен бўлдим. Гап шундаки, карантинда ётган пайтимда Сизнинг кўрсатмангизга биноан менга жинсий қобилиятни сусайтирадиган доридан укол қилишган, қилганда ҳам катта игнада, таъсири ўн-ўн беш йилга етадиган микдорда укол қилишган. Ваҳоланки, менга бериладиган жазо муддати бир йиллик мажбурий меҳнатдан нарига ўтмайди, бу муддатнинг ҳам ярмини тергов органларининг «ғамхўрлиги» туфайли мутлақо менга тўғри келмайдиган шароитда ўтаб бўлдим. Демак, жазо муддати тугаганидан кейин яна ўн тўрт йил энг юксак инсоний туйғулардан бебаҳра юрарканман, ҳолбуки, табиий тараққиёт давомийлигини таъ-

минлаб, ўзаро жинсий алоқаларни тартибга солиб турадиган асосий омил ана шу туйғулардир.

Сиз аблаҳона бу иш амалга оширилганини тан олмаслигиниз мумкин, лекин рад этиб бўлмайдиган далил бор: беш ойдан буён, афсус ва надоматлар бўлғайким, вужудимда аёл зотига эҳтиёж туйғусини сезмаяпман, бу ҳол фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан, ҳар тарафлама мукамал оила қуриш ниятида юрган ва ҳали келажак авлод ва ўз зурриётлари олдида эркаклик бурчини бажаришга улгурмаган соғлом ва бенуқсон инсон сифатида кескин норозилик билдираман ҳамда жинсий қобилиятимни тиклаш учун шошилиш чоралар кўрилишини, айбдорлар эса қаттиқ жазоланишини қатъиян талаб этаман. Акс ҳолда очлик эълон қиламан.

Ариза ёзувчи Г. Чейшвили».

Дамимиз ичимизга тушиб кетди.

Ҳаммамиз даҳшатли англашилмовчилик юз берганини, бир қарашда беғараз туюладиган ҳазилимиз юракни ларзага келтирувчи томошага, беўхшов масҳарабозликка айланиб кетганини англадик. Бироқ масҳарабоз ким — мана шу таги зил ҳазилни ўйлаб топганларми ёки қаттиқ асабийлашганидан ҳануз ўзига келолмай, бизга жавдираб қараб турган мана бу мискин одамми — билиб бўлмасди.

Сукунат қанчага чўзилганини эслаёлмайман. Бошим ҳам, юрагим гуё уришдан тўхтаб қолгандай эди. Бир маҳал Гулояннинг:

— Дўхтирлардан сўралса — уни соппа-соғ дейишадди! — деган дўрилдоқ овози эшитилди.

— Тигран Гулоян! — деди унга жавобан Исидор амаки паст, хаста товуш билан. — Сен — аблаҳсан, сендан нафратланаман! — Тигран миқ этмади. — Девдариани, сен ҳам ундан қолишмайсан, шунинг учун сендан ҳам нафратламан! — Девдариани индамай юзини четга бурди. — Сизлар ҳам, Накашидзе билан Шошиа, икковларингиз ҳам — разил одамсизлар, сизлардан ҳам жирканаман! — Ранги оқариб кетган Шошиа деразага тикилди, мен юзимни ёстикқа босдим. — Ўзинг ҳам мана шулардан баттар нотавонсан! — Исидор амаки Чейшвилига ўгирилди. — Аммо орангизда энг палиди менман, ўзимман, шунинг учун сизлардан кўра ўзимдан кўпроқ нафратланаман!

— Нима гап, Исидор амаки? Нима бўлди? — деб сўради Чейшвили таажжубланиб, сўнг нима гаплигини сезиб қолди шекилли, синиқ жилмайиб, бошини ҳам қилганча сўрига бориб ўтирди. Кейин шошмасдан, гўё, ўзини ўзи мажбур қилаётгандай, аризани бўлак-бўлак қилиб йиртаркан:

— Нималар бўляпти ўзи, а? Буни нима дейиш мумкин? — деб сўради бўғиқ товуш билан.

— Ҳеч нарса. Бунинг исми йўқ! — дея ҳамма учун Исидор амаки жавоб берди.

Эшик очилиб, қозон кўтарган назоратчи кирди. У қозонни камеранинг ўртасига қўйди-ю, ҳеч ким ўрнидан жилмаганини кўриб, анграйганча ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди, сўнг индамай чиқиб кетди. Кечқурун қозонни олиб кетиш учун кирганида ҳам овқатга қўл урилмаган эди. Назоратчи безовталаниб қолди:

— Ие, бу нима қилиқ? Очлик эълон қилганмисизлар?!

— Кўркма! Кўтар ювиндингни. Ошпазга айтиб қўй, қозонга гўшт солишни унутмасин! — деди Девдариани. Назоратчи сал енгил тортди.

— Э-э, шунақа демайсанми! Хўш, қанақа гўшт солсин? Бузоқ гўшtimi ёки қўй гўшtimi?

— Одам гўшти! — деб жавоб берди Девдариани. Назоратчи апил-тапил камерадан чиқиб кетди.

Бир ҳафта бурун Чейшвилини нарсалари билан олиб чиқиб кетишди. Уша воқеадан кейин у биз билан гаплашмай қўйган эди, бинобарин, назоратчи чақириб қолганида, яна бир балони бошлашдимикин, деган хавотир билан бизга гўлайиб қараб қўйди. Лекин ундай эмаслигига ишонч ҳосил қилғач, тамом довдираб қолди. Камера ичида зир югуриб лаш-лушларини йиғиштирди, шошганидан ушлаган нарсаси нукул қўлидан тушиб кетарди, ниҳоят бор-будини қопчасига жойлаб, эшик томон юрди. Остонага етганда бирдан тўхтаб, копини ерга ташлади-да, олдимизга чопиб келиб, ҳар биримизни биттадан бағрига босиб ўпа бошлади, ўзи ҳам йиғлади, бизни ҳам йиғлатди.

Камерада беш киши қолдик — мен, Тигран, Лимон, Шошиа ва Исидор амаки.

Ҳар бир маҳбуснинг турмадан озод бўлиши ҳаммага қувонч бахш этади, лекин айти пайтда қаттиқ ўқинтиради ҳам. Турмада қолаётган ҳар бир маҳбус айбининг

кай даражада оғир-енгиллигини ҳам унутиб, назоратчи ўзининг эмас, бошқа бировнинг фамилиясини айтиб чақирганидан хафа бўлади, ҳатто ўлим жазосини кутаётганлар ҳам ўкинади, зеро ҳеч қаерда турмадагичалик мўъжизага ишонишмайди.

Биз беш киши қолдик. Гўё вақт ҳам тўхтаб қолгандай эди. Ҳеч кимни олиб келишмайди, ҳеч кимни қўйиб ҳам юборишмайди... Қизик: камерада қанча кўп маҳбус бўлса, ўзингни шунча ёлғиз, ёруғ дунёдан узилиб, одамлар ва буюмлар ичига сингиб кетгандай сезасан. Баъзан шундай бўлади: казнофингга кириб, қачонлардир ўзинг ҳар эҳтимолга яшириб қўйган каттақон эски миҳни қидира бошлайсан, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ҳам топа олмайсан, ҳолбуки, миҳ шундоққина оёғинг остида ётган бўлади. Камерада ҳам шундай: атрофинг тўла одам-у, ҳеч ким сени кўрмайди, сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ... Мана энди, санокли одам қолганимиздан сўнг, камера баттар ҳувиллаб, гўё бу ердан столни ҳам, стулларни ҳам, челақни ҳам ва ҳатто сув турадиган бочкани ҳам олиб чиқиб кетишгандай туюлади. Ўзимизни ҳам ечинтириб, қип-яланғоч қилиб қўйишгандай гўё... Биз энди илгаригидан кўра бир-биримизнинг фикримизни равшанроқ ўқиймиз, илгаригидан кўра ўз дардимизни, ёлғизлигимизни чуқурроқ ҳис этамиз, шундан қаттиқ асабийлашамиз. Бир-биримизни ғажиб ташлагимиз келади-ю, аммо ўзимизни аранг тиямиз. Ўттиз кишига мўлжалланган камера бизга — беш кишига торлик қилаётгандай. Нафасимиз бўғилади. Тасалли берадиган бирдан-бир нарса — бу, инсониятнинг суянчи, ифтихори, саждагоҳи бўлмиш нон-туздир.

Дунёда турма камерасидаги дастурхондан улуғроқ ва суюклироқ дастурхон бўлмаса кераг-ов. Бу ерда дастурхон ҳамиша ўртада. Бу таомил муқаддас ҳисобланади. Камерада бирга туз тотган одамлар ўла-ўлгунча оға-ини бўлиб қолишади. Охирги бурда деган калима турмада қулгили эшитилади, чунки бу ерда охирги бурда бўлмайди. Ҳамма нарса охиригача барчага баравар тақсимланади ва ўша захоти бараварига танаввул қилинади.

Ўн кунда бир марта уйдан посилка келарди. Кейин бизга номаълум сабабларга кўра бу оралиқ йигирма кунга чўзилди. Сал ўтмай, назоратчи бизни маъмуриятнинг янги буйруғи билан таништирди. Бу ҳужжат билан пухта ва ҳар тарафлама танишганимиздан сўнг шу нарса маълум бўлдики, биринчидан, ота-оналардан келадиган

посилка махбусларнинг кўнглини бузармиш, уларни изтиробга, баъзи ҳолларда эса, ҳатто жазавага солиб кўярмиш, иккинчидан, бундай оилавий ёрдамнинг иқтисодий самараси, давлат нуқтаи назаридан олиб қараганда сезиларли эмас эмиш, бинобарин, янги қонданинг қабул қилиниши тўғри ва мақсадга мувофиқ тадбир эмиш. Ушбу қоидага кўра бундан буён посилкалар олти ойда бир марта қабул қилиниш керак, шунда ҳам фақат инсонпарварлик нуқтаи назаридан, яъни баъзи бир ширин томоққа ўрганиб қолган кимсалар оналари, хотинлари, холалари едириб юрган таомларнинг таъмини унутиб юбормаслиги учун. Турмада бериладиган таомларнинг мазаси ва қуввати масаласига келганда эса, давлат буни ҳар бир махбус ўзининг нима учун мана шу аҳволга тушиб қолганини тўла англаб етиши ва яхшилаб эслаб қолиши учун тамомила етарли, деб ҳисоблармиш.

Юқорида баён қилинган хулосаларга суяниб, мен, Шошиа ва Исидор амаки бутун менга келган посилканинг бу йил охиргиси эканлигини тан олишдан бошқа иложимиз йўқ эди, зеро посилкалар фақат бизга келарди. Гулоян билан Девдарианини эса махбуслар таъминотига доир бу янги тартиб мутлақо ташвишлантормасди. Девдарианининг айтишича, ҳамманикидан андак фарқ қиладиган ҳаёт йўлини танлаганидан бери иззат-нафси таҳқирланган ота-она ноқобил фарзандидан юз ўгирган экан, демак, унга посилка келиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Тиграннинг тақдири сал бошқачарок: биринчидан, тирик қолган яккаю ягона қариндошларидан бўлмиш холаси Ленинаканда тураркан. Тбилисига тез бузиладиган маҳсулотни, айтайлик, чучвара ёки қовурдоқни жўнатоқмаслиги табиий. Иккинчидан, Тиграннинг озодликда юрган пайтида танаввул қиладиган кундалик таомларининг миқдори ва сифати турманикидан анча паст бўлган, бинобарин, у ташки олам билан озик-овқат бобидан бирон-бир муносабат ўрнатишга ҳеч қандай эҳтиёж сезмайди. Ундан ташқари, Тиграннинг ўзи бир куни менга ёрилган — озодликда юрганида турманинг овқатларини соғиниб қолармиш, ўзи кўникиб қолган турма ошхонасининг хушбўй хидига қачон етишаман, деб орзу қилармиш.

...Онамнинг хатини неча қайталаб ўқигунимча Шошиа елиб-югуриб стол тузади. Ҳар гал посилка ичига хат солинган бўлар ва унда жўнатилаётган овқатларнинг рўйхати келтириларди.

«Ўғлим, сенга мана шуларни жўнатыпман:

1) нон — 1 дона.

2) котлет — 8 дона.

3) кўкат — пиёз, саримсоқ, редиска, тархун, цицима-ти — 1 боғдан.

4) олма — 4 дона.

5) колбаса — 1 дона.

6) қанд — 1 кути.

7) тамаки — 2 кути.

Кечир мени, қўзичоғим. Сени соғинган онанг».

Хат оддий дафтар варағига катта-катта ҳарфлар билан чиройли қилиб ёзилган эди. Уни ўқиб, тотингим эмас, ўкириб-ўкириб йиғлагим келди.

— Ҳурматли биродарлар, столга марҳамат! — деди Шошиа.

Мен хатни чўнтагимга солиб, стол ёнига келдим. Бошқалар ҳам ўтирибди. Бир муддат, гўё роҳибнинг фатвосини кутгандай, стол устидаги нарсаларга тикилиб турдик.

— Бошла! — деди менга Шошиа.

— Нега мен бошлайман?

— Чунки сенинг онанг жўнатган. Бўла қол, сўлагим оқиб кетяпти!

— Исидор амаки, сиз бошланг! — дедим мен.

Исидор амаки бир дона йирик, шарбатга тўла цициматини олиб, тўрт буклади-да, туз сепиб фарчиллатиб тишлади. Биз ҳам бараварига дастурхонга ёпишдик. Аввалига орқа-олдимизга қарамай, ютоқиб ея бошладик. Сал тўйганимиздан кейин шошмасдан, овқатнинг мазасини хис этиб, ҳузур қилиб чайнашга ўтдик. Столда учта котлет билан бир бўлак колбаса қолганида:

— Тез тугаб қолди-да! — дедим мен ўзимни оқлаган киши бўлиб.

— Битта котлетни сен ейсан, қолганини биз яримтадан бўлишамиз, — деб таклиф киритди Девдариани.

— Ойинг, юборган нарсаларимнинг ҳаммасини фақат ўғлимнинг ўзи ейди, деб ўйласа керак! — деди кулиб Тигран.

— Эҳтимол...

— Нима қипти? Саккизта котлет бир одамга ҳам етмайди! — деди Шошиа. Юрагим зирқираб кетди. Ишдан ҳориб-чарчаб чиққан ойимнинг мункиллаб бозорга боргани, гўшт растасига кириб, эти шилиб олинган қоқ суякни арзонроқ харид қилиш ниятида хўппа семиз,

кўзларини ёғ босган қассоб билан узоқ савдолашгани хаёлимдан ўтди.

— Кўп гўшт олиш учун кўп пул керак, Шошиа! — дедим ўзимни аранг босиб ва ўкириб юбормаслик учун котлетни оғзимга солдим.

— Пул дейсанми? Пул бижғиб ётибди бир жойда, азизим! Мана мундоғ! — Шошиа қўлини пешонасига қилди.

— Қаерда ўша жой? — деди Тигран ҳовлиқиб.

— Арслоннинг кетида! Қўлингни тиқиб олаверасан! — деб тушунтирди Шошиа.

— Шунақа осон эканми? — Тигран унча ишонмади.

— Албатта! — Шошиа ўнг енгини шимарди. — Шундоқ тикасану олаверасан!

— Ифлос одамсан, Шошиа, тфу! — деб бир четга туфурди Тигран. — Қилмиш-қидирмиш дейдилар? Сени жойинг мана шу сассиқ қафас!

Шошиа столдан қандайдир мўъжиза юз бериб ейилмай қолган бир бош редискани олиб, чап кафтига қўйдида, худди Гамлет бош суягига қараб изхори дил этгандай, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан редискани ниқтаб, гапга тушиб кетди:

— Азиз дўстларим, бугун умр йўлимга якун ясаган нуқта мана шу нарса бўлади! Холингга вой, нотавон Шошиа! Бебаҳо орзуларим ва бетизгин хаёлларим, алвидо! Алвидо, — қисматим чархпалаги! Мен сени тоғ чўққисига минг машаққат билан олиб чиққан эдим, сен барча умидларимни кунпаякун қилиб пастга думаладинг! Эвоҳ!.. Қирқ йиллик умримнинг ўттиз илини қора нон, пиёз ва редиска еб ўтказдим. Ўттиз йил давомида оқ нону сарёғ, икраю кўзи гўштидан пиширилган кабоб, димламаю лакка балик, беданаю қирғовул, ваннахонаси, ошхонаси, ҳожатхонасигача ялтироқ сопол ёпиштирилган икки қаватли кошона, қора лимузину денгиз бўйида қулинг ўргилсин чорбоғ, чиройли хотину шириндан-шакар фарзандларни орзу қилиб яшадим! Ўттиз йиллик армонимни ўн йилда рўёбга чиқаздим! Оҳ-оҳ! Қани, қайси бирингиз уч хил — қора, қизил ва сариқ икра еган? Қайси бирингиз қовурилган сарёғ еган? Фақат соқолингизни олиб қўйгани учун сартарошга қайси бирингиз ўн сўм бергансиз? Юз сўмликларни сурнай ичига бураб жойлаганмисиз? Ана шунақа! Биламан, анови лақма Тигран: «Шунча пулни қаёқдан олгансан, Шошиа?» — деб сўрайди. Ўша ердан, азизим! Арслоннинг кетидан! Нима демоқчисан, Девдари-

ани? Биз ҳам пулни арслоннинг кетидан суғуриб оламиз, демокчимисан? Бўлса бордир. Лекин сизлар қўлларинг билан оласизлар, мен эса — бошимни тикиб оламан. Арслон нари борганда қўлларингни тишлаши мумкин, мени эса бошимни гажиб ташлайди. Фарқи катта, а? Нима? Буни оқибати нима бўлади, деб сўрамоқчимисиз, Исидор амаки? Минг афсус! Яхшилик билан тугамайди! Ҳозир мен ўтиб кетган ўша ўттиз йилни, қоранон, пиёз ва редискани орзу қиламан. Икки қаватли кошона ўрнига юз хонали турмадаман, мраммар ҳожатхона ўрнига — челақни, чиройли хотин ва ширин-шакар фарзандлар ўрнига сизларга ўхшаган разил ва палид нухсаларни кўриб турибман. Илойим, қоранглар ўчсин!.. Яна саволлар борми, Исидор амаки? — Шошиа ҳаммага таъзим қилиб, жим бўлди.

— Масхарабозсан, Шошиа! — деди Девдариани.

— Йўқ, азизим Лимон, Шошиа масхарабоз эмас, ўлимга маҳкум одам! — Шошиа чуқур хўрсинди.

— Қўй, ўзингни ночорликка солма, бари бир кўнглимни юмшатолмайсан! Ўлсам, тепамда обидийда қилади, деб ўйлаяпсанми? Овора бўласан!

— Нега энди, Девдариани?

— Чунки сен ҳам, у ҳам, — Девдариани Тигранга ишора қилди, — ҳаммамиз ўлишимиз керак.

— Сен ўзингни ўйла, Лимонжон, мени ўлимим масаласини судья иккаламиз ҳал қиламиз! — деб эътироз билдирди Гулоян.

— Шошма, Тигран! Сен мендан олдин ўлишинг керак, Шошиа!

— Нима учун?

— Чунки сенинг ҳамма орзуларинг ушалиб бўлган, мен ҳали ўзимга аталган тушларнинг ярмисини ҳам кўрганним йўқ!

— Бу нарса сабаб бўлолмайди. Мен ўлгим йўқ! — Шошиа норозилик билдирди.

— Нима қиласан бу ёруғ дунёда?

— Ие, у нима деганинг? Ҳали чала қолган ишларим кўп?!

— Қанақа иш?

— Иш кўп, Лимон! — Шошиа бир оз ўйланиб турди-да, сўнг давом этди: — Самадлодаги¹ уйни битказишим керак — бу бир. Марткопидаги², қайнонамнинг то

¹ Самадло — Тбилиси яқинидаги шаҳарча.

² Марткопи — Тбилиси яқинидаги қишлоқ.

морқасидаги иккинчи уйнинг девори кўтарилган, фақат томини ёпиш қолган — бу икки. Иккита ўғлимни олий ўқув юртига жойлашим керак — бу уч. Кейин уларни уй-жой кооперативига аъзо қилиб қўйиш керак — бу тўрт... Энди буёғини эшит: отамнинг икки хонали квартирасини мени уйимдаги бир хонали квартирага алмаштириш керак, учинчи қаватдаги квартирага. Кейин ўзим ўша бир хонали квартира ёнидаги уч хонали квартирага кўчишим керак. У ерда битта оила билан сўққабош бир қария яшайди. Оилага ўзимнинг икки хонали квартирамни, чолга эса қайнонамнинг бир хонали алоҳида квартирасини бераман. Лекин ўша оила мени икки хонали квартирамга кўчишни хоҳламаяпти. Чол яқинда ўлади, уни хонаси ҳам ўзимизга қолади, нима кераги бор овогарчиликни, дейди. Телефон қўйдириб бераман, дедим, ўн минг бераман, дедим — йўқ, дейди! Мана шунақа расво одам! Хўш, булар иш эмасми? Шу ишларни бир ёқлик қилиш керакми, йўқми? Керак. Энди бу ёғини эшит: цехимизни ёпишмоқчи... Хўш, қўшган улушимни қайтариб олишим, кейин ўзимга бошқа жой топишим керакми?.. Керак. Буни ҳам ўзи бўлмайди. Яна: янги «Волга»га навбатим яқинлашиб қолди. Демак, қайнағамнинг номига олинган эски «Волга»ни бошқа одамга расмиёлаштириш шарт — бир хонадонда икки «Волга» бўлиши сал нокулайроқ...

— Ҳеч қанақа ишинг йўқ экан-ку, Шошиа, — деб унинг гапини бўлди Исидор амаки, — бемалол ўлаверишинг мумкин!

— Нега ишим бўлмас экан? Ҳозир санаганларим иш эмасми? — Шошианинг жиғибийрони чиқиб кетди.

— Бошқалар қилиши мумкин бўлган иш — иш эмас. Фақат ўзингга мўлжалланган, фақат ўзинг қилишинг лозим бўлган ишни — иш дейиш мумкин.

— Қанақа иш, масалан?

— Унақа ишлар кўп эмас. Биринчидан — оила, болачақа қилиш. Иккинчидан... Иккинчидан — турмада жазо муддатини ўташ... Учунчидан — ўлиш.

— Хизмат-чи, югур-югур-чи, пул топиш-чи, болалар тарбияси-чи? Булар иш эмасми сизнингча?

— Яна қайтараман: сенсиз ҳам бошқалар қилиши мумкин бўлган иш — иш эмас!

— Иш бўлмай, нима?

— Ҳеч нарса. Одамларнинг шунчаки ўзаро муносабати, ҳамкорлиги, холос... Тушундингми?

— Йўқ!

— Билардим... — деб хўрсинди Исидор амаки ўрнидан тураркан. Шошиа ҳам ўз сўрисига чиқди.

— Демак, ўлишдан бошқа қиладиган ишим қолмапти-да, — деб тўнғиллаб қўйди у.

Орадан бир неча минут ўтганидан сўнг Шошиага аста кўз қиримни ташладим. У сўри устида қафасга тушган қушдай шумшайиб ўтирар, рангида ранг қолмаган, маъюс нигоҳи олисларга, жазирама август офтоби ёндираётган осмонга қадалганди.

Унга ичим ачиб кетди.

— Парво қилма, Шошиа! Исидор амаки ҳазиллашяпти! Тўғрими, Исидор амаки?

Исидор амаки гапимни англаб, кулиб қўйди.

— Тўғри, ҳазиллашдим, албатта, ҳазиллашдим!

— Эшитдингми, Шошиа?

— Шошиани кунни битган! — деди у мен томонга қарамай.

— Мановини нима қилай? — деб қолди Тигран ейилмай қолган котлетни кўрсатиб.

— Оғзингга сол!

Тигран котлетни осмонга отиб, қўли билан илиб олди-ю, яна жойига қўйди.

...Кечкурун бирдан эшик очилиб, назоратчи кириб келди. Ҳаммамиз дарров бошимизни кўтардик.

— Ётволдингларми?

Биз миқ этмадик.

— Балки карцерни соғиниб қолгандирсизлар?

Назоратчининг овозидан шуни пайқадимки, карцерни эслагиси ҳам йўқ. Бу сўзни тилга олишга уни бошқа нарса мажбур қилган: биз махбуслармиз, белгиланган вақтдан олдин ётишга ҳаққимиз йўқ, у эса назоратчи, демак, турма тартиби бузилганини сезмасликка унинг ҳам ҳаққи йўқ.

Назоратчи журнални очди, андак бир нималарни ўқиб турди, сўнг бошини кўтариб:

— Староста ким? — деб сўради.

— Бизда староста йўқ! — деб жавоб берди Девдариани.

— Нима учун?

— Гоголь староста эди. Уни олиб кетишди. Янгисини сайлаганимиз йўқ. Умуман, бизга староста керак эмас.

— Нега керак эмас? Тартибга риоя қилиш керак! — Бу сўзларни ҳам у шунчаки йўлига айтди.

— Беш кишига старостани нима кераги бор? — деб тўнғилладим мен.

— Фамилиянг нима? — деб сўради назоратчи журналга тикилиб туриб.

— Накашидзе!

— Староста сен бўласан! — деди назоратчи. — Қаршимасмисизлар? — шундай деб, у шерикларимга қаради.

— Агар мажбурий бўлса, агар ўзи эътироз билдирмаса, агар сен шуни хоҳласанг, биз қарши эмасмиз! — деб жавоб берди Девдариани.

— Ундай бўлса, чойшаб билан жилдларни йиғиштириб, мен билан юр. Кирхонадан алмаштириб келасан!..

Чойшабларимизни ўн кунда бир алмаштиришади. Ушанда чўмилиб ҳам оламиз. Бизнинг чойшаб ва жилдларимиз кўзни қамаштирувчи оқ сурпдан эмас. Турманинг чойшаб ва жилдлари тез кир бўлмаслиги учун кулранг, хира матодан тикилади. Қолаверса, ўн кун унчалик ҳам кўп муддат эмас.

Камерадан ташқарида босилган ҳар бир кадам, бирор марта бўлса ҳам ортиқроқ ҳовлига чиқиш — маҳбус учун чет элга сафар қилиш, ҳеч бўлмаганда, Руставели проспектида сайр этишдай гап. Шунинг учун ҳам назоратчининг буйруғини эшитиб, суюниб кетдим.

У илгари мени сўроққа олиб бориб юрган ўша назоратчи эди. Биз чурқ этмай коридордан ўтдик, зинаподдан ҳовлига тушдик-да, ҳаммом тарафга қараб кетдик. Кирхона ҳаммомнинг ёнида, ертўлада эди. У ердан доимо буғ кўтарилар, аёлларнинг гала-товури эшитилиб турарди. Бугун кирхона негадир жимжит эди.

Кирхонага яқинлашганимизда бош корпусдан бир назоратчи маҳбусни олиб чиқди.

— Деворга қараб тур, — деб буюрди менинг назоратчим.

Мен девор ёнига бордим. Ҳалигилар яқинлашишди. Назоратчини овозидан танидим — ўтган сафар менинг назоратчим билан гаплашга одам эди.

— Салом, Арсен! — деди у.

— Салом!

— Нега авжинг паст? — деб сўради у.

— Отам оғирлашиб қолди, — деди менинг назоратчим.

— Нима бўлди?

— Қайдам...
— Духтир нима деяпти?
— Санокли куни қолган, деди.
— Ёши неччида?
— Саксон олтида.
— Ҳа, анчага бориб қолган экан...
— Минг қилса ҳам ота-да...
— Албатта, албатта.
— Сени ўғлинг қалай? Тузалиб кетдими? — деб сўради менинг назоратчим.

— Э, сўрама!.. Тузалганда қандоқ! Шунақа шўх бўлганки, ерга урсанг осмонга сапчийди!

— Ҳа, омон бўлсин ишқилиб.

— Раҳмат. Кеча дегин...

— Ҳозир! — деб унинг гапини бўлди Арсен. — Кирхонага бор, — у менга ўгирилди, — бешдаги ўнинчиданман, дегин, чойшаб билан жилдларни санаб топшириб, тозасини ҳам санаб ол, қўл қўйиш эсингдан чиқмасин. Тушундингми?

— Ўғрими? — деб сўради ҳалиги назоратчи.

— Йўқ. Қотилликда айбланияпти. Сеники-чи?

— Гиёҳванд.

— Нимани гапирятувдинг боя?

— Ҳа. Кеча кечқурун дегин, ҳовли томондан чошиб келяпти. Чап кулоғи шишиб, лавлаги бўп кетибди... Нима бўлди, десам...

— Бор, нега қараб турибсан? — деб дўқ урди менга Арсен.

Зинапоядан ертўлага тушдим-у, юзимга урилган қайноқ буғ, бадбўй ҳид ва эндигина дазмол урилган матолардан анқиётган куйинди исидан кўнглим озиб кетди. Сал ўзимни тутиб олганимдан кейин оёғим билан пружина қоқилган эшикни очиб, ичкарига кирдим, ортимдан эшик қарсиллаб ёпилди. Мен кирган жой дахлизча экан, у ердан нам туман сузиб юрган кенг-мўл кирхонага ўтдим. Кирхонанинг тўрида ланг очик яна бир эшик кўриниб турарди, бу қозонхона эшиги бўлиб, улкан қозонлардаги совий бошлаган сувлардан хиёл буғ кўтариларди — афтидан кирлар ювиб бўлинганга ўхшайди.

Кирхонанинг ўнг томонида дазмолланган чойшаб ва жилдлар тахлаб қўйилган узун стол бор эди. Стол ёнида белигача қип-яланғоч, иссиқдан юзлари бўғриққан қирқ ёшлардаги дуркун бир аёл турарди. Тим қора сочлари терлаб кетган юзи ва оппоқ елкаларини буткул қоплаб

олган эди. Таранг тортилган сийнабанди остида йирик кўкраклари тирсиллаб турарди. У дазмоллаш билан машфул эди.

Кўзим тиниб, чайкалиб кетдим. Пойгоҳга қўйилган узун курсига шоша-пиша ўтирволдим. Аёл ўшандагина мени пайқади. У заррача қўрқув ёки хижолатсиз, ҳайрат билан менга тикилиб қолди. Аста-секин нигоҳидаги ҳайрат синчковликка, сўнг қувончга айланди.

Бу ҳол кўз очиб-юмгунча юз берди, ҳар ҳолда менга шундай туюлди.

— Мен бешдаги ўнинчиданман, — дедим тилим зўрға айланиб, — кир чойшаб ва жилдларни олиб келувдим, мана...

Аёл парво қилмади. Қайтанга баттар жилмайди.

— Бешта чойшаб билан бешта жилд. Қаерга қўяй?

— Анови ерга! — аёл эшик томонга бир қараб олди. —

Бир ўзингмисан?

— У ҳовлида кутяпти, — деб жавоб бердим мен ва кўлимдаги нарсаларни курсига қўйдим.

— Исминг нима?

— Заза.

— Яқинроқ кел.

Мен каловланиб қолдим.

— Келавер, қўрқма.

— Тоза чойшаблар қаерда?

— Берироқ кел!

— Қаерда тозалари?

— Шу ерда. Ке, ол.

Мен унга яқинлашдим.

— Қани? Мен қўл қўйишим керак.

— Кела қолсанг-чи! — Аёл дазмолни столга қўйиб, менга қўлларини чўзди. — Бўла қол, тентак, кейин кеч бўлади! — унинг овози титраб, кўкси қизил доғлар билан қопланди. — Бўл, бўла қол, тезроқ, тезроқ!

Ёнгинасига қандай бориб қолганимни билмайман.

...Аёл мени жазава билан бағрига босиб, бўйниму елкаларимни сийпалай кетди. Сўнг қайноқ лабларининг тафтини, иссиқ кўксини туйдим. Тиззаларим бўшашди. Хўл полга ётганимизни, аъзойи баданим титраб, кўзларимни аллақандай парда қоплаганини эслайман, холос. Кейин бир-биримизга чирмашиб, қандайдир пуштиранг туман ичида суза бошладик, гоҳ кулар, гоҳ йиғлардик, қулоғимга узук-юлуқ сўзларимиз эшитиларди:

— Жоним!..

- Куёшим!..
- Э, парвардигор!..
- Кетма!..
- Кетмайман!..
- Ростдан кетмайсан-а?
- Албатта!..
- О, кадрдоним!..

Бирдан миямнинг аллақаерида қаттиқ тугун пайдо бўлди... Вужудим таранглашди... Сўнг бўгин-бўгинимгача бўшашиб, танамга илиқ бир ҳаловат югурди... Қаердандир салқин шабада эгандай бўлди... Қўзларимни очдим.

Аёл жилмайганча ҳали титроғи босилмаган бармоқлари билан пешонамдаги совуқ терни артарди.

— Исминг нима? — деб сўрадим ундан.

— Тур, кеп қолади анови?

— Исминг нима?

— Маро.

— Нега қамашди?

— Тур.

— Чойшабларни опкелувдим.

— Биладан.

— Қўл қўйишим керак экан.

— Кераги йўқ. Столда турибди, олавер. Энди тур!

Мен ўрнимдан турдим.

— Нега қамашди сени, Маро?

— Совун ўғирлаган эдим! — деди у кулиб.

— Ёлғон!

— Милиционерга тилимни ҳам кўрсатувдим.

— Йўқ, тўғриси айт.

— Кимсан ўзинг — маҳбусмисан ёки прокурормисан?

— Билгим келяпти-да...

— Мен сендан сўраётганим йўқ-ку! Чойшабларингни олу жўнаб қол!

— Сени энди кўрмайманми?

— Ёшинг неччида?

— Йигирмада.

— Кўриниб турибди!

— Шахарда-чи?..

— Бор энди! Керак бўлсанг ўзим топволадан.

У сапчиб ўрнимдан турдию мириқиб керишди. Икки елкасидан тутиб, чеккасидан ўпдим. Юзи нам ва совуқ эди.

- ...Назоратчилар ҳамон гаплашиб туришарди.
 — Бўлдимиз? — деб сўради менинг назоратчим.
 — Ҳа.
 — Дарров-а?
 — Ҳа.
 — Нима бўлди, рангинг оқариб кетибди?
 — Ҳавоси оғир экан!

— Гапинг тўғри, — деди у. — Доим сасиб ётади. Шунинг учун киргим келмайди-да!.. Қани, кетдик! Хайр, Гоги! — у оғайнисини билан хайрлашди.

- Омон бўл, Арсен.

...Гулоян билан Девдариани шахмат ўйнашар, Исидор амаки китоб ўқир, Шошиа эса тош қотганча шифтга тикилиб ўтирарди.

- Хўш? — деди Девдариани.

— Опкелдим! — шундай деб, чойшаб ва жилдларни сўрига ташладиму, дармоним қуриганидан ўзим ҳам чўзилиб қолдим.

- Аёлларни кўрдингми?

- Қанақа аёлларни?

- Кир ювадиган аёлларни-да.

- Йўқ, кетиб қолишган экан.

— Э-э... Мен ҳам бир марта чойшаб алмаштиришга борганман... Ярим яланғоч аёлларга тикилишдан оғир азоб йўқ! — деди Девдариани ўрнидан тураркан.

- Қаёққа? Ўйна! — деб бақирди Тигран.

— Нимасини ўйнайман, галварс, бир юришдан кейин мотсан! — деб жавоб берди Девдариани ва ўзини сўрига ташлади.

Девдариани билан ёнма-ён ётамиз. Ҳозир ухлаяптими, йўқми — билиб бўлмайди. Қўлларини боши остида чалкаштириб олган, кўзлари юмук... Мени эса бугунги воқеадан кейин сира уйқим келмаяпти. Биров билан гаплашгим келади. Саргузаштимни сўзлаб бериш учун эмас! Худо сақласин! Гапириб берсам, шерикларим жинни бўлқолишади. Ишонмасликлари ҳам мумкин. Қолаверса, бунақа воқеаларни дoston қилиб юришни хуш кўрмайман.

Девдариани ухлаяпти... Шошиа-чи? Йўқ, у уйғоқ... Ҳар гал у билан суҳбатлашганимдан кейин жонимдан тўйиб кетаман, йиғлагим, бутун инсониятни лаънатлагим келади. Тигран-чи? Тигран ғирт қонхўр. Нимани гапирса, охири ўлим билан тугайди. Энг қизиғи: ўлим унинг учун оддий гап, худди сайр тафсилотини ҳикоя

килиб бергандай, яйраб сўзлайверади... Бунақа одам онкологик касалхонанинг бош дўхтири бўлиб ишлагани тузук... Исидор амаки-чи? О, бу киши билан гаплашсам — роҳат қиламан! Лекин у ухлаяпти, хуррак отиб ётибди...

Мен ух тортиб, девор томонга ағдарилдим. (Лаънати лампочка! Шунақа асабга тегадики! Унинг жинчиروقдай хира шуъласига сира кўниколмайман!)

— Ҳа, йигитча!

Бу — Девдариани! Демак, уйғоқ экан! Худога шукур!

— Уйқим келмаяпти, Лимон!

— Севиб қолдингми?

— Қизик одатим бор, Лимон... Бирорта аёлни кўриб, икки оғиз гаплашишим билан севаман-қоламан!

— Бахтсиз одам экансан!

— Бу ҳам майли: айтайлик, кўчада турибман. Атрофим гиж-гиж одам. Ёнимдан бегона аёл ўтиб кета туриб, бехосдан кўз қирини ташладими — тамом, мени танлади, бир ишора қилсам кифоя: менга турмушга чиқади, ҳеч бўлмаганда, бир кечани мен билан ўтказади, деб ўйлайвераман... Аҳмоқман-а, тўғрими?

— Бахтли одамсан!

— Нима учун?

— Чунки аҳмоқлигингни ўзинг ҳам биласан.

— Мана бугун ҳам... кир ювадиган хотинни кўрдиму севиб қолдим. Сира кўз олдимдан кетмаяпти...

— Нуну-чи? Ундан кўнглинг совидими?

— Йўқ, лекин Марони кўпроқ кўмсаяпман... нима десамикин... жисман!

— Исми Мароми?

— Ҳа.

— Чиройлими?

— Қайдам. Турмада ҳамма аёл чиройли кўринаверадиди.

— Рост айтасан.

Орага жимлик чўқди... Бир оздан сўнг Лимон яна тилга кирди, энди мен билан эмас, ўзи билан ўзи гаплаша бошлади:

— У ҳақиқатан гўзал эди...

Мен ҳозир Девдарианининг дил сўзларини тинглашимни, ҳозир у йиллар давомида юрагини ўртаб ётган дардларини тўкиб солишини англаб, нафасимни ичимга ютдим.

— ...Майданда¹ Ефрем Бабаликашвили деган бир малла яхудий ўғри бор эди. Анча бурун биз у билан ўнинчи трамвайда «иш» қилардик. Кейин у тиллага ўтиб кетди. Ҳозир Исроилда — яқинда кетиб қолди. Бир куни Бабаликашвили менга яхши бир «иш» топширди: Солولاки², Коджор кўчаси, тиш дўхтирининг квартираси... Шунга ҳам ўн йил бўлди: лекин худди кечагидай эсимда... Июль ойи эди, ҳарорат қирқ даражадан кам эмас. Тбилиси ҳувиллаб қолган — ҳамма дала ҳовлисига чиқиб кетган пайт. Лекин ҳалиги дўхтир уйида, иш билан овора. Шанба куни, беморлар қабул қилинадиган кун, «иш»га отландим. Бир ўзим. Жағимни боғлаб олганман... Йўлакда беморлар ўтиришибди. «Охири ким?» — деб сўрадим. Ҳеч ким миқ этмайди. Тиш дўхтирига навбатда турганлардан меҳрибон одамни топиш қийин бу дунёда. Ҳар ким ўз навбатини сизга бергиси келади. Майли, дедим-у, индамай бир четга ўтирдим. Охирги бемор чиқиб кетгунча кутдим. Қоронғи тушиб қолган эди. Бирдан кабинетдан енглари ҳимарифлик оқ халат кийган жиккаккина чол чиқиб келди. Йўлакдаги чирокни ёқдию мени кўриб, боши билан ичкарига таклиф этди. Унга эргашидим. Дўхтир индамай креслога ишора қилди. Ўтирдим. Тиш суғурадиган, тиш арралайдиган, тиш эғвлайдиган ва яна аллақанақа асбобларга кўзим тушдию аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди — болагимдан тоқатим йўқ бунақа нарсаларга... Дўхтир пешонасида ялтираб турган ликопчасини тўғрилади, жағимдан боғични ечди, бош бармоғи билан иягимдан итариб, оғзимни очишга мажбур қилди.

— Қайси тишингиз оғрияпти? — деб сўради ниҳоят андак таажжубланиб.

— Ҳеч қайсиниси! — дедиму кўлини нари итардим.

— Нега келдингиз бўлмаса?

— Ҳа энди...

— Менга қаранг, биродар, сиз билан майнавозчилик қилиб ўтиришга вақтим йўқ. Нима демоқчисиз, гапиринг! — деди дўхтир зарда билан ва халатини еча бошлади.

Креслодан турибоқ тиззаларим қалтираб, билакларим бир пудлик тош осилгандай оғирлашиб кетганини сездим. Бунақа ишга ёлғиз биринчи чиқишим эди, нақадар ваҳимали бўлишини энди тушундим.

^{1,2} М а й д а н, С о л о л а к и — Тбилисидаги районларнинг эски номлари.

— Менга пул керак! Тилло керак!
— Қанақа пул? Қанақа тилло? — дўхтир хангу манг бўлиб қолди.

— Қоғоз пул билан тилло тангалар!

— Эсингиз жойидами?! — деб кичкирди у астойдил таажжубланиб.

Энди чекиниб бўлмасди. Пиджагимни ечдиму кама-римдан тўппончани чиқаздим... Дўхтир хайкалдай қотиб қолди, сўнг бир чайқалди, йиқилиб тушмаслик учун ўзини апил-тапил креслога ташлади.

— Илтмос, анови шишачани олворинг, — деди у ойнаванд шкафни кўрсатиб. Тили базўр айланарди.

Мен шкафни очиб, дўхтир айтган шишачани олдим, ҳидлаб кўриб, беихтиёр кулиб юбордим: навшадил спирти экан.

— Марҳамат!

Жилмайганимни кўриб, дўхтирга жон кирди. Спирт-ни бир ҳидладию савдолашишга тушди.

— Қанча керак?

— Мен сиздан қарз сўраб келганим йўқ! — дедим — Чиқазинг ҳаммасини! Иложи борича, тезроқ!

— Ҳозир бақираман! — деб, пўписага ўтди у.

— Бақирсангиз бақираверинг! Бу ерда тиш суғуради-ган дўхтир яшайди. Бақирингизга ҳеч ким кулоқ сол-майди.

— Менда пул ҳам, тилло ҳам йўқ... — деди у ин-граб.

Вақт ўтиб борарди, машмашага тезроқ чек қўйиш керак эди. Тепкини босиб, тўппончани дўхтирга тўғриладим. Тўппончамнинг беҳато отишдан ташқари яна бир афзаллиги бор: ўқдонидаги етгита ўқнинг ҳаммаси юрак-ни ваҳимага солиб, баралла кўриниб туради. Шунинг учун ҳам «иш»га ёнимда тўппонча билан чиқаман. Ре-жам бу гал ҳам ўзини оқлади — дўхтир креслодан ту-шиб, оёғимга йиқилди:

— Йўқ, йўқ! Ўлдирманг!.. Пулни, тиллою кумуш-ларни бошимга урамани!.. Олинг!.. Мана пул!

У сакраб туриб, шкафнинг ёнига пилдираб борди-да, ундан бир даста юз сўмликларни олиб, оёғим остига ташлади. Кейин галадонни тортиб, аллақанча қўйма ол-тинни чиқазди:

— Мана тилло! Олинг!

Шундан сўнг билагимдан тутиб, бошқа хонага судраб кирди.

— Мана, кизим иккаламизнинг тилло соатларимиз, мана булар қизимнинг билагузуги, исирғаси, ёкут кўзли узуги, икки карат, ўттиз минг сўм туради! Олинг, ҳаммаси сизники!

Мен эс-хушини йўқотган дўхтир изидан юриб, чўнтакларимни қимматбаҳо буюмларга тўлдирардим. У қутича ва ғаладонларни бўшатиб бўлгач, буфет ёнига чопиб борди-да, иккала эшигини ланг очиб, худди чайқов бозоридаги савдогардай, ўз буюмларини мақтай кетди:

— Мана биллур идишлар, олинг! Чех биллури, баҳоси олтин билан баробар!.. Бавар, саксон чинчилари, ноёб буюмлар дўконидан сотиб олганман! Олинг, ҳаммасини олинг!

Бирдан бу ночор одамни ҳам, ўзимни ҳам ёмон кўриб кетдим. Ҳозир мен ичида турган уй бадбўй ахлатхонани, ҳализамон домига тортиб кетадиган ботқоқликни ёдимга солди. Тўппончамни белимга тақиб, пиджагимнинг тугмаларини қададим-да, эшикка қараб юрдим. Дўхтир ҳамон бир нималар деб вайсарди, аммо энди уни эшитмасдим... Шу пайт оғайниларимдан бирортаси ишонмайдиган, ишонса ҳам, устимдан роса куладиган ҳодиса рўй берди...

Эшик ёнида осиглиқ турган каттакон кўзгуда ўз аксимни кўрдиму, дарров ҳовримдан тушдим. Сенга бу ғалати туюлиши мумкин, лекин кишининг кўзгудаги акси унга шунақа таъсир қилади. Ўзим бунни синаб кўрганман: бир кеча ўз аксим билан гаплашганман, баҳслашганман, ҳатто муштлашганман ҳам! Ҳозир кўзгудан ўзимдан кўра чиройлироқ, кучлироқ ва ўзимдан кўра мардрок одам қараб турарди. У гўё яхдек шиша бармоқларини пешонамга теккизгандай бўлди, шу заҳоти шаштимдан тушдим-қўйдим. Кўзгуга яқинроқ бориб, унинг устки сўл бурчагига, рамка четига қистириб қўйилган суратни кўриб қолдим. Бу — икки қизнинг сурати эди. Кўзларимга ишонмасдим. Қизларнинг бири менинг синглим Лейла эди.

— Бу қиз ким? — деб сўрадим дўхтирдан, буткул бегона овоз билан.

— Ўнгдагиси кизим Динара, униси университетда бирга ўқийдиган дугонаси Лейла Девдариани.

Суратни олиб, рояль устига қўйдим-да, чўнтагимдан тунаган нарсаларимни чиқаза бошладим.

— Нима қияпсиз? — деди дўхтир каловланиб.

— Сизникига ҳеч ким келгани йўқ! Ҳеч ким ҳеч нарсангизни олгани ҳам йўқ!

Рояль устига пуллар, соат ва исирғаларни териб қўйдим.

— Ҳеч ким келгани йўқ сизникига!

Сўнг билагузук ва узукларни чиқаздим.

— Нима қиялпсиз, нима қиялпсиз? — дерди нукул дўхтир таажжубланиб.

Мен пиджак ва шимимнинг чўнтақларини бўшатардим.

— Бу бизники эмас! Ўзингизнинг портсигарингиз! — деб қолди бир маҳал дўхтир. — Мен чекмайман... Манови узук ҳам бизники эмас, уни бармоғингиздан чиқаздингиз... Дастрўмол ҳам, гугурт ҳам ўзингизники...

Нарсаларимни чўнтагимга пала-партиш солдим у эшик томон юрдим.

— Хайр! — деди оркамдан дўхтир. — Ие, тобингиз қочдим? Балки дори ичворарсиз?

Эшик қабзасига энди қўл урган пайтимда кўнғироқ жиринглаб қолди.

Бир чўчиб тушдим, дарров атрофга алангладим. Деразадан сакрасаммикин? Иложи йўқ! Ҳамма деразаларга темир панжара қоқиб ташланган.

— Кўркманг, кўркманг! — деди дўхтир типирчилаб. — Ҳеч гап йўқ! Хотиржам бўлинг. Айтмайман, ўлай агар! Кўшним ё бирорта бемор бўлса керак... Миқ этмайман, мана кўрасиз!!

У эшикни очди.

— Ана, айтмадимми, қизим Динира экан! — деб хитоб қилди дўхтир суюниб.

Остонада қора ёқали ва қора боғичли оқ қўйлак кийган, билагига қора билагузук таккан... бир фаришта жилмайиб турарди.

— Салом! — деди фаришта.

... Девдариани жим бўлиб қолди. Бир минут ўтди, икки минут ўтди, уч минут ўтди. Камерада фақат уйкуга кетган махбусларнинг бир маромда нафас олишигина эшитиларди. Мен интиқлик билан ҳикоянинг давомини кутардим, аммо Девдариани миқ этмасди. Эҳтимол мени, ухлаб қолди, деб ўйлагандир. Икки-уч марта у ёнимдан бу ёнимга ағдарилдим. Бари бир ундан садо чиқмади. Ё ўзи ухлаб қолдимикан? Қанақа тентаклик бу?!

— Кейин нима бўлди, Лимон? — деб сўрадим тоқатим тоқ бўлиб.

— ...У пайтда уйдан кетиб қолган эдим... — деб давом этди бир оздан сўнг Девдариани. — Икки йил

қадам босмадим уйимизга. Шу икки йил ичида ойим уч марта Дидуби черковида менга лаънат ўқиди... синглим Лейла эса мен билан яшириқча, кўпинча Вакедаги боғда учрашиб турарди... Келади-ю, аввал бўйнимга осилиб, юзларимдан ўпади, кейин койишга тушиб кетади. Нималар деб ҳақорат қилмаган дейсан — ўғри ҳам, дайди ҳам, ўз онамининг қотили ҳам, илон ҳам, чаён ҳам, худбин ҳам, қонхўр ҳам бўлдим унинг учун... Сўнг кўксимга бошини қўядию юм-юм йиғлайди, узоқ йиғлайди... Аҳмоқ бўлиб сен билан кўришиб юрибман, дейди. Қани гурурим, қани ориятим, дейди... Ойим билиб қолса, бўғиб ўлдиради мени, дейди. Лекин бари бир менга бошқача кўз билан қарарди, назаримда, мен билан фахрланарди. Аммо ойим... О, онагинам!.. Асли Инал-Ипалик. Маррур аёл!.. Шуниси ҳам борки, синглим билан учрашувимиз ойимнинг хоҳиши билан бўлаётганини, Лейла билан боғда гаплашаётган пайтимизда у бирор муюлишдан бизни кузатиб туришини кўнглим сезарди, чунки Лейла боғдан ҳеч қачон мендан олдин кетмасди. Бундан ташқари, синглим ҳар гал оқ нон билан яхна котлет олиб келарди — мен уларни болалигимдан хуш кўрардим, ойим буни яхши биларди...

Бир куни боғда гаплашиб ўтириб синглимдан: «Нега турмушга чиқмайсан?» — деб сўрадим. «Чунки ҳеч ким ёнимга келишга журъат этолмайди. Ҳамма сендан кўрқади!..» деб жавоб берди у. Лейла жуда чиройли эди... Ҳозир турмушга чиққан... Учта боласи бор... Лекин бари бир Динара ундан гўзалроқ...

Девдариани яна жим бўлиб қолди.

— Намунча қийнайсан! — дедим энтикиб. — Гапира қолсанг-чи, кейин нима бўлди?

— Нима бўларди... Динаранинг домига илиндиму уни кўриш умидида Лейланинг туғилган куни уйга бордим... Бу йигирма тўққизинчи августда бўлган эди...

— Кейин-чи?

— Уйга эрталаб келдим. Эшикни Лейла очди. Мени кўрдию хўнграганча ўз хонасига кириб кетди. Бир соатча ойимнинг оёғига йиқилиб, кечирим сўрадим, тузалишга, ҳаётимни янгидан бошлашга ваъдалар бердим... Аниқ ёдимда йўқ, яна алламбалолар дедим... Сўнг ойимнинг мамнун қиёфасига боқдим... Хуллас, бу ҳол кечгача давом этди... Кечкурун меҳмонлар келишди. Меҳмонларки, Лейланинг уч-тўртта йигит-қиз ўртоқлари. Баъзилари мени танишарди, шунинг учун бирови ҳадиксираб,

бирови таажжубланиб сўрашди... Бир маҳал Динара кеп қолди. Ўша кунги кийимда... Кириши билан ҳаммаёк нурга тўлгандай бўлди!.. Ёнида оқ кўйлак устидан қора костюм кийган хушбичим бир йигит ҳам бор эди. Динара қандайдир сопол идишни кўтариб олганди. Нигоҳимиз тўқнашди. Унинг тим қора кўзларида аввал ҳайрат, сўнг беадат кўркув ифодаси пайдо бўлди. Ранги дув оқариб, савол назари билан Лейлага қаради. Мен бўлсам... сурат бўлиб қолган эдим... Бир маҳал қулоғимга Лейланинг:

— Танишинглар, акам — Како, булар — дугонам Динара билан турмуш ўртоғи, — деган овоз эшитилди.

Динаранинг қўлидаги сопол буюм ерга тушиб, чилчил бўлди... Кейин у қўллари билан кўзларини беркитди-да, шартта орқасига бурилиб, хонадан чопиб чиқиб кетди.

— Кейин-чи? — деб пичирладим мен.

— Томоша тугади! — Уй бир зумда бўм-бўш бўлиб қолди. Меҳмонлар нима воқеа рўй берганини ҳам англаёлмай, тарқаб кетишди. Буни фақат мен ва сал-пал Лейла биларди. Кейин ойим оёқларимни кучиб, кетмагин, деб ёлворишга тушди, агар кетадиган бўлсанг, мен билан синглингни ўлдириб, уйга ўт қўйиб кет, деди.

— Бари бир кетдингми?

— Кетдим.

— Хайвон экансан, Девдариани!

— Биламан... Дунёда ўғридай иродаси бўш одам йўқ. Ҳамма ўғрилари довюррак деб ўйлайди. Аслида унақа эмас. Бизда ирода бор, аммо...

— Нима «аммо»?

— Мутлақо кераги йўқ пайтда пайдо бўлади! — деди Девдариани ва нариги ёнбошига ағдарилди.

ТУРИНГЛАР, СУД КЕЛЯПТИ!

Залда биттагина одам — айбланувчи бор, холос. Раислик қилувчи бўм-бўш залга хомуш нигоҳ ташлади, муштира бир йўталиб олиб, айбланувчига боши билан «ўтиринг» деган ишорани қилди.

У ўтирди.

— Жуда жиддий ва узрли, бунинг устига, ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра судлов тартибининг ҳамма бандларига риоя қила олмаётгани учун суд ҳайъати муҳтарам жамоа ва айбланувчидан кечирим сўрайди. — Ра-

ислик қилувчи енги билан пешонасидаги терни артди. Залдан садо чиқмади.

— Бугун, — деб давом этди у, — яъни, шу йилнинг ўн иккинчи августда Исидор Иосифович Саларидзе томонидан Грузия ССР Жиноят кодексининг бир юзу тўртинчи моддасида кўзда тутилган жиноят содир этилганига доир жиноий иш кўриб чиқилади.

Раислик қилувчи ўтирди.

— Айбланувчи, тулинг!

Саларидзе ўрнидан турди.

— Фамилиянгиз?

— Саларидзе.

— Исми шарифингиз?

— Исидор Иосифович.

— Ёшингиз?

— Минг тўққиз юз ўнинчи йил ўн биринчи май куни эрталаб соат олтида Хашури шаҳрида дунёга келганман. Олий маълумотим бор. Грузин, рус, француз ва немис тилларини биламан. Касбим — иқтисодчи. Статистика бошқармасида ишлаганман, оилалиман. Хотиним минг тўққиз юз олтмишинчи йилда вафот этган. Қизим билан неварам бор. Вашлован кўчасидаги бир юзу эллик биринчи уйда яшаганман. Минг тўққиз юз ўттизинчи йилдан бери партия аъзосиман.

— Аъзоси бўлгансиз, — деб унинг гапига аниқлик киритди раислик қилувчи.

— Аъзоси бўлганман ва ҳозир ҳам аъзосиман! — деб таъкидлади Саларидзе.

Раислик қилувчи эътироз билдирмади.

— Айбланувчи Саларидзе, айблов хулосасини сизга беришганми, беришган бўлса, қачон беришган?

— Ўтган шанбада олганман.

— Айбланувчи Саларидзе, суд — фолбин эмас, кунини аниқ айтинг!

Айбланувчи шифтга тикилиб, пичирлай бошлади — афтидан, ичида етти кунни санаб, ўн иккинчи августдан айириб ташламоқда эди.

— Бешинчи августда!

— Айблов хулосаси билан танишиб чиққанмисиз?

— Ҳа, ўқидим.

— Қўйилган айбни бўйингизга оласизми?

— Йўқ!

Раислик қилувчи бундай жавобни кутмаган эди. У икки ёнида, узун тахта стол четида ўтирган кишиларга

хайротомуз қараб қўйди. Улар ҳам унсиз бош силкишди. Шундан сўнг раислик қилувчи бўш залга мурожаат этди:

— Энди мухокамага ўтамиз. Ишни Олий суднинг қуйидаги хайъати кўриб чиқади:

раис Накашидзе,

давлат қораловчиси — Девдариани,

халқ маслаҳатчилари — Гулоян ва Гоголадзе.

Раис хайъат аъзоларини эълон қилиб бўлгач, жим бўлиб қолди ва ёғоч курсида ўтирган судланувчига — кўзларининг ости салқиб, қовоқлари шишиб кетган, ўзи эса бир бурдагина бўлиб қолган қарияга узоқ тикилиб турди.

— Судланувчи Саларидзе, суд хайъатига эътирозингиз борми?

— Йўқ! — деди Саларидзе хиёл ўрнидан қўзғалиб.

— Бошқа эътирозларингиз-чи!

— Йўқ!

— Дастлабки терговда оқловчидан воз кечган экансиз?

— Худди шундай!

— Балки суд оқловчи тайинлашини хоҳларсиз?

— Кераги йўқ!

— Ундай бўлса, ўзингизга қўйилган айб ва шу ишга алоқадор бошқа нарсалар хусусида ҳам судга батафсил гапириб берсангиз.

Раис тирсақларини столга тираб, иягини икки кафтига қўйди-да, кўзларини юмганча судланувчининг сўзлашини кута бошлади.

— Тунги соат бирларда эшик қўнғироғининг қаттиқ жиринглашидан уйғониб кетдим, — дея ҳикоясини бошлади Саларидзе. — Билдимки — куёвим. Қизим ухлаб қолганга ўхшайди. Қўнғироқ тўхтамай жирингларди. Ниҳоят эшикни очилгани ва куёвимнинг хиргойи қилиб ичкарига киргани эшитилди.

— Ётволдингми? Мени кутмасдан-а?! — деб ўшқирди куёвим ва бир нарсани гурсиллатиб полга улоқтирди.

— Бақирма, ҳамма ухляпти. Кеч бўп қолди, кириб жойингга ёт! — деди қизим ялинчоқ овозда.

— Ҳамма? Ким ўша «ҳамма»? Э-э, анови иқтисодчи дадангми?

— Бола ҳам ухлаган.

— Бола ўзимники! Хоҳласам — уйғотаман, хоҳламансам — йўқ!

Куёвим ҳамон йўлакда уймаланишарди. Яна ичиб келганини дарров сездим. Кейин улар ўз хоналарига, яъни қизим билан куёвим турадиган хонага кириб кетишди. Бақириқ-чақириқларни эшитиб турардим-у, аммо сўзларини илғамасдим. Қизим уни инсофга чақирар, ялиниб-ёлворар, у бўлса баттар авжга чиқар, алланималарни уриб синдирарди. Қизим бир неча бор инграб чинқирди, кейин бола додлай бошлади. Шубҳам қолмади — у қизимни дўппослаётганди!.. Чидаб туrolмадим. Ўрнимдан турдим у чирокни ёқиб, қизим билан куёвимнинг хонасига кирдим. Қизим каравотда ўтирганича бир қўли билан ёрилган лабидан оқаётган қонни артар, иккинчи қўли билан боласининг бошини силарди.

— Ўлдираман ҳаммангни, нонқўрлар! — деб бақирди куёвим. — Йўкол кўзимдан, қари кўппак, йўкол! — деб ўшқирди у мени остонада кўриши билан.

Чопиб бориб, юзига тарсаки тортиб юбордим. Аввалига у андак анграйиб турди-ю, кейин менга мушт солди. Каттиқ урди. Полга ағдарилиб тушдим. Қизим додлаб тепама келди.

— Ҳайвон! Йиртқич! — деб йиғларди у нукул, мени турғизишга уринаркан.

— Буважо-он! — деб чинқирди неварам.

Бир амаллаб ўрнимдан турдим, гандираклаганча ўз хонамага ўтиб, деворда осиглиқ турган ўн икки калибрли ов милтигини олдим-да, изимга қайтдим. Куёвим милтиқни кўриб, сесканиб кетди.

— Жўна уйимдан! — дедим мен.

— Милтиқни ташла! — деб бақирди у.

— Йўкол уйимдан! — дедим яна мен.

— Ташла милтиқни, қари тентак! — деб ўшқирди у ва менга қараб кела бошлади.

Халқ маслахатчиси Гулоян ҳаяжонланганидан бўйин ва пешона томирлари ўйнаб, ўрнимдан сапчиб туриб кетди. Давлат қораловчиси Девдариани уни зўрлаб жойига ўтказиб қўйди. Раис тирноқларини ғажий бошлади.

— Милтиқни унга тўғриладим, оғзини қорнига тираб туриб, иккала тепкини туширдим, — деб давом этди судланувчи. — У жонҳолатда милтиққа ёпишиб, қўлимдан тортиб олмоқчи бўлди. Бараварига иккала тепкини босдим... Ўқ овозини эшитмадим. Фақат қизимнинг хушдан кетиб йиқилганини ва куёвимнинг оғзидан отилиб чиққан қонни кўрдим. Кейин неварамнинг даҳшатдан бақрайиб қолган кўзларини илғадим... Буларнинг бари

менга тушга ўхшаб туюлди: шу пайтда фожеа рўй берганига ҳеч ким мени ишонтиролмади.

— Нима учун? — деб сўради раис.

— Гап шундаки, милтиқ ўқланмаган эди! — Судланувчи елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тин олди.

Суд хайъати хангу мангу бўлиб қолди.

— Қанақасига? — деди ниҳоят раис.

— Милтиқ ўқланмаган эди! Икки кун бурун уни ўз қўлим билан тозалаган эдим! Ўқи йўқ эди! — деди яна судланувчи ишонч билан.

— Ким ўқлаган бўлмаса?

— Куёвим.

— Ким айтди сизга буни?

— Ўзи. Қўлимда жон бераётиб, нигоҳи билан айтди... Мен тушундим. Бошқа одам тушунмаган бўларди, лекин мен тушундим.

— Буни ким тасдиқлай олади?

— Ҳеч ким!

— Кейин нима бўлди?

— У ёғида менинг иштироким йўқ... Мен ҳеч нарса билмайман.

— Яна нималар дея оласиз?

— Ҳеч нарса.

— Ўйлаб кўринг!

— Менинг бошқа гапим йўқ.

Раис елкасини қисиб, давлат қораловчисига қаради. У ҳам хайрон бўлиб, қўлларини икки томонга ёзди.

— Эҳтимол бирор нарса ёдингиздан кўтарилгандир? — деди яна раис.

— Нима ёдимдан кўтарилиши мумкин? — судланувчи раиснинг ниятини англамади.

— Сизни оқлаши мумкин бўлган бирор далил?

— Бунақа далил йўқ.

— Ундай бўлса, — дея раис бўш залга мурожаат этди, — давлат қораловчиси, адлия катта маслахатчиси, прокурор Девдарианига сўз бераман, Марҳамат!

Прокурор судланувчини сўроқ қилишга киришди.

— Судланувчи Саларидзе! Милтиқ ўқланмаган, деб ўйлагансиз? Шундайми?

— Худди шундай.

— Унда ўқи йўқ милтиқни кўтариб киришнинг нима зарурати бор эди?

— Куёвимни қўрқитмоқчи эдим.

- Куёвингиз бӯш милтиқдан қўрқишига ишончингиз комилмиди?
- Йўқ, қўркмасди.
- Бари бир кўтариб киравердингизми?
- У милтиқ ўқланган деб ўйлаши мумкин эди.
- Бунинг нима аҳамияти бор? Милтиқда ўқ йўқлигини ўзингиз билгансиз-ку?
- Қўрқиб, кечирим сўрайди, деб ўйлагандим.
- Лекин бундай бўлмаган?
- Ҳа.
- Агар узр сўраганда қизингиз билан ўзингизга етказган озорини кечирармидингиз?
- Фақат тиз чўкиб сўраса, кечирардим! — деди Саларидзе бир оз сукутдан сўнг.
- Саларидзе! Куёвингиз милтиқдан қўркмаган. Устингизга бостириб келаверган. Демак, у милтиқнинг хавфсизлигини, яъни ўқи йўқлигини билган. Шундайми?
- Тўғри.
- Унда нега тепкини туширдингиз? Нима мақсадда? Икковингиз ҳам милтиқ отилмаслигини яхши билгансиз-ку?
- Ҳа энди... ётиб қолгунча...
- Саларидзе! Куёвингиз милтиқ унинг учун ҳеч қандай хавф солмаслигини била туриб, нега қўлингиздан тортиб олмоқчи бўлди?
- Билмадим.
- Тепкини туширган пайтингизда милтиқ бари бир отилмаслигига ишонганмидингиз?
- Албатта.
- Нега бўлмаса тепкини босдингиз?
- Беихтиёр...
- Демак, милтиқ отилмаслигини билгансиз. Уёғига нима қилмоқчи эдингиз?
- Билмайман...
- Куёвингиз милтиқни тортиб олиши мумкинмиди?
- Ҳа.
- Саларидзе! Агар милтиқ ўқланганини билганингизда тепкини босармидингиз? Саволни қайтараман: агар милтиқда ўқ борлигини билганингизда отармидингиз?
- Саларидзе сув сўради. Томоғини ҳуллаб олгач, бош чайқади-ю:
- Билмайман, — деди яна.
- Саларидзе! Шу воқеага қадар одам ўлдириш қўлингиздан келишини ҳеч ўйлаганмисиз?

— Менимча, бу ҳақда ўйламайдиган одамнинг ўзи йўқ.

— Хўш, қандай хулосага келдингиз?

— Энди хулосанинг аҳамияти йўқ: куёвим ўлган!

— Бизни бошқа нарса, қотиллик қасддан қилинганми ёки тасодифан юз берганми — мана шу нарса қизиқтиради, — деди прокурор, сўнг яна давом этди: — Саларидзе! Тагин бир савол: куёвингиз милтиқдан фойдаланиб турармиди?

— Ҳа, фойдаланарди.

— Охирги, энг охирги дақиқаларда ҳам милтиқ ўқланганини айтмадими?

— Йўқ, йўқ! — деб қичқирди Саларидзе. — Ўлаётган пайтида айтди, шунда ҳам, нигоҳи билан айтди! Қўлимда жон бераётиб, фақат менга, ўзимга айтди! Буни кўзларидан уқиб олдим!

Саларидзе кафтлари билан юзини беркитиб, жим бўлиб қолди...

— Хурматли раис! Менда бошқа савол йўқ.

— Мухтарам маслаҳатчиларда савол борми? — деб сўради раис.

Гулоян бош чайқади. Гоголадзе эса «менда савол бор» деган ишорани қилди.

— Марҳамат!

— Судланувчи Саларидзе! Куёвингиз илгари ҳам уйга бемахал, маст ҳолда қайтармиди?

— Ҳа, шунақаси ҳам бўлган.

— Ёзган маълумотингизда шундай сўзлар бор: «Қизимни дўшпослаётганига шубҳам қолмади!» — дегансиз. Бу билан куёвим қизимни шу воқеадан олдин ҳам урарди, демоқчимисиз?

— Билмайман... Лекин кейинги пайтларда кўп ичарди, тўполон қиларди, умуман, ичганида жуда бадхазм бўлиб кетарди!

— Аниқроқ айтинг: кўп ичардими ёки кўп урармиди?

— Айтяпман-ку, ичганида жанжал чиқарарди, ўзини ёмон тутарди! Яна нима дейишим керак?

— Судланувчи Саларидзе! Асабийлашманг! Айбингизни енгиллаштирадиган далилларни юзага чиқазишга ҳаракат қиляпмиз, шунинг учун савол берсак, ҳатто майда-чуйда савол берсак ҳам, рашингиз келмасин! Сизнинг фойдангизни ўйлаяпмиз! — деди маслаҳатчи Гоголадзе.

— Миннатдорман! — деб жавоб берди Саларидзе киноя билан.

— Миннатдор бўлишингиз керак, албатта! Энди айтинг-чи, «кейинги пайтларда» деган сўзларингизни қандай тушуниш керак?

— Ихтиёрингиз...

— «Кейинги пайтларда куёвим кўп ичадиган, тўполон қиладиган бўп қолди», — дедингиз. «Кейинги пайтларда» деганингизда қанча муддатни назарда тутяпсиз: бир йилми, икки йилми, ўтган куни ёки кечадан берими?

— Тахминан бир йилча бўп қолди...

— Бир йил бурун нима бўлган эди куёвингизга? Нега бирдан ичадиган, тўполон қиладиган қилиқ чиқазди?

— Билмайман!

— Боя «қизим ва куёвимнинг хонаси» деган иборани икки марта қайтардингиз. Умуман, олдин қизингиз, сўнг куёвингизнинг исмини айтасиз.

— Ҳа, тўғри.

— Сабаб?

— Чунки қизим — ўз қизим, хона ўшаники, куёвим эса унга уйланганидан кейин кўчиб келган.

— Тушунарли.

— Тушунарли деганингиз нимаси! — Саларидзе яна қайнаб кетди. — Нима дейишим керак бўлмаса — ўз уйимдаги хонани куёвимники дейишим керакми?! Шунда тўғри бўладими сизнингча?

— «Уларнинг хонаси» десангиз тўғрироқ бўларди.

Саларидзе ух тортди.

— Яна савол. Давлат қораловчисига куёвимга: «Йўқол уйимдан!» — деб бақирдим, дедингиз. Тўғрими?

— Тўғри.

— Шу тарика куёвингизга, у ўз уйида эмас, балки бегона уйда, яъни сизнинг уйингизда яшаётганига ишора қилгансиз!

— Буни ўзи яхши биларди!

— Демак, бегона уйда яшаган, шундайми?

— Токи тирик эканман, менинг уйим — ўз уйим ҳисобланади. Ўлганимдан кейин... — Саларидзе ноўрин ва бемаъни гапни гапирганини англаб, бирдан каловла-ниб қолди. Маслаҳатчи эса голибона оҳангда давом этди:

— Балки сизнинг мана шунақа муомалангиз оқибатида куёвингиз ичадиган, тўполон қиладиган бўлиб қол-гандир?

— Йўқ, унақа эмас!

— Сабаби нимада бўлмаса? Эҳтимол ўртоқлари йўлдан ургандир?

- Йўк!
- Аёллар сабабчими?
- Йўк!
- Балки ўйнаши бордир?
- Йўк!
- Оиласига қарамай қўйдими?
- Йўк!
- Нима сабаб бўлди ахир, нима?
- Пул!
- Нима? — Гоголадзе анграйиб қолди.
- Пул!
- Тушунмаяпман...

— Бир йил олдин куёвим оғир-вазмин, одобли йигит эди... Бир куни уйга ширакайф ҳолда кириб келди, хонанинг ўртасида андак хижолатомуз, шу билан бирга, ғолибона бир қиёфада гердайиб турди-да, столга бир ўрам йигирма беш сўмлик пулни ташлади.

— Нима бу? — деб сўради қизим ҳайрон бўлиб.

— Менинг улушим! — деди куёвим. Қизим пулни ўз хонасига олиб кириб кетди.

— Қаердан олдинг? — деб сўрадим мен.

— Арслоннинг кетидан! — Худди шундай деди, хурматли маслаҳатчи. — Саларидзе Гоголадзегга ўтирилди. У индамади. — Ана ўша кундан бошлаб оиламизга рахна тушди... Бир ҳафта ўтгач, овқатланиб ўтирганимизда куёвим дастурхондан нолиб қолди. Ертўласида камида бир тонна вино, ўн-ўн беш яшик чех пивоси ва бирор юз дудланган балиғи бўлмаган оила оилами, деди уч-тўрт кундан кейин. Сал вақт ўтмай, яна пул кўтариб келди, қаердан олдинг, десам, яна арслоннинг кетини рўқач қилди, бу ҳам етмагандай, ишхонада бекорга жойни банд қилиб ўтирибсиз, умуман, сизнинг авлодингиз яшашни билмайди, деб қолди.

— Бир минутга! — деб унинг гапини бўлди раис. — Қизингиз эридан, пулни қаердан оляпсиз, деб сўрамасмиди?

— Афсуски, хотинлар эрларидан бунақа нарсани сўрамайди!

— Хўш, кейин-чи?

— Огоҳлантирдим: охири вой бўлади, бир кунмас бир кун турмага тушасан, дедим. У бўлса, ҳаммамиз аллақачон қамокқа олинганмиз, жазо муддатини ўтаямиз, лекин буни ўзимиз сезмаймиз, деб жавоб берди... Мен унга, ҳеч қанақа жазо муддатини ўтаётганим йўк,

тинчгина ухлаяпман, чунки бирор нождя иш қилганим йўқ, дедим. Шунақа десам, мени калака қилиб, устимдан кулди.

— Нега?

— «Қон босимингиз бир юз саксонга юз, юрагингиз чаток, бўғинларингизга туз йиғилган, қўқсов, эмфизема деган касалларингиз бор! Қизингиз иккаламиз эрта-индин бандаликни бажо келтиришингизни кутиб ётибмиз! Қанақасига тинчгина ухларкансиз?» — худди мана шундоқ деб жавоб берди куёвим. Кейин бирдан қизимни ёмонлай кетди: бели ғўладай, бурни ўрадай, тишлари сўйлоқ эмиш, дугоналарига ўхшаш ғийбатчи ва нодон эмиш, одамларнинг олдида ўзини ақлли кўрсатиш учун қўлига тушган китобни суриштирмай ўқийверармиш... Аммо-лекин на мен, на қизим куёвим бизникига яғири чиққан шим, йиртиқ туфли ва ағдарма пиджакда келганини, ўзи ҳаром пулларни ташиётган мана шу уйдан ишга яқин-яқингача менинг шимимни кийиб қатнаб юрганини бирор марта ҳам юзига солганимиз йўқ.

— Одамларнинг хотираси хиралашиб қолган! — деди раис.

— Аксинча, одамларнинг хотираси шу қадар кучлики, улар буткул унутилиши керак бўлган нарсаларни асло унутишмайди!

— Орқага қарашни ҳеч ким хоҳламайди. Орқага қарасак, жарга кулаб кетамиз, деб ўйлашади, — деди прокурор.

— Шундай бўлмаслиги учун, орқага қарашдан олдин бир тўхташ керак. Орқага қараган ҳолда югуриб бўлмайди. Айниқса, олдинда ҳалигидай жарлик, кудук ёки ўрага ўхшаган нарсалар бўлса... Тўғрими? — деб сўради судланувчи.

— Судланувчи Саларидзе! Саволни биз берамиз! — деб уни огоҳлантирди раис.

— Э, ха, узр! — деди Саларидзе.

— Давом этинг!

Судланувчи гапи қаерда узилиб қолганини эслаб олиш учун бир оз ўйланиб турди, сўнг давом этди:

— Бир куни у қизим ўзимга ўхшашлигини афсусланиб гапирди... Куёвим кундан-кун ўзгариб борарди... Уйга ортиқча нарсалар, ҳар турли лаш-лушларни таший бошлади. Ярим йил ичида хотинига учта пўстин, ўндан ортиқ этик ва туфлилар, аллақанча қўйлак, қимматбаҳо исирғаю билагузуклар сотиб олди. Одатда келтирган нар-

саларини кайф устида тўппа-тўғри полга улоктирарди... Ташвишга тушиб қолдим. Лекин буни биринчи бўлиб унга қизим айтди. Ана ўшанда биринчи марта калтак еди... Бир куни кечаси у хотинининг ҳамма пустин ва кўйлаklarини, этик ва туфлиларини тилкапора қилиб, уйдан чиқиб кетди... Орадан бир ой ўтгач, ўртоқлари билан келиб, узр сўради, кўзёши қилди. Бу гал ҳам талай пул олиб келган эди... Қизим кўз ўнгимда шамдай сўна бошлади... Мендан ўзини олиб қочадиган, рўпара келганимизда эса сир бой бермай, кулиб турадиган одат чиқазди. Унга қараб туриб эзилиб кетардим, чунки қизим тақдирга тан берган телбага ўхшаб қолган эди. Ўша кунлари эри уни яна қаттиқ калтаклади... Мен хонамга биқинганча юрак-бағрим эзилиб, миқ этмай ўтиравардим... Неварам хонадонимизда бўлаётган бу кўнгилсизларни пайқаб қолмаслиги учун ёнимдан нари жилдирмасдим, аммо фойдасиз эди... Бола ҳамма нарсани сезиб турарди, чунки у ичкарида нималар бўлаётганига менадан кўра кўпроқ қизиқарди... Бу ҳол ўша кунга қадар давом этди... Ўша куни куёвим қизимни учинчи ва охириги марта урди... Мана, ҳаммаси тугади... Мени бошқа айтадиган гапим йўқ... — Судланувчи жойига ўтирди ва сўнги сўз берилгунга қадар ўрнидан турмади.

— Мухтарам давлат қораловчиси ва ҳурматли халқ маслаҳатчиларида бугун кўрилаётган ишга доир қўшимча мулоҳазалар борми? — деб сўради раис бошини кўтармай.

— Йўқ!

— Йўқ!

— Йўқ!

— Ундай бўлса, суд терговини яқунлашга ва сўзни давлат қораловчисига беришга рухсат этгайсизлар! Марҳамат! — дея раис Девдарианига мурожаат қилди.

Девдариани ўрнидан турди.

— Ҳурматли ўртоқлар! Ҳурматли суд раиси! Ҳурматли халқ маслаҳатчилари!

Жуда узоқ ўтмишда, инсоният ҳали ёввойилик босқичида яшаётган пайтида одам ўлдириш оддий ҳол бўлган. Аммо ҳозир биз одам гўштини емаймиз, бинобарин, бундай ҳолни мутлақо кечириб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди. Тараққиёт юксак чўққига кўтарилган, фақат инсон ҳуқуқларинигина эмас, балки ит, мушук, сичқон, балиқ, парранда ва ҳатто курт-қумурсқалар ҳуқуқларини химоя қилувчи комитет ва жамиятлар тўлиб-тошиб кетган ҳозир-

ги даврда инсон қотилини бемалол одамхўр дейиш мумкин! Илгариги замонда қотилликнинг фақат учта кулоли бор эди — мушт, тўқмоқ ва тош. Кейинчалик эса, жамият тараққий этгани сайин қотиллик усуллари ҳам кўпайиб кетди. Патефон игнасида тортиб водород бомбасигача мана шу гўё кечиктириб бўлмайдиган ва ниҳоятда зарур ишга — одам ўлдиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда қотиллик усуллари ер юзидаги одамларнинг сонидан ҳам кўп. Бугун биз кўриб чиқаётган қотиллик, яъни ўқи йўқ милтиқ билан одам ўлдириш эса ана шу усуллар орасида ниҳоятда антиқаси! — Прокурор ўз гапи йиғилганларда қандай таассурот қолдирганини билмоқчи бўлгандай, бўш залга бир кўз ташлаб чикди, аммо ёлғизгина судланувчининг хайрат тўла нигоҳини кўрди-ю, бошини эганча сўзида давом этди: — Электр токига уланган стул, дор ва ўқ қотилликка чек қўяди, деб ўйлаш гўллик бўлур эди. Қотиллик зўравонликнинг шундай бир турики, унга ўлимнинг ўзи ҳам бас келолмайди! Энди тасодифий, қасддан қилинмаган қотиллик масаласига келсак, бу ҳам табиий ўлимдай муқаррар ва абадийдир! Шунинг учун, менинг назаримда, тасодифан қотилга айланиб қолган кишиларга нисбатан маънавий таъсир ўтказишнинг енгилроқ шакллари қўллаш керак... Аммо... минг афсуски, инсон қасддан қилинган қотилликни тасодифий қотиллик деб тақдим этишни ўрганиши мумкин! Бундан ҳақиқий қотиллар фойдаланиб қолади! Энг даҳшатлиси шу!

Бугун биз муҳокама қилаётган қотилликни — мисли йўқ қотиллик, демоқчи эмасман, лекин бу воқеа ҳар ҳолда кам учрайдиган воқеа, негаки бир қарашда тасодифий, қасддан қилинмаган қотилликка ўхшаб кетади. Аслида эса бундай тасодиф жиноятчи бўйнига олган ҳақиқий қотилликдан хатарлироқ. Нима учун? Чунки қасддан қилинган қотиллик текшириляётган пайтда адолатсиз ҳукм чиқариш хавфи деярли бўлмайди. Тасодифий қотиллик бўйича чиқарилган ҳукмларнинг эса эллик фоизи шубҳа туғдиради, бундай ҳукм кимнингдир ноҳақ жабр тортишига сабабчи бўлади. Бунинг устига, йўл қўйилган хато баъзи ҳолда маҳбус учун, баъзан эса жамият учун кулфат келтиради.

Хўш, бундай пайтда нима қилиш керак?

Қай йўлни танламоқ лозим?

Кимнинг манфаати ҳақида кўпроқ ўйлаш зарур — жамиятнингми ёки шахснингми?

Инсоният ўтмишидан бу саволга аниқ жавоб топиш қийин, зеро илгари бу муаммо хаспўшлаб келинган. Тарихда шундай мисоллар борки, улуғ шахслар ва буюк даҳолар жамият манфаати йўлида қурбон бўлиб кетишган. Ва аксинча, битта шахснинг хоҳиши, унинг нодонлиги ва инжиқлиги орқасида не-не шаҳар ва мамлакатлар хароб бўлиб, беҳисоб одамларнинг ёстиғи қуриган... Бир нарса дейиш қийин... Шахсан ўзим қотилни лоақал шунинг учун ҳам ёмон кўраманки, у ўз устунлигидан фойдаланиши, яъни ўлдириши мумкин, мен эса бундай қилолмайман! Ҳар қандай қонли зўравонликдан нафратланаман, инсонни табиат инъом этган ҳаётдан, ҳатто унинг бир кунидан маҳрум этишни улуғ жиноят деб биламан. Бу нафрат туйғуси менда шу қадар кучлики, ҳозир ҳам фақат битта йўлни танлайман: мен Како Девдариани, инсон ва давлат қораловчиси сифатида судланувчи Саларидзени қўйилган айбга лойиқ деб ҳисоблашни ва унинг Грузия Жиноят кодексининг бир юз тўртинчи моддасида кўзда тутилган олий жазога, яъни отишга ҳукм этилишини талаб қиламан.

Прокурор нутқини тугатди. Ранги хиёл оқариб жойига ўтирди-ю, анча маҳалгача папиросини ёқолмади — қўли қалтираб кетаверди. Ундан баттар ҳаяжонланган раис гарангсиб маслаҳатчиларга қаради. Гулоян нуқул тирноғини тишлар, Гоголадзе эса анграйганча Девдарианига тикилиб қолган эди. Фақат судланувчининг ўзигина пинагини бузмасди. У кўзларини юмганча бошини ҳам қилиб ўтирар, гўё бу ерда бўлаётган гап-сўзларнинг унга мутлақо алоқаси йўқдай эди.

— Саларидзе! — дея сўз қотди раис.

У индамади.

— Саларидзе! — деди яна раис баландроқ овоз билан.

Саларидзе бошини кўтарди.

— Судланувчи Саларидзе! Сизга охириги сўз берилди!

Саларидзе бир муддат раисга бефарқ нигоҳ билан қараб турди, сўнг бош ирғаб, ўрнидан турди.

— Менинг айтадиган гапим йўқ! — деди у хотиржам оҳангда. — Фақат битта илтимосим бор. Бундан беш ой муқаддам Вашлован кўчасидаги бир юз эллик биринчи уйда тобут тепасида чиркираб қолган икки бегуноҳ одамни — қизим Нателла билан неварам Мэгини ташлаб келганман. Сизлардан ўтинаман, йигитлар, оналарингиз

ва сизларга муқаддас бўлган ҳамма нарсани ўртага қўйиб, ёлвораман: агар шу ердан омон-эсон чиқиб кетиш насиб қилса, ўша яқинларимдан хабар олиб туринглар!.. Мени айтадиган гапим шу!..

У стулга ўтирдию кўзларини юмди, яна боягидай ҳамма нарсани унутиб, ўтирган жойида аста чайкала бошлади.

Раис кўзларини артди, томоғига қадалган шўртаъм тугунни билқ этиб ютиб, ўрнидан турди:

— Суд маслаҳат учун чиқиб кетади!

— Шошма, Накашидзе! — Гулоян сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Тўхта! Ҳеч қанақа ҳукм бўлмайди! — Кейин Девдарианига ўгирилди: — Нима қилиб қўйдинг, Лимон?! Демак, дунёда ҳақиқат, ҳамдардлик деган нарсалар йўқ экан-да?! Юрак борми сенда, Лимон? Инсонийлигинг қаёқда қолди?! Қани ўша ўткир ҳақ сўзинг! Бу нима қилганинг, Лимон?!

— Спектакл-ку бу, Тигран, шунчаки ўйин, томоша? — деди Девдариани хижолатомуз.

— Қанақа спектакль! Қанақа ўйин? Унда ҳақиқий судни нима деб аташ мумкин? Кўз олдимизда бир одамни ўлдирдинг-ку! Ахволига бир қара! — деб қичқирди яна Гулоян.

— Бас қил, Тигран! Жа-а оширвординг! — деб жеркиб берди уни Девдариани.

— Йўк! Ҳукм бўлмайди! — деди катъий қилиб Тигран. Сўнг Саларидзенинг ёнига бориб, тик чўқди:

— Қўрқманг, Исидор амаки! Ҳеч нарса бўлмайди! Лимоннинг гапларига эътибор берманг! Лимоннинг мияси айниган! Суд ҳам ақлдан озмас, ахир?! Қўрқманг! Жуда бўлмаса, ўша аблаҳ куёвингизни ўлимини мен ўз бўйнимга оламан! Мен жавоб бераман! Битта одам ўлдирдим нима-ю, иккита одам ўлдирдим нима! Менга бари бир! Судга айтинг, Тигран Гулоян ўлдирди, денг! — Тигран кўз ёшларини тиёлмас, Исидор амакини худди ёш боладай юпатар, тасалли берарди. Исидор амаки ҳам унинг бошини силаганча юм-юм йиғларди. Уларга қўшилиб суд раиси Накашидзе, давлат қораловчиси Девдариани ва халқ маслаҳатчиси Гоголадзе ҳам пиқиллаб ўтиришарди.

— Туринглар! Кўзингларни очинглар! Туринглар! — деган овоз қулоғимга чалинди худди тушдагидай.

— Накашидзе, тур! Девдариани, Гулоян, Гоголадзе,

туринглар! — овоз яна такрорланди. Туш эмаслигини англадим урнимдан турдим. Бошқалар ҳам уйғонишди.

Камеранинг ўртасида, ёлғиз ички кийимда, худди кўланкадай Исидор амаки ғоз турарди.

— Уйғондингларми? — деб сўради у.

— Тинчликми, Исидор амаки? — дедим мен хайрон бўлиб.

Исидор амаки бошини ҳам қилганча беш минутча чурқ этмади. Бу муддат менга беш соатдай туюлди. Бунақа вазмин, кишини эзиб юборадиган сукутни умримда биринчи кўришим. Юрагимни ваҳима босди. Бошқалар ҳам лол бўлиб қолган эди. Ҳеч қайсимиз овоз чиқазишга журъат этолмасдик. Охири Исидор амаки бошини кўтарди, ниҳоятда тиник, хотиржам, айна пайтда бутунлай бегона овозда сўз бошлади:

— Рўзи азалдан байроқ оқ тусда бўлган... Оқ ранг — ер юзидаги ранглар ичида энг асл ранг, бинобарин, оқ байроқ — олийжаноблик тимсоли... Ўзининг мусаффолиги, ўзининг покизаллиги билан бу байроқ тинчликни, муҳаббатни, қардошлик ва раҳм-шафқатни бағрига жо этган... Кўп асрлардан буён оқ байроқлар шунга чорлайди, шуни талаб этади... Оппоқ тоғ чўққиларидай, олам узра оқ байроқлар бўй чўзиши лозим... Тинчлик, муҳаббат ва эзулик рамзи бўлмиш улкан оқ байроқ Жомолунгми чўққисида ҳилпираши керак... Биттагина улкан оқ байроқ!.. Энди, — деди Исидор амаки бир оз сукутдан сўнг, — ётиб ухланглар, азиз дўстларим!

Биз анграйганча унга тикилиб қолган эдик. Исидор амаки мамнун бўлибми, норози бўлибми бош чайқади-ю, шартга бурилиб, ўз сўрисига чиқиб ётиб олди...

...Анча пайтгача кўз юмолмадим. Кейин қаттиқ уйкуга кетдим, ҳатто туш ҳам кўрмадим.

Эрталаб Шошианинг овозидан уйғониб кетдик.

— Қотиллар, қонхўрлар, аблаҳлар, ярамаслар! Туринглар! Кўриб қўйинглар!

Ҳаммамиз тапир-тупур ўрнимиздан турдик.

Исидор амаки сўри устида осмонга қараганча қимир этмай ётарди, ранги докадек оқариб кетган, қулочи баралла ёзиқ. Иккала билагининг томирлари кўндалангига қирқилган. Тиграннинг устараси ўнг кўлининг остида ётибди, полга оққан қон халқоб бўлиб, қота бошлабди.

Аъзойи баданим музлаб кетди...

— Йўқ, мен айбдорман! — деди Тигран.

— Унинг ўрнида мен ҳам шундай қилган бўлардим! — деди Девдариани. Кейин эшик олдига бориб, уни жонжаҳди билан тақиллата бошлади.

УЧИБ КЕТМА, ШОШИА!

Қаторасига уч кун Тигран Гулоянни судга чақиришди. Тўртинчи куни эрталаб у Шошиага:

— Юрагим сезиб турибди, сизларни охирги марта кўраётганга ўхшайман, Шошиа... Ке, бир қўшиқ айтиб бер... — деб қолди.

Шошиа кўзларини юмиб, қўшиқ бошлади. Шунақа дард билан айтдики, занғар! Назаримда турманинг тош деворлари ҳам ингравордиёв!..

Кечқурун Тигран камерага қайтмади. Назоратчи келиб, нарсаларини олиб чиқиб кетди. Суд тугаганини шунда фаҳмладик. Тиграннинг тақдири нима бўлди, қанчага ҳукм қилишди, қаяққа жўнатишди — билолмадик. Кечаси Девдариани қўшни камерадаги махбуслар билан деворни тикиллатиб «гаплашди» — натижа чикмади.

Эрталаб уни ҳам судга олиб кетишди, Девдариани шу кетганча қайтиб келмади.

Камерада Шошиа иккаламиз қолдик.

Шошианинг сабр косаси тўлди, тоқати тоқ бўлди, шунинг учун бўлса керак, бугун у дил қулфини очиб, қалбига разм ташлашимга ижозат берди...

...Шошианинг отаси Климентий Глахунович Гоголадзе 1925 йилнинг 13 январида сахар пайти Самтретиа шаҳрида ўзининг якка ягона ўғли Шошианинг дунёга келиши оқибатида ҳалок бўлди. Ҳа, ҳа, ажабланманг, айнан ўғлининг дунёга келиши сабабли ҳалок бўлди! Доя хотин унга ўғил кўрганини маълум қилганида севинчдан довдираб қолган ота югуриб хонага киради-да, кўп йиллардан буён биров қўл теккизмай деворда осиглиқ турган чакмоқ милтиқни олади... Милтиқ шу заҳоти портлаб кетади, Климентий Гоголадзе эса тилка-пора бўлади...

Орадан роппа-роса бир йил ўтгач, Шошианинг онаси Марям мархумнинг маъракасига тупланган қариндош-уруғ ва қўни-қўшниларни стол атрофига ўтказди-да, ўзи секин балконга чиқади, эшикни ташқаридан берки-тиб, ёғоч уйга обдан керосин сепадия ўт қўйиб юборди. Ўтақаси ёрилган савобталаблар ўзларини деразадан ташлаб аранг қутулиб қолишади. Ўша куниеқ отасининг

қариндошлари Шошиани Тбилисига олиб кетишади, ақлдан озган Марямни эса жиннихонага жўнатишади...

Шошиа олий ўқув юртида ўқимаган. Дангаса ёки зеҳни паст бўлгани учун эмас. Йўқ, Шошиа етим эди. Бундан ташқари, у ишлайдиган маҳкамада ҳеч ким олий маълумотни талаб қилмасди. Бу ишхонада энг муҳими — санашни билиш, Шошиа эса санашни тез ўрганди — аввал ўнгача, кейин юз, минг, миллионгача санайдиган бўлди.

Шошиа чиройли эмас. Чуғурчукқа ўхшаган эркакни чиройли деб бўладими? Агар ростдан ҳам чуғурчиқ бўлганида, энг чиройли чуғурчиқ десангиз ҳам ҳақингиз кетмайди. Аммо у миллион ва ундан ҳам кўпроғини санашни ўрганиб олганидан кейин анча хушбичим ва ақлли бўлиб қолди. Иккита олий ўқув юртини битирганлар ҳам Шошианинг олдида ип эшолмайди. Чиройли қизга уйланди, бири биридан чиройли фарзандлар кўрди. Машина сотиб олди, дача курди, кейинроқ Сиран деган ўйнаш ҳам орттирди.

Хўш, нима мўъжиза юз берди?

Ёки сеҳрли тош топиб олдими?

Йўқ. Шошиа олтин балиқчани тутиб олди! «Кўйвор, — деб ёлворди олтин балиқча, — агар кўйворсанг, истаган талабингни бажо келтираман!» «Йўқ, — деди Шошиа ишонмай, — олдин бажарасан, кейин кўйвораман!» «Бўпти, — деб рози бўлди олтин балиқча, — тила тилагингни!» Ана шундан бошланди!.. Шошианинг хоҳиш-истагига интиҳо йўқ эди. Бир бошлади-ю, ўзини тўхтатолмади... Орзу кетидан орзу қайнаб чиқаверди. Олтин балиқча ҳам ёдидан кўтарилди, кунлардан бир кун у жонвор нобуд бўлди!

Ҳозир Шошианинг биттагина орзуси бор. Энг олий орзу. Бошқа орзуларининг рўёбга чиқиши ҳам шунга боғлиқ. Бу орзу анча бурун — камерадаги сўрисида осмонга қараб ётиб, ўзи тўқиган толада шифтдан сирғалиб тушган ўргимчакни кузатганида пайдо бўлган... Ушанда ўргимчакка айланиб қолишни шунақаям орзу қилганки! Лоақал бир соатга бўлса ҳам майли, деган. Аммо яна айниган. Авваламбор, бир соат — кам. Чунки толага осилиб олдин бешинчи қаватдан пастга тушиш, кейин ҳовлидан ўтиб, маъмурий бинога кириш керак. У ерда ҳаммавақт фикр-фикр одам, худо кўрсатмасин, бирортаси босиб олиб, эзфилаб ташласа-чи?.. Шунинг учун девордан ўрмалаб, тўппа-тўғри дарвозагача бориш керак... Йўқ,

бир соат етмайди, камида икки соат вақт керак!.. Иккинчидан, умрбод ўргимчак бўлиб қололмайди-ку? Ўргимчакнинг ҳаёти ҳам — ҳаёт бўптими? Агар чуғурчикка айланиб қолгандами! Қанот чиқазардию хоҳлаган томонига учиб кетаверарди!.. Мабодо умрбод чуғурчиқ бўлиб қолганда ҳам — ачинадиган жойи йўқ! Ҳа, чуғурчиқ бўлгани яхши! Ҳар куни уч-тўрт марта уйига учиб борарди, болаларини кўрарди... Ие, тўхта, бирортаси ўлдириб қўйса-чи? Шунақа бўлиши ҳам мумкин-ку! Бирорта аҳмоқ шартта милтиқни оладию ўқ узади ёки ўзининг болалари чўзмадан тош отиб қолса нима дейсан! Йўғ-э! Ким чуғурчукни ўлдиради! Аксинча, уларга ин қуришади, парвариш қилишади... Дарвоқе, ўргимчакни ҳам, чуғурчукни ҳам падарига лаънат! Шошиа одам бўлишни хоҳлайди! Одам! Шошиага эрк беринглар, бу ердан озод қилинглар, ана ўшанда у ҳаётини янгидан бошлайди! Шошиа исм-фамилиясини ўзгартиради... Шошиа қайта туғилади!..

Эвоҳ! Инсон қайта туғилиши учун аввал ўлиши керак... Афсус! Шошиа буни билмайди...

— Салом сенга, Тбилиси, қадрдоним!
Келадими билгинг недан куяр жоним?
Қамоқ билан қалин ошна бўлиб қолдим...
Одамлар, мен палапонга қанот беринг!..
Юрагимга қўнгироқлар бонги етди.
Ундан мадад сўраб чўзган қўлим қотди...
Мени тақдир эмас, содиқ дўстим сотди!..
Одамлар, мен палапонга қанот беринг!..
Мтквари — она дарё, дардинг узун!
Мен ношудинг тўрга тушиб қолдим бугун!
Сен бечора, мен бечора, раҳм қилгин!..
Одамлар, мен палапонга қанот беринг!..
Йўл сўнгида бир қабрга тушди кўзим,
Жуда ёмон гуноҳ билан кетдим, дўстим!
Лаънатлайман кеча-кундуз еган тузим...
Одамлар, мен палапонга қанот беринг!..¹

Шошиа сўрисиға ўтирволиб, кўшиқ айтади. Шошиа қанотни орзу қилади. Лекин қаерда ўша қанот? Бизнинг давримизда ҳатто фаришталарнинг ҳам қаноти йўқ: Шошиага ким қанот берарди? Шошиа буни яхши билади, билади-ю, бари бир куйлайверади. Агар ҳозир Тигран шу ерда бўлганида, бу шеър Етим Гуржиники эканлиги-

¹ Муҳаммад Юсуф таржимаси.

ни ва у мутлақо бундай ёзилмаганлигини айтиб, Шошиага танбех берармиди! Шошиа буни ҳам билади, лекин куйлайверади, чунки Етим Гуржи ўз дардини айтиб йиғлаган, Шошиа эса ўз дардини айтиб йиғлайди...

— Менга қара, Шошиа, қўйсанг-чи шу дийдиёнгни, шўхроғидан ол, ёки бирор латифа айтиб бер! — дея илтимос қиламан мен.

— Қамокқа тушмасимдан олдин Майдонда бир жойим бор эди... Уни грузинлардан фақат мену яна учтўрт киши билади, холос... Илгари айтмаган эдим, энди яшириб нима қиламан... Бу ердан чиққанингдан кейин албатта бор! Мени номимни айтсанг — хоҳ кечаси, хоҳ кундузи, эшикни очишаверади.

— Ким мени бу ердан чиқаради, Шошиа?

— Чиқаришади!

— Сен қаёқдан биласан?

— Бегуноҳ одамни турмада сақлашдан оғир гуноҳ йўқ дунёда!

— Мендақалар озми, Шошиа?

— Тўғри. Ер юзидаги маҳбусларнинг тенг ярми бекорга ўтирибди қамокда... Ҳар ҳолда тасодифан тушиб қолишган... Аммо сени бугун бўлмаса, эртага албатта қўйиб юборишади, мана кўрасан! — деди Шошиа ишонч билар, гўё мени озод этиш ҳақидаги қарор унинг чўнтагида-ю, камерада ёлғиз қолишдан кўрқиб, шу пайтгача яшириб келгандай.

— Оғзингдан бол томади-я, Шошиа! — дедим қувониб.

— Ҳа, Майдон ҳақида... Ўша ерда бир жойим бор эди... Ҳаммом ёнида, бу ёқдан боришда — чап қўлда. Бир қаватли, дарвозаси кўкка бўялган уй. Ҳовлиси катта эмас — бўйрадеккина... Хўжайиннинг исми Азиз. Эслаб қол: Азиз, миллати татар... Ўз уйида чойхона очган... Хизматга тайёр дўндикчаларини айтмайсанми!.. Тагин кўнглингга бошқа гап келмасин, мен у ерга фақат чой ичгани борардим... Истаган пайтимда: хоҳ кечаси, хоҳ кундузи... О, ана чою мана чой! Ҳақиқий чой қанақа бўлишини биласанми?! Лекин ҳозир гап бунда эмас. Азизнинг мижозларни қабул қиладиган алоҳида хонаси бор...

— Ие, бу қанақаси?! — дедим хайрон бўлиб. — Бир одам хусусий чойхона, чойхона эмас — ишратхона очиб қўйса-ю, биров индамаса?!

— Э-э, содда экансан, мана шунақаларни тергайдиганлар боради-да асосан... Сен билан менда ҳам ўша-

нақа пул бўлганда эди... — деди Шошиа яна орзуга берилиб.

— Ишонмайман!

— Баҳслашардим-у, лекин кейин сени қаёқдан кидираман!.. Айтдим-ку, чиққанингдан кейин албатта боргин, ўз кўзинг билан кўрасан... Фақат билиб қўй, Азизни чойи университетни рўпарасида сотиладиган чойдан сал қимматроқ. Тушундингми?

— Тушундим.

— Ўша хонага бешта кичкина стол қўйилган. Ҳар бир стол икки кишига мўлжалланган. Столларнинг тепасида канарейка солинган қафаслар. Бешта қафас... Ҳар канарейкаларки, ким ўзарга сайрайди... Битта канарейканинг баҳоси юз элликдан икки юз сўмгача... Эҳтимол, эшитгандирсан — булбул май ойидан бошлаб атиги уч ойгина сайрайди, холос. Канарейка эса йил-ўн икки ой тинмайди. Энди ўша хонани кўз олдинга келтир. Ним қоронғи... Хона ҳавоси аччиқ чой, шарқона ширинликлар ва тамаки ҳидига тўйинган... Иссиққина... Канарейкалар сайраб турибди... Чой, канарейка ва... ишрат... А, зўр-а? Тасаввур қиляпсанми? Бунақа мазани умримда кўрмаганман. Жаннатнинг ўзгинаси... Ҳар гал чиқиб кета туриб, Азизга юз сўм берардим... Фақат пулни қаердан олардингиз, деб сўрама, илтимос! Топардим-да! Такводорлар чидашарди-ку, ахир! Қийналишса ҳам чидашади. Нима учун? Азбаройи ўлганларидан сўнг жаннатга тушиш умидида чидашади! Мен ҳам ўша жаннатга тушиш учун чидардим, қийналардим, елиб-югурардим... Ҳа, майли... Биласанми, канарейкалар ўз қафасларига шу қадар ўрганиб қолишадики, қўйиб юборсанг — дарров ўлишади! Чунки ўзларини ўзлари боқишолмайди. Мабодо тирикчилигини қила оладиган канарейка бўлганда ҳам бари бир ўлади — мушукка ем бўлади. Нимагалигини биласанми? Чунки канарейка сайраётганда ҳамма нарсани унутади. Кўзларини юмволиб, сайрайверади. Ҳеч нарсани сезмайди. Мушук пусиб бориб, таппа босади... Хуллас, канарейка билан қафасни бир-биридан ажратиш қийин. Аммо канарейкалар қафасда ҳам ўлиши мумкин. Бир куни Азиз, канарейкаларим икки-уч ойда ўлиб қоляпти, деб шикоят қилган эди. Тамаки тутини билан бадбўй хидга чидашмаётганмиш. Канарейкалар шундоқ жаннатда яшаб туриб ҳам ўлишади-ю! Сен бўлсанг, шу ерда қолишимни хоҳлайсан, тагин латифа айтиб беринг, дейсан-а? Йўқ, қўлимдан келмайди, азизим Заза!

- Нима бўлди сенга, Шошиа, миянг жойидами?
- Ким тузатиши керак миямни?
- Ким тузатишини билмадим-у, лекин сени операция қиладиган одамнинг қўли покиза бўлиши керак. Биласан-ку, мия — нозик нарса...
- Жа-а ўладиган даражада эмасман, Заза! Бир мўъжиза юз бериб, гуноҳимни кечириб юборишса-я...
- Кечиришади?
- Ҳа энди, кечиришмаса ҳам... озроқ муддат беришса дейман-да...
- Масалан, қанча, Шошиа?
- Айтайлик, ўн беш йил... Йўқ, ўн беш йил кўп!.. Ўн йил, тўққиз, етти... Беш йил! — Шошиа менга ёлворгандай қаради. Мен нигоҳимни олиб қочдим.
- Хўп, беш йил беришди ҳам дейлик. Кейин нима қиласан?
- Бу ердан чиқишим билан болаларимнинг олдига югураман!
- Кейин?
- Кейинми?.. Хотинимни ҳайдайман!
- Ундан кейин-чи?
- Ундан кейин Сираннинг олдига бориб: «Жонгинам, юр меникига!» — дейман. — Шошиа сайраётган канарейкадай кўзларини юмди. Хахолаб кулиб юбордим.
- Нега куласан?! — деди Шошиа ҳайрон бўлиб.
- Биласанми, Шошиа, ҳозир дераза ойналарини синдириб юрадиган бир девона ҳақидаги латифа эсимга тушиб кетди...
- Қанақа девона?
- Э, эски латифа бу.
- Айтавер, мен учун ҳаммаси янги! — деди Шошиа.
- Тбилисида бир девона бор экан. У ҳар куни дераза ойналарини синдириб юркан. Кийиниши жойида, ҳаммага хушмуомала, тиланчилик қилмайди. Фақат битта камчилиги — ойна синдиради.
- Ие, бу қанақаси? Милициянинг кўзи қаёқда? — деди Шошиа таажжубланиб.
- Бу ёғини эшитсанг-чи!
- Хўш, хўш?
- Бир куни милиция уни тутиб, жиннихонага ётқизибди. Дўхтирлар қараса, туппа-тузук одам. Бир ҳафта ушлаб туришибди-ю, тилхат олиб, қўйиб юборишибди...
- Кейин-чи?
- Яна ҳаммаси қайтадан бошланибди. Ҳар куни ка-

мида ўн бешта ойна синдираркан. Лекин пухта ишлар-
кан: маҳаллаларни ўзгартириб тураркан. Олдингиларида
таниб қолишган-да...

— Вой, хумпар-ей...

— Шундай қилиб, бутун шаҳарни айланиб чиқар-
кан... Энди санаб кўр: бир йилда 365 кун. Кунига 15
тадан ойна. Бу —

$$\begin{array}{r} 365 \\ \times 15 \\ \hline 1825 \\ + 365 \\ \hline 5475 \end{array}$$

беш минг тўрт юз етмиш бешта ойна дегани!

— Нима билан синдираркан?

— Чўзма билан-да!

— Ёпирай!

— Агар ҳар бир ойнани қўйдириш уч сўмдан беш
сўмгача турса, ўртакчаси — тўрт сўм бўлади, демак ҳар
йили у шаҳарга.

$$\begin{array}{r} 5475 \\ \times 4 \\ \hline 21900 \end{array}$$

янги пул билан йигирма бир минг тўққиз юз сўм зарар
келтираркан. Бу баъзи районларнинг йиллик бюджетига
тенг, офайни! Ниҳоят уни яна ушлаб, жиннихонага жўна-
тишибди. Бу гал у узоқ ётибди. Бир ой кутибди, икки
ой кутибди, уч ой кутибди, ҳаш-паш дегунча орадан
бир йил ҳам ўтиб кетибди. Қараса — иш чаток, жавоб-
дан дарак йўқ. Шундан кейин ўзи дўхтирларга мурожа-
ат қилибди:

— Хой, яхшилар, мени нима қилмоқчисизлар? —
дебди.

— Ўзинг нима қилмоқчисан? — деб сўрашибди
дўхтирлар. — Соғлигинг қалай?

— Соғлигим ҳаммавақт яхши бўлган, ҳозир илгариги-
дидан ҳам зўр, — деб жавоб берибди девона.

— Жуда соз! Қани, бир бош дўхтирга учрайлик-чи!

— Салом! — дебди бош дўхтир.

— Салом! — деб жавоб берибди девона ҳам.

- Хўш, ахволлар қалай? — дебди бош дўхтир та-
каллуф билан.
- Раҳмат, ёмон эмас. Ўзларидан сўрасак? — дебди
девона ҳам ўшандоқ оҳангда.
- Ташаккур... Хозир рухсат берсак, нима қилган
бўлардингиз? — деб сўрабди бош дўхтир.
- Сиз нима қилсангиз, мен ҳам шу-да! — дебди
девона.
- Яъни?
- Уйга кетаман!
- Кейин-чи?
- Ишга кираман. Маоши тўрт юз-беш юз сўмлик
жой топаман, менга ортиғини кераги йўқ — сўққабош
одамман.
- Ие, ана холос, сендай девона бир одамга ким
шунақа ёғли жойни тайёрлаб турибди? — деб ажабла-
нибди бош дўхтир.
- Нега унақа дейсиз? — деб хафа бўлибди дево-
на. — Бошқа девоналардан қаерим кам?
- Ҳеч қаеринг кам эмас!
- Кейин уйланаман! — деб сўзида давом этибди
девона.
- Баракалла! — дебди бош дўхтир. — Кейин-чи?
- Тўй қиламан.
- Кейин?
- Кейин... — Девона сал дудуқланиб қопти. — Ке-
йин, меҳмонлар тарқалишгач, хотинимни ётоқхонага олиб
кираман, чироқни ўчираман...
- Тушунарли, тушунарли! — деб унинг гапини бўлиб-
ди бош дўхтир.
- Нимаси тушунарли? — дебди девона ҳайрон бўлиб.
- Етади... У ёғи қизиқ эмас!
- Ие, қизиги энди келади-да!
- Йўқ, йўқ! Керак эмас! — бош дўхтир аёл дўхтир-
ларга қараб, типирчилаб қопти. Лекин девонани тўхта-
тишнинг иложини қилолмапти.
- Меҳмонлар тарқалишгач, — деб давом этибди
у, — хотинимни ётоқхонага олиб кираман, чироқни ўчи-
раман, каравотга ётқизиб...
- Хўш, хўш! — Шошиа ўрнидан туриб кетди.
- ...кўйлаги билан трусисини ечаман-да, резинасини
олиб, чўзма ясайман, яна ойна синдираман!
- Ҳе, ўл-э, расво қилдинг! — Шошианинг хафсала-
си пир бўлиб кетди.

— Хафа бўлма, Шошиа, у жазосини тортибди — яна палатага опкириб, ётқизиб қўйишибди! — деб Шошиага тасалли бердим.

— Кейин нима бўпти?

— Кейин, бир йилдан сўнг суриштиришса, ўша дево-на ойнасозлар билан тил бириктирган экан. Бор гап шу!

— Мени нима алоқам бор бу латифага?

— Алоқанг бор-да. Нима ҳақда гап бошламагин, ҳар гал, хотинимни ҳайдайман, Сиранга уйланаман, деб тугатасан!

— Бари бир ҳайдайман! — деди Шошиа...

УЧИНЧИ ТУШ

Маҳбуснинг туши жаннатга ўхшаши керак. Ана шу жаннатда канарейкалар сайраб турсин... Маҳбуснинг туши камалакдай гўзал ва ранг-баранг орзуга ўхшаши керак, — шунақамасми, Шошиа?

Маҳбуснинг тушига беқиёс маъшуқаси кириши керак, кўксига бош қўйиб турган пайти кириши керак, — шунақамасми Шошиа?

Маҳбус тушида бургутдай эркин бўлиб, қанотларини кенг ёзиб, олам узра мағрур парвоз қилиши керак, — шунақамасми, Шошиа?

Гуллар унга кўрпа, оймома — ёстиқ, осмондаги юлдузлар чойшаб бўлиши керак, — шунақамасми, Шошиа.

Тушида инсон қуёш бўлиб, одамлару она заминга ҳарорат бахш этиши керак, шунақамасми, Шошиа? Бу қуёш машғалдай ҳамиша порлаб туриши керак, — шунақамасми, Шошиа.

Агар тушимда ҳам турмада ўтирсам, сенинг нолишингни эшитсам, тушимда ҳам тахтаканалар чакса, тушимда ҳам эшик «кўзи»дан ўқрайиб турган назоратчини кўрсам, турма овқатини есам, тақдирим нима бўларкин, деб терговчининг овзини пойласам — бунинг нимаси туш? Ҳаётдан фарқи қолмайди-ку, — шунақамасми, Шошиа?

Мана ҳозир ҳам тушимда сени кўряпман. Сўрингда ўтириб, деразага тикилганча қўшиқ айтяпсан, чуғурчукка айланиб, учиб кетишни орзу қияпсан. Мен-чи? Мен нима қиламан? Наҳотки мени ёлғиз ташлаб кетсанг? Учиб кетма, Шошиа!

Шошиа бош чайқади:

— Иложим йўқ, Заза! Қон бўп кетдим! Тинкам қурди!

— Хароб қилма мени, Шошиа! Ташлаб кетма!
— Учиб кетишим керак, Заза!
— Қўй, кетма, Шошиа!
— Токатим тоқ бўлди! Эртага суд бошланади... Чидаш беролмайман!

— Қанаққиб учасан, куш эмассан-ку?
— Учаман! Хоҳласам — қушга айланаман!
— Масхарабозсан, Шошиа!
— Айтдим-ку, хоҳласам — қушга ҳам айланавераман! Сени ҳам қушга айлантириб қўяйми?
— Нима қиламан қушга айланиб? Мен одамман-ку.
— Ўзинг биласан!

Шошиа деразадан тушди, деворга орқа ўгириб, худди чорчўпга михланган Исо Масихдай, қўлларини икки томонга ёзди. Шу алпозда узоқ турди, кейин аста-секин кичрая бошлади.

— Нима қиялсан, Шошиа?! — деб бақириб юбордим ўтакам ёрилиб.

У муғамбирона бир кулиб қўйди-ю, борган сари кичраяверди.

— Кераги йўк, Шошиа, кераги йўк!

Дод-фарёд солиб, эшикни тақиллата бошладим. Қани биров очса! Ҳаммаёқ жим-жит, гўё турма ҳам, шаҳар ҳам, қўйинг-чи, бутун ер юзи сувга чўккандай. Шошиа эса тобора кичрайиб борарди. Ана у муштдай бўлиб қолди.

— Шошиа!

Бирдан у чуғурчукқа айланди. Сўридан бир сакраб, дераза тоқчасига қўнди-да, бошини хиёл эгиб, менга қаради.

— Нима қилиб қўйдинг, Шошиа?!

Чуғурчук дераза панжарасидан лип этиб ўтиб, ташки тоқчага қўнди, сўнг орқасига қайрилиб, юр мен билан, дегандай яна бир қараб қўйди.

— Учиб кетма, Шошиа!

Чуғурчук қанотларини ёзди-ю, учди-кетди. Аввал турма ҳовлиси, маъмурий бино устида бир чарх урди, кейин минора тепасида турган соқчи ёнидан ўқдай учиб ўтиб, Арсенал тоғи томон йўл олди.

— Шошиа-а-а!

Чуғурчук тез узоқлаша бошлади. Охири кичик бир нуқтага айланиб, қаердадир олисда, тахминан Куки қабристонини тепасида мовий осмонга сингиб кетди...

— Гоголадзе, нарсаларингни олиб чиқ! — деб қичқирди назоратчи.



Шошиа эсанкираб қолди. «Нарсаларингни олиб чиқ?» Ёпирай! Нима бўляпти ўзи?! Одатда судга нарсалари билан олиб боришмайди. Буни ҳамма билади. Ундан ташқари, суд бўладиган кунни маҳбусга олдиндан айтиб қўйишади. Ҳозир эса... Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ: «Нарсаларингни олиб чиқ!» — деган буйруқ бўлса-я?..

Шошиа кимир этмади, жавоб ҳам қайтармади, гўё назоратчининг буйруғи унга эмас, бошқа турманинг бошқа камерасида ўтирган бошқа бир маҳбусга тегишлидай.

— Гоголадзе, нима бало, қар бўп қолдингми? Нарсаларингни олиб чиқ, деяпман? — назоратчи буйруғини яна бир такрорладию эшикни қия ёпиб, нари кетди.

— Нима... Нима деяпти? — деб сўради Шошиа дудкланиб.

— Чақирисяпти! Нарсаларинг билан! — дедим кулиб.

— Нарсаларим билан? Бу қанақа мўъжиза!

— Ҳа, мўъжиза!

— Мўъжиза бўлмайди, деб ким айтган эди?

— Мен айтмаганман.

— Сен айтмаган бўлсанг, бошқа кимдир айтган. Мўъжизалар бор дунёда! — Шошианинг лаблари титраб кетди.

— Ҳа, бор, Шошиа, бор!

— Тепамизда худо бор! — деб пичирлади яна у чўккалаб.

— Ҳа, бор!

— Ё қодир эгам! — Шошиа шундай деди-ю, жим бўлиб қолди. Овози чиқмай қолдими, ё ичида оллога шукроналар ўқидими, билмайман... Анчагача ундан садо чиқмади, кейин сапчиб ўрнидан турди-ю, бидирлай кетди:

— Айт тезроқ, қаерда яшайсан? Дарвоқе, биламан — Анага кўчаси, қирқ иккинчи уй! Киминг бор у ерда? Ҳа, онанг бор! Нима деб қўяй? Албатта, яхши юрибди, дейман; соғ-саломат, дейман; кутинг, кеп қолади, дейман!

— Нима, нима?

— Келади, кутинг, дейман!

— Эсинг жойидами?

— Жойида! Исми нима эди? Э, ҳа, биламан. Анико, Анико хола, ҳурматли Анико! Яна нима қилишим керак? Кимга учрашай? Хоҳласанг, марҳумни онасини топиб, уни сен ўлдирмаганингни айтаман!

— Кераги йўқ, Шошиа!

— Албатта бораман!

— Гоголадзе, мунча имилладинг?

— Хўп, хайр, Заза! Кўришгунча, азизим! — Шошиа мени маҳкам қучоқлаб бағрига босди, сўнг ташқарига отилди. Камерада ўз дардим, ўз илинжу шубҳаларим билан ёлғиз қолдим. Чуғурчук учиб кетди, Шошиа ҳам мени тарк этди...

...Энди уззу кун Шошианинг сўрисида ўтириб, деразадан соатлаб шахримнинг бир бўлагига термуламан...

...Ана, мўъжазгина пивохона, ичида баҳайбат, хўппасемиз пивофуруш ўтирибди. У кимдир чала-чулпа чизиб рамкага солиб қўйган суратга ўхшайди. Бунақа дейишимга сабаб, менга унинг қорасигина кўринади, афт-башарасини бу ердан аниқ илғаш қийин. Пивохона ёнида — дорихона. Баъзи кунлари дорихона бўм-бўш бўлади, эшигида ҳеч зоғ кўринмайди, баъзида эса одамларнинг кети узилмайди. Мана, ҳозир ҳам навбатнинг охири кўчагача чиқиб кетган. Шаҳарда грипп тарқалганга ўхшайди... Сал нарида сартарошхона. Ҳар қандай сартарошхонада битта-иккита «чала мулла» усталар бўлади, мижозлар улардан қочади. Бу сартарошхонада ҳам ўшанақалардан бор, чамаси. Анови иккитаси, гарчи одам тирбанд бўлса ҳам, эшик олдига қўйилган курсига ўтирволиб, кунбўйи гап сотгани сотган. Баъзан уларга оқ халат кийган бир аёл ҳам қўшилади. Ё фаррош, ё ановиларга ўхшаган «чала мулла»... Телпакдўзлик устахонасида, одатда, одам кам бўлади. Кўпчилик тайёрини олишга ўрганган. Балки шундандир. Умуман, бош кийим урфдан чиқиб кетяпти, ярим йил одамлар бош кийимсиз юришади. Илгари телпак эркаклик шарафининг рамзи ҳисобланарди. Тўғрими, нотўғрими — ким билади... Наҳотки, Тбилисида бошланг юрган номусли, ориятли эркаклар оз бўлса? Жуда кўп! Лоақал анови кишини олайлик. Бошида телпаги йўқ. Хўш, нима қипти? Биноийдек одам! Ана, дорихонага кирди. Ана, чикди... Қўлида бир нарса бор... Дори бўлса кераг-ов? Ҳа-да! Кафтига таблеткани қўйиб, оғзига ташлади. Ий-й-й! Нима бўлди — тикилиб қолди-ку! Пивога югурмайсанми, нодон! Икки қадам-а! Ҳа, бу бошқа гап... Дўконча олдига бориб, сотувчига қўли билан ишора қилди... Ича бошлади... Шошмасдан, шунақа мириқиб ичяптики!.. Ана, ичиб бўлди. Пулини тўлади. Нега ўйланиб қолди? Э, ҳа-а... Сартарошхонага қараб кетяпти. Бориб, эшикдан мўраларди, кейин ташқарида ўтирган «уста»лардан бирини имлаб чақириб, биргалашиб ичкарига кириб кетди... Ўн

минутлардан кейин қайтиб чиқди, елкасини қоқди, юзларини сийпалади... Ҳозир ҳаммаёғидан упа билан арзон атир ҳиди анқиб тургандир-ов... Хўш... Энди нима қиларкин? Нима қиларди? Дорини ютди... Пивони ичди... Соқолни олдириди... Энди уйига кетади-да. Ие, нега кетмаяпти? Ҳа-а... Телпақдўзлик устахонасига бурилди! Тўғри қилди! Қойил! Телпақ олиш керак! Илгари телпақ эркаклик шарафининг рамзи ҳисобланган-а!.. Устахонада узоқ қолиб кетди. Аввалига, ўша ерда ишлармикин, деган хаёлга ҳам бордим. Йўқ, ана устахонадан чиқди. Ие, телпақ олмабди-ку! Айтмовдимми? Ҳозир шаҳарнинг ярми бош кийимсиз юради, деб! Нима қипти? Юрса юрар! Шунинг учун ҳаммани беномуслиқда айблаш керакми? Нега, нима учун? Боравер, дўстим, йўлингдан қолма, ўзингни билганинг билган...

...Бу ерда, Тбилисининг турма деразасидан мен кузатиб турган кичик бир бўлагида кечаётган ҳаёт бутун шаҳарда, наинки бутун шаҳарда, бутун дунёда кечаётган ҳаётдан фарқ қилмайди... Бўш вақтларида одамлар уёқдан-буёққа юришади, дори ютишади, пиво ичишади, соқол олдиришади, телпақ тиктиришади... Биноларнинг ичкарасида нима иш қилишади, униси менга кўринмайди... Дарвоқе, кўчадан ҳам кўринмайди-да... Хуллас, шаҳарнинг мана шу кафтдеккина бир парчаси бутун дунёдаги ҳаётни мўъжаз қилиб ўзида акс эттиради... Ох, нақадар кичиксан, она сайёра!

Бирдан вужудимни ҳам илик, ҳам совуқ титроқ босди, бу титроқ жамики томирлариму ҳўжайраларимдан сирилиб ўтиб, юрагимда оғриқ бўлиб тугилди.

*Салом сенга, Тбилиси, қадрдоним!
Келадими билгинг недан куяр жоним?*

Шошиа куйларди.

Бу мўъжиза ҳам, туш ҳам эмасди. Шошиа куйларди, Шошиа Гоголадзе ҳукм қилинганлар корпусида куйларди...

*Юрагимга қўнгироқлар бонги етди,
Ундан мадад сўраб чўзган қўлим қотди!
Мени тақдир эмас, содиқ дўстим сотди!
Одамлар, мен палапонга қанот беринг!*

Шошиа куйлар, бутун турма нафасини ичига ютиб, унинг маъюс кўшигини тингларди.

Дунёда мўъжизалар бўлади, деб ким айтган эди, Шошиа? Тепамизда худо бор, деб ким айтган эди, Шошиа? Буни сен айтган эдинг, Шошиа!

*Дунёда мўъжизалар йўқ, Шошиа!
Тепамизда худо ҳам йўқ, Шошиа!*

КЕМАНИ ТАРК ЭТДИМ

Эрталаб қўлимга мих кириб кетди. Назоратчидан докторни чакиришни илтимос қилдим. Ўн беш минутлардан сўнг камерага офтобдай жилмайиб Нуну кириб келди.

— Салом, жиноятчи! — деди у қувноқ оҳангда.

— Салом, халоскоримиз! — деб жавоб қайтардим мен ва руҳим бирдан энгиллашганини сездим.

— Нима қилди? — Нуну елкасидан сумкасини олди.

— Мих кириб кетди.

— Уни қара-я! — деди у бошини сарак-сарак қилиб, сумкасини очаркан.

Назоратчи эшикни ёпиб, йўлакка чиқиб кетди.

— Бир ўзинг қолдингми?

— Ҳа... Нима бу?

— Водород пероксида... Ёлғиз ўзинг-а?

— Ҳа, ёлғиз ўзим.

Нуну ярамни пероксид билан ювиб, йодни олди.

— Қўрқмаяпсанми?

— Нимадан қўрқаман, доктор! Шундоқ буюк давлат армияси, суди, прокуратураси, милицияси билан қўриқлаб ётибди-ю, нега қўрқарканман?

— Ҳа, хонанг кенгайиб қопти! — Нуну ярамга йод суртди. Додлаворай дедим.

— Ҳа-да, бир кишига етиб ортади. Мебель керак эмас, прописка учун домкомга пора бериш керак эмас!

— Сув — текин, чироқ — текин, овқат — текин, медицина хизмати — текин! — деди Нуну гапимни маъқуллаб.

— Албатта! Шундоқ жойни ташлаб кетиш — гуноҳ!

Нуну хохолаб кулди.

— Нега ҳеч кимни олиб келишмаяпти, доктор? Маҳбуслар етишмаяптими? — деб сўрадим ташвишлангандай.

— Сен — ер юзидаги охирги жиноятчисан! — Нуну ярамга бир тутам пахта қўйди.

— Йўқ, ростдан сўраяпман?

— Турмада карантин. Карантин тугаши билан бира

тўла ўттиз кишини олиб келишади, Ноумид бўлма! —
Нуну сумкасидан бинт чиқазди.

— Тезлаштиргин доктор, опкела қолишсин!

Нуну яна кулди.

— Суд қачон, Накашидзе! — деб сўради у қўлимга
бинт ўраркан.

— Билмайман, тергов ҳали тугагани йўқ.

— Айтишларича, сени озод қилишармиш!

— Ким айтди?

— Одамлар гапиряпти.

— Одамлар қаёқдан биларкан?

— Ҳамма нарсани билади одамлар, Накашидзе!

— Хурсандмисан?

— Нимага?

— Мени озод этишларига?

— Албатта, нега хурсанд бўлмай? Ўзинг-чи, ўзинг
хурсандмасмисан?

— Мен — йўқ!

— Ие, нега? — Нуну астойдил таажжубланди.

— Чунки сени ҳар куни кўролмайман-да...

— Нима кераги бор сенга буни? — Нуну қизариб
кетди.

Бинтни маҳкам боғлаб бўлиб, ҳар доимги саволини
берди:

— Яна қаеринг оғрияпти?

— Ҳаммаёғим! — дедим мен бошимни кўтармай. Нуну
сумкасидан қайчини олиб, бинтни қирқди, сўнг менга
икки дона таблетка узатди:

— Ҳаммаёғинг оғриётган бўлса, ма, люминал ичвор!

— Кетма, доктор!

— Қачонгача ўтираман?

— Агар мени сенга ўхшаган қиз кутадиган бўлса...

— шундай деб, Нунуга қарадим. У нигоҳини олиб қоч-
ди.

— Сени ойинг кутяпти!

— Ойим кута туради...

— Нима бўлди сенга, Накашидзе?

— Севиб қолдим!

— Бу ерда, турмада, ҳамма мени севади.

— Эҳтимол. Лекин менчалик эмас!

— Сен тенгиларнинг ҳаммаси севади!

— Нега бундай?

— Чунки турмада биттаю битта... гўзал аёл ўзим-
ман! — деди кулиб Нуну. — Тушундингми энди?

— Ҳеч нарсага тушунганим йўқ! — деб жавоб бердим, гарчи ҳаммасини англаб турган бўлсам ҳам.

— Бу ердан чиқиб кетсанг — тушуниб қоласан!

Нуну эшик томон юрди, кейин бирдан ўгирилиб, кўзларимга синчковлик билан тикилиб турди-да:

— Накашидзе, анови маҳбуснинг фамилияси нима эди? — деб сўради.

— Қайси маҳбус? — Юрагимни шубҳа тиғи тилиб ўтди.

— Менга шеър ўқиган...

— Билмайман!

— Исмини-чи?

— Билмайман!

— Қаерда яшайди?

— Билмайман!

— Уйланганми?

— Билмайман, билмайман, билмайман! — деб кичкириб юбордим. Юрагим ўйнаб кетди. Нуну индамай, ҳовримдан тушишимни кутиб турди, кейин ёнимга яқин келиб:

— Кўзимга қара, Накашидзе! — деди.

Бошимни кўтариб, унинг оппоқ юзида чўғдай ёниб турган шахло кўзларига тикилдим.

— Гапир, Накашидзе, сен ҳаммасини биласан!

Дами чиқиб кетган пуфакдай, бир зумда шаштимдан тушдим-қолдим.

— Онамни ўртага қўйиб, муҳаббатингга сажда қилиб ёлвораман, айт: ким эди у?!

— Девдариани Како, Лимон, бўйдоқ, бола-чақаси йўқ, турмушга чиққан синглиси билан бева онаси бор, Тбилисида, Арсен кўчасидаги ўн бешинчи уйда яшайди...

— Раҳмат, Накашидзе!

— Ўғри у!

— Раҳмат, Накашидзе!

— Севгилиси бор!

— Раҳмат, Накашидзе!

— Лекин у аёлни эри бор!

— Раҳмат, Накашидзе!

Нуну менга сўник нигоҳ билан яна бир қаради-да, эшик томон йўналди.

— Шошма, доктор! — деб кичкирдим орқасидан.

— Нима дейсан Накашидзе? — деди Нуну ўгирилиб.

— Ўша кеча, суд арафасида, Лимон иккаламиз... Мижжа қоқмадик... Нимага ухламаяпсан, деб сўрасам...

- Нима деди?
- Сени севишини айтди. Севаман, деди.
- Раҳмат, Накашидэ, сен яхши йигитсан!

Тушга яқин камерага янги маҳбусни олиб келишди. Озғин, букчайганроқ, сочи калта қилиб олдирилган, қўлида туристлар елкасига осиб юрадиган кўк рюкзак. Камеранинг ўртасида тўхтаб, энди нима қилайин, дегандай менга бир зум жавдираб қараб турди. Мен жилмайдим. У ҳам ҳайиқиброқ кулди. Қани, нима қиларкин, деб сўримда индамай ўтиравердим. У ҳам миқ этмай тураверди. Турмага келган биринчи кунимни эсладим. Ўшанда мен ҳам, эхтимол, мана шу аҳволга тушгандирман.

— Хўш, ҳеч ким қолдими уёқда? — дея сўз қотдим ниҳоят.

У елкасини қисди.

— Уёқда бирорта одам қолдими деб сўраяпман! — мен саволимни такрорладим.

— Қаерда? — у гапимга тушунмади.

— Тбилисида!

— Ким қолиши керак?

— Одамлар!

— Албатта!

— Кўпми?

— Жуда кўп.

— Қачонгача юришаркин, хабаринг йўқми?

— Қачонгача бўларди? Ким қанча хоҳласа, юраверади-да! — у тамом доводи раб қолди.

— Ҳа, майли... Карантин тугадими? — деб сўрадим энди бутунлай бошқача оҳангда.

— Тугади.

— Уёқда нима гаплар?

— Нима қизиқтиради сизни?

— Бозорда гўшт нечпул?

— Қиммат!

— Тузланган бодринг-чи?

У калака қилаётганимни сизди.

— Билмайман! — деди энсаси қотиб.

— Амнистия ҳақида гап борми?

— Карантинда гапиришятувди — бўлармиш амнистия?

— Қачон?

— СССРнинг эллик йиллигига!

— Сиёсатга қизиқасанми?

- Нимасига масалан?
- Ҳаммасига.
- Биласизми, газетани кам ўқийман.
- Вьетнамда нима гаплар?
- Уруш кетяпти!
- Ўў-э! Қачон бошланган эди?!

Йигит уялиб кетди.

— Мен «Соплис цховреба»дан¹ бошқасини ўқимайман... — деди у, худди имтиҳондан йиқилган студентдай мунғайиб.

Унга раҳмим кеп кетди.

- Карантинда кўпчиликмидинглар?
- Ҳа, одам кўп эди.
- Бошқалар қани?
- Ўғриларни «спец»га туширишди.

Ҳм, афтидан, ўта хавфли ўғрилар маҳсус ертўлаларга жойлаштирилишини эшитиб қолган, энди «билимдон»-лигини менга кўз-кўз қилмоқчи.

Йигит давом этди:

— Бугун эрталаб «шмон» бўлди. Ноннинг орасига устара тикиб қўйган эдим. Топволишди...

«Шмон» — тинтув дегани. Ие, бу йигит ростдан ҳам мени «мот» қилмоқчига ўхшайди-ку.

— Исминг нима? — деб сўрадим.

— Сандро.

— Фамилиянг-чи?

— Замбахидзе².

— Яхши фамилия экан.

— Ёмонмас, — деди у жилмайиб.

— Анови ерда, пастда ётасан! — деб қўлим билан жой кўрсатдим.

— Нега энди? Челака жуда яқин-у?

— Кўрқувдан сийгинг тез кистайди. Қайтанга қулай эмасми!

— Шунча сўри бўш ётибди... — деди у журъатсизгина.

— Бу сўриларнинг эгаси бор.

— Қани улар? — деди у таажжубланиб.

— Бирови отилган, бирови сургун қилинган, яна бири ўз ажали билан, бошқаси судда, кимдир сўроқ пайтида ўлган. Ҳадемай кепқолишади!

¹ «Соплис цховреба» — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси.

² З а м б а х и — грузинча гулсапсар.

Замбахидзе менга ишонқирамай бир қараб қўйди, аммо бўйин товлашга юраги дов бермай, мен кўрсатган сўрига бориб чўзилди.

— Чарчадингми? — деб сўрадим.

— Нима иш қилибманки, чарчайман!

— Бўлмаса, тур! Кундузи ётсанг — карцерга тушасан!

— Карантинда индашмасди...

— Карантин — бошқа, камера — бошқа. Хўп деявер, кейин хурсанд бўласан! — дедим мен. Замбахидзе туриб ўтирди.

— Кун бўйи шунаққиб ўтираманми? — деб сўради у хафсаласи пир бўлиб.

— Судгача. Хукмдан кейин оёғингни осмондан қилиб ётсанг ҳам биров ғинг демайди. Ихтиёр ўзингда.

— Қанақа ҳукм? Нима деяпсиз?! Дунёда ҳақиқат борми-йўқми?! — Замбахидзе бирдан ловуллаб кетди.

— Қаерда ишлардинг? — деб сўрадим ундан сал ўзига келганидан кейин.

— Кўн заводида! Ишлаганман, ишлайман ҳам! — деди Сандро куйиб-пишиб, худди унинг қамалишига мен айбдордай.

— Нима айб қўйишди?

— Хў, ярамас, товламачилар! — Замбахидзе кўкрагига муштлади.

— Кимни атяпсан?

— Директор билан АХО бошлиғини-да! Лаънатилар! Қилаётган ишларини кўрганингда эди! Цех бошлиқлари тери ўғирлайди, сотиб, пулини арра қилади — директор билан АХОнинг бошлиғига узатади...

— Сен-чи?

— Нима — мен? Ўғриманми мен?

— Нега бу ерга тушиб қолдинг бўлмаса?

— Мени лавозимим билан бирга сотишди?

— Қанчага?

— Қаёқдан биламан? Бир куни директор чақириб, ўз хоҳишим билан ишдан кетишим ҳақида ариза ёзишни таклиф қилди. Нима мен, аҳмоқманми? Ёзмадим!

— Боплабсан!

— Боплабсан, эмиш-а! Кейин нима бўлганини биламанми?

— Биламан.

— Нима бўлган?

— Мундоқ бўлган: кунлардан бир кун сени эшик

олдида тўхтатишган, АХО бошлиғининг кабинетига олиб бориб, икки ишчи гувоҳлигида тинтув қилишган, ёнингдан тери чиққан.

— Чикмаган, ўзлари уюштиришган.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Гувоҳлар бор.

— Сохта гувоҳлар!

— Бари бир. Гувоҳлар борми? Бор. Кейин сени ўғирлаган тери билан суратга тушириб, директорнинг олдига олиб боришган. Шундайми?

— Шундай.

Директор газета ўқиётган киши бўлиб ўтирган. Сени кўриб, ўрнидан тургану: «Нима гап!» — деб сўраган. Сўраганми?

— Сўраган, итвачча!

— Ҳа, ана. Кейин АХО бошлиғи «шундоқ, шундоқ» деб тушунтирган. «Ишонмайман!» — деб хитоб қилган директор. Шунда АХО бошлиғи ўғирланган терини индамайгина унинг олдига қўйган, Тўғрими?

— Тўғри.

— Директор бирдан кўзини ола-кула қилиб, бошини чангаллайди, ўзини креслога ташлаб, узоқ ўйга толади. Кейин ўрнидан туриб, аста гап бошлайди: «Ўртоқ Замбахидзе, бу нима деган гап? Коллективнинг, партия ва ҳукуватимизнинг ишончини шу йўсинда оқлаяпсанми? Биз сени ўз фарзандимиздай бағримизга олдик, тарбия қилдик, катта йўлга опчиқиб қўйдик, цех бердик! Сен-чи? Ватанга астойдил хизмат қилиш ўрнига, беш йиллик топшириқларни ошириб бажариш йўлида фидокорона курашиш, ҳар бир тийинни иқтисод қилиш ва шу тариқа енгил саноатимизнинг ушбу тармоғи ривожига кўмаклашиш ўрнига, нима қилиб юрибсан? Ўғирлик билан шуғулланаяпсанми? Кимнинг мулкни ўғирлаяпсан? Давлатникиними? Йўқ, Замбахидзе, биз бунга йўл қўймаймиз!» Сен эътироз билдирмоқчи бўласан, аммо ловуллаб турган директор кулоқ солмайди, қўли билан АХО бошлиғига, олиб чиқиб кетинг, деб ишора қилади. Шунақа бўлганмиди?

— Худди ўзи.

— Тергов нима ҳам қила оларди? Ўғирланган мол — бор, гувоҳлар бор. Терговчининг ўрнида сен бўлганинда ҳам худди шундай қилган бўлардинг. Шунинг учун ҳам камоққа олишган. Аввал карантинда сақлашган, мана энди камерада, менинг ёнимда ўтирибсан!

— Буларни сен қаёқдан била қолдинг? — деб сўради Замбахидзе астойдил таажжубланиб.

— Э, огайни, буни қийин жойи йўқ: бегунохлигинг афтингдан шундоқ кўриниб турибди.

— Ўзинг-чи?..

— Мен ҳам, албатта.

— Нега қўйиб юборишмаяпти бўлмаса?

— Ким айтди сенга қўйиб юборишмайди деб. Мана кўрасан, бир соат ҳам ўтмай, рухсат беришади!

... Шунда мўъжиза юз берди!!!

Камера эшиги очилиб, эски танишим — назоратчи жилмайганча бақириб қолди:

— Накашидзе, нарсаларингни олиб чиқ!

...Накашидзе, нарсаларингни олиб чиқ!.. Накашидзе, нарсаларингни олиб чиқ!.. — деган сўзлар қулоғим остида акс садо берди!.. Ёпирай!.. Яна бир лаҳзагина Замбахидзени кўриб турдим, кейин у ғойиб бўлди, камера ҳам кўринмай қолди... Ҳаммаёқ пуштиранг туманга фарқ бўлди, шу туман қаъридан таниш қариянинг паст, мулойим ва хаста товуши эшитилди:

— Оби азоб тугади... Кемадан чиқиб, олло-таолога шукроналар айтинг... Ўзингиздан кўпайинг, рўйи заминга эгалик қилинг!..

— ... Дунёда мўъжизалар бўлмайди, деб ким айтди, Шошиа?

— Тепамизда худо йўқ, деб ким айтди, Шошиа?

— Дунёда мўъжизалар бор, Шошиа?

— Тепамизда худо бор, Шошиа?

Соқчи дарвозани очиб, елкамга қоқди:

— Хотининг борми?

— Йўқ! — деб жавоб бердим мен.

— Э, аттанг! — соқчи бош чайқади.

— Хайр! — дедим мен.

— Омон бўл!

Ортимдан бахайбат темир дарвоза ғийчиллаб ёпилди...

Ойим мени турма рўпарасидаги йўлкада кутарди. Эгнида ўша-ўша эски коверкот плаш, елкасида оқ гулли кўк румол, қўлида таниш термос.

Ойим йўлимга кўз тутарди.

Ўқириб юбормаслик учун пастки лабимни маҳкам тишлаб, бўғзимга қадалган алам заҳарини ичимга ютдим.

Ойим менга интиқ эди.

Мен ҳам унинг истиқболига юрдим. Кўчани кесиб ўтиб, рўпарасида тўхтадим.

У тугунимни қўлимдан олиб, ерга қўйди, ёнига ўзи ҳам ўтирди. Мен ҳам чўнқайдим. Ойим термосни очиб, қопқоғига, хў ўшанда, учрашувга келганидагидай, иссиқ қахва қўйди. Қахвани бир хўплашимни биламан, бутун вужудимни алақандай бир тотли ҳарорат чулғади... Шу он бирдан кўча ҳам жунбушга келди, машиналар физиллаб уёқдан-буёққа ўта бошлади, кимдир бакириб-чақирди, кимдир кийкириб кулди. Шу ғала-ғовур орасидан ойимнинг хазин товуши эшитилди:

— Қалайсан, ўғлим?

— Яхшиман, ойи!

У бошимни кўксига босиб, сочларимни, юзларимни узоқ силади. Бир маҳал бўйнимга иссиқ кўз ёшлари томаётганини сездим... Биз йўлкада ўтиргача унсиз йиғлардик. Одамлар тўхтаб, таажжуб билан қарашар, аммо бирор кимса, шундоқ ёруғ, илиқ-иссиқ, шундоқ фараҳбахш кунда нега йиғлаяпсизлар, деб сўрамасди.

Биз кучоқлашганча йўлкада ўтирар ва ҳеч кимдан истиҳола қилмай, юм-юм йиғлардик.

Тунда яна Қуёш ёнимга келди. У мени зар кокилларига чирмаб, бағрига тортди. Ё алҳазар, офтобга яқинлашганим сари у совуб борарди. Ёнгинасига бориб, қўлимни теккиздим, Қуёш бармоқларимни куйдирмади. Биз биргалашиб — Қуёш олдинда, мен орқада, узундан-узун тик довондан тепаликка ўрлай бошладик. Ниҳоят, жуда баландга, оппоқ қор ва асрий музликлар ястаниб ётган юксак чўққига кўтарилдик.

— Бу — Жомолунгма! — деди Қуёш ва менга оқ байроқни узатди.

Мен байроқни ёзиб, тепага кўтардим.

Рўйи заминга эзгулик, меҳр-шафқат ва муҳаббат рамзи бўлмиш оқ мато ёғду таратди.

Олам узра улкан, оппоқ, беғубор байроқ хилпирай бошлади!



Оғриқ ўнг елкадан бошланди. Кейин аста-секин кўкракка сурилиб, чап сийнанинг аллақайси бир тубига жойлашиб олди. Сал ўтмай, кимнингдир қаварган, дағал бармоқлари кўкрак қафасини ёриб кириб, юракка чангал урди-ю, уни худди бир бош узумни эзғилагандай аёвсиз эзғилай бошлади. Эзғилаганда ҳам шошмасдан, ҳафсала билан эзғилай бошлади: бир-икки, икки-уч, уч-тўрт... Ниҳоят, обдон мижиқланган юракда бир қатра ҳам қон қолмагач, яна ўша қўллар уни бамайлихотир улоқтириб ташлади. Юрак уришдан тўхтади. Йўқ, олдин у деразага ўкдай келиб урилган чумчуқ янглиғ пастга кулаб, бир оз типирчилаб турди, ана ўшандан кейин тўхтади. Аммо-лекин тўхтаган юрак — бу, хали ўлим деган сўз эмас, бу — мислсиз даҳшатдан бакрайган кўзлар ва азоб тўла интикликдир: яна уриб кетармикин бу юрак лаънати?!

— Юракка қаттиқ гапириб бўлмайди, батано!¹ Уни авайлаш, бамисоли қайнаб тошаётган сутни пуфлагандай, оҳиста пуфлаш керак... — деди ҳамшира.

— Азизим, ҳозир чиройли сўзларни вақти эмас! Ёрдам беринг!

— Надя, анальгин! Ҳозир оғриқ босилади!

— Ичган бу, дўхтир!

— Кардиограммани беринг!

Кимдир беморни кучгандай бўлди.

— Хўш? — сўради дўхтир.

— Жудаям ичкарида... Нима дейишга ҳам ҳайронман.

— Оғрияптими?

— Дўхтир, оғриқни тўхтатинг... ёки бўлмасам ўлдириб қўя қолинг!

— Промедол!

.....

¹ Б а т а н о (груз.) — эркакларга нисбатан хурмат юзасидан қўлланиладиган муурожаат.

Орадан беш минут ўтди.

— Қалай, босилдими?

Бемор бу беаъни саволни берган одамга бир қараб қўйиш ниятида қўзларини очмоқчи бўлди-ю, лекин уддасидан чиқолмади: ковоқлари қўрғошин қуйилгандай зил-замбил эди.

— Морфий! — деб буюрди саросимага тушган дўхтир ва шошиб телефон трубкасини кўтарди.

— Бу мен, Антелаваман. Мониторни бўшатиб, де-фибрилляторни тайёрланглар. Тез!

— О-ох, қачон қутуламан! — ингради бемор.

— Азот! — буюрди дўхтир.

Бемор юзига нам дока текканини сезди. Кейин унинг танасини оҳиста кўтариб, қайиққа жойлашди. Сўнг...

... Сўнг қайиқ ойнадай сип-силлиқ денгиз сатҳидан хиёл тебраниб сузиб кетди. Қўққисдан қайиқчи каттакон занглаган мих олиб, беморнинг кўкрагига қўйди ва мушти билан бир уриб, уни харракка қоқиб ташлади.

— Нима қияпсан, золим! — деди инграб бемор.

— Бўлмаса сувга ағдарилиб кетасан! — деб жавоб берди қайиқчи.

Кейин у худди ўшандай занглаган михлар билан беморнинг оёқ-қўлларини ҳам тахтага қоқиб, ўзини сувга отди.

— Тўхта, мени ташлаб кетма, оғайни, — деди ёлвориб бемор. — Михларни ким суғуриб олади?!

— У ёқда, нариги сохилда суғуриб олишади! — Қайиқчининг овози жуда олисдан эшитилди. Беморнинг қуловига сохил томондан келаётган бошқа ғала-ғовурлар ҳам ғира-шира чалиниб турарди, аммо у буларнинг нималигини — сафар олдидан бериладиган ўгитларми, огоҳлантирувчи қичқириқларми, тасаллию таскинларми ёки унга аза очган кишиларнинг йиғи-сиғиларими — англай олмасди.

... Сўнг овозлар аста-секин пасайиб, тинди. Фақат симиллаган оғриқ, зориқиб кутиш, бепоён денгиз ва қайиққа михлаб ташланган, ҳамманинг ёдидан кўтарилган ёлғизгина унинг ўзи қолди.

— Э худо, ё парвардигор, нима гуноҳ қилдим! — бемор шундай деб шивирлади-ю, аммо бу сўзларни ўзи айтмаганини ва бинобарин, худо буни эшитмаслигини шу заҳотиёқ фаҳмлади.

Қайиқ эса ҳамон мовий денгизда енгил чайқалиб борарди...

Орадан минг йил ўтди, бемор бирдан аллақандай

турткини сезди. Унинг зарбидан гўё юрагига пичоқ санчилгандай бўлди. Қайик соҳилга урилган эди.

Бир зумда қайикни оломон қуршаб олди.

— Ёпирай, михлаб ташлашганини қаранг-а шўрликни! — деди ачиниб биров, қайикни қирғоққа тортиб чиқазаркан.

— Михни суғуринглар, ортиқ чидаёлмайман! — деб ёлворди бемор.

— Яшвили қани? — деб сўради кутиб олганлардан бири.

— Шу ердаман!

— Суғур!

— Жуда мустаҳкам...

— Бўлмаса ҳаммамиз барабар тортамыз! Қани... Бирикки, тортдик!..

«Э худо, наҳотки суғуришолмаса?» — деб ўйлади бемор, кўлини хиёл кўтариб.

— Қимирламанг! — огоҳлантирди кимдир ва шу заҳотиёқ оломонга мурожаат қилди: — Қани, яна бир марта, то-ортдик!

Орадан яна минг йил ўтди. Одамлар бемор танасидаги михларни тишлари билан тортишарди.

— Хўш, қалай? — деб сўради бошлик.

— Кўтариляпти! — жавоб беришди унга тобелари.

— Қанча?

— Олтмиш!

— Бўпти, босимни қўя туринглар, энди юракка қаранглар!

— Томир уриши — эллик!

— Афтидан, халос бўлди шекилли! — деди мониторинг ёнида турган одам.

— Думалаб кетди! — бемор енгил тин олди.

— Нима думалаб кетди? — деб сўради дўхтир ажабланиб.

— Филдирак! — деб жавоб берди бемор.

— Қанақа филдирак? Қаёқдан думалаб кетди? — Дўхтирнинг овози бу гал титраб чиқди.

— Мана бу ердан, мана бу ердан, батоно! — бемор кўлини кўксига қўйиб, жилмайди.

Дўхтир енгил хўрсиниб, беморнинг пешонасидаги совуқ терни артди.

— Сақлаб қолдик чамамда! — деди у.

— Хм, шу ёшда инфаркт... Барвактроқмасмикин? — сўради кимдир титроқ кўл билан сигарета оларкан.

Бемор бу беъмани саволни берган одамга ҳам бир караб қўйиш ниятида яна кўзларини очмоқчи бўлди, лекин уддасидан чиқолмади: қовоқларига қуйилган совук кўргошин баттар оғирлашган эди.

Кейин, кейин гаройиб бир сархушлик — шифобаҳш, илиқ ва енгил сархушлик пайдо бўлди. Оғриқ йўқолди. Бемор яна йўлга отланди, лекин бу гал денгизда эмас, бош-кети йўқ айланма зиналарда юрарди. Фақат бир нарсадан у хайратда эди: зинадан пастга тушгани сайин тобора юқорилаб кетаётгандай бўларди...

2

Узун, қора қўйлагини шимининг устидан тушириб, белига чилвир боғлаб олган Авестик Бабаянц аллақандай бир қўшиқни хиргойи қилганча оқсоқланиб ҳовлига кириб келди. У белига фанердан ясалган ханжар осиб олган эди. Унинг орқасидан шарманка орқалаган аёл пайдо бўлди. Аёлга миттигина кучукча эргашиб келарди. Кучукчанинг пешонасигача осилиб тушган оппоқ юнглари орасидан тугмачадай-тугмачадай кўзлари чакнаб турарди.

Бабаянцнинг сайёр театри ҳовлининг ўртасига жойлашди. Оқсоқ тўрт қаватли бинонинг балконларига чиқиб олган уй бекаларига мамнун табассум билан кўз ташлаб чиқди, чап тирсагини ханжарнинг дастасига намойишкорона тираб, ўнг қўлининг бармоқларини лабига теккизиб аёлларга узоқдан бўса йўллади-да, театрнинг репертуарини эълон қилди.

— Тбилисининг мухтарам фуқаро ҳамда зодагонлари! Грузия халқ артисти Аветик Бабаянцнинг сайёр театри бугун сизларга «Отелло» фожиасининг янги, замонавий вариантини намойиш қилади. Ролларни ижро этадилар:

Отелло — Аветик Бабаянц.

Дездемона — Мария Павловна

Яго — кучукча Стелла.

Увертюрани шарманкада Мария ижро этади.

Паттанинг баҳоси — йигирма тийин. Насияга томоша кўрсатилмайди!

— Бошламайсанми, тентак!

Мария шарманканинг қуловини буради. Хириллаган куй оҳангига мослаб, Бабаянц қўшиқ болади:

*Пашша учар Бағдоддан,
Пашша учар Бағдоддан...
Вой-дод-ей, вой-дод-ей...
Ичингизда ким сахий —
Пулдан ташласин тагин!
Вой-дод-ей, вой-дод-ей...*

Бир зумда ҳовли сахнига танга ёвилиб кетди. Бола-лар худди оч қолган чумчуқлардай тангалар устига ёпирилишди.

— Ҳой-ҳой, зумрашалар, чўнтакка урмасдан, бу ёкка узатларинг!

— Чақалариям кўп, Бабаянц амаки!

— Чақаларини қиздириб, кетларингга босларинг, лекин оқларини бу ёкка чўзларинг!

— Тескари тушганларини-чи?

— Узат, узат, чўнтакда ўзи ўнгланиб кетади!

— Ўх-ҳў, шунча йиғилибди-ку!

— Бари бир дадангни маошидан кўп эмас!.. Ҳой, Мария, кўкрагингга яширган пулларни чиқаз бу ёкка, мегажин!

Пул йиғиш маросими тугади. Бабаянц белидаги чил-вирни ечган эди, тангалар шимининг ички чўнтагига жаранглаб тўкилди, кейин устки чўнтагидан букловлик газетани олиб ёзди-да, ҳовли сахнига ётқизилган тош устига қўйиб, гугурт чақди. Газета ёниб бўлгач, кулини аста кафтига сидириб, унга бир туфурди-да, иккала кафти билан кулни ишқалай бошлади. Сўнг кафтларини юзига суриб, томошабинларга ўтирилди. Оломон бир жонланди — у венециялик маврнинг худди ўзи бўлиб қолган эди.

— Стелла, қани, чиқ! — деди Отелло.

Кучукча чопиб олдига келди. Отелло эгилиб, қулоғини кучукчанинг ялтираб турган қоп-қора тумшуғига тутди. Кучук — Яго уч марта ақиллаб, орқа оёқларига турди.

— О! — деб хитоб қилди Отелло томошабинларга қараб. — Яго айтадики, хотиним Дездемона Кассио билан дон олишиб юрганмиш!

У юзига дардли ифода бериб, яна кучукчага энгашди, кучукча яна уч марта — бу гал илгаригисидан кўра каттиқроқ, куйиниброқ ақиллади.

— Ха-ха-ха! Йўқ-йўқ! Ёлгон гапиряпсан, итвачча!

Стелла Мариянинг олдига чопиб бориб, тишлари билан унинг қўлидаги гулли бағдоди рўмолчани юлқиб олди-



да, пилдираганча маврга келтириб берди. Отелло рўмолчага тикилиб, донг қотиб қолди.

— Ҳа, бу ўтган йили унга ўзим инъом этган ўша рўмолча! — деб хитоб қилди у изтироб билан ва бошини уч марта акас дарахтига урди. Ўтакаси ёрилган чумчуқлар дув осмонга кўтарилди. — Мария, чиқ! — Мавр Дездемонани чақирди.

Отеллонинг рафиқаси шарманкани дарахтга суяб, бошини эгганча унинг олдига борди.

— Мен тақдим этган рўмолча қани? — деб сўради Отелло хотинининг кўзларига синчковлик билан тикилиб.

— У нима деганинг? Рўмолчанг қаердалигини мен қайдан билай? Йўқотгандирсан ёки бирор жойга қўйгандирсан, мени нимага қийнайсан?! — деди Дездемона жеркиб.

— О, нақадар олчоқлик! Ким айтади сени аёл зотидан деб! Мени кимга алмаштирмоқчи бўлдинг! Ўша разил Кассиогами? — ғазабга тўлган Отелло Дездемонани гирибонидан олди.

— Секинрок, овсар! — Дездемона Бабаянцнинг қўлидан чиқиб, олдиндан ерга тўшаб қўйилган чодра устига ётди.

Отелло яна бир бор қаҳ-қаҳ уриб, унинг тепасида тиз чўкди, қулоғини Дездемонанинг кўксига тутиб, унинг арши аълога кетганига ишонч ҳосил қилгач, даҳшат ичида бошини чангаллади, сўнг фанер ханжарни суғуриб, худди термометр қўйгандай, қўлтигининг тагига урди ва аста бокира рафиқасининг жонсиз жасади ёнига қўзилди. Кучукча — Яго, гўё шуни кутиб тургандай, акас тагига чошиб борди-да, бир оёғини кўтариб, дарахтга суяб қўйилган шарманка устига сийиб юборди.

Фожиа тугади.

Чор атрофдан — балкону равонлардан хотин-халаж, бола-чақа, чолу кампирларнинг гулдурос олқишлари янгради:

- Офарин, Бабаянц!
- Офарин, Отелло!
- Баракалла, Мария!
- Барака топ, Дездемона!
- Яшавор, Стелла! Қойилман, Яго!

Ошхонада чироқ ёниб турарди. Уч одам, гўё тўртин-

чи бир кишини уйғотиб юборишдан кўрққандай шивирлашиб гаплашишарди. Девор соати икки марта занг урди.

— Бўла қолинглар, яна бошқа жойга ҳам киришимиз керак... — деди эркак киши.

— Оля, сенга ишондим... Болани Хонига¹, ойимни-кига обориб қўй.

Қўллари титраб-қақшаб кийимларини чамадонга жойлаётган аёл бир бурчакда унсиз йиғлаётган жувонга илтижо билан термилди.

— Кўнглинг тўқ бўлсин, Анико! — деди жувон пикллаб.

— Эртагаёк!

— Васият қилишнинг кераги йўқ, калбатон², — гапга аралашди эркак. — Айтдим-ку, эрингизни иши юзасидан уч-тўртта савол беришади-ю, қўйиб юборишади. Қанча тез борсангиз, шунча тез қайтасиз.

— Гунохга ботиб нима қиласан?! — деб ёлворди аёл. — Шўрлик болага раҳминг келсин! — Унинг қўллари қалтирар, чамадонни сира қулфлаёлмасди. Эркакнинг ўзи ёрдамлашиб, чамадонни қулфлади-да, аёлнинг қўлига тутказди.

— Бўла қолсангиз-чи, калбатон, тонг отиб қолди!

— Қанақасига калбатоно бўларканман сенга?.. Зигирдек одамгарчилигинг бўлса, менга раҳм қил... Уйда йўқ экан, деб қўя қол... Шу бугуноқ ғойиб бўламан, қорамни кўрсатмайман... — Аёлнинг овозида заиф умид учқуни бор эди.

— Йўқ, мумкин эмас!

— Бўлмаса, яна бир оз сабр қил, ўғлим билан хайрлашволай, — деди аёл.

— Уч марта хайрлашдинг-ку!

Аёл ётоқхона томон юра бошлаган эди, эркак олдинроқ бориб, эшикка кўндаланг туриб олди.

— Бас қилинг! Тартиб-қоида деган нарса бор!

— Кираману чиқаман.

— Йўқ!

— Нахотки на хотининг, на болаларинг бўлмаса?

— Йўқ, бўлмайди ҳам. Мен эркин одамман! — деб жилмайди эркак.

— Қулсан, эркин одаммисан! Бахти қаро қулсан,

¹ Х о н и — Цулукидзе шахрининг эски номи.

² К а л б а т о н о — аёлларга нисбатан ҳурмат юзасидан қўлланиладиган мурожаат.

мунофиксан, аблахсан, билдингми?! — аёл ўзини тутолмади.

— Қайси биримиз қул ва аблахлигимиз борган жойимизда маълум бўлади, ҳозир тез олдимга тушинг, бўлмаса... — деди ранги ўчиб эркак.

— Нима — бўлмаса?

— Ватан хоинларини нима қилишларини биласизми?

— Ҳали сен ватан ҳақида гапиряпсанми?! Дайди!

— Гапларингиз эсингизда турсин!

— Эсимда туради!

Эркак аёлнинг тирсагидан ушлаб, ташқарига бошлади.

— Оля! — деб кичқирди аёл

— Анико! Азизим!

Орага дақиқалик сукунат чўкди. Кейин бирдан иккала аёл хўнграб йиғлаб юборишди.

— Падарига минг лаънат! Шунақа жойга юборишадими?! — деди эркак тишларини ғичирлатиб. — Бўлди энди! Мен ҳам одамман-ку, ахир! — У томоғига қадалган аламини аранг ютди. — Бўлди! Кетдик!..

Бола эшикнинг қарсиллатиб ёпилишидан уйғониб кетди. У тезда ўрnidан туриб, онасининг каравотига қаради. Каравот бўш эди.

— Ойи! — деб чақирди бола. Ҳеч ким жавоб бермади.

— Ойи! — деди у яна аста. Кейин онасининг каравоти ёнига бориб, кўрпани кўтарди. Ўрин ҳали илиққина эди.

Боланинг юраги «шув» этиб кетди. У оёқ яланг, узун, оппоқ кўйлагини судраганча эшик олдига чопиб бориб, уни ҳайкибгина очди.

Ошхонада, пастак тахта каравот устида бошини чангаллаганча Оля хола ўтирарди. Унинг елкалари титрарди. Бола аёлнинг рўпарасида тўхтаб, аста сўради:

— Оля хола! Ойим қанилар?

Аёл жавоб бермади.

— Оля хола, қанилар ойим? — қайта сўради бола, озғин, муздек қўлини аёлнинг елкасига қўйиб.

— Биласанми, Бачана, ойинг... — аёл дудуқланиб қолди.

— Қаёққа кетдилар ойим?!

Аёл болани кучиб, бошини маҳкам кўксига босди ва яна ўша даҳшатли саволни эшитмаслик учун қўли билан

унинг оғзини тўсди. Бола индамай қолди, лекин лабларининг қимирлашидан ҳамон бир гапни такрорлаётганини аёл сезиб турарди.

Бола қалтирар, юзидан совуқ тер шувиллаб қуйиларди. Лаблари кўкариб кетган ва энди қимир этмасди.

— Э худо, барҳақ эгам, нахотки шуни кўрмаётган бўлсанг? Агар кўриб турган бўлсанг, сени кодирлигинг қаёқда қолди?!

Холдан кетган аёл боланинг ёнида тиз чўкди...

— Боланинг юраги чатоқ, асаби ҳам ишдан чиққан...

— Йўғ-е? Нега энди, доктор? — деб сўради Оля хола ажабланиб.

— Яқинда орттирган бу дардларни... Бирор нарсадан қаттиқ изтироб чекмаганми?

— Й...йўқ!

— Ёши нечада?

— Тўққизда.

— Ҳм...м...қизик... Тавба...

Поезд секин-аста, тошбақа юриш қилиб Тбилиси вокзалидан қўзғалди. Оля хола Бачанани ечинтириб, эгнига узун тунги кўйлак кийдирди-да, тепадаги ўриндикқа ётқизиб, бошига каттакон чарм чамадонни кўйиб қўйди.

— Ухла! — деди у болага ва ўзи пастки ўриндикқа, дераза ёнига ўтирди. Бачана девор томонга ўгирилиб олди.

Лиқ тўла оддий вагон димиқиб кетганди.

— Ётишдан олдин нима дейиш керак эди? — эслатди холаси.

— Яхши ётиб туринглар! — деди бола йўловчиларга жилмайиб ва яна нариги ёнбошига ўгирилиб олди.

— Одоблигини қаранглар-а! — дея таажжубланди озгин йўловчи. — Мени шумтакаларим бўлса сўқишгани сўқишган, оғзидан боди кириб, шоди чиқади, тагин мени олдимда-я!.. Кимингиз бўлади? Ўғлингизми?

— Ўғлим...

— Барака топсин... Лекин сизга сираям ўхшамайди. Отасига тортгандир-да?

— Ҳа.

— Шунақа денг... Мева дарахтидан узоққа тушмайди, деб бежиз айтишмаган...

— Қани, пардаларни туширинглар-чи! — проводникнинг амирона буйруғи эшитилди.

— Нима учун? — деб сўради Оля хола.
— ЗАГЭС¹ — деди кимдир.
— Хўш, нима қипти?
— Кўпорувчилардан кўркишади, — тушунтирди яна халиги овоз.

— Кўпорувчилар... Кўпорувчилар... — деб такрорлади Бачана уйқу аралаш. — Эрталаб Оля холадан сўраб билволаман уларнинг кимлигини...

Шундай деди-ю, сал ўтмай уйқуга кетди...

... Тунда онаси келди. У Бачананинг боши остидаги чамадонни авайлаб олиб, ўрнига юмшоқ, момик ёстик қўйди. Бола сал кимирлаб қўйди. Онаси илгари ҳам кечасилари унинг ёстигини тўғрилаб қўярди, шунинг учун ҳатто кўзини ҳам очмади, қайтанга аёлга баттарроқ бурканиб олди.

— Бошингни ёстикка қўй, ўғлим... — деган шивирлаш эшитилди Бачананинг кулофига, сўнг юзини биров сийпалагандай бўлди. Лекин нима учун бармоқлари бунчалик дағал? Ойисининг қўллари мулоғим эди-ку... Ёки отасимикин-а? Ҳа, албатта, отаси, ҳозир у ёстигининг тагига совға қўйиб кетади...

— Ду-у-у-у... — поезд узун гудок чалди.

Бачана ширин уйқу оғушида ғалати туш кўриб ётарди... Пионерлар Саройининг ойнабанд залида болалар ва қизлар саф тортишган... Ҳамманинг эғнида оппоқ қўйлак, лоларанг галстук... Бачана ҳам уларнинг орасида. Бугун ажойиб кун: Хосе Диас билан Долорес Ибаррури тбилисилик пионерларга Испания Республикаси болаларининг совғаси — попукли қалпоқчаларни топширишади... Баланд бўйли, буғдойранг, истараси иссиқ Долорес Ибаррури Бачанага басклик бола номидан қалпоқча топширади.

— Бўл тайёр! — дейди Ибаррури.

— Доим тайёр! — деб жавоб беради Бачана.

— Салют! — дейди Долорес Ибаррури боши узра муштумини кўтариб, кейин Бачананинг юзларини силаб, мулоғим жилмаяди...

Поезд Ципск туннелидан қуюндай отилиб чикди-ю, Марелиси бекатида тўхтамай, пишқирганча ўтиб кетди

¹ ЗАГЭС — Земо-Авчальск гидроэлектростанцияси (Тбилиси яқинида).

(перронда турган одамлар базўр ўзларини четга оп-қолишди).

— Бир соатдан кейин Самтредиада бўламиз! — деди бўйнига искирт дока боғлаб олган йўловчи хирилдок овоз билан.

— Самтредиада тўхтармикин? — деб сўради Оля хола безовталаниб.

— Мцхетада поездимизга галати бир вагонни улашди, — гапга аралашди боя Бачананинг одобини мақтаган озгин йўловчи. — Зиналарида ҳарбийлар туришган эди. Сув олишга тушган эдим, ўз кўзим билан кўрдим.

Поезд катта-кичик станцияларни ортда қолдириб, ҳамон олға интиларди.

— Ярим соатдан кейин Самтредиа! Уч минут тўхтаймиз, холос! — проводник вагон ичида юриб, калити билан ўриндиқларни тақиллата бошлади.

— Поездинглар бугун жа учиб кетяпти, — деди унга озгин йўловчи, — балки, қўшимча кира ҳақи тўлармиз!

— Буни борганинга станция бошлиғидан сўрайсан! — деб жавоб берди унга проводник тўнғиллаб.

— Бошлиқ мени кутиб олармикин? — атайин ўзини гўлликка солиб, яна гап ташлади озгин йўловчи.

— Агар ҳукумат уни огоҳлантиришни унутмаган бўлса, албатта, кутиб олади!

— Э, ҳукуматимизнинг хотирасидан шикоятим йўқ... Тўққиз юз бешинчи йили Илорск черковида бўлган митингда ким учун овоз берганимни ҳалигача унутмайди...

— Ҳой, оғзинга қараб гапир, кейин бу гапингни фақат мен эшитганим учун худога шукур қил! — пўписа қилди унга проводник.

Озгин йўловчи жим бўлиб қолди. Поезд юришини секинлатди.

— Калбатано, Самтредиада тушмоқчи эдингиз шекилли? — деди ёш йўловчи мудраб ўтирган Оля хола-нинг елкасига аста туртиб.

Оля хола бир сесканиб, кўзларини очди.

— Нима?

— Самтредиага яқинлашиб қолдик, дейман. Тушмоқчимидингиз?

— Ҳа.

Оля хола сакраб туриб, Бачанани силтай бошлади:

— Бачана, тур, кўзичоғим! Тушамиз!

Бачана ўрнидан туриб ўтирди.

— Бўла қол, болагинам!

Оля хола сумкасини йиғиштиришга тушди.

Бола бош қўйган томонига қўлини узатди-ю, донг қотиб қолди.

— Оля хола, ойим қанилар?

— Нималар деяпсан, Бачана?! — Оля холанинг овози титраб кетди.

Йўловчилар хайрон бўлиб, гоҳ болага, гоҳ ранги оқариб кетган аёлга қарашарди.

— Оля хола, кечаси ойим чамадонни олувдилар, қаёққа кетдилар?

Оля ўтган тунги воқеа хозир яна такрорланишини хис қилди. Болани дарҳол пастга тушириб, бағрига босди-да, қўли билан унинг оғзини тўсди.

— Хой, яхшилар, ёрдамлашворинглар!

Поезд тўхтади.

Самтредиа бекатининг навбатчиси уч марта занг урди. Иккинчи йўлда турган поезд аста ўрнидан қўзғалиб, қўздан ғойиб бўлганда ҳам навбатчи жойидан жилмаган эди: унинг рўпарасида, бўм-бўш перронда икки одам — сочлари тўзиган, хаёли паришон, пальтосиз аёл билан оппоқ қўйлаги товонигача тушган, яланг оёқ бола турарди. Улар бир-бирларининг қўлларини маҳкам ушлаб олишган эди. Навбатчи уларни кўриб, бир лаҳза довдираб қолди, кейин беихтиёр кўнғироқ чилвирини тортди. Зим-зиё тун бағрини жомнинг мунгли садоси тутиб кетди.

Данг... Данг... Данг...

— Зосим, — бекат бошлиғи ўз ёрдамчисига мурожат қилди, — жон оғайни, анови ярамасни тинчитиб қўй! Навбатчиликка яна кайф билан кепти!

Аёл билан бола ҳамон бўм-бўш перронда, ўша алпозда туришарди.

Кўнғироқ ҳамон ўша ҳазин қўшиғини такрорларди:

— Данг... Данг... Данг...

3

Уч кишилиқ палатани йодоформ, спирт, камфара ва эндигина ювилган полнинг намхуш ҳиди тутиб кетган эди. Бачана бўғилиб қолмаслик учун эҳтиётлик билан адёлни бурнига тортди, кейин худди шундай эҳтиётлик билан томирини ушлаб кўрди. Юраги худди болалик пайтидагидай уриб турарди. У бошини деворга тираб,

кўзларини қисганча санай бошлади: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, са-ак-киз, са-ак-киз ярим, тў-ўқ-киз, тў-ўқ-киз ярим, ўн!

Бачана қўлини томиридан олиб, юрагининг устига қўйди. Юрак урмасди. Капалаги учиб кетган Бачана дарров яна томирини ушлади. Томири уриб турарди. Шундан кейин у бурнидан аста адёлни тортди. Димоғига ўткир хид урилди.

— Дераза... — деди Бачана базўр.

— Нима? — деган овоз эшитилди ёнидаги каравотдан.

— Ўҳў, тирикми? — деб сўради нариги каравотдаги одам.

— Нукул мурдаларни опкелишади! Бу ер нима — палатами ёки ўликхонами? — хафа бўлди биринчи каравотдаги бемор.

— Ёзувчи, дейишаётувди, — жавоб берди иккинчиси.

— Ёзувчи нима қилади бу ерда, уларни жойи Мтацминдада!¹

Бачана қўшни каравотдаги беморларнинг гап-сўзларини эшитиб ётар, лекин ҳозир унга тоза ҳаводан бошқа ҳеч нарса керак эмас эди.

— Дераза! — такрорлади у.

— Бир нарса ёқмаяпти бунга — ё ҳаво, ёки дераза, — деди биринчи бемор.

— Ҳаво, — деди Бачана.

— Биласизми, мухтарам биродар, иккаламизга ҳам туриш у ёқда турсин, ҳатто қимирлаш ҳам мумкин эмас, — гапга қўшилди иккинчи бемор, — бинобарин, ҳамшира келгунга қадар мен билан ҳурматли Булика нафас олиб турган ҳаводан баҳраманд бўлишингизга тўғри келади.

Бачана тушундики, Булика дегани — биринчи каравотдаги бемор. Энди иккинчи беморнинг кимлигини аниқлаш қолган эди.

— Соат неччи бўлди? — деб сўради у.

— Менимча, таксиримнинг чўқиниб, олло таолога ибодат қиладиган айни пайтлари! — жавоб берди биринчи бемор.

Бачана иккинчи каравотга кўз қирини ташлаб, мош-

¹ М т а ц м и н д а (луғавий маъноси: «Муқаддас тоғ») — Тбилисидаги таниқли жамоат арбоблари дафн этиладиган тепалик.

гуруч соколни кўрди. «Попга ўхшайди», — деб кўнглидан кечирди у ва ҳалиги саволини яна такрорлади.

— Соат неччи бўлди?

— Ўн, — деб жавоб берди соколли киши.

— Нечанчи асрлиги қизиқтирмайдими сизни? — гап котди Булика.

Беморлар одатда ўлим олдидан ёки тузалиб кетгандан кейин ҳазиллашишади. Қайси асрлигини Бачана биларди, ҳозир уни бошқа нарса — шифо топган мана шу беморнинг чехраси қанақалиги қизиқтирарди. Булика ёстигини Бачананинг оёқ томонига қўйиб ётганидан фақат унинг ялтироқ бошигина кўриниб турарди.

Бачана беихтиёр жилмайди ва суҳбатдошини ранжитмаслик учун, сўради:

— Хўш, нечанчи аср?

— Ҳа-а, бу оғайнимиз жуда узоқ ўлкадан келганга ўхшайди, отахон, — деб мурожаат қилди Булика иккинчи каравотдаги беморга. — Мен у ёқларда бўлмаганман.

— Сенинг юрагининг фақат орқа девори жароҳатланган, буниги юраги баайни Баграти¹ харобасига ўхшаб қолган.

— Ундай бўлса, сиз учун, мухтарам биродар, ҳозир янги йил ҳисоби бўйича биринчи аср! — деди Булика.

Бачана жавоб бермади. Индамай палатани кўздан кечира бошлади.

Эшик. Каравот. Яна каравот. Иккита пастак шкаф, унинг тепасида қатик солинган банкалар, ҳар хил дори-лар, устига сочиқ ташланган мева-чева. Оппоқ девор. Каттакон дераза. Столда сувсиз графин билан сўлиган атиргул. Биринчи каравот остида — ҳожат учун қўйилган оқ тувак, иккинчисининг тагида нима борлиги Бачанага кўринмасди. Унинг ўзи учинчи каравотда эди. Биринчи қўшнисининг тепакалини кўравериш, тўйди. Иккинчи, соколли қўшнисининг чехраси унга анча жозибали туюлди: кенг пешона, ихчам бурун, қалин, мошгуруч соқол... Бугун қанақа кун, қайси ой?

Бачананинг миясида шу хилдаги саволлар кетма-кет туғилар, аммо у буларнинг бирортасига ҳам жавоб тополмасди. Ҳа, майли, бўлар иш бўлди, лоақал ҳозир қайси йиллигини билганда эди!

— Ҳозир қайси йил? — деб юборди у беихтиёр.

¹ Б а г р а т и — Кутаиси яқинидаги Баграт (X—XI асрлар) ибодатхонаси.

— Бу одам алахсираяпти ёки бизни лақиллатяпти! — деди Булика.

— Йўқ, унга ҳаво етишмаяпти, шунунг учун хотира-си ҳам яхши ишламаяпти. Мен ҳам шунақа бўлганман, — деб жавоб берди унга соқолли киши, — деразани очиб қўйиш керак.

Хонага бирдан ўша таниш, пуштиранг туман ёпирилиб кира бошлади ва Бачана яна ўша айланма зинага бориб қолди.

— «Исмингиз нима, биродар? — олисдан Буликанинг овози эшитилди.

«Исмим — Бачана, фамилиям — Рамишвили!» — деб жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин индамай қўя қолди — Булика жудаям олисда эди.

— Қўявер, ухлаяпти! — деди соқолли киши. Унинг овози ҳам аранг эшитилди.

«Йўқ, ухлаётганим йўқ, зинадан пастга тушиб кетяпман! Ёрдам беринглар, тепага опчикинглар мени!» — дея кичкирмоқчи бўлди Бачана, лекин уддасидан чиқолмади. Яна ғалати сархушлик бошланиб, тили айланмай қолган эди. Бачана қўшниларида бутунлай жудо бўлмаслик учун зинапоёга ўтириб олди.

— Уйқуга кетди! — деди Булика.

Бачана уйғоқ эди. Ҳамма гапни эшитиб ётарди.

Буликанинг каравоти остидан каламуш пилдираб чиқди, тумшугини кўтариб, ҳавони искаб кўргач, мўйловларини қимирлатиб қўйди.

— Келди! — деди иккинчи бемор.

— Бир ўзими ё бола-чақаси биланми? — деб сўради Булика.

— Ҳозирча бир ўзи.

— Қаранг-чи, ёзувчимиз ўлиб-нетиб қолмадимикин? Каламушлар мурданинг хидини дарров пайқашади-я, — деди Булика ва каламушга қараш учун бошини хиёл кўтарди, лекин бунга муяссар бўлолмади. Каравот ғичирлаб кетиб, каламуш инига ура қочди. Булика думининг учини кўриб қолди, холос. Кетди! — деди у афсусланиб.

— Келади! — тасалли берди унга иккинчи бемор ва шкафидан бир бўлак қанд олиб, полга ташлади. — Ҳозир келади, бутун оиласи билан келади.

— Бари бир, бир қараб қўйинг-чи, ёзувчи тирикмикин?

Соқолли киши бошини Бачананинг каравоти томонга

бурди. Бачана қонсиз қўлларини кўксига қўйганча қимир этмай ётарди.

— Адёл қимирляпти, қовоқлари учиб турибди.

— Адёл қимирлаётган бўлса, демак, нафас оляпти, модомики, нафас олаётган экан — демак, юраги ишлаб турибди, қовоқлари учиб турган бўлса — демак, уйғоқ, модомики, уйғоқ экан — демак, гапларимизни эшитиб ётибди, эшитаётган экан — демак, жавоб бериши керак. Модомики, жавоб бермаётган экан — демак, аҳволи чатоқ... — деб хулоса чиқарди Булика. — Мухтарам ёзувчи, тирикмисиз?

«Тирикман. Қачон юқорига кўтарасизлар деб зина-пояда кутиб ўтирибман», — демоқчи бўлди Бачана. Афсуски, бу хоҳиш эди, холос. Бировларнинг хоҳишини илғаб олишни эса Булика билмасди.

— Қутулиб кетади, худо ҳаққи! — деди Булика соқолли кишига мурожаат қилиб.

— Ана, чиқди! — суюниб кетди соқолли киши. — Бутун оиласи билан чиқди.

Бу гал каламуш жуфти ҳалоли ва икки нафар боласи билан ташриф буюрган эди. У тувак атрофида бир айлан-ди-да, кейин дадил қанднинг ёнига борди. Лаззатли таомни инига кўтариб кетишга ҳам эриниб, оила аъзоларини чақирди, сўнг навбатма-навбат қандни ғажигишга тушишди.

— Ўрнимиздан туролмаслигимизни сезяпти, ярамас! Бўлмаса одамларнинг олдида бунақа сурбетлик қилишга хатто йўлбарс ҳам журъат этолмасди! — деди хуноби ошиб Булика. Каламуш бошини кўтариб, орқа оёқларида турди-да, сўзлаётган одамга синчковлик билан тикилиб қолди.

— Гапларимизга ҳам тушунади, аблах! — деди Булика ажабланиб.

У дунёнинг мўъжизадай сирли, пинҳон тили бор,

Одамизот англай олмас уни азал-азал ҳам.

Биз идрокли одамларга не ажаб бўлса ошкор.

У дунёда аллақачон неки маълум, мужассам.

— «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»данми? — деб сўради Булика.

— Йўқ, «Паҳлавон»да мана бундай дейилган:

Унинг иссиқ кўз ёшларин ҳайвонлар ялар йўлда,

Олов эса тўхтамайин авж олади кўнгилда.¹

¹ Романдаги Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» поэмасидан олинган шеърини парчаларни Шайхзода ва Миртемир таржима қилишган.

— Ҳм, одамдан яхши яшайди бу. Текин қандни ейди, на инфарктни, на стенокардияни, на тахикардияни билади... Бунинг устига, унга шеърлар ўқиб берамиз!.. Чўчка боласидай семириб кетганини қара!

— Шароит яхши-да бу ерда...

— Тўппа-тўғри. Агар масалага ижтимоий-тарихий аспектда ёндашиладиган ва антисанитария жиҳати истисно қилинадиган бўлса, мантиқан ва объектив шундай ҳулоса чиқариш мумкин: каламушлар озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўл бўлган жойларда пайдо бўлади. Бунинг ҳеч қандай айб ери йўқ... Иннайкейин, каламушлар ҳам худонинг махлуқи, ахир... Фақат касаллик тарқатгани ёмон, холос...

— Сиз мени койиманг, шаккокликда ҳам айбламанг, қани, марҳамат қилиб айтинг-чи, шу каламушларни худо нима учун яратган ўзи, а? Лоақал йўл-йўриқни ўргатган бўлса ҳам майли эди! Хўш, бу ёруғ дунёда уларнинг нима хизмати бор, а? Музика чаладими? Йўқ! Вино ичадими? Йўқ! Пойафзал тузатадими? Йўқ! Овқат пиширадими? Йўқ! Хўш, нима қилади? Қанд ейди, полни кемиради, ерни ўяди, темирни ғажийди, вабо, ўлат ва бошқа минг хил касалликларни тарқатади! Мана сизга худонинг махлуқи! Тфу, онасини эмсин!.. — Булика тупуриб, девор томонга ўгирилиб олди.

— Э-э, нодон одам экансан! Худо таоло каламушларни сенга ўхшаган бандаи гофиллар тангрининг кучу қудратига имон келтирсинлар деб яратиб қўйган! Тилингни тийиброқ гапир, тагин ўлганингдан кейин парвардигор жонингни мана шу каламушларга бахш этиб юбормасин! — деб пўписа қилди соқолли киши.

— Бунинг учун унга битта каламуш ҳам етарди! — деди Булика сал паст тушиб.

— Қанддан ташла, меники тамом бўлди! — деди иккинчи бемор.

— Балки унга шоколад бериш керакдир? Ёки хуснбузар тошиб кетармикин-а? — Булика ижирғаниб яна суҳбатдоши томон ўтирилди.

— Дунёдаги жамики тирик мавжудотни олло таоло яратган, — жавоб қилди соқолли насихатомуз, — ҳаммамиз иноқ-иттифок бўлиб яшамоғимиз лозим...

Каламушлар қандни еб бўлиб, Бачананинг шкафини ҳидлай бошлашди, аммо егулик бирор нарса топилмагач, — Бачанада хали ҳеч вақо йўқ эди, — иккинчи бемор томон ўтишди. Аммо бу ерда ҳам дурустроқ нарса

топилмади, шундан сўнг улар шкафнинг оёғини кемира бошладилар.

— Ў, падарингга лаънат! — деб бақирди иккинчи бемор ва кавушини олиб, кучининг борича каламушларга қараб отди. Чўчиб кетган Булика юрагини чангаллаб қолди.

— Инок-иттифоқ бўлайлик, отахон! — деди у кесатиб ва ҳар эҳтимолга қарши тилининг тагига бир дона нитроглицерин ташлади.

— Тинчликми? — деб сўради шовқинни эшитиб ҳамшира.

— Хурматли Женя, — деб мурожаат қилди унга иккинчи бемор энтикиб, — ё бизни анови махлуқлардан ҳимоя қилинг, ёки бўлмаса сичқонқопқон қўйиб қўйинг!

— У нима деганингиз?

— Важа Пшавеланинг «Сичқонқопқон»ини эмас, албатта! Бизни каламушлардан қутқаринг. Безор қилди, ортиқ чидаб бўлмайди!

— Нималар деяпсиз, батоно, ўттиз йилдан бери шу ерда ишлайман, ҳали бирорта ҳам сичқонни кўрганим йўқ!

— Сичқон деяётганим йўқ. Каламушни гапиряпман! — тушунтирди Булика.

— Каламушни тушумда ҳам кўрмаганман!

— Тиқилиб ётибди каламуш! — деди фиғони чиқиб иккинчи бемор.

— Кимнинг кавуши бу? — гапни бошқа ёққа бурди ҳамшира.

— Меники, хурматли Женя, меники, каламушни ўлдирмоқчи эдим!

— «Озор берма» деган гапингиз қаёқда қолди, отахон?

— Бунақа нарсалар сизнинг шарҳингизга муҳтож эмас, Женя хоним, нафсиламрини айтганда, сизнинг ёшингиздаги аёл инсонни каламушдан фарқ қила билиши лозим! — хафа бўлди иккинчи бемор.

— Менинг ёшим билан ишингиз бўлмасин! — Женянинг бирдан жаҳли чиқиб кетди. — Мен каламушлар бўйича мутахассис эмасман! Дори керак бўлса — айтинг, сичқонқопқон билан стрихнинни омбор мудиридан сўранг!

— Палатамизда ёзувчи ётибди. Ҳализамон хушига келиб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўради, сизни газетага уриб чиқади! — кўрқитмоқчи бўлди уни Булика.

Ҳамшира Бачана ётган каравот ёнига борди, тўшак-

нинг бир четига ўтириб, беморнинг мажолсиз билагини ушлади.

— Эҳ-хе, қаёқда ҳали... — деди у хўрсиниб.

— Илтимос, деразани очворинг, боя кўзини очиб ҳаво етишмаяпти, дегандай бўлувди, — эслаб қолди иккинчи бемор.

Женя дарҳол каравотдан туриб бориб, деразани катта очди.

Хонага акас гулларига тўйинган, ҳаётбахш, мусаффо ҳаво ёпирилиб кирди. Палатада баҳор ҳиди анқиб кетди.

— Тур, тур ўрнингдан! — зинапояда ўтирган Бачанани аллақандай таниш бир овоз чорлагандай бўлди, у аста ўрнидан турди. Зинапоялар уни атрофи қийғос гуллаган акаслар билан ўралган, қип-қизил лолақизғалдоқлар очилиб ётган кичик бир ялангликка опчиқиб қўйди. Лолақизғалдоқлар ўртасида қордай оппоқ, ёлдор бир тойчоқ турарди. У бетоқат бўлиб, олдинги оёқлари билан ер депсинар, Бачанани гўё ўз ёнига чорларди.

— Ке, устимга мин! — деган овозни эшитди Бачана. У тойчоққа минди-да, бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди. Тойчоқ елдек учиб кетди. Ҳали тақа кўрмаган туёқларининг дупури кулоққа майин эшитиларди. Тойчоқ Бачанани оппоқ бир ибодатхона олдига опкелди-да, шундай бир кишнадик, гўё минглаб қўнғироқлар бараварига чалингандай бўлди. Ибодатхонанинг эшиги очилиб, останада чақалоқ кўтарган Биби Марям кўринди. «Ё парвардигор», — деб қўнглидан ўтказди Бачана ва аста тиз чўкди...

... Бачана кўзини очиб, томир уришини санаб ўтирган оқ халатли ҳамширани кўрди. У томирларида қон қандай оқаётганини ва юрагининг яқин бир ерида секинлаб, аллақандай бир тўсиққа урилаётганини сизди. Аммо қон оқими ўжарлик билан ўзига йўл очиб борар, унинг ҳаракати тобора шиддатлироқ, тобора кучлироқ бўла борарди. Аста-секин у қайнаб-жўшиб, шу қадар жунбишга кирдики, бундан ҳатто Бачананинг чаккалари лўқиллаб кетди. Аммо бу тамомила бошқача оғриқ эди. Бачана ўзини тарк этган ҳаёт қайтиб келганини, хонага кирганини, каравоти четига ўтириб, кўксини сийпалаганини ҳис қилди. Буларнинг ҳаммасини у аввал сизди, кейин эшитди, ундан кейин эса ўз кўзи билан кўрди.

— Салом! — деб жилмайди у қайтиб келган ҳаётга.

— Салом! — дейишди бараварига ҳамшира билан иккала бемор. Мана шу бир оғиз сўзда ҳамма нарса — тасодиф, қувонч, ҳайрат мужассам эди.

— Салом! — такрорлади яна Бачана хонадагиларга кулимсираб.

— Қайтиб келди! — деди Булика.

— Қайтдим! — тасдиқлади Бачана.

— Хўш, қаерларда бўлдингиз? — деб сўради Булика.

— Чамаси, Вифлеемда! — деди кулиб Бачана.

— У, афтидан, халиям ўша ерда шекилли! — маъюс тортди Булика.

— Йўқ, ростданам қайтиб келдим! — тасалли берди унга Бачана. Сўнг ҳамширага мурожаат қилди: — Неччи кундан бериб ётибман?

— Бир кечаю бир кундуз, — деб жавоб берди киз.

— Раҳмат...

— Ўзингизни қандай сезяпсиз?

Бачана ўйланиб қолди. Юраги нотекис урар, лекин унчалик заиф эмасди — у ўзининг юрак тегишини эшитиб ётарди. Қўл ва оёқларини кимирлатиб кўрган эди, танасининг оғирлигини мутлақо сезмади. Бачана ўзини қушдай енгил ҳис қиларди. «Мана шу вазнсизлик бўлса керак-да», — деб кўнглидан кечирди у.

— Ўзингизни қандай сезяпсиз?

— Худди космонавтдай! — деб жавоб берди Бачана чинакам космонавтдай қатъий ишонч билан.

— Юрагингиз безовта қилмаяптими?

— Сал оғриб турибди, лекин илгаригидай эмас...

— Биламан, — деб унинг гапини бўлди ҳамшира, — ҳозир гепарин билан пантопондан укол қилиб қўяман. Ухлаб, дам олинг, гаплашманг, ҳаракат қилманг... Кечкурун профессор келади.

— Сираям ҳаракат қилмайинми?

— Мутлақо.

— Сал-пал кимирласам-чи?

Ҳамшира бир оз ўйланиб турди-да, кейин осойишта, аммо ниҳоятда қатъий бир оҳангда:

— Ўласиз! — деди.

Бачана сўлагини базўр ютди. Сўнг итоаткорлик билан иккита укол қабул қилди-да (ҳамшира шу заҳотиёк нина суқилган жойларга иссиқ грелка қўйди), жим бўлиб қолди.

— Бирор гап бўлса, мени чақиринг, — деди ҳамшира

унга. — Сизлар эса, — у нариги иккала беморга ўғирилди, — седуксен ичиб, жимгина ухланглар. Бошқа палатадагилар ҳам баъзи бир нарсаларни сезишган, лекин сизларга ўхшаб оламни бошларига кўтараётганлари йўқ.

Хамшира чикиб кетди.

— Профессор келса ҳаммасини айтиб бераман! — деб кичқирди унинг орқасидан Булика, аммо қиз буни эшитмади.

— Сиз нариги дунёдан қайтмасингиздан олдин андаккина фикланиб олувдик каламуш масаласида, — деб тушунтирди Бачанага иккинчи бемор.

— Қанақа каламуш?

— Ҳозир чикиб қолади, ўшанда танишволасиз... Энди, ижозат берсангиз, ўзимни таништирай: Ортачала черковининг нозири Иорам Канделаки. Бу киши — вакелик¹ этикдўз Автандил, яна бир номи Булика, Гогиллашвили.

— Нега энди Булика?

— Болалигимда «булка» сўзини «булика» деб талаффуз қилардим. Шундан исмим Булика бўлган. Сиз ҳам шундай деб атайверишингиз мумкин, — деди Булика.

— Жуда соз... Мен — Бачана Рамишвили, ёзувчи-ман.

— Буни биламиз. Нимадан инфаркт бўлдингиз?

— Худо ҳаққи, билмайман, — деб жавоб берди Бачана хўрсиниб.

— Эҳтимол, ҳалиги... мановиндандир? — Булика намоишкорона кекирдагига чертиб қўйди. — Ёзувчиларни кўп отади дейишади.

— Йўғ-е... унчаликмас! — жилмайди Бачана

— Сираям-а? — таажжубланди Булика.

— Нега энди? — деди ўз навбатида Бачана ҳам ажабланиб.

— Ҳа, бу бошқа гап!.. Ичмаган одам қанақа қилиб ёзади?! Қанча кетади, масалан?

— Хўш... икки-учта...

— Рюкками?

— Шиша!

— Э, қойилман! Зўр экансиз!.. Аммо-лекин энди компот ичиб туришингизга тўғри келади, вақтинча.

— Вақтинча эмас, умрбод! — деди хазрат Иорам.

¹ О р т а ч а л а , В а к е — Тбилисидаги районларнинг эски номлари.

— Қўйсангиз-чи! Ундан кўра ўлиб кетаверган маъкул эмасми! — қичқириб юборди Булика.

— Ҳа, фақат компот... Агар компот ичиб юрганингда, бу ерда чўзилиб ётмасдинг! — деди ҳазрат Иорам насихатомуз.

— Ўзлари-чи? Хўш? Винони оғзингизга ҳам олмансизу, лекин бари бир менинг ёнимда ётибсиз, а? — заҳарханда қилди Булика.

— Ҳа-а, компотга ўтилмаса бўлмайдиганга ўхшайди, — деди Бачана.

— Умуман, тўғрику-я... Мени бир танишим бор эди, сизга ўхшаган ёзувчи, туфлисини тузатиб бериб турардим. Қачон мени ширакайф кўрса, бир гапни такрорларди:

*Буликажон, кўп отма,
Кейин чўзилиб ётма!*

Унинг гапига ишонмасдим, ҳамма шоирларга ўхшаган жиннироқ, деб ўйлардим... Мана, айтгани бўлди! Ўттизга кирмай, яримта бўп қолдим... Ҳе, виноям бор бўлсин... — деб хўрсинди Булика. — Ҳар куни кечаси, худди соҳибжамол қиздай, папирос тушимга кириб чиқади!.. Шу инфарктдан кейин, мен сизларга айтсам, одамни яшагиси ҳам келмай қоларкан...

— Инфарктдан кейин одамни ваҳима босади, жуда каттиқ ваҳима босади! Сиз кўркмаяпсизми? — деб сўради ҳазрат Иорам Бачанадан.

— Кўрқанда қандоқ!.. Кўрқмай бўладими?! — деди тан олиб Бачана.

— Бекор қиласиз! — деб гапга аралашди Булика. — Сиз ҳали нарқоз таъсиридасиз, бориб-бориб ҳаммаси ўтиб кетади... Кўзингизга ҳеч нарса кўринмаяптими? Маза-бемаза тушлар кўрмайсизми?

— Ҳа, кўриб тураман, — деди Бачана бир оз ўйла-ниб туриб.

— Шунақа бўлади... Баъзан тушингизда гапирасиз ҳам... Бутун сирларингизни айтиб қўясиз! Агар ўйнашингиз бўлса, эҳтиёт бўлинг-а, тагин хотинингизни олдида унинг отини айтиб юрманг!

— Ташаккур, эътиборга оламан, — деди кулиб Бачана.

— Умуман, — деб давом этди Булика, — ақлли одамлар хотинларига адаш бўлган аёллардан ўйнаш тутишади. Масалан, мен сизнинг ҳозирги ахволингизга туш-

ган пайтимда, яъни космонавт бўпкетган пайтимда дей-
мизми, алаҳсираб роса ўйнашим Светани гапирганмиш-
ман, уни ҳар хил чиройли сўзлар билан кўкларга кўта-
риб мактабман. Ўшанда хотиним Света каравотимни ёнида
ўтирган экан: «Вой Буликажон, мени шу қадар севи-
шингни билмаган эканман!» — деб ҳўнг-ҳўнг йиғлаган-
миш. Мен бўлсам, тинмай маъшуқам ҳақида гапириб
ётибман... Агар хотин билан маъшуқанинг исм-шарифи
бир хил бўлса, унда эркакнинг ҳаёти бамисоли жаннат-
ни ўзи деяверинг!.. Лекин бир гал қовун ҳам туширган-
ман! Мана, Йорам ота гувоҳ...

— Қанақа қилиб? — кизиқиб қолди Бачана.

— Э-э... шу десангиз, алаҳасираганда ўтлаб кетиб-
ман-да. «Светахон, — дебман ўйнашимни назарда ту-
тиб, — биласан-ку, Светахон, узумни яхшисини ит ейди,
ит деганда мен хотинимга шама қилганман, майли, ҳеч-
қиси йўқ, шу ердан эсон-омон тузалиб чиқсам, ўша ку-
ниёқ ўзингга уйланаман!» Хотиним бу гапларни эшитиб:
«Вой дод, Булика эсидан оғиб қопти, ҳатто тўйимизни
ҳам эслолмаяпти!» — деб дод-фарёд кўтарганча бошини
сизни каравотингизга ураверибди, у пайтда бу каравот
бўш эди... Худони асраганини қаранг, ўшанда эс-ҳушим
жойидалигини хотиним сезганда нима бўларди!.. — Бу-
лика бирдан гапдан тўхтаб, Бачанага тикилиб қолди.

Бачана кўзларини юмганча, бир текис нафас олиб
ётарди.

— Ие, ғалати одам экан-ку! Икки дунё бир қадамми
дейман бунга! — деди ҳафсаласи пир бўлиб Булика
руҳонийга.

— Майли, ухласин. Пантопоннинг таъсири... Хала-
қит берма.

Бачана эса бу пайтда пуштиранг туман оралаб, ўзига
таниш айланма зинапоядан пастга тушиб борар, аммо
пастга тушгани сайин тобора юқорилаб кетаётганини бу
гал яққол сезиб турарди...

4

— Мана сенга йўлланма, ўғлим. Чохатаури¹га бориб,
рентгенга тушиб кел... Юзингни кизили, кўзларингни
йилтираб туриши менга ёқмаяпти!

Бачана қоғозни тўрт буклаб, чўнтагига солди.

¹ Ч о х а т а у р и — Фарбий Грузиядаги район маркази.

— Нима бўлган менга, Евгений амаки? — деб сўради у дўхтирдан.

— Кўпдан буён иситманг чиқадими?

— Бир ойча бўп қолди.

— Терлайсанми?

— Кундузи фақат кафтларим терлайди, аммо кечаси сув бўлиб кетаман! — Бачана терлаган кафтини шимиға артди.

— Йўталасанми?

— Баъзан, лекин йўталганда каттиқ йўталаман, нафасим ичимга тушиб кетади, — деди Бачана маъюс тортиб.

— Туфугингда қон сезмадингми?

— Ўтган ҳафта сал бор эди, мана мунча, — Бачана чимчалофининг учини кўрсатди.

— Нега шу пайтгача индамадинг, ўғлим? — дўхтирнинг овози титраб кетди.

— Менга нима бўлган ўзи? — деди Бачана хавотирланиб.

— Рентгенга тушиб келганиндан кейин айтаман.

— Бу касални номи нима?

— Инфилтрат... Оғирроқ шакли — бронхоаденит.

— Грузинчасига-чи? — деб сўради Бачана ёпишқоқлигини кўймай.

Дўхтир жавоб бермади. Стол ёнига ўтириб, қорозларини бемақсад титкилай бошлади.

— Қанақа дорилари бор? — деб сўради яна Бачана.

— Пенициллин билан сульфидин, — деди дўхтир бошини кўтармай.

— Топса бўладими?

— Бўлади! Ўн минг сўмга Тбилисидан топиш мумкин! — дўхтир шундай деб, Бачананинг хайратдан бакрайиб қолган кўзларига қаради.

— Шунча пулни қаердан оламан?

Дўхтир қўлларини икки томонга ёзиб, елкасини қисди.

— Яна қанақа дори керак, Евгений амаки?

— Янами? Сарёғ, сут, балиқ мойи, икра, тухум, қанд, асал ва Бахмаро¹... Мана сенга керак бўлган дори-дармонлар!

Бачананинг томоғи қуруқлашиб кетди. Дўхтир айтган нарсалар у тайинлаган дорилардан икки баравар қиммат эди. Бачана анчагача индамай турди, кейин чўнта-

¹ Б а х м а р о — Грузиядаги тоғли курорт.

гидан йўлланмани олиб, яхшилаб текислади-да, стол устига қўйди ва миқ этмай эшик томон юра бошлади.

— Қаёққа, йигитча? — тўхтатди уни дўхтир.

— Борай энди, Евгений амаки, касалимни бир амаллаб ўзим тузатарман, — деди Бачана қовоғини солиб.

— Тўхта! Аптекага кириб, гематоген ол, ҳар куни уч маҳалдан чой қошиқда ичиб юр. Фойдаси бор... — дўхтир киссасидан ўн сўм чиқазиб, Бачанага узатди. — Ма, ол...

Бачана пулни олиб, столга, йўлланманинг ёнига қўйди.

— Пулни бувам берадилар... Катта раҳмат сизга, Евгений амаки! — Бачана эшикни очди.

— Бувангга айт, менга бир учрашсин.

— Тоблари йўқ, Евгений амаки, юролмайдилар, — деди Бачана ёлғон гапириб.

— Унақа бўлса, айтиб қўй... — дўхтирнинг томоғига бир нарса қадалиб, гапиролмай қолди.

— Нима дейин?

— Айтгинки... — дўхтир тутилиб-тутилиб сўзларди. — Асло кўркма, ўғлим! Ҳали кеч эмас! Сен бақувват йигитсан, ҳар қандай дардни енгиб кетасан!

— Бувамга нима дейин, Евгений амаки?

— Буванггами?! — дўхтир бирдан қизишиб кетди. — Бориб айт, у нокас дарров ҳамма нарсасини — уйини, ҳовлисини, бор бисотини сотиб, сенга пенициллин олсин! Эшитдингми! Орқага сурмасин!

Дўхтир столнинг ёнига чопиб бориб, пул билан йўлланмани олди-да, майда-майда қилиб йиртиб, шифтга улоқтирди, кейин Бачанага ўтирилди. Унинг рангига қараб бўлмасди.

— Нима деган одам бўлдим! Мен дўхтирманми?!

Бачана дўхтирнинг нигоҳига дош беролмай, хонадан тез чиқиб кетди.

— Аграфена хола, икки шиша гематоген беринг. Якшанба куни Чохатаурига шафтоли обораман, сотиб пулини бераман, — деди Бачана аптекачи аёлга, улар ёлғиз қолишгач.

— Гематогенни нима қиласан, болам? Сил касаллар ичади-ку бу дорини.

Бачананинг аъзойи бадани музлаб кетди, кафтларига совуқ тер чиқиб, тиззалари қалтирай бошлади. Ҳали шу пайтгача ҳеч ким бу даҳшатли хасталикнинг номини унга баралла айтмаган эди.

— Бувамга... Дўхтир тайинлади. Қувватсизликда ёрдам беради деганди...

— Ма, ўғлим, ола қол... Фақат... Шафтолингга ишонмайроқ турибман-да...

— Нима, шунақанги қиммат дорими?

— Бир шишаси тўққиз сўм олтмиш тийин туради...

— Унда бир шиша бера қолинг. Якшанба куни албатта ҳисоб-китоб қиламан.

— Нима бўлди сенга, ўғлим? Нега рангинг оқариб кетди? — деб сўради Аграфена унга ичи ачиб.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ўзим азалдан оқман. — Бачана шишани кўтариб, аптекадан чиқди-ю, йиқилиб тушмаслик учун зинапояннинг чириган тахтасига ўтирди.

— Салом, Глахуна амаки!

— Салом, салом! Лекин танимай турибман сени... — деди кўзларини қисиб ферма мудирини.

— Бачанаман, Ломкаца Рамишвилининг невараси.

— Оббо, сен-ей! Катта йигит бўп кетибсан-ку! — деди Глахуна ажабланиб. — Буванг қалай?

— Юрибдилар.

— Ҳа-а... Шундоқ ўғиллардан жудо бўлди-я... Тағинам чидаркан-да одамзод... Сен қайси бирини ўғлисан?

— Каттасини.

— Акакийними?

— Ҳа.

— Эҳ, отанг зўр одам эди-да! Сенинг ёшингда бир ўзи, қуролсиз айиқ овига борарди!.. Хўш, Ломкацага нима керак бўп қопти? Ҳар ҳолда, бекорга келмагандирсан?

— Глазуна амаки, мени фермангизга чўпон қилиб олсангиз...

— Ёшсан ҳали, ўғлим, қийналиб қоласан.

— Отанг сени ёшингда айиқ овларди, дедингиз-ку!

— Отанг пахлавон одам эди-да! Сени қара — пуф деса учиб кетасан. Ёшинг неччида?

— Ўн бешда.

— Буванг нима дейди? Рози бўлармикин?

— Сиз хўп десангиз, рухсат берадилар.

— Қанақасига хўп дейман! Чўпоннинг меҳнатини буванг мenden яхши билади-ку!

— Йўқ деманг, Глахуна амаки!

— Иложим йўқ, ўғлим.

Бачананинг лаблари буришиб, кўзлари жикқа ёшга тўлди.

— Ўтиниб сўрайман, Глахуна амаки!
— Намунча? Чўпонлик тушингга кириб чиқдими?
— Сил бўп қолдим, Глахуна амаки! — деди Бачана кўз ёшини аранг тийиб.

— Нималар деяпсан, тентак! Бунақа нарса билан ҳазил қилиб бўладими?! — Глахунанинг жаҳли чиқиб кетди.

— Евгений амаки айтди... Кўп ёғ есанг, сут ичсанг, тоғ ҳавосидан нафас олсанг, тузлиб кетишинг мумкин, деди...

— Бу нима кўргилик! — деб инграб юборди Глахуна Керказде Бачанани бағрига босиб. — Тоғда шамоллаб қолиб, бирор кор-хол бўлса-чи? Унда нима қиламан? Бувангнинг кўзига қандай қилиб қарайман? Бўталогим, сенга тоғу ўрмон эмас, пар тўшагу парвариш керак!

— Хўп дея қолинг, Глахуна амаки! — Бачана Глахунанинг елкасига бошини қўйиб, йиғлаб юборди.

— Бўпти, бўпти, тойчоғим! Оламан, эчки сути ҳам гапми — парранда сути билан боқаман! Кўз қорачиғимдай асрайман! Икки ой ичида бир қўлинг билан уч яшар буқани ағдарадиган бўласан! Бўлди, бўлди энди, йиғлама, азизим! Нима бўпти сени касалинг бизга! Ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетасан ҳали! Бас қил, қизиталок!

Бачана аллақачон йиғидан тўхтаган, аммо энди Глахуна Керказденинг ўзи, худди ёш боладай хўнграб-хўнграб йиғлар, уни юпатадиган бирор кимса йўқ эди...

Йигирма учта сигир, икки нафар буқа, йигирма етти-та эчки, учта от ва бир дона чўчқа — 1943 йилнинг ёзида Кведобан колхозининг ҳам сут, ҳам гўшт берадиган бор-йўқ чорваси шу эди. Ферма Бахмаро яқинига, Чхакоура тоғининг ёнбағридаги яйловга жойлашган эди. Ёзда колхозчилар жамоат чорвасига қўшиб, ўз молларини ҳам яйловга ҳайдаб кетишарди. Аксарият тана ва ғунажинларни олиб чиқишарди, чунки ўша очарчилик йилларида соғин сигирларни уч-тўрт ойга яйловга жўнатишининг иложи йўқ эди.

Юз йигирма хонадоннинг мана шу аянчли бойлигини икки овчарка билан уч эркак — ферма мудирини Глахуна Керказде, Сипито Гудавадзе ва Иона Орагвелидзе қўриқлашарди. Бачана тўртинчи бўлиб қўшилганди, аммо уни ҳеч ким қаторга қўшмасди.

Попадаги яккаю ягона эркак чўчқа Глахунага қарашли эди. Ана шу чўчқанинг бошига бугун илгари би-

чилган хешларининг аччиқ қисмати тушмоқда эди. Икки ёшли зотдор, бақувват жонвор, табиийки, бундан беҳабар эди. У ҳузур қилиб ахлатларни титкилар, калта, бақувват тумшуғи билан ерни омочдай ўйиб, егулик нарса қидирарди. Чўчка бамайлихотир ўз иши билан машғул бўлиб юрган айни пайтда, Глахуна бостирма тагида туриб, михда осиеглиқ юганга устарани қайрамоқда эди.

— Чўчкага раҳмим келяпти, Глахуна амаки! Шу ишни қилмай қўя қолинг! — деб ялинди Бачана.

— Бир ўзи ўрмонда куёвтўрага ўхшаб юрадимиз?! Бу ерларда урғочи чўчқани кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Бичиб қўйсак, қорнидан бошқа ташвиши қолмайди. Эс-хуши жойига келиб семиради, вазни ортади, мана кўрасан! — деб тасалли берди Глахуна Бачанага.

— Қизиқ гапларни гапирасан-да! Мана, Сипито ҳам ўрмонда бир ўзи юради, лекин уни бичганимиз йўқ-ку! — деди Иона Орагвелидзе чўчқанинг ёнини олиб.

— Хў, ҳаромхўр, оғзингга қараб гапир! Агар сениям вақтида бичиб қўйишганда, анови даҳо меросхўринг ҳам туғилмаган бўларди! Ўн еттига кирибди-ю, ҳалигача нокни олмадан ажратолмайди-я! — деб тўнғиллади бостирманинг тагидан чиқиб келган Сипито.

— Вой тўнка-ей! Мени ўғлим болалигида дарахтдан йиқилиб тушган, буни ҳамма биледи! Сен-чи? Ҳаётингда бирор марта ҳатто тойиб ҳам кетмагансан, лекин зеҳнинг пастлигидан биринчи синфда тўққиз йил ўтиргансан! Эсингдами?

— Глахуна, — Сипито ферма мудирига мурожаат қилди. — Ке, ишни бошлайлик, бўлмаса манови ит эмган таъбимизни тирриқ қилади! Кўряпсан-ку, гапидан латта ҳиди келяпти!

— Глахуна, қани, ўзинг инсоф билан айт-чи, қайси биримиз ҳақмиз? — деди Иона Глахунани гувоҳликка чорлаб.

— Икковингнинг ҳам тилингни суғуриб олиш керак, чўчқани тинчитганимдан кейин, сенларни бир ёқлик қиламан! — деди Глахуна, кейин устаранинг дамани бош бармоғининг тирноғига уриб кўргач, давом этди: — Бас қилинглр бемазагарчиликни! Чўчқани тутиб келинглр!

— Унга бас келиб бўларканми! Кўрмаяпсанми, ерни кўпориб ташлайман деяпти! — деди Иона.

— Қорнини қашлагин-чи! — деб маслаҳат берди Бачанага Глахуна.

Бачана саройдан бир ховуч маккажўхори олиб чиқиб, чўчканинг ёнига борди.

— Хур-хур-хур...

Чўчка бошини кўтариб, маккажўхорини кўрди-ю, қулоқларини ликиллатганча Бачананинг олдига чопиб келди.

— Вой аҳмоғ-ей, ўзи кундага югуради-я! — деди Иона чўчкага ичи ачиб.

Сипито илиқ сув билан кул тайёрлади, Иона арғамчи келтирди, Глахуна устарани буклаб, белига кистирди-да, эгар кигизи орасидан ипакли ип ўтказилган каттакон бигизни олиб, энгини шимара бошлади.

— Қашла, қашла! — деб қичқирди у Бачанага.

Бачана чўчканинг ёнига чўккалаб, унинг қорнини қашлай бошлади. Маккажўхори ковшаётган чўчка Бачанага эътибор ҳам бермади. У насибасини еб бўлгач, бирдан сергак тортди, кўзларини юмиб, хузур қилганидан хурхурлаб юборди. Аввалига тик турган чўчка сал ўтмай тиз чўқди, кейин бир ёнбошига баралла чўзилиб олди.

— Эҳ, эси йўқ жонвор-ей, бир ховуч маккажўхорини деб, нимангдан маҳрум бўлаётганингни билсанг эди! — деди Иона чўчканинг орқа оёғига сиртмоқ ташларкан. Чўчка ҳатто кимирламади ҳам: кўзларини юмганча хурхурлаб ётаверди. Бачана икки қўллаб унинг қорнини кашларди.

Иона чўчканинг иккинчи оёғини ҳам боғлагандагина у хушёр тортди-ю, турмоқчи бўлиб талпинди, аммо энди кеч эди. Сипито унинг устига миниб олган, Иона эса иккала қулоғидан маҳкам ушлаб турарди, Бачана ҳам тош қотганча, бундан кейин нима воқеа бўлишини кутарди. Глахуна чўчканинг тиф уриладиган жойини илиқ сув билан ювиб бўлгунча у кўпам типирчиламади. Ниҳоят, Глахуна устарани очди-ю... чўчканинг юракни ларзага келтирувчи чинкириғи бутун теварак-атрофни тутиб кетди.

— Оғзингни тўсиб олсанг бўларди, тагин касалинг юкиб, яраси газак олиб кетмасин, — деди Сипито Глахунага.

— Овозингни ўчир! — пўписа қилди унга Глахуна.

Жарроҳлик давом этарди. Чўчканинг фарёидан осмон қоқ иккига бўлиниб, тоғлар ўпирилиб тушадигандай туюларди.

— Қулоқни тешворяпти-ку бу жин ургур! — деди Сипито.

— Буни ўрнида сен бўлганигда кўрардим диконгланганигни! — деб жавоб берди Иона.

— Яна бошладингми? — деди Сипито унга ер остидан қараб.

— Бўпти. Лекин мен Сталин бўлганимда, уруш тугаши билан Глахунани чақириб, унга Гитлерниям, уни шериклариниям худди мана шунақа ахта қилишни буюрдим! — деди Иона.

— Бошқаларини билмадиму, лекин Гитлерни ахта қиладиган нарсасиям йўқ шекилли... Хотиниям, болачақасиям, хатто шунақа ишга хоҳишиям йўқ дейишадди... — Империя маҳкамасининг сирини ошкор қилди Сипито.

— Умуман, одамхўрлик — барча ахта қилинганларга хос хусусият... Оға Муҳаммадхон ёдинглардами? Тбилисини вайрон қилган шоҳ бору!... Ўшаям шунақа бўлган... У олтингугурт сувига умид боғлаган экан... Аммо натижа чикмагач, қазаби қўзиб, шаҳарга ўт қўйишни буюрибди, — Иона, ўз навбатида, шоҳ саройининг сирини ошкор қилди.

— Вой, оғайни-ей, агар олтингугурт сувининг нафи текканда ўзимизни Ефросиньядан бадавлат одам бўлмасди дунёда, ховлисида ўшанақа сув булоқ бўлиб оқиб ётибди! — Глахуна кесилган жойни тикиб бўлиб, ипни кесди, қонга беланган қўлининг орқаси билан пешонасидаги терни артиб, ўрнидан турди-да: — Қўйворинглар! — деб буюрди.

Сипито билан Иона чўчқанинг оёғидаги арқонни ечиб, ўзларини четга олишти. Чўчқа аввалига дўзах азоби тугаганига ишонмай, чинқириб ётаверди. Кейин, энгил тортганини сезиб, ўрнидан турди, бир оз депсиниб тургач, ўрмон томонга ура кочди.

— Эҳ, биз одам эмас, ваҳшиймиз! — деди Бачана. — Шу ишни қилишдан олдин озгина ароқ ичириб қўйсак нима бўларди?

— Қўлга сув қуйвор, — илтимос қилди ундан Глахуна.

— Ёмон гуноҳга ботдинг-да, Глахуна Керкадзе! — деди Сипито ферма мудирига. — Энди ўрмонда урғочи чўчқанинг юзига қандай қилиб қарайди, шарманда бўла-

¹ Оға Муҳаммадхон — Эрон шоҳи, 1795 йили Грузияга бостириб кириб, Тбилисини ер билан яксон қилган.

ди-ку шўрлик! — Сипито чошиб бораётган чўчка томонга маънос нигоҳ ташлаб қўйди.

— Бўлди, майнавозчиликни бас қилинглар! Бориб сигирларни соғинглар, агар ўзи соғадиган нарсаси бўлса, кейин бу ёққа ҳайдаб келинглар! — деб буюрди Глахуна ўртоқларига. — Сен нимага чўчкага тикилиб қолдинг?! — у Бачанага ўтирилди. — Бор, бугун Генонинг эчкисини соғ, ўзингни эртага болалаши керак. Лекин билиб қўй! Хурмачадаги сутни бир томчи ҳам қолдирмасдан ичасан! Кейинги пайтларда фирромлик қиладиган бўп қолдинг! Жир битиб қолди! Агар ҳаммасини ичмасанг, хурмачани бошингга уриб синдираман!

Бачана индамай эчки соғишга кетди.

— Умрингдан барака топ, Глахуна! — деди Иона, Бачана кўздан йироқлашгач. — Болани сақлаб қолдинг! Тамом ўзгариб кетди! Юзлари ҳам нақш олмадай бўп қолди-я!

Глахуна Ионанинг гапларига эътибор ҳам бермай, челақни кўтарганча сигирлар томонга йўл олди.

Бир соатлардан сўнг Кведобан колхозни фермасининг моллари мў-мўлаб ва ба-балаб, Чхакоура тоғининг ям-яшил ёнбағрига таралиб кетди.

Кечқурун фермага кўнгилли халқ қўшинининг автомат билан қуролланган икки нафар жангчиси кузатувида колхоз райси Герваси Пацация келди.

Ҳаво салқин эди. Меҳмонлар ва мезбонлар гулхан яқинига ўтиришди. Атрофга хушбўй хид таратиб, ўртада қарағай ўтин чирсилларди. Қозонда эчки гўшти пишмоқда эди. Беминнат хизматлари эвазига ташланадиган лаззатли суякларни кутиб, овчаркалар гулхан атрофида вовиллаб чошиб юришарди.

— Яна нима гаплар? — деб сўради Глахуна раисдан, тўрт буклоғлик газетани унга қайта узатаркан.

— Сени яна нима қизиқтиради? — Герваси бошини кўтариб, тиззасида ётган тўппонча филофини силади.

— Қишлоқда қолган мол-дунёميزни сўраётганимиз йўқ, — гапга аралашди Иона, — сен уларни кўпайтириб қўймагандирсан ҳар ҳолда... Фронтда ишлар қалай?

— Фронтдами?.. Германиянинг иши пачава! — Герваси яна тўппончасини силай бошлади.

— Нарироқ олсанг-чи анови даҳмазангни, тағин бир балони бошлама! — деб тўнғиллади Сипито четроққа сурилиб. — Хўш, нима бўпти Германияга?

— Германиягами? Смоленск яқинида шарманда бўлди.

Москва остонасида дабдаласи чикди. — Герваси бармоқларини букиб санай бошлади, — хўш, яна қаерда бурни қонади? — деб сўради у ўзидан ва эслаёлмагач, қўлини силтади. — Хуллас, иштониға ўтириб қўйди Германия, мана бу ерда ҳаммаси ёзилган! Руминия, Чехославакия ва Италияни қўлида зўрға ушлаб турибди...

— Уруш қачон тугайди? Сталин нима деяпти?

— Яқинда тугайди, деяпти, лекин вақтини аниқ айтётгани йўқ — деди Герваси қўлларини икки томонга ёзиб.

— Айта қолмайдами, ундан нима кетди? — ажабланди Иона.

— Қизиксизлар-а! Германия билан урушиш — чўчка бичиш эмас! — Сталиннинг ёнини олди Герваси.

— Чўчқани бичиш ҳам ҳазилакам иш эмас, азизим Герваси! — деди Глахуна ўз касбининг обрўсини кўтаришга уриниб.

Сипито қозонни оловдан олди, улоқни оёғидан ушлаб, қайнаб турган сувдан кўтарди. Ҳавони пишган гўшт, пиёз ва дафна баргининг иштаҳани қитиқловчи хушбўй ҳиди тутиб кетди.

— Қани, йигитлар, опкелинглар! — деб буюрди Герваси.

Батальон жангчилари гулхан ёнига мешни судраб келишди. Глахуна ўтирганларга биттадан сопол пиёла тутқазди. Ҳамма навбатма-навбат Гервасининг ёнига бориб, ўз улушини олгандан сўнг, яна жой-жойига келиб ўтирди, Бачана ҳам пиёласини кўтариб мешнинг ёнига борди. Герваси савол назари билан Глахунага қаради, у маъқуллагандай бош силкиб қўйди.

Винони биринчи бўлиб Гервасининг ўзи ичди.

— Мана буни узум деса бўлади! Эккан одам барака топсин! — деб хитоб қилди у мамнун бўлиб. Бу хитоб биринчи қадах сўзларидай қабул қилинди.

— Қўли дард кўрмасин! — деб такрорлади бошқалар ҳам ва бир кўтаришда пиёлаларни бўшатишди.

Герваси яна қўйди. Бу гал ҳам, Бачанага қўйишдан олдин, нигоҳи билан Глахунадан рухсат сўради. У ижозат берди.

Герваси яна пиёласини қўлига олди:

— Энди улуғ Сталин бошчилигидаги...

— Герваси! — деб унинг гапини бўлди Иона. — Мен бўп қолдим, лекин оёқда туришга ҳолим бор экан, мана шу бола учун ичамиз! Сталиннинг шаънига айтиладиган

қадахлару мактовлар шундоқ ҳам етиб ортади... Худого шукур, сенсиз ҳам у ўз ишини эпляпти.

— Гапинг нотўғри, Иона Орагвелидзе! — деди Герваси хафа бўлиб. — Агар бизнинг мададимиз бўлмаганда...

— Бизнинг мададимиз, азизим, давлатга соғлом ва бакуват йигитларни вояга етказиб беришдан иборат.

— Тўғри, сен ҳақсан! — раис паст тушди. — Бачана Рамишвили учун ичамиз! Қулоқ сол, Бачана... Мана шу кунни ва мана шу одамни ёдингда тут, — Герваси ёнида ўтирган Глахуна Керкадзенинг елкасига қўлини ташлади. — Сен бу кишининг оёғини ўпишинг керак, ўғлим. Фронтда ҳалок бўлган ўғлининг ўрнига ўғил бўлишинг керак... Глахунамизга ҳеч ким ҳайкал ўрнатмайди, унга орден ҳам беришмайди... Сен ҳам орден, ҳам ҳайкал бўлишинг керак унга! Атрофингга бир назар ташлаб, ўйлаб кўр, шуни билгинки, бу ёруғ дунёдаги нарсаларнинг ҳаммаси сеники, болам! Ҳозир миллионлаб одамлар кўкрагидан ўқ еб, ҳалок бўляпти. Ҳеч ким ҳеч нарсани олиб кетаётгани йўқ. Ҳаммаси сенга, сенинг тенгдошларингга қолади... Хонадонларимизда ҳозир йиғи-сиғи. Етим болалар ва тул қолган аёллар нола қилишяпти. Қаровсиз далалар инграяпти. Эгасиз қолган ер оҳ уряпти. Одамхўрлар тортиб олган ҳамма нарсамизни қайтариб оламиз... Бироқ вайрон бўлган мамлакатни тиклашга биз қарияларнинг кучимиз етармикин? Билмадим... Бу ишни сен ва сенинг ўртоқларинг қилишларинг керак... Сизлар мамлакатни қайта тиклашларингиз лозим!.. Сизлардан катта ўтинчимиз шуки, «собик қишлоқ», «собиқ шаҳар» деган гапларни унутинглар... Сизлардан кейинги авлод уруш нималигини фақат ҳикояларингиздан билишсин!... — Герваси қўлини юқорига кўтариб, ой нурига фарқ бўлиб ётган тоғ чўққиларига нигоҳ ташлади. — Ватанимиз кўркини севиб, ардоқланглар... Буюк, мусаффо, қайноқ муҳаббат билан севинглар! Ватан — бу, муқаддас ибодатхона, унинг меҳроби қаршисида тиз чўкиб топинмоқ керак. Фақат топиниш эмас, ҳар турли иблислар муқаддас даргоҳимизни оёқ ости қилмасликлари учун уни қўлга қурол олиб, ҳимоя қилиш керак. Яна бир гап: Ватанимиз учун жон фидо қилаётганларнинг олдинги сафларида бўлинглар!.. Менинг бошқа хоҳиш-илтимосим йўқ! Ичамиз! — Шундай деб, Герваси пиёла-ни лабига олиб борди.

— Герваси Пацация! — деб хитоб қилди Иона энти-

киб. — Агар hozир айтган гапларингни ёдлаб олган бўлмасанг, астойдил айтган бўлсанг, сени яна қайта раис қилиб сайламасам қўлим узилиб тушсин!

— Мен бу ерга номзодимни кўрсатиш учун келганим йўқ, — деди Герваси, — манови икки жангчи ҳам бекорга келмаган!

— Нима гап ўзи, Герваси? Бизни қамокқа олмоқчимисан дейман? — кулди Сипито.

— Гап шундаки... Анови ярамас ҳаддидан ошяпти!

— Ким экан у, Герваси? — сўради Глахуна.

— Манучар Киквадзе?

— Наҳотки ўша аблахни тутиш шунчалик қийин бўлса? Армиядан қочганига уч йил бўлди-ю, халигача тутолмасанглар-а? — Иона жангчиларга мурожаат қилди.

— Ўрмонда одамни қўлга тушириш осон иш эмас! — ўзини оқлашга уринди улардан бири.

— Бунинг устига, у hozир жуда эҳтиёткор бўлиб қолган, — гапга аралашди иккинчи жангчи, -- деярли ҳар куни турган жойини ўзгартиради. Илгари ҳар қалай ўзига бошпана топиб турарди, унга ёрдам беришарди: биров кўрққанидан, биров эски таниш-билишлик вазидан... Ҳозир ҳамма ундан юз ўгирган. Суребида эса унга кафан бичиб қўйишибди — ўша ерда у иккита балоғатга етмаган қизчани зўрлаган, яна бунинг устига, алақандай бўлмағур касалликни юқтирган... Қизчалардан бирининг онаси ақлдан озиб қолганмиш.

— Отасининг кўзи қаёқда экан?! — деди бўғилиб Сипито.

— Фронтда отаси... — жангчи қўлларини икки томонга ёзди.

— Жавобингиз шуми?!

— Ўтган гал Квемо-Чалада биздан аранг қочиб қутулди, бир ҳафтадан кейин эса бегуноҳдан-бегуноҳ Бандо Цкипуришвилининг тилини қирқиб олибди, чақимчиликда гумонсираб... Амаглебалик бева аёл Карцивадзе уйига киритмаган экан, ўша куниёқ тунда ўт қўйиб кетибди... Ҳа, hozир у қутурган бўридан ҳам баттар хавфли бўлиб қолди...

— Худони ўртага солиб айтаман — у яшамаслиги керак! Агар қўлинглардан келмаса, бизга қурол беринглар, мана биз йўқ қиламиз! — деди бирдан Глахуна Керкадзе ва негадир Бачанага қараб қўйди. Бачана Глахунанинг кўзларида олов чақнаганини кўриб, аъзойи бадани музлаб кетди.

— Яқинда Киквадзе Набеглава фермасидан анча-мунча пишлокни кўтариб кетган. Бу ерга ҳам кеп қолиши мумкин, шунинг учун давлатга топширадиган нарсаларинг бўлса, эртагаёк қишлоққа олиб боринглар, — деди Герваси ўрнидан туриб.

— Ажаб бўпти. Нега бизнинг қуролларимизни олиб қўйишди? — деб тўнғиллади Сипито.

— Ҳозир мунозаранинг вақти эмас! Бизга йигирма бўлакча пишлок билан иккита улоқни беринглар, бундан ортингини опкетолмаймиз! — деди Герваси ва жангчиларга ўтирилди: — Бўла қолинглар, эрталабгача қишлоққа етиб боришимиз керак! — Шундай деб, оти боғланган томонга қараб юра бошлади.

— Ие, ҳаммасини ўзинглар опкетсанглар, Манучар Киквадзегга нима қолади? — пичинг қилди Иона.

— Вой, захар-ей, — раис хафа бўлди, — қачон мен колхоз мулкани еганман? Болалар боғчасига, сени неварангга олиб бораман! Ёки шубҳанг борми?

— Ҳазиллашдим, ҳазил! — деди уялиб Иона. — Аммо-лекин... Сендан олдинги раис ҳам шунақа дерди, кейин қарабсанки, ўша улоқчалар ўзининг ҳовлисида чопқиллаб юрган бўларди. Шунақасиям бўлади!

— Хм, қани энди мен ҳам ановига ўхшаган қароқчи бўлсаму тилингни шартга суғуриб олсам! Сени қара-ю! — Герваси қўл силтаб, отининг айилини торта бошлади.

— Ҳаммаси тайёр! — деди Глахуна унинг олдига келиб. — Бугун отларни ҳайдаб келамиз, эртага қишлоққа қолган нарсаларимизнинг барини жўнатамиз.

— Жуда соз! Лекин эҳтиёт бўлинглар! Ҳозирча хайр! — Герваси отига минди.

— Герваси! — деб чақирди Глахуна.

— Хўш?

— Тўппончангни ташлаб кет.

— Ўзим нима қиламан қуролсиз?

— Сизларга иккита автомат етади. Тўппончангни яқшанба кунни олиб бораман.

Герваси иккиланиб қолди.

— Хўш, ўйлайдиган нимаси бор экан, тезроқ ҳал қил!

Герваси истамайгина елкасидан қайишни ечиб, тўппончани Глахунага узатди.

— Лекин билиб қўй, совға қилаётганим йўқ, қайтариб берасан!

— Олдин овозини эшитасан! — Глахуна Гервасининг

қўлидан тўппончани олиб, Бачанага узатди. — Ма, хуржунга соп қўй.

Бачана бостирманинг устунда осиглиқ турган хуржуннинг бўш кўзига тўппончани ташлади, Герваси билан жангчилар эса, отларини буриб тоғ ёнбағридан пастга тушиб кетишди.

Кўп ўтмай уч отлиқ туман орасида кўздан ғойиб бўлишди. Анчагача от туёқларининг овози эшитилиб турди, кейин ҳаммаёкка жимлик чўкди. Отларини йўрттириб кетган суворилар ортидан Чхакоура ёнбағрида маскан тутган одамларнинг ўй ва ташвишлари чувалиб қолди.

— Энди бориб отларни хайдаб келинглар! — Глахуна шерикларига мурожаат қилди. — Эрталаб кўрувдим, хўв анави ёқда, Зоти томонда ўтлаб юришган эди, — Глахуна қўли билан ишора қилди. — Икки соатда қайтиб келасизлар. Болани ҳам ола кетинглар... Чўпчирик ҳам олволинглар.

Сипито елкасига арғамчи ташлади, белига ойболта кистириб, чўпчирикни ёқди. Глахуна бостирма томонга қараб юрди.

— Намунча тиқилинч? — деб кичқирди унинг орқасидан Сипито. — Эрталаб борсак ҳам бўлади-ку... Қоронғида турганиб юрамизми?

— Айтган ишни қилинглар, митингнинг кераги йўқ! — деб жавоб берди Глахуна.

— Болага раҳм қилсанг бўларди! — Сипито Глахунани кўндиришга уринди.

— Унга жин ҳам урмайди! Ўргансин!

Сипито билан Иона тоғ оралаб кетган сўқмоқдан индамай боришар, Бачана уларга базўр етиб юрарди.

Фермадан мунгли маъраш эшитилди. Бачананинг эчкисини тўлғоқ тутаётган эди...

Тонготарда қайтган чўпонлар хангу манг бўлиб қолишди. Сўнган гулхан ёнида бошидан ўк еган иккала овчарка чўзилиб ётар, оғилдаги соғилмай қолган ва оч жониворлар зорланиб маърашарди. Глахуна кўринмасди. Чўпонлар зир югуриб, уни қидира бошлашди, аммо ферма мудирининг изини ҳам топишолмади. Бирдан Бачананинг кафтларидан худди олдинги пайтдагидай тер чиқиб кетди. Сипито Гудавазде бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо гапиролмади, гўё соқов кишидай, алланималар деб гудранди, кейин бўшашиб ерга ўтириб қолди.

— Манучар Киквадзенинг иши бу! — деб хитоб қилди Иона Орагвелизде, эгарланмаган отга сакраб минаркан.

— Қаёққа? — деди базур Сипито.

— Топиш керак уни! — Шундай деб, Иона отини учуриб кетди.

Бачана чолиб бориб, хуржунни пайпаслаб кўрди. Тўппонча жойида эди. Кейин Сипитонинг ёнига келиб ўтириб, муздек кафтини унинг тиззасига қўйди.

— Сен борма, йигитча! — деди Сипито пешонасидаги терни артиб.

Бачана Сипитонинг тиззаси қалтираётганини сезиб, унинг ўзидан ҳам баттар кўркаётганини англади.

— Сиз... Сиз кўркманг, Сипито амаки! — деди у.

Сипито аянчли жилмайиб, қалтираб турган оёғини узатди.

— Кўркмай бўладими, ўғлим?! — деди у ва бирдан хўнграб йиғлаб юборди.

Пишлоқ тўла кажавани орқалаб олган Глахуна олдинда чайқалиб борарди. Унинг орқасидан келаётган Манучар Киквадзенинг қўлидаги милтиқнинг тепкиси кўтариб қўйилган эди.

— Тезроқ, тезроқ юр, Глахуна! Мен билан ҳазиллашма! — деди Манучар Глахунани туртиб.

Глахуна лабини тишлади.

Ферма мудирига алам қиларди. Қандай қилиб бу ярамас билдирмасдан, писиб келди? Глахуна жонидан ҳам ортиқ кўрадиган итларни отишга қандай муваффақ бўлди? Глахунани ўзи билан кетишга, тагин пишлоқ тўлдирилган кажавани орқалашга қандай мажбур қилди?

Глахунани қон, итларнинг қони ҳаяжонга соларди. Ўз ҳаётида у қонни кўп кўрган эди, аммо бу қон — ўқдан оққан қон бошқача бўларкан!... Уят ва иснод сенга, Глахуна! Тўппончани нима учун олган эдинг? Хуржунга яшириб қўйиш учунми? Шармандалик, шармандалик! Нима учун қуролга ташланмадинг? Ахир бу каллақесар тепамда турган эди-ку! Унга бас келиб бўлармиди?! Уят ва иснод сенга, Глахуна!

Алам ёшлари Глахунанинг томоғига тикилаётган эди. «Ёрилиб кет, юрак!» — деб илтижо қилди у. Аммо юрак ёрилмади. Қайтанга Глахуна қадамини тезлатди. Шармандалик, шармандалик!

Олдинда халқоб кўринди. Тўлин ойнанинг акси халқоб-

да жилва қилар, гўё ой ер остидан, унинг ковагидан мўралаётгандай туюларди. Мана ҳозир Глахуна ана шу ковакка қадам ташлайди-ю, ер остига киради-кетеди. Аммо ҳалқоб тагида ковак йўқ эди, бинобарин, Глахуна шалоп этиб кўлмакка ўтириб қолди.

— Тур ўрнингдан, ялқов! — деб бақирди унга Манучар.

Глахуна ўринидан туриб, Манучарга каради.

— Хўш, Глахуна Керкадзе, чарчадингми? — иржайди Манучар. — Шунақа бўлади! Тиланчи раисинг билан анови мишиқи қаҳрамонларга нима керак экан? Мени тутмоқчи бўлишибдим, а? Мен ўша ерда эдим-ку, ахир! Ҳа, ўша ерда учовини ҳам чуғурчикдай нишонга олиб ўтирган эдим! Нега ўрмонга киришмади? А? Журъат этишолмадим? Шунақа бўлади! Ўз автоматлари билан биқинларидан дарча очиб қўйишимни билишган-да, азаматлар! — Манучар қаҳ-қаҳ уриб қолди.

— Куляпсану Манучар Киквазде, лекин бари бир кунинг битган! — деди Глахуна.

— Бу ҳақда урушдан кейин гаплашамиз! Энди кажавани олиб, олдимга туш! Лойда думалашга улгурасан, большевиклар текин путёвка бериб, сени Цхалтубога¹ жўнатишади! Совет ҳокимияти олдидаги хизматларинг учун!.. Қани, юр!

— Урушдан кейин, агар унгача биров ўлдириб қўйма-са, Чохатауридаги энг баланд чинорга ўз қўлим билан осаман сени, аблаҳ! Ўлигингни нимта-нимта қилиб, туз сепаман! Тфу! — Шундай деб, Глахуна Манучарнинг юзига туфурди.

Киквадзе хангу манг бўлиб қолди. Кейин бирдан қулочкашлаб, Глахунанинг чаккасига туширди.

Глахуна ҳалқобга ағдарилди. Ўрнидан туриб, юзидаги қонни артди.

— Ўлдирадиган бўлсанг — ўлдир, ярамас, лекин сен билан ҳеч қаёққа бормайман! — деди у бўғиқ овоз билан ва яна ўтириб олди.

— Бекорларни айтибсан, Глахуна! Пишлоқни керакли жойга олиб бормагунингча, ўлимни хаёлингга ҳам келтирма!

— Кимга қарши курашяпсан, ит эмган! Қани, тушунтириб бер-чи!

¹ Ц х а л т у б о — Грузиядаги больнеологик курорт.

— Сизларга қарши, ҳурматли Глахуна, большевикларга қарши! Йигирма икки йилдан бери отамни ерини тепкилаяписизлар... Етар! Энди бизнинг галимиз келди!

— Биз деганинг ким?

— Мен ва Германия!

— Германия қани?

— Келади, Глахуна, келади! Ана ўшанда мени осмоқчи бўлган чинорингга биз ҳаммаларингни осамиз! Энг олдинда райкомингларни секретари қизил байроқ кўтариб боради!.. Энди тур!

— Тирик эканман, жойимдан жилмайман, ўлигимни қаёққа олиб борсанг олиб бор! Шу пайтгача сен билан келдим, мана шу шармандагарчилик ҳам етади!

Киквадзе қўлини яна бир инсоннинг қони билан бўяшига ишонч ҳосил қилди.

— Қани бўлмаса, у ёққа қараб, худога арзи додингни айтиб қол... Минг қилганда ҳам олло таоло лойимизни бир жойдан олган...

Глахуна чўккалаб, қўлларини кўкка узатди.

— Эй парвардигори олам! Бугун мен мана бу иблисни ўз қўлим билан ўлдиришга ваъда берувдим... Акси бўлди, энди ўзим унинг дастидан ўлиб кетадиганга ўхшайман! Бунга йўл қўйма, қодир эгам! Мен сенинг бандангман, омонатингни ўзинг ол! Агар бор бўлсанг, агар овозимни эшитаётган бўлсанг, тезроқ жонимни ола қол! Модомики, мен билан манови ҳайвоннинг лойи бир жойдан олинган экан, бу дунёда яшаб нима қиламан!

Чхакоура ўрмонида акс садо бериб, уч марта қаттиқ гумбурлаш эшитилди. Глахуна яқиндагина ер остидан тўлин ой мўралаб турган ўша халқобга юзгубан йиқилди. Она-Ер кўксини очиб, уни ўз бағрига олганини, кейин яна бўшлиқ беркилиб, замин ўзининг улкан кафти билан унинг қовоқларини оҳиста силаганини, сўнг осмонга қора чойшаб тортила бошлаганини Глахуна аниқравшан ҳис этди...

Сипито Гудавадзе, Иона Орагвелидзе, Гervasи Пацация ва икки нафар қўнгилли жангчи Глахунанинг жасадини фермага олиб келишганда тонг ёришиб қолган эди. Беш нафар эркак чурқ этмай, бир томчи ҳам кўз ёш тўкмай кун чиқишини кутишди.

Фақат тонг отгандан кейингина Иона Бачана фермада йўқлигини пайқади.

— Шуниси етмай турувди! — деди Сипито хуноб

бўлганидан иккала қўли билан тиззаларига уриб. Сўнг: — Бачана! — деб қичқирди.

— Бачана! — такрорлади Иона.

— Бачана-а-а-а... Бачана-а-а-а! — деган овоз ҳаммаёқни тутиб кетди.

Ақ садо у қоядан-бу қояга урилиб, сўнг дарага шўнғиди, сой ва жарликларни айланиб, охири ўрмонга ўтди ва ниҳоят, болани топа олмай, фермага, оғир мусибат ва умидсизликдан адою тамом бўлган эркакларнинг ёнига қайтди...

Қуёш энди тиф отган паллада елкасига хуржун ташлаб олган бола ўрмондан ёлғизоёқ йўлга чиқди. Булоқ бўйига ўтириб, йиртиқ чувагини ечди, уни бир зум қўлида айлантириб турди-да, сўнг бир четга улоқтириб, шишиб кетган оёқларини муздек булоқ сувига солди. Кейин ювинди, бошига хуржунни қўйиб, кўм-кўк ўтлоқ устига чўзилгач, чуқур-чуқур нафас олди. Жуда баландда, мовий осмонда қанотларини ёзиб, қирғий учиб юрарди.

— Эҳ, қани эди мениям қанотларим бўлса! — деб кўнглидан кечирди бола. — Осмондан ҳамма нарса кафтдек кўриниб туради...

Бола кўзларини юмиб, анча пайтгача кимирамасдан, ҳеч нарсани ўйламасдан ётди.

Бир маҳал тепадан сўқмоққа қасур-қусур қилиб учтўрт тош думалаб тушди. Бола тез ўрнидан туриб, атрофга аланглади. Кўтарма четида соч-соқоли ўсган, жағи олдинга туртиб чиққан озғин бир одам қўлида милтиқ ушлаб турарди. Боланинг дами ичига тушиб кетди.

— Кимсан? — деб сўради ҳалиги одам.

Бола чурқ этмади.

— Нима бало, соқовмисан?

— Чхакоураликман! — деди бола базўр.

— Қаёққа кетяпсан?

— Зотига.

— Кимникага?

— Қариндошларимизникага.

Эркак ўйланиб қолди. Сўнг боланинг кўзларига синчковлик билан тикилиб, сўради:

— Сизларнинг қаршингизда Квенобан фермаси бор. Ўша ёқдан ўтдингми?

— Йўқ, ферма биздан узоқ. Ўрмон орқали келяпман, йўл яқин бўлсин деб... — Бола қуруқшаб кетган лабларини ялади. — Ўзингиз кимсиз, амаки?

— Ҷрмончиман. Фермага кетяпман, ҷупонларда ишим бор эди... Хуржунингда нима бор?

Бола шошиб қолди, чунки хуржунда нима борлигини билмасди. Таваккал қилиб қўлини хуржуннинг бир кўзига тикди ва оғзига қарам ўзаги тикилган шишани олиб, ўт устига қўйди.

— Нима у? — деб сўради эркак.

— Ароқ.

— Ҳали ароқ ҳам ичасанми, тирранча?

— Оз-моз! — жилмайди бола. Кейин хуржундан қирқ-қулоқ баргига ўралган бир бўлак пишлок, маккажўхори унидан ёпилган яримта нон ва ниҳоят, пишган эчки гўшти чиқариб қўйди.

— Ўх-хў, маза қиладиган бупмиз-ку! — деди эркак ва тепадан пастга туша бошлади.

— Қани, келинг марҳамат! — таклиф қилди уни бола ва ўзи хуржун устига ўтирди.

— Демак, фермада бўлмадим дегин? — Эркак бола-нинг ёнига ўтириб, милтигини тиззасига қўйди. Бола «йўк» дегандай бош чайқади ва титроғини сездирмаслик учун қўлларини тагига босди. Эркак тамадди қилишга тушди. Қорнини тўйғазиб олгандан кейин болага мурожаат этди: — Нега қараб турибсан? Ҳаммасини бир ўзим емайман-ку?

Эркак шишани қўлига олиб, обдан чайқади.

— Зўр ароққа ўхшади! — деди у.

— Жудаям зўр! — жавоб берди бола.

Эркак кафти билан шишанинг оғзини артиб ташлаб, даҳанига бир қултум ароқ қуйиши билан уни қаттиқ йўтал тутди.

— Ў, жин урсин! Ароқ эмас, олов-ку бу! — деди у ва чап тирсагини юзига босди.

«Э худо, менга куч-қудрат ато қил, кейин жонимни олсанг ҳам майли!» — деб кўнглидан ўтказди бола ва қўлини хуржунга узатди. Кейин тез ўрнидан турди.

Нафасини ростлаб олган эркак болага каради-ю, донг қотиб қолди. Бола унга тўппонча ўқталиб турарди.

— Тур ўрнингдан, Манучар Киквазде! — деди бола эркакдан кўзини узмай.

Киквазде турмоқчи бўлди-ю, аммо туролмади.

— Тур деяпман сенга, аблах! — такрорлади бола.

— Кимсан ўзинг, бу нима қилганинг, йигитча? — деди Манучар ўзига келиб.

— Глахуна Керкадзе!

Манучар эсанкираб қолди.

— Мен Глахуна Керкадземан, энди мени қўлимда ўласан!

Оғир маузер боланинг қўлида лапанглаб кетаверганидан у куролни икки қўллаб ушлаб олди.

Манучар тиз чўкди ва тер босганидан гўё эндигина сувдан чикқандай шалаббо бўлиб кетган бошини чайқаб, ёлвора бошлади:

— Тентаклик қилма, бола!.. Сени ёшингда одам ўлдириш гуноҳ... — Манучарнинг овози титраб кетди. — Отма!.. Қандай қилиб қотил деган номни кўтариб юрасан, ер юзида қандай қилиб яшайсан?

— Ўзинг-чи? Ўзинг қандай қилиб яшаб юрибсан?

— Наҳотки мен яшаётган бўлсам?

— Сен ўласан, Манучар!

— Лоақал исмингни айт, нима учун менинг қотилим бўлмоқчисан? — илтижо қилди Манучар ва лабини шундай тишладики, тирқираб қон чиқиб кетди.

Манучар ҳамон бир нималар деб шивирлар, аммо бола бунга эшитмасди. Унинг кулоқлари том битиб қолган, юраги қинидан чиқиб кетгудек дукурлар, чакка томирларининг лўқиллагани худди улкан темир болганинг зарбини эслатарди. Бола фақат эшитиш қобилиятини эмас, шу билан бирга кўриш қобилиятини ҳам йўқотгандай эди, чунки унга томон эмаклаб келаётган Манучарнинг башараси гоҳ иккита, гоҳ учта бўлиб кўринди, сўнг бутунлай кўздан ғойиб бўлди. Шундан кейингина бола тепкини босди.

У ўқ овозини ҳам эшитмас, қанча ўқ чиқаётганини ҳам санамасди. Фақат бармоқлари нимкумуш дастасига ёпишиб қолган тўппончанинг ва ўз билакларининг титрашини сезиб турарди, холос. Ниҳоят, тўппончанинг силкениши тўхтагач, бола бирдан ҳолсизланди, бармоқлари бўшашиб, тўппонча Манучар Киквадзенинг илма-тешик бўлиб кетган боши ёнига тўп этиб тушди.

Бола мурдадан юзини четга бурди, ерга ўтириб бошини тиззалари орасига сукди-ю, гўё ўрмонда адашиб қолган бўри боласидай, уввос тортиб йиғлаб юборди.

Ярим кечада Ломкаца Рамишвили эшикнинг қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди. Ўрнидан туриб, жинчирокни ёқди-да, эшик олдига келиб:

— Ким у? — деб сўради.

— Мен, Бачанаман! — деган товуш эшитилди эшик оркасидан.

— Йүк, сен Бачанамассан! — Ломкаца неварасининг овозини танимади. Унинг юраги ўйнаб кетди.

— Менман, бува, очинг эшикни!

Ломкаца тамбани суриб, эшикни очди. Остонада бошини ҳам қилиб Бачана турарди. Унинг усти-боши бир аҳволда, оёқларига қон чапланган эди.

— Кир!

Бачана кимир этмади. Ломкаца унинг елкасидан тортиб, ичкарига олиб кирди. Жинчиروқни стол устига қўйиб, ўзи стулга ўтирди.

— Нима бўлди? — деб сўради чол титроқ овоз билан.

— Одам ўлдирдим! — деди Бачана. Шундай деди-ю, жағи титраб кетди. Ломкацанинг ранги кув ўчиб, юрагини чангаллаб қолди. Орага узоқ жимлик чўкди. Ниҳоят, Ломкаца ўзига келиб, аранг тилга кирди:

— Беш йил инжилни шунинг учун ўргатувдимми?

Бачана индамади. Терлаган кафтларини иштонига артиб, бошини қуйи эгганча тураверди.

— Кимни ўлдирдинг? — ниҳоят жимликни бузди Ломкаца ва жавоб кутиб бутун вужуди қулоққа айланди.

— Глахуна Керкадзенинг қотилини ўлдирдим, бува!

Хайратдан Ломкацанинг кўзлари бақрайиб қолди. Ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тиззалари қалтираб, туролмади.

— Сен... Манучар Киквадзени ўлдирдингми? — қайта сўради у пичирлаб.

— Ҳа, ўшани!

Ломкаца инқиллаб базўр ўрнидан турди, бориб эшикни зич қилиб ёпгач, неварасининг олдига қайтиб келиб, унинг бошини кўксига босди.

— Биров биладими буни? — деб шивирлади у.

Бачана бош чайқади.

— Мен учун иккита илоҳий одам бор эди, — деди у паст товуш билан, — сен ва Глахуна. Битгаси Манучарнинг дастидан ҳалок бўлди... — Бачана иссиқ кафти билан бувасининг қадоқ босган қўлини ушлади. Чолнинг қўли яхдек совуқ эди. — Яхшилаб ўйлаб кўр, болагинам... Тагин биров тўккан қонни бўйнингга олиб юрма... Оғир иш бу... — деди Ломкаца чуқур ўйга толиб ва бирдан қартайган томирларига неварасининг чўғдек қизиб турган қўлидан қайноқ қон қуйилаётганини сизди, бу

қон аввал кўрагини ёндирди, сўнг чаккаларига урилди. Ломқаца неварасининг кўзларига узоқ тикилиб, энди унинг ўн беш ёшли, касалманд Бачана эмаслигини англади. Боланинг ўтли нигоҳига бардош беролмай, кўзларини олиб қочди. Тамом ўзгариб кетган бу одамнинг кўз қорачиқларига яширинган пинҳоний саволни Ломқаца дилдидан хис этди ва неварасининг бутун келажаги ўзининг бу саволга берадиган жавобига боғлиқ эканлигини тушунди. — Тўғри қипсан, ўғлим! Мен ҳам шундай қилган бўлардим! — деди у ва неварасини маҳкам бағрига босди. Бачана бирдан бўшашиб жиққа терга ботди, буvasининг қучоғидан сирғалиб чиқиб, полга ўтириб қолди. — Э, танграм! Нахотки шу норасида гўдакнинг қўли билан ўч олсанг! — Ломқаца инграб, неварасининг ёнига чўқди...

Юз берган ҳодисадан эс-ҳушини йўқотган Сипито Гудавадзе тонг маҳали Ломқацанинг уйига ҳовлиқиб кириб келганида бува билан невара ҳамон полда ўтиришар, Бачана ҳўнграб йиғлар, Ломқаца эса унсиз ёш тўкарди...

5

Профессор Антелава палатага даволовчи дўхтир билан ҳамшира ҳамроҳлигида кириб келди. Бачана юрагининг уришига кулоқ тутиб, кўзларини юмганча ётарди. У мамнун эди: юраги қаттиқ тепиб, энди бутун организмга шиддат билан қон ҳайдамоқда эди. Бачана толиққан юраги кун сайин қувватга тўлиб, фикри тиниқлашиб бораётганини сезиб турарди. У профессор кирганини фаҳмлади-ю, аммо ҳаётга қайтгани туфайли вужудини қоплаган севинч туйғусидан ўзини ухлаганликка солиб ётаверди.

— Салом! — деди профессор.

— Мухтарам профессорга саломлар! — Булика хиёл бошини кўтарди.

— Сихатлик тилайман! — жавоб берди ҳазрат Иорам.

— Хўш, ишларимиз қалай? — профессор умумий савол берди Буликанинг касаллик варақасини диққат билан кўздан кечираркан. — Тез кунда сизни реабилитация бўлимига ўтказамиз! — деди у қониқиш ҳосил қилгач.

— Менга амнистия маъқулроқ! Ўзимни яхши хис қиляпман, уч кундан бери мана шу оёқларим билан ҳожатга бориб келяпман, агар сиз рухсат берсангиз, шу бугуноқ уйга кетишим мумкин! — деди Булика ва ўзи-

нинг соғайиб кетганини намоиш қилиш учун адёл тагидан яланғоч оёқларини чиқазиб кўрсатди.

— Сизни огоҳлантирган эдим-ку! — профессор дўхтирга мурожаат қилди.

— Мен нима қилай, каравотга боғлаб қўёлмайман-ку!

— Боғлаб қўйиш керак! Туриш мумкинмас сизга, тушуняпсизми? Ёки тувак ёкмаяптими? — ҳазиллашди профессор ва Буликани елкасидан босиб, ўрнига ётқизиб қўйди.

— Унақамас, профессор! Муҳтарам жамоани безовта қилгим келмаяпти! — тиржайди Булика.

— Ҳечқиси йўқ! — деди профессор.

— Ундан ташқари, виждоним қийналяпти: мен туфайли Вакенинг ярим аҳолиси яланг оёқ юрган бўлса керак-ов!

— Нима, Вакенинг бутун аҳолиси яланг оёқ юришини хоҳлаяпсизми?

— Ҳм... Кечирасиз, ҳурматли профессор, бошқа такрорланмайди! — Булика гапнинг мазмунига тушунди ва ҳақиқатан ҳам Вакенинг жамики аҳолиси фақат унинг соғайишини кутаётгандай, ўрнига жуда эҳтиётлик билан чўзилди.

— Бугун католикос қўнғироқ қилиб, соғлигингизни сўради. Унга нима деб қўяй, ҳазрат Иорам? — профессор Ортачала черковининг нозирига мурожаат қилди.

Католикоснинг эътиборидан таъсирланган руҳонийнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— У кишининг дуойи фотиҳалари шарофатидан қодир эгам омонатини қайтариб олмаяпти, падари бузрукворга шундай деб айтинг.

— Демак, бизнинг алоқамиз йўқ экан-да? — ёлғондан хафа бўлди профессор.

— Сиз дўхтирларга дўзахнинг эшиги ишониб топширилган, католикос эса беҳишт дарвозасини кўриқлайди, — ўзини оқлашга уринди ҳазрат Иорам ва шошиб чўқиниб қўйди.

— Йўқ, отахон, у дунёга олиб борадигн йўл фақат битта дарвозага тақалади — ана шу дарвозада биз дўхтирлар тураемиз. Жаннат билан дўзах эса у дунёнинг икки бўлаги холос, кимни қаёққа раво кўради — бу худонинг иши. Бизга у дунёнинг дарвозасини одамларга бевақт очмаслик буюрилган. Шунақа!

Ҳазрат Иорам ўнғайсиз ҳолга тушиб, бир йўталиб қўйди ва бошқа оғиз очмади.

— Ҳалиям ухляпtimi? — деб сўради профессор Бачананинг томир уришини ўлчаётди.

— Кечасию кундузи ухляпти! — жавоб берди дўхтир.

— Жуда соз! — профессор Бачананинг бош томонида осиклик турган касаллик варақасини олди. — РОЭ камайган, холестерин ҳам оз, бу яхши! — деди у мамнун бўлиб. — О, экстрасистол давом этяптими? Қанақа чора кўряпсиз?

— Эральдин. Таъсири зўрок...

— Оғриқ борми?

— Оз-моз.

— Қай пайтларда?

— Тахминан ҳар ярим соатда, уйғоқ пайтида.

— Пантопонни давом эттиринг.

Профессор аёлни қайириб қўйиб, Бачананинг кўкрагини узоқ кўздан кечирди, кейин енгил тин олди.

— Аневримга чап бериб қолганимиз яхши бўлди-да!

Бачана кўзларини очди.

— Салом, мухтарам профессор!

— Ие, уйғоқмисиз? — деди ажабланиб профессор.

— Мен, умуман, ухламайман.

— Нега энди?

— Шундоқ. Ухلامасдан туш кўриб ётавераман.

— Қанақа тушлар кўрасиз?

— Гоҳ яхши, гоҳ ёмон.

— Уйку олдидан яхши нарсалар ҳақида ўйлашга ҳаракат қилинг, шунда тушингиз ҳам яхши бўлади.

— Сиз нима дейсиз, профессор, қутулиб кетдимми? — деб сўради Бачана.

— Буни сиздан сўрамоқчи эдим!

Бачана шошиб қолди.

— Назаримда... Менимча... Ўзимни дуруст ҳис қиялман...

— Унақа бўлса, яхши! — Профессор Бачананинг юрагига фонендоскоп қўйди.

— Хўш, қалай? — сўради Бачана овози титраб.

— Яхши эшитяпман. Кеча чатоқ эди.

Профессор кетишга чоғланди.

— Агар тирик қолсам, сизга тилладан иккита бюст ясаттираман! — жилмайди Бачана.

— Нима учун иккита?

— Биттасини ўзингизга тақдим этаман, иккинчисини ёзув столимга қўйиб, унга сажда қилиб юраман.

— Гогилашвили сиздан кўра пишиқроқ экан, у фақат битта бюст ваъда қияпти!

— Рафиқангизга иккита бриллиант исирға ҳам. Бундан ташқари, умр бўйи пойафзалингизни текинга тузатиб бераман! — деди Булика.

— Илоҳим, соғайиб кетинглар! Энди мен борай, хотинимни огоҳлантириб қўйишим керак — қулоғини тештириб турсин... Дарвоқе, сиз нима ваъда қиласиз, ҳазрат Иорам?

— Бўйингиз баравар шам ҳадя этаман, кейин умрбод дуойи жонингизни қилиб юраман.

— Аммо-лекин инфарктдан кейин одамнинг хотираси заифлашиб қолади, тагин... — кулди профессор. — Хўш, яна қанақа шикоятлар бор?

— Ҳа, айтгандай, каламуш масаласида гаплашмоқчи эдик... Лекин келганингиздан суюниб кетиб, тамом хотирамиздан кўтарилибди... — деди Булика ва ҳамширага бир қараб қўйди.

— Қанақа каламуш? — ҳайрон бўлди профессор.

— Узлуксиз ичкиликбозлик оқибатида кўзига ҳар нарсалар кўринадиган бўп қолган, мухтарам профессор, — деди бидирлаб ҳамшира.

— Хўп, мен шунақа эканман, бу киши-чи? Бу киши ҳам йўқ нарсаларни кўрадиган бўп қолганми? — Буликанинг жаҳли чиқиб, қўли билан ҳазрат Иорамни кўрсатди.

— Умуман, улар беозор жониворлар... — деди руҳоний вазиятни юмшатиш учун, — чиқиб, айланиб юришади, қанд ейишади... шу!

— Завхозни чақиринг! — буюрди профессор.

— Каламушларнинг қандини олиб келишга кетган, — жавоб берди дўхтир.

— Бу қанақаси — каламушларни қанди эмиш-а? Нима, республика касалхонасида каламуш шу қадар кўпки, уларга алоҳида таом белгиланганми?! — профессорнинг фиғони чиқиб кетди.

— Захар у, профессор! — тушунтирди дўхтир.

— Маргимуш! — аниқлик киритди ҳамшира.

— Бемаънигарчилик! — деб хитоб қилди профессор ва хайрлашмасдан палатадан чиқиб кетди.

— Балки гапирмаслик керакмиди? — деди Булика ташвишланиб.

— Гапирсанг, гапирмасанг — ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Бир оз турганда, ўз кўзи билан кўрарди, —

жавоб берди хазрат Иорам. — Ана! — Шундай деб, у Буликанинг каравоти остидан чиқиб келган каламушга бир бўлак қанд ташлади.

Бир соатлардан сўнг палатага касалхонанинг бош дўхтири, хўжалик мудир, дезинфектор, иккита санитар, даволовчи дўхтир ва ҳамшира Женя кириб келишди.

— Қани каламуш? — деб сўради дезинфектор вожоҳат билан.

— Мана! — деди Булика бармоғи билан ўнг қовоғини қайириб.

— Ифвогарлик қияпсизларми, а?

— Анови қандни мен ебманми? — Булика полда ётган, ярми ғажилган қандни кўрсатди.

Санитарлар каравот тагига эмаклаб кириб кетишди, кейин палатани айланиб, ҳамма тирқишларга маргимуш тикиб чиқишди.

— Маргимуш сал эскирган, лекин ҳечкиси йўқ. Эртагача кутамиз, агар таъсир қилмаса, мушук топиб келамиз, — тасалли берди дезинфектор беморларга, кейин санитарларга мурожаат қилди: — Менинг кабинетимга ҳам сепинглар, шкафнинг оёқларини ғажиб ташлашибди, лаънатилар!.. Яна нима талабинглар бор? — дезинфектор тагин беморларга юзланди.

— Нима учун Америка Жанубий Кореядан ўз кўшинларини олиб чиқиб кетмаяпти? — деди Булика.

— Ғаламис! Ярамас, ифвогар! — дезинфектор зарда билан эшикни ёпиб чиқиб кетди.

— Ғаламис ва ифвогар — сени отанг, ўзинг эса каламушсан! — деб бақирди Булика унинг орқасидан.

Сал ўтмай палатага Женя шприц кўтариб кириб келди. У Бачананинг каравоти ёнига келиб, адёлни кўтариб ташлади-да, ўзича ғудранди:

— Аслида баъзи бировларнинг тилига пантопон қилиш керак эди, ортиқча валдирамаслиги учун!

— Агар мени назарда тутаётган бўлсангиз, пантопон қилиш учун бошқа ерим ҳам бор! — сўз қотди Булика.

Женя индамади. Бачанага укол қилиб, нина ўрнини ишқалади-да, хонадан чиқиб кетди.

Аммо ҳаял ўтмай қайтиб келди:

— Сизни бир одам сўраяпти, — деди у Бачанага.

— Ким экан?

— Яқин қариндошиман, дейди.

— Агар сиз йўқ демасангиз, майли, кирсин.

Женя чиқиб, ўрта бўйли, юзини сепкил босган, қўллари калтабақай малла бир одамни бошлаб кирди.

— Фақат беш минутга! — огоҳлантирди Женя.

— Бир лаҳзага! — жавоб берди нотаниш киши ва таклифни ҳам кутмасдан Бачананинг каравоти ёнида турган стулга ўтирди.

— Салом, хурматли Бачана! — У Бачананинг тиззаларига енгил шапатилаб қўйди.

— Салом! — деди Бачана таажжубланиб.

— Танимадингиз-а?

Бачана ҳарчанд уринмасин, уни эслаёлмади.

— Энди-чи? — малла одам ён томонга юзини бурди. Бачана ўнғайсизланиб, жилмайди.

— Бир эсланг-а: Сухуми, Чернявка, Венециан кўприги, ўн учинчи мактаб, холаларингиз — Маро, Нина, Тамара, холаваччаларингиз — Нелли, Зулейка, Додо, Кока... — нотаниш киши бармоқларини букиб, санай бошлади.

— Қариндошларимни яхши биламан, сиз ўзингизни таништиринг! — деди Бачана тоқати тоқ бўлиб.

— Нугзарман, Нугзар Дарахвелидзе! Эсингиздами, Нина хола синглимни чўқинтириб, унга Луиза деб ном қўйган эдилар...

— Ўлай агар... — Бачана баттар ҳижолат чекди.

— Ўшандан бери исми Луиза бўпкетган.

— Хурсандман.

— Ҳа, баракалла, ўша Луизанинг акасиман. Нугзар Дарахвелизде! — ниҳоят масалага аниқлик киритди нотаниш киши.

— Хўш, хизмат? — сўради Бачана.

— Соғлигингиз қалай, хурматли Бачана? Халқ каттик ташвиш чекяпти...

— Бир нави...

— Кўринишингиз яхши, илоҳим дард нималигини билманг! Юзларингиз нақш олмадек. Фақат сал озибсиз, холос... Яқинда телевизорда кўрувдик, зўр гапирдингиз... Кулавериб ичагимиз узилди!.. Заб тилингиз борда! Ҳа-ҳа!.. Айниқса, муҳолифлар ҳақидаги гапларингиз қойилмақом чиқди!.. Ҳа, унда сал тўлароқ эдингиз... Лекин ҳозир ҳам, — тфу, тфу, кўз тегмасин, — рангрўйингиз бинойидек, дўстларингиз суюниб, душманларингиз куяверсин! — Малла киши яна Бачананинг тиззаларига шапатилади.

— Ўзингиз қалай, синглингиз Луиза яхши юрибди-ми? — деб сўради Бачана мулойимлик билан.

— Э-э, асло сўраманг! Ёмон, ҳурматли Бачана, жуда ёмон! — Дарахвелидзе пешонасидаги терини артди.

— Нима гап ўзи?

— Биласизми... Бегона одамларнинг олдида қанақа бўларкин...

— Уларга туриш мумкин эмас, менга-ку мутлақо... Шунинг учун, айтадиган гапингиз бўлса, шу ерда гапираверинг...

— Худо ҳаққи! Бемалол! — Булика бошига адёлини тортиб, девор томонга ўгирилиб олди, ҳазрат Иорам ҳам дарров шундай қилди.

Дарахвелидзе бир оз иккиланиб тургач, ниҳоят юрагини ёрди:

— Арзимаган нарса, ҳурматли Бачана, биттагина чиройли имзонгиз керак бўп қолди.

— Менга қаранг, яқиндагина менга пантопондан укол қилишган, гапни чўзманг, ҳозир ухлаб қоламан.

Дарахвелизде бошларини буркаб ётган беморларга бир қараб олиб, яна сўзлай кетди:

— Хўш, ўзингиз биласиз... республикада ҳозир вазият сал... қалтисроқ... Ҳалигидай... операни ёндиришди, универмагга ўт қўйишди... Биров ўзини отган, биров томирини кесган. Хуллас, аҳвол мана шунақа, асабий... Кадрлар танлаш масаласи ҳам ҳалигидақа... Бозорда гўштнинг баҳоси қанчалигини-ку айтмай қўя қолай...

— Пишлоқни-чи? — жилмайди Бачана.

— Ҳазиллашяпсиз-а, ҳурматли Бачана, тушунаман, касбингиз шунақа... Лекин гўшт билан пишлоқни, ўзингиз биласиз, сигир беради бизга...

— Сиз янги зотдор сигир етиштирдингизми? — сўради Бачана жиддий.

Дарахвелидзе Бачана мени калака қиляпти, деган ўй билан унга тикилиб қаради, аммо Бачана киприк ҳам қокмади. Шундан кейингина у хотиржам бўлди.

— Йўқ, мен бошқа масалада келдим, — деди Дарахвелидзе.

— Балки, ўтга чидамли опера биносининг лойиҳасини яратгандирсиз?

Дарахвелидзе терлаб кетди. У қимир этмай ётган Булика билан ҳазрат Иорам томонга шубҳаланиб қараб қўйиб, андек каловланиб тургач, чўнтагидан иккита конверт чиқади.

— Ўтинаман сиздан, ҳурматли Бачана, бошлиқларга илтимоснома ёки райкомимиз секретарига икки энлик хат ёзиб берсангиз...

— Менинг нима алоқам бор? — деди ҳайрон бўлиб Бачана.

— Нега алоқангиз бўлмас экан! Сиз инсонпарвар ёзувчисиз, депутатсиз, Марказий Комитет аъзосисиз! Дардимни сизга айтмай, кимга айтаман? — ўз навбатида Дарахвелидзе ҳам астойдил таажжубланди.

— Қаерда ишлайсиз?

— Абхазияда, тамаки тайёрлаш соҳасида.

— Бошлиқларга нима деб ёзишим керак?

— Секретаримиз билан қалин дўстсиз, мактабда бирга ўқигансизлар, буни ҳамма билади.

— Менинг олдимга сизни ким юборди?

— Секретаримизга фақат яхшиликни раво кўрадиган одам юборди... Битта конверт сизга, иккинчисини хоҳлаган одамнингизга беришингиз мумкин... — Дарахвелидзе чаққонлик билан иккала конвертни ёстикнинг тагига тикиб қўйди.

— Нима гап, ишдан бўшатишдимиз?

— Мени ишдан бўшатиш осон бўптими, ҳурматли Бачана?.. Лекин «ха» деган туяга мадад, деган гап бор. Ҳатто менга чоҳ қазийётган одамга ҳам ҳозир шу нарса керак!..

Пантопон таъсир қила бошлади, Бачананинг қовоқлари оғирлашиб, гаплашишга, айниқса осмондан тушгандай пайдо бўлган қариндошидан гап суриштиришга мутлақо хоҳиши қолмади.

— Тушунтириброк гапиринг, нима гап ўзи? — деди Бачана кўзларини аранг очиб. Дарахвелидзе вақт ганиматлигини дарров фаҳмлади.

— Гап шундаки, у менга ревизия жўнатди!

Эшикдан Женя бошини сукди.

— Йигирма минут бўлди!

— Майли, ҳечқиси йўқ, азизим Женя, яна бирпас ўтирсин, қизиқ нарсаларни гапираётувди! — деб илтимос қилди Бачана.

— Ҳа... — давом этди Дарахвелидзе. — Ревизия жўнатди!.. Йигирма йилдан бери шу соҳада ишлайман, лекин ҳали бирортаси ревизия жўнатишга журъат этмаган эди! Аввалига ҳазиллашяпти, деб ўйлабман.

— Жўнатса нима қипти? — савол берди Бачана.

— Ана холос! Абхазия билан Грузияда қанча папиро-

су қанча сигарета чекилганини донама-дона санаб чиқишди ярамастар... Кейин бу йил уч юз тонна тамакига юз тонна хашак қўшгансизлар, деб туриб олишди! Тағин бу гапларни кимлар гапиряпти, денг? Умрида кабинетидан остона хатлаб кўчага чиқмаган одамлар гапиряпти! Лоақал тамаки қаерда ўсишини билишармикин улар? Тамаки далада ўсади, шундай бўлгандан кейин, унча-мунча ўт аралашса нима қипти? Ундан ташқари, ўт заҳар эмаску! Ўтдан ўлган одамни кўрганмисиз? Уни нимаси зарар? Сигирни нима билан боқиш керак бўлмаса, тамаки биланми? Бутун зараркунандалик шундаки, сизга ўхшаган одамларни никотин билан заҳарлаб, тинкасини қуриштиряпти... Бу ҳам майли-я! Яна нима дейишди денг? Гўё биз ўтни тамаки баҳосида ўтқазиб, миллионлаб пул ишлаётган эмишимиз!.. Тавба! Бир тонна ўт нари борса ўн сўм туради, ундан ортиқ эмас, қанақа қилиб миллионлаб пул ишлар эканмиз? Ҳатто шу даражага бориб етишдики, сизлар тамакини ҳўллаб сотгансизлар, ҳўл тамакининг вазни икки барабар ортиқ бўлади, дейишди!.. Топган гапларини қаранг!..

— Ҳаммаси неча миллион?

— Реализациями ёки қўшиб ёзилганими?

— Жами?

— Кўп.

— Қанча?

— Бари бир ишонмайсиз... — деди Дарахвелидзе аниқ жавобдан қочиб.

— Ревизия яна нималар деди?

— Э-э, у ёғини сўраманг! Уйимгаям боришди... Қарамайсизми? Нега икки қаватли иморат қургансиз, дейишади-я! Ҳар битта хонага эринмасдан бошларини сукиб чиқишди! Нима қипти, икки қават бўлса? Ҳар бир қаватнинг нормадаги баландлиги икки ярим метр бўлиши керак, меники атиги икки метру қирк саккиз сантиметр, холос...

— Икки сантиметрнинг нима аҳамияти бор? — деди қулиб Бачана.

— Қизиқсиз-а, ҳурматли Бачана! Жудаям бор-да! Масалан, ўқнинг катталиги икки сантиметр келади, лекин тўнғизни ағдаради! Ўтган йили бир одамни қулатган ўқнинг катталиги ҳам, исмини айтмайман, икки сантиметрдан ортиқ эмас эди... Буни оғайнингизга гапириб ўтирманг, шунчаки омади гапни айтяпман-да... Кейин устки қаватдаги саккизта хонани санаб чиқишди. Тфу,

залниям хона қаторига қўшадиган грузин грузинми! Тупурдим-е! Яхшиямки, айвон билан бильярдхонани бу хисобга тиркашмади! Шунгайм раҳмат!.. Хурматли Бачана, мен чакалоқдай бегуноҳман! Секретарь оғайнингизга айтинг, мени тинч қўйсин... Сизнинг гапингизни иккита қилмайди!.. Мен бадном бўлсам, сизнинг шаънингизга ҳам доғ тушади...

— Менинг шаънимга нега доғ тушар экан? — сўради Бачана кўзларини катта очиб.

— Тушади-да! Мана, айтайлик, бирортаси сиз ҳақингизда, яъни менинг яқин қариндошим ҳақида бўлмағур гапларни гапирса, менга тегадими-йўқми?! — деб хитоб қилди Дарахвелидзе.

Бачана энг яқин қариндошларини хаёлидан бирмабир ўтказиб, Дарахвелиздега ўхшайдиган киёфани эслаёлмагач, кўнгли хотиржам бўлди.

— Итвачча! — деди бирдан Дарахвелидзе қизишиб. — Сарик чақа учун одамларни обориб тикиб қўяди, менинг ўрнимни бўлса бир миллионга сотмоқчи!

— Қанчага? — қайта сўради Бачана.

— Ярим миллион сўмга! — Дарахвелидзе сал паст тушди.

— Ростданам шунақа кўп топасизми?

— Э-э, қаёқда! Бизни топганимиз нима бўларди...

Бачана ёстиғи остидаги конвертларни ушлаб кўрди. Дарахвелидзе юзини четга бурди.

— Олдин тузалиб чиқай, ана ўшандан кейин гаплашамиз! — деди Бачана.

— У нима деганингиз! — бақириб юборди Дарахвелидзе, лекин дарров ўзини босиб олди. — Яъни, демоқчиманки, сиз ҳали-вери чиқмайсиз, мени масаламни эса индинга бюрода кўришади... Райкомдан тўппа-тўғри турмага опкетишлариям мумкин... Икки оғиз гапингиз кифоя... Икки оғизгина!..

Бачана ёстиқ остидан иккала конвертни олиб, кўкрагига қўйди.

— Қанча бу ерда?

Дарахвелидзе яшнаб кетди.

— Бир яримтадан! Омонат дафтарчага қўйилган! Бегидир!

Бачана ўйланиб қолди. Дарахвелезде бегоқат бўлиб ўтирган жойида бир кимирлаб қўйди.

— Хурматли Нугзар, — деди Бачана узоқ жимликдан сўнг, — мана бу ерда, каравотимнинг тагида тувак

турибди, агар малол келмаса, шуни олиб берсангиз... Захар танг қилиб қолди, узр энди... — Дарахвелидзе бир оз иккиланиб турди. — Қўркманг, тоза...

Дарахвелидзе энгашиб, тувакни олди-да, тавозе билан Бачанага узатди.

— Илтимос, сал нарироқ сурилинг!

Дарахвелидзе стули билан бирга бир қадамча орқага силжиди. Бачана кўз кирини ташлаб, ўзи билан мехмон орасидаги масофани чамалаб кўрди, кейин бор кучини йиғди-да, қулочкашлаб туриб тувак билан Дарахвелидзенинг бошига туширди.

Тувак чил-чил бўлди. Дарахвелидзе стулдан аста сирғалиб тушиб, полга чўзилиб қолди.

— Тувак бўшмиди? — деб сўради Булика.

— Ҳа, бўш эди! — жавоб берди Бачана.

— Э, аттанг! — деди ҳазрат Иорам афсусланиб ва овозининг борича ҳамширани чақира бошлади: — Женя! Же-е-ня!..

6

Бачана қовжираган саҳрода етти кечаю етти кундуз йўл босди. Дастлабки икки кун ичида қадини тик тутиб юрди, кейин эмаклашга тушди, сўнгги икки кунни эса қорнида судралиб ўтказди. Ниҳоят, бутунлай тинкаси қуриб, кимирлашга ҳам мажоли қолмади. Унинг лаблари тарс-тарс ёрилиб кетган эди. Чўғ бўлиб ётган қумга юзини босди-ю, ажал яқинлашаётганини сизди. Аранг чалқанчасига ётиб, нурсиз кўзларини офтобга қадади ва шунда умрида биринчи марта олам чароғига таъна тошларини ёғдира кетди:

— Нега мени ўлимга маҳкум этдинг, эй офтоб?

Бирдан қуёш гардишида инсон қиёфаси пайдо бўлди. Унинг қўланкаси Бачананинг устига тушиб турарди.

— Кимсан ўзи? — деб сўради Бачана.

Озгин, яланг оёқ, кўк кўз бир ўспирин унга тикилиб қараб турарди. Бачана хангу манг бўлиб қолди — боланинг орқасида чарақлаб турган қуёшмиди ёки унинг бошига тилларанг бўёқлар акси тушиб турганмиди — Бачана ҳадеганда англай олмади.

— Мен сенинг хукмдоринг ва қодир эганман! — жавоб берди ўспирин.

— Буни нима билан исбот қиласан?

— Қаршингда намоён бўлганим — исботи эмасми буни?

— Йўқ! Сен саробсан!

Бачана ғалати бу қиёфанинг ғойиб бўлишини узок кутди. Аммо ўспирин ҳамон унинг қаршисида мулојим жилмайиб турарди. Унинг истараси иссиқ, чехраси ниҳоятда ёқимтой эди. Бачана аста унинг олдига судралиб бориб, яланг оёғидаги ҳали битмаган, оқ-қизғиш ярасига кўрка-писа бармоғини теккизди.

— Шубҳа-гумонингни улоқтир, — дея жилмайди ўспирин.

— Шубҳа қиялпман, чунки мен дахрийман. Ҳозир кўриб турган нарсамга ҳам ишонмаяпман. Бу ҳодиса мендан жуда-жуда олисда юз бераётгандай назаримда. Яқинроқ келиб, менга тушунтир: қачонлардир ер юзида бўлганмисан, агар шу рост бўлса, унда нима учун одамларни тарк этдинг? — деб сўради Бачана.

— Одамларнинг ўзлари мендан юз ўгиришди, лекин мен одамзодни тарк этганим йўқ... — деди паст товуш билан ўспирин.

— Қандай исботлайсан!

— Рўпарангда турибман — бунинг исботи шу!

Бачана яна бир марта ўспириннинг яланғоч оёқларини сийпалаб кўрди.

— Нимасан ўзинг, ё алҳазар?

— Мен ишончман, умидман, куч-қудратман, эзгуликман, оташин муҳаббат ва хурриятман!

— Нега унда Иуда сени ўттиз тангага сотди?

— Иуда ўз тангрисини сотгани йўқ, унинг ўзи мунофиқларга ўттиз тангага сотилиб кетди. Унинг баҳоси шу эди, бинобарин, ана шу нархда сотиб олинди. Бугун ёстиғинг остида ётган пуллар сенинг кадр-қимматингдан пастроқ эди, шунинг учун ҳам сен сотилмадинг. Бугун сотилмаганинг учун ҳам эртага қадринг янада баландроқ бўлади.

— Эртага ҳам, индинга ҳам сотилмасам-чи?

— Унда сен юксакликка кўтариласан ва мен нима вайдан чорчўпга михланган бўлсам, ана шу нарса рўёбга чиқади.

— Иуда сени сотишини билармидинг?

— Буни шайтон биларди. Худо бандасини йўлдан урмайди, уни синовдан ўтказди. Иудани шайтон йўлдан оздирди, уни ўттиз тангага сотиб олди. Мен эса Иуданинг қўлига арқон тутқазиб, уни синаб кўрмоқчи бўлдим.

- Иудани дуойи бад қилмадингми?
- Йўқ!
- Нима учун?
- Чунки у ўн бир кишини гуноҳдан фориг қилди.
- Бўлмаса нима учун Иуданинг бўйнидаги тавқи лаънатни олиб ташламайсан?
- Чунки Иудани худо яратмаган, у шайтондан таркаган.
- Демак, шайтон сени енгибди-да?
- Агар Иуда ўзини нобуд қилмаганида, шундай бўларди.
- Голгофага бора туриб, одамлар сени чорчўпга михлаш учун олиб кетишаётганини билганмидинг?
- Йўқ!
- Нимага умид боғлаган эдинг бўлмаса?
- Халққа.
- Сени ўғрига алмаштирган шу халқ эмасмиди, ахир?
- Ҳа, халқ эди.
- Демак, бу ўринда ҳам шайтон сендан ғолиб келибди-да?
- Йўқ, чунки бу йўлдан оздириш эмас, синовдан ўтказиш эди.
- Халқ бу синовдан ўтолмадими?
- Йўқ.
- Нима учун?
- Чунки халқ мендан мўъжиза кутган эди, шунинг учун ҳам ҳеч вақо унмайдиган ўғрига мени алмаштириб юборди... Бу Одам Ато билан Момо Ҳаво фарзандларини иккинчи марта, бемаврид синовдан ўтказишим эди, менинг иккинчи хатойим ҳам шу бўлди.
- Унда биринчи хатойинг нима эди?
- Биринчи хатойим шуки, мен одамзодга жаннатдан жой ато қилдим. Инсон бировнинг иродаси билан эмас, ўз меҳнати, пешона тери ва имон-эътиқоди билан жаннатга тушмоғи лозим!
- Чорчўпга михланишинг муқаррарлигига қачон ишонч ҳосил қилдинг?
- Қаршимда ўз онам билан суюкли шогирдим турганини кўрган пайтимда. Ўшанда онамга қараб: «Хей, аёл, мана бу сенинг ўғлинг!» — дедим, шогирдимга эса: «Хей, инсон, мана бу сенинг онанг!» — деб хитоб қилдим. Шундай қилиб, менинг ўрнимга шогирдим онамнинг этагидан тутди, онам эса унинг учун волидаи мухтарама бўлиб қолди.

— Истагинг нима, айт?

— Тур ўрнингдан!

Бачана турди.

— Чанқоқлик азоб бермаяпти, дегин!

— Чанқоқлик азоб бермаяпти! — такрорлади Бачана ва шу захоти чанқоғи босилди.

— Офтоб баданимни куйдирмаяпти, деб айт!

— Офтоб баданимни куйдирмаяпти! — деди Бачана ва ўша ондаёқ қуёшнинг беаёв тафти босилгандай бўлди.

— Ҳаётга ва олло таолога ишонаман, дегин!

— Ҳаётга ишонаман... — Бачана шундай деди-ю, «олло таоло»га деган сўзни айтмади, зеро бу воқеа ҳамон унга саробга ўхшаб туюларди.

Шунда ўспирин:

— Кўнглингдаги энг эзгу тилагинг нима? — деб сўради.

«Нечун инсон бўлиб туғилдим, ё раб?

Нечун ёмғир бўла қолмадим?» —

Бачана Важа Пшавеланинг сатрларини ўқиди ва бирдан...

Бачана ёмғирга айланди-ю, жизгинак бўлиб ётган саҳрода кўм-кўк барра ўт униб чиқди...

Бачана ёмғирга айланди-ю, жизгинак бўлиб ётган саҳрода ранг-баранг, анвойи гуллар бош кўтарди...

Бачана ёмғирга айланди-ю, жизгинак бўлиб ётган саҳрода тип-тиник, муздек булоқ кўзи очилди...

Бачана ёмғирга айланди-ю, жизгинак бўлиб ётган саҳро жонланиб, бир зумда ям-яшил воҳа жамолини кўз-кўз қила бошлади...

Бачана ёмғирга айланди-ю, бирдан ўзи ана шу воҳа ўртасида учи осмонга тегай-тегай деб турган, илдилари бутун ер юзига тарқалган, сершоҳ, улкан бир эман дарахти бўлиб қад кўтарди... Етти иқлимдан турли-туман хушовоз паррандалар учиб келиб, ана шу эман шоҳларига қўнишди, шу ерда маскан тутиб, шу ерда кўпайишди. Энди бутун оламга улуғвор ҳаёт қўшиғи тарала бошлади...

Ҳангу манг бўлиб қолган Бачана тиз чўкиб, ўспиринга бош эгиб таъзим қилди ва:

— Сени кўриб, борлигинга имон келтирдим, — деди.

Шунда Исо лайҳиссалом шундай жавоб берди:

— Сен мени кўрганингдан кейин борлигимга ишонч ҳосил қилдинг. Илло, мени кўрмасдан туриб имон келтирганлар хушбахтдир...

Бачана кўзларини очди. Булика ёстиғига суянганча каравоти устида чордана қуриб ўтирар, бир маромда, қироат билан газета ўқиётган ҳазрат Иорамнинг овозига жим қулоқ соларди.

— Салом, азизлар! — деди Бачана ҳамхоналарига.

— Э-э-э, қадимларига ҳасанот! — деб хитоб қилди Булика суюниб.

— Қалайсиз, ҳурматли Бачана? — сўради тавозе билан ҳазрат Иорам газетани бир четга қўяркан.

— Момо Ҳаводан олдин жаннатга тушган Одам Атодайман!

— Бир ўзингиз зерикмаяпсизми?

— Аксинча, бутун бошлик жаннат ёлғиз ўзимникидай.

— Қойилман сизга, ҳурматли Бачана! — деди Булика тантанавор оҳангда. — Бунақа нокаутни умрим бино бўлиб кўрмаганман: уч юзгача санасам ҳам кўзини очмайди-я!

— Ким? — деб сўради Бачана.

— Кўйинг-е! Бир бандани бекафан, бежаноза дорулбақога жўнатворишингизга сал қолди-ю, тагин ким деб сўрайсиз-а! — деди ҳазрат Иорам энтикиб.

— Сиз шу ерда эдингиз-ку, отахон! — ҳазиллашди Бачана, лекин ўнғайсиз ҳолга тушиб қолди. У бўлиб ўтган воқеани деярли унутиб юборган эди — пантопоннинг таъсиридан бўлса керак, — шунинг учун ҳам ҳазрат Иорамнинг бу луқмасидан кўнгли сал хижил бўлди. — Ростини айтсам, нима бўлганини яхши эслолмаяпман, — деди у пешонасидаги терини артиб.

— Парво қилманг, ҳурматли Бачана, биз ҳам беҳабармиз: мен ухлаётувдим, ҳазрат Иорам ибодат қилаётган эдилар. Шунақами, отахон? — Булика ҳазрат Иорамга мурожаат қилди.

— Шундоқ, шундоқ! — тасдиқлади қария.

— Биз гувоҳликка ўтолмаймиз, — деб қўшиб қўйди Булика.

— Ҳар ҳолда, нима бўлди ўзи? — астойдил кизиқсинди Бачана.

— Мундоғ бўлди: тувакни бошига уриб синдирганингиздан кейин у чўзилиб қолди, Женя чопиб келди. Камфарадан укол қилиб бошига йод суртди. Кейин у ўзига келиб, ўрнидан сакраб турди-ю, бирдан сўқинишга тушди.

- Нима деди?
- Нима дерди, пулни кам деб ўйлаганмишсиз, шунақа экан, дарров қайтариб бера қолмайдими, дейди.
- Яна нима деди?
- Яна қандайдир Бацалашвили деган одамни тилга олди. Сиз уни арзимаган пулга ресторанга директор қип қўйган экансиз...
- Нима? — сўради гарангсиб Бачана.
- Ҳа-да! Сиз уни ресторан директорлигига жойлаб қўйибсиз, эвазига у сизга ярим миллион сўм берибди...
- Бачана хахолаб кулиб юборди.
- Ўлай агар, ўзи шунақа деб бақирди.
- Йўқ, мен бошқа нарсага куляпман... Ростдан ҳам бир ходимимизнинг қариндошига — ўша Бацалашвилига шу масалада ёрдам берувдим.
- Ҳа-а-а...
- Демак, ҳурматли Бачана, икки ўртада кимдир пора олибди-да? — деб савол ташлади ҳазрат Иорам.
- Шунақа бўлиб чиқади!
- Мениям шунақа бир аблаҳ танишим бор! — дея эслаб кетди Булика. — Савдо техникумига жиянимни киритиб қўювди, етим бола ўзи. Шунга уч минг сўм сўради: бир ярим минги директорга, минг сўми фалончига, уч юзи — яна аллакимга, икки юз сўм ўзимга, хизмат ҳақи, дейди. Иложим қанча? Жиянимни аҳволи ўзимга маълум-ку — калласида ҳеч бало йўқ. Яқинда 55 дан 5 ни олиб ташласа, қанча қолади, деб сўрасам: «5» қолади! — дейди ошқовок.
- Тўғри-да! — деди кулиб Бачана.
- Э, тўғри бўлмай ўлсин, уч мингга тушиб турибди ўша «тўғри»си! Пулни олди-ю йўқ бўлди-кетди, ярамас!
- Алдаб кетдими? — сўради ҳазрат Иорам.
- Йўқ... Жойлашга жойлаб қўйди-ю, лекин пулларим... кулоғини ушлаб кетди!
- Хўш, уни айби нимада?
- Нимада бўларди! Декабрда ўша техникумнинг директори чақиртириб қолди. Томдан тараша тушгандек: «Гражданин Гогилашвили, сиз гражданин Гваладзегга уч минг сўм берганмисиз?» — дейди. «Ҳа, берганман», — дедим. Директор бирдан тутақиб: «Вой нокасей!» — деб бақирса бўладими столни муштлаб.
- Сени айтдими нокас деб? — сўради ҳазрат Иорам хафа бўлиб.
- Нега мени бўларкан! Анови аблаҳ Гваладзенида!

— Э, ха-а, бунга лой чапламоқчи бўлган экан-да! — деди ҳазрат Иорам тутақиб.

— Йў-ўқ, наҳотки тушунмаётган бўлсангиз, отахон? Гваладзе пулни унга бермаган! Шунинг учун у мени ёкамдан опқолди: сен мени ким деб ўйлаяпсан, дейди. Савдо техникуми сенга анови... оти нимаиди... ҳалиги... Вакедаги новвойхона ёнидаги-чи... студентлари кечасию кундузи найчага тикилиб ўтирадиган...

— Топография техникуми! — деди Бачана.

— Ҳа, савдо техникуми сенга топография техникуми эмас! — дейди. — Ҳозир — декабрь. Агар январь ичида уч минг сўми келтириб бермасанг, хумкалла жиянингни кавушини тўғрилаб қўяман! — дейди.

— Ким айтади? — сўради таажжубланиб ҳазрат Иорам.

— Ким бўларди? Директор-да!

— Хўш, кейин-чи?

— Нима — кейин?! Келиб, хотиним Светага маслаҳат солсам, у: яхшиси, устига яна шунча қўшинг, бира-тўла савдо министри бўп кетса ажабмас жиянингиз! — деб ярамга баттар туз сепса бўладими!

— Демак, директор ҳам юлғич экан-да? — Бачана ётган жойида бетоқат бўлиб, бир тўлғаниб қўйди.

— Шунақа экан, азизим!.. Балки тувак керакдир? Янгисини беришгунча, меникидан бемалол фойдаланаверинг... — деди Булика.

— Йўқ, раҳмат... Ҳозир ўйлаб қолдим, балки мен ҳам пулни олаверсам бўлармиди?

— Ким билади... Умуман, пул ўзи ифлос нарса... — деди Булика ўйчанлик билан.

— Ўттиз танга бутун инсониятни хароб қилган! — сўз қотди ҳазрат Иорам куюниб. — Ўттиз танга-я!

— Мен, ҳурматли Бачана, одамларни ҳалиги... нима дейишарди уларни? Физ... Физо... — Булика тутилиб қолди.

— Физиономистлар.

— Ҳа, ха! Мен одамларни бир-биридан худди ўшаларга ўхшаб ажратаман. Фақат улар юзига қараб, мен эса пойафзалига қараб ажратаман. Оёқ кийимига қарайману ўша одамнинг қанақалигини шартта айтаман-бераман... Анови сизни олдингизга келган одамниям туфлисини кўрибоқ ғирт разил ва аблах одамлигини билувдим...

— Қанақа қилиб билдингиз? — сўради Бачана.

— Биринчидан, туфлиси локланган экан...

— Аксинча, мен уни профессормикин деб ўйловдим, — Буликанинг гапини бўлди ҳазрат Иорам.

— Кирганидан кейин туфлисини шимига артди... — Булика ҳазрат Иорамга бир қараб қўйди. — Профессор ҳеч қачон бунақа қилмайди... Иккинчидан, туфлини таг-чарми уч томондан ейилган, пошнаси эса бус-бутун. Демак, бу туфлини бошлиқларни олдига борганда кияди. Табиийки, бошлиқни олдига оёқ учида юриб киради, шунинг учун ҳам туфлини фақат уч томони ейилган. Хўш, бу одам аблахми ёки йўқми? Аблах, албатта... Учтинчидан, кириб ўтириши билан товонини туфлидан чиқазволди. Хўш, нима учун бундай қилди? Шунинг учунки, туфли тор — оёғини сиққан. Тор туфлини нима учун кияди одам? Башарасини буриштириб юриш учун кияди. Мана, кўриб қўйинглар, қандоғ шўр пешонаман, қандоғ бахти қароман, демоқчи бўлади бу билан! Шундай одамни аблах демай, яна нима дейиш мумкин?! Тўртинчидан, туфлисининг пошналари одатдагидан уч-тўрт сантиметр баландроқ. Нега шундай? Чунки у одам баданида боридан кўра ўзини каттароқ кўрсатмоқчи бўлади! Аблахми? Шубҳасиз, аблах! Яна нима десамикин? Энг муҳими шундаки, — буни энди пойафзалга алоқаси йўқ, — энг муҳими шундаки, бир одам таҳорат ушатиладиган тувак билан бошига солса-ю, у озор берган кишисини кекирдагини узиб олмаса — демак, у инсон эмас, бориб турган тубан ва палид кимса! — Булика Дарахвелдзенинг таърифини шу билан тугатди.

— Хўш, сенингча яхши одамнинг пойафзали қанақа бўлади? — деб сўради ҳазрат Иорам Буликанинг даъво-ларига ишонқирамай.

— Яхши одамнинг пойафзали бир меъёрда эскиради — ўнги ҳам, сўли ҳам, пошнаси ҳам, учи ҳам... Ин-найкейин, бундай одам пойафзални бир размер каттаро-ғини кияди. Нега? Чунки қийналмасдан, бемалол юради, оёғи қавармайди... Тушундингизми? Яна бир гап: агар пойафзални орқаси эзилган ёки босилган бўлса — де-мак, у одам ё бировни пойафзалини кийиб олган ёки ўзи ўлгудай палапартиш ва исқирт одам...

— Болалар-чи, болалар? — деб сўради Бачана.

— Болаларнинг йўриғи бошқа. Болалар ҳаракатчан, тиниб-тинчимайдиган халқ. Уларнинг суяғи ҳали қотма-ган. Шунинг учун ҳам ёш болани пойафзалига қараб бир нима деб бўлмайди.

— Ўзинг-чи? Ўзинг қанақа киясан пойафзални? — деди бехосдан ҳазрат Иорам.

Булика шошиб қолди.

— Менми?

— Ҳа, сан?

Булика энгашиб, каравоти остидан обдон кийилган, орқаси босиб ташланган туфлисини олди-ю, унга тааж-жуб билан тикилганча қўлида айлантира бошлади.

— Ҳм, бун қаранглар-а, ўзим ҳам ўлгудай исқирт эканман! — деди у тўнғиллаб ва туфлини яна каравот остига улоқтирди.

Бачана билан ҳазрат Иорам хахолаб кулиб юборишди. Уларга қўшилиб Буликанинг ўзи ҳам кулди.

— Ҳурматли Иорам ота, — Бачана бирдан суҳбат мавзуини бошқа ёққа буриб юборди. — Тушингизда сира Исо алайҳиссаломни кўрганмисиз?

Ҳазрат Иорам Бачанага бақрайиб тикилиб қолди. Сўнг дудуқланиб деди:

— Ҳурматли Бачана... Тавба деб гапиринг — бунақаси бўлмайди. Оллонинг жамолига фақат етишиш мумкин... Аммо парвардигор бундай бахтга ҳали мени ноил этгани йўқ.

— Овозини ҳам эшитмаганмисиз?

— Фақат жамолига етишган бандасигина эштади!..

— Нимага хизмат қиляпсиз бўлмаса?

— Ёлғиз ана шу ният йўлида — унга яқинлашиш, овозини эшитиш, жамолини кўриш ниятида хизмат қиляпман!

— Унақа бўлса касбимизни алмаштиришга тўғри келади.

— Нима учун? — ҳазрат Иорам сергакланди.

— Бир соат бурун мен уни кўрдим.

— Кимни?!

— Исо алайҳиссаломни.

Ҳазрат Иорамнинг овози титраб кетди:

— Тавба денг, бўтам! «Ёлғон сўзлама!» Инжилда шундоқ дейилган!

— Кўрдим, деяпти-ку. Ишонасизми, ишонмайсизми — бу сизнинг ишингиз! — гапга аралашди Булика ва ҳазрат Иорамга кўз қисиб қўйди — бу билан у: қўяверинг, у ёғини эштайлик-чи, демоқчи эди.

Бачана жим бўлиб қолди.

— Хўш, кейин-чи? — деб сўради Булика, сабри чидамай.

— У мени тирилтирди, кейин ёмғирга айлантирди, қақраб ётган сахро чамандай яшнаб кетди. Сўнгра мен улкан эманга айланиб, воҳага кўрк таратдим, сайроки кушлар бағримда маскан тутиб, муаззам ҳаёт қўшигини куйлай бошладилар...

— Ё қудратинг ўргилай парвардигор! — деб юборди ҳазрат Иорам ёқасини ушлаб.

— Буларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганимда менинг кўнглимдан ҳам худди шу сўзлар ўтди, — деди жилмайиб Бачана.

— Ие, ҳали шубҳангиз ҳам бормиди? Вой, шаккок бўтам-ей! — ҳазрат Иорам ўрнидан туриб кетаёзди.

— Тушимда-ку оёғига йиқилдим-а... Лекин кейин, кўзимни очганимдан сўнг сизларни кўриб, ростини айтсам, сал иккиланиб қолдим.

— Наҳотки қанчалик савобга ботганингизни сезмаган бўлсангиз! — ҳаяжонланганидан ҳазрат Иорамнинг ранги ҳатто оқариб кетди.

— Биласизми, отахон, сизларнинг динингиз ҳаддан ташқари ҳақиқатдан йироқ, ҳаётдан узилиб қолган, ҳаёлий нарса... Агар кўрган тушимни лоақал озгинаси ўнгимда ҳам юз берганда эди...

— Фирт шаккок экансиз! У сизни қайта тирилтирибди-ку, тагин нима керак сизга?!

— Тирилганимдан нима фойда? Эртага ҳаммаси яна қайтадан такрорланиши учун ҳаётга қайтдимми? Эртага яна ўлиш учун тирилдимми? Ахир, ўлим барҳақ-ку!

— Лекин фурсат-чи, фурсат! — деб қичқирди ҳазрат Иорам.

— Қанақа фурсат?

— Яшаш учун берилган фурсат! Ахир, олло таоло умрингизга умр қўшибди-ку?

— Бугун ўламанми, эртага ўламанми — нима фарқи бор?

— Сизга фарқи бўлмаса ҳам бошқалар учун бунинг фарқи бор!

— Ким учун, масалан?

— Ҳаёти сизнинг умрингизга боғлиқ бўлганлар учун!

— Аҳамияти йўқ... Кўп одамлар болалигидаёқ ўлиб кетган, лекин ер юзида ҳаёт давом этяпти...

— Нималар деяпсиз ўзи! Нега аҳамияти бўлмас экан! — деди ҳазрат Иорам жиғибийрон бўлиб, — Агар Руставели беланчагида ўлиб кетганда-чи?!

— Бошқаси туғиларди.

— Қачон?

— Бирор кун.

— Ҳамма гап шунда-да! Бирор кун! Унга қадар қанча вақт ўтиб кетиши мумкин! Агар Руставелининг даҳоси бўлмаганда шу пайтгача жамият не аҳволга тушиб қолишини тасаввур қила оласизми?!

— Нима кипти, Руставелидан олдин ҳам одамлар яшашган-ку...

— Ҳа, яшашган, лекин худосиз яшашган! — ҳазрат Иорам қакраб кетган томоғини хўллаш учун кўзачадаги сутдан хўплаб олди. — Вақт — худо! Шунини тушунинг! Сиз, коммунистлар, худога ишонмайсизлар, шу боис, вақтнинг қадрига ҳам етмайсизлар! Вақтни беҳуда совурасизлар! Вақтга сажда қилинганлар, уни эъзозланганлар! Модомики, янги эътиқод ва янги дин яратмоқчи экансизлар, буни вақтдан бошланганлар! Акс ҳолда, ҳеч нарсага эришолмайсизлар, зеро, яна қайтараман, худо — вақт демакдир!..

— Олдин, худо — бу сўз! — дегандингиз-ку?

— Сўз, иш ва вақт ажралмас, яхлит учликдир! — деди ҳазрат Иорам маъноли қилиб.

— Агар ундай бўлса, фикрингизга қўшиламан, отахон. Биз вақтни ҳам, ишни ҳам, сўзни ҳам қадрлаймиз. Нафсиламрини айтганда, черков қадрлаганидан кўра асло кам эмас!

— Биласизми, сизларда кейинга қолдирилган ишлар ва ишни орқага сургашга ишқибозлар шунақанги қўпки, бунақаси ҳеч замонда бўлганмас! — деди кулиб ҳазрат Иорам.

— Э-эй йўк, отахон, унақа эмас! — шу захотиёк чолга раддия билдирди Бачана. — Ишни орқага сургашни сизларга чиқазган! Олло таоло одамзодга жаннатни қачон ваъда қилади? Ўлганидан кейин! Гапим тўғрими?

— У дунёдаги жаннатга бандаси бу дунёдаги покиза турмуши ва имон-эътиқоди билан мушарраф бўлмоғи лозим. Ёки тайёрига айёрликми?

— Инсон ўз меҳнати ва пешона тери билан эришган нарсаларни сизлар худонинг марҳамати дейсизлар... Адолатдан эмас бу, отахон! Сизларнинг динингиз одамлардан жуда катта қурбон талаб қилади!

— Гуноҳга ботяпсиз, хуртматли Бачана, гуноҳга ботяпсиз! — деди ҳазрат Иорам хафа бўлиб. — Динимизнинг асосий қонуни олиш эмас — бериш, ҳукмронлик қилиш эмас — хизмат қилиш!

— Чиройли сўзлар булар, отахон, фақат чиройли сўзлар... Эслаб кўринг-а: жаҳолат, мутаассиблик, ақида-парастлик, салб юришлари, ўтда ёқишлар... Буларнинг ҳаммаси худо номидан, худо йўлида қилинган...

— Мен динимиз батамом камолотга етган, деб даъво қилаётганим йўқ... — деди ҳарат Иорам сал шахдидан тушиб.

— Баракалла, отахон! — Бачана хаҳолаб кулиб юборди. — Художўй одамдан бунақа гапни биринчи марта эшитишим. Хўш, буни нима деб аташ керак? Ўнгга оғишми ёки сўлгами?

— Христиан динида оғишлар ҳам, кутблар ҳам йўқ. Фақат арши аёло бор! — ҳазрат Иорам кўзи билан шифтга ишора қилди.

— Қаерда ўша арши аёло? — деб сўради Бачана ҳам беихтиёр шифтга қараб.

— Арши аёло — бу, оллоҳнинг даргоҳи. Ана шу даргоҳга кадам қўйган киши жамики тақиқлардан фориг бўлиб, тамомила хурриятга юз тутади. Аммо-лекин, олло ўз даргоҳига фақат руҳи пок бандаларинигина қабул қилгай. Зеро бундай бандаларнинг қазоси олло таоло жамолига етишмоқ йўлида қўйилган табаррук кадамдир... — Ҳазрат Иорам бошини қуйи эгиб, қўлларини кўксига қўйди.

— Ўзингизни чалажон бир аҳволда бу ерга келтириб ташлашганида кимни ёрдамга чақирганингиз ёдингиздами? Худони эмас, дўхтирларни ёрдамга чақиргансиз! — суҳбатга аралашди Булика.

— Ўлим васвасаси баайни оллога яқинлашиш ваҳимасидур, — жавоб берди ҳазрат Иорам Буликага қармай.

— Муғамбирлик қияпсиз, отахон? Балки инфарктни ҳам ана шу ваҳима орқасида орттиргандирсиз? — Булика Бачанага кўз қисиб қўйди.

Рухоний Буликага еб юборгудай қаради.

— Сенинг дининг қориндан бошланиб ҳожатхонада тугайди, осий банда! Сендай гуноҳкордан ҳатто дўзах ҳам юз ўгиради.

— Агар ўш ёққа сизнинг тавсияномангиз билан борсам, албатта шундай бўлади. Лекин дўзах ҳам, жаннат ҳам ўзингизга буюрсин. Мен коммунизмни кўрмоқчиман... Коммунизм сизнинг жаннатингиз, шундайми, хурматли Бачана? Тўғри, мен партиясиз одамман, лекин хамиша сизларнинг ҳимоянгизга суяниб яшайман...

— Марҳамат, Булика! — Бачана этикдўзни бажонидил коммунизмга таклиф қилди. — Биз сахий одамлармиз, фақат сени эмас, ҳазрат Иорамни ҳам қабул қилаверамиз!

— Раҳмат. Ёлгон жаннатингларга ўзинглар бораверинглар, — дея таклифни рад этди ҳазрат Иорам. — Мен оллонинг иродасини кутаман... Сизларнинг арши аълоингиз ниҳоятда тубан. Хайронман, ўша коммунизмга етиб олгандан кейин нима иш қиларкинсизлар?

— Олдин борволайлик-чи, кейин бир гап бўлар.

— Балки ҳеч бало йўқдир сиз айтган ўша жаннатда? — деди ошқора истехзо билан ҳазрат Иорам.

— Хурматли Иорам ота, сизнинг динингиз яралганига қанча бўлди? — деди саволга савол билан Бачана.

— Икки минг йил! — Ҳазрат Иорамнинг овози ғурурла янгради.

Бачана хахолаб кулиб юборди.

— Бизникига ҳали юз йил ҳам бўлгани йўқ... Аммо тарафдорлари шунақанги кўпки — сизлар буни тушингларда ҳам кўрмагансизлар. Қойил-е! Икки минг ёшни уриб қўйиб, биздай юз ёшли ўспиринлар билан тортишиб юрибсизлар-а! Уят эмасми? Сабр қилинглар, биз ҳам икки минг ёшга кирайлик, ўшанда арши аълоингиздан туриб, бизга бир назар ташлайсизлар. Қай биримиз юксакроққа кўтарилганимиз ана ўшанда маълум бўлади!

— Ҳеч нарсага ишонмайдиган одамлар билан баҳслашишдан фойда йўқ! — ҳазрат Иорам девор томонга ўгирилиб олди.

— Динингиз халққа нима беради? — Бачана чекинишни истамади.

— Маънавий озиқ! — деди ҳазрат Иорам Бачанага қарамай. — Сизники-чи?

— Бизники ҳам маънавий, ҳам моддий озиқ беради! Энг аввало моддий озиқ беради. Ахир, арши аълога йўл олган одамга нон-туз керак, картошка-пиёз керак, гўшт-ёғ керак. Шундай эмасми?

— Қани ўша гўшт? — ҳазрат Иорам ажиб бир чаққонлик билан Бачана томонга ўгирилди.

— Бу энди баҳс эмас, отахон!.. Бугун бўлмаса, эртага бўлади!

— Бизнинг динимиз, мен сизга айтсам, одамларга гўшт ейишни ҳам, гўшт етиштиришни ҳам ман этмайди. Гапиришга сал нокулай, лекин... Илгари гўшт кўп бўларди...

— Илгари ер юзида ярим миллиард одам яшарди, ҳозир эса — тўрт миллиард!

— Ҳм... Одамхўрликдан барвақтроқ воз кечган эканмиз, — сўз қотди шу пайтгача миқ этмай ўтирган Булика. — Агар шундай қилмаганимизда ҳозир одамзоднинг уруғи камайиб, гўшт демагани тикилиб кетган бўларди!

— Эшитдингизми?! Сизнинг динингиз инсонни мана шунақа сурбет қилиб қўяди! — ҳазрат Иорам қўли билан Буликага ишора қилди. Булика жавоб бериш учун оғиз жуфтлади-ю, аммо гапи бўғзида қолди: каравоти остидан каттакон каламуш бутун оиласи билан пилдираб чиқиб, палатанинг ўртасига бориб туриб олди.

— Ана сизга маргимуш! — деди жимликни бузиб Булика.

Бачана каламушни кўрди-ю, ундан жирканиш ўрнига қизиқиб кузата бошлади. Каламуш бир нарсани қидиргандай навбати билан учала шкафчанинг олдига бориб-келди, лекин ҳеч вақо топа олмай, беморларга бир-бир қараб чиқди. Булика бир чақмоқ қанд ташлаган эди, каламуш унга қайрилиб ҳам қарамади.

— Тавба, нима бўлган бунга ўзи? — деди ҳазрат Иорам таажжубланиб, — ё тўйиб нонушта қилволган, ёки очлик эълон қилмоқчи.

— Женяни чақиринг керак. Анови бефаҳм дезинфекторни бошлаб келсин, қанақа каламушлар борлигини ўз кўзи билан кўрмагунча ишонмайди, — таклиф қилди Булика.

Каламуш шкафчаларни яна бир-бир искаб чиққач, ўз шериклари ёнига келди ва олдинги оёқлари билан мўйловини ғалати қимирлатиб, уларга бир нималарни тушунтира бошлади. Эркак каламуш билан икки нафар боласи жим кулоқ солиб туришди, кейин она каламуш болаларини Буликанинг каравоти остига бошлаб кириб кетди, афтидан, тешик орқали инига жўнатди, шекилли, ўзи яна дарров жуфтнинг ёнига қайтиб келди. Ўртада қизгин сухбаг бошланиб кетди.

— Оилавий можаро. Болаларнинг бўлмагани маъкул, — деб қўйди Булика бутунлай жиддий киёфада.

Бирдан ўтакаси ёрилган урғочи каламуш турган жойидан ўқдай отилиб, палатани чир айланиб чопа бошлади. Кейин нафаси бўғзига тикилганча жуфтнинг олдига келиб туриб қолди. Сал ўтмай эркак каламуш ҳам ана шу аҳволга тушди, у ҳам жазава билан палата ичида обдон югургач, урғочисининг рўпарасида тўхтаб, унга

тикилганча қотиб тураверди. Иккала каламуш шу алпозда узоқ туришди.

Бачананинг кўнгли нохуш бир нарсани сезиб, юраги орқасига тортиб кетди... Каравот остидан иккита каламуш боласи чиқиб келди. Улар ота-оналарининг олдига чопиб боришган эди, катта каламушлар парво ҳам қилишмади. Шундан сўнг каламуш болалари уларни тумшуклари билан туртиб кўришди. Аммо ота-оналари ҳамон қимир этишмасди. Кейин каламуш болалари олдинги оёқлари билан гоҳ отасини, гоҳ онасини тортқилай бошлади. Шу пайт бирдан ҳаммалари бараварига жойларидан кўзгалишди-ю, гоҳ шкафга, гоҳ деворга, гоҳ бир-бирларига урилиб, бир йиқилиб, бир туриб, хона ичида жазава билан югура бошлашди.

— Буларга нима бўлган ўзи? Ақлдан озганми? — ҳазрат Иорам чўкиниб кўйди. — Булика, худо хайрингни берсин, Женяни тезроқ чақира қол!

Булика каравотда ўтирганча каламушларнинг ваҳшиёна рақсини томоша қилар, ранги докадек оқариб кетган, кўзлари олазарақ эди.

— Маргимушнинг таъсири бу... Ичлари ёниб, сув кидиришяпти... Лекин сув баттар қилади, — деди Бачана.

— Сут-чи, сут? — сўради ҳазрат Иорам овози қалтираб.

— Бериб кўринг-чи? — илтимос қилди Бачана.

Ҳазрат Иорам титроқ кўл билан ликопчага сут қуйиб, полга қўйди. Лекин вақт ўтган эди. Каламушлар сутни пайқашмади ҳам.

— Қизик, болалари тетикроф-а, — деди Бачана ва шу заҳоти, гўё унинг сўзларини рад этгандай, каламуш болаларидан бири оёқлари осмондан бўлиб қулади. Ҳаял ўтмай иккинчиси ҳам ағдарилди.

— Ортиқ чидаёлмайман! — Булика инграб юборди ва тилининг остига нитроглицерин таблеткасини ташлаб, кўллари билан юзини беркитди.

— Э худо, ўзинг бандам дегин! — деди ҳазрат Иорам аянчли бир оҳангда.

Каламушлар фалокатни сезиб, кўзларини очишди ва гандираклаганча болаларининг жасади ёнига бориб, тиз чўкишди.

— Женя! — деб қичқирди Бачана ва хиёл ўрнидан турди. Каламушлар бошини кўтарган эди, Бачана уларнинг қоп-қора, мунчоқдай кўзларига тўлган дард, хайрат ва ноумидликни кўриб, нафаси ичига тушиб кетди.

— Жения! — кичкирди у яна ва ҳолсизланиб ёстикқа суяниб қолди.

— Ҳурматли Бачана! Бачана! Бўтам! — ҳазрат Иорам ётган жойида тўлғанарди. — Булика! Ановиларга қара!

Аммо Булика юзини ёстикқа босганча қимир этмай ётар, ҳеч нарсани эшитмасди.

— Ҳой, ким бор! Ёрдам беринглар! — деб бақирди ҳазрат Иорам ўрнидн туришга уриниб, лекин юрагида қаттиқ санчиқ сезиб, яна жойига чўзилиб қолди...

Палатага мудҳиш сукунат чўкди. Полда жонсиз каламушлар думалаб ётар, аранг нафас олаётган беморларнинг каравоти устида ўлим қанотларини ёзиб, ўлжасига кўз тиккан қузғундай, пайт пойлар эди.

Эшик шахд билан очилиб, палатага ўтакаси ёрилган ҳамшира Жения билан дўхтир кириб келганини ҳеч ким сезмади.

— Ҳўш, кўнгилларинг жойига тушдими энди? — деди Жения ўлган каламушларни кўриб. Лекин шу заҳоти дўхтирнинг безовта овози эшитилди:

— Пантопон! Тез! Учовига ҳам!

8

Ласа Базилия Тамарани Озургети¹ бекатидан топиб олди. Қиз бошини кичкинагина сумкачасига қўйганча скамейкада ухлаб ётарди. У ўзига бировнинг қаттиқ тикилиб турганини сезиб, уйғониб кетди. Қизнинг кўзлари катта-катта, кўм-кўк, юзи пахтадай оппоқ, қизғиш лаблари пўрсиққина бўлиб, қуюқ тилларанг сочлари таранг кўксини қоплаб ётарди. Қиз сапчиб ўрнидан турди. Ласа унинг келишган, тикмачоқдай қома тига тез кўз югуртириб чиқди...

...Шу кундан бошлаб Ласа Базилиянинг ошхонасида янги официантка пайдо бўлди, мижозларнинг сони эса уч баравар ортди. Энди бу ерда қишлоқнинг жамики эркаклари тўпланадиган бўлди. Улар уззукун ошхонада ўтириб гап сотишар, аллақанча нордон «Изабелла»²ни ичиб юборишарди. Эс-хушини йўқотган бу оломонни хотин-халаж ва ота-оналар минг машаққат билан ўрнидан қўзғатиб, уй-уйларига олиб кетишарди.

¹ О з у р г е т и — Махарадзе шахрининг эски номи, бу ном халқ орасида ҳозир ҳам кўп ишлатилади.

² И з а б е л л а — шу номдаги узумдан тайёрланган вино.

- Тамара, фариштагинам, яна ўн шиша!
 - Тамара, сенга бундай хусн-жамолни ато қилганнинг уйи куйсин!
 - Қайтими керак эмас, бир боқишингни ўзи миллион сўм туради!
 - Тамара, бир марта жилмайгин, кейин Ласайянинг¹ пичоғи билан сўйиб ташласанг ҳам майли!
 - Ласайя, кизчанинг оёғини ўпсанг ҳам арзийди, агар шу бўлмаса сассиқ ошхонанг билан бирга касодга учрардинг!
 - Омадинг бор экан, Ласайя! Энди кучук сўйиб сотсанг ҳам бўлаверади!
 - Тамара, бир марта ўпгин, кейин Супсага² ташлаб юборсанг ҳам майли!
 - Қоматини кара, қоматини!
 - Шу пайтгача нега ҳеч ким ўғирлаб кетмаганикин-а!
 - Ҳозир бораман!
 - Билмадим, йигитча!
 - Миллион сўм — кўп. Шунча пулни нима қилман?
 - Ўзингнинг хотининг мендан чиройлироқ!
 - Кайфинг тарқагандан кейин ўпиб қўй!
 - Бошқа одамни севаман, азизим!
 - Қўлингни торт! Торт қўлингни деяпман! Ласа, манови пиянистани тийиб қўй!
 - Ласа, бўлди, беркит ошхонани!
- Ҳар куни мана шу аҳвол...

Бачана ошхонага кириб, бурчакдаги столга ўтирди. Ташқарида кизиб кетган ердан ҳовур кўтарилар, поли эндигина ювилган ошхона эса ниҳоятда салқин эди. Ласайя ичкарида, қайнаб турган қозон атрофида уймаланишар, Тамара пештахта олдида туриб, Бачанага орқа ўғирганча стаканларни артарди.

Ҳали барвақт бўлгани учун ошхона бўм-бўш эди. Одатда ҳўрандалар тушдан кейин йиғилишарди. Бачана буни билар, шунинг учун ҳам олдинроқ келган эди. У бир оз кутиб ўтиргач, секин йўталиб қўйди. Тамара ялт этиб ўғирилди. Бачананинг юраги ўйнаб кетди. У ерга қараб, яна йўталди — бу гал ҳаяжонини яшириш учун шундай

¹ Л а с а й я — Ласанинг кичрайтирилгани.
² С у п с а — дарёнинг номи.

қилди. Тамара пештахтадан тарелка, пичоқ ва вилка олиб, Бачананинг олдига келди. Бачана фақат унинг бармоқларини — узун-узун, чиройли, иссиқ сувдан сал қизариб, бўғриққан бармоқларини кўриб турарди. Қиз тарелкани столга қўяркан, хўрандага қизиқсиниб разм солди. Чунки уни биринчи бор кўраётган эди.

— Нима буюрадилар? — сўради у.

Бачана бошини кўтарди.

— Нон! — деди секингина ва бир ютиниб кўйди.

— Шу холосми?

— Озгина пишлоқ.

— Гушт-чи?

— Йўқ.

— Вино опкелайми?

— Мумкинмас. Эртага имтиҳоним бор.

— Нимадан?

— Физикадан.

— Нечанчи синфдасан?

— Тугатяпман.

— Ҳа-а-а... Харчо ичмайсанми?

— Харчога пулим етмайди? — Бачана шундай деди-ю, дув қизариб кетди.

Тамара кетди. Сал ўтмай патнис кўтариб келди. Столга нон, пишлоқ, тарелкада харчо билан бир стакан вино кўйди.

— Шуни ичсанг бўлади! — деди у жилмайиб ва Бачананинг ёнига ўтирди. — Исминг нима?

— Бачана.

— Фамилиянг-чи?

— Рамишвили.

— Менинг исмим Тамара.

— Биламан! — Бачана стаканни кўлига олди.

— Нега сени шу пайтгача кўрмаган эканман?

Бачана уялиб кетди. Гуё салчиб чиқиб томоғига қадалиб қолган юрагини ўрнига туширмоқчи бўлгандай, винодан бир хўплаб кўйди.

— Мени ёшимдагилар ошхонага киришмайди.

— Сен нега кирдинг бўлмаса?

— Қорним очиб кетди, шунинг учун кирдим, — Бачана винодан яна бир хўплади.

— Нордон эканми? — Тамара ҳазиломуз бурнини жийириб кўйди.

— Саломат бўл! — Бачана стаканни бир кўтаришда бўшатди. — Қанча тўлашим керак?

— Физикани топширганингдан кейин ҳисоб-китоб қиламиз!

— Тамара! — деган овоз эшитилди ичкаридан.

— Кетяпман, Ласа! — деб қичқирди Тамара. — Ҳозир келаман! — деди у Бачанага ва чопқиллаганча хўжайинининг олдига кириб кетди.

Қайтиб келган Тамара хангу манг бўлиб қолди: Бачана кетиб бўлган, столдаги таомларга эса қўл урилмаган эди.

— Салом! — деди Тамара стол ёнига ўтираркан.

— Салом! — жавоб берди Бачана.

— Топширдингми?

— Топширдим.

— Неччи бўлди?

— Уч, — Бачана базўр жилмайди, — бу ҳам бувам Ломкацанинг хурмати туфайли. — У чўнтагидан беш сўм чиқариб, столга қўйди. — Кечаги тушликка.

Тамара пулга ҳатто қўз кирини ҳам ташламади.

— Яна нечта имтиҳонинг қолди?

— Тамара! Нима қиласан ёш гўдакнинг олдида ўралашиб! Бу ёққа келсанг-чи! — деб қичқирди Дуту Центерадзе. У тўртта улфати билан ошхонанинг нариги бурчагидаги стол ёнида ўтирар, кайфи анча ошиб қолган эди.

Тамара унга эътибор ҳам бермади.

— Яна нечта имтиҳонинг бор?

— Битта.

— Қачон?

— Индинга.

— Бўлмаса индинга кел.

— Эртага ҳам келаман.

— Келавер. Ҳозир нима ейсан?

— Тама-ара! Намунча ёпишиб қолдинг ўша мишиқига! Кела қолсанг-чи! — қичқирди яна Дуту.

Тамара унинг ёнига борди.

— Нима истайсиз?

— Сени хуснингдан бошқа нимани ҳам истардим! Ўтир биз билан!

— Вақтим йўқ. Бирор нарса керак бўлса, айтинг.

— Яна ўн шиша опкел-да, ёнимга ўтир! Сен учун ичмоқчиман! — Дуту Тамаранинг қўлидан ушлади. Қиз юлкиниб чиқиб, пештахта ёнига борди.

— Ласа, ўн шиша вино бервор.

Ласа шишаларни ола бошлади. Дуту ўрнидан туриб,

пештахта томонга қараб юрди. Унинг кўзлари йилтирар, анча-мунча ичиб қўйгани сезилиб турарди.

Дуту Центерадзе милиционер эди. Паст бўйли, яғриндор, қўллари узун-узун, белига тўппонча тақиб олган бу одам ўзига ниҳоятда бино қўйган бўлиб, ҳамиша гердайиб юрарди. У пештахта олдига келиб, Тамарани бағрига босди.

— Қизга тегажаклик қилма, Дутуйя, бор, жойингга бориб ўтир! — деди Ласа қовоғини солиб.

— Ўзи индамаяпти-ю, сен нима қиласан бурнингни сукиб! — деб дуқ урди Дуту ва олтига шишани кўтариб, изига қайтди. — Аммо-лекин, винони столга опкелиб бериш сени вазифанг! — бақирди у Ласага. — Агар бирортасини шу қизга шилқимлик қилганини кўрсам, жонидан умидини узаверсин! Жасадини малоик Гавриил черковининг ҳовлисига ўзим кўмаман! Билиб қўйинглар! — Дуту бу сўзларни ҳаммага эшиттириб айтди.

Тамара қолган тўртта шишани олиб келган эди, Дуту уни зўрлаб ёнига ўтказди.

— Ўтир, қизалок, сенинг саломатлигингга ичмоқчиман! — Дуту стаканни қўлига олиб, ўрнидан турди ва Ласага қараб гап бошлади: — Ласайя Басилия! Шундок қизни тарелка ювдиришга уялмайсанми? Тамарани менга бер, мен уни олтин тахтга ўтказаман, бамисоли малика Тамарадай¹ ҳаёт кечиради!

— Қайси бир олтин тахтингга ўтказасан! Битгасида хотининг Талика савлат тўкиб ўтирибди-ку! Бўладиган гапни гапирсанг-чи, ўпкаси йўқ! Ҳовлингга дарахт у ёқда турсин, диккайган чўп ҳам кўринмайди-ку! Олдин товукларингга қўноқ ясаб бер!.. Ҳе, сендақа валломатдан ўргилдим!

Ошхонада қаҳқаха кўтарилди.

— Оғзингга қараб гапир, Ласайя, тилингни суғуриб оламан-а! — Дуту гижиниб, тўппончасини ушлади.

Бачана ўрнидан туриб, эшикка қараб юра бошлади.

— Тўхта, хой бола! — деб чақирди уни Дуту. — Нега бу ерда ўралашиб юрибсан? Разм солиб қара-чи, сенинг тенгқурларинг бормикин?

— Овқатлангани кирувдим, — хотиржам жавоб берди Бачана.

— Нима учун кирганингни яхши биламан! Ма, мановини ичгину туёғингни шиқиллат! — Дуту Бачанага бир

¹ Т а м а р а — XII асрда Грузияда ҳукмронлик қилган подшо.

стакан вино билан бир бўлак товуқ гўшти узатди. Бачана яқинлашиб, унинг қўлидан стакан билан гўштни олди-ю, индамай столга қўйди.

— Мен ичмайман.

— Ундай бўлса бир жунавор-чи!

— Жунайманми, жунамайманми — бу менинг ишим! — Бачананинг икки юзи лоладек қизариб кетди. Дуту унинг кулоғидан ушламоқчи бўлиб, қўлини чўзган эди, Бачана чап берди, Дутунинг қўли ҳавода муаллақ қолди. — Сен мастсан, Центерадзе! — деди Бачана милиционерга ва ташқарига қараб йўл олди.

— Ким бу итвачча! — сўради эсанкираб қолган Дуту.

— Ломкаца Рамишвилининг невараси! — деди унинг ёнида ўтирган Ушанги Каландадзе. Дутунинг дами ичига тушиб кетди. — Эсингдами, Манучар Киквадзени йўқ қилдим, деб бошлиғинг орден олган эди, аслида уни мана шу бола ўлдирган... Тинч қўй уни... — деб шивирлади Каландадзе Дутунинг кулоғига.

— Бекор гап, — деди Дуту тишини ғичирлатиб. — Ўзим қатнашганман ўша операцияда! — Центрадзеининг юзи бўғриқиб кетди. — Троцкийчининг ўғли, маккор бола у!

— Нима гуноҳ қилди бола бечора? Овқатлангани кириб, ҳеч нарса емай чиқиб кетяпти, бировга ғинг дегани йўқ... Яхши эмас, Дуту, битта аёлни даб ақлдан озиш... — деди хафа бўлиб Афанасий Лория.

— Ким аёл, аҳмоқ?! Аёл эмас, фаришта у! Олдида тиз чўкиб, оёғини ўпишинг керак! — Дуту патнисдай келади-ган кафти билан Афанасийнинг елкасига туширди.

Афанасий қалқиб кетди. Ошхонага оғир сукунат чўқди.

— Нима, заёмга ютганмисан Тамарани, Дутуйя? Қўйвор қизни, биз ҳам кўриб, мундоқ яйрайлик! — деди Мамука Яшвили вазиятни юмшатмоқчи бўлиб.

— Майли, бугунча кечираман, аммо эртадан бошлаб қорангни кўрмайин бу ерда! — пўписа қилди унга Центерадзе.

— Шунчалик зўр экансан, армияга борсанг бўларди! — жавоб берди кулиб Мамука. — Балки Гитлернинг таъзирини бериб қўярмидинг!

— Ким тартиб ўрнатади бу ерда? Сенга ўхшаган қочоқларга ким кўз-қулоқ бўлиб туради?

— Ким қочоқ? Мен қочоқманми? Бир килограммлик осколка ҳалигача кўкрагимда турибди! — Мамука қўйла-

гининг ёқасини ечди. — Сен мени қочоқ деяпсанми?! Бу ерда ҳали сен тартиб ўрнатасанми?! Уччига чиққан иш ёқмас ва қочоқ ўзингмасмисан?! — Мамука столдаги шишани олиб, Центерадзегга ташланди. Дуту тўппончасини суғурди. Бачана ошхонадан чиқиб кетди.

Тамара ошхонада пайдо бўлганига уч ой тўлар-тўлмас кишлоқда узункулоқ гаплар ўрмалаб қолди. Худди баҳорги қалдирғочдай бу миш-мишлар ҳовлидан ҳовлига, уйдан уйга ўта бошлади. Далаларда, чойзору умумзорларда, боғ ва томорқаларда, бозорда, идорада, ҳаммомда, сартарошхонаю кутубхонада — хуллас, ҳамма ерда ёш официантканинг ғийбатини қилишарди.

— Эшитдингми, уч кун бурун ошхонада Мамука Яшвили билан Дутуйя Центерадзе ана шу касофат қизнинг дастидан бир-бирларини ўлдириб қўйишларига сал қопти...

— Айтишларича, танбал Дутуйя хотинини роса дўппослаб, Мелекедурига — отасиникига жўнатиб юборибди...

— Қандоқ ялмоғизни топиб келган экан Ласайя ўлгур! Ундан ҳомиласи ҳам бор эмиш. Вой, яшшамагур-ей...

— Ундан эмас, Дутуйя-милиционердан ҳомиласи...

— У жувонмарг Мамука Яшвилига ҳам кўз сузиб юрган экан, хотини сезиб қолиб, қизни роса адабини берибди...

— Гитлердан баттар экану манжалақи! Бутун кишлоқни остин-устун қилиб юборди-я!

— Ҳаммани бошини айлантириб қўйди мегажин!

— Айлантириш ҳам гапми! Айтишларича, Торнике Кинцурашвили Ардалион Гваладзега пичоқ кўтарганмиш...

— Дутуйя-милиционернинг кўзи қаёқда?

— Дутуйянинг ўзи биринчи ўйнаши-ку!

— Дутуйя ҳам майли-я, анови болани ҳам йўлдан ураётганмиш у суюқоёқ!

— Қайси болани?

— Ломқаца Рамишвилининг неварасини-да, Бачанани... Фақат шунинг учуноқ уни турмага жўнатиш керак... Она сути оғзидан кетмаган болага кўзини сузади-ми?! Уч кун бурун ошхонани олдида кўрдим — телбанамо бўп қопти боёқиш...

Тамара Зосим Хинтибидзеникида ижарада турарди. У деразаси кўчага қараган энг четдаги кичкинагина бир хонани эгаллаганди.

Қишлоқ маст уйкуда эди. Бачана аста деразани чертди. Сал ўтмай деразада кўрқиб кетган Тамаранинг юзи кўринди. Бачанага кўзи тушиши билан қизнинг нигоҳида таъна ва алам ифодаси учкунлади. Лабини тишлаб, кафтларини кўксида жуфтлади, кейин деразани қия очди-да, хижолат чекиб турган Бачанадан:

— Сенмисан? — деб сўради шивирлаб.

— Бир мунутга кирайин, — ёлворди Бачана.

— Сен етмай турувдинг! — Тамаранинг овози титраб кетди.

— Хўп дегин!

— Бу ифлос ишларга аралашма, Бачана! Бор, уйингга бор! Мендан нима истайсизлар ўзи? Нега мени бадном қиласизлар? Сизларга нима ёмонлик қилдим? Бўлди... Мени тинч қўйинглар... — Тамара хўнграб йиғлаб юборди.

Бачана деразадан ошиб тушди-да, Тамарани айланиб ўтиб, стол ёнига бориб ўтирди. Қиз жинчироқни ёқди, кейин ўзи ҳам Бачананинг рўпарасига келиб ўтирди.

— Хўш, нима дейсан?

Бачана индамади.

— Нимага келдинг?

— Шу гаплар ростми? — сўради Бачана титроқ қўли билан жинчироқ қурумани кўчираркан.

— Қайси гаплар? — хўрсинди Тамара.

— Сен ҳақингдаги... Ёмон гаплар...

— Ўзинг-чи, ўзинг ишонасанми?

Бачана елкасини қисди.

— Мен айтмоқчи эдимки...

— Хўш, қани?...

— Мен шунинг учун келдимки...

— Қўй, гапирма! Қишлоқда ёлғиз сени софдил одам деб биламан! Гапирма ҳеч нарсани!

Бачана кўз ёшини ичига ютиб, бирдан тилга кирди:

— Кийин!

— Нима?!

— Кийиниб, мен билан юр.

— Қаёққа?

— Билмайман.

— Қаёққа бораман, ахир?

— Сен қишлоқдан кетишинг керак!

— Шарманда бўлиб-а?

— Кетишинг керак! Улар сени фақат аёл деб билишади, мен бўлсам...

— Сен-чи?

— Кийин, деяпман! Нарсаларингни ҳам йиғиштир, бўла қол! — Бачана шундай ишонч ва қатъият билан гапирардики, бунга ҳатто унинг ўзи ҳам ҳайрон қолди.

Тамара сакраб туриб, каравот остидан чамадонини олди-да, елби-югуриб унга нарсаларини йиғиштириб сола бошлади. Бу орада Бачана айвонга чиқиб, Зосимнинг эшигини тақиллатди.

— Ким у? — деган уйқусираган овоз эшитилди ичкаридан.

— Бу мен, Бачана, Люмкаца Рамишвилининг неварасиман.

— Адашибсан, болакай!

— Йўқ, Зосим амаки, адашганим йўқ. Илтимос, Маро холам билан бирга бир минутга чиқинглар!

— Агар кайфинг ошган бўлса, уйингга бор! — деди Зосим зарда билан.

— Йўқ, маст эмасман! Чика қолинглар, илтимос! — деди яна Бачана.

Эшик очилиб, Зосим чикди. У фақат ички кўйлак-иштонда эди. Унинг орқасидан ўтакаси ёрилган Маро мўралаб турарди.

— Мен Тамарани олиб кетяпман, Зосим амаки, шуни билиб кўйинглар демоқчи эдим...

— Опкета қол... Шунгаям уйқуни ҳаром қиласанми? Уни мендан қарзи йўқ... Ижара ҳақини олдиндан тўлаб кўйган...

— Зосим амаки, Мамука Яшвилини, ёки Дутуйя Центерадзени, ёки Ласайя Базилияни, ёки Торнике Кинцурашвилини Тамаранинг хонасидан чиқиб кетаётганини кўрганмисиз?

— Нега менга ёпишиб олдинг, болакай? Нима, мен унга қоровулманми?

— Йўқ, Зосим амаки, сиз тўғри одамсиз! Менга ҳақиқатни айтинг!

Зосим дудуқланиб, чаккасини қашлай бошлади.

— Ростини айтсам, ўғлим, бировни чиқиб кетаётганини ҳечам кўрмаганман!.. Дутуйя Центерадзе маст ҳолда уч марта хиралик қилган кирмоқчи бўлиб, лекин Тамара киритмаган. Икки марта Торнике Кинцурашвили қадам ранжида қилган, у ҳам кайфда бўлган, қиз унияма қувиб солган... Тунда унинг хонасига кирган биринчи одам сенсан... — Зосим чамадон кўтариб турган Тамаранинг кўзларига қаради.

— Нега бўлмаса уни ёмонотликка чиқаришди? — сўради Бачана.

— Биздан бир овиз ҳам ножўя гап чиққани йўқ, болагинам! — гапга аралашди Маро эрининг олдига ўтиб. — Қайтанга олдидан ҳам, орқасидан ҳам мактаб юрамиз, ишонишмаса нима қилайлик?

— Кетдик! — Бачана Тамаранинг қўлидан чамадонни олди.

— Бемаҳалда қаёққа борасизлар, болам? Эрталаб кетинглар, йўлга у-бу нарса тайёрлаб берардим... — деди Маро хижолат бўлиб.

— Мана шу гапингизни ўзи етиб ортади! — жавоб берди Бачана. — Хайр, раҳмат сизларга!..

— Қилаётган ишингни буванг биладими? — деб сўради Зосим Бачанадан, улар ҳовлига чиқишганч.

— Билади! — қисқагина жавоб берди Бачана ва Тамаранинг қўлидан ушлади: — Кетдик!

Улар анчагача индамай боришди. Катта йўлга чиқишгач, Бачана чамадонни ерга қўйди-да, бир четга ўтириб, тамаки ўради. Тамара унинг ёнига ўтирди. Бир оз дам олишгач, яна йўлга тушишди. Насакирали давонига етганда тагин нафас ростлагани ўтиришди.

— Нега индамайсан, гапирсанг-чи! — деди Тамара.

Бачана қўйнидан кичкина бир тугунчани олиб, Тамаранинг тиззасига қўйди.

— Нима бу? — сўради Тамара.

— Ишлаган кунларим учун олган авансим... Олти юз сўм... Ҳозирча етади сенга... Ун сотиб ол... — Бачананинг томоғига бир нарса қадалиб, у ёғини гапиролмади.

Тамара тугунни очди, пулни кўрди-ю, тугунни қайтадан ўраб, Бачананинг қўйнига солиб қўйди, кейин юзини тиззасига босганча хўнграб йиғлаб юборди. Бачана уни юпатмади, тасалли ҳам бермади. Қизнинг йиғлаб бўлишини кутди. Ахийри чидаёлмай, гап бошлади:

— Йиғлаган яхши... Мен ҳам бирор ерим оғриси ёки бирор нарсадан қаттиқ изтироб чексам, ўрмонга бораман-да, дарахт тагига чўзилиб, тўйиб-тўйиб йиғлаволаман... Кун бўйи, то кўз ёшим қуриб, кўнглим бўшамагунча йиғлайвераман... Шундан кейингина енгил тортаман. Майли, йиғла, йиғлайвер!.. Юрагингни бўшатвол. Бўлмаса инсон чидармиди... Аммо-лекин, сен одамлардан хафа бўлма... Уларда айб йўқ... Ҳаммасига ҳуснинг, тенги йўқ ҳуснинг сабабчи... Бизнинг эркакларимизга келсак... Улар

бир-бирларига ҳасад қилганларидан ёқа юлишди... Уч ойдан бери мижжа қоққаним йўқ, фақат сени ўйлайман. Нега бунчалик гўзал бўлмасанг?.. Ким кўрса, фақат менга кулиб боқяпти, фақат менга ишва қияпти, деган хаёлга боради... Менга ҳам шундай туюларди. Лекин унақамаслигини биламан! Биламану, аммо... яхши кўраман, жудаям яхши кўраман... Сенсиз туролмайман... Уламан... — Тамара йиғидан тўхтаб, Бачананинг сўзларига таажжуб билан кулоқ сола бошлади. У ҳамон гапдан тўхтамасди. — Яқинда ўн еттига тўламан. Тўғри, унчалик катта ёш эмас, лекин кам ҳам эмас... Биламан, сен менга худди ёш болага қарагандай қарайсан... Ажабланма... Сени севаман, шунақаям севаманки... Нима қилайин? Лекин пулни ол... Мен уни ўғирлаб олганим йўқ... Бувам бердилар... Сенга деб бердилар... Бувам — доно одам... Сени олдинга ҳам ўзлари юбордилар, қишлоқдан опчиқиб кет, дедилар. Мени севолсанг қанийди... Лекин сен бениҳоя чиройлисан, билмадим, қисматинг нима бўларкин... Ҳали ёшман — сени ҳимоя қилолмайман, сенга паноҳ бўлолмайман... Аммо яхши кўраман, жонимдан ҳам ортиқ кўраман... Уч ойдан бери уйқи йўқ, кечасию кундузи кўз олдимдан нари кетмайсан...

Бачананинг ўпкаси тўлиб, гапиролмай қолди. Тамаранинг тиззасига бошини қўйди-ю, худди ўрмонда адашиб қолган бўри боласидай, қачонлардир Чхакоура ёнбағрида бўлганидай, уввос тортиб йиғлаб юборди.

Тамара унинг бошини кўксига босди, шунда Бачана музлаб ётган юрагига аллақандай тафт ўтганини, бу ҳарорат аста-секин кучайиб, қалбида мислсиз бир олов пайдо бўлганини сездди. У Тамарани кучоқлаб, кўксидан, елкаларию бўйнидан, юз-кўзларидан энтиқиб ўпа бошлади. Қизнинг кўзларидан шўртаъм ёш қуйилар, ўзи эса эҳтирос билан шивирларди:

— Офтобим, қувончим... Сен менинг акамсан, отамсан... Қайғую ҳасратларимсан... Ҳам ўғлим, ҳам етимлигимсан... Сен менинг ҳаётим ва заволимсан... Болагинам, муҳаббатим... Қаёқдан пайдо бўлдинг, ҳаётимга қай йўсин кира қолдинг?

Сўнг уларнинг лаблари тутшиб, жимиб қолишди, аммо энди юраклари тилга кирган эди.

Ҳар икковининг кўксида кумуш қўнғироқлар жаранглар, шундай ҳамоҳанг ва улуғвор жаранглардики, шу тобда улар худога илтижо қилишдан бўлак ҳеч нарсани хоҳлашмасди...

— Эй, парвардигор! Бизнинг қалбимиз ва жисмимизни пайванд қил, бизни улкан, хад-худудсиз, яхлит бир ҳаётга айлантир!.. Э қодир худо, менга унинг қонини бер, унинг томирларида менинг қоним жўш урсин! Бизни гуноҳдан асра, тезроқ омонатингни қайтариб ол!..

— Бачана, куёшим, қаердан пайдо бўлдинг, нега ҳаётимга сирғалиб кирдинг?.. Менинг бахтим, менинг кулфатим... Қўй, кераги йўқ, жоним, кераги йўқ... Қизман ҳали...

— Ё танграм! Менга сабот ва чидам бер! Эс-хушимдан жудо қилма! Ўзинг асра, парвардигор!

Улар қўл ушлашиб, яна йўлга тушишди. Ўрмон уйғонди. Қушлар тонг ва куёш қўшиғини бошлаб юборишди. Теварак-атрофдаги қишлоқлардан итларнинг вовиллаши эшитилди. Дарёнинг нариги томонида хўроз биринчи кичкириши биланоқ оёққа турган деҳқон томорқасига кирган сигирни болохонадор қилиб сўқди. Осмон ёриша бошлади. Тоғ чўққиларининг тепасида сузиб юрган булутлар қизғиш тусга кирди. Насакиралида тонг отди.

Бачана тўхтаб, чамадонни Тамаранинг оёқлари олди-га қўйди.

— Энди боравер! — деди у ғамгин товуш билан.

Тамара унга узоқ тикилиб турди. Сўнг хотиржам сўради:

— Нима қиламиз бу ёғига?

Бачана индамади.

— Қўшнилариингга нима дейсан?

Бачана елкасини қисди.

— Кетавер... — деди у базўр.

— Мени унутиб юборма.

Бачана бош чайқади.

— Дунёда энди ҳеч кимни сени севганчалик севолмайман!

— Турмушга чикма... Ҳадемай улғаяман... — Бачананинг кўзларига ёш қалқди.

Тамара тиз чўкиб, унинг қўлларига лабини босди.

— Тағин қанаққиб улғаясан? — қиз Бачананинг тиззаларини кучди.

Бачана оёқларини аста қизнинг кучоғидан бўшатиб, уч-тўрт қадам орқага тисланди-ю, шартта бурилиб... кета бошлади.

Ярим чақиримча юргач, қайрилиб қаради. Қиз ҳамон йўл устида тиз чўкканча унга тикилиб турарди.

Бирдан Бачана хайратидан титраб кетди. У қизнинг катта-катта, мовий кўзларини аниқ-равшан кўриб турарди. Тамаранинг кўзлари жикқа ёш эди.

Қоқ пешинда Бачана ошхонага кирди. Тамаки тутунига тўлиб кетган зал гавжум, ғала-ғовур эди. Ласа пештахта орқасида туриб, ўзи одатланган чакқон ҳаракат билан бодринг ва помидор тўғрарди. Бачананинг кириб келганини кўриб, пичоғини кўтарганча донг қотиб қолди. Ошхонага жимлик чўкди. Кулиб турган, хайратга тўла, қути ўчган — турли хил чехралар Бачанага бараварига қадалган, ҳамманинг нигоҳида фақат битта савол ифодаси бор эди. Бир муддат жимликни бузишга ҳеч ким журъат этолмади. Ниҳоят, Ласа тилга кирди:

— Ана ўзлари! — деб хитоб қилди у ва елкасидан тоғ ағдарилган одамдай енгил хўрсиниб қўйди. Ошхона яна жонланди. Ҳамма бараварига гапира кетди. Ана шу ғала-ғовур орасидан Дуту Центерадзенинг масхараомуз овози эшитилди:

— Иштонсиз куёвга саломлар!

Бачана милиционерга эътибор бермай, тўппа-тўғри Торнике Кинцурашвили ўтирган стол ёнига борди.

— Қизни қаёққа яширдинг? Ёки бувангга обориб бердингми? — Торниканинг кайфи анча баланд эди.

— Торнике Кинцурашвили! Одамларга тўғриси айт, ўша қиз бузукмиди ёки бузукмасмиди? — деб сўради Бачана овозини кўтариб.

— Буни Ласайдан сўра. Ўша қизинг унга ҳам тўшак, ҳам ёстиқ эди! — жавоб берди Торнике хахолаб.

— Бу одам тўғри гапиряптими? — Бачана Ласага мурожаат қилди.

— Агар қизга ножўя гапирган ёки қўлимни теккизган бўлсам, лоақал кўнглимга ёмон ўй келган бўлса эртагача тил тортмай ўлай, мана шу пичоғим юрагимга санчилсин! — Ласа қўлидаги пичоқни бир уриб, пештахтага санчиб қўйди.

Бачана яна Торникега юзланди.

— Агар эркак бўлсанг, Торнике Кинцурашвили, ўрнингдан туриб, гапир: қизни кига неча марта боргансан? Гапиравер, тортинма, бари бир у эшитмайди!

— Кимсан ўзинг, мишиқи! Келиб-келиб сенга ҳисоб бераманми! — Торникенинг қони қайнаб кетди.

— Бўла қол, бўйнингга ол, неча марта у сени уйдан ҳайдаб юборган?

— Ҳеч ким мени хайдаган эмас! Кайфим таркаганидан кейин ўзим кетганман... Ана Зосим гувоҳ, сўра ишонмасанг! — Кинцурашвили сал паст тушди.

— Мамука Яшвили, ҳеч кимга ишонмасам ҳам, сенга ишонаман! Айтгин-чи, нима учун хотининг Дарежон Тамара билан уришган эди? — Бачана боядан бери лабини тишлаганча миқ этмай ўтирган Мамукага мурожаат қилди.

— Аҳмоқ-да, аҳмоқ! Дутуйя Центрадзенинг хотини кулоғига пичирлайвериб, ақлдан оздирган, — жавоб берди Мамука бошини ҳам кўтармай.

— Сен менинг хотинимга тил теккизма, аблах! — деб бақирди Центерадзе.

Мамука ўрнидан турди, аммо Бачана уни гапиртирмади.

— Энди бўйинларингга олинглар, қайси бирларингиз лоақал бир марта бўлса ҳам Тамара билан ётгансизлар? Сен бошла, Дуту!

Центерадзе ўрнидан турди. У бу ерда интизом ўрнатмоқчи бўлган безбет болани гирибонидан олиб, ошхонадан чиқариб юбориш ниятида турган эди, аммо Бачана милиционернинг хатти-ҳаракатини ўз саволига жавобдай тушуниб, пештахтага санчилиб турган пичокни суғурдида, Центрадзенинг устига бостириб борди:

— Ёлғон, аблах, ёлғон! Уч марта кирмоқчи бўлгансан қизниқига, лекин учала сафар ҳам у сени хайдаган шармандангни чиқазиб! Сен сурбет, мақтанчоқ одамсан, Дутуйя Центерадзе, фақат эл олдида мақтаниш учунгина ҳалол-покиза бир қизни бадном қилдинг, юзига қорақуя сурқадинг! Тўғримиз гапим, Зосим амаки?

— Тўғри, ўғлим, тўппа-тўғри! — деди ранги оқариб кетган Зосим.

— Сен қаёқдан биласан, каллаварам? — Центерадзе унга ташланиб қолди. — Ё этигимни ечиб қўйганмисан?!

— Болани гапи тўғри, халойиқ, тепамда худо турибди! — такрорлади Зосим.

— Палид сдамсан, Дутуйя Центерадзе! — деди Бачана милиционерга ўзи ҳам кутмаган аллақандай бир ички шижоат билан.

— Ўлдираман, чурвақа! Нега бу ерда гап сотиб, олифтагарчилик қиляпсан? Нега ҳаммага лой чаплаяпсан?! Мен кимман — қонуний ҳокимиятнинг вакилиманми ёки югурдак боламанми? — Центерадзе тўппончасини чиқазиб, Бачанага талпинди.

— Хайвонсан, Дутуйя Центерадзе, билдингми, хайвонсан! Тупурдим тўшпончангга! — Бачана ҳам Центерадзенинг устига бостириб бора бошлади. Ласа пештахтага орқасидан чопиб чиқиб, икковининг орасига туриб олди.

— Ҳамма эшитиб кўйсин! — деб кичқирди Бачана. — Кеча кечаси мен Тамараникида эдим! У кишлоғимизга қиз келиб, қиз кетди! Агар ёлғон бўлса, онамни ўртага кўйиб қасам ичишим мумкин!

Бирдан қарсиллаган овоз эшитилди, Дуту Центерадзе полга аударилиб тушди. Мамука Яшвили зарбдан шишиб кетган кафтини ишқалаганча Бачананинг олдига келиб, ўша қўли билан унинг юзини силади.

— Яхши йигитсан, ўғлим! Уйингга кетавер, бу ёғини ўзим тинчитаман...

Бачана шошмасдан эшикка йўналди...

9

Йигирма икки кун деганда профессор Бачанага тўшакда у ёнбошидан бу ёнбошига аударилишга рухсат берди. Энди у тирсагига суяниб, палатадаги иккала ҳамхонасини бемалол кўра оларди. Кейинроқ шифобахш бадантарбия тайин қилишди, бу шундан иборат эдики, Бачана икки ҳафта давомида бармоқларини ёзиб-туғиб туриши лозим эди. Унга ўтиришга ижозат беришган куни, — бу воқеа биринчи «рухсатнома» текканидан кейин, орадан йигирма кун ўтгач юз берди, — палатага шундай сулув бир қиз кириб келдики, анграйиб қолган Булика мураббо солинган банкани кўлидан тушириб юборди. Кўкиш-тоб-қора сочли, кўзлари кўк-кўк бу фаришта Бачананинг каравоти четига ўтирганида ҳазрат Иорам бир чўқинди-ю, оҳ тортиб юборди.

— Хўш, эндиам худонинг борлигига ишонмайсизми, хурматли Бачана?

— Ишонаман, отахон, агар туш бўлмаса, албатта, — жавоб берди қизнинг жамоли ва журъатидан ҳайратда қолган Бачана.

— Туш бўлса бўла қолсин, фақат менинг ҳам каравотимга ўтирса бас! — деди Булика ва шундагина қошиқ хануз оғзида турганини пайқаб қолди.

— Сизнинг ёнингизга ҳам ўтаман! — жавоб берди қиз бепарво.

— Кутаман, асал қиз, кутаман! — шоша-пиша таклиф қилди Булика.

— Салом, ўртоқлар! Менинг исмим Кетеван, фамилиям Андроникашвили. Касалхонанинг шифобахш бадантарбия бўйича бош инструктори бўламан! — ўзини таништирди қиз.

— Шунақа денг? Дўхтирларимизнинг эс-хушлари қаёқда? Нега бизни ҳар хил пантопон, персантин, интенсаинлар билан қийнашади? Сизга ўхшаган жононнинг палатамизга бир марта кириши ўнта бўлмаса ҳам, камида бешта уколни ўрнини босади-ку! — деб хитоб қилди Булика.

Қиз мамнун жилмайди.

— Ҳурматли Бачана! Қаранг, куляпти! Ушлаб кўрингчи, агар ғойиб бўлиб қолмаса, тушимиз эмас, ўнгимиз бўлиб чиқади! — деди Булика.

— Маъзур тутасиз! — Шундай деб, Бачана қизнинг нозик бармоқларини ушлади. — Суюнавер, Булика, туш эмас экан, тирик мавжудот! — у Буликага мурожаат қилди, лекин қизнинг кўлини қўйвормади. Шунда қиз бармоқларини Бачананинг кафтидан аста суғуриб, унинг билагига қўйди-да, томир уришини ўлчаб бошлади. — Э-э, ҳозир томир уришига қараб ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди! Сал ўзимга келволай... — Бачана яна қизнинг кўлидан ушлаб, юрагига босди. — Эшитяпсизми, кинидан чиқиб кетай деяпти?!

Бош инструктор кўлини Бачананинг кўкрагидан олиб, энди митти чучварадай ихчам, чиройли қулоғини унинг кўксига қўйди.

Бачананинг дами ичига тушиб кетди.

— Нима қиялпсиз, доктор, мени ўлдирмоқчимисиз? — шивирлади у ва ҳазрат Иорамга ёлборгандай қараб қўйди. Чол «ёрдам беролмайман» деган маънода кўзларини юмиб, қўлларини икки томонга ёзди...

Бир оздан сўнг қиз қаддини ростлаб, бутунлай жиддий киёфада сўради:

— Юрагингизда оғриқ сезяпсизми?

— Оғриқ аллақачон ўтиб кетган, томиримнинг уриши ҳам сиз келмасингиздан олдин жойида эди, энди ҳаммаси қайтадан бошланди, — Бачана чуқур хўрсинди.

— Нима бало, ҳамманглар битта гапни ёдлаб олганмисизлар? — деди қиз афтини буруштириб.

— Бошқалар ҳам шунақа дейишяптими? — сўради Бачана хафсаласи пир бўлиб.

— Албатта-да! Сиз ёзувчисиз, бинобарин, янгирок гап топишингиз керак эди! — қиз истехзо билан жилмайди.

— Бундан ортиқ яна қанақа янги гап бўлсин?! — деди Бачана ҳазин инграб. — Кўряпсиз-ку, мен мурдаман, шунга қарамай, сиз билан гаплашяпман...

Қиз хандон отиб кулди:

— Ҳа, буниси чиндан ҳам янги гап!.. Энди ишга ўтайлик! — Шундай деб, қиз Бачананинг бўйнидан биллагини ўтказди-да, уни эҳтиётлик билан кўтариб, каравотга ўтиргизиб қўйди. — Хатта-йога ҳақида эшитганмисиз?

Бачана шошиб қолди.

— Ёшлигимда ўқиган эдим шекилли. Ҳиндларнинг фалсафий-диний таълимоти, шундайми? Махсус жисмоний машқлар ёрдамида руҳ ила танни мукамаллаштириш... Тўғрими?

— Тўппа-тўғри! — деди бош инструктор. — Ҳозирча хатта-йоганинг оддий усуллари бажариб турамыз, руҳни мукамаллаштириш билан эса бу ердан чиққанингиздан кейин ўзингиз шуғулланасиз...

— Хўп бўлади! — деди Бачана итоаткорона бош эгиб.

— «Нилуфар» нималигини биласизми? Лоақал у ҳақда эшитганмисиз? Халиги... Будданинг ўтирган ҳолатини кўрган бўлсангиз керак, ҳар ҳолда? Ана шу ҳолат «нилуфар» дейилади...

— Тушунарли...

— Қани, бир унаб кўрайлик-чи!.. — Қиз халатининг энгини шимарди-да, Бачананинг устидан аёлни олиб ташлади. Бачана хижолат бўлиб, қўли билан шоша-пиша ярим-яланғоч баданини яширди. Қиз унга заррача ҳам эътибор бермай, ишида давом этди: — Демак, бундай: ўнг товонимиздан ушлаб, оёғимизни чап сонимизнинг тагига ўтказамиз... — Бачана дўхтирнинг айтганини қилди-ю, бирдан ниҳоятда озиб кетганини пайқади: касалхонага ётмасидан илгари бунақа машқни биров милтиқ ўқталиб турганда ҳам бажара олмаган бўларди. У шу пайтгача ўзига нотаниш бўлган аллақандай енгиллик ва эркинликни сезиб, севиниб кетди.

— Жуда соз! — деди қиз. — Энди чап товонимиздан ушлаб, оёғимизни... Нима қиламиз?

— Ўнг сонимизнинг тагига олиб борамиз... — давом эттирди Бачана ўша оҳангда ва машқни бажаришга киришди. Аммо бу гал бўлмади! Чап товонини қимирлати-

ши билан жигари қаттиқ санчиб, бир зумда қора терга ботиб кетди.

— Зўрламанг! — огоҳлантирди қиз. — Агар қийна-лаётган бўлсангиз, аввалги ҳолатга қайтинг!

Бачана дарров оёқларини чўзганди, шу заҳоти анча енгил тортди.

— Нима, оғридими?

— Жудаям.

— Ҳечкиси йўқ, кўникасиз, — тасалли берди унга қиз, — энди ётиб, мушакларингизни бўш қўйинг.

Бачана ёстикқа суянди. Инструктор унинг пайларини ушлаб кўриб, бош чайқади.

— Бўш қўйинг, бўш қўйинг! Худди мурдага ўхшаб ётинг!

— Ие, у нима деганингиз, азизим! Зўрға нариги дундан қайтариб олиб келишди-ю, сиз бўлсангиз яна ўлдирмоқчисиз-а? — деб хитоб қилди Булика.

— Ҳиндистон билан хатха-йога чакки эмас экан, қизим, лекин бошқача, христианча машқлар йўқми? — гапга аралашди ҳазрат Иорам.

— Христианча машқ — ибодат қилиш-да, одамларни фақат ибодат билан тузатиб бўлмайди! — хафа бўлди инструктор.

— Буни нимаси бадантарбиядан қолишаркан? Қаранг-а! — Булика қўлларини ёзиб, бир неча марта чўқинди. — Эрталабки бадантарбияни ўзи-ку!

— Роса қарғардимку-я сен осий бандани, аммо-лекин, мени қарғишимсиз ҳам тўппа-тўғри дўзахга йўл тутгансан! — деди жаҳл билан ҳазрат Иорам ва девор томонга ўгирилиб олди.

Қиз Буликанинг қаравоти ёнига келди.

— Марҳамат!.. — Булика жой бўшатиб, сал нари сурилди.

— Раҳмат, ўтирмайман... — қиз Буликанинг томирини ушлаб кўрди. — Сизники анча дуруст... — Машқ қилиб кўрамизми?

— Биласизми, доктор, хурматли Бачанани мурдага айлантиргунингизча ўзим машқ қилиб кўрдим... Бўлмади... Нилуфарга ўхшаб ўтириш қўлимдан келмайди. Агар шу бежирим кулофингизни юрагимга лоақал бир марта бўлса ҳам босмас экансиз, эрингизни ўлдириб, тўппа-тўғри турмага кетавераман. Шу менга нилуфардан осонроқ!

— Бунақа палатани энди кўришим! Беморлар эмас, масхарабозлар йиғилган экан. Ҳамширага айтмасам

бўлмайдиганга ўхшайди, бир таъзирларингизни бериб кўйсин!

— Факат кетмасангиз бўлди, нилуфарга ўхшаб эмас, ҳатто қизиб турган товага ўтиришга ҳам розиман! — деди Булика, лекин бош инструктор эшикни қарсиллатиб ёпиб, палатадан чиқиб кетди.

— Тагин тирик мавжудот дейсиз-а! — Булика чуқур уф тортди.

— Худди тушга ўхшайди... — деди Бачана.

— Бу аёлнинг кўзида ажинаси бор экан! — Шу пайтгача индамай ётган ҳазрат Иорам Бачана билан Булика томонга ўтирилди. — Ўлай агар: кўзидан ажина жилмайиб турибди! — ҳазрат Иорам яна деворга ўтирилиб олди.

Шифобахш бадантарбия бўйича бош инструктор палатага ташриф буюриб кетганидан кейин орадан беш минутлар ўтгач, ҳамшира Женя патнис кўтариб кириб келди. Патнисда оппоқ пахтага ўралган учта шприц бор эди.

— Кардиологик саломлар! — деди Женя патнисни столга қўйиб.

— Грузия юрагининг кардиограммасига алангали салом! — жавоб берди Булика.

— Хушxabар олиб келдингми дейман, Женя? Кўзларинг ёниб турибди! — сўз қотди Бачана.

— Янгилик! — Женя халатининг чўнтагидан чиқиб турган газетани уриб қўйди.

— Қани, қани, саҳрода қолган шўрлик йўловчиларнинг чанқоғи тезроқ босилсин! — ҳазрат Иорам унга кўлини чўзди.

— Олдин укол, янгилик кейин бўлади! — деди Женя қатъий оҳангда. — Қани, тайёрланинглар!

Учовлари бараварига адёлни кўтариб ташлаб, ерга қараб ётишди. Женя Бачанадан бошлади...

— Тепамда чарх урма, эй қора қарға, мен сеники эмасман! — деди сўзларни шеърий оҳангга солиб Бачана, нина ўрнини ишқаларкан.

— Азизим Женя, шприцни охиригача ботириш шартми? — сўради ҳазрат Иорам ёстикнинг четига кўз ёшларини артиб.

— Кечирасиз, каттиқ босворибман, — жавоб берди Женя хижолат бўлиб.

— Қанақасан ўзи! Нега ҳар доим менга келганда

адашасан? Палатада осий ва шаккоқлар куриб қолганми?!

— Сабр туби — олтин... — ҳамшира руҳонийни юпатган бўлиб, Буликанинг ёнига келди.

— Олдин игнани кўрсат! — тархашлик қилди Булика.

— Мана, марҳамат.

— Хой, яхшилар! — деб қичқирди Булика. — Агар шу игна бўлса, унда бигизни нима дейиш керак?!

— Бўлди, жонимга тегиб кетди! Ҳар куни шу аҳвол! Ёт! — буюрди Женя.

— Пичоқни аввал ўзингга ур, деганлар. Қани, ўзинг бир ётиб кўр-чи! Кўраман диконглаганингни! Қани, ке!

— Тагин йўталиб ўтирма!

— Шу қилганингга чурқ этмайман! — деди Булика ва ёстикни тишлади. Женя шприцни найзадек санчди.

— Бўлдими? — сўради Булика, Женя игна ўрнини артаётганда.

— Бўлди!..

— Ўзим аҳмоқман! Медицина институтига кирмайманми?! Бошқалардан қаерим кам? — деб ингради Булика. Женя кета бошлади.

— Янгилик-чи! — қизнинг орқасидан қичқирди ҳазрат Иорам.

Женя газетани руҳонийнинг каравотига ташлади. Чол газетани олиб кўзойнагини қидира бошлади. Бачананинг сабри чидамай, ўзиникини улоқтирди.

— Меники ҳам плюс уч. Ўқинг, отахон!

— Ҳа, яшанг! — Ҳм, бизнинг «Динамо» «Арарат»га ютқазибди!

— Бор гап шуми? — Булика кўл силтади. — Ютқазिशларини билувдим!

— Ҳисоб қанақа? — сўради Бачана.

— Иккию ноль! — деди ҳазрат Иорам кўзойнагини олиб.

— Жа-а асабимга тегади-да шу «Арарат!» — Булика пешонасига шапатилади. — Йил бўйи фақат бизни ютишга тайёргарлик кўради! Бошқаларга ютқазса, парво ҳам қилмайди!

— Бизникилар ҳам «Арарат» билан тиззалари қалтираб ўйнашади-да! — деди ҳазрат Иорам.

— Э, қойилман, отахон! Ўзлари ҳам ишқибоз эканлар-ку! — ҳазиллашди Булика.

— «Минг қилса ҳам одамлармиз, табиатнинг ожиз

бандаси...» — ҳазрат Иорам Николоз Бараташвилидан¹ далил келтирди.

— Агар мени қўлимда бўлганда, командаларимиздан биттасини фақат тбилисилик арманлардан тузардим... Шунақа зўрки улар! «Арарат»га кўрсатиб қўйишарди ўйин қанақа бўлишини... — деди Булика хаёлчан.

— Отахон, бошқа саҳифаларини ҳам ўқинг-чи, футбол ҳам янгилик бўлдими! — илтимос қилди Бачана. Иорам газетани варақлай бошлади, биринчи саҳифага етганда бир оз гарангсиб турди-ю:

— Ишонмайман! — деб хитоб қилди ва газета билан кўзойнакни Бачанага отди.

— Нимага ишонмайсиз? — қайта сўради Бачана кўзойнагини тақаркан. Лекин шу заҳоти ўзи ҳам: — Бўлиши мумкин эмас! — деб юборди.

— Нима бўлиши мумкин эмас? Уруш бошланибдими?! — деди ўтакаси ёрилиб Булика.

— Небиеридзени ишдан олишибди! — жавоб берди Бачана газетадан кўз узмай.

— Небиеридзе? Қайси... Ҳалиги... каттамузми? — Булика ҳангу манг бўлиб қолди.

— Ҳа, ўша...

— Во-о-ой... — Булика бошини сарак-сарак қилди. — Кўп одамнинг пайтавасига қурт тушадиган бўпти-да...

— Ростини айтсам, сира кутмаган эдим... — деди Бачана ўйчан қиёфада газетани бир четга қўяркан.

— Ана холос... Кечагина қандоғ одам эди-ю... Бугун қарасанг... Тушунолмай қолдим! Ишонгим келмайди! — деди ҳазрат Иорам.

— Ишдан бўшатишибдими ёки озод қилишибдими? — сўради Булика.

— Нима фарқи бор, Гогилашвили? Бўшатишди нима-ю, озод қилишди нима? Энг муҳими — кеча бор одам, бугун йўқ! — деди қулочини ёзиб ҳазрат Иорам.

— Нега фарқи бўлмас экан! — Булика ҳазрат Иорам томонга ўгирилди. — Озод қилиш дегани нима ўзи? Бу дегани одам оғир аҳволга тушиб қолган, кечаю кундуз исканжада яшайди... Шунда кимдир ёрдам қўлини чўзиб, уни озод қилади... Мана, масалан, Африкани олайлик... У ердаги халқ азоб-уқубатда кун кечиради, демак, уни озод қилиш керак!.. Бўшатиш дегани-чи? — Бўшатиш дегани — креслога елимдай ёпишиб ўтириб

¹ Николоз Бараташвили (1817–1745) — Грузиянинг буюк романтик шоири.

олган одамни бамисоли мурувватдай бураб ёки михдай суғуриб олиб ташлаш дегани... Тушундингизми?

— Бу ерда «озод қилинди» дейилган, — деди Бачана.

— Демак, аҳволи оғир экан, шунинг учун озод қилишибди боёқишни...

— Иши прокуратурага оширилибди... — қўшиб қўйди Бачана.

— Нега энди? — ҳайрон бўлди Булика.

— Порахўрлик ва ошна-оғайнигарчиликка қарши чора кўрмаганлиги, меҳнаткашларнинг шикоятларига лоқайд қараганлиги учун.

— Тўхтанг, тўхтанг, шуларнинг ҳаммасига фақат Небиеридзенинг ўзи айбдорми?

— Ҳозирча шунақа...

— Қойилман, Небиеридзе! Демак, яхши ишлаган экан! Бошқаларнинг кўзи қаёқда экан, бу ҳақда ёзишмабдими?

— Ўзингнинг кўзинг қаёқда эди? — Буликанинг гапини бўлди ҳазрат Иорам.

— Менга айтяпсизми? — деди ажабланиб Булика.

— Ҳа, сендан сўраяпман! Сен ишчилар синфининг вакилисан. Бир одам шунча ножўя иш қилган экан, сен нега индамадинг, нега қўл қовуштириб ўтирдинг?

— Сиёсий саводингиз йўқ, отахон! Биринчидан, мен ишчилар синфидан эмасман, мен майда хунармандман. Иккинчидан, мен Небиеридзенинг қабулхонасига қатнай-вериб тўзиб кетган пойабзалингизни тузатиш билан овоз эдим...

— Уни менга алоқаси йўқ, — ҳазрат Иорам қўл силтади. — Небиеридзе сизларнинг раҳнамонгиз, худога шукур, менинг ўз қодир эгам бор!

— Ҳар турли бошлиқларнинг болаларини чўқинтириб чўнтагингизни қаппайтирсангиз майли, а?

— Тентак одамсан, Гогилашвили! Бу ишларнинг ҳаммаси худо йўлида қилинади! Қанийди коммунистларнинг барини чўқинтира олсам, нариги дунёда нақ малоикларнинг ёнгинасида савлат тўкиб ўтирган бўлардим!

— Ҳай, майли, сизни бу дунёни ишлари қизиқтирмайди, дейлик... Лекин сизлар-чи, ҳурматли Бачана? Сизлар қаёқда эдингизлар? — Булика энди ёзувчига хужум қила кетди.

— Сизлар деганингиз ким? — деди Бачана ўзини гўлликка солиб.

— Ким бўларди, ёзувчилар-да!

— Бизми?.. Биз... Қаёқда эдинглар, дейсанми? — Бачана каловланиб қолди. «Наҳотки қўл қовуштириб ўтирган бўлсак?» — сўради у ўз-ўзидан, лекин таскин берувчи бирон-бир жавоб тополмагач, таассуф билан деди:

— Биз, азизим Булика, сени ёнингда ўтириб, ўша тўзиб кетган пойабзални тузатаётувдик...

— Мана бу бошқа гап! — Булика яйраб кетди. — Хўш, энди уни нима қилишади?

— Жазолашса керак-да...

— Нима учун?

— Айтдим-ку нима учунлигини...

— Демак, у ҳеч нарсага тушунмас экан, ҳеч нарса-ни билмас экану шунга қарамай, раҳбарлик қилаверган экан-да?

— Шунақага ўхшайди...

— Ўхшайдими ёки шунақами?

— Шунақа!

— Энди мендан эшитинг. Модомики, шунақа экан, у ҳолда уни мукофотлаш, миннатдорлик билдириш, яхши пенсия тайинлаш, ана ўшандан кейин иккала юзидан чўлп-чўлп ўпиб, қўлини маҳкам қисиб хайрлашиш керак эди!

— Қайси хизматлари эвазига? — астойдил таажжубланди Бачана.

— Қайси хизматлари дейсизми? — Булика каравотга ўтириб олди. — Мана сиз — ёзувчисиз, редакторсиз, ҳурматли Бачана Рамишвили, Мағриб билан Машрик қаёқдалигини ҳам тузук-қуруқ билмайсиз, умрингизда на денгизни, на пароходни кўргансиз, дейлик... Мана шундоқ одамни кунлардан бир кун юкорига чақиртириб: «Ўртоқ Рамишвили! Мана сизга пароход, сизни капитан қилиб тайинлаймиз. Мана шу пароходни бутун экипаж аъзолари, йўловчилари, ичидаги юк-пуклари билан Одесадан Архангельскка олиб борасиз!» дейишади. Сиз йўлга тушасиз... Бир кун сузасиз, икки кун сузасиз... Кема чайқалади, тўлқин йўловчиларни коптоқдай у бортдан-бу бортга отади, қусмаган одам йўк... Хулласи калом, шарти кетиб парти қолган пароходда бир амаллаб Архангельскка етиб келасиз. Қани, менга айтинг-чи, денгиз ишидан тамомила беҳабар сиздай бир одамнинг кемани чўктириб юбормай, манзилга етказиб келиши мукофотга арзийдими, йўкми? Арзийди! — Ўз саволига ўзи жавоб берди Булика.

Бачана кулиб юборди.

— Отахон, нега куляптилар бу киши? — Булика хазрат Иорамга юзланди.

— Гапинг тўғри, Булика! Ўша жохил одаминг капитан қилиб тайинлашаётганларида йўқ дейиши керак эди, ҳой биродарлар, мени бу ишга ақлим етмайди, бошқа одам топинглар, деб тўғрисини айтиши керак эди!

— Эҳтимол айтгандиру, лекин кулоқ солишмагандир? Хўп, деявер, ўзимиз ёрдам берамиз, дейишгандир. Шунинг учун ҳам кўна қолган. Иннайкейин, капитанлик лавозимидан воз кечиш ҳам осон иш эмас. Бунинг устига, ундан олдингиси ҳам ҳаминқадар одам бўлган... Сизларда-чи, ёзувчилар орасида йўқми бунақа нарса? — Булика яна Бачанага мурожаат қилди.

— Афсуски, бор. Бор бўлганда ҳам, тез-тез учраб туради.

Кечқурун Буликанинг олдига майда-чуйда кўтариб хотини Света келди. У ҳамма билан алоҳида-алоҳида саломлашиб чиқди, ҳамманинг олдига егулик у-бу нарса қўйди, кейин адёлнинг бир четини қайириб, Буликанинг оёқ томонига омонатгина ўтирди.

— Аҳволинг қалай, азизим? — сўради у кўнгли севинч ва ғурурга тўлиб кетган эридан.

— Отдайман! — жавоб берди Булика ва гапини тасдиқлаш учун пиширилган товукнинг бир оёғини қайириб олиб оғзига тикди, хаш-паш дегунча гўштини ажратиб, қоқ суякни хотинига узатди.

— Тиқилиб қолмагин тагин! — деди Света саросимага тушиб.

— Хотиржам бўл! — Булика товукнинг иккинчи оёғини ҳам ямлади ва оғзини тўлдириб, гапида давом этди: — Хўш, хотиним қалай, хурматли Бачана?

— Ажойиб!

— Арман қизлари орасида бунақа гўзалини учратмаган бўлсангиз керак-а?

— Йўқ, учратмаганман...

— Шунақа! Хотиним онадан битта туғилган!

— Тўппа-тўғри! Ахир ўзинг ҳам чаканамассан-да! — хазиллашди хазрат Иорам.

— Ҳали ўйнашимни кўрмабсиз!. Нақ хурилиқони ўзи! — Булика хотинига кўз қисиб қўйди.

— Вайсақилигинг қурсин!. — Света юзини четга бурди.

— Болалар қани? Нега оталарини кўргани келишмади?! — сохта жиддийлик билан сўради Булика.

— Қаерда бўларди, Автандилжон? Бугун шанба-ку, Нестан — инглиз тилида, Тариэл — фортепианога кетган.

Булика виқор билан гап бошлади:

— Шу десангиз, ҳурматли Бачана, қизим ташқи ишлар министри бўладиган! Арманчани биладими? Билади! — Булика бармоқларини букиб, санай бошлади, — грузинча гапирадими? Гапиреди! Инглизчани ўрганяптими? Ўрганяпти! Мактабда француз тилини ўқитишадими? Ўқитишади? Бунинг устига, қоровулимиз Фузулийнинг қизи Гванца унга аста-секин курд тилини ўргатяпти... Қани, айтинг-чи, қайси бир министримиз бешта тилни билади? Жавоб беринг, отахон!

— Яхши қизинг бор экан, илоҳим кўз тегмасин!

— Ўғлим-чи? Ўғлим — Паганини!

— Паганини скрипкачи бўлган, азизим, бизнинг ўғлимиз пианино чалади, — гапга аралашди эрининг нодонлигидан уялиб кетган Света.

— Ўргатма! Ким нима чалганини ўзим яхши билман! Паганини мен учун энг олий инсон! Тушундингми? Болани скрипкага ўтказаман! Қайси бирига ҳақ тўлашнинг нима фарқи бор? Хўш, сен нима дейсан?

— Ихтиёринг, азизим, билганингни қил, фақат асабийлашма, худо хайрингни берсин! Профессорнинг айтишича, бир ҳафта ичида у сени оёққа турғазармиш, кейинги ҳафтага уйга рухсат берармиш. Фақат бизга қулоқ солса бас, деди.

— Нима, мен қулоқ солмаётган эмишманми? Берган дориларини ичяпман, ҳамма уколларни оляпман... Мана, кўриб қўй... — Булика шошиб адёлни кўтарди.

— Бекит-э, уятсиз! — Света довдираб қолди. — Уйда ҳам мана шу аҳвол, айбга буюрмайсизлар...

— Э, сиз хижолат бўлманг, ҳаммамизнинг ҳам аҳволимиз шу! — деди Бачана уни юпатган бўлиб.

— Бундан ташқари, хотинжон, анчадан буён туриб юрганганимни профессор билмайди. Мана! — Булика полга яланғоч оёқларини туширди, ўрнидан туриб хона ичида бир неча бор намоишкорона у ёқдан-бу ёққа бориб келди. — Хўш, яна нимани кўрсатай? — У атрофига аланглади. — Қани, Света, тур ўрнингдан!

Хайрон бўлиб қолган хотини ўрнидан турди. Булика уни белидан кучоқлади.

— Кўй! Кўй! Кераги йўк, қўйвор! — деб кичқирди ҳазрат Иорам, лекин у кечиккан эди. Булика хотинини даст кўтариб, томоғидан чўлпиллатиб ўпди. Света эрининг кутилмаган бу қилиғидан қийқириб юборди, юзи лавлагидай қизариб кетди. Булика хотинини яна бир неча марта силкитиб, кейин ерга қўйди.

— Кўрдингларми? — хитоб қилди у яшнаб. — Света, кийимларимни опкелавер, эртагаёқ чиқиб кетаман бу ердан! Ётавериш жонимга тегди!

Булика каравот четига ўтирди. У ҳансирар, лекин ўзида йўк хурсанд эди.

— Нима қилиб қўйдинг, тентак! — деди ич-ичидан куйиниб ҳазрат Иорам. Булика томир уришини ўлчай бошлади. Бир муддат хаёлини бўлмаж жим ўтирди-ю, кейин мамнун жилмайди:

— Тамом! Инфарктдан кутулдим! Яшасин ҳаёт! — Шундай деб, у яна хотинига ёпишди.

— Бўлди энди! Одамлардан уялсанг-чи! — Света эрининг бағридан чиқиб, сочларини тузата бошлади.

Ҳазрат Иорам билан Бачана тескари қарашди.

— Илгаригидан оғирроқсан? Нега бунақа, а? Икки-қат бўлмагин тагин! — Булика қовоғини солиб, қўли билан Светага пўписа қилган бўлди, лекин шу заҳотиёқ унга кўз қисиб қўйди.

— Вой, шўрим! Қулоқларим кар бўлиб қолса майли эди шу гапларни эшитгунча! Тилим бор деб валдирайверасанми?! — деди Света жиғибийрон бўлиб, Булика қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Қарайверинглар энди, жаноблар, томоша тамом!

10

Қуёш улкан кумушранг тўшакда ястаниб ётарди. Унинг боши Казбек тоғининг мангу қорлик билан қопланган ёнбағрида камалакдай товланарди. Мажолсиз қўллари пастга осилиб, шалвираб турарди.

Қуёш оғир-оғир нафас оларди.

Қуёш ҳаёт билан видолашарди.

Бачана, ҳазрат Иорам ва Булика тиз чўкканча жон бераётган олам чароғига қўлларини чўзиб, ёлворишарди:

— Бизни тарк этма, қуёш! Ўлмагин, буюк Офтоб!

Уларнинг кўз ёшлари дарёдай кўпириб, Кавкасионини ёнбағридан шовкин-сурон билан пастга — оппоқ туманга бурканган ерга қараб талпинарди.

Куёш эса улкан кумушранг тўшакда ётганча, боши узра фарёд чекаётган одамларнинг оху зорига унсиз кулок тутарди. Эрталаб офтоб Кавкасионни устига кўтарилди, бор кучини йиғиб, энди мовий осмонга сапчимоқчи бўлиб турган эди, бирдан кўкрагида қаттиқ оғриқ сезди. Аввал бир оёғи, кейин иккинчи оёғида чеккалади-ю, бошини Казбек бағрига қўйганча қотди-қолди.

Бутун инсоният жон талвасасига тушган Куёшга изтироб билан тикилиб қолган эди. Кўча ва кўприклар, дала ва йўллар, айвону томлар одамга тўла эди. Дарахтларнинг шохлари болаларга тўлиб кетганидан синиб тушай дерди.

— Бизни тарк этма, Офтоб! — дея инграрди одамзод.

Аммо одамларнинг нидоси унинг қулоғига етиб бормасди. У фақат ўзи томон узатилган ҳад-ҳисобсиз қўлларнию дахшат тўла кўзларнигина кўриб турарди.

— Нега улар бунчалик безовта? — деб шивирлади Куёш.

— Улар сендан тарк этмасликни илтижо қилишяпти! — жавоб берди пиқиллаб Бачана.

— Энди кеч... — деди Куёш. Унинг бир кўзи юмилди.

— Бизни хароб қилма, эй ҳаётбахш Офтоб! — ёлворди ҳазрат Иорам ергача эгилиб.

— Айт, нима сенга азоб беряпти, қаеринг оғрияпти? — сўради хўрсиниб Булика.

— Мени ер дарди азобляпти, — жавоб берди Офтоб, — ер дарди!

— Ахир ернинг дарди ҳам, умри ҳам ўз қўлингдаку! — хитоб қилди ҳазрат Иорам.

— Ер — менинг юрагим, вужудимда фақат ўша яшайди, фақат ўша нафас олади. Қолган барча ҳужайраларим, барча бошқа аъзоларим аллақачон сўнган, ўлган... Наҳотки сизлар, менга топинаётган одамлар, бундан беҳабар бўлсаларингиз?

— Унда сен ўзинг кимсан, Офтоб? — сўради таажжубда қолган Бачана.

— Мен муҳаббат ўтида ёниб кул бўлган одамларнинг оташ руҳиман... Менинг ҳаётим севги йўлида жон берган кишиларнинг руҳидан озиқ олади... Энди менинг умрим ҳам интихосига етди, зеро ер юзида муҳаббат булоғи қуриди, одамлар севгидан эмас, хусуматдан кўпроқ қирилишяпти... Муҳаббатга ҳаёт бахш этинглар, шунда

мен ҳам қайта тириламан... Ёлвораман, одамлар, менга ҳаётни, севги булоғига ташна инсонларни ҳады эдинглар!.. Менга йўқолган муҳаббатимни қайтаринглар, шунда мен ҳам хизматингизда бўлам, одамлар! — Қуёшнинг нафас олиши тезлашиб, тўлғана бошлади.

— О, олам чароғи! Биздан юз ўгирма, раҳм-шафқат қил! Бундан кейин бир-биримизни севамиз, ўлимни ҳам муҳаббатга айлантирамиз! Биз, яъни Автандил, ҳазрат Иорам ва мен, муҳаббатингни қайтаришларини сўраб, ер юзидаги барча одамларга сенинг номингдан мурожаат қиламиз! Имоним комилки, инсоният сенинг қақирингига лаббай деб жавоб беради, нафрат ва адоватни махв этиб, рўйи заминга яна муҳаббат чечакларини экади!.. Фақат бизга оқ фотиҳаю меҳр-шафқат уруғидан берсанг бас! — дея илтижо қилди Бачана.

Шунда Офтоб Бачананинг бошига ўзининг иссиқ кафтини қўйди. Бачана вужудига қуёш ҳарорати билан бирга поёнсиз бир муҳаббат ва шафқат туйғуси сингиб бо-раётганини ҳис қилди. Офтоб бир сесканди-ю, сўнгги бор қаттиқ керишиб... сўнди.

Бирдан Булика ҳали совуб улгурмаган Қуёш бағрига ўзини отди ва йиғлаб ёлвора бошлади:

— Мениям бирга олиб кет, Офтоб! Сенсиз яшаёлмайман! Муҳаббатдай мени бағрингга жо қил! Ўтинаман сендан, олам чароғи!

Бачана билан ҳазрат Иорам бу ҳолни даҳшат ичида кузатиб туришди. Булика жони узилган қуёш бағрига сингиб, нурга айланди, сўнг Офтоб билан бирга ял-ял товланаётган камалак рангига қўшилиб кетди...

...Исо туғилганига қадар йигирма аср ва у туғилганидан кейин яна йигирма аср давомида Бачана билан ҳазрат Иорам сўнган Қуёшни ер юзида кўтариб юришди. Улар етим бўлиб қолган фалакка Офтобни ва зулмат қоплаган заминга нур-зиёни қайтариш мақсадида одамзоддан меҳр-муҳаббат сўраб, дарё-дарё кўз ёши тўкишди. Аммо инсоният миқ этмай, ўз ҳаётининг машғаласи бўлган Қуёшни сўнгги йўлга, қабристонга кузатиб қўйди, зеро, Офтоб учун ер юзида муносиб жой топилмади. Ниҳоят, Бачана билан ҳазрат Иорам ниятларига етиб, Қуёшни момиқ булутлардан ясалган тобутга ётқизишганда зим-зиё осмонда иккита қора гардиш пайдо бўлди — бири ниҳоятда улкан, иккинчиси жуда кичкина бўлиб, каттасининг соясида кичиги аранг кўзга ташланарди. Ўз

чароғидан жудо бўлган одамзод уларга ҳайрат билан тикилиб қолди. Биринчи гардишдан ҳаёт билан видолашган Офтоб, иккинчисидан унинг бағрига сингиб кетган Булика қараб турарди. Бачана уларни таниб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Одамлар, бир-бирларингни севинглар! — хитоб қилди у овозининг борича ва музлаб ётган ерга юзгубан йиқилди.

...Шу алпозда қанча вақт ётганини Бачана эслаёлмади. Баданига сезилар-сезилмас, лекин ниҳоятда таниш тафт ўтганини пайқаганидан сўнг чалқанчасига ётиб, йиғлайвериб хиралашиб қолган кўзларини осмонга қадади. Улкан гардиш энди қизғиш мис тусига кирганди. У аста-секин чўғга айланиб, ёришиб борарди. Кичкина гардиш ҳам қизариб қолганди. Улкан гардиш батамом ярқираб, кўқда яна олдинги Қуёшдай чарақлай бошлаганидан сўнг кичик гардиш турган жойидан кўзғалиб, яшиндай пастга, ерга қараб отилди.

Ер юзи яна нурга кўмилди. Кавкасион тепасида Қуёш чарақлар — илгаригисидан рангпарроқ ва заифроқ бўлса ҳам, аввалгидай ҳаммага кулиб боқарди. Қуёш нафас оларди. Қуёш тирик эди.

— Шараф сенга, севги чироғи! Шараф сенга, ҳаёт! — деди Бачана Офтобга қараб... У ҳам йиғлар, ҳам куларди.

— Бачана... Хурматли Бачана! Кўзингизни очинг!.. — кўрқиб кетган ҳазрат Иорам Бачанани елкасидан ушлаб қимирлата бошлади.

Бачана уйғонди. Бир лаҳза қаердалигини ва ўзига нима бўлганини ҳам англамай, кўзларини катта-катта очганча жим ётаверди. Бир оздан кейин ўзига келиб, каравотда туриб ўтирди. Юраги гупиллаб урарди. Кун чиққан бўлишига қарамай, палата ичи ҳали нимқоронғи эди.

— Нима бўлди сизга, ҳурматли Бачана? Туни билан тўлғаниб чиқдингиз, гоҳ кулиб, гоҳ йиғладингиз... Ёки ёмон туш кўрдингизми?

Бачана кўзларини ишқалади, кейин ўзидан-ўзи бир жилмайиб кўйди. Ҳазрат Иорам каравотига келиб, яна ўрнига чўзилди.

— Туш кўрдим, Иорам ота, шунақа тушки, Коперникнинг ўзи ҳавас қилса ҳам арзийди...

— Қанақа туш экан у?

— Қуёшнинг ўлганини кўрдим!

— Нима?! — Ҳазрат Иорам кулоқларига ишонмади.

— Ҳа. Тушимда Қуёш ўлган эмиш. Тепасида ким йиғлаб турибди, денг?

— Хуш, ким?

— Сиз, мен ва Булика... Бошқа ҳеч ким...

Ҳазрат Иорам Бачананинг ҳикоясига анча маҳалгача жим кулоқ солиб ўтирди. Фақат Қуёшнинг сўзларини такрорлаганидагина беҳолгина чўкиниб қўйди. Кейин боши остида қўлларини чалкаштирганча узоқ вақт шифтга тикилиб ётди.

— Хосиятли туш кўрибсиз, хурматли Бачана! — деди руҳоний узоқ сукутдан сўнг.

— Бу билан иккинчи марта кўришим! — қўшиб қўйди Бачана.

Орага жимлик чўкди. Бирдан Ҳазрат Иорам ўрнидан сакраб турди-ю, оёқ учида юриб, Буликанинг каравоти ёнига борди. Булика кўзларини очганча кимир этмай ётарди. Ранги докадек оқариб кетган эди.

— Автандил! — деди секин Ҳазрат Иорам.

Бачана ҳайрон бўлди — Булика ўзини Автандил деб атамасликларини илтимос қилганидан бери улар бирор марта ҳам бу номни тилга олишмаган эди. Нима учун Ҳазрат Иорам ҳозир бунақа қиляпти?

— Автандил! — такрорлади яна руҳоний овозини сал кўтариб.

— Уйғотманг, майли, ухлайверсин... Кейин ўзига айтиб бераман, — деди Бачана.

— Автандил! — Ҳазрат Иорам Буликани силкита бошлади.

— Уйқуси қаттиқ экан! — деди Бачана.

— Ҳа, қотиб ухлар экан... Сиз ҳам ухланг! Девор томонга қараб, кўзингизни юминг!

— Энди уйқу келармиди?!

— Ухланг деяпман, нарёққа ўгирилиңгу дарров ухланг! — буюрди руҳоний, кейин титроқ қўл билан Буликанинг яхдек юзини юқоридан пастга қараб силади.

— Тинчликми, Иорам ота? — сўради Бачана бутунлай бошқа овоз билан ва кўнгли нохуш бир нарсани сезиб, чаккалари зирқираб кетди.

— Тушингиз ўнгидан келди... Қуёш ўлди!..

Ҳазрат Иорам палата эшигини очди...

Бачана адёлни бошига ўраб, юзини ёстикқа босди ва томоғига қадалиб келган ўкирикни босиш учун ёстик жилдини маҳкам тишлаб олди.

— Ажабо, кўзлари очик кетган мархум, эгаси деразасини беркитмай ташлаб кетган уйга ўхшайди-я... — деди ҳазрат Иорам Буликанинг жасадини палатадан олиб чиқиб кетишаётганда...

11

Меликишвили кўчасига жойлашган дорихона олдида верэлик¹ бир тўда ширакайф ўспиринлар қизгин баҳслашишарди.

Баҳс хашидан² бошланди. Цицка, хаши — ичкиликдан кейинги бош оғриғини тарқатиш воситаси сифатида инсоният кашф этган буюк топилма, деди. Уни Кока билан Коплик қўллаб-қувватлашди. Копака қандсиз чойга мойилроқ эди, Бачана фақат «боржоми»ни, Бердзена «набеглави»³ни, Датико эса коньяк билан аспиринни ёқлаб чиқишди. Гарчи, ҳар бир овоз берувчи ўз фикрида қолган бўлса ҳам, расмий санокдан сўнг табиийки, Цицка ғолиб деб топилди. Тўғри, бош оғриғини қолдиришнинг бирдан-бир йўли ҳаммомга тушиш, дегувчи бошқа гуруҳ ҳам бор эди. Лекин бу гуруҳга кирувчи ўспиринлар ҳозир баҳсда иштирок этмаётганди, улар мутлак кўпчиликни ташкил қилгани учун конкурсдан озод қилинган эди, дарвоқе, улар баҳсда қатнаша олишмасди ҳам, чунки ўз эътиқодларига охиригача содиқ қолган бу йигитлар ҳозир ҳаммомда чўмилишаётган эди.

Баҳс винога кўчди, лекин узоқ давом этмади — биринчи ўрин яқдиллик билан Кохетиянинг саккизинчи рақамли виносига берилди. Сўнг баҳс, албатта, сиёсатга келиб тақалди. Бу масалада тўла ҳамжиҳатликка эришилмади, бироқ узоқ тортишувлардан сўнг барҳаёт сиёсий арбоблар ва ҳарбий саркардаларнинг тутган ўрнини қуйидагича белгилашга муваффақ бўлинди:

1. Сталин
2. Черчилль
3. Эйзенхауэр
4. Де Голль
5. Жуков

Тўғри, Жуков билан Монтгомери рақобатлашарди,

¹ В е р э — Тбилисидаги районнинг эски номи.

² Х а ш и — Кавказда кенг тарқалган таом.

³ «Б о р ж о м и», «Н а б е г л а в и» — минерал сувларнинг номи.

лекин унга иккита овоз етмай қолди, бинобарин, Британия фельдмаршали олтинчи ўрин билан қаноатланишга мажбур бўлди.

Сиёсатдан кейин футболга гал келди. Бу муаммо силлиқ ҳал бўлди. Бутун дунёда верэлик ёшларнинг жисмоний ва маънавий талабларига жавоб берадиган биттагина одам топилди. Бу одам Борис Пайчадзе¹ эди.

Санъат ҳақида ҳам тортишиб кўришди. Бу баҳсда, одатдагидек, Бердзена устун келди, волиблик гултожи Шота Руставели билан Бердзена эркататиб Микела деб атаган Микеланжелога насиб этди.

...Мунозара иштирокчиларининг ёнидан ҳамманинг юрагига чўғ ташлаб верэлик керосинфуруш Аполлон Кавжарадзенинг кизи — хипчабел, нозиктомоқ Гуранда товусдай йўрғалаб ўтиб кетганида, баҳс ирсият ўзанига қараб бурилди.

— Мана шундан кейин ҳам ирсиятни рад этиб кўринглар-чи! — деб хитоб қилди Цицка энтикиб. — Нақ жайроннинг ўзи-я! Фарзандлари қанақа бўларкин ҳали!

— Қўйсанг-чи, ирсиятинг нимаси! Мени ҳам яхши бокиб, яхши кийинтиришса суксурдай бўлиб кетаман! — деди Коплик папирос қолдиғини ахлатдонга улоқтириб.

— Ха-а, ҳақиқатан ҳам зўр қиз! Насли тоза! — Бердзена асосий мавзуга қайтди. — Фақат керосин хиди анкиб тургани ёмон-да!

— Сизларни олий ўқув юртига ким қабул қилган ўзи! Каллаварамлар. Хеч қанақа ирсият, насл, ирқ йўқлигини нахотки шу пайтгача билмасанглар?! Ҳамма одам баравар, инсоннинг шаклланиши эса турмуш шароити ва тарбияга боғлиқ! Ирқчилик назарияси Гитлерни нобуд қилди, сизлар бўлсаларингиз анови нозанин Гурандани деб яна ўша назарияга қайтмоқчисизлар! — деди Кока насиҳатомуз оҳангда.

— Гапини қаранглар-у! Князь Амiredжиби!² Уялсанг бўларди, Кока! — бошини сарак-сарак қилди Цицка.

— Тупурдим Амiredжибингга! Мен материалистман!

— Материалист эмас, майпарастсан! Билдингми! — Цицка Коканинг оғзидаги папиросни юлиб олди.

— Бемаъни гапларни қўйсанглар-чи! — Бачана бирдан тутақиб кетди. — Мен отамга ўхшайман, отам бо-

¹ Б о р и с П а й ч а д з е — узоқ вақт Тбилисининг «Динамо» командасини бошқарган машхур футболчи.

² А м и р е д ж и б и — қадимги Грузиядаги князлар сулоласи.

бомга, бобом эса ўз бобосига ўхшайди, хўш, бу ирсият эмасми? Насл дегани шу-да, ахир!

— Тўғри, лекин ҳамма гап қанақа насл эканлигида!

Бошқалар-ку майли-я, аммо Копака¹ни насли пастликда айблаб бўлмас эди. У Грузия тарихи дарслигида сурати босилган Георгий Саакадзенинг² нақ қуйиб қўйган нухаси эди. Яғрини кенг, бурун парраклари худди араб тулпориникидай бўртиб чикқан, кўзлари катта-катта бу болага уришқоқликда Верэдан то Навтлугигача³ ҳеч ким бас келолмасди.

— Ирсиятни рад этиш ҳаммадан ҳам насли паст одамларга хуш ёқади! — деди Цицка.

— Демак, мен билан Копликни наслимиз паст эканда? Шундайми? — Хафа бўлди Кока.

— Ие, эсингни едингми? Ҳеч қанақа ирсият, насл, ирқ йўқ деган ўзинг эдинг-ку! Нега энди жириллайсан?! — дўк қилди унга Копака.

— Бас қилинглар! Ана профессор Имедашвили кел-япти, ўшандан сўраймиз! — орага тушди Бердзена.

— Ким сўрайди? — деди Коплик.

— Копака. Ичимизда энг наслдори шу! — қочирик қилди Бачана.

— Нега мен сўрашим керак экан? Ана, Бердзена сўрасин! — таклифни қатъий рад этди Копака.

— Йўқ! Бу шарафни Цицкага қолдираман. Дарвоқе, у тиришқоқ студентларга жудаям ўхшайди! — ўзини олиб қочди Бердзена ҳам.

— Бўпти, мен розиман! — Цицка тўдадан ажралиб, қора портфелини қўлтиқлаганча шошмасдан келаётган профессор билан учрашишга чоғланиб турди.

Профессор болаларнинг ёнидан, хатто уларнинг борлигини ҳам пайқамай, ўтиб кета бошлади. Цицка югуриб унинг олдидан тўсиб чиқди ва одоб билан салом берди:

— Салом, ҳурматли профессор!

— Салом.

— Кечирасиз, ҳурматли профессор... Бир масалада тортишиб қолувдик... Шунга сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик...

— Шу ерда-я... Қандоқ бўларкин? — профессор атрофга аланглаб, кўзойнагини тўғрилади.

¹ К о п а к а — овчарка.

² Г е о р г и й С а а к а д з е (1580—1629) — Грузиянинг сиёсий арбоби, атоқли саркарда.

³ Н а в т л у г и — Тбилисидаги районнинг эски номи.

— Марҳамат, бу ёққа юринг! — Цицка уни қўлтиридан олиб, ўртоқларининг ёнига бошлаб келди. Болалар профессорга ҳурмат юзасидан ўзларини четроққа олиб, сувоғи кўчган девор ёнидан унга жой беришди.

— Эшитаман! — профессор портфелини бу қўлтиридан наригисига олди.

— Биласизми, Эқвтимэ Николаевич, — дея гап бошлади Коплик, — ирсият, яъни насл борми ёки йўқми деган масалада баҳслашиб қолдик. Цицка айтадики...

— Ким?.. — қайта сўради профессор.

— Цицка.

— У нима ўзи?

— Цицка — манави-да! — Коплик ўртоғининг елкасига қўлини ташлади. — Исми Давид, биз уни Цицка деб чақирамиз.

— Хўш-хўш, Цицка нима дейди?

— У билан Копаканинг фикрича...

— Копака қайси бири?

— Анови!

— Паспортида шундай ёзилганми?

— Йўқ, паспорти бўйича Тенгиз! — жавоб берди Бердзена.

— Бу йигит ким? — сўради профессор.

— Бердзена!

— Грекми?¹

— Йўқ, гуриялик!²

— Нима?

— Грузин.

— Исми нима?

— Мераб.

— Ўзингизники-чи?

— Коплик.

— Хайрият-е, тўғри исми ҳам эшитарканман-ку!.. Хўш, нима демоқчи эдингиз, Коплик?

— Ҳали айтдим-ку... Мановилар, табиатда ирсият билан насл мавжуд, дейишяпти, Кока иккаламиз эса...

— Ие, ҳали Кока ҳам борми? Ичи бўшми ёки сув солинганми?³ — деб сўради профессор ва ўз ҳазилидан ўзи роҳатланиб кулди. Болалар ҳам хахолаб юборишди, улар профессорнинг кўнглини овлаганларидан хурсанд эдилар.

¹ Бердзени — грек.

² Гурия — Грузиядаги область.

³ Сўз ўйини: «Кока» грузинча «кўза» дегани.

— Демак, Кока билан сиз ирк ва ирсият йўк, демоқ-чисизлар. Шундайми?

— Ҳа, — деди Коплик.

— Тўппа-тўғри!.. Иркчилик назарияси илмга зид, реакция назария. Бу — фашистларнинг назарияси. Лекин ирсият ва унинг ўзгарувчанлигини ўрганувчи генетикага келсак, бу бутунлай бошқа масала...

— Кечирасиз, профессор, — унинг гапини бўлди Бердзена, — наслдор ҳайвонлар-чи? Зотдор отларни етиштиришяпти-ку! Мана, масалан, Александрск боғида наслдор кучукларнинг махсус кўргазмасини ташкил қилишади, уларни олтин медаллар билан мукофотлашади!

— Исмингиз нима эди?

— Мераб!

— Биласизми, азизим Бердзена, кўп асрлар давомида ҳайвонот оламидаги табиий сараланиш оқибатида...

— Ахир инсон ҳам ижтимоий ҳайвон-ку? — Цицка профессорга гапини тугатишга имкон бермади. — Қишлоқ хўжалигида селекция, чатиштириш, янги навлар олиш деган гаплар бор-ку?

— Тўхтанглар, тўхтанглар, дўстларим, бу қанақаси: радиога ўхшаб фақат гапираркансизлару эшитмас экансизлар-да?! — Профессор кулочини ёзган эди, портфели ерга тушиб кетди.

Шу пайтгача миқ этмай турган Бачана дарров портфелни олиб, профессорнинг қўлтиғига қистириб қўйди ва қимтинибгина:

— Кулоғимиз сизда, ҳурматли профессор, — деди.

— А-а... Сизни исмингиз нима?

— Бачана.

— Гап бундай, азизларим Бачана, Кока, Коплик, Бердзена, Цицка, Копака! Бундай масалаларни кўчада ҳал қилиб бўлмайди... Марҳамат қилиб, соат бешдан олтигача кафедрага ёки кеч соат ўндан эрталабгача уйимга келинглар. Истаганларингча мунозара қиламиз. Маъқулми? — сўради профессор гангиб қолган болалардан.

— Агар мумкин бўлса, уйингизга келамиз, — деди Бачана.

— Жуда соз!

— Бизни қўйишармикин? — сўради Коплик ботинкасига қараб.

— Албатта! Верэлик йигитлармиз, десаларингиз бўлди.

— Хайр, мухтарам профессор! — деди Цицка.

— Омон бўлинглар! — профессор бошидаги шляпа-

сини хиёл кўтариб қўйди, сўнг йўлига равона бўлди. Болалар ҳурмат юзасидан бош эгиб қўйишди.

— Ажойиб одам-да, бекорга профессор бўлмаган! — Цицка музокара яқунларига нукта қўйди.

— Болалар, Марго жинни келяпти! — хитоб қилиб қолди бирдан Бердзена.

Верэ бозори томондан, Меликишвили кўчасининг чап ёғидан бутун районга отнинг кашқасидай маълум бўлган Марго қўлларини силкитиб, қувноқ бир қўшиқни куйлаб келарди:

*Кема сузар денгизда
Узоқ ўлкалар томон.
Совға келтирар менга,
Омон-омон, ёр омон!..*

— Хабарда!¹ Верэлик Марго келяпти! — дея қўшиқни ора-сира бўлиб қўяр ва яна давом эттирарди:

*Рақсга тушаман бирга
Хоҳ лезгинка, хоҳ танго.
Кела қолинг, кепқолинг,
Мунтазир сизга Марго...*

Марго маст эди. Уни танийдиганлар жилмайиб саломлашиб ўтишар, кейин орқаларига қараб, афсус билан бош чайқаб қўйишарди. Бегоналар эса фирт маст, бунинг устига ақлдан озган аёлга рўбарў бўлишдан қочиб, йўлақдан катта кўчага тушиб олишарди.

Марго болаларнинг ёнига етиб келгач, иккала қўлини лабига босди-да, кейин кулочини ёзиб, уларга узоқдан бўса йўллади:

— Верэлик йигитларга кайфи ошган Маргодан саломлар!

— Салом, Марго! — дейишди болалар қўлларини кўтариб.

— Ха, кадрдонларим, яна бошларинг оғрияптими? Чўнтакларингда хемириям бўлмаса кераг-а! Юринглар мен билан, азизларим, юринглар, Танц-Геуркага тушамиз, сизларга пиво олиб бераман! — Марго сийнабандидан бир даста ўттиз сўмликни чиқариб, ҳавода силкита бошлади. — Юраверинглар, тортинманглар! Ахир эртага сизлар ҳам мени меҳмон қилишларинг мумкин-ку!

¹ «Қочинглар!», «Йўл беринглар!».

— Марго, азизим, бор уйингга, дамингни ол... Биз ичадиганимизни ичиб бўлдик, — деди Копака мулойимлик билан.

— О, азизим, қаёққа бораман, ёлғиз бошимни қаёққа ураман? Мени уйингга олиб кет! Эсипаст, дарди бедаво Маргога худди сенга ўхшаган одам керак! Ким сенчалик ғамхўрлик қилолади?.. Менга уйлан! Раҳм-шафқат қил! Умрим бўйи сенга етишишни орзу қиламан, сен менинг юлдузимсан! Кел, лоақал бир марта бўлса ҳам паҳлавон кўксингга бағримни босай! Ёки сенга муносибмасманми, а? Мана, қадди-қоматимни кўриб қўй, ичкўйлагимни бир кўриб қўй! — Марго бир кўлини белига қўйди-да, иккинчи кўли билан этагини кўтариб, пастига тўр қадалган қордай оппоқ ичкўйлагини кўрсатди. — Эртага пушти рангини кияман! — Шундай деб, у тезгина кўчани кесиб ўтди-да, болаларнинг олдига келди.

— Бор, Марго, бориб дамингни ол! — Копака аёлнинг елкасидан кучди.

— Менга ҳаммаларинг бараварсизлар, йигитлар! Хоҳлаганларингга турмушга чиқавераман! Ҳаммаларингни баб-баравар яхши кўраман! Сен нега тишингни гичирлатасан, Бердзена? Шунинг учун ҳам сен менга керакмассан! Жудаям инжиқсан, ҳаётимни заҳар-заққум қиласан! Цицка — бошқача! У зиёли йигит...

— Ҳаммаларингни баб-баравар яхши кўраман, дегандинг-ку, — гапга аралашди Бачана.

— Ие, сен ҳам шу ердამисан, етимчагинам? Сеникига албатта бораман. Ўзим чўмилтираман, сочларингни тараб қўяман, куйлақларингни ювиб, шимингга дазмол босаман, кейин қайтиб кетавераман. Кимларга ўхшаб кетибсан? Ойнага бир қара...

— Бўлди энди, Марго, бор... Кўряпсанми, одамлар тўпланяпти... Юр, азизим, ўзим кузатиб қўяман... — Копака аёлнинг қўлтиғидан олди.

— Тупурдим одамларга! Яшасин Верэнинг йигитлари! — Марго Копакани қучоқлаб, кўксига бошини қўйди ва яна ашуласини бошлади:

*Юр, азизим, юргин, кетайлик,
Икковлашиб дунё кезайлик...*

Муюлишга етганда Копака Марго билан хайрлашиб, уни қўйиб юборди. То аёл уйига кетаётганига ишонч ҳосил қилмагунча орқасидан қараб турди, кейин ўртоқларининг ёнига келди.

— Кўй, Копака, кўй, аза тутма! — деди Цицка ўртоғининг маънос бўлиб қолганини кўриб.

Марго Петриашвили кўчасининг охирида, кичкина-кичкина иккита деразали, ертўлага ўхшаган зах бир хужрада истиқомат қиларди. Ҳовлидан хужрага тўртта ёғоч пиллапоядан тушиларди. Устига оқ чойшаб ёпилган стол, оқиш ҳалқаларини занг босган темир каравот, шкаф, иккита стул, дазмол ва дазмол босиладиган тахтача — Маргонинг бор-йўқ бисоти шу эди. Хужра эшигига ҳовлида ўйнаб юрадиган болалар бўр билан «Жинни Марго» деб ёзиб қўйишганди. Аёл уни ўчириб ташламас, хафа ҳам бўлмасди.

— Биринчидан, буни фаришталар ёзган, иккинчидан, тўғри гап, — дерди у.

Отасидан эрта айрилган Марго онасининг қўлида якка-ёлғиз фарзанд бўлиб қолди. Ёқимтой, қадди-қомати келишган, бутун маҳалла аҳли суюб-эркалайдиган бу қиз йилдан-йилга очилиб, чиройига чирой қўшилиб борарди. Верэликлар у билан фахрланишарди. Бу ҳол 1936 йилдаги ўша машғум кунгача давом этди. Шу куни шаҳарни мисли қўрилмаган сел босиб, Нахаловканинг ярмини оқизиб кетди, Пескидаги¹ тегирмонни таг-туғи билан гумдон қилди, ҳаммомларнинг остки қаватида чўмилаётганлар сув остида қолди. Ўша куни Маргонинг офтоби сўнди, толеи бир умрга қаро бўлди.

Бу воқеадан сал олдинроқ верэлик кампирлар Маргони заргар Гогиянинг эркатой ўғли Ваного унаштириб қўйган эдилар. Шаҳарнинг ўша пайтдаги таомилига кўра келинни кўриқдан ўтказишарди — қиз ҳамомда қип-яланғоч бўлиб, ўзини бўлажак қайнонаси билан қайн-синглисига кўрсатиши керак эди. Қизнинг бирор нуксонни йўқмикин, тагин алданиб қолмайлик, деган мақсадда шундай қилинарди. Қайнона ҳам, қайнсингил ҳам, Маргонинг шўрпешона онаси ҳам бор бўлсин! Шундоқ қизни ҳам текширишадими?! Ахир Марго хуркак охудай Петриашвили кўчасидан чопиб ўтиб, Меликишвили кўчасига бурилгунча сотувчилардан тортиб дўконларнинг олдида уймаланишиб турган харидорларгача — ҳамманинг оғзи ланг очилиб қоларди-ку!

Хуллас, ўша якшанба куни эрталаб Маргони аёлларнинг ҳаммомига олиб боришди. Қиз ечиниб, атрофини

¹ На х а л о в к а, П е с к и — Тбилисидаги районларнинг эски номи.

қора қарғадай ўраб олган аёлларнинг қаршисида ғоз турди. Унинг таранг кўксини чулғаб олган симобий сочлари, мрамардай силлиқ бадани, ҳайкал янглиғ беқусур қаддиқоматини кўрган кампирлар ҳангу манг бўлиб қолишди. Улар тишлари тушиб, ўрадай бўлиб қолган оғизларини чалпиллатиб қизнинг латофати хусусида бир-бирларига гап маъқуллаб турган бир пайтда — худди ана шу дақиқада ҳамомга бало-қазодай сел ёпирилиб кирди. Ўтақаси ёрилган аёллар бараварига ўзларини ташқарига уришди, аммо эшикни ичкарига тортиш ўрнига тўс-тўполон билан орқага итара бошлашди ва шу тариқа ўз йўлларини ўзлари тўсиб қўйишди. Лойқа сув бир лаҳзада ертўлага жойлашган ҳаммомни тўлдирди. Дод-фарёдлар тинди... Ёрдамга чопиб келган одамлар ҳеч кимни қутқара олмасликларини тушунишди... Шунда биров ертўлалардан бирининг шифтидаги панжарага ёпишиб олган, кўзлари даҳшатдан бақрайиб қолган қизни эслади. Панжарани кўчиришди, аммо қизнинг унга чангақдай ёпишиб қолган бармоқларини ажратиб олиш осон бўлмади.

Марго бир ой касалхонада ётди. У ҳеч нарса — онаси ва бўлажак қариндошларининг ҳалок бўлганини ҳам, ўша кунги даҳшатли селни ҳам эслаёлмасди, унинг учун гўё ҳеч нарса рўй бермагандай эди... Дўхтирларнинг барча хатти-ҳаракатларидан наф чикмади — қиз мик этмай тураверди... Кейин уни руҳий касалликлар шифохонасига ўтказишди. Марго у ерда ярим йил ётди. Ниҳоят, қиз сал ўзига келди, тилга кирди, аммо акли бир умрга хиралашганини ҳамма тушунди. Шунча вақт ичида аблаҳ Вано келиндан бир марта ҳам хабар олмади, тақдири билан қизиқмади, сариқ чақа ҳам юбормади...

Марго уйига қайтгач, бир ҳафтагача ҳужрасига қамалиб ўтирди, ҳеч кимни киритмади ҳам. Бир куни эрта-лаб қўшнилари қизнинг қўшиқ айтаётганини эшитиб қолишди. Эшикни бир амаллаб очиб, ичкарига киришди. Марго стол ёнида ўтирар, столда икки шиша «саперави» виноси турарди. Шишалардан бири бўш, иккинчиси ҳали тўла эди. Қиз қўшниларини кўриб, бир кулиб қўйди ва яна қўшиқ бошлади:

*Рақсга тушаман бирга
Хоҳ лезгинка, хоҳ танго.
Кела қолинг, кепқолинг,
Мунтазир сизга Марго...*

Кўшнилар ҳам, таниш-билишлар ҳам ўз ташвишлари билан бўлиб кетиб, аста-секин Маргони унута бошлади. Унинг ўзи ҳам ёлғизликка кўникиб қолди. Аммо ҳамманинг ёдидан кўтарилган қиз бирор марта ҳам кўчага чиқиб тиланчилик қилмади.

У ўзига тўқ оилаларнинг кир-чирларини уйда ювиб юрди. Топгани қорнига бемалол етарди. Бора-бора, ўзи ҳам сезмай, ичкиликка ружу қўя бошлади. Қиз ҳаммавақт озода кийинар, ички либосларини ҳар куни алмаштирарди. Қўлига пул тушиши билан тўйиб ичиб олардида, кўчада юриб севган қўшиқларини айтарди, йўловчиларга, кўриб қўйинглар, дегандай эғнидаги қўйлагини кўз-кўз қиларди. Қўйлакни ким тикканини айтишни ҳам зинҳор унутмасди...

Вақт ўтиши билан ичкилик ўз таъсирини кўрсата бошлади. Маргонинг юзи олдинги тиниклигини йўқотиб ажин билан қопланди. Энди эрта сўлиган, маст бўлиб кўчада ашула айтиб юрадиган бу жувонни кўрганлар орасида фақат уни ёшлигидан билган, унинг аввалги латофатини унутмаган маҳалла қарияларигина ачиниб бош чайқаб қўйишарди.

То маҳалла аҳли ақлдан озган Маргонинг қилиқларига кўниккунга қадар шўрпешона қизнинг устидан кулган, уни калака қилган одамлар ҳам бўлди. Шу туфайли Марго сўкинишга ўрганди. Катта кўчанинг ўртасига турволиб, дилини оғритган одамни шундай уятли сўзлар билан ҳақорат қилардики, йўловчилар қулоқларини беркитиб ўтиб кетишарди. Аммо ёш болага кўзи тушди дегунча дарров жим бўлар ва секин уйига жўнаб қоларди.

— Фариштани қулоғини булғатишга ҳеч кимни ҳаққи йўқ, ҳатто худони ҳам ҳаққи йўқ, — дерди у.

Яна бир нарса: Марго шунчалик ночор аҳволда яшашига қарамай бирор марта ҳам қизлик номусига доғ туширмади, иффатини йўқотмади. Верэнинг уни танийдиган ҳар бир фуқароси қизнинг фариштадай поклигига қасам ича оларди...

Кечқурун Марго Бачананикига келди.

— Уйдамансан, етимчагинам? — деб қичқирди у ва жавобни ҳам қутмай хонага кирди. Бачана стол ёнида ўтириб, халқ хўжалигини планлаштиришни ўрганарди — чоршанба куни имтиҳон топшириши керак эди.

— Нима дейсан, Марго? — деди у конспектини бир четга қўйиб.

— Қани, ювадиган нима нарсанг бор? — сўради Марго ва конспектни олиб варақлай бошлади.

— Ҳеч нарсам йўқ. Ҳаммаси эгнимда!

— Қараб кўр, топилиб қолар! — Марго бўш келмади.

Бачана шкафни очиб, полга иккита эски кўйлак билан роса ишқаланиб кетган шимни олиб ташлади.

— Эҳтиёт бўлиб юв, сузилиб турибди ўзи, — илтимос қилди у ва яна конспектига шўнғиб кетди.

— Нахотки конспектинг шунчалик қизиқ бўлса, бош кўтаргинг келмайди-я! — деди Марго девордаги шкафчани очиб.

— Жудаям қизиқ, ундан ташқари яқинда имтиҳоним бор!

— Вой, тентаг-ей! Қизиқ бўлса ўқиганинг учун пул тўлашармиди, қайтанга сендан пул олишарди! — Марго зарда билан шкафни ёпди. — Бўш яшиқни нима қиласан олиб ўтириб? Ҳовлига чиқариб ташла!.. Ичадиган нарсанг борми?

— Валерьянка бор.

— Валерьянкангни имтиҳон олдидан профессорингга бер!

Марго энгашиб, полда ётган шим ва кўйлақларни олди. Қаддини ростлади-ю, афтини буриштирганча қорнини чангаллаб қолди.

— Вой ўлгур-ей, кечадан бери қийнайди-я! — деди у ва кўйлақлардан бирини ёйиб кўриб, бош чайқади: — Нима бу ўзи — кўйлақми ё дастурхонми? Танц-Геуркани бутун менюси ёзилган-ку! Уялмайсанми?

— Уяламан, азизим Марго, лекин иложим қанча?

— Уйлан, тентак, уйлан!

— Шунақа дегин? Хотинни нима билан боқаман?

— Бир-бирларингни ейсанлар!

— Бўпти, уйланаман! — ваъда берди Бачана.

— Кийимларингни эртага кечқурун опкеламан. Беш сўм тайёрлаб қўй, — Марго эшикка қараб юрди. Кейин бирдан тўхтаб, этагини кўтарди-да, чиройли крепжоржет трусигини кўрсатди. — Қани, топ-чи, кимни иштони бу?

Бачана елкасини қисди.

— Ташқи ишлар темир йўли маданият министриники! — деди у ғурур билан ва хонадан чиқиб кетди.

Аммо эртасига кечқурун Марго келмади. «Ичган бўлса, ухлаб ётгандир-да», — деб ўйлади Бачана ва ўзи йўлга тушди.

Хужра эшиги очиқ эди, чироқ ёниб турарди. Марго тўшақда гулдор, пуштиранг тунги кўйлақда ётарди. Унинг

юзи қизариб, бўғриқиб кетган, кўзларида ховур бор эди.

— Ха-а, етимчагинам, келдингми, билувдим келишингни! — жилмайди у ва қўлтиғидан термометрни олиб Бачанага узатди. — Ма, қара-чи, қанчайкин? Ўзим ҳеч нарсани кўрмаяпман, кўз олдимда нуқул сариқ ҳалқачалар айланыпти...

Бачана термометрга қараб, дами ичига тушиб кетди: симоб устунни ўттиз тўққизу тўққизда турарди.

— Нима бўлди сенга, Марго?

— Билмайман, азизим... Қандайдир ярамас ичимни пармалаётганга ўхшайди... Вино ҳам, ароқ ҳам фойда қилмади... Кечгача аранг чидадим... Мана энди ётиб қолдим... Қанча бўпти?

— Кўп... — деди Бачана термометрни столга қўйиб.

— Қанча, ахир?

— Ўттиз саккиз...

— Шиминг билан қўйлақларинг столда турибди. Худоба шукур, дазмоллашга улгурдим... Шкафни очсанг, сирка бор, озгина сув аралаштиргин-да, сочиқни ҳуллаб, пешонамга қўйиб қўй... Бошим тарс ёрилиб кетай деяпти. Шўрлик бошимга шу етмай турувди ўзи...

Бачана Маргонинг илтимосини адо этди.

— Ҳозир бориб, бирортасини олиб келаман, — деди у.

— Кимни?

— Дўхтирни.

— Э-э, мен телбага кимни кўзи учиб турибди дейсан? Уларни қўлида соғ одамлар ўлиб кетяпти-ку қаровсиз қолиб... — жилмайди Марго.

Бачана индамай хужрадан чиқди-ю, Петриашвили кўчасининг этагига қараб чошиб кетди.

Ўртоқлари дорихона олдида нима ҳақдадир баҳслашиб туришарди.

— Марго ўляпти! — деди Бачана ҳаллослаб келиб.

— Нега ўлади?! Кеча шу ерда кўрувдик-ку? — хайрон бўлди Тенгиз.

— Кўрувдик, лекин ҳозир ўляпти! — такрорлади Бачана.

— У нима деганинг! Тушунтириброк гапирсангчи! — жеркиб берди Коплик.

— Айтяпман-ку — ўляпти!

— Нима бўпти? — сўради Цицка.

— Қорним оғрияпти, дейди. Ҳарорати қирк!

— Нима бўлганикин, Датико? — сўради Копака.

— Билмайман, Тенгиз. Дўхтир хирургни чакириш керак.

— Шатиришвилиникига борамиз! — деди Кока.

— Шатиришвилинг — аблаҳ одам! Текинга ҳеч қаяққа бормайди, ҳозир ухлаб ётган бўлишиям мумкин! — Бердзена ижирғаниб, бир четга қараб тупурди.

— Қўйинглар уни! Ҳозир бориб, Вахтангни отаси Игнатий амакини бошлаб келаман, у яхши киши! — Цицка шундай деди-ю, тўдадан ажралиб, чопганча кетди.

Беш минутлардан сўнг болалар оёқ учида юриб Маргонинг хужрасига киришди-да, индамай каравот ёнига тизилишди. Аёл ҳамон типирчилаб ётарди. Болаларни кўргач, тирсагига суяниб гавдасини хиёл кўтарди-ю, кейин яна ўзини ёстиққа ташлаб, хўнграб йиғлаб юборди. Сал ўтмай, қандайдир асабий севинч билан кула бошлади.

— Қадрдон укаларим... Сизларни кутган эдим, хато қилмаган эканман... Азизларим... Нега азага келган одамдай тизилишиб турибсизлар, ўзларингни эркин ҳис қилинглар... Илойим бутун дардларингиз телба Маргога ўтсин...

— Ташвишланма, Марго, ҳозир Цицка дўхтирни бошлаб келади, — деди Тенгиз базўр.

— Дўхтирни нима қиламан? Мен энди ўлмайман... Оғрик ҳам йўқолди, ҳароратим ҳам пасайди... — Марго пешонасидаги ҳўл сочиқни олиб, бурчакка улоқтирди. Бачана сочиқни қайтадан ҳўллаб, яна беморнинг бошига қўйди.

— Етимчагинам, йигитларни сен ваҳимага солдингми? Улардан кечирим сўра! Ҳозироқ сўра! Уҳ-хў! Қайси бемордан, айниқса жинни бемордан шунча одам ҳол сўрагани келган?! Яшавор, Марго! Офарин, Марго! — қиз яна йиғлашга тушди. Болалар нима қилишларини билмай, бошларини қуйи эгганча туришарди. Марго андак ўзини босиб олгач, яна Бачанага мурожаат қилди: — Анови шкафда ёғоч қутича турибди. Шунини олиб бер... Раҳмат... — У қутичани кўксига қўйди, бир оз ўйланиб тургач, қулоғига тутиб силкитиб кўрди, кейин мамнун жилмайди-да, қопқоғини очди. Қутичада нархи арзон узук, исирға, билагузук ва бошқа ҳар хил ялтироқ нарсалар бор эди.

— Мана бу бебаҳо тош Афғонистоннинг пойтахти Қобулдан махсус малика Тамарага келтирилган... — Марго қутичадан мовий кўзли, нархи икки сўм турадиган жез узукни олди. — Буни сенга тақдим этаман, Копа-

ка... Уйланганинда келини ўнг қўлига, ўрта бармоғига тақиб қўй... Маргони совғаси, дегин. Яна шуниям айтгинки, агар мен ёшроқ бўлганимда у қиз сени тушида ҳам кўрмасди... Омадингни берсин!.. Ма, ол!..

Тенгиз узукни олди-ю, бир ютиниб қўйди.

— Мана бу сенинг хотинингга, князь Кока Амиреджиби, хинд маржонидан ясалган исирға... Кўк кўзли, қора соч, оқ бадан аёлларга ярашади... Ма, ол, тортинма!.. — Марго Коканинг кафтига ўйинчоқ исирғани қўйди.

— Мана бу тилла билагузук сенга, Бердзена!.. Доғистон заргарлари ясаган... Бунақа билагузук баланд бўйли, кўкси таранг, қора кўз аёлларга мос тушади... Такдим этаман сенга! — Бердзена Маргонинг қўлидан консерва қутисидан ясалган ҳалқани эхтиром билан олди-да, чурк этмай, хонадан чопиб чиқиб кетди.

— Бу эса менга! — Марго кўксига ипга тизилган кумуш тангаларни олиб қўйди. — Бу маржонни эсимни таниганимдан буён олиб юраман, шунинг учун ҳеч кимга бермайман... Хафа бўлманглар!.. Бачана, яқинроқ кел!

Бачана қизнинг ёнига борди.

— Сенга манави форс зумрадини бераман... Албатта, камбағал, етим қизга уйлангин, бошқаси сени тушунмайди... Ма, ол, илойим бахтинг очилсин!.. — Бачана Маргонинг қўлидан сим ўтқазилган яшил тугмачани олди. — Қолганларини ўзинг тарқат...

Бачана қутичани кўтарганча ҳар қайси боланинг олдига бориб, қўлига илинган нарсани биттадан улашиб чиқди.

— Чарчадим... Бу ўлгур пармалашини қўймаяпти... — Марго инграб, бошини орқага ташлади.

— Бир оз чида, Марго, ҳадемай дўхтир кепқолади! Қўрқма! — деди Коплик овози титраб.

— Нега қўрқарканман? Бу кунни кўпдан буён кутаман, худди қуёш чиқишини кутгандай кутаман... Тезроқ кела қолсанг-чи, ажал, нега мени бунча қийнайсан?! — Марго кўзларини юмди. Икки юзидан тизиллаб ёш оқиб тушди.

— Келди! — деди кимдир.

Хонага профессор билан Цицка кириб келишди. Профессор ҳамма билан бош силкиб саломлашгач, тўппатўғри Марго ётган каравот ёнига борди. Болалар шошиб унга стул қўйиб беришди. Профессор беморнинг томир уришини ўлчаб кўрди, кейин мисдай қизиб ётган пешонасига кафтини қўйди.

Марго кўзларини очди.

— Салом, азизим! — деди профессор кулиб.

Марго қўли билан кўз ёшларини артиб, дўхтирга тикилиб қаради.

— Худо хайрингизни берсин, мухтарам Игнатий! — жавоб берди қиз ҳам жилмайиб.

— Исминни қаёқдан биласиз?

— Сизни ким танимайди? Грузиянинг ярми сиз туфайли у дунёдан қайтиб келган.

— Сал камроғи! — ҳазиллашди профессор. — Хўш, нима безовта қияпти, азизим?

— Манови шумтакалар ярим кечада оромингизни бузгани безовта қияпти!

— Буни ўйламанг, — деди профессор, — касбим шу, кундузи ухлайвераман... Қаерингиз оғрияпти?

— Ичим ёниб кетяпти, дўхтир...

— Қачондан бери?

— Эрталабдан... Йўқ, кечадан, ўтган кундан бери... Аввал ароқ ичсам босиларди... Бугун ётиб қолдим...

— Қани, адеълни кўтаринг-чи! — илтимос қилди профессор.

Марго болаларга, сўнг профессорга қаради.

— Жинни бўлсам ҳам, ҳар ҳолда, уяламан, дўхтир...

— Ҳаммамиз ҳам маълум даражада жиннимиз, лекин ҳеч нарсадан уялмаймиз, — деб тўнғиллади профессор ва ўзи адеълни кўтариб ташлади. Болалар юзларини четга буришди. Профессор тўрт бармоғи билан беморнинг қорнини оҳиста боса бошлади: — Оғрияптимиз?... Оғрияптимиз?

Марго лабини тишлаганча миқ этмасди. Профессор кўриб бўлгандан кейингина қиз инграб юборди:

— Ҳамма ерим оғрияпти, дўхтир, бундан кўра ўлганим яхши...

Профессор адеълни пастга тушириб, беморнинг ўнг тиззасини букди-да, аста-секин юқорига кўтариб, қоринга тиради. Марго қичкириб юборди.

Профессор шошиб ўрнидан турди.

— Телефон борми?

Цицка Маргога савол назари билан қаради.

— Дугладзеникида бор, — деди қиз инграб.

— Дарҳол «тез ёрдам»га қўнғироқ қилинглар, Игнатий Джикия илтимос қияпти, денглар. Тез етиб келишсин!

Цицка чошиб чиқиб кетди.

— Ахволим оғирми, дўхтир? — Марго ўрнидан туриб, каравот четига ўтирди.

— Ётинг, азизим, сизга кимирлаш мумкин эмас! — Шундай деб, профессор қизни яна оҳиста ўрнига ётқизиб қўйди. — Шу пайтгача қаерда эдингиз?

— Ҳечқиси йўқ, дўхтир, ўлим мен учун — байрам. Ўзингизни қийнаманг...

Профессор стол ёнига бориб ўтирди-ю, бошини кафтига тираганча жим бўлиб қолди.

Кока профессор костюмининг ён чўнтагига сездирмасдан пул солиб қўйди. Профессор Кокага қайрилиб ҳам қарамай, пулни олиб столга қўйди. Кейин қўйин чўнтагидан бир даста ўн сўмликни чиқариб, ҳалиги пулларнинг ёнига ташлади. Сўнг ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди. Болалар унга эргашишди.

— Умид борми, профессор? — сўради Бердзена.

Профессор бош чайқади.

— Сираям-а? — деди Тенгиз.

— Бир процент...

— Унга нима бўлган ўзи, профессор?

— Перитонит... Кўричаги ёрилиб кетган... Уч кундан бери шу ахволда юрибди-я... Шунақа ҳам бўлади-ми!..

Ўн беш минутлардан сўнг «тез ёрдам» машинаси келди. Маргони замбилга ётқизиб, машинага олиб боришди. Хужрасидан чиқаётганда у болаларга юзланди:

— Алвидо, Верэнинг йигитлари! Алвидо, кадрдон укаларим! — Шундай деб, у замбилдан хиёл бошини кўтарди-да, ёлвориб илтижо қилди: — Ҳаммомга борманглар! Ҳеч қачон ҳаммомга борманглар! Менинг васиятим шу!..

Маргонинг жасадини сешанбада, 1936 йилги тошқин куни Маргонинг ўзи келтирилган ўша касалхона биносидан чиқазишди.

Бутун Верэ, Петриашвили ҳамда Меликишвили кўчалари одамга лиқ тўлган, Маргони танийдиганлардан кўра уни танимайдиганлар кўпроқ эди.

Гулга кўмиб ташланган тобутни Верэ довонидан саккиз йигит кўтариб борарди, улар билан ёнма-ён яна саккиз нафар тобуткаш одимларди. Тобутдан сал олдинроқда гуллар билан безатилган автомашина ўрмаларди. Гул шунақа кўп эдики, гўё улкан жонли гулдаста қабристонга ўз оёғи билан юриб бораётгандай туюларди.

Меликишвили кўчасида ҳаракат тўхтаб қолди. На автобус, на машина, на трамвай юра оларди. Петриашвили кўчаси муюлишига етганда йигитлар беш минутга тўхташди. Аввал битта машина, кейин иккинчиси, сал ўтмай бошқалари ҳам сигнал бера бошлади. Бир зумда бутун маҳаллани клаксонларнинг овози тутиб кетди.

— Яна қанақа намойиш?! — деб бақирди тасодифан машиналар орасига кириб қолган бошқа бир шофёр кабинадан бошини чиқазиб. — Қачонгача турамиз бу аҳволда?!

— Сигнал бер! — деди унга шу маҳаллалик бир йигит.

— Нега? — ҳайрон бўлди шофёр.

— Керак!

— Керак деганинг нимаси?!

— Керак деганим — мана! — йигит кабина зинасига сакраб чиқиб ўзи сигнални босди.

— Қўлингни торт! Аккумулятор ўтириб қолади!..

— Ҳечкиси йўқ, итариб юргизамиз! — жавоб берди йигит сигналдан қўлини олмай.

— Намунча ваҳима! Қанақа амалдорни кўмишяпти ўзи?! — шофёр хуноб бўлиб, яна кабинадан бошини чиқази.

— Верэлик Маргони кўмяпмиз...

— Кимни?

— Менга қара, бос дегандан кейин босавермайсанми! — йигит шофёрнинг бошини ичкарига итарди. — Қанақа галварссан ўзи?!

Шофёр йигит жиддий гапираётганини англаб, бор кучи билан сигнални боса бошлади. Йигит бошқа машинанинг олдига борди. Ҳаял ўтмай бу машина ҳам сигнал бера бошлади. Йигит сал узоқлашгач, шофёр тўнғиллаб кўйди:

— Жанна Д'Аркни кўмишяптими дейман?!

— Йўқ, Марго жиннини кўмишяпти! — деди шу ердан ўтиб кетаётган бир одам.

— Жиннини?! Жиннини ҳам шунча ваҳима билан кўмишадими?

— Бизда шундай! — жавоб берди шофёрга машина ёнида турган мотам қатнашчиларидан бири.

— Қойилман! Бунақа маҳаллада ўлсанг ҳам алам қилмайди! — хитоб қилди таъсирланиб кетган шофёр.

Кечқурун Танц-Геурка майхонаси верэлик йигитлар билан тўлди. Столлар одмигина тузалган эди — нон,

пишлоқ, вино, редиска. Косагул сайлашмади. Ҳамма жой-жойига ўтириб, гала-говур тингандан кейин Цицка ўрнидан турди-да, стаканига вино тўлдириб, икки-уч томчиси-ни нонга томизди ва тўпланганларга қарата шундай деди:

— Маҳалламиз қайғуси учун, маҳалламиз кўз ёшлари ва қувончи учун, маҳалламиз йўқотган нафосат учун! Ҳамма ўрнидан туриб, стаканини бўшатди.

Шу куни Танц-Геурка майхонасида бошқа бирорта ҳам сўз айтилмади, бирор стакан вино ҳам ичилмади.

— Бўшсан, Рамишвили, бўшсан... — ҳафсаласи пир бўлган профессор истамайгина Бачананинг имтиҳон дафтарчасини варақлай бошлади. — Нима гап ўзи?

Бачана индамади.

— Сенга нима бўлди, Рамишвили? — жавоб ололмаган профессорнинг тоқати тоқ бўлиб кетди.

— Тобим қочиб қолди, мухтарам профессор, яхши тайёрланолмадим...

— Тобинг қочмаган, анови жинни аёл билан ўралашиб қолгансан!.. Кеча тобутининг орқасида, худди туғишганидай, бош эгиб кетаётганингни кўрмабманми?

— У жинни эмас эди, мухтарам профессор, — деди Бачана.

— Ким эди бўлмаса? Шох Ираклийми? Тавба, бутун маҳалла оёққа турибди-я! Икки соат ҳаракат тўхтаб қолди!

— У касал аёл эди, мухтарам профессор, руҳан касал аёл эди! — Бачана ўпкаси тўлиб кетганини сезиб, ўрнидан турди.

— Қаёққа? — хайрон бўлди профессор.

— Бошқа сафар келаман, — деди аста Бачана.

— Сенга бирор яқинлик томони бормиди уни?

Бачана анчагача ерга тикилганча турди, кейин профессорга қараб:

— У менинг опам эди... — деди.

Профессор Бачананинг кўзларига тикилиб қаради. Бачана бу нигоҳга бардош беролмай бошини эгди. Орага жимлик чўқди. Ниҳоят, профессор имтиҳон дафтарчасини ёпиб, Бачанага узатди ва:

— Боравер, Рамишвили! — деди-ю, ўрнидан туриб, дераза олдида борди.

Бачана дафтарчани чўнтагига солиб, хонадан чиқиб кетди.

— Хўш, қалай? Неччи бўлди? — студентлар уни дув қуршаб олишди.

Бачана жавоб бермади. Коридорга бурилмай, зинапоядан чопкиллаганча университет ҳовлисига тушди-да, ўзини бўш скамейкага ташлади. Шу ўтирганча узок вақт ўтирди, у ҳеч нарсани кўрмасди ҳам, сезмасди ҳам. Анчадан кейин чўнтагидан имтиҳон дафтарчасини олиб, беихтиёр очиб қаради.

...Бу — Бачананинг ҳаётидаги биринчи «беш» эди. У дафтарчани ёпди, салдан кейин яна очиб қараган эди, ҳеч нарсани кўра олмади.

Бачананинг кўзлари жикқа ёш эди.

Бачана йиғларди.

12

Буликанинг ўлиmidан сўнг профессор Бачана билан руҳонийни ёмон ўй-хаёллардан асраш ниятида палатага ҳеч кимни ётқизмасликни ва бўш каравотни олиб чиқиб кетишни буюрди. Аммо бўш жой бўш каравотдан ҳам совуқроқ кўринар экан.

Ҳар куни эрталаб уйғонишлари билан Бачана ҳам, ҳазрат Иорам ҳам яқингинада Буликанинг каравоти турган жойга беихтиёр қараб қўйишар, юраклари ич-ичидан зирқираб кетар эди. Кейин, кун бўйи у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ётган пайтларида ҳам, гўё мана ҳозир Булика ҳазил аралаш луқма ташлаб қоладигандай, бирдан жим бўлиб қолишарди.

Бу аҳвол икки ҳафтача давом этди. Кейин вақт ўз ишини қилиб, Бачана ҳам, ҳазрат Иорам ҳам Буликанинг йўқлигига аста-секин кўника боришди...

...Бир куни эрталаб ҳазрат Иорам Бачанага кутилмаган савол бериб қолди:

— Ҳурматли Бачана, сизни Дидуби қабристонига қўйишса керак, а?

Бачана аввалига кулиб юборди, кейин безовталаниб қолди:

— Нима бало, ёмон туш кўрдингизми?

— Шунақа, лекин тушим сизга эмас, ўзимга алоқадор, — жавоб берди ҳазрат Иорам синиқ оҳангда.

— Ундай бўлса, қаерга қўйилишни мендан эмас, сиздан сўраш керак экан... Негадир муғамбирлик қиялп-сиз, отахон!

— Топдингиз... Демокчиманки, мабодо сиз сағанага қўйилсангиз, менга ҳам ўша ердан, черков ҳовлисидан икки қулоч жой топилиб қолар...

— Агар бунақа нуқтаи назардан қаралса, мен ёзувчилар уюшмасининг ҳовлисига кўмилишим керак... Башарти, сиз Дидуби черковига нозир бўлиб ишга ўтсангиз, қабрда девор-дармиён кўшни бўлишимиз ҳам мумкин!

— Демак, сизнинг жойингиз тайин, акс ҳолда, бунақа ҳазил қилмасдингиз! — хулоса ясади ҳазрат Иорам.

— Янглишяпсиз!

— Нима учун?

— Чунки Дидуби қабристонни аллақачон тўлиб бўлган. Мени у ерга тиқиштиришнинг иложи йўқ... Агар тикка қилиб кўмишмаса... Лекин бир нарсага имоним комил: иккала мизни ҳам қабрсиз қолдиришмайди.

Ҳазрат Иорам оғир хўрсинди.

— Қанақа туш кўрдингиз ўзи, отахон?

— Асти сўраманг!.. Шу пайтгача ўзим жанозасини ўқиб, нариги дунёга йўллаган марҳумлар Ортачала черковининг ҳовлисига тўпланиб, менинг чиқишимни кутиб туришганмиш!

— Хўш, кейин нима бўлди? Чикдингизми?

— Э-э... мен кўрқок, мен нодон... меҳробга яширишиб ўтирганмишман... Эсласам, уятдан ерга кириб кетгим ёки ўзимни осиб қўйгим келади!..

— Ўз жонига қасд қилиш, отахон, инсон эркини намоёиш этишнинг энг олий шакли. Лекин, афсуски, бу нарсани динингиз қатъиян ман қилади, ниҳоятда оғир гуноҳ ҳисоблайди! — деди Бачана жиддий оҳангда.

— Билишимча, ўзини ўлдирган одамга сизлар ҳам қарсақ чалмайсизлар шекилли, — жавоб берди ҳазрат Иорам. — Менинг биттагина умидим — жоннинг бошқа шамойилда инъикос этишидан.

— Ёзувчи зоти, отахон, ўз халқининг содиқ ити бўлади... Мен жоннинг бошқа шаклда пайдо бўлишига ишонмайман, мабодо шундай бўлган тақдирда ҳам, менинг жоним ҳеч шубҳасиз ит қиёфасига киради. Бинобарин, мен ўлганимдан кейин кўча-кўйда санғиб юрган дайди итларга раҳм-шафқат қилинг, уларга тош отманг, чунки ўша итларнинг бири мен бўлишим мумкин!

— Ажаб гапларни гапирдингиз, ҳурматли Бачана! Аммо-лекин, ҳар бир ўлган ёзувчининг жони дайди итлар танасига ўтаверса, бу дунёда яшашнинг қизиғи қолармикин? — деди ҳазрат Иорам истехзо билан кулиб.

— Қизиғи қолмайди, албатта, агар сизларнинг жонларингиз бўри қиёфасига кирса!

— Нега энди бўри бўларкан?

— Ўз қавмларидан қочиб, яшириниб олган рухоний арслон бўлармиди! — деди Бачана кулгисини аранг босиб. Ҳазрат Иорам ётган жойида бир кимирлаб қўйди, лекин ҳадеганда жавоб тополмай, нариги ёнбошига ағдарилди.

...Палатага ҳамшира Женя кириб келди. Бачана билан Ҳазрат Иорам дарров адёлни қайириб, юзтубан ётишди-да, укол қилинадиган жойларини очишди. Женя ҳаҳолаб кулиб юборди:

— Бекитинглар, ўртоқлар, бекитинглар! Бу гал қўлимда шприц йўқ... Сизга меҳмон опкеляпман, хурматли Бачана, шу аҳволда кутиб олсангиз қандоғ бўларкин?!

— Меҳмон? Нима иши бор экан? — Бачана ҳушёр тортди.

— Соғлифингиз билан қизиқяпти... Тувак тураверсинми ёки опчиқиб кетайми? — деди Женя ҳамон кулгисини босолмай.

— Эркакми ё аёлми?

— Аёл. Яқинларингиздан экан...

— Ундай бўлса, тураверсин! — Бачана навбатдаги учрашувга ҳозирланди.

— Хўп бўлади!

Женя чиқиб кетди. Шу заҳоти палатага сочларига ок оралаган, ўрта ёшлардаги ҳаракатчан бир аёл кирди. Қўлида семиз папкаси ҳам бор эди. У хонанинг ўртасига етганда тўхтаб, бир оз иккиланиб турди-да, сўнг Ҳазрат Иорамнинг қаравоти томон юрди.

— Салом! Мен оилангизнинг дўсти Нина Санеблидзе бўламан! — деди у ва таклифни ҳам кутмасдан рухонийнинг рўпарасига ўтирди.

— Оиламнинг дўсти? — қайта сўради чол.

— Ҳа. Отангиз Акакий билан менинг дадам Лазарь 1915 йилдан 1916 йилгача Боку саноат техникумида бирга ўқишган.

— Сиз кимнинг олдига келдингиз ўзи? — сўради рухоний ҳайрон бўлиб ва Бачанага бир қараб қўйди. Бачана афтини буриштириб, гаплашаверинг, деган ишорани қилди.

— Кимнинг олдига бўларди? — аёл ҳам астойдил таажжубланди. — Сизнинг олдингизга-да!

— Мени танийсизми? Илгари учрашганмизми? — Ҳазрат Иорам ролга кира бошлади.

— Ё тавба, бу шунчалик қийин нарса эканми? Ҳаммаёқда — радиода ҳам, телевизорда ҳам — фақат сизни

эшитиб, сизни кўрамыз: Бачана Рамишвили... Бачана Рамишвили!.. Лекин сал ўзгарибсиз... сокол қўйворибсиз...

— Ҳа, палата салқинроқ... — ҳазрат Иорам соқолини бир силаб, адёлга яхшилаб ўранволди.

— Албатта! Дард билан ҳазиллашиб бўладими!

— Ҳм... Менинг олдимга бирор иш билан келдингизми, хоним? — руҳонийнинг тоқати тоқ бўла бошлади.

— Ҳа. Аҳволингиз қалай?

— Раҳмат. Ҳозир анча тузукман... Ўзингиз-чи?

— Менми?! Мен ўляпман, адо бўляпман, чўкяпман, ёниб кетяпман! — юрагидагини тўкиб солди аёл.

— Менинг қандай ёрдамим тегиши мумкин? — ҳазрат Иорам ўз хизматини таклиф қилди.

— Ёрдам дейсизми? Ёрдам керак эмас, мени қутқаринг! — талаб қилди аёл.

— Қўлимдан келармикин? — иккилангандай бўлди ҳазрат Иорам.

— Вой, у нима деганингиз?! Сизнинг қўлингиздан келмайдими?! Бачана Рамишвилини-я?! Ҳа-ҳа-ҳа! — ёлғондан кулди меҳмон. — Сизни бир оғиз сўзингиз, тўрт энлик хатингиз, битта қўнғироғингиз...

— Нима илтимосингиз бор? Эшитаман! — Ҳазрат Иорам бу шаддод аёл билан қилаётган суҳбати яқинда Бачана билан муттаҳам тамакифуруш ўртасида бўлиб ўтган мунозарага ўхшаб кетаётганини пайқади.

— Иккинчи август куни, куппа-кундузи, ҳамманинг олдида ўғлимни сўйишди!

Ҳазрат Иорам тахта бўлиб қолди.

— Ким? Қаерда? — деди у базўр.

— Виждонсиз порахўр, эсипаст... Университетнинг бир юзу еттинчи хонасида... — деди аёл йиғламсираб ва бидирлаб қўшиб қўйди: — Ундан кейин бирор нарса ўзгарди, деб ўйлайсизми?

— Кимдан кейин? — тушунмади ҳазрат Иорам.

— Ўшандан кейин! — аёл кўзи билан шифтга ишора қилди. — Мениям, ўғлимниям пичоқсиз сўйди, аблаҳ! Бола боёқишни аудиториядан қўлда кўтариб олиб чиқишди... Уч йил-а! Болани уч фандан — грузинча, инглизча ва тарихдан роппа-роса уч йил тайёрлаган эдим! Ҳар битта фанга етти юз сўмдан тўлаганман! Мана, оқибати!..

Ҳазрат Иорам аёлнинг ўғли тириклигига ишонч ҳосил қилиб, енгил тин олди.

— Мактабда-чи? Мактабда ўқимаганми ўрлингиз?

— Ўзингиз ўқигансиз-ку мактабда! Хўш, нимани ўргатишган?

Ҳазрат Иорам жавоб тополмай, ерга қаради.

— Автандилнинг васиятини¹ ёддан ўқиб беришни талаб қилибди боладан! Ярамас! Имтиҳонга тайёрлагани учун ҳар биттасидан етти юз сўмданни санаб олган ўз ўқувчиларидан сўрасин эди! Автандилнинг васияти-я! Уни Руставелининг ўзи ҳам ёд билмаган, билганда овора бўлиб ёзиб ўтирмас эди!

— Йўғ-е, қўйсангиз-чи! — эътироз билдирди ҳазрат Иорам.

— Ха, нима? Унинг ўзи ҳам ўша лаънати васиятни ўқимаган! Уйинг қуйгур, порахўр!

— Нега унақа деб ўйлайсиз?

— Ўйлайдиган жойи йўқ буни. Башарасидан шундоқ кўриниб турибди!

— Ишонмайман! — ҳазрат Иорам бўш келмади.

— Гаров бойлашамиз! — аёл чолга қўлини узатди.

— Нимадан? — рози бўлди руҳоний ҳам қизиқиб кетиб.

— Хоҳлаган нарсангиздан! Умуман, Руставелини, дунё тарихини ва инглиз тилини ёд билган болаларга университетнинг кераги йўқ! Маълумотга, одатда, маълумоти йўқлар мухтож бўлади! Ана шунақа!

— Хўп. Энди нима қилишимиз керак? — ҳазрат Иорам умумий ва олий таълим тўғрисидаги янги қоидалар тарғиботини бўлиб қўйди.

— Менга ёрдам беришингиз керак! — деди аёл.

Ҳазрат Иорам мадад кутиб, Бачанага қаради. Бачана оғзини сочиқ билан бекитганча, бош чайқаб қўя қолди.

— Қандай ёрдам? — сўради руҳоний хуноби ошиб.

— Олий таълим министрининг олдига бориб келасиз.

— Касалхонада ётибман-ку?

— Қўнғироқ қилинг ё хат ёзиб беринг.

— Нима деб ёзаман?

— Фалончи менинг қариндошим, мактабда аъло ўқиган, яхши тайёрланган, спортчи, дейсиз... Яна нима?

— Билмайман, — деди зарда билан ҳазрат Иорам.

— Мана, мактаб берган справка. Ўқувчилар спартакиадасида учинчи ўринни олган. Узунликка сакраш — уч метр, баландликка — бир метру ўн етти сантиметр...

¹ «Автандилнинг васияти» — Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» поэмасидаги бир боб.

— Унақа бўлса, жисмоний тарбия институтига кира қолсин. Манови оғайним спортчи, ёрдам беради! — ҳазрат Иорам Бачанани кўрсатди. У юзидан сочиқни олиб, маъқуллагандай бош силкиди.

— Нималар деяпсиз?! Жисмоний тарбияга бало борми? — аёл Бачанага жиркангандай қараб қўйди. — Мен сассиқ така эмас, ўғил ўстирмоқчиман!

— Нега унақа дейсиз, хоним? — деди хафа бўлиб Бачана. — Думбадзе, Гокиели, Хникина, Джугелилар¹ жисмоний тарбия институтини тугатишган...

— Спортчимисиз? — унинг гапини бўлди аёл.

— Ҳа.

— Сиз ҳам инфарктмисиз?

— Ҳа.

— Баттар бўлинг!

Бачана кулиб қўйди:

— Раҳмат.

Аёл ўзининг беандиша гапини силлиқлашга уринди:

— Худо шифо берсин!

— Худога ишонасизми? — ҳазрат Иорам севиниб кетди.

— Ўзига ишонганларга худо кўп ёрдам берганми? Сиз менга ёрдам беринг, мен учун худо ҳам, халоскор ҳам сиз бўласиз!

— Қўлимдан келмайди, ўлай агар! — деди ҳазрат Иорам оғир ух тортиб.

— Депутат, муҳаррир бўла туриб, сизнинг қўлингиздан келмаса, бошқа кимнинг қўлидан келади? — аёл жизгинак бўлиб кетди.

— Иложи йўқ! Бунинг устига, ўғлингизга аллақачон икки қўйиб бўлишибди! Келинг, бу ҳақда бошқа гаплашмайлик! — деди чўрт кесиб ҳазрат Иорам ва девор томонга ўгирилиб олди.

— Бўпти, бўпти... — аёл таслим бўлди. — Унда бошқа масалада ёрдам беринг...

— Яна нима?! — ҳазрат Иорамнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Эшитишимча, Первомай райижрокомининг раиси оғайнингиз экан... Бошимизда уй ташвиши бор. Қўшнимиз Сололакидан² тўрт хонали уй олди. Нимага олди,

¹ Нина Думбадзе, Елена Гокиели, Надежда Хникина, Майя Джугели — донг таратган машҳур спортчилар.

² Сололаки — Тбилисидаги районнинг эски номи.

қайси хизматлари эвазига олди, бу ёғи номаълум... Қисқаси, ўшанинг хонасини ўзимизникига қўшиб олмоқчимиз. Ўғлим колониядан хат ёзиб, уйланмоқчиман, дебди. Ҳадемай муддати тугайди. Униям ташвишини қилиш керакми, йўқми? Қилиш керак!.. Тўғри, у хонага бошқа даъвогар ҳам бор, лекин адолат билан қаралса, бизники бўлиши керак. Ён томонга зинапоя ўрнатиб, битта эшик очилса, бизнинг ошхонамиз билан ўша хонанинг айвонини қўшнининг икки хонали уйига улавориш мумкин. Қўшнига Церетели кўчасидан бошқа уй топиб қўйдик. Сал узоқроқ, майдони ҳам тўрт метру ўн тўрт сантиметрга кичикроқ, лекин ремонтини ўзимиз қилиб, берамиз, эрим текинга телефон ҳам қўйдириб бермоқчи. Ўша уйнинг ёнгинасида бир касалманд, сўққабош кампир яшайди. Илойим умри узоқ бўлсину, лекин ҳадемай ўлади. Ўтган йили эрим унга ўғил тутинган, иссиқ-совуғидан ўзимиз хабар олиб турибмиз. Агар кенжамизни иссиғида кампирникига пропискадан ўтказиб қўймасак, ўша битта хонадан ҳам айриламиз, тушуняпсизми? Бутун меҳнатларимиз зое кетади!.. Битта қўнғироғингиз кифоя, ҳурматли Бачана! Кейин умрбод дуои жонингизни қилиб юрамиз!..

— Яхши бўлардику-я, лекин... мен раисни танимаймаман-да... — ҳазрат Иорам пешонасидаги терни артди.

— Сиз танимасангиз, у танийди! — хитоб қилди аёл.

— Билмадим-ов... — ҳазрат Иорам нима қилишини билмай, яна Бачанага қаради. Шўрлик руҳонийга ичи ачиб кетган Бачана энди суҳбатга ўзи аралашмаса бўлмаслигини сезди.

— Мен аниқ биламан, улар бир-бирларини танишмайди!

— Ишонмайман!

— Онт ичаман! — деди Бачана қўлини кўксига қўйиб.

— Балки ўзингиз ёрдам берворарсиз? — аёл энди Бачана томонга ўгирилиб олди.

— Мен фақат жисмоний тарбия институтидагиларни танийман...

— Эсизгина... Ҳа, майли, келаси йили кенжа ўғлим мактабни тугатади. Ўзи сузишга уста, Кобулетида қирғоқдан юз метр нарига сузиб бориб, сув тубидан бемалол тошни олиб чиқаверади! Фамилиянгизни айтворинг, келаси йили албатта сизни қидириб топаман. — Аёл сумкасида қоғоз-қалам олди.

— Келаси йилгача тирик бўлсам, албатта...

— Бу томони ҳам бор... Лекин мен омадли аёлман...
Ҳар эҳтимолга қарши фамилиянгизни ёзиб қўяверай...

Шу ерда етганда Бачана чидаёлмади, бутун ўйинни барбод қилди.

— Ҳа, майли, ёзинг: Бачана Рамишвили! — деди у ошқора ғурур билан.

Аёл қулоқларига ишонмади, оғзи ланг очилиб, қалам ушлаган қўли ҳавода муаллақ қолди.

— Нима дедингиз?

— Ҳа, фамилиям Рамишвили! — такрорлади Бачана.

— Бу киши ким бўлмаса? — аёл ҳазрат Иорамга ишора қилди.

— Бу киши Ортачала черковининг нозири Иорам Канделаки.

Аёлнинг қўли шалвираб тушди, ранги бўздай оқариб кетди.

— Ҳали шу одам, худога ишонасизми, деб сўраб ўтирибдими?!

— Менда ҳам қисман айб бор, лекин... — ўзини оқлашга уринди ҳазрат Иорам.

Аёл ўрнидан турди. Палатага ноқулай жимлик чўкди.

— Инсонпарварлигингиз шуми ҳали? — деди аёл Бачанага еб юборгудай тикилиб.

Бачана индамай елкасини қисди ва тилининг остига валидол ташлади.

— Масхарабозлар! — аёл шундай деди-ю, палатадан отилиб чикиб кетди.

— Ҳа-а... яхши иш бўлмади, — деди ҳазрат Иорам.

— Жудаям... Ҳаммасига мен айбдорман. Кечиринг...

— Кечирдим, илло ўзимнинг ҳам айбим оз эмас, лекин сизга раҳмим келади! Наҳотки ер юзида фақат соғлигингиз билан қизиқадиган одам топилмаса? — ҳазрат Иорамнинг овозида шу қадар ҳамдардлик бор эдики, бу гапни эшитиб Бачананинг ўзи эзилиб кетди. — Кўп одам безовта қиладиганга ўхшайди, а? Қанчасига ёрдам беришга ҳам тўғри келар?

— Сизга осон, одамларнинг ўзлари оёвингизга бош уриб, фақат бир нарсани — гуноҳларини сўраб беришни илтимос қилишади.

— Кўпдан бери шу аҳволми?

— Мухаррир бўлганимдан бери... Агар шу ердан эсон-омон чикиб кетсам, ҳаммасига тупураман, йиғишти-раман бунақа ишни!.. Инсоний қиёфамни йўқотдим, ота-хон, қандайдир хайр-эҳсон комитетининг раисига айла-

ниб қолдим... Илтимос қилавериб, одамларнинг жонига тегиб кетдим...

— Хайр-аҳсон — савоб иш, — деди ҳазрат Иорам.

— Тўғри, умрим бўйи одамларга яхшилик қилиб кел-япман, лекин... ҳалиги аёл. Хўш, яхшилик қилишга арзийдими ўша аёл?

— Иккиюзламачи, мунофик! — деди ҳазрат Иорам дангал.

— Қўлида шам билан тиз чўкиб, оллодан марҳамат тилайдиган мана шунақа мунофикларга сиз қандай қарайсиз?

— Бизни битта устунлик томонимиз бор, ҳурматли Бачана: бизга келувчилар ёрдам сўраб тўғридан-тўғри парвардигорнинг ўзига мурожаат қилишади.

— Ҳа, баракалла, отахон! Сиз ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юкламайдиган умумий формуладан фойдаланасиз, яъни: «Оллонинг иродаси», — деб қўя қоласиз. Жудаям қулай формула, тан бериш керак!.. Лекин биз мураккаб ва аниқ-равшан формулаларга суяниб иш қўрамиз: «Бу қонунга зид!» ва «Бу қонуний!» — деймиз. Бунинг устига биз курашишимиз керак, тушуняпсизми? Сифиниш эмас, курашишимиз керак! Қонунни бузишга қарши ва қонунни қарор топдириш учун курашишимиз керак. Гуноҳкорларни сизлар олло ҳукмига ҳавола қиласизлар, биз эса одил судга топшираемиз!.. Сизларга осон, Иорам ота, сизларга осон!..

Рухоний жавоб қайтармади, бошини аёлга буркаб, жим бўлиб қолди.

— ...Бари бир инсон яхшилик уруғини сочиши керак, — деди у анчадан кейин.

— Лекин бу уруғ қанақа мева беришини олдиндан билиш қийин-да... Агар истасангиз, ўз ҳаётимдан бир воқеани сўзлаб бераман, ўзи эртаққа ўхшаса ҳам, лекин бўлган воқеа...

— Жоним билан эшитаман! — ҳазрат Иорам аёл тагидан бошини чиқазиб, ҳикояни тинглашга шайланди.

— Бир куни котиба қиз кабинетим эшигини қия очиб: «Бачана Акакиевич, қандайдир бир маймун қабул қилишингизни сўраяпти», — деб қолди.

«Майли, кирсин».

Кабинетга кичкина бир маймун кириб, жикқа ҳўл, яхдек қўлини узатди (ҳамма хушомадгўй ва товламачиларга хос белги!), столга алланималар ёзилган бир дас-

та қоғозни кўйди-да, бурчакка бориб, индамай тикилиб тураверди.

Мен қоғозларга кўз югуртириб чикдим. Булар — хикматли сўзлар, қочириқлар, ҳазил-мутойиба ва шунга ўхшаган нарсалар эди. Одатда бунақа нарсалар газеталарнинг яқшанба сониди, сўнгги саҳифада «Бир қайнови ичида...» ёки «Дам олиш соатида» деган умумий сарлавҳа остида бериб борилади. Мен кўриб чиққан қоришиқ ҳам чидаса бўладиган, маймуннинг ўзига мос нарса эди.

«Дарвиннинг таълимотига асосан бу маймун ҳам қачонлардир одамга айланса ажабмас», — деб ўйладим мен ва хикматли сўзларидан уч-тўрттасини газетада эълон қилдим. Шулардан бири эсимда қолган: «Дорихоналаримиздан термометр қидириш учун одамнинг ҳарорати ҳақиқатан ҳам баланд бўлиши керак».

— Чакки эмас! — деди кулиб ҳазрат Иорам.

— Ўшанда мен ҳам шундай деб ўйловдим... Кўп ўтмай маймун яна келди. Ҳеч қайсимиз уни танимай қолдик — у одамга ўхшаб кийиниб олган эди. Яна ҳазил-мутойиба ва қочириқ гаплардан йиғиб келган экан. Уларни ўқидиму услубидан дарров билдим — буларни маймун ёзган эди.

«Менга қара, — дедим унга, — сен яқинда бу ерга келиб кетган анови маймунсан-ку?»

«Тўғри — деб жавоб берди у, — ўша маймунман. Лекин жудаям одам бўлгим келяпти, шу масалада менга ёрдам беринг».

«Хўп, — дедим, — лекин одамни меҳнат яратади. Бориб ишлагин, бир оз сабр қилгин».

«Биламан, — деб жавоб берди у, — бу ҳақда кўп ўқиганман. Бироқ мен сабри чидамайдиган маймунлар зотиданман. Бундан ташқари, кўпчилик мени аллақачон одам қаторига қўшиб қўйган».

«Майли, гапинг ерда қолмасин, — дедим мен, — яна бир жуфт қочириқларингдан босаман, лекин сенга бундан нима фойда? Бари бир, маймунлигингча қолаверсан-ку?»

«Сиз мени сотиб қўйманг!» — илтимос қилди маймун ва миннатдорлик билдириб, чиқиб кетди.

— Табиатан кўнгли бўш одамман. Маймунга раҳмим келди. Бунинг устига у одамларнинг юриш-туриши ва гап-сўзларига жуда келиштириб тақлид қиларди. Хуллас, «асар»ларидан яна икки-учтасини газетада эълон

қилдим. Майли, шу билан тинчиса тинчий қолсин, дедим, қўлидан бошқа яна чима ҳам келарди? Шундай қилиб, бизнинг маймун одам қиёфасига кирди...

— Нахотки унинг одам эмас, маймун эканлигини ҳеч ким пайқамади? — Бачананинг гапини бўлди ҳазрат Иорам.

— Пайқашмади, отахон, пайқашмади! Одамга айланган маймундан кўра, маймунга айланган одамни таниш осонроқ... Яқинда ҳайвонот боғидан учта маймун қочиб кетибди. Милициядагилар дарров шошилишч кенгаш чақириб, қандай қилиб қочоқларни тезроқ қўлга тушириш устида бош қотира бошлашибди. Кенгаш анча чўзилибди. Шунда бир милиционер ўрнидан туриб:

«Ўртоқ подполковник, мажлисни тезроқ тугата қолайлик, маймунлар одамларга араллашиб кетса, топишимиз қийин бўлади!» — деган экан.

— Хўш, кейин-чи? — сўради ҳазрат Иорам сабрсизлик билан.

— Маймунлардан иккитасини топишибди, учинчисини ҳалигача кидиришаётган эмиш... Ҳа, гапдан чалғиб кетдим... Ҳалиги маймун одам қаторига қўшилди... Орадан бир неча йил ўтгач, яна тахририятга кириб келди. Бу гал... ҳикоялар олиб келган эди. Уларни ўқидиму тепа сочим тикка бўлиб кетди.

«Ҳой, ноинсоф, бу нима қилганинг?! — дедим унга, — шуни ҳикоя деб кўтариб келдингми?!».

«Нега унақа дейсиз? — хафа бўлди маймун, — менга танқидчи сифатида ҳикояларим жудаям ёқади!»

«Ёпирай, — ҳайрон бўлдим мен, — ҳали танқидчи ҳам бўлиб олдингми?»

«Ҳа, — деди у ғурур билан, — танқидчиман, илмий даражам бор, радио-телевизорга чиқиб тураман, «Билим» жамияти йўли билан маърузалар ўқийман, олий ўқув юртларидан бирида дарс бераман».

Маймуннинг маърузасини эшитиб юрган талабаларга раҳмим келди, лекин иложим қанча? Мен кафедра мудири ёки ректор эмасманки, маймуннинг кавушини тўғри-лаб қўйсам. Бунақа қилишга маънавий ҳаққим ҳам йўқ — ахир, уни ўзим одам қаторига қўшганман-ку!..

— Лекин сиз одамларга, бу киши лектор эмас — маймун, дейишингиз мумкин эди-ку! — деди ҳазрат Иорам таъна билан.

— Айтиб ҳам кўрдим, отахон, лекин кечиккан экан-

ман... «Сен ўзинг маймунсан!» — деб жавоб беришди одамлар.

— Ажаб бўпти!

— Ҳақ гап! — деди Бачана.

— Кейин нима бўлди? — ҳазрат Иорам ростдан ҳам бўғилиб кетган эди.

— Нима бўларди, хикояларини қайтариб бердим...

— Индамай олавердим?

— Тўполон қилди! Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлмаганим учун шундай қиялмасиз, деди. Яқинда уюшмага кираман, ана ўшанда гаплашамиз сиз билан, деб пўписа қилди! — Сендақа маймунларга уюшмада ўрин йўқ, демоқчи бўлдим, лекин тилимни тишладим...

— Нега гапирмадингиз, ҳурматли Бачана! — деди ҳазрат Иорам жигибийрон бўлиб.

— Чунки илгари ундан баттарроқларига ҳам ёзувчилар уюшмасига кириш учун тавсиянома ёзиб берганманда, Иорам ота!.. — Бачана индамай қолди.

— Кейин қайтиб учрашмадингларми?

— Учрашмай бўладими! У ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлди, ҳатто мен билан дўстлашиб ҳам кетди. Ҳар қадах кўтарганда: «Отам! Устозим!» — демаса кўнгли ўрнига тушмас эди... Кейинроқ, менинг номзодимни депутатликка қўйишганда атайлаб райком секретарининг олдига бориб, миннатдорлик билдирибди.

— Йўғ-е!

— Рост. Секретарнинг олдига кириб, шундай дебди: «Грузин ёзувчилари номидан, китобхонлар номидан, кадрдонимиз Бачана Рамишвили ишлаётган газета тахририяти ходимлари ҳамда кўпдан-кўп дўстлари номидан унга билдирилган юсак ишонч учун, ҳурматли Николай Петрович, сизга чин қалбдан миннатдорлик билдираман. Фақат сиздай принципаал, дадил ва олижаноб коммунистгина Бачана Рамишвилининг ўтмишидан кўз юмган ҳолда, фақат унинг шахсий фазилатларига қараб, ҳукм чиқариши мумкин...»

«Қанақа ўтмиши?» — деб сўрабди хайрон бўлиб секретарь.

«Арзимаган гаплар! Энг муҳими, сиз мана шунақа икир-чикирларга парво қилмагансиз. Масалан, Рамишвилининг ота-онаси бир вақтлар қувғин қилинган, ўзи ёшлигида турмада ўтириб чиққан... англашилмовчилик орқасида, албатта... Лекин, ўзингиз биласиз, анкета анкета-да... Ёки, айтайлик, яқинда Рамишвили муҳаррир-

лик қилаётган газетада «большевиклар» деган сўз ўрнига «меньшевиклар» деган сўз ўтиб кетган... Сизнинг инсонийлигингиз, принципиаллигингиз ҳам шунда-да!.. Бунақа фактлардан кўз юмиш, ҳали жуда ёш, айтарли хизмати ҳам йўқ бир одамга шунчалик катта ишонч билдириб, таваккал қилиш ҳазил гапми! Бунақа иш фақат сиздай кўпни кўрган, принципиал раҳбарнинггина қўлидан келади. Биз сизни ана шундай коммунист деб биламиз, ҳурматли Николай Петрович! Сизга қандай миннатдорлик билдиришни ҳам билмайман! Раҳмат, минг раҳмат сизга!» — Мана шундоқ депти маймун райком секретарига... — деб ҳикоясини тугатди Бачана.

— Ҳозир қаерда у? — деб сўради ҳазрат Иорам бу гаплардан хангу манг бўлиб.

— Ким билади... Эртага мени кўргани келиб қолиши ҳам мумкин...

13

Бачанани партия аъзолигига номзодликка қабул қилиш масаласини райком бюросига қўйишдан олдин уни райкомга суҳбатга таклиф этишди.

Бачана парткабинетга кириб, узун стол ёнидан жой олган уч нафар эркакка таъзим қилди-да, пойгаҳга қўйилган стулга омонатгина ўтирди.

— Ўртоқ Рамишвили, бугунги суҳбатимиз расмий ҳарактерда бўлади. Мақсад битта: партия ўз сафига кимни қабул қилаётганини яхши билиб олиши керак. Бинобарин, агар эътироз билдирмасангиз, сизга бир нечта савол берамиз. Эҳтимол, сизнинг ҳам бизга саволларингиз бордир, — деди Бачанага столнинг ўнг томонида ўтирган киши. Унинг олдида Бачананинг шахсий делоси турарди.

— Марҳамат, бемалол, қандоқ лозим бўлса... — жавоб берди Бачана ва юраги гупиллаб уриб кетганини сезди. Бу суҳбат кўпроқ имтиҳонни эслатарди, фарқи шунда эдики, имтиҳон олувчилар ҳозир хоҳлаган фанларидан савол бера олардилар.

— Авваламбор танишиб қўяйлик. Биз — кекса большевиклармиз. Менинг исмим Александр, фамилиям Иорданишвили, — деди суҳбатни бошлаган киши. — Булар менинг дўстларим: Ваню Бандзеладзе ва Давид Манагадзе.

— Беҳад хурсандман, салом! — Бачана ўрнидан сал қўтарилди.

— Марҳамат, ўтиринг! — Иорданишвилининг товуши паст, ширали бўлиб, ўзи чўтир, қўйкўз, кирғийбурун киши эди. — Мени бир нарса қизиқтиради: нима учун шу пайтгача партияга ўтмагансиз?

Бачана шу саволни кутиб турган эди, сийқа жавобни ҳам тайёрлаб қўйганди: яъни, коммунист деган юксак номга ҳали муносиб эмасман деб ҳисоблаб келардим, демокчи эди. Лекин бошқача жавоб қайтарди:

— Шу пайтгача мени қабул қилишмаган!

— Нима учун? — сўради юзлари қип-қизил, бурни пучук, кичкина кўзлари ўйнаб турадиган Бандзеладзе. Бачана унинг кўзлари қанақа рангдалигини сира илғай олмади.

— Аризамда ҳаммаси ёзилган...

Иорданишвили шахсий делони очиб, Бачананинг аризасига кўз югуртириб чиқди, лекин ҳеч нарса демади.

— Ота-онам бадном қилинган, — қўшиб қўйди Бачана.

— Ҳозир улар оқланган, — деди Иорданишвили шерикларига қараб.

— Ундай бўлса, комсомолга қанақа қилиб киргансиз? — мурожаат қилди Бачанага боши Кавказ овчаркасиникидай катта, сочлари пахмоқ Манагадзе. Унинг кўзлари жудаям мулойим боқарди.

— Ота-онам қамалганини яширганман...

Сухбат ўтказаетганлар ажабланиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

— Шунақа денг... Мактабдагилар буни билишмасмиди? — сўради Манагадзе.

— Билишарди. Комсомол комитетининг секретари ҳам биларди.

— У ҳам индамадими?

— Ҳа.

— Нега энди?

— У менинг яқин дўстим эди... Уруш кетаётган оғир йиллар... У пайтда комсомолга хўжакўрсинга киришмасди... Буни дўстим яхши биларди...

— Яна ким биларди?

— Ҳамма биларди... Райкомдан ташқари.

— Ҳеч ким сотиб қўймадими?

— Ҳа, ҳеч ким сотмаган! — жавоб берди Иорданишвили Бачана учун ва унинг делосини бир четга суриб қўйди.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, ота-онангиз қамалганини била туриб, сизни комсомолга қабул қилишармиди?

— Йўқ, қабул қилишмасди!

Хамма жим бўлиб қолди.

— Айтинг-чи, — гап бошлади Бандзеладзе, — юрагингизда ота-онангизнинг алами бўлганми, ҳозир ҳам шу алам туйғуси борми?

Бачана салбий жавоб бериши кераклигини — йўғ-е, қанақа алам бўлиши мумкин, дейиши лозимлигини биларди. Лекин у тўғриси айтишни афзал кўрди:

— Бор эди! — деди ва қўллари титраб, қутидан папирос олди.

— Менга ҳам беринг! — қўлини чўзди Манагадзе ички бир ҳаяжон билан. Бачана унга папирос қутиси билан гугуртни узатди.

— Кейин-чи?.. Ўтиб кетдими ўша алам? — сўради Бандзеладзе қутидан папирос олиб.

— Ўтиб кетди... Лекин орадан кўп йиллар ўтгач, яна пайдо бўлди. — Бачана буруқситиб ичига тутун тортди.

— Қачон?

— Ота-онамни оклашганидан кейин. Ўшанда мен суюниш ўрнига қаттиқ ўксидим... — Бачана папиросини ўчириб, янгисини тутатди. — Чунки шунча йиллар давомида биз ноҳақ азоб тортдик, ноҳақ камситилдик...

— Ҳозир қаерда ота-онангиз? — сўради Йорданишвили.

— Улар вафот этишган.

— Ҳозир мана шу кайфият билан партияга киряпсизми? — сўради Бандзеладзе.

Бачана ўйланиб қолди. Бандзеладзе бетоқат бўлиб, оғзидаги папиросни чайнай бошлади. Сукунат чўзилиб кетди. Ниҳоят, Бачана тилга кирди:

— Биладан, тарих зиддиятларга тўла... Одамлар хато қилишади — хоҳ ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз... Кейин улар ўз хатоларини тузатишади — биров олдинроқ, биров кечроқ. Баъзилар, нимаики иш қилган бўлсам — ҳаммаси тўғри деб, шунга астойдил ишониб дунёдан кўз юмишади: уларнинг хатосини келгуси авлод тузатади... Менга алам ўтказган кишилар жазоларини тортиб бўлишди, улар ҳозир абадийликка юз тутишган... Энди бошқарув ишига янги авлод, менинг тенгдошларим келяпти. Улардан қасос олишга менинг ҳаққим йўқ. Аксинча, олдинги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун ҳам мен уларнинг ёнида

бўлишим керак. Бунинг устига, улар тутган йўлнинг ҳақлигига ишонаман, бу йўлни ўз йўлим деб биламан. Яна бир нарса, энг муҳими, ёзувчининг субъектив бўлишга ҳаққи йўқ! Обьективлик туйғусини йўқотган ёзувчининг ижоди сариқ чақага ҳам арзимади!

Бандзеладзе маъқуллаб, бош силкиб қўйди. Иорданишвили янги савол берди:

— Владимир Ильич Лениннинг Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон ва Тоғ республикаси коммунистларига мактуби билан танишмисиз?

Бачана узок ўйлаб туриб, жавоб берди:

— Ҳурматли Александр, мабодо ўртоқ Лениннинг бу ёки бошқа хатлари билан таниш бўлмасам, мени партиёга қабул қилишадими, йўқми?

Иорданишвили бир гудранди-ю, индамай қолди. Шундай кейин Бачананинг ўзи гапни давом эттирди:

— Сиз мендан фақат ўзингиз билган нарсаларни сўра-яписи ми ёки билишим зарур бўлган нарсаларни сўра-яписи ми?

— Билиб қўйсангиз чакки бўлмайдиган нарсалар ҳақида сўраяпман, ўртоқ Рамишвили... Бу мактуб бизга ва бизнинг дўстларимизга қарата ёзилган...

Бачана ноқулай аҳволда қолди. Ўрнидан туриб, бир нима демоқчи бўлган эди, Иорданишвили имкон бермади:

— Хайр, ўртоқ Рамишвили! — деди у ҳам ўрнидан туриб.

Бачана титраб кетди. «Тамом!» деган даҳшатли ўй кечди кўнглидан ва шу оннинг ўзида кўкрагида қаттиқ оғриқ сизди. Стулга ўтирди-ю, юрагини чангаллаб қолди.

— Нима бўлди сизга? — деди Манагадзе типирчи-лаб.

Бачана бир амаллаб ўрнидан турди.

— Ҳечкиси йўқ, ҳурматли Давид, ўтиб кетади... Мана, ўтиб кетди! — жилмайди Бачана.

— Эртага соат бирда масалангиз бюрода кўрилади. Ўйлайманки, ҳаммаси жойида бўлади... Анови хатни ҳар холда қайта ўқиб чиқинг, агар вақт топсангиз... — мас-лаҳат берди Иорданишвили.

— Ҳурматли Александр, «Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Доғистон, Тоғ республикасидаги коммунист ўртоқларга» деган мактубини Ленин 1921 йилнинг 14 апрелида ёзган, ўша йилнинг 8 майида бу мактуб «Правда Грузии» газетасининг элик бешинчи сониди босилиб чиққан...

— Қизик одам экансиз, Рамишвили! — деди кулиб Иорданишвили. — Хайр!

— Хайр, сизларга катта раҳмат! — Бачана ҳамма билан қўл бериб хайрлашди-да, парткабинетдан чиқиб кетди.

Роппа-роса соат бирда Бачанани райкомнинг биринчи секретари кабинетига таклиф қилишди. У кабинетга кириб, узун стол атрофида ўтирган бюро аъзоларига таъзим қилди ва девор ёнига қатор қилиб қўйилган стулларнинг қайси бирига ўтиришни билмай, бир оз каловланиб турди. Бундай пайтларда умуман ўтириш мумкинми, йўқми — Бачана яхши билмасди.

— Марҳамат, ўтиринг! — деган таниш овоз эшитилди.

Бачана бошини кўтарди ва шундагина райкомнинг ёш секретарини кўрди. У ўнг кўзини қисганча Бачанага жилмайиб қараб турарди. Бачана ўртадаги стулларнинг бирига ўтирди.

— Менимча, узоқ таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак, — деди райком секретари ўрnidан туриб. — Бачана Рамишвилини ҳаммамиз яхши биламиз. Бугун у катта оиламизнинг аъзоси бўляпти... Сизларни ариза, анкета ва тавсияномалар билан таништираман...

— Кераги йўқ! — деди кимдир.

Секретарь Бачананинг шахсий делосини бир четга қўйиб, ўтирганларга мурожаат қилди:

— Саволлар борми?

— Менда савол бор! — деди бюро аъзоларидан бири. Бачананинг аъзойи бадани музлаб кетди.

Секретарь унга ғалати бир қараб қўйди.

— Марҳамат!

Орага, Бачанага сўнгсиздай бўлиб туюлган қиска сукунат чўқди.

— Айтинг-чи, ўртоқ Рамишвили, партияга нима мақсада киряпсиз?

Ҳамма Бачанага қаради. У ўрnidан туриб, рўмолчаси билан юзини артди, жавоб беришга оғиз жуфтлади-ю, лекин бирдан тўхтаб қолди. Бачана Рамишвили коммунистлар партиясининг аъзоси бўладими ёки йўқми — ҳозир мана шу масалани ҳал қилаётган одамларга у нима дейиши керак? Бунақа пайтда қандай жавоб бериш лозимлигини Бачана биларди: партия Устави ва Программасига тўла-тўқис қўшилади, партиянинг барча топ-

шириқларини сўзсиз бажаради, партия иши учун жонини қурбон қилишга ҳам тайёр, коммунистик жамиятнинг актив қурувчиси бўлмоқчи... — бу гапларни у ёддан биларди, лекин ҳозир шундоқ дейиш унга ўринсиз, кулгили бўлиб туюлди. Зеро, бу ишларни бажариш учун коммунист бўлиш шарт эмас. Бундан ташқари, бюро аъзолари орасида унга монелик қиладиган биронта ҳам одам йўқ эди... Шунинг учун Бачана:

— Партия сафларида ҳалол одамлар иложи борича кўпроқ бўлишини хоҳлайман, — деди-ю, жойига ўтирди.

Кабинет ичидан худди майин шабададек ҳайрат шивирини елиб ўтди. Кейин жимлик чўқди. Бачана бошини қуйи эгганча ўтирарди. Бир оздан сўнг кулоғига секретарнинг:

— Ўртоқлар, мен Бачана Рамишвилини болалигидан бери биламан, айтишим мумкинки, у сочидан тирноғига-ча коммунист, — деган сўзлари эшитилди. — Шу сабабли аллақачондан бери уни коммунист деб ҳисоблайман ва номзодини батамом қўллаб-қувватлайман. Бачана Акакиевич Рамишвили Совет Иттифоқи Коммунистлар партияси аъзолигига номзодликка қабул қилинсин, деган ўртоқлар қўл кўтарсин.

...Шунда партия тарихида бирор марта ҳам учрамаган ҳодиса юз берди: бошқаларга қўшилиб, Бачана Рамишвилининг ўзи ҳам қўлини кўтарди.

14

Тбилисида икки кун тўхтамай лайлаққор ёғди. Транспорт ҳаракати тўхтаб қолди. Кўчалар шўх-шан овозларга, шодон қаҳқаҳаларга, тийғаниб йиқилган одамларнинг хитобларию қорбўрон ўйнаётган ёш-ялангларнинг қийқирикларига тўлиб кетди. Ҳаво тозаланиб, аллақандай енгил ва тотли таъм касб этди. Гўё оқбадан Тбилиси қор маликаси янглиғ ўз кўчаларида сайр этиб юрар, бемаврид оқарган кумушранг сочларини шаҳар аҳолиси олдида кўз-кўз қиларди.

Кеч соат тўққиздан ошганди. Бачана пальтосининг ёқасини кўтариб, иккала қўлини чўнтақларига солганча Ваке боғида бамайлихотир айланиб юрарди. У ҳеч нарса ҳақида ўйламас, сеҳрли қор пардасининг юзларини ёқимли чимчилашидан жимгина роҳатланарди. Мосашвили кўчасининг муюлишига етганда бурчақдан отилиб чиққан аёл билан тўқнашиб кетишига сал қолди. Тасодифдан икковлари ҳам чўчиб тушишди. Бир неча дақиқа

қапишганча туришгач, бу орада Бачана унинг катта-катта, чакноқ кўзларини илғашга улгурди, аёлга тезгина йўл бўшатиб, гўё айб иш қилиб қўйган кишидай, шошиб ундан узр сўради:

— Худо ҳаққи, кечиринг, калбатоно!

Кейин, бундай мурожаат учун аёл жудаям ёш эканини пайқаб, қўшиб қўйди:

— Кечиринг, яхши киз!

— Ҳечқиси йўқ! — жавоб берди аёл ва йўлига раво-на бўлди.

Бачана узоқлашиб бораётган аёлнинг орқасидан тикилганча ўйга толди: «Агар дунёда адолат ва ички сезги деган нарса бор бўлса, ҳозир у орқасига қараши керак!» Ростдан ҳам аёл қайрилиб қаради. Бачана аста унга томон юра бошлади, аёл ҳам изига қайтди. Бир-бирларига юзма-юз бўлгач, тўхташди. Бачананинг нафаси бўғзига тикилгандай бўлди.

— Салом!

— Салом! — жавоб берди аёл унга қўлини узатиб.

Бачана апил-тапил қўлқопини ечди-да, аёлнинг юмшоқ ва илиққина қўлини ушлади. Кўзларига қараб туриб, нотаниш жувоннинг ҳам қаттиқ ҳаяжонланаётганини сизди.

— Қаёққа кетяпсиз? — Бачананинг миясига келган биринчи савол шу бўлди.

— Уйга, — деди аёл қўлларини мўйна пўстинининг чўнтагига солиб.

— Жудаям чиройли экансиз! — Бачана шундай деди-ю, дув қизариб кетди.

— Биламан, — жавоб берди аёл хотиржам.

— Ўз гўзаллигини англаш туйғуси ҳам ажойиб бўлса керак, а?!

— Қайдам... — аёл елкасини қисди.

— Албатта, яхши-да! Масалан, мен чиройли аёлларни кўрсам, ҳаммавақт роҳат қиламан! — Бачана энди ўзини анча босиб олганди.

— Сезилиб турибди! — деди аёл жилмайиб.

— Балки, бемаъни саволларим билан вақтингизни олаётгандирман? — Бачана бирдан эсига тушиб қолгандай оҳангда гапирди.

Аёл йўқ дегандай бош чайқади.

— Бачана Рамишвилига жудаям ўхшар экансиз!

— Жудаям! — деб жавоб берди севиниб кетган Бачана ва кўнгли ғурур ҳиссига тўлди.

— Сизга бошқалар ҳам бу ҳақда айтишганми?
 — Мени танийдиганларнинг қарийб ҳаммаси!
 — Ҳайратланарли ўхшашлик!
 — Шу қадар ҳайратлики, ҳатто паспортимга ҳам
 Бачана Рамишвили деб ёзилган! — деди кулиб Бачана.
 Аёл унга шубҳаланиб қараб қўйди.
 — Қани, фуражкангизни олинг-чи!
 Бачана қор босган фуражқасини ечиб, тиззасига урди.
 — Ё тавба! — деб хитоб қилди аёл. — Ростдан ҳам
 Бачана Рамишвили экансиз-ку!
 — Исмингиз нима? — сўради Бачана юрак ютиб.
 — Қизимнинг исми Майя...
 Бачана довдираб қолди.
 — Қизингиз бир ёшда бўлса керак-да? — деди у бу
 ёғини силлиқлашга уриниб.
 — Ўн еттида!
 — Қўйинг-е!
 — Майяни ўртага қўйиб онт ичаман!
 — Ўзингизнинг исмингиз нима?
 — Мария.
 — Жудаям гўзалсиз, Мария!
 — Сиз ҳам...
 Бачана уялиб кетди.
 — Йўғ-е...
 — Майяни ўртага қўйиб онт ичаман! — такрорлади
 аёл.
 — Ё қизингиз йўқ, ёки онтингиз самимий эмас! —
 деди Бачана афсуслангандай.
 — Бор гапни айтяпман! — жавоб берди аёл жиддий.
 Сўнг шартта бурилди-да, жўнаб қолди.
 — Тўхтанг! — деб қичқирди Бачана. Аёл тўхтади. —
 Сизни кузатиб қўяман!
 — Узоқда тураман.
 — Қаерда?
 — Воронцов кўприги ёнида.
 — Ҳа, узоқроқ экан. Лекин бари бир кузатишга ижо-
 зат беринг.
 — Йўқ, бир ўзим кетмоқчиман! — аёл бошини орқа-
 га ташлаб, бежирим юзларини қор бўронига тутди.
 — Қўрқмайсизми?
 Аёл бош чайқади-ю, тез-тез юриб кета бошлади.
 Бачана унинг орқасидан тикилганча сеҳрлангандай
 туриб қолди. Аёл қаддини роз тутиб, мағрур қадам таш-
 лаб борарди. Эғнидаги ёқаси ейилиб кетган калта пусти-

ни ҳам, оёқларидаги анчагина эскириб қолган этиклари ҳам хушбичим қоматининг бекиёс жозибасини кўздан яширолмасди. Аёл муюлишга бурилгандан кейингина Бачана ўзига келди.

— Вой тентаг-ей! Лоақал фамилиясини ҳам сўрамабман-а!

У жойидан кўзғалди-ю, ўқдай учиб, Чавчавадзе кўчасига чиқди, лекин аёлнинг қораси кўринмади. У иссиқ кафтга тушиб эриб кетган қор учқунидай ғойиб бўлганди...

Бачана уйига қайтди. Устидаги қорни қоқиб ташлаб, эшик остидаги гиламча тагидан пайпаслаб калитни олдида, ичкарига кирди ва умрида биринчи марта юракни орзиқтириб юборувчи ёлғизликни ҳис қилди...

15

Ўша куни Бачана икки кишини қабул қилди — улардан бири соппа-соғ, иккинчиси телба одам эди. Дарвоқе, бу нарса кейин маълум бўлди, аввалига иккаласи ҳам Бачанага дуппа-дуруст одамга ўхшаб кўринган эди.

Бачана кабинетида ўтириб, мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган комбинат директорининг ҳийла-найранглари, ахлоқсизлиги ҳамда ўзбошимчалиги ҳақида ёзилган фельетонни таҳрир қилаётган эди. Фельетон жуда кескин ва соз ёзилганди. У навбатдаги соннинг шов-шув кўтарадиган, асосий материали бўлиши керак эди, шунинг учун ҳам фельетон тайёрланаётганидан фақат Бачана билан унинг муаллифигина хабардор эдилар. Фельетоннинг бошланиши жуда ғалати эди...

Халқаро вагон купесидида икки аёл ўтирарди. Улар тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Суҳбат қизигандан қизиб, ҳар турли олди-қочдилардан гаплашиб бўлишгач, навбат танишу нотанишларга келди. Уларнинг ғийбати ҳам анчагина чўзилди. Ниҳоят, республикада обрўли бир одамнинг гўрига ўт қалаб туришганда аёллардан бирини қаттиқ йўтал тутиб, нафаси бўғила бошлади. Ҳовлиқиб етиб келган поезд дўхтири уни аранг ўзига келтирди. Нима сабабдан бунақа бўлди, деган саволга ҳол-жони қолмаган аёл ҳамроҳининг купеда осиялиқ турган пўстинини кўрсатди:

— Мушук... мўйнаси...

— Қанақа мўйна? — дўхтир тушунмади.

— Аллергия.... Мушук мўйнасини кўрсам мазам қочади...

— Э, шунақа денг... Бўлмаса пўстинни купедан олиб чикиб кетишга тўғри келади...

— Нима деяпсиз, эсингиз жойидами? — пўстиннинг эгаси бобиллаб берди, — нега мушук бўларкан?! Сувсар мўйнаси бу! Тўрт минг беш юзга олганман!

— Қанчага олган бўлсангиз ҳам, пўстинни лоақал бир неча минутга опчикиб туриш керак...

Анча тортишувдан кейин проводник пўстинни олиб чикиб кетди, жабрдийда аёл шу заҳотиёқ тинчиди-қолди...

Ҳаммаси мана шундан бошланди. Тасодифан поездда чувалган калава думалай-думалай охири мўйна буюмлар комбинатида тўхтади. Калаванинг изидан эса темир йўл транспорти ва тиббиётга мутлақо алоқаси йўқ, аммо мўйнанинг сорти билан баҳосини яхши биладиган одамлар тушишган эди...

Мана энди ана шу комбинатнинг директори ёғ босган кўзларини сузиб, Бачананинг рўпарасида тиржайиб турарди. Бачана уни танимасди, лекин чўчқадай семиз бу одамнинг ўта сурбет ва ўзига бино қўйган кимса эканлигини бир қарашдаёқ пайқади.

— Салом! — деди у ва таклифни ҳам кутмасдан Бачананинг столи ёнида турган креслога ўтирди.

Бачана фельетонни бир четга суриб, кулоғим сизда дегандай, меҳмонга қаради. Аммо у миқ этмасди. Бир минутлар чамаси шу алпозда ўтди.

— Эшитаман! — деди ниҳоят Бачана.

— Йўқ, мен сизни эшитаман! — жилмайди меҳмон.

— Тушунмадим...

— Мен мўйна буюмлар комбинатининг директори бўламан! — меҳмон Бачанага сарғайиб кетган шилпик кўзларини қадади.

«Ўт пуфагининг мазаси йўққа ўхшайди», — кўнглидан кечирди Бачана.

— Фамилиянгиз нима?

— Сандро Маглаперидзе. Фамилиям сизга таниш бўлиши керак! — деди у товуши хириллаб.

— Энди эшитиб турибман! — Бачана ёлғон гапирди. — Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Нима иш билан келдингиз? Мен сизни таклиф қилмовдим...

— Комбинатим тўғрисида кўтарилган шов-шувлар масаласида келдим. Сизга маслаҳатим шуки, нодон ва бе-

маъни одамларнинг ғийбатларига қулоқ солманг... Ни-
майки гап бўлса, ўзимдан сўрайверинг! — деди Мангла-
перидзе насихатомуз.

— Тушунмадим, нималар деяпсиз... Ҳеч нарсадан
хабарим йўқ... — жавоб берди Бачана совуққина.

— Ҳаммасини биласиз... Афсуски... Ўз ходимларим-
нинг хизмати бу... Ҳай, майли, улар билан ўзим ҳисоб-
китоб қиламан!

«Безбет! Мен билан нега бунақа гаплашяпти!» Бача-
нанинг қони қайнаб кетди, лекин дарров ўзини босиб,
хотиржам жавоб берди:

— Қайтариб айтаман, ҳеч нарсадан хабарим йўқ...
Тушунтириброқ гапиринг!

— Бўпти! Лекин сизга маълум бўлган нарсалар ҳақида
эмас, ўзимга маълум бўлган нарсалар тўғрисида гапира-
ман!

— Кулоғим сизда.

— Газетангизнинг эртанги сонида «Мушук терисини
ёпинган паҳлавон» деган фельетон босилиши керак...
Умуман, бу бемаъни фельетоннинг автори улуғ Руставе-
лининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони-
ни ўқиб чикса ёмон бўлмасди. Достонда ниҳоятда ибрат-
ли сўзлар бор:

*Улуғлайлик дўстларни деб жонни берган эрларни,
Қадрлайлик яхшиликка булоқ бўлган дилларни.*

Ва яна:

*Баҳор фасли ўтиб кетиб гул сўлмоққа бошлайди,
Бошқа бир гул униб-ўсиб гулистонда яшнайди.*

— Бу сатрлар сизга таниш деб умид қиламан, —
қўшиб қўйди Маглаперидзе жилмайиб.

— Мени ишдан олиб ташлаш учун келмаганмисиз
ишқилиб? — Бачана ҳам кулиб жавоб қайтарди.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз, ҳурматли Бачана! Шун-
чаки огоҳлантириб қўймоқчиман: эртага чиқадиған фелье-
тон юқори органдаги менинг комбинатимга раҳбарлик
қиладиған ўртоққа маъқул бўлармикин, шу ҳақда ўйлаб
қўрдингизми?

— Фельетоннинг мазмунини қаердан биласиз?

— Биламан, ҳурматли Бачана, биламан... Фельетон-
да айтилишича, мен юлғич ва фирибгарман, ўйнашим
ҳам бор... Яна қандайдир бир жирраки аёл ва аллақан-
дай пўстин билан боғлиқ кулгили воқеа ҳикоя қилина-
ди... Қисқаси, ўзингиз ҳақингизда ўйланг, ҳурматли Ба-

чана!... Тагингиздаги курси сиз ўйлаганчалик мустаҳкам эмас... Тажрибамдан биламан...

Бачана ғазабдан қип-қизариб кетди-ю, лекин сир бой бермади.

— Хўш, нима маслаҳат берасиз, ўртоқ Маглаперидзе?

— Авваламбор, ўзингизни босинг. Тўғри, мен ҳам қаттиқ ҳаяжондаман... Ҳа, сизнинг ҳузурингизга келиш мен учун ҳақорат! Бундай пайтларда, одатда, муҳаррирларнинг олдига бухгалтерларимни юбораман... Сиз ҳузурига илтимос билан шахсан ўзим ташриф буюрган биринчи муҳаррирсиз! Шунинг эътиборига олинг!

— Илтифотингиздан ғоят бахтиёрман! — Бачана бош эгиб қўйди.

— Кесатмай қўя қолинг, ҳурматли Бачана... Сизни ҳурмат қилганим учун бу ерга келдим... Умуман олганда, кесатиш — бу менинг касбим...

— Ундай бўлса, вақтни бекорга ўтказаяпсиз! — жавоб берди Бачана.

— Фельетонни олиб ташлаш керак! — деди узил-кесил Маглаперидзе.

— Овора бўласиз!

— Сизга шундай бир одам қўнғироқ қиладики...

— Худонинг ўзи қўнғироқ қилмайдими! Газета териб қўйилган, уни тўхтатиш давлатга эллик минг сўмга тушади... Келинг, беҳуда гапни чўзмайлик...

— Қанчага? — сўради кулиб Маглаперидзе.

— Эллик минг сўмга! — такрорлади Бачана.

— Ўзим тўлайман.

— Давлат сизнинг садақангизга зор эмас!

— Давлат, азизим, мен билан сизга ўхшаган одамлардан ташкил топган. Агар одамлар бир-бирларини қўллаб-қувватламасалар, давлат қулайди. Наҳотки шунини тушунмасангиз?

Бу одамнинг сурбетларча тиржайиб туриши Бачананинг асабини эговларди.

— Агар фирибгарлик ва пул найрангларини ўзаро қўллаб-қувватлаш деб тушунсангиз, катта хато қиласиз, ҳурматли Сандро! Ҳамма нарса пулга сотилавермайди!

Маглаперидзе ўрнидан турди.

— Сиз ҳали пати чиқмаган жўжаҳўрозсиз, ҳурматли Бачана. Қичқиришни эндигина ўрганияпсиз, эҳтиёт бўлинг, тагин пих ёрмасангиздан олдин овозингиздан ажралиб қолманг!

— Маслахатларингизни эътиборга оламан.

— Яна бир гап. Моэм айтадики, инсонда бешта туйгудан ташқари яна олтинчи туйғу ҳам бўлади, мана шу олтинчи туйғусиз қолганлар бир тийин...

— Қанақа туйғу экан у? — сўради Бачана мийиғида кулиб.

— Пул, ҳурматли Бачана, пул! — деди Маглаперидзе ўшандай табассум билан.

— Шунга қарамай, эртага фельетон газетада босилиб чиқади, кейин тегишли органлар унга ўз муносабатларини билдиришади.

— Ва тахририят улардан жавоб кутади!

— Ҳеч шубҳасиз!

— Сизга раҳмим келади, ҳурматли Бачана, жудаям раҳмим келади...

Маглаперидзе эшикка қараб юрди.

«Аблаҳ!» — Бачана унинг орқасидан шундай деб бақирмоқчи бўлиб турган эди, аммо комбинат директори чаққонлик қилди: ташқарига чиқиб, эшикни шартта ёпди.

Иккинчи киши Бачананинг кабинетига, гўё унинг ўзини босиб олишини атайлаб кутиб тургандай, бир соатлардан кейин кирди. У ниҳоятда хушмуомала, басавлат одам бўлиб, кўзларидан ақл ва эзгулик ёғиларди.

— Салом, ҳурматли муҳаррир!

Бачана ўрнидан туриб, меҳмон билан қўл олиб кўришгач, ўтиришга жой кўрсатди. Меҳмон унга миннатдорлик билдирди, шляпасини ечиб, портфели билан бирга узунчоқ столга қўйди, шундан кейингина таклиф этилган креслога ўтирди.

— Ижозатингиз билан ўзимни таништирсам: бош статистика бошқармасининг ходими Галактион Георгиевич Мтварадзе!

— Хурсандман... Хизмат?

— Безовта қилганим учун, қимматли вақтингизни олаётганим учун узр... Илло сизнинг одамшавандалигингиздан бохабарман, бинобарин, ярим соатгина фурсатингизни олишга журъат этаман.

— Бемалол, бир соатга бўлса ҳам розиман!

— Азбаройи бу ғалати воқеа — ҳа, сиз учун ғалати бўлган воқеа — тарихи билан хаёлингизни банд қилиб ўтирмаслик учун биратўла фактларни баён қилиб қўя қоламан. Фақат бир илтимос, гапимни бўлманг ва ўринсиз саволлар берманг. Кейин, котибангизга айт-

сангиз, суҳбатимиз пайтида кабинетга ҳеч кимни киритмас.

Бачана электр қўнғироқ тугмачасини босган эди, котиба аёл мўраллади.

— Елена Сергеевна, мен йўқман. Ярим соатдан кейин бўламан.

Котиба аёл бош силкиб, эшикни ёпди.

— Кулоғим сизда! — деди Бачана меҳмонга қараб ва қўлига қалам олди.

— Йўқ, йўқ, ёзишинг кераги йўқ!

Бачана қаламни жойига қўйди.

— Демак, гап бундай: мен гуманоидман!

Бачана сесканиб кетди:

— Нима? Нима дедингиз?!

— Ҳа, мен гуманоидман! — такрорлади Мтварадзе.

Бачана нима гаплигига тушунди. Лекин сўзини бўлмасликка ваъда қилгани учун бошқа савол бермади.

— Шунақа денг. Марҳамат, гапираверинг!

— Биз Гомос планетасидан келганмиз, Андромед Туманлигидан Ерга тушиб, бу ерда илк бор ҳаёт уруғини сочганмиз. Бу воқеага шунча кўп вақт бўлганки, уни ҳисоблаб чиқишга инсониятнинг ақли етмайди, бинобарин, математик рақамлар билан бошингизни қотириб ўтирмайман... Гапнинг лўндаси, биз Ерга ҳаёт олиб келганмиз... Бу космосда амалга оширилган тенги йўқ эксперимент эди. Тажриба муваффақиятли чиқди, Ерга ҳаёт барпо бўлди ва у ўз самараларини бера бошлади.

— Битта савол бор! — деди Бачана қўлини кўтариб.

— Фақат мавзудан четга чиқманг! — огоҳлантирди уни Мтварадзе.

— Айтинг-чи, Галактион Георгиевич, шахсан ўзингиз қачон ва қандай қилиб бизнинг планетамизга келиб қолгансиз?

— Шундай савол туғилишини билардим... Гап шундаки, биздаги тараққиёт замон ва макон тушунчасини тамомила йўққа чиқазган. Бу тушунча бизда хоҳиш деган нарсага тенг бўлиб қолган. Мени тушуняпсизми? Демокриманки, биз космик кемалар, учиб юривчи тарелкалар ва ҳаракатланишнинг бошқа техник воситалари ёрдамига суянмасдан, бир лаҳзада хоҳлаган жойимизга бориш қобилиятига эгамиз... Шахсан ўзимга келсак, мен ҳеч қаердан келмаганман. Ерга ҳаёт уруғини олиб келган экспедиция тараққиёт жараёнини тартибга солиб туриш мақсадида бизнинг вақти-вақти билан пайдо бўлишимизни

ирсий жихатдан программалаштириб қўйган. Бундай усул организмга ўз такомилини ўзи белгилаш имконини беради...

— Ундай бўлса, гуманоид эканлигингизни қаёқдан била қолдингиз?

— Бу ҳақда Гомосдаги илмий марказлар тегишли пайтда биотоклар орқали бизга хабар қилишади.

— Шундай хабарни қачон олгансиз?

— Яқинда, ўтган якшанбада. Одам сифатида ухлаб, гуманоид бўлиб уйғондим.

— Ҳаммаси тушунарли! — деди Бачана.

— Ҳеч нарсага тушунганингиз йўқ! Бунинг устига, мени жинни деб ўйлаяпсизу, лекин сир бой бермаяпсиз. Одобингиз учун ташаккур.

Бачана ҳижолат бўлиб қолди. Гуманоид сўзида давом этди:

— Экспериментдан кузатилган асосий мақсад, бошқа планеталарда тараққиёт имконияти борми-йўқми — шунини аниқлаш эди.

— Ҳўш, қандай хулосага келдинглар?

— Шундай имконият бор экан!

— Худого минг қатла шукур! — Бачана севиниб кетди.

— Лекин сизлардаги тараққиёт нотекис. Худди кардиограммага ўхшайди. Сизлар тез-тез дардга чалиниб турасизлар, зеро кўпдан-кўп ортиқча, ўринсиз хатти-харакат қиласизлар. Инсоният ҳамиша ташвишда, кўнгли нотинч. Наслингиз бутунлай издан чиқиб кетган пайтларда урушлар, ваболар, очарчилик, маънавий қашшоқлик ва фалокатлар бошланади...

— Ахир, нима учун бизни тергамайсизлар, тўғри йўлга солмайсизлар? Инсонпарварлигингиз қаёқда қолди?

— Космосда аралашмаслик қонуни мавжуд. Ҳар бир тирик организм тараққиётнинг олий шаклига ўзи мустақил эришиши лозим.

— Бу адолатдан эмас, Галактион Георгиевич! Модомики, эксперимент ўтказган экансизлар, ўзинглар ёрдам беришинглар, тараққиётнинг тўғри йўлини кўрсатишинглар керак.

— Шундай қиялпмиз ҳам. Бизнинг ёрдамимиз тўсқинлик қилишдан иборат. Тушуняпсизми? Биз инсониятнинг нотўғри йўлга кириб кетишига қаршилик кўрсатамиз. Биз нотўғри ривожланаётган уруғларни яксон этамиз.

— Буни қандай амалга оширасизлар? — сўради Бачана астойдил қизиқиб. Шу тобда у адашган одамзод номидан ҳақиқий гуманоид билан бахшлашарди.

— Биз йўлдан озган инсониятни икки марта асраб қолдик: биринчи бор фаҳш ва ахлоқсизлик Содом ва Гморра шаҳарларини кунпаякун қилган пайтда, иккинчи гал эса оламни сув босиб, инсоният буткул ҳалокат ёқасига келиб қолган дақиқаларда. Бу фалокатларни сизлар худонинг қаҳрига йўясизлар, ихтиёр ўзларингда, сизлар учун оқ билан қоранинг фарқи йўқ, — Мтварадзе мийиғида кулиб қўйди.

— Наҳотки инсониятга кўрсатган бор-йўқ ёрдамлар шу бўлса? Рухий ёрдам-чи? Маънавий ёрдам-чи? Нима учун ахлоқий жихатдан бизни яна ҳам юксақроқ, покизароқ қилишни хоҳламайсизлар? — Бачананинг ўзига ҳам, ҳамкасбларига ҳам астойдил ичи ачиб кетди.

— Нега энди! Кишилиқ жамияти тараққиётининг турли босқичларида, қайси замонлигидан қатъи назар, одамзод ахлоқига таъсир кўрсатувчи — ижобий маънода, албатта — гуманоид генлари пайдо бўлиб туради. Бундай аралашувни биз табиий ва мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

— Галактион Георгиевич, ўзингиздан бошқа яна бирон-бир гуманоиднинг исмини айта оласизми? — сўради Бачана.

— Албатта! Хаммани эслай олмайман, лекин айримларини айтишим мумкин: Гомер, Сервантес, Бетховен, Руставели, Шекспир, Гёте, Леонардо да Винчи, Боккаччо, Архимед, Жордано Бруно, Жанна Д'Арк, Толстой, Пушкин, шох Парнаваз, Давид Строитель, Авраам Линкольн, Фолкнер, Гегель, Кант, Владимир Ульянов, Блок, Эйнштейн, Чарли Чаплин, Галактион, Важа, Акакий, Илья...¹ Санаб адо қилиб бўлмайди.

— Сизнингча, Галактион Георгиевич, ҳозирги жамият яхши ривожланыптими, тўғри йўлдан боряптими?

— Инсоният оғир аҳволда ҳозир! — хўрсинди Мтварадзе. — Агар одамзод мен номларини юқорида тилга олган гуманоидларнинг ўғитларига ўз вақтида қулоқ солганда эди, ҳозир ишларингиз анча дуруст бўлган бўлур эди... Аммо-лекин, одамлар космосга назар ташлаган-

¹ Парнаваз — Грузия подшоши, Александр Македонскийнинг замондоши; Давид Строитель (1073–1125) — Грузия подшоши Давид IV Георгиевич; Галактион Табидзе — Грузия халқ шоири; Важа Пшавела, Акакий Церетели, Илья Чавчавадзе — грузин адабиёти классиклари.

дан бери биз гуманоидларда умид пайдо бўлди. Инсон ўзида ажойиб куч — синчковликни кашф этди. Ҳа, ҳа! Ўзинглар қадрига етмаган худди мана шу синчковлик туфайли ернинг ашаддий тортиш кучини энгиб, космосга чиқишга муваффақ бўлдинглар...

— Хўш, энди сув тошқини ёки Содом-Гоморра фалокати такрорланмайдими?

— Агар эскирган деб, мен санаб ўтган гуманоидларнинг таълимотидан юз ўгирмасанглар, бундай фалокатлар бўлмайди... Ишонинг, уларнинг таълимоти кони фойда, кишини мусаффо қилади... Бинобарин, тараққиёт меваларини эҳтиёт қилинглар, ўтмиш даҳолари яратган асарларни асраб-авайланглар! Ахир улар қанчадан-қанча меҳнат, қон ва кўз ёшлари эвазига дунёга келган! — Мтварадзе соатига қараб, ўрнидан турди.

— Масаланинг асосий моҳиятини сўзлаб бўлдим... Эътиборингиз учун мингдан-минг раҳмат! — у қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

— Яна битта савол, Галактион Григорьевич. нима учун айнан менинг олдимга келдингиз? Ўз сиригизни нима учун менга ошкор қилдингиз?

Мтварадзенинг юзларига нурли табассум ёйилди, Бачана унинг кўзларидаги дардчил ифодани шундагина пайқади.

— Наҳотки менинг исм-шарифимдан ҳеч нарсани англамаётган бўлсангиз? Галактион — Галактика! Мтварадзе — Ой!¹ Эртага қадрдон планетам Гомосга қайтиб кетаман... Ердаги вазифамни бажариб бўлдим. Энди эса охирги топшириқни адо этиб, шуни айтишим керакки, азизим Бачана Акакиевич, сиз гуманоидсиз!

Бачананинг юраги ҳаприқиб, томоғига бир нарса қадалгандай бўлди.

— Хайр, дўстим ва биродарим! Мана энди сиз Ердаги вазифангиздан огоҳ бўлдингиз!

Галактион Бачанани кучоқлаб, бағрига босди, кейин шартта бурилди-да, тез-тез юриб кабинетдан чиқиб кетди.

... Бачана котиба аёл хонага қандай кирганини ҳам, столга бир уюм қорозни қачон ташлаб кетганини ҳам сезмади. У дераза олдида турганча бесабаб-беихтиёр жилмаяр, иккала юзидан эса ёш оқарди...

Бачана тун бўйи ухлаёлмади. Эрталаб таҳририятга келибоқ Статистика бошқармасига қўнғироқ қилди.

¹ Мтваре — ой (груз).

— Алло, эшитаман! — деган ёкимли овоз эшитилди трубкадан.

— Статистика бошқармасими?

— Худди шундай.

— Айтинг-чи, яхши қиз, сизларда Галактион Мтвардзе деган одам ишлайдими?

— Мтвардзе? Анови жинними? Кечирасиз, ким сўрапти?

— Галактионнинг дўстиман.

— Бир ҳафтадан бери қораси кўринмайди...

Трубка Бачананинг қўлида муаллақ қолди.

— Алло, алло...

Бачана трубкани жойига қўйди...

16

Бачана Рамишвили 14 июлда туғилган. Бу сана дунёнинг барча календарларида қайд этилган, лекин, табиийки, Бачананинг туғилган куни сифатида эмас, балки Бастилия ҳалокатга учраган ва Франция республикаси дунёга келган кун сифатида қайд этилган.

Мана, Бачана рўпарасида очиқ турган календарга жилмайганча тикилиб, ўй суриб ўтирибди...

... 14 июлда туғилган французлар бу кунни тантанали нишонлашади, албатта. Аммо Бачана туғилган кунни ким билади? Ҳеч ким. Эҳтимол, шахсий делоси сақланган кадрлар бўлимида, тагин, яқинда унга муддатсиз паспорт топширган милициянинг паспорт бўлимида ишлайдиганлар билишар. Лекин билиш — эслаш деган сўз эмас... Охири марта Бачананинг туғилган кунини у тўққиз ёшга тулганда нишонлашган эди. Ўшанда синфдош дўсти Вахтанг Эбалкидзе унга ўзи юрадиган, кипқизил ўт ўчирувчилар машинасини совға қилган эди... Ўх-хў, бунга қанча вақт бўлди-ю!.. Шундан бери Бачананинг туғилган кунини атиги уч мартагина эслатишди:

— Сен туғилган кунга минг лаънат! — дейишди у биринчи марта тамаки чекканида.

— Туғилмай қаро ерга кирсанг бўлмасмиди! — дейишди у биринчи бор уйга маст бўлиб келганида.

— Сен ваҳшийни ким тукқан ўзи! — дейишди у нон карточкасини йўқотиб қўйганида.

Бу гапларни у турли пайтларда, турли одамлардан эшитган, аммо улардан ўшанда ҳам хафа бўлмаган, ҳозир ҳам ҳеч кимдан гинаси йўқ, чунки биринчи ва иккинчи

дафъа гапирганлар унинг соғлигини ўйлашган, учинчисида эса муқаррар оч қолиш хавфидан тахликага тушиб шундай дейишган. Туғилган кунини тилга олган ва аллақачонлар дунёдан кўз юмган бу одамларни у бениҳоя миннатдорлик билан хотирлайди. Уларнинг бу эзгуликларига жавобан у мозорларини мунтазам зиёрат қилиб, қабрларига ҳар гал анвойи гулдасталар қўйиб келади.

... Мана, бугун ҳам... Бугун дунёда келган қанчадан-қанча одамга гуллар совға қилишади, бугун оламдан ўтган қанчадан-қанча кишининг қабри гулчамбарларга қўмилади... Бугун қанчалаб гўдакнинг кўзлари очилиб, қанчасиники абадий юмилади... Бачана умр шажарасидай, тўхтовсиз айланиб турган улкан чархпалакни кўз олдига келтирди. Хаёлидан минглаб чехралар — таниш ва нотаниш, жилмайган ва маъюс, ҳайрон ва мамнун, хўмрайган ва шодон, сўлгин ва бахтиёр чехралар ўта бошлади... Ёлғондакам кема, автомобиль, самолёт ва отлардан ўлгундай ҳолдан тойган, боши айланиб, жони халқумига келган одамлар тушиб келишар, уларнинг ўрнини бошқалари эгаллашарди... Бачанага гўё ўзи ҳам ҳозир чархпалақдан тушгандай, боши гир айланаётгандай туюлди. Ўрнидан туриб, гандираклаганча дераза ёнига борди-да, уни ланг очиб юборди. Хонага кечки салқин ёпирилиб кирди. Кейин эшикни очиб, коридорга мўралади. Таҳририятда ҳеч ким қолмаган эди. Бугун Бачана туғилган кунини бирон-бир йўсинда нишонламоқчи бўлди-ю, лекин ходимларга эртaroқ жавоб бериб юборишдан бўлак дурустроқ нарсани ўйлаб тополмади. Одамлар ҳам ҳайрон, ҳам хурсанд бўлиб тарқалишди.

У ўрнига келиб ўтириб, стол тортмасидан қўлига илинган биринчи хатни олди. «Нега кўршапалаклар бошларини пастга осилтириб ухлашади?» деб аталарди мақола.

Телефон жиринглаб қолди. «Бемаҳалда ким бўлдийкин?» деб кўнглидан кечирди у ажабланиб ва трубкани олди.

— Эшитаман!

Жавоб бўлмади.

— Лаббай, эшитаман!

Трубкадан бировнинг нафас олишига ўхшаш пишиллаган овоз эшитилди. Бачана жавобни ҳам кутмай, трубкани жойига қўйди-да, яна қўлёзмага қайтди. Дарҳақиқат, нима учун кўршапалаклар бошларини пастга осилтириб ухлашади? Бачана қўлёзмани ўкиб ўтирмади, бир қарашда бемаъни бўлиб туюлган бу саволга негадир ўзи

жавоб топгиси келиб қолди. Балки... Болалигида, жисмоний тарбия дарсларида Бачана неча маротабалаб турникка осилиб, бошини пастга қилиб турган, ўқитувчиси-дан мактовлар эшитган, аммо бундан асло роҳатланмаган эди. Бир гал Кобулетиди ўн беш минутча шу алпозда туришга мажбур бўлганди: балиқчилар чалажон болани сувдан тортиб олиб, ичидаги сувни аранг чиқариб ташлашди, ўшанда шунча вақт оёғини осмондан қилиб турганини эсласа, Бачананинг эти жимирлашиб кетади. Хўш, бундай ғайритабiiй ҳолат кўршалакларга нима учун ёқаркин? Қизик... Бачана олдида очик турган кўлёмзадан жавоб изламоқчи бўлиб турган эди, шу пайт кабинет эшиги очилиб, хонага ниҳоятда кетворган бир аёл кириб келди.

— Мен келдим! — деди у хона ўртасида тўхтаб.

Бачана довдираб қолди: рўпарасида Мария турарди. Бачана унга ўтиришни таклиф қилмоқчи бўлган эди, тили айланмади, турай деса — тиззаларида мажол йўқ, жилмайишга уринган эди, худди тош қотгандай, башарасида ҳеч қандай ифода сезилмади. У бир лаҳзага гунгу лол бўлиб қолган эди. Аёл эса таранг кўкси ва оппоқ юзларини кўз-кўз қилгандай кимир этмай турарди.

— Сизга қўнғироқ қилган эдим, — деди у секин.

— Биламан! — Бачана сал ўзига келди. — Нафасингизни эшитдим.

— Уйда йўқ экансиз, шунинг учун бу ёққа қўнғироқ қилишга мажбур бўлдим.

— Келинг, хизмат? — деди Бачана беихтиёр.

— Юринг!

— Қаёққа? — сўради таажжубланиб Бачана.

— Хоҳлаган ерингизга!

Бачана донг қотиб қолди.

— Марҳамат, ўтиринг! — деди у аранг.

Аммо аёл жойидан жилмади. Баланд бўйли, сочлари коп-қора, лаблари лоларанг бу аёл эгнига оппоқ юбка билан яшил кофта кийиб олган эди. Шу тобда у деразадан ошиб кирган кўкламни эслатарди.

— Юринг! — такрорлади аёл, қўлидаги яшил сумкачасини бетоқатлик билан силкиганча. Бачана ўрнидан турди, аёлнинг хушбичим оёқларидаги яшил туфлиларни у шундагина пайқади.

Икковлон индамай кабинетдан чиқишди.

Кўчада Бачана такси тўхтатди.

— Қаёққа? — сўради ҳайдовчи.

— Хоҳлаган ерингга! — деди Бачана ва ҳамроҳига аста кўз қирини ташлади. Аёл мийғида кулиб қўйди.

Улар Комсомол хиёбонига кўтарилиб, кичик бир рестораннынг айвонига жойлашишди.

Официант Бачананинг олдига менюни қўйиб, нари кетди.

— Нима буюрайин? — сўради Бачана.

— Қовурилган картошка.

— Яна?

— Хеч нарса.

— Вино-чи?

— Ўзингиз биласиз.

— Коньяк буюрсам-чи?

— Йўқ.

— Бўлмаса, «тибаани» ичамиз.

— Майли.

Официант келгунча Бачана сигарета тутатди ва Марияга ҳам таклиф қилди.

— Раҳмат, мен чекмайман.

Орага жимлик чўкди. Бачана Марияга тикилганча сигарета буруқситиб ўйларди... Бу аёл нима учун келди? Иш биланми ёки яқинроқ танишиш учунми? Ёки бўлмаса... Йўқ, туғилган кунини билиши мумкин эмас!.. Хўш, келишга уни нима мажбур қилди?... Сўрасинми? Лекин Бачана бу саволни беришга ийманарди. Одобсизлик бўлади, деб ўйлагани учун эмас. Йўқ. У бу валати аёл билан учрашган куниёқ юрагининг туб-тубида мил-тиллаган умид учқунини сўндириб қўйишдан қўрқарди...

Нихоят, официант келди-ю, Бачана анча енгил тортди.

— Нимангиз бор? — сўради у.

— Парранда сути! — жавоб берди официант.

— Унақа бўлса, бизга қовурилган картошка билан «тибаани» келтиринг.

Официант дудукланиб қолди.

— Қўзичоқ гўштидан пиширилган кабоб, бузоқ гўшtidан тайёрланган кабоб, қовурилган жўжа, чака-пули, абхазура, мужужи, татаряхни¹, надуги², мчади³, пишлок, ёнғоқ... Хоҳлаганингизни танланг!

¹ Ч а к а п у л и, абхазура, мужужи, татаряхни — гўшtidан тайёрланган грузин миллий таомлари.

² Н а д у г и — сутли таом.

³ М ч а д и — зогора нон,

— Булбулни тили йўқми? Қовурилгани! — ҳазиллашди Бачана.

— Қовурилгани йўқ, қайнатилгани — истаганингизча! — официант ҳам бўш келмади.

— Ҳаммасини опкелаверинг!

— Ёнғоқ билан «тибаани», — деди Мария.

Официант «хўп бўлади» дегандай бош силкиб, зипиллаганча ошхона томон йўргалаб кетди.

— Мария, ҳозир қаерда эканлигингизни эрингиз билладими? — сўради кўкқисдан Бачана ва бемаъни савол берганини англаб қизариб кетди.

— Мен буни сиздан сўраётганим йўқ, чунки бўйдоқлигингизни биламан, — жавоб берди Мария кулиб.

— Демак, турмушга чиқмаган экансиз-да? — негандир ўзича шундай хулосага келди Бачана.

— Ҳозир эрим йўқ, — деди Мария.

— Нима учун? — сўради Бачана ва яна «қовун туширганини» сезиб қолди.

Аёл индамади.

— Яъни, демокчиманки, қизингизни отаси борми-йўқми? — бу ёғини силлиқлашга уринди Бачана.

— Отаси ҳам бор, эри ҳам бор! — жавоб берди Мария.

Бачана яна сигарета тутатди. Иккала кўлини саланглатганча официант қайтиб келди.

— Кабоб тугапти, азизлар... Жўжани тавсия қилмайман, чунки инкубатордан чиққан... Бикин гўштини бугун опкелишмапти... «Тибаани» йўқ, шампан виносиям... Швейцария билан Ростов пишлоғи, «Саэро»¹, редиска бор.

Бачана ҳайрон бўп қолди.

— Парранда сути-чи? — сўради Мария.

— Ачиб қопти! — ҳазил қилди официант.

Мария шундай қаҳқаҳа отиб кулдики, атрофда ўтирганлар бараварига унга қарашди.

— Директорингиз қаерда? — сўради Бачана.

— Ҳозир йўқ, бир жойга кетган... Қайтиши билан бошлаб келаман!

«Бу официант ё тентак, ёки мени таниб, бозордан харид қилинган нарсаларни яширишяпти», — ўйлади Бачана ва Марияга юзланди:

— Кетдик! Биринчи учрашувимизни редискаю «Саэро» билан нишонлашни истамайман...

¹ «Саэро» — винонинг номи.

— Гап бунда эмас-ку! — деди Мария. — Борини опкелаверсин. Ўзимизни Ленинград қамалида деб тасаввур этамиз... Бир-биримизга тикилиб ўтираверамиз... Бу оқшом умрбод ёдимизда қолади...

Бачананинг миясини яна шубҳа-гумонлар кемира бошлади. «Мендан нима истайди ўзи? Уни ким жўнатган? Нима мақсадда келдйкин? Наҳотки фақат мен билан учрашиш учун келган бўлса?» У бошини кўтариб, Марияга кўз қирини ташлади. Мария бутунлай бошқа томонга тикилиб турарди. Бачана ҳам ўша ёққа қаради-ю, қандайдир бир басавлат киши билан гаплашиб турган официантни кўрди. Бегона одам бир нималар дер, официант эса, худди кўғирчоқдай тинмай калласини ликиллатарди.

— Сизга қарши фитна тайёрланяпти! — деди Мария Бачанага.

— Агар ниятлари сизни мендан тортиб олиш бўлса — овора бўлишади! — Бачана кулиб, столда ётган алюмин пичоқни қўлига олди.

— Бу пичоқ билан мени ҳимоя қилолмайсиз! — деди Мария жилмайиб.

— Унда тишларимни ишга соламан! — жавоб берди Бачана официант томонга қараб. Лекин официант ҳам, семиз киши ҳам ғойиб бўлишган эди. — Мария, ортиқ чидаёлмайман! Менинг олдимга нима учун келдингиз? Мақсадингиз нима?

— Мен сиздан ҳеч нарса сўраётганим йўқ-ку? — таажжубланди Мария.

— Пичоқсиз сўйяпсиз мени... Кўнглингиздагини очик айтинг!

— Асло хавотирланманг. Эртага Кутаисига учиб кетаман. Одатим бўйича учиб олдидан юрагимга яқин киши билан хайрлашмоқчиман. Бор гап шу!

— Нега энди? — Бачана шошиб қолди.

— Қайдам... Ҳар гал самолётга бир бало бўладигандай, ўзим учун азиз одамларни охириги марта кўраётгандай туюлаверади негадир... — Мария бошини қуйи эгди.

— Мен ҳам ўшандай кишилар тоифасига кираманми? — сўради таажжубланиб Бачана. Мария кўзини ердан узмай, бош ирғади.

— Бунга... бу бахтга мушарраф этишингизга сабаб нима?

— Кошкийди ўзим билсам!

— Шунақа азиз кишиларингиз анчагинами?

То жавоб бўлгунча Бачананинг юраги ҳаприкиб кетди.

— Шу бугунга қадар атиги биттагина ана шундай одам бор эди — қизим Майя. Энди иккинчи киши пайдо бўлди — бу сиз.

«Ё мен туш кўряпман, ёки бу аёл — жодугарнинг ўзгинаси!» — деган фикр кечди Бачананинг кўнглидан. Мария эса бирдан бошини кўтариб, ҳаяжон билан сўзлай кетди:

— Биламан, сиз мени тентак ёки фирибгар аёл деб ўйлаяпсиз... Ишонинг, нега шундай бўлаётганини ўзим ҳам билмайман!... Бир йилдан бери ўз ёғимга ўзим қовуриламман... Майли, ҳечкиси йўқ! Мен иродали аёлман! Ҳозир шартта тураману кетаман! — Мария ўрнидан турди.

— Агар кетсангиз, мени ўлди деяверинг! — Бачана аёлнинг муздек бармоқларидан ушлади, аёл ҳам унинг астойдил гапираётганига ишонди. Бачана буни тушуниб, Мариянинг қўлини ўпди.

— Раҳмат! — деди Мария жойига ўтираркан.

Бир маҳал сархил таомлар билан тўла патнис кўтарган официант пайдо бўлди.

— Ёпирай, шунча нарса қаяқдан топила қолди? — сўради ажабланиб Бачана.

— Директоримиз келдилар, сизни кўриб, шуларни бериб юбордилар, — тушунтирди официант.

— Директорингиз ким?

— Ҳозир ўзлари келадилар.

— У киши мени танийдими?

— Таниш ҳам гапми?.. Ишдан бўшатиб юборишларига сал қолди! Мени нима айбим бор? Одамнинг кимлиги, қаерда ишлаши пешонасига ёзиб қўйилмаган-ку, ахир! Минг марта узр! — официант таъзим қилиб, чопганича изига қайтди.

Бачанага сал жон кирди. У шампан шишасини пакиллайтиб очиб, қадахларни лиммо-лим тўлдирди.

— Сизга айтадиган битта сирим бор, Мария...

— Йўқ, биринчи сўз меники! — Мария қадахни қўлига олди.

Бачананинг бутун жисми қулоққа айланди.

Мария шампан кўпиги тинишини кутиб турди, кейин Нарикала¹ тепасига кўтарилган ойга қадахнинг бу томо-

¹ Н а р и к а л а — Тбилисидаги эски қалъа.

нидан қаради. Бачана ҳам шундай қилди. Ой аввал титради, чайқалди, сўнг аста қадахни тўлдириб, қахрабо суюқлик ичида эриб кетди. Бачанага гўё у муздек, тилларанг ойни ушлаб тургандай туюлди.

— Бугун ой ўн тўрт кунлик бўлди... — деди Мария секин. — Ойнинг чиқиш ва ботиш пайти қадимдан маълум, унинг қачон кўриниб, қачон тўлишишини ҳам ҳамма билади. Аммо ой қачон пайдо бўлган, у қачон туғилган — буни ҳеч ким билмайди... Мен шу қадахни туғилган кунини биров эсламайдиган одамларнинг соғлиги учун ичман...

Мария Бачана билан қадахини уриштирди. Бачананинг қадахидagi ой яна титради, кейин аста-секин эриб, тип-тиник қахрабо суюқликка айланди. Мария билан Бачана қадахларини охиригача сипқаришди. Бачана яна осмонга қараган эди, ой кўринмади. У булутлар ортига беркинган эди.

— Биз ойни ичиб юбордик! — хитоб қилди Бачана бу ғалати тасодифдан болалардай қувониб.

— Илойим, ой тургунча туринг! Туғилган кунингиз билан! — Мария қадахни столга қўйди. — Ҳа, айтгандай, аллақандай сир ҳақида гапирмоқчи эдингиз, мен сизга халақит бердим, — эслатди Мария.

Бирдан Бачананинг ўпкаси тўлиб кетди, ғалати бу аёлнинг кўксига бошини қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди.

— Биласизми... айтмоқчиманки... сиз жудаям чиройлисиз, Мария. Ўпсам майлими?

Бунга жавобан аёл мулойимгина жилмайди. Бачана ўрнидан турди-да, стол оша энгашиб, Марианинг катта-катта, нам кўзларидан ўпди. Шу он буларнинг столига боя официант билан гаплашиб турган семиз киши яқинлашаётганини кўрди.

— Салом! — деди у хириллаган товуш билан.

— Салом! — жавоб берди Бачана.

— Ижозатингиз билан, ҳурматли Бачана, атиги бир минутга оромингизни бузаман...

— Ўтиринг, марҳамат... Бу киши танишим Мария...

Нотаниш киши икки букилиб таъзим қилди, сўнг Марианинг қўлини олиб ўпди, шундан кейингина стулга ўтирди.

— Танимадингиз-а, ҳурматли Бачана? — у чўнтагидан уч қути «Винстон» сигаретасини чиқазиб, биттасини

Мариянинг олдига, иккинчисини Бачананинг олдига, учинчисини эса ўзининг олдига қўйди.

Бачана унга диққат билан тикилди, миясида аллақандай хотиралар тиклангандай бўлди-ю, аммо сира илғаб ололмади, бинобарин, хижолат чекиб, деди:

— Кўзимга иссиқ кўриняпсизу, қаерда учрашганимизни эслолмай турибман.

— Сандро Маглаперидземан, мўйна буюмлар комбинатидан...

— Э-э-э! — хитоб қилди Бачана, — қайси шамол учирди!... Қалайсиз, ҳозир қаердасиз, ҳурматли Сандро?

— Раҳмат, тупрокдан ташқари, дегандай, юрибмиз...

— Агар эски гапларни юзимга солиш учун келган бўлсангиз, бугун бу ишни қила кўрманг... Чунки бугун француз республикасининг туғилган куни ва менинг ҳам туғилган куним! — деди Бачана кулиб ва Маглаперидзега шампан тўла қадахни узатди.

— Э-э, нималар деяпсиз?! Нега юзингизга соларканман?! Аксинча, сизга миннатдорлик билдириш учун келдим, ҳурматли Бачана!... Хўш, неччига кирдингиз?

— Қирк бешга.

— Ёпирай! Ҳали бутун ҳузур-ҳаловат олдинда-ку! Муҳаббат ҳам! — Маглаперидзе Марияга қараб қўйди. Мария уялганидан қизариб кетди. — Табриклайман, ҳурматли Бачана! Бахтли бўлинг! Сиз — ўзингиз ҳар қанча хоҳлаган тақдирингизда ҳам бировга ёмонлик қилишни билмайдиган одамсиз!

— Ростданми?

— Албатта! Ўша фельетон босилиб чиққанидан кейин жуда машҳур бўлиб кетдим! Мени бутун Грузия таниди!..

Бачана кулиб юборди.

— Бунақа машҳурликни душманимга ҳам раво кўрмасдим.

— Унақа деманг... Машҳурликда гап кўп... Геростратни бир эслаб кўринг... Фельетонингиз ёвузлик ниқобини йиртиб, ҳақиқатнинг тантана қилишига ёрдам берди.

— Бунга шубҳам йўқ...

Бачана Маглаперидзени бу ерга миннатдорлик туйғуси бошлаб келмаганини ич-ичидан сезиб турарди.

— Ҳа, ҳа... Фельетондан сўнг тергов органлари ўша хотиннинг қаллоб ва фирибгар эканлигини аниқлашди...

Ўз муносабатини билдириши учун сиз фельетонни жўнатган одам эса ҳақиқий ватанпарвар бўлиб чиқди...

— Қандай қилиб? — сўради Бачана ва Маглаперидзени ўтиришга таклиф қилгани учун ичида афсусланди.

— Сизнинг ҳисобингиз бўйича, газетанинг териб қўйилган сонидан фельетонни олиб ташлаш давлатга эллик минг сўмга тушарди, шундайми? У одам зарарни йигирма беш минг сўмга келтирди...

Бачана ҳайрон бўлиб қолди. Маглаперидзе буни сезиб, хотиржам изоҳ берди:

— У жуда оддий йўл тутди: фельетонингизга парво қилмай қўя қолди.

— Пора бердим, яъни йигирма беш минг сўм қистирдим, демокчимисиз?

— Пора деганда сиз нимани тушунасиз, ҳурматли Бачана? Сизга яхшилик қилган, ёрдам берган одамга билдирилган миннатдорликними? Ахир Руставелининг ахлоқ кодекси бугун ҳам биз учун дастуриламал эмасми? Автандилнинг вазирга айтган гапларини бир эсланг-а:

Дўстлар учун жонфидолик гоаят улугъ фазилят,

Оғир кунлар синовида билинади дўст фақат.

— Кўриб турибман, ифлос фалсафангизни биринчи манбалардан фойдаланиб, пухта ишлаб чиқибсиз, — деди кесатиб Бачана.

— О, классик адабиёт — бебаҳо хазина... Руставелини худди инжилдай ҳар куни қайта-қайта ўқийман... Дарвоқе, сизнинг асарларингизни ҳам ўқиб тураман ва ўзим учун талайгина ибратли нарсаларни топаман... Ҳамроҳингиз бениҳоя гўзал, ҳурматли Бачана, — Маглаперидзе бирдан мавзуни бошқа ёққа буриб юборди, — тақинчоқларсиз бу қадар кўхлик аёлни умримда биринчи кўришим!

Бачана бу гапни асло кутмаган эди, шунинг учун ҳам дабдурустдан нима дейишини билмай қолди.

— Хотинингизни тақинчоқлари кўп бўлса кераг-а?! — сўради Мария Маглаперидзедан ва ҳаяжонини яшириш учун вино хўплади.

— Ҳар ҳолда, нолимайди... Лекин мен хотинларни назарда тутаётганим йўқ... Ҳалигидай... оиладан ташқарида ҳаётимизни гуллашиб турадиган аёллар ҳам бўлади...

Мариянинг газаби бўғзига келди-ю, лекин ўзини босди.

Бачана суҳбатни олдинги мавзуга бурмоқчи бўлди.

... — Фельетондан кейин ҳаётингизда ҳеч нарса ўзгармадими?

— Нега ўзгармас экан, ҳурматли Бачана? Биринчидан, комбинатимиз куйиб кетди. Бунга эскирган электр симлари сабаб бўлди... Иккинчидан, ҳўжайиним пенсияга чиқди, ҳозир савдо соҳасида ишлаяпти... У мени ҳам ёнига тортди. Биргалашиб ресторанларнинг янги бирлашмасини туздик... Гўё Нерон ўт қўйган Рим култепаси устида қайтадан шаҳар барпо қилдик, ҳи-ҳи-ҳи!.. — Маглаперидзе беўхшов ҳиринглади.

— Ҳа, жудаям пихини ёрган, хавфли фирибгар эканлигингизга энди ишондим, ҳурматли Сандро... Имкониёт бўлиши билан бу масалага яна албатта қайтаман, — деди Бачана жиддий.

— Бу гапни асло кутмаган эдим сиздан! Шунча вақт ичида кўзингиз очилган, қай пайтда қичқиришни ўрганиб олгансиз, деб ўйловдим... Ҳалиям ўша-ўшасиз... Бемаҳал қичқирган жўжахўрозларни нима қилишларини биласизми?

— Кўрқитяпсизми? — Бачана ғазабдан титраб кетди.

— Шу ифлос билан ади-бади айтишиб ўтирасизми? — деди бирдан Мария Бачанага қараб. Маглаперидзе сапчиб ўрнидан туриб кетди. Мария ҳам турди.

— Жўнанг бу ердан! — деди аранг ўзини босиб Бачана Маглаперидзегга.

— Аёлларнинг нозига учманг, ҳурматли Бачана... Македониялик жангчилар фоҳишаларнинг сўзига кириб, дунёдаги энг гўзал шаҳар Персеполисга ўт қўйиб юборишган... — Маглаперидзе Марияга нафрат билан тикилди. Шу пайт, Бачана бирор нарса дейишга улгурмай, Мария Маглаперидзенинг чаккасига шапалоқ тортиб юборди. Ресторанда ўтирганлар гурр этиб шу томонга қарашди, аммо бу ҳодиса шу қадар тез бўлиб ўтдики, ҳеч ким ҳеч нарсани кўролмади ҳам... Орага бир лаҳза сукунат чўкди.. Бачана бирдан столнинг Маглаперидзе турган томони кўтарила бошлаганини сезиб қолди. У бор гавдаси билан столга ётиб олди, Маглаперидзе столни ағдариб юборишга харчанд уринмасин, урдасидан чиқолмади. Бу сўзсиз олишув бир неча дақиқа давом этди. Бачана билан Маглаперидзенинг чакка томирлари ўйнаб, кўзлари қонга тўлган эди...

— Овора бўласан! — деб пичирлади Бачана, аммо унинг овозидаги қаҳр-ғазаб шу қадар кучли эдики, Маглаперидзе бирдан бўшашиб кетди. Афти аввалги тусга

кириб, кўзлари мулойимлашди. У столдан нарироқ бо-
риб, Марияга мурожаат қилди:

— Миннатдорман, хоним! Бу яхшилигингизни умр-
бод эсимдан чиқазмайман.

Ранги доқадек оқариб кетган Мария чурқ этмади.

— Жўнанг, Маглаперидзе! — Бачана бу гапни шу
қадар хотиржам айтдики, бунга ҳатто ўзи ҳам ҳайрон
қолди.

Маглаперидзе шартга бурилиб, нари кетди.

Бачана билан Мария юз берган воқеа таъсирида бир
лаҳза гарангсиб туришди, кейин жойларига ўтиришди.
Анча пайтгача икковларидан ҳам садо чиқмади. Жим-
ликни биринчи бўлиб Бачана бузди:

— Мария, самолётга олган билетингни кўрсат-чи.

Мария сумкасини очиб, титроқ қўл билан уни анча-
гача титкилади, ниҳоят, билетни топиб, Бачанага узатди.

Бачана билетга қарамади ҳам, уни майда-майда қилиб
йиртиб, кулдонга ташлади-да, ёқиб юборди.

— Ташлаб кетма мени, Мария! — деди у аста ёниб
тугаётган билетга тикилганча. Мария сезилар-сезилмас
бош силкиб қўйди. Бачана қадаҳларни тўлдириб, офици-
антни чақирди.

— Ҳисоб-китоб қилинг.

— Ҳаммасига тўланган!

— Ким тўлади?

— Директоримиз!

Бачана кулиб юборди.

— Ана сенга Бастилиянинг забт этилиши!.. Сен учун,
Мария! — улар қадаҳларини уриштиришди. Сўнг Ма-
рия ўрнидан турди-да, Бачананинг олдига келиб, уни
юзидан ўпди. Кейин яна қайтиб бориб жойига ўтирди ва
иккала қўлини юзига босганча хўнграб йиғлаб юборди...

Тоғ тепасида юксалиб турган Шавнабада¹ черкови
ҳақиқатан ҳам қора чакмон кийиб олган чўпонни эслата-
ди. Гўё у қўлини кўзларига соябон қилиб, Мтквари,
Алгети, Машавера ва Храми² соҳилларида ўтлаб юрган
қўй-қўзиларга тикилиб турганга ўхшайди. Тоғ этагига
жойлашган Рустави, Болниси, Марнеулилар³, худди по-

¹ Ш а в н а б а д а — тоғнинг номи; «шави» грузинча — қора,
«набади» — чакмон дегани.

² М т к в а р и, А л г е т и, М а ш а в е р а, Х р а м и — дарё
номлари.

³ Р у с т а в и, Б о л н и с и, М а р н е у л и — Тбилиси
яқинидаги шаҳарларнинг номлари.

дани кўриқлаётган баҳайбат итлардай, оғизларидан тун ва олов пуркашади.

Ҳарир туман пардасига ўралган, гумбази нақ осмонга санчилган Шавнабада кеч кузда ҳайратомуз чирой касб этади.

Якшанба. Торгина арава йўлида бир машина ўрмалаяпти. У маст одамдай тинимсиз чайқалади, ҳар бурилишда тўхтаб, орқага тисланади-да, бор кучини тўплаб яна олдинга интилади ва кучана-кучана навбатдаги довондан ошиб ўтади.

Черков рўпарасидаги сўнгги довонга етганда машина яна тўхтаб қолди. Бачана биринчи тезликка олиб, цеплениени бўшатди. Машинанинг орқа филдираклари остидан кум ва шағал отила бошлади. Бачана яна газ берди. Филдираклар шиддат билан айланиб, ҳаммаёқни куйган резина ҳиди тутиб кетди.

— Тушиб тураман, — деди Мария.

— Ўтиравер. Юки енгил бўлгани учун ҳам кўзғалолмаяпти, — тушунтирди Бачана.

У машинани орқага тисариб туриб, тезликни улади-да, қаттиқ газ берди. Машина олдинга қараб отилди.

— Мана, етиб келдик!

Бачана машинани дарахт тагида тўхтатди.

Мария машинадан тушди, туфлисини ечиб, ўт устидан яланг оёқ анча жойгача чопиб борди, кейин ҳовли ўртасида тўхтаб, қулочларини ёзди-да, оёқ учида туриб, худди кизалоқлардай, гир айланди.

— Ёпирай, олло таолога яқинлашиб қопмиз-ку!

Сўнг черков рўпарасида чўнқайиб ўтирди-ю, бошини тиззалари устига қўйганча, худди ибодат қилаётган роҳибалардай қотди-қолди.

Бачана машинанинг юкхонасидан егулик нарсаларни олиб, дарахт остига ўрнатилган столга келтириб қўйди, кейин Мариянинг ёнига бориб, астагина ерга чўккалади ва уни елкасидан қучиб, қулиб туриб деди:

— Қани, Мария, бир тиловат қилиб юбор-чи!

Мария ҳам чўкка тушди, кафтини юқорига кўтарди-да, кўзларини юмганча ўқий бошлади:

Сен — шончим, суянган тоғим,

Дилимга нур, қалбимга ором.

Сен — кўкдаги ёнган юлдузим

Ҳам қуёшим дегайман мудом.

Адоғи йўқ тиниқ чашмасан,

Қанотлари парқу фариштам.

*Яратгандан тилаганим шу —
Мен былан бұл, бирга бұл ҳар дам!*

Мария жим бўлиб қолди.

Бачана бу шеърни ёддан биларди, лекин ҳеч қачон, бирор марта ҳам унинг дуони эслатувчи мазмуни устида бош қотириб ўтирмаган эди. Мана энди бирдан вужудини алланечук ҳаловат чулғаб, қалби тўлқинланиб кетди. У Марияни ўзига қаратиб, сўради:

- Нима бу — тиловатми ёки истакми?
- Бари бир эмасми?

*Эҳ, офтобжон, офтобжон,
Тоғ ортига беркинма.
Қалтирайди қиз шўрлик,
Тафтингни дариг тутма.
Кучогинга ол уни,
Айт севги ашуласин.
Кутмайди соҳибжамол —
Топиб кетар бошқасин!*

Мариянинг илтижосини гўё табиат ҳам укқандай бўлди: тоғ ортидан улкан қуёш кўтарилиб, черковни чўғдай кизиб турган бағрига босди-ю, кўз очиб-юмгунча теварак-атрофдаги туманни сут каби ичиб юборди.

Мария Бачананинг кўксига ёпишганча куйиниб гапира кетди. Унинг сўзлари ростдан ҳам тиловатни эслатарди:

— Ташлаб кетма мени, Бачана!.. Ташлаб кетма, якка-ёлғиз суянчиғим сенсан!.. Шу пайтгача нега ёнимда эмасдинг?.. Қанчадан-қанча балолардан асраб қолган бўлардинг?.. Сени биринчи бор кўрган кунимдан буён ҳамма нарсадан юз ўгирдим!.. Сендан бўлак ҳеч нарса керакмас менга!.. Сен менинг илоҳимсан, мен фақат сенга сифинаман — ҳеч қачон ташлаб кетма мени, ўтмишга улоқтирма! Истамайман! Чарчадим!.. Умр бўйи кидиракидира, сени эндигина топдим!.. Ташлаб кетма!.. — Мария йиғлаб юборди.

Бутун қалби туғён уриб турган бу аёлнинг ўтли таваллосини Бачана киприк қоқмай эшитди. Сўнг унга тасалли беришга уринди:

— Нималар деяпсан, Мария?.. Ким айтди мени ташлаб кетади деб?.. Қўй, ўзингни бос!.. Йиғлама, азизим!.. Ҳамиша бирга бўламиз!..

Мария сал ўзига келгач, Бачана уни аста ўт устига ётқизди-да, ўрнидан туриб, черковга қараб юрди. Унинг ўзи ҳам Мариядан кам ҳаяжонда эмасди.

«ТН» Черковнинг ичи зах ва нимқоронғи эди. Бачана тева-
рак-атрофига разм сола бошлади.

Зах тортиб, сувоғи тўкилиб кетган деворлар... На
икона бор, на деворга ишланган бирорта расм... Бурчак-
да — устига ситилиб кетган кўк мато ёпилган бир оёғи
калта ёғоч стол турипти, столда эса алмисокдан қолган
шамдон билан, афтидан, дарвишроқ одам чизиб ташлаб
кетган Биби Марямнинг сурати... Шамдондаги учала шам
ёниб тугаёзган... Стол устида яна бир боғлам шам билан
ғижимланган уч сўмлик пул...

— Ҳей! — деб кичқирди Бачана.

— Ҳе-е-е-ей! — деган акс садо эшитилди.

Гумбаз шифтида ғуғулаётган кабутарлар париллаб
учиб, бирин-кетин дарчалардан ташқарига чиқиб кетиш-
ди... Бачана черков ичини кўздан кечира бошлади. Кун-
чиқар томондаги деворнинг баъзи ерларини шам ёкила-
верганидан одам бўйи барабар курум босган. Баъзи жой-
ларда эскурсияга келганларнинг узундан-узок рўйхати.
Фамилияларнинг ёнига уй адреслари билан черковга таш-
риф буюрилган вақт ҳам ёзиб қўйилган. Бачана Исо
алайҳиссаломнинг меҳроб деворига ишланган, туси ўчаёз-
ган якқаю ягона сурати остига битилган икки сатр шеър-
ни кўриб қолди. Унда қандайдир ҳаваскор шоир олло
таолони очикдан-очик рад этган эди:

*Ишонмайман, эй парвардигор,
На суратинг, на сийратинг бор!*

Шеър тагига «Комсомол-атеист» деб имзо чекилган.
Сал қуйироқда унга жавоб ҳам бор:

*Гар худога ишонмасанг, ўздан кўнглинг бўлса тўқ,
Эй комсомол, нега келдинг бу ён кўзинг қилиб лўқ.
Ташвишларим етиб ортар, йўл нотекис, кўп йироқ,
Тинч қўй мени, даҳрий бола, тинч қўйганинг яхшироқ!*

Имзо — «Исо Масих».

Бачана хахолаб кулиб юборди: бу ғойибона мушои-
рада атеист парвардигори оламга ютқазганлиги яққол
кўриниб турарди.

Черковдан чиқиб, Бачана Марияни учратмади.

— Мария, қаёқдасан? — кичқирди у.

Жавоб бўлмади. «Нега ёлғиз ташлаб кетдим-а!» —
деган ўй кечди Бачананинг кўнглидан ва черков атрофи-
ни зир айланиб, кизни қидира бошлади.

Мария эса дарахт тагидаги стол ёнида қандайдир бир мўйсафид билан бамайлихотир гаплашиб ўтирарди. Бачана уларнинг олдига келди.

— Қаёққа ғойиб бўлдинг? Ўтакамни ёриб юбординг-ку!.. Ассалому алайкум! — Бачана чол томонга юзини бурди.

— Ваалайкум ассалом! — чол бошидаги думалоқ кигиз қалпоғини ечди.

— Тамадди қилволамизми? — сўради Бачана Мариядан.

— Жоним билан! Қорним очди! — жавоб берди Мария. — Отахон ҳам бизга шерик бўладилар.

— Албатта! Менинг ҳам у-бу нарсам бор! — Шундай деб, чол сумкасини очди, ундан хонаки нон, пишлоқ, пишган гўшт, саримсоқпиез ва ярим шиша ароқ олиб столга қўйди. Бачана машинадан бир шиша вино келтирди.

— Олдинига, болаларим, биттадан ароқ отамиз! — деди чол ва сумкасидан мўъжазгина мугузни олиб, ичига бир пуфлади-да, ароқ тўлдириб, Бачанага узатди.

— Қани, тутдан қилинганини ҳам бир татиб кўр-чи! Йўқ, олдин бир нарса девор!

— Душманларимиз куйиб, дўстларимиз кулаверсин!

Бачана ароқни ичиб юборди, бир оз жим тургач, мамнуният билан хитоб қилди:

— Ҳа, зўр ароқ экан!

Хурсанд бўлиб кетган қария ўзига қўйди.

— Шодлик бор жойда қайғу ҳам бор... Ҳар иккаласи учун ичамиз, соғ-саломат бўлсак, бас! Ҳаёт учун! — у мугузни бўшатиб, соқол босган юзига кафтини суртди, кейин Марияга ароқ қўйди. — Энди навбат сеники, қизим! Худо сени шундоқ чиройли қилиб яратибди, сўзларинг ҳам ўзингга ўхшаган ёқимли бўлиши керак!

Мария мугузни қўлига олди.

— Неччига кирдингиз, отахон?

— Э-э, — қария қўл силтади, — етмишдан ошиб кетдим!

— Илойим яна шунча йил умр кўринг!

— Кўплик қилади, лекин сенга минг раҳмат! Ҳаётни севаман, рост! Яна яшагим келади!

Бачана кулиб қўйди.

— Исмингиз нима, отахон? — сўради у.

— Исминим Георгий, фамилиям Тушмалишвили.

— Қаердансиз?

- Ҳўв анови қишлоқдан.
- Бу ерда нима қилиб юрибсиз?
- Мол боқяпман, — чол иккита сигир билан уч нафар қўй ўтлаб юрган нариги ёнбағирликка ишора қилди.
- Ўзингизникими?
- Ҳа.
- Яхши даромад қиласизми?
- Даромад қаёқда! Бу жониворлар ўзини-ўзи эпласа ҳам катта гап.
- Нимага боқиб юрибсиз бўлмаса?
- Эрмак-да, болам. Бир-икки хўплам сути бор, озгина юнг беради, иннайкейин онда-сонда уч-тўрт қадоқ гўшт ҳам тегиб туради... Шу туёқ икки баравар кўп бўлганда эди... Ҳозир орқасидан лўкиллаб юрганинга арзимади! Буларни фойдасидан бўрига ем бўлиши кўпроқ...
- Давлатга топширасизми?
- Албатта, топшираман.
- Нимани топширасиз?
- Айтдим-ку — озгина сут, озгина юнг, озгина гўшт...
- Икки баравар кўп бўлганда-чи?
- Ие, шуниям сўрайдими одам, ўғлим? Кўп бўлса, кўп топширардим-да. Гўримга орқалаб кетармидим? Ё давлатга топширардим, ё бозорга опчиқардим...
- Колхозда ишламайсизми, Георгий ота?
- Э-э, менга йўл бўлсин, ўғлим, бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда бўлса! Болаларим ишлашади. Мол боққани ҳам қўйишмайди. Бизни шарманда қилиб нима қиласиз, тинчгина уйда ўтирсангиз бўлмайдими, дейишади. Гўшт билан сутни давлатга магазиндан сотиб олиб топшираверишармиш! Эшитяпсанми? Магазиндан-а! Ўша магазинга гўшт қаёқдан келади? Бу ҳақда ўйлашмайдиам, баччағарлар!
- Георгий ота, бу черковга қарайдиган одам борми? — бирдан сўраб қолди Мария.
- Бор, бир кампир бор...қишлоқда туради. Унинг исми ҳам Мария... Черковдаги столда турган иконани ўша чизган... Касалманд боёқиш, бу ёққа ҳафтада бир марта зўрға кўтарилади. Шунгаям раҳмат...
- Шамни ким ёққан? — сўради Бачана.
- Ким бўларди, мен ёққанман-да.
- Пул-чи? Пул қаёқдан кепқолди?
- Қаёқдан келарди? Мен қўйдим. Шам олиш учун...
- Худога ишонасизми, Георгий ота? — сўради Мария.

Чол ўйланиб қолди. Кейин черковнинг гумбазидан пастигача кўз ташлаб чиқди, бир оз бош қашлаб турди-ю, яна черковга қаради.

— Нима десамикин... Очигини айтсам, унчалигам ишонмайман... Лекин тонг саҳардан қаро кечгача бу ерда ёлғиз ўзимман, атрофимда тирик жон йўқ... Шундоқ бўлгандан кейин беихтиёр худони ўйларкан киши...

— Хўш, худо деганда нималарни ўйлайсиз?

Георгий ота яна черковга бир қараб қўйди.

— Нималарни ўйлардим?.. Бировлар қурган ибодатхоналарни хароб қилган одам бунинг эвазига янгиларини қурсин, дейман, токи улар олдингиларидан ҳам каттароқ, ҳам чиройлироқ бўлсин... Манови черковга бир қара... Уни ким қурган, қачон қурган — ҳеч ким билмайди. Маърака кунлари одам оқиб келади бу ерга ҳар тарафдан — арманлар ҳам, татарлар ҳам, греклар ҳам, руслар ҳам... Грузинларни айтмай қўя қолай... Келиб, ибодат қилишади.. Менга қолса, бунақа черковда ибодат қилгандан кўра очик далада ибодат қилган минг марта афзал... У ерда худо яхшироқ эшитади... Бу харобазорга худо у ёқда турсин, бандасининг ҳам киргиси келмайди... мен бу гапларни нима учун гапиряпман? Демокчи-манки, черков қаровсиз ташлаб қўйилган. Хўш, ўрнига нима қуришди?

— Тушунмадим, Георгий ота...

— Нимасига тушунмайсан? Илгарилари, ўғлим, черковга келган одам тепага кўтарилиб, эшиқдан ҳовлига бошини эгиб кирарди, черков олдида бош кийимини ечарди, черков ичига шам ёқиб кетарди... Сизларга тушунтиришнинг ҳожати йўқ, ўзинглар ўқиган одамсизлар, ҳаммасини мендан яхши биласизлар... Мана, бизнинг қишлоқ советини олайлик. Ярим хароба бинога жойлашган, яна ижара ҳақи тўлайди. У ерга одамлар бош кийимини ечиш у ёқда турсин, ёнбошига тупуриб, сўкиниб киради... Менимча, қишлоқ советиникидан баланд, ундан чиройли бино бўлмаслиги керак бутун қишлоқда... Сизлар ўйлайсизларки, илгари одамларни қурби етмаганми черковдан баланд иморат қуришга? Қурби етган, аммо-лекин журъат қилолмаган!.. Бундай қилишга ҳеч кимни ҳаққи бўлмаган!.. Ҳозир-чи? Ҳозир колхозимиз раиси турадиган иморатни қишлоқ советини биносига солиштирсангиз, ҳов анови тепалик билан Қазбекчалик фарқи бор! Митька шофёрнинг гаражи ҳам клубимиздан уч баравар катта!.. Бунақа қишлоқ советига нажот сўраб

ким боради? Ҳеч ким бормайди. Нима, биз камбағал-низми? Йўқ! Худога шукур, қишлоғимиз бадавлат, ўзига тўқ! Нон ҳам, вино ҳам, сабзавот ҳам етарли! Одамни чўчкадан нима фарқи бор? Фарқи шундаки, одам дарахтининг тепасидаги мевани териб ейди, чўчка бўлса ерга тўкилганларини ейди. Бу билан нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, ҳар ишни ўз вақтида қилиш керак! Кечикдингми, мева ерга тўкилдими — тамом, уни чўчка илиб кетади!.. Бир куни қишлоқ советининг раисига шартта-шартта гапирдим: «Қанақа одамсан ўзи?! — дедим, — хўжайин бўлсанг, совет ҳокимияти бўлсанг! Мундоқ жонингни қойитгин, хумпар, тузукроқ бино қургин, одам қишлоқ советига яйраб-яшнаб кирадиган бўлсин!» У нима дейди денг: «Пулсиз, лимитсиз қанақа қилиб қураман?» — дейди. «Лимитинг нимаси?» «Лимит — бу фишт дегани!» Эшитяпсизларми? Фишт йўқ эмиш! Хўш, Митьканинги гаражига ёки колхоз раисининг қасрига фишт қаердан топилди?.. Хўп, фишт тополмас экансан, ҳеч бўлмаса, соқолингни олиб юргин ёки такводор одамларга ўхшаб соқол қўйгин! Тузукроқ кийингин! Токи одамлар сенга ҳурмат билан қарасин! Шундай қилса бўладими? Бўлади! Лекин қилмайди, баччағар! Ундан кўра қишлоқда сигиримни обрўси баландроқ. Нима учун? Шунинг учунки, сигирим ҳаммавақт ювилган-таралган, тагин саккиз литрдан сут беради! Мана сизга аҳвол! Ё нотўғри гапиряпманми? — чол сўзини тугатиб, стаканларга вино қуйди.

— Ҳаммаси тўғри, Георгий ота, — деди Бачана, — лекин ростини айтинг-чи, бирор марта шу ҳақда мажлисда гапирганмисиз?

— Гапирганман бир марта...

— Қачон?

— Ёшинг неччида?

— Қирқда.

— Унда мен ўттиз ёшда эдим, гапириб балого қолганман. Сал бўлмаса...

— Ҳозир замон бошқача, Георгий ота!

— Бошқача бўлса, ана, бошқалар гапирсин... Мен ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим.

— Ҳали яшамоқчиман, девдингиз шекилли?

— Эҳ, ёшлар, ёшлар! Ҳамма нарсани оғизда битказасизлар-қўясизлар! Ишга келганда... Дарвоқе, райкомдан-масмисан, ўғлим?

Бачана қулиб юборди.

— Йўқ, Георгий ота, мен ёзувчиман, газета муҳаррирман.

— Муҳаррир? Жуда соз. Мана шуларни газетангда ёзиб чиқкин!

— Ёзаман ҳам!

— Қийиндир-ов...

— Нега энди? Георгий Тушмалишвили шундай фикрда, деб ёзаман.

— Ҳаммасини менга ағдармоқчимисан? — чолнинг капалаги учиб кетди.

— Йўғ-е! Қисман унинг фикрига қўшиламан, дейман.

— Қисманми?

— Ҳа.

— Демак, фикримга тўла қўшилмайсан?

— Йўқ.

— Ярмига-чи?

— Ярмига қўшиламан.

— Майли, ярмини ёз.

— Албатта, ёзаман!

— Омон бўлсак, кўрармиз, — деди Георгий ота ишонқирамай ва Марияга мурожаат қилди: — Ёзадими?

— Ёзади! — кулиб жавоб берди Мария.

— Дарвоқе, сўрагани айби йўқ, сизлар бир-бирларингизга ким бўласизлар? — деб қолди бирдан Георгий ота.

Мария бу саволни кутмаган эди, хижолат бўлиб, елкасини қисди ва нима жавоб қилай дегандай Бачанага қаради.

— Биз, Георгий ота, бир-биримизни яхши кўрамиз, бу ерга никоҳ ўқитиш учун келувдик. Кашиш йўқ экан, ҳайронман, энди ким никоҳдан ўтқазиб қўяди бизни? — жавоб берди Бачана кулиб.

— Кашишнинг нима кераги бор? Агар ростдан ҳам бир-бирларингизни севсангиз, ўзим никоҳлаб қўявераман, — деди Георгий ота ўрнидан туриб. — Қани, ёнмаён туринглар-чи! Исминг нима?

— Бачана.

— Сеникини биламан — Мария.

Георгий ота чап қўлини юқорига кўтариб, ўнг қўлига вино қуйилган стаканни олди.

— Болаларим Мария билан Бачана! Илоҳим, тонгги шабнам умр йўлларингизга тўшалган беғубор пояндоз, кўкдаги офтоб — бошларингизга гултож, мана бу кўхна

черков билан она-Ер — мухаббатингизга безавол гувоҳ бўлсин. Мен, Георгий Тушмалишвили, бақавли олло таоло Нух пайғамбарни сийлагандай, сизларга оқ фотиҳа бераман. Ўзларингдан кўпайинглар! Фарзандларингиз юртимизни шуҳратига шуҳрат кўшсин! Мухаббат бир умрлик йўлдошингиз бўлсин! Ҳамиша ёри вафодор, аччиқ-чучук кунларда бир-бирларингизга мададкор бўлинглар! Омин!... Мени тўйга айтиш ҳам эсларингдан чиқмасин!

Георгий ота стаканни охиригача бўшатди-да, оғзини энгига артиб, Мария билан Бачананинг ёнига келди ва уларни навбатма-навбат чўлпиллатиб ўпди.

— Қани, энди бирорта кашиш Георгий Тушмалишвилдан яхшироқ никоҳ ўқийман деб мақтаниб кўрсинчи! — деди у хахолаб ва кўкрагига бир уриб қўйди.

— Раҳмат сизга, Георгий ота! — чолга миннатдорлик билдирди Бачана. Мария эса бошини қуйи эгганча индамай турарди.

— Болаларингиз бири биридан чиройли бўлади! Кўпайтираверинглар! — Георгий ота сумкасини қўлига олди.

— Кетяпсизми? — деди афсусланиб Бачана.

— Бормасам бўлмайди, молларим колхоз экинига кириб кетса, қоровулдан балога қоламан!.. Хайр, болаларим! Яна йўлинглар тушса, мени қидириб топинглар, мен шу атрофда бўламан.

— Хайр, Георгий ота! Омон бўлинг. Кимки — хоҳ эркак, хоҳ аёл — мана шу кимсасиз жойда сизга ҳамдарду ҳамнафас бўлса — ниятига етсин! — Бачана билан Георгий ота қаттиқ қўл қисишиб хайрлашишди. Бир неча қадам юргач, чол бирдан орқасига қайрилиб, ўпкалагандай қичқирди:

— Сен-чи, Мария, мендан хафа бўлдингми? Ё никоҳни ёмон ўқидимми?

Мария турган жойидан ўқдай отилиб, Георгий отанинг ёнига чопиб борди-да, унинг бўйнига осилиб, соқол босган юзидан ўпа кетди. Кейин худди шундай шитоб билан бурилиб, черковга қараб югурди.

Бачана Георгий отанинг орқасидан бир оз қараб турди-да, Мариянинг изидан борди.

Мария стол ёнида тиз чўккан эди. Биби Марям сура-ти қаршисида учта шам ёниб турарди.

Бачана аёлнинг пичирлашига анча вақт қулоқ солиб турди. Сўзларини эшитмаса ҳам Мариянинг тиловат қилаётганини тушунди. Кейин гижимланган уч сўмлик ёнига

астагина ўн сўм ташлади-да, оёк учида юриб черковдан чиқиб кетди.

17

Бачана купега кирганида у ерда икки йўловчи ўтирар ва нима ҳақдадир қизгин бахслашишарди. Улардан бири қишлоқдан эканлиги яққол кўриниб турарди, иккинчиси, ёшроғи эса шаҳарлик йигит эди. Бачана улар билан саломлашди, сумкасини юкхонага жойлади-да, газета ўқишга тутинди. Унинг кўзи газетада бўлса ҳам кулоғига буларнинг суҳбати эшитилиб турарди.

Қишлоқлик киши овозини кўтариб гапирарди:

— Йўқ, ҳурматли Роланд, бизга милтиқли киши билан йиғлаб турган она керак эмас! Бизга шундоқ ҳайкал ясаб беринги, ҳар қандай тошбағир одам кўрганда ҳам юраги эриб кетсин!

— Унақа бўлса, Леонардо да Винчи ёки Микеланжелони қидиринг, ҳурматли Хута! — жавоб қайтарди йигит.

— Марнеулидаги «Бўлажак қаҳрамонлар» ҳайкалини ясаган киши ҳам Микеланжело эмас! Аммо қанақанги ҳайкал ясаб қўйипти! Қилич кўтарган икки нафар яланғоч болақайни кўрганда, ишонинг, кўзимдан ёш чиқиб кетди! Сиз ҳам шунга ўхшаган бирор нарса ясаб беринг, мана бизнинг Леонардо да Винчимиз деб бошимизга кўтарайлик!

— Ҳайронман... Эскизимни кўриб, ўзингиз маъқуллаган эдингиз-ку, ё нотўғрими? — деди хафа бўлиб йигит.

— Тўғри, маъқуллаганман, лекин сиз ўшанда уни қайта ишлашга ваъда бергансиз, шунинг учун маъқуллаганман. Акс ҳолда, сизга ҳақ тўламаган бўлардик... Ваъда бергандан кейин устидан чиқиш керак!.. Милтиқ билан кўз ёшларининг бизга кераги йўқ!..

— Қуриган дарахтларга осилган қўнғироқлар керак эмас! Арслонга миниб турган яланғоч ўспирин керак эмас! Яраланган бургут керак эмас! Этиги билан илоннинг бошини эзфилаётган солдат керак эмас! Нима керак сизга ўзи? — Роланд қўлларини икки томонга ёзди. — Ватан уруши ва ҳалок бўлган жангчилар мавзуини яна қандай тасвирлаш мумкин?!

— Уруш пайтида неччи ёшда эдинг? — сўради Хута.

— У пайтда мен умуман йўқ эдим! — жавоб берди Роланд.

- Ха, баракалла. Мана шуни тасвирла!
- Нимани? — Роланд тушунмади.
- Уруш деган нарсани билмаслигингни-да!
- Ҳазиллашяпсизми?

— Ҳазили йўқ... Яқинда кенжа неварам Хута фронтда кийиб юрган каскамни топиб олиб... биласанми нима кипти... ичига сийипти, ярамас! Қулоғини узиб олай дедим, кейин қилмишимдан ўзим уялдим... Кечаси билан ухлаёлмай чикдим!..

— Кечирасизу ер юзида бунақа ҳайкал йўқ... Умуман, бирорта ҳайкалтарош келиб, сизга маккажўхори экишни ўргатганми? Бўлганми шунақа ҳодиса?

— Бунақа ҳодиса бўлган эмас, лекин маккажўхорига ақли етадиган ҳайкалтарош бўлса, нима учун ундан ўрганмаслигимиз керак! Нима дедингиз, биродар? — Хута бирдан Баҷанага мурожаат қилиб қолди.

Бачана газетани бир четга қўйди.

— Узр, нима гаплигига тушунмаяпман, — Бачана ёлғон гапирди. Баҳслашаётган томонларнинг ҳеч қайсиси орқага чекинмаслигини у тушуниб турарди, шунинг учун аралашгиси келмади.

— Гап шундаки... — Роланд сўзга киришиб кетди, — мен булардан буюртма олган эдим... Яъни, колхоздан. Сакициаодаги колхоздан... Бу киши хурматли Хута Шелия — колхоз раиси... Улуғ Ватан урушига бағишланган мемориал яратишим керак эди... Иш бошланиб, олинган пул сарф қилиб бўлинган пайтда янги вариантни талаб қилишяпти! Бу қанақаси, ахир?! Булар ажратган маблағга ундан ортиғини қуриб бўлмайди! Марҳамат, пул беришсин — мен уларга Эйфель минорасини қуриб берайин! Ҳаммаси пулга боғлиқ! Леонардо да Винчи ҳам азбаройи шу пулни деб, дунёдаги энг палид одам Чеваре Борджиа билан ҳамкорлик қилган. Биласизларми, у одам тукқан онасини ҳам, синглисини ҳам...

— Бўлди! Бас қил! — Хута олдидаги столчага ёпишди.

— Нима гап? — сўради Роланд хайрон бўлиб.

— Бунақа сўзларни оғзингга олма! — деди Шелия ўзини аранг босиб.

— Қанақа сўзларни?

— Шунақа сўзларни! Ватан уруши ҳақида гап кетганда нопок нарсалар тўғрисида гапириш у ёқда турсин, хатто ўйлаш ҳам гуноҳ!

— Нима дедим, ахир? — Роланд қизариб кетди.

— Айтолмайман, сен ҳам гапирма! — Хута сигарета тутатди.

— Кечиринг! — Роланд ўрнидан туриб, купедан чиқиб кетди.

— Ҳурматли Хута, — мурожаат қилди Бачана раисга, — ростдан ҳам мемориалга кам маблағ ажратилган бўлса, у бечора ҳам нима қилсин?

— Исм-фамилиянгиз нима, биродар?

— Бачана Рамишвили.

— Гап пулдами, ҳурматли Бачана? Биз ундан баҳайбат иншоотни талаб қилаётганимиз йўқ... Майли, кичкина бўлса ҳам, яхши мемориал бўлсин, деярмиз, тиллани рангига қараб эмас, тозалигига қараб баҳолашади!

— Балки уддасидан чиқолмаётгандир? Бошқа одамга буюра қолинг! — маслаҳат берди Бачана.

— Шунақа денг! Халққа нима деб жавоб бераман! Пул сарфлаб қўйилган-ку!.. Ўзини қишлоққа олиб кетяпман, қани нима хунар кўрсатаркин! Бари бир айтган нарсамизни қуриб беришга мажбур қиламан! Йўқ, дейдиган бўлса, чойзорга юбориб, бурнини ерга ишқаб, эшакдай ишлатаман! Олган пулини қайтармагунча қўймайман! Ҳе, бунақаларни кўпини кўрганман. Ҳатто Тараси Дараселиянинг ўғлини ҳам попугини пасайтириб қўйганман у ёғини сўрасангиз... Эҳ-ҳе, қанақа бола эди-ю, ерга урсанг, осмонга сапчирди!.. — Хута Шелия ўша воқеани эслаб кулимсираб қўйди ва Бачанага сигарета тутди. Бачана сигаретани олди-ю, аммо чекмади.

— Сизга қанақа мемориал керак ўзи? — сўради у.

— Шундоқ бўлиши керакки, ҳайкалнинг ёнидан ўтган одам, бу нима деб сўрамасин, ўз-ўзидан, беихтиёр тўхтаб, ўйга толсин. Бизга мана шунақа мемориал керак!

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам оғир вазифа! — деди Бачана кулиб.

— Тўғри, оғир. Лекин осонини ҳам кўрганмиз! Яқинда чорвачилик фермаси қурдик. Бир рассомни чақириб, бинонинг ичини безаб беришни илтимос қилдим. Нима қипти, денг? Бутун деворга чўчка, сигир, қўй, эчкиларни расмини солиб ташлапти. «Нима ўзи бу?» — десам: «Уй ҳайвонларини танимайдиган колхоз раисини энди кўришим!» — дейди. «Ҳо, баччағар, бино ичидаги ҳайвонлар етмагандай, тагин расмини ҳам деворга чизасанми?!» — деб роса сўқдим. «Нимани чизай бўлмаса?» — деб сўраган эди: «Олдин чизганларингни ўчирасан, — дедим, — у ёғини кейин гаплашамиз!»

— Хўш, кейин нима бўлди?

— Нима бўларди... Қип-яланғоч бир бола билан кизалоқнинг суратини чизишни буюрдим. Уларнинг қўлида биттадан стакан. Ям-яшил ўтлоқ. Турфа хил гуллар. Яйловда бир сигир ўтлаб юрипти. Болакайлар стаканларини чўзганча сигирдан сут сўрашяпти. Шу, холос.

— Сигир нима деб жавоб беради? — сўради кулиб Бачана.

— Аввал менга ўт опкелинглар, кейин сут бераман, дейди сигир! — Хута ҳам кулиб жавоб қайтарди. — Лекин расм зўр чикди. Биласизми, баъзан атайлаб шу расмни томоша қилгани бораман. Қўлингдан келар эканку, хумпар! Нима қиласан, Леонардо да Винчини аралаштириб! Майли, кўнглинг буюрганидай қилиб чиз, аммо-лекин, мен хоҳлаган нарсани тасвирлаб бер. Ё гапим нотўғрими, ҳурматли Бачана?

— Эҳтимол, тўғридир... Лекин рўссомнинг ҳам ўз мулохазалари бўлиши мумкин... Санъат — мураккаб нарса...

— Мен ҳам шуни айтяпман-да! Санъат ҳақида гапиряпман... Сигирнинг суратини солишдан осон нарса борми! Буни менга иккинчи синфдалигимдаёқ, Антон Гугунава ўргатган. Расм ўқитувчимиз... Ўзи сигирни суратини чизганда оғзимиз очилиб қоларди, чунки ростакан сигирга ўхшатворарди, бориб соғиб олгинг келарди! Энди манови... Роланд бўлса... Милтиқ кўтарган киши дегани деган! Агар менга милтиқ кўтарган киши керак бўлса, тирик бир одамни турғизиб қўйиб, қўлига ҳақиқий милтиқ ушлатиб қўя қолардим! Қишлоқда бекорчилар оз дейсизми! — Хута сигарета буруқсатди, Бачана ҳам чека бошлади.

Йўлакда туриш жонига тегдими ёки хафагарчилиги тарқалдими, Роланд купега қайтиб кирди-да, индамай жойига ўтирди.

— Ҳа, нима гап, ўғлим, хафа бўлдингми? Ёмон гап гапирганим йўқ-ку! — Хута қабарган кафти билан Роланднинг бошини силади, кейин Бачанага қараб, давом этди: — Ҳозирги ёшлар тайёрига ўрганган! Ўғлим мактабни битириб, иккита боласи бор аёлга уйланди! Ҳатто шу ишни ҳам ўзи қилгиси келмади! Дарвоқе, болалар нечта, ҳурматли Бачана?

— Уйланмаганман.

— Э-э-э, яхши бўлмапти, ҳурматли Бачана!

— Сизда-чи?

— Битта, халиги айтганим... Лекин мени айбим йўқ. Хотиним раҳматлик эрта кетди. Фронтдан қайтсам, оламдан ўтган экан... Ўғлим аслида ёмон бола эмас, лекин шу масалада гапимиз сира тўғри келмайди. «Шу иккита бола сеники, аммо пуштикамарингдан бўлган эмас улар, ўзинг ҳам лоақал битта фарзанд кўришинг керак. Хайвон ҳам сендан дуруст! — дедим бир куни. — Ана, эчкимиз учта бола туғди!» Шунақа десам, нима деб жавоб берди денг: «Эчкини ташвиши йўқ: фақат ўт ейди, кийим-кечак керак эмас унга — болаларини ҳам тайёр пўстинда туғади. Мен болаларимни қанақа қилиб боқаман, битта жинси қўлда икки юз сўмдан ортиқ бўлса!» — дейди.

— Тўғри айтипти! — суҳбатга аралашди Роланд.

— Ёнини олишини қаранг! Ўзингни нечта боланг бор? — Хута Роландга ўгирилди.

— Ёшим ўттизда, ҳурматли Хута, учта болам бор, хотиним тургинчисини кутяпти! — жавоб берди Роланд викор билан ва деразага қараб олди.

— Яша! — Хута қарс эткизиб, иккала кафтини уриштирди. — Мана бу бошқа гап! Қаҳрамон ота экансан! Сени сал хафа қилиб қўйдим, кечир!

— Ҳечкиси йўқ... — Роланд қўл силтади.

— Узр, кечир мени, ўғлим! — такрорлади Хута.

— Э, қўйсангиз-чи... — деди Роланд хижолат бўлиб ва мавзуни ўзгартириш мақсадида Бачанага мурожаат қилди: — Қаёққа кетяпсиз, ҳурматли Бачана?

— Сухумига. командировкага...

— Омадингиз бор экан... Мазза қилиб денгизда чўмиласиз...

Бачана жилмайиб, бош ирғаб қўйди.

— Бизни ишимиз нима бўлади энди, азизим Роланд? — яна эски гапни бошлади Хута.

— Қайси иш?

— Ёдгорлик-да.

— Ҳал қилдим, ҳурматли Хута, ҳал қилдим! Фақат сиз ўйлагандай эмас, ўзим ўйлагандай ҳал қилдим! — деди Роланд зарда билан ва яна деразага қараб олди.

— Қанақа экан у? — Хута хушёр тортди.

— Мана бундоқ! Солдат! Бошида каска, қўлида милтиқ! Унга ёшгина жувон — она ёпишиб олган! У яланг оёк! Онанинг атрофида кўрқувдан кўзлари жавдираган тўрт нафар норасида, яланғоч бола! Ёдгорлик мана шундай бўлади! — кип-қизариб кетган Роланд, худди ёқалашига ҳозирланган одамдай, муштумини столчага қўйди.

— Мен сенга нима дедим! — севиниб кетган Хута ўрнидан сапчиб туриб, Роланднинг пешонасидан ўпди. — Айтдим-ку сизга, ҳурматли Бачана! Ёшларимиз дангаса бўлиб кетишган! Тайёрига югуришади! Агар сал миясини ишлатса борми, тоғни ағдаради булар! Ишонгандир-сиз энди?!

Бачанани тахририятнинг иши билан командировкадан шошилинч чақиртириб олишди.

Меҳмонхонага Марказий Комитет инструктори кўнғироқ қилди:

— Секретарнинг кўрсатмаси шу: эртага эрталаб соат ўнда унинг ҳузурига келишингиз керак!

— Нима масалада? — сўради Бачана, лекин трубкадан қисқа гудок эшитилди.

Марказком секретари билан суҳбат жуда қисқа бўлди. Тўғриси, буни суҳбат дейиш ҳам қийин — секретарь гапирди, Бачана жим қулоқ солиб ўтирди. Нима ҳам дея оларди? Ниҳоятда хунук воқеа содир бўлган эди: куппа-кундузи унинг ходими тахририят биносидан пора олиб, қўлга тушган!

Кундузи соат иккига Бачана шошилинч партия мажлисини чақиртирди. Ҳайъат аъзолари ва тахририят ходимларидан ташқари, мажлисда Марказком инструктори билан Ички ишлар министрлигининг ҳалиги жиноятни фош этган ходими иштирок этишди.

Мажлисни партком секретари очди:

— Масалани муҳокама қилишга киришишдан олдин, мен ўртоқ Шалва Хелаядан бўлган воқеани батафсилроқ гапириб беришини илтимос қиламан.

Хелая бир йўталиб, қора галстугини тўғрилади, сўнгра гап бошлади:

— Бундан икки ой муқаддам бўлимимизга тахририятингиз ходими Шота Цуладзе гражданин Калояндан пул таъма қилаётганлиги тўғрисида сигнал тушди. Бу сигналдан сал олдинроқ Калоян устидан тахририятга хат тушган экан...

— Ўртоқ Хелая, сигнал тушганига икки ой бўпти-ю, бу ҳақда менга энди гапирасизми? — деди Бачана жаҳли чиқиб.

Хелая бир оз чайналиб турди-ю, кейин давом этди:

— Биласизми, ҳурматли Бачана, биз сигналнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини текшириб кўришимиз керак эди, шунинг учун ҳам сизга индамадик, подадан олдин

чанг чиқармайлик, таҳририят жамоасини, қолаверса, шубҳа остига тушган одамни бекорга безовта қилмайлик, дедик.

— Ҳозир ўша «шубҳа остига тушган одам» қамоқда ўтирипти, таҳририят бадном бўлди. Бу сизнингча яхшими? — сўради Бачана.

— Хм... Шунақа бўлқолди... Лекин фактдан кўз юмиб бўлмайди: Цуладзе жиноят устида қўлга тушди...

— Ўртоқ Хелая, сиз нимадан кўпроқ манфаатдорсиз, порахўрликнинг олдини олишданми ёки айбдорни турмага тиқишданми? — сўради Бачана ўзини аранг босиб.

— Ўртоқ муҳаррир, мен сизни жудаям ҳурмат қиламан, лекин нима сабабдан порахўр ходиминингизни ҳимоя қилаётганингизга тушунолмаёпман? — деди Хелая.

— Мендан бошқа ким уни ҳимоя қилади? — таажжубланди Бачана.

— Бегуноҳларни ҳимоя қилиш керак!

— Цуладзе қанчалик айбдор бўлмасин, сиз нотўғри иш тутгансиз!

— Ўртоқлар, назаримда, сизлар мени ахборот бериш учун таклиф қилгансизлар. Агар Цуладзенинг ўрнига партиядан мени ўчириш ниятларингиз бўлса, тўғриси айтиб қўя қолинглар! — деди Хелая хафа бўлиб.

— Кечиринг, мен сал қизишиб кетдим...

Хелая папкасини очиб, ундан бир варақ қоғоз олди.

— Мана, таҳририятга, сизнинг номингизга келган имзосиз хат, Бачана Акакиевич.

— Сизнинг қўлингизга қанақа қилиб тушиб қолди?

— Цуладзенинг ёнидан чиқди. Порани олиб бўлгандан кейин у бу хатни Калояннинг кўзи олдида йиртиб ташлаши керак экан.

— Бу ёққа беринг-чи!

Бачана қўлини чўзди.

— Марҳамат! — Хелая хатни узатди.

— Овоз чиқариб ўқинг, илтимос, — деди хайъат аъзоларидан бири.

Бачана хатга кўз ташлади-ю, уни дарров таниди, чунки хатнинг тепасида ўзининг ёзуви ва имзоси бор эди. Мактуб қисқа бўлиб, катта-катта босма ҳарфлар билан ёзилган эди. Қаттиқ асабийлашганидан Бачана хатни ўзи ўқиёлмаслигини тушуниб, уни партком секретарига узатди:

— Ўқи!

«Ҳурматли муҳаррир! — деб ёзилган эди мактубда.

— Урбнели кўчасида бемаза ишлар содир бўляпти. 571-уйда яшовчи Гойоз Константинович Калоян (магазин мудири) ва ўша уйда турувчи унинг ўйнаши Ксения Гавриловна Вартагова (ўша магазин кассири) Калояннинг хотини Лили Герасимовна Аманатидзени ўлдириш мақсадида унинг овқатига турли пайтларда, турли миқдорда, турли-туман заҳарли моддаларни қўшиб беришмоқда, хозирги пайтда аёл шўрлик заҳарланиб, касалхонада ётибди. Хурматли муҳаррир! Қачонгача беҳаё террористлар она-Еримизни таҳқирлашади?! Қачонгача бу кабиҳ иш ёпифлигича қолади?! Шошилиш керак! Ўткир қаламингиз билан бу ахлоқсиз қотилларни фош қилиб ташлашингизни сўрайман. Хурмат ила — Гуманист».

— Хатда муҳаррирнинг резолюцияси борми? — сўради хайъатнинг ҳалиги аъзоси.

Секретарь ўкиди:

«Ўрт. Ш. Цуладзе. Хатни Ички ишлар министрлигига жўнатишингизни сўрайман. Б. Рамишвили».

Орага жимлик чўкди. Бачана секретардан хатни олиб, Хелаяга қайтариб берди.

— Цуладзе хатни Министрликка жўнатмаган! — деди Хелая таъкидлаб.

Бачана индамади. У ҳаммасини тушунган, воқеанинг бундан кейинги ривожини ҳам кўз олдига келтириб бўлган эди. Хелая эса гапида давом этарди:

— Шота Цуладзе хатни Министрликка жўнатмаган. Ўзи Калояннинг уйига бориб, уни хатнинг мазмуни билан таништирган. Калоян, табиийки, ҳаммасини қатъиян рад этган. Вартагава ҳам хатдаги фактларни бўйнига олмаган. Шунда Цуладзе, таҳририят бу ишни шундоқ қолдиролмайди, дегану чиқиб кетган. Калоян шармандагарчиликдан қутулиш учун Цуладзегга беш юз сўм таклиф этган, хатни йўқ қилиш шарти билан, албатта. Цуладзе кўнмаган. Калоян яна шунча ваъда қилган. Цуладзе эса икки минг сўм сўраган. Шунча пул, афтидан, Калоянга оғирлик қилган бўлса керак, у бизга мурожаат этди. Хатида, таҳририят ходими Цуладзе пул ундириш мақсадида мен билан ходимимга тухмат қиляпти, деб ёзган... Дарҳол оператив группа ажратилди, Цуладзегга бериш учун Калоянга икки минг сўм пул тутқазилди. Пуллар, албатта, ҳалигидақа эди... Цуладзе эса кузатув остига олинди.

Хелая папкасидан яна бир қороз чиқазиб, давом этди:

— 17 сентябрь кундузи соат 3 да «Пахлавон» универ-

маги жойлашган бинонинг 2-йўлагига Калоян билан Цуладзе учрашишди. Калояннинг айтишича, Цуладзе пулни олмаган. Мухаррир, ишни текшириб, газетада материал эълон қилинлар, деб талаб қияпти, деган.

— Кечирасиз, ҳурматли Шалва, Калояннинг сўзлари ҳақиқатдан йироқ эканлигини билармидингиз? — сўради таҳририятнинг масъул котиби.

— Йўқ, у пайтда мухаррир резолюция қўйган хат кўлимизга тушмаган эди.

— Демак, шу пайтгача мухаррирнинг ўзи ҳам шубҳа остида бўлган?

— Йўқ, мутлақо ундай эмас. Ахир Цуладзе, ишни текшириб кўришни айнан мухаррир талаб қияпти, деган-ку.

— Сизнингча, Цуладзе нима учун бундай йўл тутдйкин?

— Нарҳини ошириш учун.

Масъул котиб жим бўлиб қолди. Хелая давом этди:

— Орадан ўн кун ўтгач, экспериментни яна қайтардик. Бу гал Тошбақа кўли яқинида, этнографик музей биноларидан бирида, очиқ жойда учрашув тайин қилинди. Цуладзе яна пулни олмаган, тагин ўша баҳонани қилган... Лекин, хатни Ички ишлар министрлигига жўнатмасликка мухаррирни кўндиришга уриниб кўраман, деб Калоянга ваъда берган. У ёғига Калояннинг ўзи югуриши керак бўлган, албатта... Йигирма еттинчи октябрда, мухаррирнинг командировкада эканлигидан фойдаланиб, Цулдазе дадилроқ ҳаракат қилади, деган мўлжал билан экспериментни такрорладик. Тахминимиз тўғри чиқди. Эрталаб соат ўнда, таҳририят биносида Цуладзе Калояндан пулни олди!

— Иสบоти борми? — сўради Марказком инструктори.

— Бор. Цуладзедан пул қайтариб олинди. У айбига икром бўлди. Лекин кеча аввал берган кўрсатмасидан тониб, пулни қарзга олганман, деб туриб олди. — Хелая папкасини ёпди.

Бачана бу гаплардан ҳангу манг бўлиб, миқ этмай ўтирарди.

— Ҳурматли Шалва, — деди у ниҳоят тилга кириб, — гапингизга қараганда, Цуладзе пулни олишдан икки марта бош тортиб, фақат Калоян билан учинчи марта учрашгандагина олган. Айтинг-чи, ўша экспериментни уч марта такрорлашнинг нима зарурати бор эди? Балки, у эс-хушини йиғиб олгандир, хатосини тушуниб,

жиноятга қўл уришдан воз кечгандир? Бу томонини ўйла-
мадингизми?

— Сиз бизнинг ишимизни билмайсиз, шунинг учун бу масалага нуқул олижаноб туйғулар билан ёндошяп-
сиз. Лекин иш сиз ўйлаганчалик эмас. Агар Цуладзе
аввалбошданоқ Калоян билан савдолашмаганда эди, эхти-
мол, биз унинг виждонли одам эканлигига ишонган бўлар-
дик. Лекин у кўпроқ пул олиш мақсадида ишни атайлаб
орқага судраган!

— Ахир Калоян биринчи учрашувдаёқ айтган пули-
ни олиб келган-ку? Нима учун Цуладзе олмаган?

Хелая ўтирган жойида бир кимирлаб қўйди.

— Ҳар ҳолда, Цуладзе кўпроқ пул олмоқчи бўлган.
Шунинг учун ҳам уч марта синаб кўрдик.

— Синаш деганда сиз нимани тушунасиз — билмади-
му, лекин бу — йўлдан уриш, менимча.

— Бизнинг мақсадимиз жиноятчиликка қарши кура-
шишдан иборат! — деди қатъий Хелая.

— Мен мақсадингиз йўлдан уриш эмас, фош қилиш,
деб ўйлардим! — жавоб берди Бачана. — Агар ўз вақ-
тида шуни менга маълум қилганингизда, мен Цуладзени
ишдан ҳайдардим, жиноятнинг ҳам олди олинган бўлар
эди.

— Ҳурматли Бачана, порахўрларнинг бошини силаб
ўтиришга вақтимиз ҳам, имкониятимиз ҳам йўқ!

— Калоян-чи?

— Калояннинг иши билан бошқа группа шуғуллан-
япти... Агар имзосиз хатдаги фактлар тасдиқланса,
унинг ҳоли нима бўлишини биласиз...

— Ахборотингиз учун ташаккур, ҳурматли Шалва! —
деди Бачана ўрнидан туриб. Хелая ҳамма билан хайрла-
шиб, кабинетдан тез чиқиб кетди.

— Хўш, нима дейсизлар, ўртоқлар? — партком сек-
ретари ўтирганларга мурожаат қилди.

— Мумкинми? — муҳаррир ўринбосари қўлини кўтар-
ди.

— Марҳамат!

Ўринбосар ўрнидан туриб, олдидаги қоғозларни тит-
килади. Афтидан, сўзга чиқишга олдиндан тайёрланиб
юрганга ўхшайди, лекин бари бир қаттиқ ҳаяжонда эди.

— Мажлисимизда Марказий Комитет вакили ишти-
рок этипти, бинобарин, коммунист сифатида ҳамма нар-
сани очиқ-ойдин гапиришга мажбурман. Бугун биз Цу-
ладзени партия сафидан ўчирамиз, албатта, лекин унинг

муҳарриримиздай оғайниси ва кучли ҳомийси бўлмаганда, бу ишни анча илгарироқ қилган бўлур эдик... Цуладзе совет журналисти деган муқаддас номга доғ туширди! Бутун таҳририятимиз жамоатчилик кўзи олдида шарманда бўлди! Шунинг учун яна такрорлайман: юз берган воқеа учун бутун масъулият ўртоқ Рамишвили зиммасига тушади. Рамишвили оғайниси Цуладзени таҳририятга ўзи ишга опкелди, гарчи ҳеч қандай хизматлари бўлмаса ҳам, охирги кунга қадар уни ҳимоя қилиб келди, агар сезган бўлсаларингиз, бугун ҳам унинг ёнини олмоқчи бўляпти... Фақат муҳаррирнинг мана шунақа «тарбиявий» фаолияти туфайлигина биз ҳозир мум тишлаб ўтирибмиз... Хўш, Цуладзе ким ўзи?! Ёмон ўртоқ, — лекин мен унинг ўртоқлари сафида бўлмаганман, — ёмон фарзанд, ёмон ака, ёмон ота, лаёқатсиз адабиётчи, қолаверса, энг муҳими, порахўр! Мана сизга Цуладзенинг ҳақиқий қиёфаси! Мен унинг таҳририятга ишга келишига ҳаммавақт қарши бўлганман, борди-ю, мен муҳаррир бўлганимда у бу ерга қадамини ҳам босмас эди... Цуладзенинг порахўрлиги ҳақида ўз вақтида Марказий Комитетга ҳам, Ички ишлар министрлигига ҳам хабар қилганман. Бинобарин, ҳар қандай жавобгарликни бўйнимдан соқит қилиб, масъулиятни батамом ўртоқ Рамишвили зиммасига юклашни талаб этаман.

Ўринбосар чўнтагидан оппоқ рўмолчасини чиқазиб, терлаб кетган бўйни ва пешонасини артди, кейин тахи бузилмаслиги учун, бармоқ учлари билан шимининг почаларини авайлаб кўтариб, жойига ўтирди.

Ўринбосар гапирар экан, Бачананинг кўз олдидан студентлик йиллари ўтди. У ўзи, ҳозирги ўринбосари ва Цуладзенинг бир тўгаракка қатнаб юрган пайтларини, университет клубидаги йиғилишларни, «Фан» ресторани» деб аталмиш студентлар ошхонасида сўнгги бурда нонни бўлишиб еганларини, Удзо ва Шиомгвимера¹ экскурсияга боришганини, уювлари бир қизни яхши кўриб юрган онларини эслади... Шуларни эслади-ю, бирдан ўпкаси тўлиб, йиғлагиси, йиғлаганда ҳам буларни ёшлигидан биладиганларнинг ҳаммаси эшитадиган қилиб, ўкириб-ўкириб йиғлагиси келди...

— Яна ким гапираси? — сўради партком секретари.

— Ўртоқ Гивига саволим бор? — деди адабий ходим.

¹ У д з о, Ш и о м г в и м е — Тбилиси яқинидаги қадимий ибодатхоналар.

— Қанақа савол? — ажабланди ўринбосар.
— Ҳозиргина Цуладзенинг порахўрлигини билардим, дединг. Неччи йилдан бери билардинг буни?

— Беш-олти йилдан бери, — жавоб берди ўринбосар ўйлаб ўтирмай.

— Шунақа экан, нега ўтган йили унга партияга кириш учун тавсиянома ёзиб бердинг?

Ўринбосарнинг ранги оқариб кетди, курукшаган лабораторини ялаб, гудранди:

— Буни масалага алоқаси йўқ... Биринчидан, кимга қачон тавсиянома берганимни эслаёлмайман. Иккинчидан, партияга киришга ва чет элга боришга тавсияномалар одатда расмият юзасидангина берилади...

— Гиви Давидович, жиддий гапиряписизми ёки ҳазиллашяписизми? — сўради Марказком инструктори ҳайрон бўлиб.

— Нима, партияга кимларни тавсия қилганингизни ўзингиз эслай оласизми? — ўз навбатида савол ташлади унга ўринбосар.

— Албатта! Бўлмасам-чи! — инструктор қўлларини икки томонга ёзди.

— Менда савол бор, — деди партком секретари. — Айтайлик, Цуладзегга қачон тавсиянома берганингни эслолмайсан. Лекин нима учун, унинг порахўр ва муттаҳамлигини била туриб, бир ой муқаддам у билан бирга командировкага бординг.

— Муҳаррирнинг топшириғини рад этолмайман-ку!

— Муҳаррирни аралаштирма! У пайтда муҳаррир отпусқада эди! Узингга ҳам, Цуладзегга ҳам командировка қоғозини ўзинг ёзгансан!

— Тўғри, бирга борганман, ноҳўя хатти-ҳаракат қилишига йўл қўймаслик учун бирга борганман! — Ўзини оқлашга уринди ўринбосар.

Адабий ходим хахолаб кулиб юборди. Секретарь қалами билан столи тақиллатди.

— Яна битта савол, — сўз олди ҳайъат аъзоси. — Гиви Давидович, Цуладзенинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари тўғрисида ўз вақтида Марказкомга ва Ички ишлар ми-нистрлигига хабар қилганман, дедингиз. Бу ташкилотлар сизнинг сигналингизга нима учун эътибор бермаганлигини қандай тушуниш мумкин?

— У пайтда эски раҳбарлар эди!.. Уларнинг қўпчилиги ҳозир олдинги лавозимларида ишлашмайди, айримлари эса оламдан ўтиб кетган.

— Нега янги раҳбарларга айтмадингиз?

— Бунақа саволни нима кераги бор? — деди ўринбосар зарда билан.

— Шунинг учун керакки, азизим, янги раҳбарлар ҳам шу ишлардан хабардор бўла туриб, эътибор беришмаган бўлса, бизнинг гуноҳимиз маълум даражада енгиллашади. Мана шунинг учун керак! — жавоб берди хайъат аъзоси.

— Менинг ҳеч қандай айбим йўқ ва бировнинг ҳимоясига муҳтож ҳам эмасман! — чўрт кесди ўринбосар.

Музокара давом этарди. Ҳамма юз берган воқеадан қаттиқ таассуф билдирар ва Цуладзени партиядан ўчиришни яқдиллик билан талаб қиларди.

Навбат Бачанага келди. У ўрнидан туриб, ниҳоятда хотиржам, лекин титроқ овозда сўз бошлади:

— Дўстларим, бу ерда айтилган гапларнинг деярли ҳаммаси — ҳақ гаплар. Шота Цуладзе — менинг дўстим, болалигимиздан бери дўстмиз у билан. Университетда бирга ўқиганмиз, Ваке ва Верэда бирга сайр қилганмиз... У ҳаммавақт ҳақиқий ўртоқ, фарзандларига меҳрибон ота ва падару волидасининг баодоб ўғли бўлган... Мен уни дўстим бўлгани учун эмас, зукко инсон ва ниҳоятда талантли журналист бўлгани учун таҳририятга таклиф қилганман... Лекин унга таъсир кўрсатишга, унинг хатти-ҳаракатини кузатиб, кўз-қулоқ бўлиб туришга менда тажриба ҳам, қобилият ҳам, обрў-эътибор ҳам етишмаганга ўхшайди... Очигини айтсам, Цуладзенинг қилган ишини мен унинг табиатига зид нарса деб биламан. Жавобгарликдан қочмоқчи эмасман. Ўринбосаримнинг фикрига қўшиламан — бутун масъулият менинг зиммамга тушиши керак, мен бунга тайёрман...

Бачана аста жойига ўтирди-ю, сув сўради...

... Оғрик ўнг елкадан бошланди. Кейин аста-секин кўкракка сурилиб, чап сийнанинг аллақайси бир тубига жойлашиб олди. Сал ўтмай, кимнингдир қабарган, дағал бармоқлари кўкрак қафасини ёриб кириб, юракка чангал урди-ю, уни худди бир бош узумни эзфилагандай аёвсиз эзфилай бошлади. Эзфилаганда ҳам шошмасдан, ҳафсала билан эзфилай бошлади: бир-икки, икки-уч, уч-тўрт... Ниҳоят, обдон мижиқланган юракда бир қатра ҳам қон қолмагач, яна ўша қўллар уни бамайлихотир улоқтириб ташлади...

Ўша куни ҳазрат Иорамнинг олдига бир одам келди. Уларнинг суҳбати қисқа, ноаниқ ва даҳшатли бўлди.

— Ҳазрат, — деди ҳалиги одам салом-алиқдан сўнг, — ўша кеча ҳаётингизни сақлаб қолган дўстларингиз, агар уларнинг исм-шарифларини унутсангиз, сиздан бағоят миннатдор бўлишади!

Нотаниш киши Бачанага орқа ўгириб ўтирганидан башараси кўринмасди. Аммо ҳазрат Иорамнинг чехрасига қараб, келган одамнинг жиноятчи эканлигини Бачана дарров фаҳмлади.

— Хочни ҳам унутишим керакми? — сўради ҳазрат Иорам.

— Адресни ҳам!

— Лекин адресни «Тез ёрдам» биледи, — деди ранги оқариб кетган рухоний.

— «Тез ёрдам» сизни кўчадан олиб кетган, у ёққа эса автоматдан кўнғироқ қилишган.

— Бундан чиқди, ҳаммаси олдиндан режалаштирилган экан-да?

— Ҳа.

— Хоч-чи? — такрор сўради ҳазрат Иорам.

— Хоч-почингизни билмайман.

— Биласиз!

— Сизга айтган гапларимдан бошқа нарсани билмайман!

— Сизнингча, шаҳар бедарвоза экан-да? — заҳарханда қилди рухоний.

— Йўқ, нега энди, ҳазрат, шаҳарни дарвозаси бор, пулат дарвозаси бор!

— Ўша аблаҳдан хочни қанчага сотиб олдингиз? — ҳазрат Иорамнинг овози титраб кетди.

— Гапнинг очиғи: хоч ҳақидаги сўзларингизга тушунмаяпман. Агар бу касаллик белгиси бўлса, сизга ёрдам беролмайман. Борди-ю, хоч сотиб олиш ниятингиз бўлса, ёки аксинча, уни сотмоқчи бўлсангиз, тўғриси айтиб кўя қолинг, ёрдам беришим мумкин. Тортинманг, биз пулнинг бетига қарамайдиган одамлармиз...

— Биз деганингиз ким? — сўради ҳазрат Иорам.

— Биз! — қисқа жавоб қилди нотаниш киши.

— Ўзингиз кимсиз?

— Мен ўртада турган одамман.

— Сиз билан гаплашишни хоҳламайман!

— Мен ҳам...

— Унақа бўлса, хайр...

— Қайта учрашишимиздан фойда йўқ, деб ўйлайман.

Шунинг учун сиз билан хайрлашаман... — Нотаниш киши ўрнидан турди.

— Қўрқитмоқчи бўляпсизми мени? — деди ҳазрат Иорам, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ қўрқиб кетгани овозидан сезилиб турарди.

— Йўқ, огоҳлантириб қўйяпмиз!

Бачана ўзига мутлақо тушунарсиз, ғалати бу суҳбатга шу пайтгача индамай кулоқ солиб ётган эди, аммо нотаниш кишининг охириги гапидан қони қайнаб кетди.

— Йигитча, илтимос, бу ёққа келинг! — деди у. Бачана бу сурбет одам билан гаплашиш иштиёқида эмас, балки унинг башарасини эслаб қолиш ниятида шундай деди. Нотаниш киши шошмасдан Бачана томонга юзини бурди ва сохта мулойимлик билан:

— Менга гапиряпсизми? — деб сўради. Унинг овози истехзога тўла эди.

Бачана титраб кетди. Нотаниш кишининг башараси йўқ эди! Бир қараганда ҳамма аъзолари жой-жойида тургандай — кўзи, кулоқлари, бурни, лаблари, ияги... ҳаммаси бор. Лекин, шунга қарамай, бу одам қиёфасиз эди, унинг юзида на бирор ифода, на бирор маъно бор эди. Бачана бундай одамни эслаб қолиш мумкин эмаслигини, бунақа нусхалар ўзларига керакли одамни ўзлари кидириб топишларини тушунди. Шуни тушунди-ю, кўзларини бир лаҳзага юмиб, бу антиқа одамнинг қиёфасини хаёлида тиклаб кўришга уринди, аммо уддасидан чиқолмади — нотаниш кишининг шаклу шамойили худди арвоҳдай ғойиб бўлган эди.

Бачана кўзларини қайта очганида, у палатадан чиқиб кетган эди.

— Ким у? — сўради Бачана тили айланмай қолган руҳонийдан. — Юзи бу қадар маъносиз одамни умримда биринчи кўришим!

— Одам эмас у. Арвоҳ у...

Ҳазрат Иорамни касалхонага ётқизиб қўйган дард, ҳисоб бўйича, иккинчи инфаркт эди. Мухтарам китобхон, бу оғир дард Ортачала черковининг нозирини ўлмас «Декамерон»ни ўқиётган пайтида ёки авлиё Даниил томонидан авлодларга қолдирилган Валтасар саройидаги

базм тавсифини қилаётганида кулатипти, деб зинхор ўйла-
масин.

Ҳазрат Иорам ўзи учун мутлақо кутилмаган воқеа-
нинг қурбони бўлди.

1970 йили Парижда муҳожирликда яшаётган грузин
князи Саурмаг Амiredжиби 90 ёшида вафот этди. Князь
ёзиб қолдирган васиятномасида жасадини Грузияга олиб
бориб, Ортачала черковида жаноза ўқитишни ҳамда ўли-
мига қадар бўйнига осиб юрган, зумрад терилган тилла
хочни ўша черковдаги Биби Марям иконасига атаб, сов-
ға қилишни сўраган эди.

Амiredжибининг эвараси — Кетеван Андроникашви-
ли-Миролубская катта бобосининг васиятини бажо кел-
тирди. Князь Кукия қабристонига дафн этилди. Хоч эса
васиятнома ва тегишли ёрлик билан бирга ҳазрат Иорам-
га топширилди.

Ёрликда хочнинг тавсифи ва баҳосидан ташқари, унинг
Вахтанг Горгасалнинг¹ синглиси Гурандухтга тегишли экан-
лиги ҳамда ўн олти яшар Горгасал аланлар билан ҳазар-
лар қўшинини тор-мор келтириб, синглисини тутқунлик-
дан халос этганлиги ва мазкур хочни ўз қўли билан унинг
бўйнига осиб қўйганлиги ҳақида ёзилган эди.

Бу маълумотнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги ва
хочнинг қай йўсинда Амiredжибилар хонадонининг та-
баррук мулкига айланиб қолганлиги тўғрисида бир нар-
са дейиш қийин. Аммо у чиндан ҳам қимматбаҳо эди,
айниқса, амал-тақал қилиб кун кўраётган Ортачала чер-
кови учун бебаҳо тортиқ эди. Шунинг учун ҳам ҳазрат
Иорам уни оллонинг улуғ марҳаматидай қабул қилди.

Ушандан бери ҳар йили Биби Марям кунида ҳазрат
Иорам пўлат сандиқда, оппоқ шохи ёстикча устида тур-
ган хочни ихлос билан қўлига олиб, Биби Марям ико-
наси ёнига келтириб қўярди.

Ибодатга келганлар бешинчи аср қаъридан ўзларига
термулиб турган зумрад кўзларга камоли эҳтиром билан
лабларини босишар, ҳазрат Иорам билан мунши Авель
Арджеванидзе эса уларни энтикиб кузатишар, зеро куч-
ли эътиқод туфайли ҳеч ким тарихий ёдгорликлар бўйича
француз мутахассислари 250 минг долларга баҳолаган
бу мукаддас хочни олиб кетишни хаёлига ҳам келтир-
масди.

¹ Вахтанг Горгасал (502 йилда вафот этган) — Грузия
подшоси, Тбилиси шахрининг асосчиси.

Бу ахвол 1973 йилгача давом этди.

Шундан бир йил олдин, Биби Марям байрамининг иккинчи ҳафтасида ҳазрат Иорам ўз хужрасида унсиз ёш тўкиб, гўзал Юсуф ва унинг акалари қиссасини юзинчи бор қайта ўқиб ўтирган пайтида, бирдан эшик шаҳд билан очилиб, хужрага худди осмондан тушгандай мунши Арджеванидзе кириб келди.

— Салом, Иорамжон! — деди у ўз нозирига тиржайиб ва бир «хийк» этиб қўйди.

Кейин хангу манг бўлиб қолган рухонийнинг елкасига шапатилаб, килиқ кўрсата бошлади. Аввал бошидаги қалпогини ечиб, тош ётқизилган ерга улоқтирди, сўнг ридосини ҳам ечиб ташлади, ундан кейин бўйнида осилиб турган каттакон кумуш хочни олиб, ҳазрат Иорамнинг юзига отди-да, жазава билан кула бошлади.

— Йўқол, иблис! — ўтақаси ёрилган ҳазрат Иорамнинг тили базўр калимага келди.

— Ҳозир кетаман! — деди Арджеванидзе ва рухоний бирдан оғирлашиб қолган қўлини базўр кўтариб чўкинаётган пайтида бутун христиан оламини бўралаб сўка кетди:

— Ҳаммаларингга минг лаънат! Сенга ҳам поп, падарингга ҳам, фарзандларингга ҳам, азиз-авлиёларингга ҳам, моғор босган черковингга ҳам минг лаънат! Тупурдим сизларга! Ўзимни қўланса қалбимга ҳам тупурдим! Мана, бир маза қилинглар! — Мунши шундай деб, олдин чуқур нафас олди-да, кейин хириллаб ўпкасидаги бор ҳавони чиқазди. Хужрани тамаки ва арокнинг бадбўй хиди тутиб кетди. — Олинглар, ҳаммасини сизларга бердим!.. Мен кетаман, манови рўдапо сарполар ҳам сизларга тортик! — у ерда ётган қалпоқ билан ридога тупурди-да, оёғининг учига илиб осмонга ирғитди. — Манови бир пудлик хочни бўйнингга осиб, ўзингни Курага ташла, шояд тубидаги тошларнинг сановига етсанг!

— Эсингни йиғ, тентак! Худонинг қаҳрини кўзгатма! Куфрона сўзларингни олло эшитса тилингдан айриласан, касофат! — ҳазрат Иорам қутуриб кетган муншини тинчлантиришга уринди.

— Йигирма йилдан бери эшитмаган олло энди эшитадими! Худойингни қулоғи кар, ҳазрат, қулоғи кар! Арши аълога чикволиб, нуқул чиранади! Ундан кўра ерга тушиб, Хечинашвили клиникасига борса, қулоғи очилиб кетармиди! Сенга ҳам маслаҳатим шуки, ҳазрат: манови жандаларингни ташлаб, танангни ўйла! Сени руҳингдан

кўра тананг азизроқ!.. Сизларни тарк этаман! Ҳеч кимдан қарзим йўқ! Менинг руҳим керакми? Марҳамат, ола қолинглар! — Арджеванидзе яна ўпкасини тўлдириб, ҳавога пуфлади. — Танамни эса олиб кетаман!.. Омон бўлсинлар! Ариведерчи!..

Мунши бармоқларининг учини лабига теккизиб, руҳонийга узоқдан туриб бўса йўллади, кейин иконаларга қалампир ва ичимликдан шишиб кетган тилини биттамабитта чиқазиб кўрсатди, сўнг қўлларини чўнтақларига солди-да, кувноқ бир қўшиқни хиргойи қилганча ҳазрат Иорамнинг хужрасидан чиқиб кетди.

Ҳазрат Иорамни ўз хужрасидан беҳуш ҳолда топишди. Лекин бу ҳали инфаркт эмасди. Руҳонийнинг бақувват юраги аёвсиз дилозорликка бардош берган эди.

Инфаркт бир йилдан кейин, Биби Марям байрами арафасида юз берди. Ҳазрат Иорам пўлат сандиқни очиб, шоҳи ёстикчани кўлига олди-ю, унда машҳур хочни эмас, ачиган редискани кўрди. Биби Марям азбаройи имонни ва ўзига бўлган ихлосни сақлаб қолиш учун бундан кўра енгилроқ мўъжизани ўйлаб топса ҳам бўларди-ку, деган ўй ўтди ҳазрат Иорамнинг кўнглидан ва шу оннинг ўзида гурсиллаб йиқилди. Бу энди ҳақиқий инфаркт эди.

Ҳазрат Иорам гирифтор бўлган биринчи инфарктдан кейин, табиийки, Арджеванидзени қамоққа олишди. Аммо иш судгача бориб етмади. Жабрланувчи билан гумондор биринчи марта юзлаштирилгандан кейиноқ тергов тўхтади. Ҳазрат Иорам касалхонадан чиққанидан сўнг бир ҳафта ўтгач, терговчи Арджеванидзени унинг уйига олиб келди. Қузатиб келган милиционерни хонадан чиқазиб юбориб, терговчи собиқ муншини руҳонийнинг каравоти ёнига ўтказди, ўзи эса столга мук тушиб, протокол тузишга киришди.

— Гражданин Канделаки, гумон қилинаётган Арджеванидзега саволларингиз борми? — сўради у.

Ҳазрат Иорамнинг ияги титраб, кўзлари жикка ёшга тўлди.

— Гапир, касофат, иблисдан таркаган, табаррук хочни кимга сотдинг! — деди у титраб-қақшаб Арджеванидзега.

— Муҳтарам терговчи, ҳозир бизнинг черков тилида айтилган сўзлар сизнинг тилингизда энг хунук сўқинишдан ҳам баттар! Бинобарин, бу... коммунистик ғоялар

кўпоровчисининг хатти-ҳаракатини майда безорилик сифатида қайд этишингизни сўрайман! — деди Арджеванидзе ўзини иззат-нафси таҳқирланган одамдай кўрса-тишга уриниб.

Терговчи Арджеванидзенинг талабига эътибор ҳам қилмади ва ўзи унга савол ташлади:

— Айтинг-чи, Арджеванидзе, хочни сиз ўғирламаганингизга гувоҳингиз борми?

— Гувоҳим — худо! — хитоб қилди у қўлларини осмонга кўтариб.

— Худога тил теккизма! — руҳоний ўрнидан туриб кетаёзди.

— Арджеванидзе, майнавозчилик қилманг! — деди терговчи собиқ муншига. — Биз худони гувоҳликка чақиролмаймиз, бирорта тирик одамни айтинг!

— Марҳамат: ҳазрат Иорам Канделаки!

— Мен-а-а?! — ҳазрат Иорам каравотдан қулаб тушишига сал қолди.

— Албатта! — деди Арджеванидзе.

Собиқ муншининг сурбетлигидан ҳазрат Иорамнинг тили айланмай қолди, у эса давом этди:

— Мухтарам терговчи, бу тухматчидан сўранг-чи, мен черковдан кетганимдан кейин хоч йўқолгунга қадар орадан қанча вақт ўтганинги?

Терговчи руҳонийга мурожаат қилди:

— Хоч йўқолганини қачон билдингиз?

— Қарийб бир йилдан кейин... Ахир, мен уни пўлат сандиқдан фақат Биби Марям кунига олардим-да... Лекин бунинг аҳамияти йўқ! Олдинроқ ўғирлаган бўлиши ҳам мумкин!

— Энди пўлат сандиқнинг калитини қаерда сақлашини сўранг.

Терговчи саволни қайтарди.

— Мана бу ерда! — ҳазрат Иорам бўйнида осилиб турган ингичка занжирни кўрсатди.

Терговчи ёзиб қўйди: «Пўлат сандиқнинг калити ҳам-мавақт жабрланувчининг бўйнида осиб қўйилган турган». Кейин янги савол берди:

— Сандиқни қай аҳволда кўрдингиз? Яъни, у очик эканми ёки қулфлоглиқми?

— Сандиқ берк эди...

— Ўзингиз уни очдингиз?

— Ҳа, ўзим...

— Арджеванидзегга калитни ҳеч берганмидингиз?

— Ҳеч қачон! — деди ҳазрат Иорам ва тергов шу билан тугаганини тушунди.

— Яхшилаб ўйлаб кўринг, отахон... Балки мазангиз қочаётгандир? У ҳолда суҳбатимизни кейинга қолдирамиз. — Терговчининг руҳонийга раҳми келди.

— Мен рози эмасман! — Арджеванидзе ўрнидан туриб кетди.

— Айтинг-чи, отахон, — давом этди терговчи, — калит ҳаммавақт ёнингизда бўлганми?

Ҳазрат Иорам фақат бош силкиди: у ҳатто ҳаммомда ҳам калит осилган занжирни бўйнидан ечмас эди.

— Балки бирортаси калитни нусха кўчириш учун ўғирлагандир?

Ҳазрат Иорам шундай бўлиши мумкинлигини ҳам биларди. Лекин бунга ишонмасди, шунинг учун индамай қўя қолишни афзал кўрди. У Арджеванидзени охириги марта инсофга чақирмоқчи бўлди:

— Озгина имонинг қолган бўлса, ростини айт, иблис: хочни кимга, қанчага сотдинг?!

— Иблис ўзингсан! — дўк урди собиқ мунши.

— Глданидаги иморатни қайси пулга қурдинг? Мен черковни томидаги иккита сополни алмаштиролмаман, бу бўлса...

— Уй қайнатамга қарашли. Черков масаласига келсак, сендай бир қароқчини қўлида шу пайтгача бус-бутун турганига ҳайронман!

Руҳоний гезариб кетди. Терговчи Арджеванидзега пўписа қилди:

— Яна шунақа гап оғзингдан чиқса, мен сени... — У ўғирликда шубҳаланиб қамоққа олинган кишини яна нима қилиш мумкинлигини билолмай, бармоғини силкитиб қўя қолди.

— Уйнинг ҳужжатларини ўзингиз текширгансиз-ку, шундайми? — сўради Арджеванидзе. Терговчи бош ирвади. — Бўлмаса нима учун мени кўркитяпсиз? Нимага софдил бир одамни ҳимоя қилиш ўрнига хурофот ботқоғига ботган кишининг ёнини оляпсиз?!

Терговчи довираб қолди.

— Машина-чи? — гапга аралашди ҳазрат Иорам.

— Гражданин Канделаки! — мурожаат қилди унга терговчи. — Тергов ишга алоқадор ҳамма масалаларни синчиклаб ўрганиб чиққан... Шунинг учун бошқа гапларни аралаштирманг!

— Машинани ишга алоқаси йўқми? — деди руҳоний ранжиб.

— Йўқолган хоч бўйича тергов кетяпти, машинанинг бу ишга алоқаси йўқ, қолаверса, машина гражданин Арджеванидзенинг қайнағасига тегишли.

— Мени бошқа саволим йўқ! — ҳазрат Иорам чуқур ух тортди ва валидол идишининг қопқоғини очишга тутинди.

— Сизда-чи? — сўради терговчи Арджеванидзедан.

— Саволми? — Арджеванидзе ўрнидан турди. — Мен ўз хохишим билан диндан алоқасини узган киши ҳамда атеистлар жамияти президиумининг аъзоси сифатида, — дарвоқе, расмим жамиятимизнинг Ҳурмат тахтасига осиб қўйилган, — қатъиян ва расмий равишда талаб қиламан: биринчидан, сурбетларча тухмат қилгани учун бу маърифат душмани бошқаларга ўрناق бўларли даражада қаттиқ жинойий жавобгарликка тортилсин. Иккинчидан, ўзбошимчалик ва тухматнинг бегуноҳ қурбони сифатида мен дарҳол озод қилинишим керак. Ниҳоят, учинчидан, ноиложликдан ишдан қолганим туфайли мен кўрган зарарни қоплаш мажбурияти жиноятчи Канделаки зиммасига юклансин! Шу билан гапим тамом! — Арджеванидзе лабларига сачраган кўпикни артиб, жойига ўтирди.

— Кимнинг зиммасига нима юкланишини одил суд ҳал қилади, мен сиздан буни сўраётганим йўқ! Агар гражданин Канделакига саволингиз бўлса — беринг!

— Хўп бўлади! — Арджеванидзе яна ўрнидан турди. — Мен бу шайтон ва жоҳил одамдан бир нарсани сўрамоқчиман: грузин халқининг мулки, ноёб ёдгорлик бўлган малика Гурандухтнинг хочини у қаёққа яширган?

Терговчи руҳонийга савол назари билан қаради. Шунда ҳазрат Иорамнинг хотирига ёшлигидан юз берган бир воқеа қалқиб чиқди...

... У ўнинчи трамвайда стадионга кетаётган эди. Трамвай бозор бекатига етганда кимдир унинг чўнтагига қўл солди. Иорам кисавурнинг қўлидан маҳкам ушлади, аммо оғиз очишга улгурмасидан, кисавур унинг юзига тарсаки тушириб, ўдағайлай кетди:

— Уялмайсанми, йигитча?! Кўринишингдан туппа-тузук, маданиятли болага ўхшайсан, ҳойнаҳой, бамаъни оиладан бўлсанг керак! Чўнтагимга тушиб ўтирибсан-а?! Уят эмасми!..

Трамвайдагилар ёппасига Иорамга ёпиша кетишди.

Иорамнинг юриб кетаётган трамвайдан сакраб тушиб қолишдан бошқа иложи қолмади.

Ҳазрат Иорам шу воқеани эслади-ю, иккала юзи чўндай ёниб, кўзларига ёш келди.

— Хўш, бунга нима дейсиз, отахон?! — сўради терговчи.

Ҳазрат Иорам аста каравотдан тушди-да, яланг оёқ, фақат ички кўйлақда нариги хонага кириб кетди. Бобосидан қолган каттакон ханжарни осифлик турган жойидан олиб, бир чўқиниб қўйди, кейин ханжарни қинидан суғурди-да, уни икки қўллаб боши узра кўтарганча ва жоҳат билан терговчи ва Арджеванидзе ўтирган хонага чиқиб келди.

— Даф бўл, иблис! — деб кичкирди рухоний ва кучининг борича Арджеванидзенинг бошига ханжар билан туширди. Собик мунши ўзини аранг четга опқочди, ханжар шувиллаганча хавони кесиб ўтиб, стул суянчиғини иккига бўлиб ташлади.

Ҳазрат Иорам ханжарни бир четга отди.

— Кетинглар! — деди у бўғик овоз билан ва ўзини полга ташлаб, хўнграб йиғлаб юборди.

... Бундан кейин сўроқни давом эттириш ва протокол тузишдан фойда йўқлигини терговчи тушунди. У дарҳол чиқиб кетмаса, иконалар билан безатилган ушбу хонада қон тўкилиши мумкин эди. Терговчи шуни тушунди-ю, гумон остидаги кишини етаклаб, ўғри урган Ортачала черкови нозирининг уйини шоша-пиша тарк этди...

Ҳазрат Иорамни қулатган ва ҳозир Бачана билан ёнма-ён ётқизиб қўйган иккинчи инфаркт яқинда — бундан икки ой муқаддам юз берди. Ўша куни тунда у кўпчиликка таниш бир раҳбар ходимнинг қазо қилган қайнатасига жаноза ўқиш учун яширинчи унинг хонадонига таклиф этилган эди.

Ҳазрат Иорам ҳатто тобутга яқинлашишга ҳам улгурмади — остонадан хатлаши билан уй бекасининг ўйма ёқали кўксига ярқираб турган хочга...шоҳ Вохтанг Горгалнинг синглиси Гурандухтга қарашли хочга кўзи тушди-ю, гуппа афдарилди.

... «Тез ёрдам» замбилида хушига келган ҳазрат Иорам ўзи интизор бўлган табаррук хочни эмас, оппоқ қутичага чизилган каттакон қизил крестни кўрди. Кейин йўл бўйи, то касалхонага етгунча, ўзига таниш бухўр исини

эмас, кўнгилни айнагувчи нашатир ва камфара бўйини хидлаб кетди...

Биринчи инфарктдан кейин кўзи очилган ҳазрат Иорам бу гал нима сабабдан дардга чалингани тўғрисида бировга чурқ этмади. У қисматини олло ихтиёрига топшириб, одил суддан юз ўгирган эди. Эртами-кечми, гуноҳкорлар худонинг ғазабига учрашига у астойдил ишонарди.

Ҳазрат Иорамни фақат бир нарса қийнади: нима учун олло таоло бошқа бировга эмас, айнан унинг бошига мусибатлар соляпти? Нима учун шунча азобу укубатлар бошқа кимсага эмас, унинг чекига тушыпти?

Ҳазрат Иорам шулар ҳақида ўйларди-ю, ўйининг охирига етолмасди...

Бачана ҳазрат Иорамни таажжубланиб кузатарди. Анови ғалати киши келиб кетганидан кейин руҳоний таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, ҳатто гапирмай ҳам қўйди. Бунга сабаб лоқайдликми, ҳафақонликми, кўркувми — бунга Бачана у ёқда турсин, ҳатто ҳазрат Иорамнинг ўзи ҳам билмасди. Аммо ўзига хос бир мўъжиза юз берганлиги аниқ эди: руҳоний ўша хонадоннинг адресини ҳам, хўжайинларининг исм-шарифларини ҳам тамоман унутган эди. Шу даражада унутган эдики, гўё қиёфасиз нотаниш киши ҳазрат Иорам миясининг ўша дахшатли тун хотиралари сақланаётган бўлагини пичоқ билан шартта кесиб олиб ташлаган эди...

Ётиб қолганининг ҳақиқий сабабини Бачанага ҳазрат Иорам касалхонадан чиқишига бир ҳафта қолганда гапириб берди. Аммо Бачана қанчалик уринмасин, қанчалик ялиниб-ёлвормасин, ҳазрат Иорам хочни бўйнига осиб олган ўша аёлнинг фамилиясини айтмади. Бундан қатъиян бош тортиди...

Тбилисида грипп касаллиги хуруж қилиб қолди. Касалхонада йигирма кунлик карантин эълон қилинди. Профессорнинг буйруғи билан беморларнинг олдига танишбилишлар у ёқда турсин, ҳатто яқин қариндош-уруғларни ҳам киритмай қўйишди. Коридорларда оғзига дока тутган касалхона ходимлари худди шарпадай изғиб юришарди. Профессорнинг шахсан ўзи палаталарни кунига уч мартадан айланиб чиқарди. Касалхона ҳатто пашша ҳам киролмайдиган қуршовдаги қамални эслатарди. Бинобарин, бир куни эрталаб палата эшиги ланг очилиб,

остонада болаликдаги дўсти Вахтанг Амбокадзе жилмайиб турганини кўрган Бачана донг қотиб қолди.

— Вахо! — қичқириб юборди у ўрнидан хиёл кўтарилиб.

— Соддаларнинг султони, азизим Бачога саломлар!

Амбокадзе каттакон тугунни столга қўйди-да, Бачананинг ёнига келиб, уни бесўнақай қўллари билан бағрига босди, кейин ёстиққа охиста ётқизиб, дангал буюрди:

— Ёт, қимирлама! Профессор сени қимирламасин, деди. Салом! — у ҳазрат Иорамга ўгирилди.

— Саломат бўлсинлар! — жавоб берди руҳоний.

— Қанақа қилиб кирдинг бу ерга? — Бачана ҳамон ўз кўзларига ишонмасди.

— Гапингни қара-ю! Одамлар банкка кириб пулни олиб чиқиб кетишади! Сени ёнингга кириш ҳам иш бўптими?! — қулди Амбокадзе.

— Қайси шамол учирди? — яна саволга тутди оғайнисини Бачана.

Амбокадзе ҳазрат Иорамга бир қараб қўйди.

— Дарвоқе, танишинглар, — деди эсига тушиб Бачана, — бу менинг минг йиллик дўстим Вахтанг Амбокадзе, бу киши палатадош дўстим, Ортачала черковининг нозири — ҳазрат Иорам Канделаки.

— Ие, руҳонийлар ҳам инфаркт бўларкан-да? Ахир уларни худо ўз паноҳида асраши керак эди-ку? — Амбокадзе очик чеҳра билан жилмайиб, ҳазрат Иорамнинг қўлини маҳкам қисди.

— Қани, ўтир, гапир! Қаёқларда юрибсан? Мени нечук эслаб қолдинг?

Амбокадзе стулни Бачананинг бош томонига суриб ўтирди-да, унга бошини чайқаганча бир оз тикилиб турди, сўнг жавоб берди:

— Юрибман-да... тупроқдан ташқари дегандай... Келувдим. Болаларни кўрдим. «Бачо хайр-маъзурни нася қилмоқчи», деб қолишди.

— Хайр-маъзуринг нимаси? — сўради тушунмай Бачана.

— Яъни, ўлмоқчи, дейишди. «Нега ўлар экан?» — деб сўрасам: «Ким билади, қаттиқ инфаркт бўлган экан, қўллари кўксида чалкаштирганча ўлимини кутиб ётипти», — деб жавоб беришди. «Бўлмаган гап! У ярамас сенларни лақиллатган! Мен билан хайрлашмасдан ўлиб бўпти!» — дедим уларга. Кейин бу ёққа қараб жўнадим.

Малхаз ҳам бирга келди, лекин уни киритишмади, қакқайиб турипти кўчада.

— Сени нега киритишди?

— Тўппа-тўғри профессорга учрашдим. «Мухтарам профессор! Рамишвилининг олдига киришга рухсат беринг, ўн беш йил бўлди кўрмаганимга!» — дедим. «Ўзингиз кимсиз?» — деб сўраб қолди профессор. «Хеч ким эмасман, оддий одамман», — дедим. «Агар оддий одам бўлсангиз майли, киришга, рухсат бераман!» деди у. Қойилман! Умрим бино бўлиб, бунақа яхши профессорни энди кўришим!

— Алдаяпсан! Яна нима дединг унга?

— Нима дердим! Бахти қаро етимчаман, дедим...

— Товламачисан! — Бачана кулиб юборди.

— Тўғри... Қани, гапир, тузукмисан? Юрагинг қалай?

— Қутулиб қолдим шекилли.

— Демак, бирга қутулибмиз... Менга қара, профессор атиги уч минутгагина вақт берган... Мана бу ерда дорилар бор... — Амбокадзе столдан тугунни олди.

— Шошма, дорини қўя тур! — унинг гапини бўлди Бачана. — Ўз ҳисобимдан яна уч минут вақт бераман. Гапира қол, қаерда эдинг, нима ишлар қилдинг, яна қанча турасан, бу ёғига нима қилмоқчисан? Балки бирор ёрдамим керакдир?

— Менга сенинг соғлигинг ва тинчлигингдан бўлак ҳеч нарса керак эмас! Вахтанг Амбокадзегга ёрдам берадиган одам ҳали онадан туғилмаган...

— Ҳа, майли, яна озгина ўтир, дийдорингга бир тўйволай!..

— Бўпти, тўйсанг тўя қол, лекин профессорга ўзинг жавоб берасан! — деди Амбокадзе.

— Хўп! — рози бўлди Бачана.

— Оббо сен-ей... Дарвоқе, анови ишдан хабаринг бор-а? — Амбокадзе яна ҳазрат Иорамга кўз қирини ташлади.

— Гапиравер, гапиравер, ўзимизни одам! — деди кулиб Бачана.

— Ҳа... Лоткин тоғида¹ туннель қазиган пайтларимни биласан...

Бачана бош силкиди.

— Қаерда у? — сўради ҳазрат Иорам ҳайрон бўлиб. У Тбилисида туғилиб-ўсган бўлишига қарамай, бунақа туннельни сира эшитмаган эди.

¹ Лоткин тоғи — Тбилиси яқинидаги жой.

— Э-э, сизни черковингиздан кўринмайди, отахон! — деди Амбокадзе ва сўзида давом этди: — Ўша иш учун олти мингдан ўн икки минг сўмгача мукофот олишимиз керак эди. Биз икки киши бўлганимиз учун, яъни мен билан Баджаджгана, олтитадан тегди, бунинг устига Архангельскка путёвка ҳам беришди... Тўрт йил ўша ерда бўлдим. Ўзинг биласан, ишсиз ўтиролмайман. Ярим тайгани қирқиб, ёғочсозлик саноатига катта ёрдам кўрсатдим. Кейин олисга чопиш мусобақасида қатнашдим. Биз ўн киши эдик. Архенгельскдан то Қарағандагача...

— Яёвми? — сўради ҳазрат Иорам ишонқирамай.

— Гоҳ яёв, гоҳ поездда...

— Бари бир зўр экансизлар! — мактаб кўйди рухоний.

— Орқага шалағи чиққан вагонда қайтдик. Финишга атиги уч киши етиб борди. Бунинг учун яна икки мингдан беришди. Олтига иккини қўшса саккиз. Кейин Москвага келдим. Оғайниларим туннель қазиш бўйича йирик мутахассис сифатида мени яна катта бир ишга таклиф қилишди. Ажойиб туннель қазидиму, лекин охирига етай деганда ўпирилиб тушди... Уч киши ҳалок бўлди. Ёлғиз мен омон қолганим учун етти минг ўзимга тегди. Свердловскка путёвка ҳам... Етти билан олдинги саккиз — ўн беш. Тўғрими?

— Тўппа-тўғри! — деди Бачана.

— Ҳозир Тбилисидаман. Келганимга уч кун бўлди. Ҳозирча бекорчиман, лекин, айтишларича, менбоп иш тиқилиб ётганмиш бу ерда... Аммо-лекин, пенсияга чиқсаммикин, деб турибман. Етар, а? Дам олайин энди. Чарчадим, оғайни, жуда чарчадим... — Амбокадзе оғир хўрсинди.

— Мана бу бошқа гап! — Бачана севиниб кетди. — Албатта, пенсияга чиқиш керак! Тўғри ўйлабсан! Мендан нима лозим бўлса, ҳаммасини қиламан! Ўл десанг ўламан, фақат гапингдан қайтма! Ўтиниб сўрайман! Уйинг йўқми? Меникида тур! Вахо, азизим, пенсияга чиқаман, деб сўз бер! — Бачананинг овози титраб кетди.

— Нималар деяпсиз, Бачана Акакиевич, пенсияга бало борми? Отни урса ўлдиради бу одам ҳали! — хитоб қилди ҳазрат Иорам.

— Касбим жуда оғир, отахон, — деди синиқ жилмайиб Амбокадзе. — Қирқ бешга кирган бўлсам, шундан ўттиз йилини ёпиқ хоналарда ёки ер остида ўтказдим...

— Тўғри, — унинг фикрига кўшилди рухоний. — Туннель қазिश осон эмас, лекин савоб иш!

— Жон деб касбимни алмаштирган бўлардим сиз билан! — кулди Амбокадзе.

— Вахо, бу гапни иккинчи марта айтяпсан! — деди Бачана.

— Бўлди, тамом! Чарчадим! Етим Гуржи айтганидай, ўзим туғилиб-ўсган Тбилисимда ўлмоқчиман! Эсингдами?

Она шахрим Тбилиси, салом сенга юракдан,

Саёқ ўглинг бағрингдадир, келдим яна йироқдан!

— Демак, гап битта, Вахтанг!

— Бўлди, Бачо, гапим гап! — Амбокадзе ўрнидан турди. — Дарвоқе, дори! — У тугунни ечиб, Бачананинг каравотига бир талай ампула, таблетка ва порошоклар тўқди. — Мана бу атероид, мана бу интенсаин, мана бу панангин, булар кардарон, перитрат, персантин, мана булар эральдин, пульснорма, сустак, бу эса жинниларнинг дориси — валиум!

— Эсинг жойидами, Вахо! Шунча дорини қаёқдан олдинг? — ҳайратидан Бачананинг оғзи очилиб қолган эди.

— Эшитдингизми, отахон? Умрим бўйи шу! Ҳамма фақат шу аҳмоқона саволни беради — қаёқдан олдинг, қаёқдан олдинг! Қаёқдан олган бўлсам олдим-да! Узумини егину боғини суриштира!

— Ахир бу дорилар жуда қиммат туради. Жудаям қиммат! — деди Бачана ўйчан ва порошок ҳамда ампулаларни худди бебаҳо марвариддай биттама-битта қўлига олиб кўра бошлади.

— Бу ҳақда пулини тўлаган одам ўйласин, сенга нима? — ҳазиллашди Амбокадзе. — Сиз ҳам инфаркт бўлганмисиз? — сўради у рухонийдан.

— Ҳа, инфаркт, кейин дунёда қанақа касаллик бўлса, ҳаммасидан бор! — деди ҳазрат Иорам хўрсиниб.

— Унақа бўлса, модомики бирга яшаб, битта нонни биргалашиб еярсанлар, бу бойликнинг қоқ ярмиси ҳурматли отахонга тегишли. Қонун ҳамма учун бир!.. Хўп, мен кетдим, вақтим тугади! Гриппингга тупурдим! — Шундай деб, Амбокадзе Бачанани кучоқлаб, қаттиқ бағрига босди. — Хайр, отахон! — кейин ҳазрат Иорамга юзланди ва тез эшикка қараб юрди. Остонага етганда орқасига ўтирилиб, Бачанага ниҳоятда мулоийим ва маъюс нигоҳ ташлади.

— Ўлишни хаёлингга ҳам келтирма, Бачо!
Амбокадзе қаттиқ хахолади-да, палатадан чиқиб кетди.

— Бу олижаноб христиан ким, ҳурматли Бачана? Миннатдорлик билдиришга ҳам улгуролмай қолдим! — деди ҳазрат Иорам.

— Ўғри бу, отахон! Учига чикқан ўғри! — жавоб берди Бачана ва томоғига қадалган кўз ёшини «ғилқ» этиб ичига ютди.

19

Бачана машинани йўл четида тўхтатди.

Самадло¹ даласи ва тепаликлари оппоқ қор кўрпасига бурканган эди. Теварак-атрофда тирик жон кўринмайди. Олис қишлоқдаги уйларнинг мўриларидан кўтарилаётган оқиш тутун буралиб-буралиб юқорига ўрлар ва беғубор осмонда гаройиб шакллар ҳосил қиларди. Яккам-дуккам яланғоч дарахтлар учрашиш иложи йўқлигидан адоий тамом бўлган ва бир-бирларига қўлларини чўзганча тош қотган ошиқ-маъшукларга ўхшарди.

Бачана машинадан тушди-да, ғилдиракларни кўздан кечира бошлади. Мария ҳам пўстинини ечиб, машинадан чиқди ва Бачанага ҳеч нарса демай қор босган далага қараб чопиб кетди.

— Қаёққа? — қичқирди унинг орқасидан Бачана.

Мария жавоб бермади. У тиззасигача қорга ботиб, чопиб борарди. Оёғига қўнжи узун қизил этиб кийиб, елкасига каттакон гулдор рўмол ташлаб олган Мария ростдан ҳам улкан гулни эслатарди. Бачана қор устида сузиб кетаётган бу жонли гулга қалби тўла қувонч ва ғурур билан қараб турарди, зеро бу гул бошқа бировга эмас, фақат унинг ўзига тегишли эканини яхши биларди.

Мария бирдан тўхтаб энгашди-да, иккала қўли билан қорни ҳовучлаб, бошидан тўқди.

— Бачана, бу ёққа кел! — чақирди у.

Бачана почапўстинини ечиб, машинага ташлади ва Мариянинг изидан кетди. Бирдан унинг чопгиси, тўйиб-тўйиб қорга думалагиси келди. Мариянинг ёнига келиб, уни даст кўтарди-да, чирпирак қилиб айлантира бошлади, кейин икковлари бараварига йиқилиб, қорга қўмилиб кетишди. Кўзларию қулоқларигача қорга беланган

¹ С а м а д л о — Тбилиси яқинидаги жой.

Мария билан Бачана қийкириб, ҳарсиллаб, яна анча маҳалгача умбалоқ ошишди. Ниҳоят, ҳолдан тойгач, чалқанча тушганча жим бўлиб қолишди. Мария кулочини ёзганча ётарди. Унинг кўкиштоб қора сочлари қор устига ёйилиб кетган, таранг кўкраги кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. Ҳозир у овчилар таъқибидан қоча-қоча қор устида йиқилиб қолган охуни эслатарди.

Бачана Мариянинг латиф чехрасига узоқ ва энтикиб тикилиб турди, охири чидаёлмай, унинг чучварадай-чучварадай келадиган, музлаб кетган қулоқларини кафтлари орасига олиб, қайноқ лабларига лабини босди. Энди улар бир одамдай нафас олишар бир хил эҳтиросга фарқ бўлишган эди. Икковлари ҳам юракларининг бетоқат уришига қулоқ солганча анча пайтгача кимираб этмай ётишди.

— Тур! — деди Мария бирдан Бачанани кўкрагидан итариб.

Бачана ўрнидан турди.

— Тескари қара!

Бачана тескари қаради. Салдан кейин яна аёл томонга ўгирилган эди, ўз кўзларига ишонмай қолди: рўпарасида Мария бамисоли фариштадай вужудидан нур ёғилиб, кип-яланғоч бўлиб турарди.

Бачана кўзларини бир юмиб, яна очди. Мария энди қор устида худди уйқуга кетгандай ётарди. Бачана шошиб тиз чўкди-да, билагини унинг елкаси остидан ўтказиб, сийнасига лабларини босганча пичирлади:

— Нима қилганинг бу, тентак, шамоллаб қоласан!

— Мен бу кунни икки йил кутдим, азизим... Мана, ниятимга етдим... Энди кўёшим ўз ёнимда... Шамоллашинг нимаси? — шундай деб, Мария Бачанани бағрига тортиди.

... Кейин офтоб ерга тушди. Самадлонинг қор босган даласида айланиб, Одам Ато билан Момо Ҳавонинг икки фарзанди устига оппоқ, илиқ тўшак ташлади, уларнинг ёнига ёнбошлаб, то ширин уйқуга кетгунларича узоқ алла айтди, кейин яна мусаффо осмон гумбазига кўтарилди.

... Бачана сапчиб ўрнидан туриб, офтобда ярқираб ётган бўм-бўш далага ҳадиксираб разм солди. Улар ёлғиз эдилар — Мария, Бачана ва офтоб.

Бачана машинага қараб югурди, пўстинни олиб, яна Мариянинг ёнига қайтди, уни пўстинга ўради-да, қўлида кўтариб машинага олиб келди.

Сал ўтмай улар кимсасиз йўлдан пастга, Тбилисига

қараб жўнашди. Бачана Шавнабада черкови ховлисида Мария ўқиган шеърни эслади:

*Эҳ, офтобжон, офтобжон
Тог ортига беркинма.
Қалтирайди қиз шўрлик,
Тафтингни дариг тутма.
Қучоғингга ол уни,
Айт севги ашуласин.
Кутмайди соҳибжамол —
Топиб кетар бошқасин!*

Мария орқа ўриндикда ўтирар ва йиғларди. Аммо бу камситилган, таҳқирланган аёлнинг йиғиси эмас эди. Бу бутунлай бошқача йиғи, аниқроғи — Бачана учун нота-ниш, мавҳум ва тушунарсиз аллақандай хотиралар билан абадий видолашув эди. Бачана буни ич-ичидан ҳис қилиб ўтирар ва бинобарин, йиғлаб кетаётган Марияга тасалли беришга ошиқмасди.

Сумкаларини орқалаб Коджор интернатидан қайтаётган болакай билан қизалоқ ғалати манзарани кўриб, таққа тўхтаб қолишди.

— Қарагин-а, Натия! — деб хитоб қилди болакай қўлини чўзиб. Самадло даласига ястанган қордан тип-тиник, мовий аланга кўтариларди.

Бачана эшик тутқичига қистирилган хатни олди. Муҳаррирлик сезгиси ўзини кўрсатди — хат имзосиз бўлса керак, деган ўй дарров қўнглига келди. У хатни чўнтагига солди-да, эшикни очиб, хонага кирди, бориб ёзув столи ёнига ўтирганидан кейингина конвертни очди.

Хат ростдан ҳам имзосиз эди, бунинг устига конверт ичидан бир талай беҳаё суратлар ҳам чиқди.

Бачананинг қўлидан юзлаб имзосиз хатлар ўтган эди. Лекин бу қадар безбетлик ва қабоҳат билан ёзилган хатни у хали учратмаганди.

«Хурматли Бачана Акакиевич!

Эшигингиз тепасида қизил фонус пайдо бўлганлиги билан табриклайман. Машҳур фоҳиша, Тбилисидаги жамики бузуқ хотинларнинг устози сизнинг сиймонгизда ўзига яна битта соғин сигир топибди (афсуски, сизни буқа деб бўлмайди). Барча таносил касалликларини ўзида жамулжам этган бу аёл сизни ўз «муҳаббати»дан ўта сахийлик билан бахраманд этаётганига ажабланмаса ҳам бўла-

ди! Чунки унинг учун муҳаббат шундай бир озуқаки, бу озуқа билан чорвачилик фермаларида кўпроқ сут олиш мақсадида сигирларни боқишади. «Сут»ингиз тугаганидан кейин, ҳурматли Бачана Акакиевич, уйингизни безаб турган ва ҳозир сиз ёруғида мазкур имзосиз хатни ўқиётган қизил фонусни олиб ташлашдан фойда йўқ! Гарчи хат имзосиз бўлса ҳам, лекин уни сизга астойдил ичи ачийдиган бир одам битган. Обруйингизга доғ туширманг!..»

Бачана хатни бир четга суриб, пешонасига тизилган совуқ терни артди. У мактубни ўқиркан, қулоғи остида таниш, жудаям таниш бир овоз жаранглаб турди. Гарчи хат аёл кишининг қўли билан ёзилган бўлса ҳам, лекин ундаги ҳар бир сўзни эркак кишининг бақувват қўли Бачананинг миясига михлаётганга ўхшарди. Михлаганда ҳам хотирадан умрбод суғуриб олиб ташлаб бўлмайдиган қилиб михларди. Лекин овоз-чи! Қачон, қаерда эшитган эди бу овозни? Эслаш керак, эслаш керак!.. Аммо Бачана ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмади, сўнг ноилож суратларни кўздан кечира бошлади. Бундан ортиқ жирканч ва уят нарсани тассаввур қилиш мушкул эди! Айни пайтда... суратларнинг ҳақиқийлигидан шубҳаланиш қалбаки ишнинг буюклигини тан олиш билан баробар эди... Бачананинг кўз олди қоронғилашиб, чаккалари зиркираб кетди. Назарида осмон босиб тушаётгандай бўлиб, ўзини қўйишга жой тополмай турган пайтида бирдан жаҳаннам қаърида зигирдеккина умид учқуни милтиллаб қолди. Суратлардан бирида у... кип-яланғоч Марияни кўрди. Худди мана шу сурат Бачананинг жонига ора кириб, қаллобни шафқатсиз фош этди: Бачана Мариянинг баданини танимади. Суратдаги чехра Марияники бўлса ҳам, лекин у аслида Мария эмас эди!

Бачана суратни столга ташлади... Кейин у Мариянинг Биби Марям иконаси ёнида тиз чўкиб турган пайтини, оппоқ қорга бурканган Самадло даласини эслади, шуларни эслади-ю, бирдан дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди... Юраги бўм-бўш бўлиб қолган Бачана ўртоқларидан биронтасига қўнғироқ қилиб, дардлашиш ниятида телефон трубкасига қўлини узатди. Аммо биронта ҳам рақамни эслай олмади, ҳатто бирорта дўсти бор-йўқлигига ҳам ақли етмай қолди... Шундан кейин Бачана трубкани жойига қўйди.

Ўша имзосиз хат олинганидан сўнг орадан бир ҳафталар ўтгач, Бачана билан Мария Соғанлуг ресторани-

нинг мўъжазгина хонасида ўтиришарди. Стол устида икки шиша вино ҳамда Мариянинг севимли таоми — ковурилган картошка билан ёнроқ мағзи турарди.

Бачана камгап эди. Тамадаликни ўз қўлига олган Мариянинг эса вақти чоғ бўлиб, шеърят, тарих, санъат ҳақида, хайвонлар, дельфинлар, юлдузлар, учиб юрувчи тарелкалар тўғрисида, мухаббат, бокийлик ва фонийлик хусусида тинмай гапирарди. Бачана нукул вино хўпларди. Агар Мариянинг фикрига қўшилса бош силкиб қўяр, қўшилмаса — баҳслашиб ўтирмасди. У Мариянинг меҳр ва мухаббат чақнаб турган шахло кўзларига индамай боқар ва ичарди. Мария Бачананинг хомушлигини сезиб турган бўлса ҳам, ундан ҳеч нарсани сўрамас ва ахён-ахёндагина савол ташлаб қўярди:

— Гапимни эшитяпсанми, азизим?

Бачана бош силкир, Мария эса яна давом этарди. Аммо-лекин Бачана ўз хаёли билан банд эди, у Мариянинг ўтмиши ёки келажаги, унинг самимияти ва садоқати, чиройи ва ақли ҳақида эмас, бутунлай бошқа нарса тўғрисида ўйларди. Ҳозир ички чўнтагида турган ва вужудини лахча чўғдай куйдираётган имзосиз хатни Марияга кўрсатсинми, йўқми — унга фақат мана шу даҳшатли фикр азоб берарди.

Мария стаканга вино тўлдиргач, бирдан сўраб қолди:

— Нега менинг ўтмишим ҳақида сўрамаяпсан?

Бачана сесканиб кетди.

— Нима дединг? — қайта сўради у жавоб бериш учун вақтдан ютиш ниятида.

— Наҳотки ўтмишим сени қизиқтирмаса? Уч йилдан бери бир-биримизни севамиз, лекин сендан олдин қандай яшаганим тўғрисида шу пайтгача бирор марта ҳам сўрамадинг...

— Қизиғи йўқ менга, шунинг учун сўрамайман, — жавоб берди Бачана кўзини олиб қочиб.

— Ёлғон... Жудаям қизиқасан, лекин сўрамаяпсан! Нима учун? Чунки ўзим гапириб беришимни кутяпсан. Шундай эмасми?

Бачана бошини эгди.

— Кўрқасан, азизим. Тўғри қиласан... Ўзим ҳам кўрқаман... — Мария бир култум вино хўплаб, ҳаяжондан қуруқшаб кетган лабларини хўллади, — сендан кўра кўпроқ кўрқаман... Ўтмишни эслашдан эмас, сендан айрилиб қолишдан кўрқаман.

— Ке, қўй, Мария, ўтиришимизни бузмайлик... — илтимос қилди Бачана.

— Аллақачон бузилиб бўлган... Эрталабдаёқ. Гапир, азизим, нима бўлди ўзи? Ҳаммасини сезиб турибман-ку...

— Онт ичаман, ҳеч нарса бўлгани йўқ!

— Осонгина онт ичавераркансан-да! — жилмайди Мария. У стаканни қўтариб, вино орқасидан чироққа қаради, кейин аста сўз қотди: — Қайси биримиз олдин ўлсак, ўшанинг учун ичамиз!

— Мария, илтимос, кечамизни азага айлантирма... Кайфинг чоғ эди-ку, нима бўлди сенга?

— Ич!

Бачана ичиб юборди. Мария яна қўйди.

— Энди гапимга қулоқ сол... Ҳаётимда беш марта ўлиб, беш марта қайта тирилганман. Биринчи марта қўрқув ичида ўлиб, ёлғиз яшаш учун тирилдим... Иккинчи марта ёлғизликда ўлиб, муғамбир бўлиб тирилдим... Учинчи марта муғамбирликда ўлиб, бепарво бўлиб тирилдим... Тўртинчи марта бепарволикда ўлиб, нафрат билан тирилдим... Бешинчи марта нафрат билан ўлиб, муҳаббат билан тирилдим... Мана ҳозир улкан, беадад муҳаббат билан яшаяпман, шунини яхши биламанки, энди муҳаббат билан ўламан. Бу менинг сўнгги ўлимим бўлади... Бу ўлимдан кейин ҳеч қачон қайта тирилмайман. Мен боқий муҳаббат бағрига сингиб кетаман... Ўлимдан қўрқмайман... Шу қадахни олтинчи ва сўнгги ўлимим учун ичаман!

Мария стаканни бўшатиб, Бачананинг кўзларига қаради.

Бачана бу ажойиб аёлга тикилиб турар ва нима деб жавоб қайтаришни билмасди. Орага узок, ноқулай жимлик чўқди. Бачананинг назарида ўтирган хоналари иккига бўлингану Мария бир томонда, унинг ўзи иккинчи томонда қолгандай эди. Мария ўтирган томон соф ҳавога, ҳароратга, ҳаёт ва муҳаббатга тўла бўлса, Бачана дахшатли, юракни орзиқтирадиган, ҳавоси йўқ бир бўшлиқда ўтиргандай сезарди ўзини. Бўғилиб ўлмаслик учун у тез ўрнидан турди-да, столни айланиб ўтиб, Мариянинг ёнига ўтирди ва елкасидан кучиб, гўё ҳамиша навқирон умр дарахтига суянгандай, бошини унинг кўксига қўйди... Мария Бачананинг сочларидан ўпиб, жуда хотиржам охангда сўради...

— Айтсанг-чи, нима азоб берапти сенга?

Бачана ички чўнтагидан имзосиз хат билан беҳаё суратлар солинган конвертни чиқазди-ю, титраб-қақшаб Мариянинг олдига қўйди. Мария конвертга узок тики-

либ турди, сўнг уни очди. Аввал суратларни обдон кўздан кечирди, кейин хатни ўқий бошлади.

Аёлнинг юзидан кўзини узмай ўтирган Бачана унинг чехрасида бирон-бир ўзгариш сезмади. Аммо Мария хатни ўқиб бўлиб, катта-катта кўзларини унга қадаганида, қанчалик машъум хатога йўл қўйганини Бачана тушунди. Мариянинг нигоҳида у қазаб ёки нафратни эмас, балки икки тубан одамга, яъни имзосиз хат муаллифи билан ўзига нисбатан қаттиқ ачиниш ифодасини кўрди.

Мария ўрнидан турди.

— Аёл кишини ёлғизлик йўлдан оздиради, азизим. Эраккни ҳам. Шунинг учун ҳеч қачон ёлғиз бўлиб қолмасликка ҳаракат қил...

Бачана бир соат кутди, икки соат кутди, уч соат кутди ҳамки, Мария қайтиб келмади. Бу ғалати аёлнинг ғурури Бачана ўйлаганидан кўра ҳам баландроқ бўлиб чиқди.

— Э-э... ҳамрохингиз кетганига анчагина бўлди... — деди ниҳоят официант журъат этиб.

— Ҳа, ҳа, биламан, — жавоб берди гарангсиб қолган Бачана.

— Маъзур тутасиз... Ресторан бекиляпти... Агар йўқ демасангиз...

— Албатта, албатта... Қанча беришим керак?

Бачана узатилган қоғозга ҳам қарамай, ҳисоб-китоб қилди. Официант кетди.

Бачана хат билан расмларни парча-парча қилиб йиртди-да, кулдонга ташлаб, зажигалка тутди. Олдин сурат парчалари ёна бошлади. Бачана киймаланган инсон танасининг аввалига шишинқираб, сўнг эриб кулга айланишини бир оз кузатиб турди. Кулдон унга жажжигина дўзахни эслатди. Аланга имзосиз хатни чулғаганда Бачананинг қулоғи остида яна таниш овоз жаранглади. У тошдай қотиб қолди. Хатдан Сандро Маглаперидзенинг овози эшитиларди.

20

Ҳазрат Иорамга душанба куни касалхонадан чиқишга рухсат беришди, аммо у эртага кетаман деб оёғини тираб туриб олди.

Ўша кунги тун Бачананинг хотирасида бир умрга мухрланиб қолди.

...Ярим кечага якин ҳазрат Иорам аста ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб, Бачананинг каравоти ёнига келди. Бачана ўзини ухлаганга солиб ётаверди.

— Бачана Акакиевич! — чақирди шивирлаб руҳоний.

Бачана миқ этмади. Унинг уйқуга кетганига ишонч ҳосил қилган руҳоний каравот ёнига тиз чўкди.

— Э, парвардигори олам! — деди ҳазрат Иорам ва бир чўкиниб олди. — Исо алайҳиссалом! Авлиё Биби Марям! Мана, олдингизда бандан ожиз Бачана Рамишвили ётипти, у сизларнинг зурриётингиз, бир бўлагингиз, шафқату мурувватингиз меваси эканини ўзи ҳам билмайди... Сизларнинг хоҳишингизни ўзгалар номидан бажо келтираётгани учун ундан дарғазаб бўлманглар. Қахрингиз кўзғамасин, илло у ўзи ишонган худо сизларнинг хоҳиш-иродангиз туфайли дунёга келганидан беҳабардир... Э, кодир эгам, уни ўз паноҳингизда асра, мурувватингни дариф тутма, даргоҳингизга чақирмасингдан олдин унга кўпроқ умр бер, зеро бу дунёда у қанча кўп яшаса, ўзингиз яратган заминда эзгулик ва меҳр-оқибат уруғини шунча кўп сочади. Ахир ер юзида тинчлик, адолат, имон ва эзгулик ким томонидан барқарор этилмоғи сен учун бари бир эмасми? Борди-ю, тақдир тақозоси ила исми табарругингиз рад этилса-ю, қилган ишларингиз боқийликка юз тутса — шунга рози бўл... Э, парвардигор, нечун ерга ҳаёт уруғини сочиб, инсонга ўлмас рух ато этдингиз? Ахир фақат ўзингни ўйлаб, ном чиқариш учун, шон-шуҳрат учун қилмагансан-ку бу ишни! Наҳотки Одам Ато билан Момо Ҳаво авлодининг дили ҳам, ақл-идроки ҳам ўзгариб кетганини рад этсангиз?..

У хизматини қилаётган худонинг қудрати чексиз, зеро ўзингни бағишлаган ишнинг ҳақлигига оллонинг иродасисиз инонмоқ мушкулдир... Мана у, Бачана Рамишвили, кўз олдингизда ётипти, мен бўлсам оёғингни гарди, ҳадсиз-худудсиз мурувватингни бир заррасиман, тиз чўкиб илтижо қиламан — исён кўтарган қулингни гуноҳидан ўт!.. Мабодо қазосини тайин этган бўлсангиз, ўрнига менинг жонимни ола қол, сабабки мен унинг қўнглига бошқа худони жо қилолмадим, уни сени йўлингизга солишга қурбим этмади!

Ҳазрат Иорам ўрнидан туриб, Бачанани уч марта чўкинтирди, кейин бўйнидаги жажжигина хочни олиб, Бачананинг ёстиғи остига астагина қўйди-да, бориб ўрнига ётди...

Бачана анча вақтгача ухлай олмади. Эргалаб кўзини

очиб қараса, хазрат Иорам палатада йўқ. У тонг қоронгисида касалхонадан чиқиб кетган эди...

Бир ҳафтадан сўнг Бачана касалхонани тарк этди. Тиббиёт ходимлари билан хайрлашув жуда таъсирли бўлди. Палата дўхтири билан ҳамшира Женя, гўё соғайиб, касалхонадан чиқиб кетаётган одамга ичлари ачигандай, йиғлаб ҳам олишди.

Бир кун олдин палатага Женя кирди. У банкага уч дона чиннигулни солди-да, стулга қимтинибгина ўтирди. Бачана Женяни хайрлашгани кирди деб ўйлаб, кулимсираганча унинг сўз бошлашини кутиб турди. Аммо Женядан садо чикмасди.

— Гапира қол, Женя!

Женя ерга қаради.

— Бўлмаса, мен бошлайман!

Бачана ўрнидан туриб, ҳамширанинг ёнига келди-да, унинг қўлини ўпди.

— Азизим Женя, инсоф билан айтганда, бу гулларни сенга мен тақдим этишим керак эди, аммо шафқат ҳамшираси ўзининг бефаросат ва ношукур беморининг бу одобсизлигини кечиради, деб умид қиламан.

— Бачана Акакиевич, — унинг гапини бўлди Женя, — сиз касал ётган вақтингизда бу ерга ҳар куни бир аёл келиб турди... Жудаям чиройли аёл... Фақат сизнинг соғлигингизни сўради...

Бачананинг юраги ҳаприқиб кетди.

— Қанақа аёл, Женя? — сўради у, гарчи ким ҳақида гап кетаётганини сезиб турган бўлса ҳам.

— Айтманг, деб қаттиқ тайинлаган.

— Исми нима?

— Билмайман... Ҳар куни келиб, йиғларди... Кимлигини ўзингиз билмайсизми?

— Биламан, Женя...

— У сизни жудаям севади... Битта хат қолдириб, касалхонадан чиқадиган куни берасиз, деб илтимос қилганди... Мана...

Бачана хатни олди-ю, ҳаяжонини сездирмаслик учун банкадаги чиннигулларга қўлини узатди.

— У сизни жудаям яхши қўради, Бачана Акакиевич!

— Раҳмат сенга, Женя!

— У жудаям яхши, жудаям чиройли, Бачана Акакиевич!

Женянинг сурма тортилган кўзларига ёш қалқди.

— Ўзинг ҳаммадан яхши, ҳаммадан чиройлисан, азизим Женья! — Бачана ҳамширанинг қўлини яна ўпди.

Женья сапчиб туриб, палатадан чиқиб кетди.

Бачана каравотга ёнбошлаб, титроқ қўл билан кон-вертни очди.

«Азизим!

Арзи-додим худога етиб, бугун сени менга қайтариб берган экан — заррача ҳам шафқат ва кечирим сўрамасдан — тўлиб кетган кўнглимни бўшатиб олмоқчиман. Юрагимдаги дард-аламларим инсониятнинг борки мусибатлари жо бўладиган сандиққа ҳам сифмаса керак, деб ўйлардим, қарасам, бунинг учун шу бир вараққина қоғоз кифоя экан...

Йигирма йил бурун ер юзида мендан кўра ақллироқ, мендан кўра чиройлироқ ва... мендан кўра ёмон тарбия топган норасида йўқ эди... Ота-онам ўзларининг миллион сўмларини мени бадбахт қилиш учун сарфлашди... Мен ҳеч қачон бировнинг ҳомийлигини тан олмаганман, мактабга бориб-келишда ҳам, кўча-кўйда ҳам бирор кимсанинг ҳамроҳлигига мухтожлик сезмаганман. Бир куни хира «кузатувчи»ларнинг машинасига ўтирдиму ана ўшанда... ҳаётим барбод бўлди, бўйнимга бир умрлик тавқи лаънат осилди... Шундан кейин рўй берган воқеаларни сўзлашга тилим бормаиди... Мен буни биринчи марта гапиряпман, худонинг олдида ва сенинг олдингда гапиряпман... Мени Цивгомбор ўрмонида чорчўпга михлашди, ёшлигим ҳали ҳам ўша ерда, жизгинак бўлиб кетган чорчўпда осилиб ётибди...

...Кейин ўйнаб-кулиб яшадим... Ва мана шу кунга етиб келдим. Сўнг бирдан кўзим очилди. Худони эслаб, қайта-қайта чўқиндим. Ҳозир эса қаршингда тиз чўқиб турибман, ялиниб-ёлвораман: шунча йиллар сенга талпиниб, дўзах азобларини тортган қалбимга оёқ босма... Мен бу дўзахни тавоф қиламан, зеро сенинг ҳузурингга элтувчи йўл шу дўзах ичидан ўтган экан...».

Башарти дўхтирлар мана шу дақиқада Бачананинг юрак уришини ўлчашганда, у яна аллақанча вақт касалхонада қолиб кетиши турган гап эди.

Бачана икки дона седуксен ичиб, ўз юрагига таскин тилади. Сўнг кўз олдини яна пуштиранг туман қоплаб, уйқуга кетди. Бу гал касал бўлганидан бери биринчи марта туш кўрмай, тинч ухлади.

Эрталаб Бачана ҳамма билан хайрлашиб, профессорнинг олдига тушди. Профессор каттакон ёзув столи ёнида ўтириб, лупа оркали ниманидир диққат билан кўздан кечирарди. Бачана аввалига профессор нима иш билан машғуллигини тушунмади, тушунганидан кейин эса аъзойи бадани музлаб кетди: профессорнинг олдига, стол устидаг турли ранг ва турли шаклдаги бир нечта... сунъий юрак ётарди. Бачананинг мазаси қочиб, шоша-пиша эшик ёнида турган стулга ўтирди. Профессор бошини кўтариб, Бачанага таажжубланиб қаради. Уни танигач, пластмассадан ясалган юракни столга қўйди-да, ўрнидан туриб, Бачананинг ёнига келди.

— Сизни кўрганимдан бағоят хурсандман, Бачана Акакиевич! Бунинг устига ўз оёғингиз билан юриб келганингиз нур устига нур!

Улар қўл қисишиб сўрашишди.

— Нима бўлди сизга? — профессор хушёр тортиди. — Қўлингиз музлаб кетипти!

Бачана стол устида ётган моделлардан кўзини узолмасди. Профессор буни пайкаб, шошиб стол ёнига борди-да, сунъий юракларни қўли билан галадонга суриб туширди.

— Валерьянка, агар мумкин бўлса... — деди базўр Бачана.

Профессор шкафдан валерьянка қуйилган шишачани олиб, стаканга озгина томизди-да, сув аралаштириб, Бачанага узатди.

— Манг, ичинг, худо ҳаққи, ҳеч нарсани ўйламанг!

Профессор Бачананинг томир уришини ўлчаб кўрди.

— Қўрқинчли жойи йўқ, ҳозир ўтиб кетади!

Бачана аста-секин ўзига келди.

— Нима ўзи у, профессор? — сўради у ниҳоят.

— Ҳеч нарса эмас... Ўзингизни қалай сезяпсиз?

— Раҳмат, ўтиб кетди...

— Жуда соз... Марҳамат, мана бу ёққа, креслога ўтиб ўтиринг. Яхши гаплардан гаплашайлик.

Профессор Бачанани чуқур ва юшоқ креслога ўтқазди. Бачана бир оз индамай ўтиргач, яна сўради:

— Шу бор гапми, профессор? Сунъий юрак дегани?

— Бор гап... Мана тўрт йилдирки, бир бузоқ сунъий юрак билан яшаяпти... Бундан сиз ранжимаслигингиз, аксинча, хурсанд бўлишингиз керак... Гап шундаки, табиий юракни кўчириб ўтқазиш кутилган натижаларни бермади. Сизнинг касалингиз — юракнинг ўзидан қўра ҳам

кўпроқ қон томирлари фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ. Шундай экан, маълум муддат ўтгандан кейин кўчириб ўтказилган ҳар қандай соғлом юракдаги қон томирлари ишдан чиқиб, миокард инфарктига айланиши мумкин... Сунъий юрак — ҳозирча энг ишончли тадбир. Буни Кристиан Бернарднинг ўзи ҳам тан олган. Хўп, бу ҳақда кейин гаплашамиз! — профессор қўл силтади. — Ростини айтсам, мен билан хайрлашмасдан кетиб қолдингизми, деб ўйлаб сал хафа ҳам бўлгандим... — деди у кулиб ва Бачананинг тиззасига уриб қўйди.

— Шунинг учун кирдим-да олдингизга. Энг аввало, менга кўрсатган ғамхўрлигингиз ва эътиборингиз учун чексиз миннатдорлигимни қабул қилсангиз, профессор. Қолаверса, каравотим ёнида ўтказган уйқусиз тунларингиз учун кечирим сўрамоқчиман. Ниҳоят, сизнинг касбингиз ва олтин қўлларингизга қасидалар айтгим келди!.. — Бачана юзи сал дағалроқ, аммо ҳорғин кўзларидан меҳр ва ақл ёғилиб турган бу олижаноб одамни кучоқлаб ўпишни хоҳларди.

— Миннатдорлик билдиришнинг кераги йўқ, мактовларингиз учун эса раҳмат!

— Қилган яхшилигингизни қандай қайтаришни ҳам билмайман. Сизнинг мурувватингизни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди... Шунинг учун ўз ақамдай, кадрдон одамимдай эъозлашга менга ижозат берсангиз...

— Раҳмат! — деди профессор Бачананинг сўзларидан ҳам таъсирланиб, ҳам хижолат бўлиб. — Раҳмат! — такрорлади у ва беихтиёр стол ғаладонини тортди, бироқ Бачананинг ҳалиги ҳолатини эслаб, яна ёпиб қўйди.

Бачана хахолаб кулиб юборди.

— Мана кўрдингизми, дарров кўникиб қолдингиз! — деди профессор ҳам кулиб.

— Иложим қанча?! — Бачана қўлларини икки томонга ёзди.

— Агар кўрсатмаларимга қатъий риоя қилсангиз, сизга бу нарсани кераги бўлмайди! — деди профессор столга залворли қўлларини ташлаб.

— Кулоғим сизда! — жавоб берди Бачана мутелик билан.

— Чекмайсиз! Ичмайсиз! Серёв овқат емайсиз! Тунги бедорликка чек қўясиз! Хотинларга айланишмайсиз!

— Шу ҳам ҳаёт бўлдимиз? — Бачананинг руҳи тушиб кетди.



— Миокард инфарктдан мана шу нарсаларни олиб ташласак, ҳаёт бўлади! — профессор Бачананинг бундан кейинги турмуш тарзини ана шундай белгилади.

— Қачонгача шунақа қилиб юраман? — сўради Бачана худди чуқаётиб хасга ёпишиб олган одамдай.

— Дастлабки икки йил — мажбурий, кейинги икки йил — матлубий, ундан кейингиси — ихтиёрий... Сизни кўрқитаётганим йўқ, Бачана Акакиевич, тушунинг: сиз миокард инфарктнинг оғир шаклини бошдан кечирдингиз, у билан ҳазиллашиб бўлмайди... Яхши парвариш қилинган юрак ўз фаолиятини яна батамом тиклаб, шу пайтгача қанча хизмат қилган бўлса, сизга яна шунча хизмат қилиши мумкин. Юракни авайлаш, ардоқлаш керак... Юрак ардоқлашни яхши кўради...

— Тушунарли, профессор... Энди хайрлашишга рухсат этинг... — Бачана ўрнидан турди.

— Хайр, Бачана Акакиевич! Касалхонамизни қайтиб кўрманг, илойим, менга ҳеч қачон ишингиз тушмасин! Даволаниш маъносида, албатта! — кўшиб кўйди профессор.

— Ниҳоятда мамнуният билан чиқиб кетяпман... Шу икки ой, Нодар Григорьевич, мен учун бутун умрга тенг!

— Тушунмадим...

— Ҳар қандай одам умрида лоақал бир марта бўлса ҳам оғир дардни бошидан ўтказиши керак. Бу нарса унга босиб ўтган йўлига хотиржам назар ташлаб, ҳаётига холисанлилло баҳо беришга имкон туғдиради. Шу маънода касалхона менга беқиёс ёрдам кўрсатди.

— Менимча, сизнинг ҳаёт йўлингизни тафтиш қилиш ва қайтадан баҳолашга зарурат йўқ.

— Шунақа деб ўйлайсизми? — жилмайди Бачана.

— Ҳар ҳолда, четдан қараганда шундай туюлади!

— Касалхонангизда ўтган икки ой мен учун ажойиб кашфиётлар палласи бўлди!

— Ҳўш, нималарни кашф қилдингиз?

— Абадият қонунини!

— Нимани?! — қайта сўради профессор ҳайрон бўлиб.

— Абадият қонунини! — такрорлади Бачана.

— Ҳм... У ҳолда бу қонуннинг формуласи ҳам бўлиши керак, шундай эмасми?

— Албатта!

— Балки мени ҳам таништирарсиз ўша формула билан? Кўнглингиз тўқ бўлсин, Бачана Акакиевич, каш-

фиётингизни ўзимники қилиб олиш ёки унга шерик бўлиш ниятим йўқ! — хазиллашди профессор.

— Бу қонуннинг мохияти шундан иборатки, Нодар Григорьевич... Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баравар оғирроқ... Шу даражада оғирки, уни бир киши кўтаролмайди... Бинобарин, биз, одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз, бир-биримизнинг юрагимизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак: сиз — менга, мен — унга, у эса — бошқа бировга, шу тариқа узлуксиз давом этиши лозим... Токи ўлим ҳаётда бизни ёлғизлик балосига гирифтор қилиб қўямасин...

Профессор Бачананинг сўзларига ҳайратланиб кулок солиб турди.

— Аммо-лекин, мураккаб қонун кашф этибсиз, Бачана Акакиевич! — деди у узоқ сукутдан кейин.

— Тўғри, мураккаб!

— Шуни ҳаётда рўёбга чиқаришга умид боғляяпсизми?

— Умид боғламасам, яшашнинг нима кераги бор? Акс ҳолда, ҳозир мен нариги дунёда ётган бўлардим.

Бачана профессорга қўлини узатди, у яқинлашганида Бачана ўзини тутолмай, профессорни кучоқлаб, маҳкам бағрига босди.

— Ҳа... — деди профессор энтикиб. — Сизга сунъий юрак тўғри келмайди... Сунъий юрак билан сиз яшай олмайсиз... Сиз бошқачасиз!

Профессор ўзининг вазмин кафтлари билан унинг елкасига қоққанида, Бачана абадият қонуни кучга кирганини тушунди...

Бачана ўзига жўнатилган машинага рухсат бериб юборди.

Клара Цеткин кўчасидаги трамвай изини кесиб ўтиб, 25 февраль кўчасига чиқди, ундан Плеханов проспектига тушди.

Икки ой касалхонада ётиб, шаҳар шовқинини унутаёзган Бачананинг андак боши айланиб, тиззалари қалтирай бошлади. У эҳтиёт бўлиб, жуда секин одим ташларди. Тбилиси эса ўзи билан ўзи овора: гувуллар, қичқирар, энтикар, инграр ва қажқаҳа отарди.

Плеханов проспектида икки томонга, худди икки анхордай, одамларнинг иккита оқими ўтиб турарди. Оломон оқизиш учун дарёга ташланган ёғочларга ўхшарди.

Одамлар бир-бирлари билан тўқнашиб кетишар, бир-бирларини тўхтатиб, алланималар ҳақида гаплашишар, қўл силташиб бахслашишар, кейин яна жўш уриб оқаётган оқимга қўшилиб кетишарди.

Бачана проспектни кесиб ўтди-ю, ўзи ҳам ана шу оқимга тушиб қолди. У қадамини тезлаштирмасдан одамларни четлаб ўтишга ҳаракат қиларди. Проспектдан Маржанишвили кўчасига бурилган эди, уни улкан оломон дарёсининг янги ирмоғи суриб кетди. Бачана кўча ҳаракатидан узилиб қолган юрак уришининг аста-секин унга мослашаётганини, ўзи ҳам шаҳарнинг умумий мақомига сингиб бораётганини ҳис этди. Ниҳоят, юраги йўқотган суръатига тушиб олиб, оқимда бошқалар билан баб-баравар суза кетди — эҳтиёт бўлиб, аммо дадил ва ишонч билан суза кетди.

У Маржанишвили номидаги театр афишаси олдида тўхтади. Эртага театр янги мавсумини дўстининг «Дўзахга тушган авлиёлар» пьесаси премьераси билан бошламокда эди. Бачананинг дили алланечук ёришиб, вужуди га оромбахш бир илиқлик югурди. «Дўзахга тушган авлиёлар!» — такрорлади ичида у ва бир жилмайиб қўйди.

Кўприкка етганда Бачана ҳорғинлик сизди, аммо бу кўрқувга соладиган, вазмин ҳорғинлик эмас, балки енгил ва ёқимли ҳорғинлик эди. У такси тўхтатиб, орқа ўриндикка ўтирди.

- Қаерга? — деб сўради ҳайдовчи счётчикни ёқиб.
- Марияникига, — деди Бачана.
- Қаерга? — ҳайдовчи таажжубланиб орқасига қаради.
- Марияникига!..

МУНДАРИЖА

Эллада. <i>Ҳикоя</i>	5
Кукарача. <i>Қисса</i>	25
Оқ байроқлар. <i>Роман</i>	93
Абадиёт қонуни. <i>Роман</i>	253

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ»

НОДАР ДУМБАДЗЕ

АБАДИЯТ ҚОНУНИ

Ҳикоя, қисса ва романлар

Қайта нашр

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2014

Мухаррир *Барнобек Эшпулатов*
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноатов*
Рассом *Умид Сулаймонов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Компьютерда саҳифаловчи *Мастура Атхамова*
Мусахҳих *Шарофат Хуррамова*

Нашр лицензияси АІ № 201,28.08.2011 йил.

Тайёр диапозитивдан босишга рухсат этилди 18.12.2013. Бичими 84x108^{1/32}. «PeterburgUZ» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 24,36. Нашриёт-хисоб табоғи 24,0. Адади 10000 нусха. Буюртма № 2846. Баҳоси келишилган нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ISBN 978-9943-00-935-6

